Mutafakkirning so'zlariga ko'ra, falsafa – yunon faylasuflarining asarlari tarjimasi orqali Islom olamiga kirib kelganidan keyin, musulmonlar orasida ham kuchli faylasuf va sharhlovchilarning yetishib chiqishiga sabab bo'ldi. Bularning eng ilg'orlari – Forobiy va Ibn Sinodir[22]. Garchi falsafa ayrim davrlarda shariatga muxolif

[21] Mehmet Korkmaz. Taşköprülü-zâde'ye göre öğretmenlik ve öğrencilik ahlaki. Manas Journal of Social Studies, 2018. Vol.: 7 No: 3. –s. 303-304.
[22] Taşköprizade Ahmed Efendi. Mevzuatu'l Ulum, (çevirmesi – Mümin Çevik) Cild II. İstanbul, 1989 –s. 158.

sifatida ko'rilgan bo'lsada, vaqti-vaqti bilan Sharq madaniyatida o'zining eng yuqori mavqeini egallab kelgan.

Isomiddin Ahmad Toshko'prizoda qarashlarida ilgari surilgan ijtimoiy-falsafiy ta'limotlar markazida davlat, jamiyat va inson tushunchalari turadi. Mutafakkir falsafaga nisbatan idealistik pozitsiyada turib realistlarga qarshi chiqqan bo'lsada, uning qarashlarida falsafa va din bir-biriga hech qachon muholif sifatida ko'rilmagan. Ahmad Toshko'prizoda ilmiy merosining turfa-xilligi, ta'limotlari va dunyoqarashining universal fikrlarga boyligi tufayli uning falsafasiga takror-takror murojaat qilinishiga sabab bo'lib kelmoqda.

## REFERENCES

1. Taşköprizade Ahmed Efendi. Mevzuatu'l Ulum, (çevirmesi – Mümin Çevik) Cild II. İstanbul, 1989.
2. Murtaza Korlaelçi. Taşköprülüzâde ve Katip Çelebiye göre türk kültüründe felsefenin yeri. http://www.kaynakca.hacettepe.edu.tr
3. Çetinkaya B.A., Savut Harun, Meydan Hasan. Akademide felsefe hikmet ve din. Bülent Ecevit Üniversitesi Yayınları No: 3. **Zonguldak, 2014.**
4. Yasemin Yilmaz, Taşköprîzâde'nin Ahlâk-i adudiyye şerhinde aile ve devlet ahlaki. Yüksek Lisans tezi. Bursa, T.C. Bursa Uludağ Üniversitesi, 2019.
5. Mehmet Korkmaz. Taşköprülü-zâde'ye göre öğretmenlik ve öğrencilik ahlaki. Manas Journal of Social Studies, 2018. Vol.: 7 No: 3.

# IMOM TERMIZIY MA'NAVIY MEROSINING SHARQ SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O'RNI

**Abdunazarova Sevara**
Termiz Pedagogika Instituti "Ma'naviyat asoslari" yo'nalishi
1-bosqich magistranti

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada Imom Termiziy ilmiy merosining nazariy va amaliy jihatlari tahlil qilinadi. Tadqiqotda Imom Termiziyning «Sunan Termiziy» va «Shamoili Muhammadiyya» asarlarida ta'lim-tarbiyaga oid fikrlar hamda ularning Sharq ma'naviy tafakkur tarixidagi o'rni yoritilgan. Shuningdek, Imom Termiziy asarlarining zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati va yangi O'zbekistonda ularning ma'naviy hayotdagi tutgan o'rni tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Imom Termiziy, Sunan Termiziy, Shamoyili Muhammadiyya, ma'naviy meros, ta'lim-tarbiya, ilmiy meros, ma'naviy qadriyatlar.

**Аннотация.** В статье анализируются теоретические и практические аспекты научного наследия имама Термизи. В исследовании освещаются идеи образования в трудах имама Термизи «Сунан Термизи» и «Шамойили Мухаммадийя» и их место в истории восточной духовной мысли. Также будет проанализировано значение произведений имама Термизи в современном обществе и их место в духовной жизни нового Узбекистана.

**Ключевые слова:** Имам Термизи, Сунан Термизи, Шамаили Мухаммадийя, духовное наследие, образование, научное наследие, духовные ценности.

**Annotation.** This article analyzes the theoretical and practical aspects of Imam Termizi's scientific heritage. The study highlights Imam Termizi's ideas on education and upbringing in his works «Sunan Termizi» and «Shamoili Muhammadiyya» and their place in the history of Eastern spiritual thought. It also analyzes the significance of Imam Termizi's works in modern society and their place in spiritual life in the new Uzbekistan.

**Keywords:** Imam Termizi, Sunan Termizi, Shamoyili Muhammadiyya, spiritual heritage, education and upbringing, scientific heritage, spiritual values

Bugungi kunga kelib yangilanayotgan O'zbekistonda barcha sohalar qatori diniy-ma'rifiy sohada ham keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilmoqda. Ushbu islohotlarning samarasi o'laroq, yurtimizdan yetishib chiqqan ulug' allomalar, mutafakkirlar, muhaddislarning boy ilmiy-ma'naviy merosini ilmiy asosda o'rganish va ularni xalqimizning ma'naviy mulkiga aylantirish borasida izlanishlar olib borilmoqda [6].

Islom hadis ilmi rivojida o'ziga xos o'rin tutgan alloma, musulmon olamida mo'tabar hisoblanuvchi "Sihohi sitta", ya'ni olti ishonchli hadis to'plamlaridan biri "Sunan Termiziy" asarining muallifi Imom Termiziy ma'naviy merosini chuqur o'rganish borasida hozirgi kunda yurtimizda izchil chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shu maqsadda 2017-yil 14-fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Bundan tashqari 2024-yil 15-avgust kuni yurtboshimizning "Imom Termiziy tavalludining 1200-yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi qarori ham alloma ma'naviy merosini o'rganish bo'yicha huquqiy asos vazifasini bajaradi.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, Imom Termiziy (824-894) ilmiy va ma'naviy merosi bugungi kunda ham dolzarb hisoblanadi. Uning asarlari nafaqat diniy bilimlarni, balki ta'lim-tarbiya masalalarini ham qamrab olgan. Imom Termiziyning «Sunan Termiziy» va «Shamoyili Muhammadiyya» asarlari Sharq va jahon ilmiy merosida katta ahamiyatga ega. Ushbu maqolada olimning ilmiy va ma'naviy merosini tadqiq etish, ularning ijtimoiy-tarixiy ahamiyatini ochib berish maqsad qilib olingan [7].

Ilmiy manbalarda Imom Termiziyning hayoti va ijodiy faoliyati keng yoritilgan. Xususan, M. Saidov va N. Egamberdiyevning ilmiy ishlarida [4] olimning hadis ilmi rivojiga qo'shgan hissasi alohida ta'kidlangan. «Sunan Termiziy» asarida hadislarning ishonchliligi va ularning ta'lim-tarbiyadagi o'rni haqida atroflicha ma'lumot berilgan. Shuningdek, M. Boburiy tadqiqotlarida «Shamoili Muhammadiyya» asarining ma'naviy qadriyatlarni shakllantirishdagi o'rni yoritilgan [3].

Zamonaviy tadqiqotlarda Imom Termiziy asarlari yosh avlod tarbiyasida o'ziga xos didaktik manba sifatida taqdim etiladi. Ularning mazmuni faqat diniy bilimlar bilan cheklanmay, balki insoniylik, halollik, adolat kabi axloqiy qadriyatlarni targ'ib etishga qaratilgan [9].

Tadqiqot natijalariga ko'ra, Imom Termiziy asarlari nafaqat diniy bilimlar, balki ijtimoiy munosabatlar va ta'lim-tarbiyaviy jarayonlarga oid muhim ma'lumotlarni ham o'z ichiga oladi. Xususan, «Sunan Termiziy» asarida ta'lim va tarbiya masalalariga oid hadislar tahlil qilingan. Ushbu hadislar insonlarning o'zaro munosabatlarini tartibga solish, axloqiy qadriyatlarni shakllantirish va jamiyatda ijtimoiy adolatni ta'minlashga qaratilgan. Ayniqsa, yoshlarni halollik, adolat va kamtarlik ruhida tarbiyalashda ushbu hadislarning roli beqiyosdir.

«Shamoili Muhammadiyya» asari esa insoniy fazilatlarni tarbiyalashda muhim manba hisoblanadi. Ushbu asarda Payg'ambar (s.a.v) hayoti va axloqiy fazilatlari yoritilib, yosh avlodga ibrat bo'ladigan namunalar taqdim etilgan. Bu

jihatlar zamonaviy ta'lim jarayonida axloqiy tarbiyani shakllantirishda asosiy manba sifatida foydalanilishi mumkin [8].

Amaliy ish sifatida, Imom Termiziy asarlarining zamonaviy ta'lim jarayonlarida foydalanish imkoniyatlari o'rganildi. Ushbu manbalardan ijtimoiy tarbiya, axloqiy qadriyatlarni shakllantirish va ma'naviy barkamol avlodni tarbiyalashda foydalanish samarali ekanligi aniqlandi. Ta'lim muassasalarida ushbu asarlarni o'quv dasturlariga kiritish, dars jarayonlarida ma'naviy merosni targ'ib qilish va maxsus tadbirlar tashkil etish orqali yosh avlodning ma'naviy kamolotiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkinligi belgilandi.

Bundan tashqari, Imom Termiziy asarlarining zamonaviy pedagogik texnologiyalar bilan uyg'unlashtirilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Xususan, interfaol metodlar, rolli o'yinlar va muammoli ta'lim usullaridan foydalanish orqali ushbu asarlarning mazmunini o'quvchilarga yetkazish samaradorligini oshirish mumkin. O'quvchilarga amaliy topshiriqlar va guruhiy ishlar orqali axloqiy qadriyatlarni mustahkamlash imkoniyati yaratiladi.

Imom Termiziy asarlari orqali insoniy fazilatlar, vatanparvarlik va insonparvarlik tushunchalarini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu jarayon yoshlarni jamiyat hayotiga faol jalb qilish, ularning ijtimoiy faolligini oshirish va barkamol shaxs sifatida shakllanishiga yordam beradi. Tadqiqot davomida Imom Termiziy asarlarini dars jarayonlarida keng qo'llash ijtimoiy tarbiya va ma'naviy kamolotga ijobiy ta'sir ko'rsatishi aniqlandi [6].

Imom Termiziy ilmiy merosi nafaqat diniy bilimlarni, balki ijtimoiy va ma'naviy qadriyatlarni shakllantirishda muhim o'ringa ega. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, Imom Termiziy asarlari yosh avlod tarbiyasida, ularning ma'naviy va axloqiy kamolotida ahamiyatli manba hisoblanadi. Uning asarlarida ilgari surilgan axloqiy me'yorlar va insoniy fazilatlar bugungi zamonaviy jamiyatda yoshlarni komil inson qilib tarbiyalashda alohida ahamiyat kasb etadi. Kelgusida ushbu asarlarni ta'lim-tarbiyaviy jarayonlarga keng joriy etish, ularni ijtimoiy va axloqiy qadriyatlarni shakllantirishda didaktik manba sifatida foydalanish istiqbollari mavjud.

## REFERENCES

1. Abdurahmonov F. Islomiy qadriyatlar va ta'lim-tarbiya. – Toshkent. 2023.
2. Abdurahmonov U. Ta'lim-tarbiyada diniy manbalar roli. – Toshkent. 2023.
3. Boburiy M. Shamoili Muhammadiyya va ma'naviy qadriyatlar. – Toshkent. 2021.
4. Egamberdiyev N. Hadis ilmi va uning taraqqiyoti. – Toshkent. 2019.
5. Hakimov Z. Yangi O'zbekistonda ma'naviy qadriyatlar. – Toshkent. 2024.
6. Ismoilov S. Sharq mutafakkirlari va ma'naviy meros. – Toshkent. 2020.
7. Karimov A. Imom Termiziy va islom ilmiy merosi. – Toshkent. 2022.

8. Mirzayev N. Ma'naviy meros va uning yosh avlod tarbiyasidagi o'rni. – Toshkent. 2022.
9. Saidov M. Imom Termiziy hayoti va ijodi. – Toshkent. 2020.
10. Saidova G. Imom Termiziy asarlarining ta'lim-tarbiyadagi ahamiyati. – Toshkent. 2021.

# MARKAZIY OSIYOLIK MUTAFAKKIRLARNING MA'RIFATLI JAMIYAT HAQIDAGI FALSAFIY QARASHLARI VA ULARNING KONSEPTUAL AHAMIYATI

**Nilufar Norbutayevna Achilova**
O'zbekiston-Finlandiya pedagogika institiuti,
"Milliy g'oya va falsafa"kafedrasining o'qituvchisi
*Tel. (94) 251 76 62*

## ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada Yangi O'zbekistonda ma'rifatli jamiyatni shakllantirish va rivojlantirishda konseptual ahamiyatga ega bo'lgan tarixiy manba sifatida Markaziy Osiyolik mutafakkirlarning ma'rifat, ma'rifatparvarlik, ma'rifatchilik haqidagi ijtimoiy-falsafiy qarashlari qisqacha bayon qilingan bo'lib, ularning tarixiy ahamiyati va o'rni haqida so'z yuritiladi. Ma'rifatli jamiyatni bunyod etish, orzu-havasdan, reallikka aylanishi uchun ajdodlardan avlodlarga tarixiy meros sifatida o'tib kelayotgan moddiy va ma'naviy qadriyatlarga tayanib ish ko'rishni, undan mustahkam poydevor sifatida foydalanishni taqozo etadi. Chunki, poydevor qanchalik mustahkam bo'lsa, uning ustiga qo'rilgan imorat ham shunchalik bardoshli bo'ladi.

**Kalit so'zlar.** Yangilanayotgan O'zbekiston, Markaziy Osiyo, ma'rifat, ma'rifatparvarlik, ma'rifatchilik, ma'rifarli jamiyat, Markaziy Osiyo Uyg'onish davri, jadidchilik, "Avesto" ma'rifati, Islom ma'rifati, Forobiy ma'rifati, M.Behbudiy ma'rifati.

## Аннотация.

В данной научной статье кратко описываются социально-философские взгляды мыслителей Центральная Азии на просветительство, просветительство и просветительство как исторический источник, имеющий концептуальное значение в становлении и развитии просвещенного общества в Новом Узбекистане, а также рассматриваются их историческое значение и роль. Построение просвещенного общества требует работы над материальными и духовными ценностями, передаваемыми от предков к поколениям как историческое наследие, и использования их в качестве прочного фундамента. Ведь чем прочнее фундамент, тем долговечнее построенное на нем здание.

**Ключевые слова.** Обновление Узбекистан, Центральная Азия, просвещение, просветительство, просвещение, просвещенное общество, среднеазиатский ренессанс, современность, просвещение «Авесты», исламское просвещение, просвещение Фароби, просвещение М. Бехбуди.

**Abstract.**

This scientific article briefly describes the socio-philosophical views of Central Asian thinkers on enlightenment, enlightenment and enlightenment as a historical source that has conceptual significance in the formation and development of an enlightened society in New Uzbekistan, and also examines their historical significance and role. Building an enlightened society requires work on material and spiritual values passed down from ancestors to generations as a historical heritage, and using them as a solid foundation. After all, the stronger the foundation, the more durable the building built on it.

**Key words**. Renewal Uzbekistan, Central Asia, enlightenment, enlightenment, enlightenment, enlightened society, Central Asian Renaissance, modernity, enlightenment of the Avesta, Islamic enlightenment, enlightenment of Farobi, enlightenment of M. Behbudi.

•••

Markaziy Osiyoda ma'rifatli jamiyatni shakllantirish va rivojlantirish haqidagi falsafiy qarashlarning ildizi uzoq moziyga borib taqaladi. Ularda bayon qilingan fikrlar, ayniqsa ma'rifatparvarlik va jaholatparastlik o'rtasidagi kurashning yechimini topishga qaratilgan g'oyalari hozirgi kunga qadar konseptual ahamiyatga molik bo'lgan milliy-ma'naviy qadriyat sifatida muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Bunda, ya'ni tarixiy makon va zamon o'lchovlariga ko'ra, ularning qaysi biri oldin paydo bo'lgan degan savol tug'iladi?. Bu savolga javob topish qiyin albatta. Shunday bo'lishiga qaramasdan, insonning bioijtimoiy mavjudod ekanligini hisobga oladigan bo'lsak, jahl – bu hayvoniy hisning odamda mujassamlashgan ruhiy holatidir. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, hayvoniy-ruhiy jahl, johillik, jaholatga asoslangan holda jaholatparastlik vaqt nuqtayi nazaridan oldin paydo bo'lgan deyish mumkin.

Odamning ijtimoiy mavjudod ekanligi nuqtayi nazaridan qaraganda, ma'rifatga asoslangan ma'rifatchilik, odamning o'zini hayvonot dunyosidan ajratib, ilk mehnat taqsimoti chorvachilik, dehqonchilik, hunarmandchilikning kelib chiqishi oqibatida paydo bo'lgan, shakllana borgan. Chunki, dehqonchilik, chorvachilik, ayniqsa hunarmandchilik ilmni talab qilgan, ilm esa ma'rifiylik asosida ajdodlardan avlodlarga o'tib borgan. Shu sababli, kishilarning moddiy va ma'naviy hayotida katta sifatiy o'zgarishlar sodir bo'lishiga imkoniyatlar yaratilgan.

Jaholat esa insonning tabiat kuchlari oldidagi ojizligi, uning sir-asrorliklarini bilmasligi, oldin hosil qilingan ko'nikmalarga qattiq yopishib olganligi, ibtidoiy to'da yetakchilarini tan olmasliklari yoki aksincha, ularning topshiriqlarini vahshiylarcha bajarishlari tufayli ijtimoiy ahamiyat kasb eta borgan. Eng qadimgi va qadimgi davrlarda odamlar o'rtasida bo'lib o'tgan qonli to'qnashuvlar o'ta johillik bilan olib

borilgan, bu esa, o'z navbatida jaholatparastlikning ijtimoiy ahamiyat kasb etishiga sharoit yaratib bergan.

Ushbu masalaga falsafiy jihatdan yondashadigan bo'lsak, ma'rifatparvarlik va jaholastparastlik o'rtasidagi kurash bu jamiyat mavjudligining obyektiv qonuniyatlaridan biridir.

Ma'rifatli jamiyatning obyektiv reallik sifatida paydo bo'lishi, o'z navbatida tarixiy makon va zamonda mavjud bo'lgan odamlarning onglilik darajasiga bog'liqdir. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, ma'rifatli jamiyat oldiniga g'oya sifatida progressiv fikrlaydigan kishilar tomonidan bayon qilinadi, so'ngra uni amalga oshirishning konseptual asoslari ishlab chiqiladi, so'ngra shu asosda uning mexanizmlari yaratilib harakatga keltiriladi. Bu masala bir kunda, bir yilda emas, balkim uzoq vaqt davomida obyektiv va subyektiv omillarning faol ishtiroki asosida amalga oshiriladi.

Ma'rifatli jamiyatni shakllantirish va rivojlantirish masalasi, avvalo ma'rifatparvarlikdan boshlanadi . Bunga "oqsoch tarix" guvohlik beradi.

Shu nuqtayi nazardan qaraganda Markaziy Osiyoda yashab o'tgan mutafakkirlarning ma'rifatli jamiyat haqidagi falsafiy qarashlarini quyidagi davrlarga bo'lish mumkin.

**1.Qadimgi davrda shakllangan ilk ma'rifatchilik g'oyalari**. Markaziy Osiyo odamzod oyog'i tekkan eng qadimgi o'lkalardan biri. Bu o'lkada ular tomonidan: ilk san'at namunalari bo'lmish qoyatoshlarga chizilgan rasmlar; oldiniga tosh, so'ngra yog'och, keyichalik esa metallardan yasalgan mehnat qurollari, har xil taqinchoqlar, harbiy ahamiyatga ega bo'lgan qalqon, nayza, qilich, kamonlar, sapol buyumlarga yozilgan yozuvlar, mexanikaga oid arava g'ildiriaklari, shamol tegirmonlari ixtiro qilingan maskan, turar joylar, qal'alar; suv inshootlari, xullas dehqonchilik, chorvachilik, hunarmandchilik rivojiga o'zining munosib hissasini qo'shgan sivilizatsiya o'choqlaridan biri sanaladi. Bularning mavjudligi mantiqan olib qaraganda zardo'shtiylikning "Avesto" kitobida bayon qilingan desak mubolag'a bo'lmaydi.

**1."Avesto" ma'rifatchiligi.** "Avesto" ajdodlarimiz tomonidan eramizdan oldingi IX asrlarda 12 ming ho'kiz terisiga oltin suvi bilan yozilgan, eng qadimiy she'rlar, musiqa, badiiy-falsafiy tafakkur, diniy aqidalar, ilmiy mushohadalar, dunyoviy va diniy dunyoqarashlar, xullas ma'rifatchilik g'oyalarini o'zida mujassamlashtirgan eng qadimiy yozma asaridir.

"Avesto" ma'rifatchiligida ilgari surilgan g'oyalar: 1) chorvachilikni rivojlantirish uchun birinchi navbatda cho'ponlarni tayyorlash va ularga yaxshi yashashlari uchun shart-sharoitlar yaratib berish; 2) hayvonlar zoti tozaligini saqlash, ularni urchitish, sog'ligini saqlash uchun oqilona ish yuritish; 3)dehqonchilikni rivojlantirishda yerga mexanik qurilmalar yordamida ishlov berish, yerning

meliorativ holatini, pokizaligini saqlash; 4) yangi kanallar qazish, ariq-zovurlarni tozalash, yerlarni o'z vaqtida ekin ekishga tayyorlash kabilar kiradi. Masalan,"Avesto"da: " O'zoq vaqt ishlov bermay va ekin ekilmay qolgan yer eng baxtsiz zamindir. U ersiz va bolasiz yurgan qari qizga o'xshaydi. Qari qiz erga tegishini xohlagani singari, haydalmagan yer qo'shchini kutadi" [1.27.], - degan bir qator ilmiy-amaliy ahamiyatga molik bo'lgan fikrlar bildirilgan.

"Avesto" da ma'rifatchilikning tamal toshini belgilab beruvchi: " Ezgu fikr, ezgu so'z va ezgu amal ni olqishlayman, Fikr, so'z va amal olamidan ezgu fikr, ezgu so'z va ezgu amalni tanlayman" [2.34.], -degan nihoyatda chuqur mantiqiy ma'noga ega bo'lgan, ayni vaqtda yangilanayotgan O'zbekistonda ma'rifatli jamiyatni shakllantirishga asos bo'ladigan konseptual g'oya bo'lib xizmat qilishi, shubhasizdir.

**2. Markaziy Osiyo Uyg'onish davri ma'rifatchiligi**. Markaziy Osiyoda islom dini VIII-IX asrlarda urush qilish, zo'rlik ishlatish va imtiyozlar yaratish orqali joriy qilingan bo'lsa-da, keyinchalik u xalqimizning iymon-e'tiqodi va madaniyatiga aylanib qoldi.

Bu davrda arab xalifaligining madaniy markazlari bo'lgan Bag'dod va Damashq shaharlarida ilm-fan rivoji kuchayib ketdi. Buning sababi, bir tomondan, qadimgi Yunoniston mutafakkirlari (Platon, Aristotel, Galen, Gippokrat, Arximed va h.k.) ilmiy merosining kirib kelganligi bo'lsa; ikkinchi tomondan, qadimgi Xitoy va Hindiston olimlarining asarlari orqali ushbu mamlakatlar fan va madaniyatining keng yoyilishi, ularning arab mamlakatlari, So'g'd, Xorazm, Xuroson kabi o'lkalarda rivoj topgan fan va madaniyat bilan uzviy ravishda qo'shilib ketishi bo'ldi. Bu oxir-oqibatda Sharq Uyg'onish davrining boshlanishi uchun zamin tayyorladi. Ana shu zamin asosida Markaziy Osiyoda Buxoriy, Termiziy, Nasafiy, Xorazmiy, Farg'oniy, Forobiy, Ibn Sino, Beruniy, Roziy kabi bir qator mashhur allomalar yetishib chiqdi.

Markaziy Osiyo Uyg'onish davri ma'rifatchiligining o'ziga xos jihatlari. Bular quyidagilar: a)dunyoviy ma'rifatga intilish; b)tabiatni bilishga qiziqish; v) insonni, uning aqliy, tabiiy, badiiy, ma'naviy fazilatlarini ulug'lash; g)komil insonni tarbiyalash; d) qomusiy bilimga, barcha narsalarga qiziqish kabilardan iborat edi. Shuning uchun ham bu davrda yashagan mutafakkilarning kashfiyotlari jahon ilm-fani va madaniyatining rivojiga xizmat qilgan edi.

Markaziy Osiyodagi Uyg'onish davrini IX-XII asrlarni qamrab oluvchi birinchi va XIV-XVI asrlarni o'z ichiga oluvchi ikkinchi bosqichlarga ajratish mumkin.

**Forobiy ma'rifati.** Uyg'onish davrining birinchi bosqichida ijod qilgan ma'rifatchi Sharq allomalaridan biri atoqli faylasuf va axloqshunos olim Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad ibn O'zlug' ibn Tarxon Forobiydir (873-950). Sharqda «Ikkinchi muallim» deb tan olingan bu alloma o'zining «Fozil odamlar shahri»,

«Davlat arbobining hikmatlari», «Baxt-saodatga erishuv haqida» kabi bir qator asarlari bilan axloq ilmini rivojlantirishga ulkan hissa qo'shgan.

Forobiy ma'rifatidagi asosiy g'oyalardan birini kasb axloqining kelib chiqishi, xususiyatlari va hayotga tatbiq etilishi borasida quyidagi falsafiy fikrlari tashkil qiladi.: «Insonning kasb-hunar va san'atdagi fazilatlariga kelsak, bu fazilat tug'ma emasdir. Agar kasb-hunar fazilati tug'ma bo'lganida, podshohlar ham o'zlari istab va harakat qilib emas, balki podshohlik ularga faqat tabiiy ravishda muyassar bo'lgan, tabiat talab qilgan tibbiy majburiyat bo'lib qolar edi. Nazariy va buyuk fikriy fazilat, ulug' tug'ma fazilat va kasb-hunar fazilati odat-malaka bo'lib qolgan odamda bu fazilatlar irodani hosil qilishning va odatga aylantirishning sababi bo'ladi. Bunday odamlar cheksiz va juda kuchli tabiat va iroda egalaridir. Xalqlar va shahar ahllarida axloq, odob, rasm-rusum, kasb-hunar odat va irodani hosil qilish uchun insondan zo'r kuch va qudrat talab qilinadi. Bu ikki yo'l bilan, ya'ni ta'lim va tarbiya yo'li bilan hosil qilinadi. Ta'lim so'z va o'rgatish bilan, tarbiya esa amaliy ish, tajriba bilan bo'ladi» [3.284.].

Forobiyning fikricha, ma'rifatni, eng avvalo, fozillar shahrining hokimi amalga oshirmog'i kerak. Buning uchun esa : «Hokim Allohdan boshqa hech kimga bo'ysunmasligi kerak. U tabiatan to'rt muchali sog'-solim bo'lib, o'ziga yuklangan vazifalarni bajarishida biror a'zosidagi nuqson halal bermasligi zarur, aksincha, u sog'-salomatligi tufayli bu vazifalarni oson bajarishi lozim» [4.244.].

**3. Islom dini ma'rifatchiligi**. Diniy ma'rifatchilik buyuk ajdodlarimiz Imom Buxoriy, Imom Moturidiy, Hakim Termiziy, Ahmad Yassaviy, Bahouddin Naqshband, Alisher Navoiy kabi allomalar tomonidan izchillik bilan amalga oshirilgan ishlar tufayli islom dini ma'naviyat va ma'rifat olamida odamlarning e'tiqodiga aylandi. Shuning uchun ham bo'lsa kerak Hakim at-Termiziy "Kitob bay-an-al-ilm" nomli risolasida ma'rifatni nur, yorug'likka qiyoslagan edi.

Islom dinidagi ma'rifatchilikning eng asosiy g'oyalaridan birini *" Ilm egallang! Ilm – sahroda do'st, hayot yo'llarida – tayanch, yolg'izlik damlarida – yo'ldosh, baxtiyor daqiqalarda – rahbar, qayg'uli onlarda – madadkor, odamlar orasida – zebu ziynat, dushmanlarga qarshi kurashda – quroldir"* degan hayotiy fikrlar tashkil qiladi.

" Hadis"lardan ma'rifatchilikni tarannum etuvchi namunalar quyidagilardan iborat:

" Sizlarga bir gap aytaman, yodlab qolinglar, dunyo to'rt kishinikidir: 1. Alloh taolo bir bandaga mol bergan va ilm bergan. U bandaga berilgan mol va ilmning tasarrufida taqvo qiladi va silai rahm qiladi. Ilmi va molidan Alloh uchun haq ajratadi. Bu eng afzal o'rin. 2. Bir banda bor, Alloh unga ilm bergan, lekin mol bermagan. Lekin uning niyati to'g'ri: Agar Alloh menga mol bersaydi falonchiga

o'xshab sarf qilardim, Bu shu niyatiga qarab teng ajr oladi. 3. Bir banda bor. Alloh unga mol bergan, ilm bermagan. Mol tasarrufida Alloxdan qo'rqmaydi. Molidan qarindoshlariga bermaydi. Bu esa eng yomon o'rindir. 4. Bir banda bor. Alloh unga mol ham, ilm ham bermagan. U aytadiki: agar Alloh menga ham bergandaydi falonchiga o'xshash ish qilardim. U shu niyati bilan o'sha kishiga barobar hisoblanadi (savob va gunoxda)" [5.79.]

**4. Markaziy Osiyodagi yangi davr – jadidlar ma'rifatchiligi.** XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Markaziy Osiyo xalqlarining milliy harakatlarini g'oyaviy-ma'rifiy tayyorlab bergan va ularni ruhlantirib turgan ma'rifatparvarlar orasida Zavqiy, Muqimiy, Furqat, Avaz O'tar o'g'li, Ahmad Donish, M.Behbudiy, Munavvar qori, A.Fitrat, A.Cho'lpon, Abdulla Avloniy, Tavallo kabi siymolarni e'tirof etish lozim. O'zida millat ozodligi va yurt farovonligi yo'lida mardona kurashgan, bu yo'lda ko'p qurbonlar bergan jadidlar harakati ma'rifatchilikning yorqin ifodasi edi. Shuningdek, ma'rifatchilik insoniyatning bir jamiyatdan ikkinchi jamiyatga, bir tarixiy davrdan boshqa tarixiy davrga o'tishi muhim ahamiyat kasb etadi. Zamonaning eng yetuk, ongli, oq-qorani tanigan, fidoyi, elim deb, yurtim deb yashovchi, uzoqni ko'zlovchi ma'naviyatli siymolari ma'rifatchilik bilan shug'ullanadi. Ma'rifatparvarlar odatda davr uchun, jamiyatning buguni va kelajagi uchun muhim bo'lgan g'oyalarni ko'tarib chiqadi va shu g'oyani amalga oshirish uchun izchil kurash olib boradi. Har bir davrning o'z ma'rifatparvarlari bo'ladi. Masalan, Ahmad Donish 1869 yilda, ya'ni yurti vassalga aylantirilgan davrda «Biz — o'zbeklar qachongacha g'aflat uyqusida yotamiz, qachon qoloqlikdan qutulamiz», deya fikr yuritgan. Bu qoloqlikdan qutulish yo'lini u ma'rifatda ko'radi, xalqni ma'rifatli bo'lishga chorlaydi. Keyinroq boshqa ma'rifatparvarlar ham shu g'oyani o'z asarlarida ilgari surganlar.

XIX asrning oxiri va XX asrning boshida vujudga kelgan jadidchilik harakati vakillari bu borada ibratli ishlarni amalga oshirganlar. Ular 1906 yildan boshlab, Turkistonda «Taraqqiy», «Xurshid», «Tujjor», «Samarqand», «Oyina», «Buxoroyi Sharif», «Umid» kabi gazeta va jurnallar chiqarganlar, bosmaxona va nashriyotlar, kutubxonalar, teatrlar, yangicha maktablar ochganlar, xayriya jamiyatlarini tuzganlar, o'tmish madaniyatimizni, tariximizni targ'ib qilish bilan birga olamshumul yangiliklarni ham ommaga yetkazishga harakat qilib, dunyoviy bilimlarni ham chuqur egallashga da'vat etganlar. Ma'rifatchilar xalqni milliy uyg'onishga da'vat etib, «Najot-ilmu irfonda» deb bilganlar, xalqni ma'naviyat yo'liga boshlashga harakat qilganlar [6.540-541.].

Misol tariqasida bu davr ma'rifatchilik g'oyalarini M.Behbudiyning falsafiy – ma'rifiy qarashlarida ko'rib chiqaylik.

**Behbudiy ma'rifati.** Mahmudxo'ja Behbudiy (187–1919 yy.) islohni maktab va madrasalardan boshlash erur, chunki millat hayoti ta'lim-tarbiya bilan belgilanadi, deydi[7. 1-son] . Bizning boylarimiz o'zlarining savodsizligi uchun ham sinadilar, chunki ular savdo qilish, moliyaviy operatsiyalarni olib borish ishlarini bilmaydilar[8.2-son]. Agar biz madaniyat va iqtisod sohalarida boshqa millatlarga qaram bo'lishni istamasak, biz milliy sudyalar, advokatlar, o'qituvchilar, davlat arboblari, injener, savodli tijoratchilarni tayyorlashimiz zarur. Ular savdo idoralari va banklarda bizga yordam berishlari, bizni manfaatlarimiz, dinimizni himoyachilari bo'lmoqlari zarur. Busiz bizni kunimiz sanoqlangandir. Masala shunday ekan, siz hurmatli vatandoshlar, o'z farzandlaringizni din va millatga xizmat qilmoqlari uchun zamonaviy bilimga o'rgatishga harakat qilishingiz zarur, millat va dinga faqat bilim va mablag' bilan xizmat qilish mumkin [9.10-son].

Barcha millatlar o'z farzandlarini din va millatga sodiq bo'lish ruhida ta'lim beradilar. Shuning uchun ular maktabga alohida ahamiyat beradilar. Bizda mana shuni his qilish yo'q. Biz din va millatni himoya qiluvchi ishonarli va mustahkam vositaga ega bo'lmog'imiz shart. Bu vosita — maorifdir[10.41-son.] .

Behbudiy ikki darajadagi mutaxassislar tayyorlash zarurligini maslahat beradi. Birinchi darajadagilar diniy ma'lumot egalari. Bular xalqning ma'naviy nasihatgo'ylari, islomning pokligini saqlovchilardir. Ikkinchi darajadagilar zamonaviy bilimga ega bo'lganlar. Bular musulmonlar manfaatlarini ijtimoiy hayot sohasida himoya qiladilar. Shuning uchun, deydi Behbudiy, o'quvchilarni Makka, Madina, Misr va Istambulga yuborish bilan birga, Rossiyaning universitetlari va texnik o'quv yurtlariga yuborish kerak. Bundan tashqari yangi usul maktablariga o'quvchilar tayyorlash uchun Kavkaz, Qrim, Orenburg va Qozon shaharlariga ham o'quvchilar yuborish zarurligini uqtiradi[11.7-son] .

M. Behbudiy til o'rganish masalasida turk xalqlarining lug'at fondidan arab va fors so'zlarini butunlay chiqarib tashlab bo'lmaydi, chunki bu so'zlar asrlar davomida singib kelgan va ma'lum tarixiy sabablarga ko'ra shu darajada uyg'unlashib ketganki, ularni chiqarib tashlash turk xalqlarini o'zaro yaqinlashtirish o'rniga uzoqlashtirishi mumkin. Masalan, «mehmon» so'zini olaylik. Bu so'z aslida fors tilidan kirib kelgan bo'lsada turk uchun ham, fors uchun ham tushunarli, «kunak» so'zi faqat turk uchun tushunarli xolos. To'g'ri, bizning tilimizga turk so'zlarini kiritish kerak, biroq sun'iy yo'l bilan emas, asta-sekinlik bilan maqsadga muvofiq bo'lgandagina. Musulmonlarni birlashtiruvchi eng to'g'ri yo'l bu fors, arab, turk va rus tillarini o'rganishdir. Biz uchun fors tili madrasa va ulamolar tili, arab tili dinimiz tili bo'lsa, turk tili Turkiston aholisining asosiy qismining tilidir. Rus tili biz uchun nihoyat zarur, chunki biz rus tilini bilmasdan turib savdo, sanoat taraqqiyoti, din va millat uchun xizmat qila olmaymiz. Arab tili din uchun qanchalik zarur bo'lsa,

rus tilini bilish ham bizning hayotimiz uchun shunchalik zarurdir. Agar arab tilini bilmasak dinni, rus tilini bilmasak boylikni qo'ldan chiqaramiz. Turk va fors tillari haqida gapirishning hojati yo'q. Chet tillaridan birini — ingliz, fransuz yoki nemis tilini bilish ham millat uchun zarurdir[12.12-son.] .

Shunday qilib ma'rifatning asl mohiyatini M.Behbudiyning quyidagi:" «Ilm-ma'rifatsiz hech bir millat ...hayot maydonida tura olmas. Xoh ul millat hokim, xoh millat mahkum bo'lsin, ilm ma'rifatdan mahrum bo'lganligi uchun boshqa san'at va hunar toji bo'lgan millatlarning oyog'i ostida ezilurga majburdirlar... Boy bo'lgan millat albatta dunyoda yashay oladur. Ul millatning diniga emas, hatto milliyatiga va shaxsiyatiga hech kim tega olmaydir... Hunarlik va boy bo'lmoq uchun nima lozimdir? Albatta, ilm va ma'rifat lozimdir... Hunarli va ma'rifatli bo'lgan millatlarning xalqlari faqir va bechora bo'lib, darvishlar qiyofasiga kirib, gadoylik qilib yurmaydilar»[13.452.] ,– degan so'zlaridan anglab olish mumkin.

Jadidlarning rahnomasi bo'lgan M.Behbudning mazkur fikrlari yangi O'zbekistonda ma'rifatli jamiyatni shakllantirish va rivojlantirishda konseptual ahamiyatga ega bo'lgan manba sifatida xizmat qilishi haqiqat singari ravshandir.

**Xulosa:**

Ma'rifatli jamiyat — bu har tomonlama dunyoviy va diniy ilmlarni egallagan, insonning barcha huquqlari ta'minlangan, aholisining turmush darajasi yuqori bo'lgan, yoshlarni ajdodlardan avlodlarga o'tib kelayotgan qadriyatlarni egallash orqali o'zligini namoyon qiladigan, tinchlik, adolat, insonparvarlik, bag'rikenglikni oliy saodat deb biladigan kishlar hamjamiyatidir. Bunday jamiyatni shakllantirish uchun davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev yozganidek:" Shu munosabat bilan, odamlar, birinchi navbatda, yoshlarning ongu tafakkurini ma'rifat asosida shakllantirish va tarbiyalash eng muhim vazifadir. Va bunda mamlakatimiz asrlar davomida jahon sivilizatsiyasining ajralmas qismi, umuminsoniy madaniyat markazlaridan biri bo'lib kelganligini aks ettiradigan ilmiy-tarixiy va ijtimoiy-falsafiy konsepsiyani samarali amalga oshirish lozim"[14.289.]

## REFERENCES

1. Ҳомидий Ҳ. "Авесто"дан "Шоҳнома"га.- Т.:"Шарқ",2007.- Б.46-47.
2. Авесто.Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001. – Б.34.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри – Т.:Янги аср авлоди, 2016. – Б.283-284.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б.244.
5. Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Т.:Камалак,1991. – Б.79.

6. Бегматов А. Маърифат. Маърифатчилик//Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б.540-541.
7. «Ойна», Самарқанд, 1913.1-сон.
8. «Ойна»,Самарқанд,1913.6-сон.
9. «Ойна», Самарқанд,1913,7-сон,1914,31-сон,1915,10-сон.
10. «Ойна»,Самарқанд,1914.41-сон.
11.«Ойна»,Самарқанд,1913.7-сон.
12. «Ойна»,Самарқанд,1915,12-сон.
13. Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдли. Ж. 1. – Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 452.
14. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: ”Ўзбекистон” нашриёти,2022. – Б.289

# THE PHENOMENON OF AN OPEN SOCIETY AND THE TASKS OF EDUCATION IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY

**Azamatova Gulrukh Islom qizi**[1,]
[1]Doctoral student of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
[2]Lecture of the Tashkent International University of Education
E-mail: t420@tiue.uz

**Abstract:** In this article, the author examines Karl Popper's concept of an open society and its importance for education. The author analyzes the basic principles of an open society and their importance in education. The importance of Popper's philosophy for the development of the education system of New Uzbekistan is emphasized.

**Keywords:** education, society, open society, critical thinking, rationality, falsifiability.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada muallif Karl Popperning ochiq jamiyat tushunchasi va uning ta'lim uchun ahamiyati haqida so'z yuritadi. Muallif ochiq jamiyatning asosiy tamoyillari va ularning ta'limdagi ahamiyatini tahlil qiladi. Yangi O'zbekiston ta'lim tizimini rivojlantirishda Popper falsafasining ahamiyati ko'rstailgan.

**Kalit so'zlar:** ta'lim, jamiyat, ochiq jamiyat, tanqidiy fikrlash, ratsionallik, falsifikatsionizm.

**Аннотация:** В данной статье автором рассматривается концепция открытого общества Карла Поппера и ее значение для образования. Автор анализирует основные принципы открытого общества и их значение в образовании. Подчеркивается значимость философии Поппера для развития системы образования Нового Узбекистана.

**Ключевые слова:** образование, общество, открытое общество, критическое мышление, рациональность, фальсификационизм.

Today, the education system on a global scale is undergoing significant transformations that are in the context of intercultural changes, which in one way or another also affects social development. Education itself is a phenomenon of intercultural philosophy, and therefore it is important to understand its place in the development of civilization [1, 85]. The philosophy of the 20th century is rich in

various concepts and teachings, but the most influential of them is Karl Popper's concept of an open society, which is a comprehensive philosophy. One of the central places in Popper's concept is education as a tool for the formation of critically minded individuals capable of resisting dogmatism and violence. However, first let's look at what an open society is for Popper.

So, Popper points out that there are two types of societies – open and closed. If a closed society is characterized by total control of the state machine and the absence of individual freedom, then in an open society individuals have freedom of thought, critical judgment and political choice. Such a society is based on the principles of democracy, human rights, rational thinking and reasonable resolution of the basic issues of society. Interestingly, if collectivism is inherent in a closed society, then an open society is characterized by individualism and personal freedom, autonomy from society [2, 7]. One of the main principles of an open society is the falsifiability of various ideas and concepts, hypotheses and theories, which is also the cornerstone of Popper's philosophy of science. The philosopher argues that the ability of society to change and correct its mistakes through rational dialogue is the key to its sustainability and progressive development.

Speaking about an open society and criticizing various political and philosophical models of a closed society, Popper points out that education plays a great role in an open society, since it:

1. Builds the ability of critical thinking.
2. Fosters respect for sound reasoning and intellectual honesty.
3. Teaches the principle of falsifiability and openness of knowledge to revision.
4. Promotes tolerance and respect for pluralism.

At the same time, Popper always criticized dogmatic education, which focuses only on memorizing facts and uncritical perception of information [3, 74]. Instead, Popper proposed a model of education based on dialogue, doubt, and hypothesis testing. And since education is an important foundation of an open society according to Popper, its development is one of the most important tasks for society. It must be said that in the context of post-truth, information wars and the increasing polarization of society, critical education is becoming an important tool for combating manipulation and radical ideologies. Therefore, Popper's ideas about education are more relevant than ever. In addition, the concept of an open society continues to influence educational reforms in one way or another, emphasizing the importance of democratic institutions, freedom of speech and a scientific approach in shaping public opinion.

In the progressive development of the New Uzbekistan, Karl Popper's ideas are becoming particularly important in the further reform of the republic's education, its

inclusion in the global education space and the introduction of innovative teaching methods that are close to the principles of an open society [4, 128]. From the point of view of Popper's ideas, important steps are to increase the political culture of individuals, develop their openness to discussion and strengthen civil society. Popper's open society demands the rejection of blind adherence to traditions and the imposition of the only true views, and the development of pluralism of opinions in the field of education serves the progress of the country.

Karl Popper left a significant legacy in philosophy by developing the concept of an open society as a contrast to dogmatism and totalitarianism. His ideas about education as a key element in the formation of a free and rational society remain relevant today. In the context of modern challenges related to the information space, virtual manipulation and ideological polarization, Popper's principles can serve as important guidelines for the development of the educational system. In the context of the development of the New Uzbekistan, these ideas are especially important for building an open, modernized society based on the principles of freedom, progress and critical thinking.

## REFERENCES

1. Karimov R., Naumenko O., Saidova K., Elmuratov R., Bekbaev R. The Phenomenon of Education in the Context of an Intercultural Philosophical Approach // Wisdom. – 2022. – №4(24). – P.84-90.

2. Popper K.R. The Open Society and its Enemies. Volume 1. The Spell of Plato. – London, 1947.

3. Popper K.R. The Open Society and its Enemies. Volume 2. The High Tide of Prophecy. Hegel, Marx, and the Aftermath. – London, 1947.

4. Azamatova G. The influence of the open society theory on the socio-cultural aspects of modern education: some reflections // MMIT Proceedings, 2024. – P.128-129.

# BOBURIYLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA HINDISTONDA HINDIY VA SANSKRIT TILLARINING AHAMIYATI

**A. V. Abdusalimov**
Toshkent davlat transport universiteti tayanch doktaranti
*abrorabdusalimov94@gmail.com*

**Annotatsiya:**

Ushbu maqolada Hindistonda Boburiylar sulolasi hukmronligi davrida (asosan XVI–XVIII asrlar) yuzaga kelgan madaniy, diniy va adabiy sintez jarayonlari tahlil qilinadi. Tadqiqotda Boburiylar hukmdorlari, xususan Akbar, Jahongir va Shoh Jahon tomonidan yaratilgan bag'rikenglik, dinlararo muloqot va o'zaro ta'sir muhiti yoritiladi. Ayniqsa, Akbar tashabbusi bilan sanskrit va hind tilidagi muhim matnlarning fors tiliga tarjima qilinishi, shuningdek, Bhakti harakati vakillari va tasavvuf (so'fiylik) olimlari ta'limotlari orqali shakllangan diniy va madaniy mushtaraklikka alohida e'tibor qaratiladi. Maqolada fors adabiyoti an'analarining hind madaniyati bilan uyg'unlashuvi natijasida paydo bo'lgan boy hind-fors adabiy merosi ham o'rganiladi.

**Kalit so'zlar:** Boburiylar davri, sintez, Islom, Hinduizm, so'fiylik, Bhakti harakati, hind-fors adabiyoti, Akbar, madaniy muloqot.

**Аннотация:**

В данной статье анализируются процессы культурного, религиозного и литературного синтеза, возникшие в период правления династии Бабуридов в Индии (в основном в XVI–XVIII веках). В исследовании освещается атмосфера терпимости, межрелигиозного диалога и взаимного влияния, созданная правителями Бабуридов, особенно Акбаром, Джахангиром и Шах-Джаханом. Особое внимание уделяется инициативе Акбара по переводу важных санскритских и хинди-текстов на персидский язык, а также религиозному и культурному единству, сформированному под влиянием учений представителей движения Бхакти и суфийских мыслителей. Также в статье рассматривается богатое индо-персидское литературное наследие, возникшее в результате слияния персидской литературной традиции с индийской культурой.

**Ключевые слова:** эпоха Бабуридов, синтез, ислам, индуизм, суфизм, движение Бхакти, индо-персидская литература, Акбар, культурный диалог.

**ABSTRACT**

This article analyzes the processes of cultural, religious, and literary synthesis that emerged during the reign of the Baburid dynasty in India (mainly from the 16th to the 18th centuries). The study highlights the atmosphere of tolerance, interreligious

dialogue, and mutual influence created by Baburid rulers, particularly Akbar, Jahangir, and Shah Jahan. Special attention is paid to Akbar's initiative in translating significant Sanskrit and Hindi texts into Persian, as well as to the religious and cultural commonality shaped through the teachings of the Bhakti movement representatives and Sufi scholars. The article also explores the rich Indo-Persian literary heritage that resulted from the fusion of Persian literary traditions with Indian culture.

**Keywords:** Baburid period, synthesis, Islam, Hinduism, Sufism, Bhakti movement, Indo-Persian literature, Akbar, cultural dialogue.

**KIRISH**

Boburiylar imperiyasi (1526–1858) Hindiston tarixida nafaqat siyosiy jihatdan muhim o‘rin tutgan, balki madaniyatlar, tillar va dinlararo aloqalar rivojlangan, keng qamrovli uyg‘unlik davri bo‘lgan. Zahiriddin Muhammad Bobur asos solgan bu sulola, o‘zining yuksak ma’rifiy, adabiy va madaniy qadriyatlari bilan Hindiston yerida yangi sivilizatsion bosqichni boshlab berdi. Boburiylar, ayniqsa Akbar, Jahongir, Shoh Jahon va Avrangzeb kabi hukmdorlar davrida Hindistonda fors, arab va mahalliy hind unsurlari bir-biriga singib ketdi. Bu jarayon nafaqat davlat boshqaruvi yoki diniy siyosatda, balki adabiyot, san’at, me’morchilik va falsafiy qarashlarda ham yaqqol ko‘zga tashlandi.

Boburiylar sulolasi vakillarining ko‘pchiligi o‘z davrining yirik adabiyotshunosi, tarixchisi va diniy mutafakkiri bo‘lib, ular hind madaniyati, san’ati, hatto sanskrit tilidagi asarlarni tarjima qilish orqali islom va hindu tafakkurining o‘zaro boyishiga xizmat qildilar. Ayniqsa Akbarshohning diniy bag‘rikenglik siyosati turli din va mazhab vakillarini bir maydonga jamlab, g‘oyaviy va ma’naviy uyg‘unlik uchun zamin yaratdi.

**MUHOKAMA VA NATIJALAR**

Umuman olganda, Islomning hinduizm bilan aloqasi natijasida yuzaga kelgan turli diniy, madaniy va adabiy rivojlanishlar va yangiliklar Boburiylarning hamma uchun “tinchlik” va “adolat” tamoyillariga bo‘lgan sadoqatini aks ettirdi. Bu yondashuv, garchi ortodoksal islomdan chetlashgan bo‘lsa-da, diniy masalalarga nisbatan bag‘rikenglik qarashlari va ijtimoiy muvozanat tushunchasi nuqtayi nazaridan siyosiy ma’noga ega edi. Ijtimoiy tartibni saqlashga qaratilgan bu sa’y-harakatlarda til muhim ahamiyat kasb etdi.

Boburiylar xonadoni o‘zlarining turk tiliga bo‘lgan uzoq yillik muhabbatidan tashqari, hindiy va Hindistonning boshqa tillariga ham qiziqish bildirgan. Sufiy shoir Mavlono Doud o‘zining **“Lour Chand”** nomli hind adabiyotidagi birinchi sufiyona muhabbati qissasini yaratgan bo‘lsa, Bobur davrida Malik Muhammad Jaisiy tomonidan hind adabiyotining sufiy an’analariga mansub mashhur **“Padmavat”**

("Padma haqida doston" yoki "Padma qissasi") yozilgan mashhur dostoni vujudga keldi. Shuningdek, boburiy hukmdor Akbar nafaqat fors she'riyatini sevgan, balki Ajmerdagi Muiniddin Chishti maqbarasida so'fiylar tomonidan kuylangan hindiy qo'shiqlardan ham zavq olgan. Aytishlaricha, u bir oz hindiy tilidan ham xabardor bo'lgan va Jahongir tomonidan hindiy tilidagi barcha bilimlarini unga Lal Kalavant ismli shaxs o'rgatgani aytib o'tilgan. Bado'iyning yozishicha, Kalpilik **Mahdaviylardan** biri Burhoniddin 1559 yilda Chunarda o'zining go'zal ilohiy hindiy she'rlarini ijro etgan. Tarixiy manbalarda Boburiy hukmdorlari uchun ijod qilgan bir qator hindiy shoirlari haqida ma'lumotlar keltiriladi.

Jumladan, Boburiylar tarixchisi Abul Fazl tomonidan yozilgan **"Ain-e-Akbari"** yoki **"Akbarnoma"** (so'zma-so'z tarjimasi "Akbar qoidalari" yoki "Akbar qonunlari va tuzumi") va **"Muntakhab-ut-Tavarix"** (so'zma-so'z tarjimasi "Tanlangan tarixlar" yoki "Tanlangan voqealar tarixi") asarlarida keltirilgan ma'lumotlarga ko'ra hind adabiyotidagi Bhakti yo'nalishi shoirlaridan biri **"Sant Shiromani"** ("avliyolar avliyosi") Surdas imperator Akbarning saroy shoiri va musiqachisi bo'lgan. Ushbu shoirlardan yana biri otasi Jahongir homiyligida, bobosi Akbar homiyligida, o'zi esa Shoh Jahon homiyligida bo'lganini faxr bilan ta'kidlagan. Shoh Jahon, shuningdek, hindiy va fors tillarida ijod qilgan hamkasblari orasida teng ravishda hurmat qozongan taniqli **"mahakaviray"** – ("Buyuk shoirlar sultoni"**)** Sundar Dasni o'z saroyida bosh shoir sifatida tayinlagan edi.

Sundar Das Gvaliyorda yashagan hindlarning brahman tabaqasiga mansub mashhur shoir bo'lib, u Boburiylar hukmdori Shohjahon saroyidagi asosiy shoirlardan biri edi. Uning she'riyatdagi iste'dodi sababli unga dastlab **"kaviray"** ("Shoirlar rahbari" yoki "Buyuk shoir") va keyinchalik **"mahakaviray"** ("Buyuk shoirlar sultoni" yoki "Eng ulug' shoir") unvonlari berilgan. Uning asarlari orasida **"Sundar Shringar"** ("Go'zal bezak" yoki "Go'zal muhabbat") alohida e'tiborga loyiq bo'lib, bu asar 1688-yilda yozilgan va unda **"Nayika bheda"** (qahramon ayollar turlari) mavzusi yoritilgan. Bundan tashqari, Sundar Dasning yana ikkita mashhur asari **"Singhasan Battisi"** ("Taxtning 32 hikoyasi"), va **"Barhamasa"** ("O'n ikki oy") mavjudligi ma'lum. Sundar Dasning she'riyati o'z davrining adabiy an'analari va Boburiylar saroyining madaniyati bilan uyg'unlashgan. Uning ijodi Hindiston adabiyotining boy an'analarini va madaniy xilma-xillikni aks ettiradi.

Akbar va Jahongir davridagi hind adabiyotining eng mashhur shoirlaridan biri, ilohiyotshunos Gosvami Tulsidas (vaf. 1623) boburiylar saroyidagi buyuk shaxslar, masalan, Mirzo Raja Man Singh va Xonzoda Mirza Xon Abdul Rahim (Xon-i-Xonan) bilan juda yaqin munosabatda edi. Ayniqsa, Xon-i-Xonan uning yaqin do'sti bo'lgan. Abdur Rahim Xon-i-Xonan o'zining juda go'zal va nozik hindiy she'rlari bilan tanilgan bo'lib, ular bugungi kunda ham yuksak qadrlanadi. U ko'p

tillarda ijod qilgan adabiy dahodir. U nafaqat forsiy shoirlarni qo'llab-quvvatlagan, balki ko'plab hindiy shoirlarga ham ehtirom ko'rsatgan va ularga bag'ishlangan she'rlar yozgan.

Akbarning kenja o'g'li Shahzoda Daniyal hindiy she'riyatni juda yaxshi ko'rar va bu tilda bir nechta she'rlar yozgan. Shuningdek, hindiy tilida she'rlar yozgan Taj ismli musulmon shoirasi bo'lganligi ham ta'kidlanadi. U o'zining bir she'rida: "Men musulmon bo'lib tug'ilgan bo'lsam-da, Krishnaning chiroyiga maftun bo'lib, o'zimni hindistonlik deb bilaman". deydi

XVI va XVII asrlarda ko'plab amirlar hindiy tilini sevishini ochiq aytganlar. Ular orasida Akbar davrida Gujaratda yashagan so'fiy shoir Xub Muhammad Chishti ham bor edi. U gujaratiy va hindiy tillarida bir qator muhim asarlarning muallifi bo'lgan.

Shoh Jahon davrida hind she'riyatiga bo'lgan qiziqish davom etdi. Shoir Maniram Kavi Shoh Jahonning yangi poytaxti Shohjahonobod (hozirgi Dehli) qurilishi munosabati bilan she'rlar yozgan. Yana bir hind shoiri, Pandit Rasagangadhar, Shoh Jahon tomonidan **"mahakaviroy"** ("Saroy shoiri") unvoni bilan taqdirlanganida, unga o'z og'irligicha kumush berildi.

Hindlar munajjim sifatida muhim rol o'ynaganligi sababli, hindiy tilida astrologiyaga oid bir qator asarlar yozilgan.

Boburiy hukmdorlar va amirlar orasida sanskrit yozuvlariga qiziqish ancha vaqtdan beri mavjud edi. Masalan, **"Amritakunda"** (sans. – "Abadiy hayot nektari" yoki "Eliksir") asari arab tiliga **"Bahr al-hayot"** ("Hayot dengizi") sifatida tarjima qilingan edi. Ammo aynan Akbar hukmronligi davrida hindlarning muqaddas tili bo'lgan sanskritga hukumat tomonidan alohida e'tibor qaratildi. Shu davrda Akbar saroyida hindiy va jayn mualliflari tomonidan bir qator original sanskrit asarlari yaratildi.

1592 yilda jayn olimlaridan biri bo'lgan Samayasmidarji Lohurda o'z sanskrit asarini Akbarga taqdim qilish uchun keldi va buning e'tirofi sifatida **"upadhyaya"** ("Ustoz", "O'qituvchi" yoki "Diniy yo'lboshchi") unvoni bilan taqdirlandi.

Shoh Akbarning asosiy maslahatchilaridan biri Birbal edi. Akbar o'z hukmronlik davrida to'qqiz kishidan iborat **"Navaratan"** ("To'qqiz Gavhar") deb ataluvchi o'zining asosiy maslahatchilari jamoasini tuzadi. Birbal ushbu "To'qqiz Gavhar" orasida eng mashhurlaridan biri bo'lib, o'zining aql-zakovati va donoligi bilan tanilgan. Birbal shoir, faylasuf va Akbarning yaqin do'sti edi. Aytilishicha, Birbalning o'limi haqidagi xabar Akbarga yetib kelganda, u hushidan ketib yiqilgan. O'ziga kelganidan so'ng uch kun davomida ovqat yemagan va chuqur qayg'uga tushgan.

Rudra Kavi mashhur sanskrit shoiri bo'lib, u Boburiylar davrida o'z asarlari bilan tanilgan. U sanskrit tilida Xon-i-xonon Abdur Rahim, Akbarning o'g'li Daniyal va Jahongirning o'g'li Xurram (keyinchalik Shoh Jahon) sharafiga she'rlar yozgan. Rudra Kavi asarlari nafaqat saroy ahlini maqtashi bilan, balki o'sha davr siyosiy va ijtimoiy muammolarini aks ettirgani bilan ham mashhur edi. U Boburiylar saroyidagi shoirlar va panditlar orasida katta obro'-e'tibor qozongan. Uning asarlaridan biri asosiy maqsad sifatida ziyorat soliqlarini bekor qilish uchun Boburiylar hukmdorlarini ishontirish bo'lgan, bu esa hindular uchun bahsli masala edi. Rudra Kavi o'z ijodi orqali hind va musulmon madaniyatlari o'rtasidagi uyg'unlikni targ'ib qilgan va sanskrit adabiyotini boyitgan.

Sanskrit tilida astronomik, astrologik va tibbiy asarlar yaratilgan. Akbar sanskrit olimlaridan hind huquqiy masalalari bo'yicha ta'lim olgan. Moliya vaziri Todar Mal sanskrit tili, uning adabiyoti va madaniy roli haqida to'liq ensiklopediya tuzgan.

Vaqt o'tishi bilan imperiya hududida so'zlashiladigan turli tillar grammatikasini yaxshiroq bilish zarurati tobora ko'proq anglana boshlandi. XVII asrning o'rtalarida turk tilining grammatikasi va qo'llanmasini yaratishga harakat qilindi, shuningdek, Aurangzeb davrida sanskrit tilining grammatikasi yozildi. 1643-yilda, Shoh Jahon hukmronligi davrida, **Vadangaraya** ismli bir kishi tomonidan Hagoliya ("Astronomik" yoki "osmoniy") terminologiyasiga bag'ishlangan forscha-arabcha-sanskritcha lug'at yaratilgan edi.

**"Amrtakunda"** ("Amrit havzasi" yoki "Abadiyat havzasi") asari juda erta bengal tiliga tarjima qilingan. Bu asar **"so'fiylik"** ("sufi" – bu islomiy tasavvuf an'anasining izdoshlari bo'lgan shaxslarni ifodalaydi. Tasavvuf islomning ma'naviy va ichki yo'lidir, u Allohga yaqinlashish, ruhiy poklanish va ma'naviy mukammallikka erishishga qaratilgan) va **"yoga"** ("yoga" – qadimgi Hindistonda paydo bo'lgan jismoniy, ma'naviy va ruhiy amaliyotlar tizimi bo'lib, sanskrit tilidagi **"yuj"** so'zidan kelib chiqqan. Bu so'z "birlashtirish", "bog'lash" yoki "uyg'unlashish" ma'nosini anglatadi. Yoga inson ongini tanasi va ruhi bilan birlashtirishga, shuningdek, oliy haqiqat yoki ilohiylik bilan uyg'unlikka erishishga qaratilgan) an'analarining ma'naviy va falsafiy qarashlari uyg'unlashgan. Ushbu asarda ruh, tafakkur va ma'naviy kamolot sir-asrorlari haqida so'z yuritiladi. Shuningdek, buyuk so'fiy Muhammad G'avs Gvaliyoriy (Muhammad Gvaliyoriy (1500-1562) XVI asrda yashagan Shattoriy silsilasining mashhur so'fiy ustozi, avliyo, bastakor va "Javohir al-Xams" ("Besh Gavhar" asarining muallifi edi) izdoshlari qo'lida yana bir tarjima nusxasi bo'lgan. Nizom Panipatiy ismli bir kishi ikki pandit yordamida "Yoga Vasishta" (bu qadimgi hind falsafasi va ma'naviy adabiyotlar orasida mashhur bo'lgan insonning ichki xotirjamlikka va ma'naviy

uyg'unlikka erishish yo'llarini o'rgatuvchi asar) asarining qisqartirilgan tarjimasini tayyorlagan va uni valiahd shahzoda Salim Jahongirga bag'ishlagan.

Sanskrit ertaklari to'plamlarining turli tarjimalari XVI asrda islom olami orqali G'arbga yetib borgan. Masalan, **"Panchatantra"** "Besh tarmoq" yoki "Besh ta'limot" va **"Hitopadesa"** ("Foydali maslahatlar" yoki "Yaxshi nasihatlar") kabi asarlar shular jumlasidandir. "Panchatantra" asari Humoyunga bag'ishlab **"Mufarrih al-qulub"** ("Qalblar shifosi") nomi bilan tarjima qilindi edi. **"Tutinoma"** ("To'ti kitobi" yoki "To'ti hikoyalari") dastlab sankrit tilida bo'lgan, Ziyoiddin Naxshabiy tomonidan fors tilida qayta hikoya qilingandan so'ng Hindistonda mashhur bo'lib ketgan. Bu asar 52 ta hikoyadan iborat bo'lib, unda bir to'ti qush bir necha kecha davomida o'z egasiga hikoyalar aytib beradi. Ushbu hikoyalar odatda axloqiy saboq va hayotiy maslahatlarni o'z ichiga oladi.

Tutinama o'zining ajoyib miniatyurasi bilan mashhur bo'lib, bu asar Boburiylar davrida, xususan Akbar zamonida katta e'tibor qozongan. Bu to'plam Turkiya va Yevropada ham katta qiziqish bilan qabul qilingan.

Xuddi shunday, "Panchatantra" masallari VIII asr oxirlaridayoq arab tiliga "**Kalila va Dimna"** nomi bilan tarjima qilingan edi. Akbarning tashabbusi bilan Abul Fazl uni fors tiliga **"Ayi-i Donish"** ("Bilim eliksiri" yoki "Donolikning nektari") nomi bilan tarjima qilgan. Chunki bu asarning avvalroq Husayn Boyqaroning Hirot saroyida yaratilgan va **"Anvor-i Suhayliy"** ("Suhayliy yulduzlar nuri") deb atalgan versiyasi Akbar uchun juda murakkab edi. Ushbu asarning islom dunyosida ko'plab miniaturalar bilan bezatilgan qo'lyozma versiyalari mavjud.

Akbar boshqa tarjima tashabbuslarini ham rejalashtirgan edi. Uning birinchi maqsadi musulmonlarni hind eposi **"Mahabharata"** ("Buyuk Hindiston") bilan tanishtirish edi, shuning uchun u ushbu asarni **"Razmnama"** ("Urushlar kitobi" yoki "Janglar kitobi") nomi ostida tarjima qildirgan. Ushbu loyihada mashhur tarixchi va tarjimon Bada'uni ham ishtirok etgan.

Bada'uni sanskrit tilini o'zi o'rgangan va buyuk olim bo'lib yetishgan, shuningdek, ko'plab sanskrit asarlarini fors tiliga tarjima qilgan. U tomonidan tarjima qilingan "Ramayana" asari ko'proq noroziliklarni keltirib chiqargan. Ramayana xon-i-xononning studiyasida tasvirlar bilan bezatilgan va keyinchalik Akbarga taqdim etilgan. Ramayana - bu hind madaniyatining buyuk eposlaridan biri bo'lib, uni qadimgi shoir Maharshi Valmiki sanskrit tilida yozgan. Ushbu epos Bhagvan Ram hayoti, uning ideallari va vazifalarining hikoyasidir.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda, Boburiylar davri Hindistonda diniy, madaniy va adabiy uyg'unlikning yorqin namunasi bo'lib, bu davrda shakllangan o'zaro

bag'rikenglik tamoyillari bugungi kungacha muhim ahamiyatga ega. Hind va musulmon xalqlari o'rtasidagi tarixiy aloqalar, ayniqsa, adabiyot, til, san'at va diniy qarashlar orqali chuqur ildiz otgan va o'zaro boyib borgan.

Boburiy hukmdorlar, ayniqsa Akbarshoh, o'zining keng dunyoqarashi va barcha dinlarga ochiqligi bilan Hindistonda diniy totuvlik va madaniy uyg'unlikka asos solgan. Uning tashabbusi bilan tashkil etilgan "Ilohiy Majlis" turli din vakillarining o'zaro muloqot va fikr almashinuvi uchun muhim maydon bo'ldi. Bu esa nafaqat diniy bag'rikenglikni, balki ilm-fan, adabiyot va san'atning taraqqiy etishini ham ta'minladi.

Adabiyot sohasida hind-fors tillarining sintezi asosida urdu tili shakllanib, bu tilda yozilgan asarlar musulmon va hindu falsafasini birlashtiruvchi ko'prikka aylandi. G'olib, Faiziy, Abul Fazl kabi ijodkorlar o'z asarlarida ilohiy ishq, insoniylik, dunyo va oxiratga oid falsafiy g'oyalarni sharqona uslubda ifodalab, hind madaniy qadriyatlari bilan uyg'unlashtira oldilar.

San'at va me'morchilikda ham bu uyg'unlik yorqin ifodasini topdi. Masalan, Taj Mahal inshooti hindcha bezaklar, musulmoncha gumbazlar va forsiy bog'sozlik an'analarini birlashtirgan muazzam obidadir. Miniatyura san'atida esa hindiy ranglar, musulmon siymolari va sufiy mavzular uyg'unlashgan.

Shuningdek, sufiylik va Bhakti harakati orqali musulmon va hindu xalq orasida ruhiy-axloqiy mushtaraklik kuchayib, bu harakatlar xalq orasida o'zaro tushunish va madaniy singishuvga asos bo'ldi.

Boburiylar davri Hindistonda madaniy, diniy va adabiy uyg'unlikning oltin davridir. Bu davrda shakllangan ruhiy-ma'naviy birlik, adabiy aloqalar va diniy bag'rikenglik bugungi kunda ham xalqlararo totuvlik va madaniyatlararo muloqot uchun ibratli namuna bo'lib xizmat qiladi. Boburiylar merosi bugungi zamonaviy Hindiston va musulmon olamining o'zaro tarixiy rishtalarini mustahkamlovchi boy madaniy xazinadir.

## REFERENCES

1. Chishti, M. (1992). Ghalib: His Life and Thought. New Delhi: Oxford University Press.
2. Behl, R. (2008). Love, War, and the Making of the Mughal Empire. Delhi: Oxford University Press.
3. Siddiqi, M. (2007). Cultural Synthesis during the Mughal Period: The Rise of Persian and Sanskrit Literature. Lahore: Ferozsons Publishers.
4. Zahir, A. (2010). The Mughal Empire: Religion, Society, and Culture. Cambridge: Cambridge University Press.

# BUXORO XONLIGIDA MAVJUD SOLIQ VA MAJBURIYATLARNING DINIY-HUQUQIY ASOSLARI

**Barotov Sirojiddin Bahridinovich**
*Mirzo Ulug'bek nomli O'zMU tadqiqotchisi*
sirojiddinbaratov1985@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada Buxoro xonligidagi soliq tizimi va iqtisodiy majburiyatlarning diniy-huquqiy asoslari tahlil qilinadi. Tadqiqot davomida xonlikda amal qilgan zakot, ushr, xiroj kabi shariat qoidalariga asoslangan soliqlar o'rganilib, ularning huquqiy asoslari va amaliy mexanizmlari tahlil qilinadi. Soliq tizimining shakllanishi, uning ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy tuzilmalarga ta'siri, shuningdek, shariat va mahalliy odat huquqi doirasidagi o'zaro bog'liqliklar yoritiladi. Shuningdek, tadqiqotda tarixiy manbalar hamda diniy-huquqiy matnlarga tayanilgan holda Buxoro xonligining iqtisodiy boshqaruv modeli tahlil qilindi.

**Kalit so'zlar:** shayboniylar, ashtarxoniylar, fiqh, shariat, zakot, ushr, xiroj, "Buyuk devon", devoni kalon, "Tanob daromadlari hisobi devoni", "tanop puli", mushrif, daftardor, tanho, ixrojot, boj, obikor, lalmikor, "Xiroji muazzaf", "Xiroji vazifa", tanob, funt, hashar, begor, mardikor, jufti gov, qo'nalg'a, dorug'ona, zobitona, muhassilona, "dorug'agi", "kafsan-darg'a", "zobitona"

## ABSTRACT

This article analyzes the tax system and economic obligations in the Bukhara Khanate from a religious-legal perspective. The study examines taxes based on Sharia principles, such as zakat, ushr, and kharaj, as well as fiscal burdens related to state governance, exploring their legal legitimacy and practical mechanisms. It also investigates the formation of the tax system, its impact on socio-economic and political structures, and the interrelations between Sharia law and local customary law. Furthermore, by relying on historical sources and religious-legal texts, the research provides an in-depth analysis of the economic governance model of the Bukhara Khanate.

**Key words:** shaybanids, ashtarkhanids, fiqh, sharia, zakat, ushr, kharaj, Buyuk devon, devoni kalon, tanob daromadlari hisobi devoni, tanop payment, mushrif, daftardor, tanho, ikhrojot, customs duty (boj), obikor, lalmikor, xiroji muazzaf, xiroji vazifa, tanob, funt, hashar, begor, mardikor, jufti gov, qo'nalg'a, dorug'ona, zobitona, muhassilona, dorug'agi, kafsan-darg'a, zobitona.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется налоговая система и экономические обязательства в Бухарском ханстве с религиозно-правовой точки зрения. В ходе исследования изучены налоги, основанные на шариатских нормах, такие как закят, ушр, харадж, а также фискальные нагрузки, связанные с государственным управлением, с акцентом на их юридико-легитимные основания и практические механизмы. Рассматривается формирование налоговой системы, ее влияние на социально-экономические и политические структуры, а также взаимосвязь между шариатом и местным обычным правом. Кроме того, на основе исторических источников и религиозно-правовых текстов проводится анализ экономической модели управления Бухарского ханства.

**Ключевые слова:** шайбаниды, аштарханиды, фикх, шариат, закят, ушр, харадж, Буюк девон, Девони калон, таноб даромадлари хисоби девони, таноп пули, мушриф, дафтардор, танхо, ихроджат, бож, обикор, лалмикор, хироджи муаззаф, хироджи вазифа, таноб, фунт, хашар, бегор, мардикор, джуфти гов, куналга, доругъона, забитона, мухассилона, доругъаги, кафсан-дарга, зобитона.

## KIRISH

Buxoro xonligi Markaziy Osiyodagi eng yirik va ta'sirli davlatlardan biri bo'lib, uning siyosiy va iqtisodiy tuzilishi islomiy huquq, shariat qoidalari va mahalliy an'analar asosida shakllangan. Xonlikda soliqlar va iqtisodiy majburiyatlar nafaqat davlat boshqaruvi va ijtimoiy tartibni ta'minlash, balki diniy tamoyillar asosida ham belgilangan. Soliq tizimi asosan shariat qoidalariga asoslanib shakllangan bo'lib, uning tarkibida zakot, ushr kabi diniy asosga ega bo'lgan soliqlar muhim o'rin tutgan. Shu bilan birga, xonlik iqtisodiy barqarorligini saqlash maqsadida turli dunyoviy soliqlarni ham joriy etgan. Bu soliqlarning huquqiy asoslari nafaqat fiqhiy manbalarga, balki xonlikning o'ziga xos boshqaruv tizimiga ham tayanib belgilangan. Mazkur tadqiqotda Buxoro xonligidagi soliqlar va iqtisodiy majburiyatlarning diniy-huquqiy asoslari tahlil qilinadi. Bu jarayonda islom huquqi (fiqh), mahalliy qonunlar va tarixiy hujjatlar asosida soliq tizimining shakllanishi, uning ijtimoiy va iqtisodiy hayotga ta'siri o'rganiladi. Shuningdek, soliq yig'ish mexanizmlari va ularning xonlikdagi boshqaruv tizimi bilan uyg'unligi tahlil qilinadi. Buxoro xonligida hukm surgan ashtarxoniylar davrida ham davlat xazinasini boyitishning asosiy manbai soliqlar edi. Bu davrda nafaqat avvalgi sulolalar davrida mavjud bo'lgan soliqlar va majburiyatlar saqlanib qolgan balki, yangilari joriy qilingan va borlarining miqdori oshirilgan. Xonlikda soliqlar va iqtisodiy masalalar bilan shug'ullanuvchi ancha murakkab boshqaruv tizimi mavjud edi. Bu masalalar bilan shug'ullanuvchi asosiy davlat muassasalari va amaldorlar - *"Buyuk devon"*

(devoni kalon), *"Tanob daromadlari hisobi devoni"* (devoni tanobona), *mushrif* va *daftardor* bo'lgan[23]. Ular viloyatlar va ularga bo'ysunuvchi hududlardagi soliq tizimi xodimlari faoliyatini muvofiqlashtirib turganlar. Xonlikning iqtisodiyot va soliq tizimi sohasidagi asosiy boshqaruv idorasi-Buyuk devon bo'lib, davlat idoralarining daromadlari va xarajatlari, tanho yerlaridan olinadigan daromadlar va barot tizimi tushumlari masalalari bilan shug'ullangan. Tanobona devoni xiroj yerlaridan olinadigan daromadlarni nazorat qilgan.

Xonlikda soliqlar hajmini belgilashda va undirilishida shariat qoidalariga amal qilinardi. Soliqlarni yig'ib olishda shariat qoidalari bilan amalda hukmdorlar va amaldorlarni manfaatlariga xizmat qiladigan an'analar ham mavjud edi. Soliqlar muddatidan avval yig'ib olingan yoki, o'zboshimchalik bilan oshirilgan. Bu esa, o'z navbatida asosiy soliq to'lovchilar bo'lgan dehqonlarning zimmasiga og'ir yuk bo'lardi. Xiroj, ixrojot, boj kabi asosiy soliqlardan tashqari har xil katta va kichik soliq va yig'imlar undirilgan. Xonlikda asosiy soliq to'lovchilar dehqonlar, hunarmandlar, chorvadorlar va savdogarlar edi. Xonning qarindoshlari va uning muruvvatiga sazovor bo'lganlar, harbiy yurishlarda o'zini ko'rsatgan sarkardalar va etakchi din ulamolari barcha soliqlardan ozod etilgan[24]. Aholi soliqlardan tashqari mavsumiy va majburiy ishlarga jalb qilingan, favqulodda vaziyatlarda qo'shimcha to'lovlar to'laganlar. Ashtarxoniy hukmdorlardan Subhonqulixon (1681-1702) davrida soliqlar miqdori etti barobar oshirilib, bira to'la yig'ib olingan[25]. Bu soliqlar davlat xazinasini boyitsa-da, aholi zimmasiga og'ir yuk bo'lib, ularning turmushini og'irlashtirardi. Bu kabi holatlar aholi orasida noroziliklarni keltirib chiqargan. Buxoro xonligida mavjud bo'lgan ko'plab soliq va yig'imlarni uchta asosiy guruhga bo'lish mumkin. Bular: 1) yirik mulkdorlarning majburiyatlari; 2) davlat xazinasiga to'lanadigan asosiy soliqlar; 3) favqulodda holatlarda yig'iladigan soliq va yig'imlar. Ashtarxoniylar davlatida ham oldingi sulolalar davridagi kabi asosiy soliq turi bu-xiroj(mol) edi. Xirojning hajmi hosilning 1/5 qismidan 1/3 qismigacha bo'lgan miqdorda belgilangan. Bunda yerning obikor yoki lalmikor ekanligi, sifati, joylashuvi va bozorga uzoq yaqinligi hisob olingan[26]. Bu davrda asosan xirojning ikki turi mavjud edi. Birinchisi, "Xiroji muazzaf" yoki "Xiroji vazifa"[27] deb nomlanib, uning

[23] Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. Т. V. М., Л., 1948. -С. 141-142./Вильданова А.Б. Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях // Письменные памятники Востока. Ежегодник 1968. М., 1970. -С. 41-42.

[24] Xoliqulov A. "Chiroqchi bekligining Buxoro amirligi siyosiy-iqtisodiy hayotida tutgan o'rni" (XIII-XX asr boshlari). Tarix, mustaqillik, milliy g'oya. (Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari), Toshkent., 2001. 198- b.

[25] Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. 2. Душанбе, 1989. -С. 317.

[26] Ахмедов Б. А. История Балха. (XVI-первая половина XVIII в. ) Т., «Фан», 1982. -С. 143.

[27] Семёнов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства б. Бухарского ханства. Ташкент, 1929. -С. 22. // Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населённых мест округа. СПб, 1874. -С. 216.

miqdori ekiladigan ekin turiga emas balki, ma'lum yer maydonining hajmidan kelib chiqib belgilangan. Bu soliq natura shaklida yig'ilgan. Xirojning bu turi xonlikning ayrim tumanlarida ekin ekiladigan har bir tanob[28] yerdan yetti yarim funt[29] miqdoridagi mahsulot (don) hisobida yig'ib olingan. Ba'zan esa, yiliga ikki marta bahor va kuz faslida har bir tanob erdan 1 tangadan pul hisobida undirilgan[30]. Ikkinchisi, "Xiroji muqassam" deb nomlanib, ma'lum belgilangan erda etishtirilgan hosil hisobidan olingan. Bu turdagi xiroj har bir tanob erdan hosilning 1/8 qismidan 1/5 qismigacha bo'lgan miqdorda yig'ib olingan[31]. Bundan ko'rinadiki, xiroj solig'i ham natura shaklida, ham pul shaklida olingan. Bunda soliq olinadigan erning sharoiti hisobga olingan. Yig'ilgan ijara solig'ining barcha turlari hukmron toifa vakillari, yirik mulkdorlar va din ulamolari manfaatlari uchun xizmat qilgan. Mehnatkash xalqni esa, xonavayron qilgan. Yer solig'ini muddatidan oldin yig'ib olish yoki o'zboshimchalik bilan oshirish hollari uchrab turgan[32]. Xonlikda o'troq aholidan ushr ham yig'ilgan. Ushr xiroj to'lamaydigan xususiy erlardan olingan soliq turi bo'lgan[33]. Ya'ni bu soliq xonlikning musulmon aholisiga tegishli bo'lgan ushr erlaridan olingan. Ular o'zlariga tegishli bo'lgan er-maydonlarini sug'orishda daryo, ko'l, quduq yoki boshqa suv manbalaridan foydalanganlar va buning evaziga davlatga hosilning o'n foizi miqdorida soliq to'laganlar[34]. Buxoro xonligida mavjud bo'lgan yana bir soliq "*tanobona*" yoki *"tanop puli"* deb nomlangan. Bu soliq sug'oriladiga ekin maydonlaridan va bog'dorchilik xo'jaliklaridan undirilgan. Ushbu soliqning miqdori erdan foydalanish va uning unumdorligiga qarab baholangan[35]. Tanobona solig'i natura shaklida undiriladigan "molu jihat" yoki ushr soliqlaridan farqli ravishda pul ko'rinishida to'langan. Tanobona solig'i, asosan, mevali bog'lar, uzumzorlar, sabzavot-poliz maydonlari, chorva ozuqasi uchun em-xashak etishtiriladigan joylar va o'tloqlardan yig'ilgan[36]. Shundan kelib chiqib, tanobona xarakteriga ko'ra, davlat er solig'ining mustaqil turi bo'lib, faqatgina muayyan sug'oriladigan erlarga tatbiq etilgan soliq majburiyati bo'lgan. Buxoro xonligi er soliq tizimi islom huquqiy normalariga asoslangan bo'lib, tanobona solig'ining

[28] Tanob (arab. — chilvir, arqon) 1 tanob yer maydoni — 8.33 sotix.
[29] 1 funt — 0,453592 kg miqdordagi og'irlik o'lchovi
[30] Семёнов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства б. Бухарского ханства. Ташкент, 1929. -С. 22.
[31] Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населённых мест округа. СПб, 1874. -С. 216. // Семёнов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства б. Бухарского ханства. Ташкент, 1929. -С. 22.
[32] Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. 2. Душанбе, 1989. -С. 317.
[33] Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе, -С. 315.
[34] Ханыков Н.А. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843. -с. 114-115.
[35] Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII-XIX в.в. Ташкент. 1954. -с. 89.
[36] Семёнов А.А. Очерк, -с. 52.

undirilishi mahalliy qonuniy asoslar bilan mustahkamlangan. Ubaydullaxon II farmonlari bu borada muhim manbalardan biri hisoblanadi. Ushbu farmonlarga ko'ra, sug'oriladigan erlardan olinadigan soliqlar qat'iy tartibga solingan va soliq yukini pasaytirish yoki oshirish xonning bevosita farmonlari bilan amalga oshirilgan[37]. Yer egalari va dehqon xo'jaliklari davlat soliq majburiyatlarini bajarishlari shart bo'lgan, aks holda yer egasi muayyan huquqlardan mahrum qilinishi mumkin edi. Soliq tizimidagi qonunbuzarliklar mahalliy mirzalar va vakillar tomonidan tekshirilgan hamda aybdorlarga nisbatan huquqiy jazo choralarini qo'llash amaliyoti mavjud bo'lgan. Xonlikda avvaldan mavjud bo'lgan va muhim hisoblangan soliqlardan biri zakotdir. Zakot – odatda chorva mollari, hunarmandchilik mahsulotlari, tovarlar va umuman mulkdan 1/40 nisbatda olinadigan umumiy soliq edi[38]. XVII-XVIII asrlarda zakot solig'i xonlikdagi qimmatbaho ma'danlar qazib olinadigan yirik viloyat bo'lgan Badaxshonning yoqut, lazurit, kumush, oltin va boshqa konlaridan ham olinardi. Yuqorida aytib o'tganimizdek, asosiy soliqlardan tashqari turli xil soliqlar va yig'imlar hamda mehnat majburiyatlari Buxoro xonligi aholisi zimmasiga og'ir yuk bo'lardi. Mehnatkash fuqarolar *hashar, begor, mardikor, jufti gov, qo'nalg'a, dorug'ona, zobitona, muhassilona* kabi soliq va majburiyatlarni bajarishlari shart bo'lgan[39]. Dorug'ona Buxoro xonligida yig'ilgan ko'plab soliqlardan biri bo'lib, natura shaklida yig'ilgan. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, dorug'a atamasi temuriylar davrida mahalliy boshqaruv idorasining boshlig'iga nisbatan ishlatilgan, ya'ni mahalliy amaldorlarga. Keyinchalik *"dorug'agi"* shaklidagi soliq sifatida mavjud bo'lgan. Dorug'agi solig'i qishloqlardan soliq yig'uvchi amaldor-dorug'a foydasiga yig'ilgan[40]. XIX asrda ham Buxoroda dorug'a lavozimidagi amaldor faoliyat yuritgan. U kichik bo'lgan ma'muriy hududlarni boshqaruvchi va qishloqlardan soliq yig'uvchi amaldor hisoblangan. Uning foydasiga aholidan *"kafsan-darg'a"* yig'imi undirilgan[41]. Xonlikda mehnatkash aholidan undirilgan yig'imlardan biri *"zobitona"* edi. Shayboniylar davrida zobit unvoni soliq tizimiga mutasaddi bo'lgan davlat amaldoriga nisbatan ishlatilgan. Uning vazifasi xonlikning soliq tizimini boshqarish, hosildorlikni hisobga olish, yer solig'ini aniqlash va yig'ish ishlarini tartibga solish bo'lgan. Ushbu amaldor ta'minoti uchun yer egalari va dehqonlardan zobitona solig'i undirilgan[42]. Bulardan tashqari xonlikda yana juda

[37] Чехович О.Д. Документы, -с. 89-99.
[38] Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений, -с. 82.
[39] Махмудов Н. Земледелие и аграрных отношения в Средней Азии в XIV-XV вв. Душанбе. 1966. -с. 79-85
[40] Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. К истори и феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв. Москва-Ленинград. 1954. -с. 37.
[41] Семёнов А.А. Очерк, -с. 35.
[42] Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов, -с. 38.

ko'plab soliq va yig'imlar, aholi majburiyatlari mavjud bo'lgan. Ularning asosiy og'irligi mehnatkash aholi zimmasiga yuklangan.

## REFERENCES

**1.** Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре // Советское востоковедение. Т. V. М., Л., 1948. -С.
**2.** Вильданова А.Б. Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях // Письменные памятники Востока. Ежегодник 1968. М., 1970.
**3.** Xoliqulov A. "Chiroqchi bekligining Buxoro amirligi siyosiy-iqtisodiy hayotida tutgan o'rni" (XIII-XX asr boshlari). Tarix, mustaqillik, milliy g'oya. (Respublika ilmiy-nazariy anjumani materiallari), Toshkent., 2001.
**4.** Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. 2. Душанбе, 1989.
**5.** Ахмедов Б. А. История Балха. (XVI-первая половина XVIII в. ) Т., «Фан», 1982.
**6.** Семёнов А.А. Очерк поземельно-податного и налогового устройства б. Бухарского ханства. Ташкент, 1929.
**7.** Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населённых мест округа. СПб, 1874.
**8.** Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. 2. Душанбе, 1989.
**9.** Ханыков Н.А. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.
**10.** Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве XVII-XIX в.в. Ташкент. 1954.
**11.** Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений. Ташкент. "ФАН". 1966.
**12.** Махмудов Н. Земледелие и аграрных отношения в Средней Азии в XIV-XV вв. Душанбе. 1966.
**13.** Иванов П.П. Хозяйство джуйбарских шейхов. К истори и феодального землевладения в Средней Азии в XVI-XVII вв. Москва-Ленинград. 1954.

# TEXNOGEN SIVILIZATSIYA HAQIDA QUR'ONI KARIM OYATLARIDA BAYON ETILGANLIGI

**Ochilov Jamshid Abdurashidovich**
falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi huzuridagi Malaka oshirish markazining
Samarqand viloyati mintaqaviy filiali direktori

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada zamonaviy texnika va texnologiyalarni rivojlanishi hamda islom manbalarida zamonaviy texnik kashfiyotlar bayon etilganligi ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar:** texnogen sivilizatsiya, naqliyot, kosmik raketa, sun'iy intellekt, kompyuter, telefon, internet.

**Annotation:** This article discusses the development of modern technology and engineering, as well as the representation of contemporary technical discoveries in Islamic sources.

**Key words:** man-made civilization, transportation, space rocket, artificial intelligence, computer, telephone, internet.

**Аннотация:** В этой статье обсуждается развитие современных технологий и инженерии, а также отражение современных технических открытий в исламских источниках.

**Ключевые слова:** рукотворная цивилизация, транспорт, космическая ракета, искусственный интеллект, компьютер, телефон, интернет.

Jahonda bo'layotgan kashfiyotlar barchasi inson omiliga xizmat qilib kelmoqda. Bu esa insoniyatning turmush tarzini har tomonlama yaxshilanib borishiga zamin yaratmoqda. Har bir davrda insonlarga xizmat qiladigan vositalar bo'lgan. Misol uchun avvallari insonlar uzoq safarga chiqayotganlarida otlar, eshaklar, tuyalardan foydalangan holda manzillariga uzoq vaqt oralig'ida noqulay ob-havo, turli qiyinchiliklar bilan yetib borishgan. Vaqtlar o'tishi bilan insoniyat bunday uzoq safarlarni zamonaviy vositalar avtomobil, poyezd, samolyot, kemalar va shunga o'xshash texnika vositalari yordamida tez fursatda bosib o'tmoqda hamda qisqa vaqt oralig'ida o'z manzillariga yetib bormoqdalar. Hatto, koinotni o'rganish uchun kosmik raketalarimiz uchmoqda. Buning natijasida osmon jismlari, sayyoralar ustida ilmiy-tadqiqotlar olib borilmoqda. Bu jarayonlarga xizmat qilayotgan zamonaviy texnika va texnologiyalarning o'rni beqiyosdir.

Hozirgi jamiyatga xizmat qilayotgan zamonaviy texnika va texnologiyalar ya'ni texnogen sivilizatsiya haqida Qur'oni karimda bayon etilganmi degan savol ko'pchilikni qiziqtirsa kerak, deb o'ylayman.

Bu borada Qur'oni karimning bir qancha oyatlarida ma'lumotlar keltirilganligini ko'rishimiz mumkin va ularning ba'zi birlariga to'xtalib o'tish maqsadga muvofiqdir. Xususan, Alloh taolo Nahl surasida marhamat qiladi: "U yana minishingiz uchun va ziynat sifatida otlar, xachirlar va eshaklarni(yaratdi). Yana, sizlar (hali) bilmaydigan narsalarni ham yaratur" (8-oyat)[43]. Ya'ni, Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari «Tafsiri Hilol»da ushbu oyatning tafsirida jumladan shunday deydilar:

"O'sha paytlarda ulov – naqliyot (transport) vositasi sifatida tuyadan tashqari ushbu oyatda zikr qilingan ot, xachir va eshaklardan ham foydalanilar edi. Shu bilan birga, bu hayvonlar egalari uchun ziynat ham hisoblangan. Ya'ni, ularni minib yurgan kishilarga boshqalar havas bilan qarashar edi. Mazkur ulovga ega bo'lish jamiyat ichida o'ziga yarasha obro' va ziynat sanalardi. Bular ham Allohning insonga yaratib bergan o'ziga xos ne'matlaridir. Insof bilan tafakkur qilgan odam mazkur ne'matlarni ato etgan Zotga shukr qilishi, Unga doim hamdu sanolar aytib, iymon keltirib, ibodatga bel bog'lashi lozim.

"...va siz bilmaydigan narsalarni yaratur", deyilmoqda.

Ya'ni, Alloh taolo kelajakda sizlar uchun tuya, ot, xachir va eshakdan boshqa siz bilmaydigan naqliyot (transport) vositalarini yaratadi. Darhaqiqat shunday ham bo'ldi. Ushbu oyat tushgan davrda mavjud bo'lmagan, havoda uchadigan, suvda suzadigan va yerda yuradigan ko'plab naqliyot vositalari vujudga keldi. Bu esa, o'z navbatida, Qur'oni karim mazkur ("va siz bilmaydigan narsalarni yaratur") jumlasi ila mo'min-musulmonlarni kelajak yangiliklaridan xabardor qilayotganiga dalolatdir. Yangilari paydo bo'lganida avvalgi ulovlarni g'arib sanamaslik kerak. Balki Qur'onda zikr qilingan ne'matlardan biri edi, deb ulardan to'g'ri foydalanishga o'tish lozim bo'ladi"[44].

Jahonning bugungi manzarasi tubdan o'zgarmoqda. Uning texnik va texnologik imkoniyatlari kun sayin rivojlanib, sun'iy intellekt barcha sohalarga tizimli ravishda joriy etilmoqda. Zamonaviy ilm-fan va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadal taraqqiy etib borayotgan sharoitda rivojlangan mamlakatlarda davlat va jamiyat boshqaruvi, iqtisodiyot, sanoat, ijtimoiy himoya, ta'lim, tibbiyot, bandlik, qishloq ho'jaligi, mudofaa, xavfsizlik, turizm kabi muhim sohalarda zamonaviy axborot texnologiyalari va sun'iy intellekt imkoniyatidan keng foydalanishmoqda.

Sun'iy intellekt texnologiyalariga veb qidiruv tizimlari, tarjimon dasturlari, o'zini-o'zi boshqaradigan avtomobillar va hakozalarni keltirib o'tish mumkin. Sun'iy

[43] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси- Т.: «Hilol-Nashr» 2013.-Б. 268.

[44] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Тафсири Ҳилол.3-жуз. -Т.: «Hilol-Nashr», 2022.-Б. 311.

intellektda tarjimon vositasi chet tilini tushunish va gaplashish imkonini beruvchi bo'lib, insonlar dunyo mamlakatlariga sayyohat qilishni osonlashtirmoqda va turli millatli xalqlar o'rtasida muloqot mexanizimlarini yaxshilashga xizmat qilmoqda.

Alloh taolo Qalam surasida: "Qalam bilan va satrlarga yozadigan narsalar bilan qasam", - deb, marhamat qiladi (1-oyat)[45]. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari «Tafsiri Hilol»da ushbu oyatning tafsirida, jumladan shunday deydilar:

"Qalam" surasi eng avval tushgan suralardan biridir. O'sha paytda Arabiston yarimorolida o'qishni, yozishni, qalam tutishni biladigan odam deyarli yo'q edi. Payg'ambarimiz sollallohu alayhi vasallamning o'zlari ham o'qib-yozgan, qo'llarida qalam tutgan emas edilar. Lekin Qur'onning dastlabki tushgan suralaridan birida o'qish-yozish va ilm-ma'rifat boshlanmasa, qalam bilan qasam ichilishining o'zi bir mo''jizadir. Bu hol Qur'on ilm kitobi, islom ilm dini, Muhammad sollallohu alayhi vasallam ilm Payg'ambari ekanligining yorqin dalilidir. Lekin oyatda qasam faqat qalam bilan cheklanib qolgani yo'q, balki Alloh taolo satrlarga yoziladigan narsalar bilan ham qasam ichgan. Mana, bizning zamonamizga kelib qalamdan boshqa yozuv qo'llanmalari ham chiqdi. Masalan, yozuv mashinalari, bosmaxonalar, EHMlar va hokazolarni sanab o'tishimiz mumkin[46].

Ushbu oyatning tasdig'i o'laroq Alloh taoloning bandalariga bildirgan ilmi orqali vujudga kelgan texnika vositalaridan kompyuter texnikasi, mobil aloqa vositalari, internet tarmog'ini keltirishimiz mumkin.

Bu buyuk texnogen kashfiyotlar barcha sohalarga jadallik bilan kirib keldi va insoniyat taraqqiyotida keskin o'zgarishlarga sababchi bo'ldi. Bugungi kunda zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan foydalanmaydigan deyarli biror soha qolmadi. Xususan, kompyuterda hisoblash, yozish, o'qish, o'rganish, gapirish, saqlash, chizish, qayta ishlash, saralash, musiqa yozish, axborot olish yoki uni uzatish, tahrirlash, audio va video yaratish, onlayn o'qishlar, video anjumanlar o'tkazish, ob-havo ma'lumotlarini aniqlash va hokazolarni kompyuter texnologiyasiz tasavvur qilish qiyin. Bu texnika va texnologiya vositalari o'z navbatida, insonlar hayotini yanada yaxshilashga va samarali mehnat qilishga asos bo'lib xizmat qilmoqda.

Yana bir texnik vositalarimizdan telefon apparati bo'lib, insonlarning uzog'ini yaqin qilish va ular o'rtasidagi mehr-oqibatni bog'lovchi bo'lib qolmay, har bir inson sohasidan kelib chiqqan holda unumli foydalish uskunasiga aylanib bo'ldi. Ushbu zamonaviy aloqa vositasi shiddat bilan rivojlanib, televizor, radio, kitob va gazeta-

[45] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси- Т.: «Hilol-Nashr» 2013.-Б. 564.
[46] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф Тафсири Ҳилол.6-жуз. -Т.: «Hilol-Nashr», 2022.-Б. 224-225.

jurnallar, ovoz yozgich, fotoapparat va boshqa judayam ko'p imkoniyatlarni o'zida jamlagan bu vosita bugun ko'pchilikning ajralmas do'stiga aylanib ulgurdi.

Bunday texnik vositalar esa qisqa vaqt oralig'ida insonlarga zamonaviy ilm-fanni yetkazish va jamiyatda sog'lom ijtimoiy-ma'naviy muhitni shakllantirishga xizmat qilmoqda. Bu esa jamiyatimizning asosiy maqsadlaridan biridir.

Xulosa qilib aytganda, ushbu zamonaviy ulovlar va texnik vositalar bugungi kunda butun dunyodagi insonlar uchun qaysidir ma'noda og'irini yengil, uzog'ini yaqin va mushkulini oson bo'lishiga xizmat qilayapti. Ayniqsa, ushbu zamonaviy texnologiyalar orqali bugun insonlar minglab kitoblarni birgina qo'lidagi telefonida o'qishi, butun dunyodagi namoz vaqtlari, qibla ko'rsatkichi, ob-havo ma'lumotlarini kuzatib borishi va zaruriy iqtisodiy va mulkiy masalalarni ham shu birgina apparat orqali bajarib kelayotgani Alloh taoloning insonlarga bergan ulug' ne'matlaridan hisoblanadi.

Bu yaratilgan texnika va zamonaviy vositalardan faqat yaxshilik yo'lida, insonlarga manfa'ati tegadigan maqsadlarda va albatta ilm yo'lida foydalanish insonning ikki dunyoda ham saodatga yetishiga sabab bo'ladi.

# INKLYUZIV TA'LIM: NOGIRON BOLALARGA TENG IMKONIYATLAR YARATISH

**Samarbek Qurbonnazarovich Eronov**
CHDPU Gumanitar fanlar fakulteti Fakultetlararo
ijtimoiy fanlar kafedrasi katta o'qituvchisi
Samarbekeronov8@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Maqolada mamlakatimizda inklyuziv ta'lim tizimini yuksaltirish mexanizmlari va pedagoglarning ushbu sohada kasbiy kompetentligini puxta egallash muammolari ko'rib chiqilgan. Shuningdek, inklyuziv ta'lim tizimida alohida ehtiyojli bolalar bilan ishlashning o'ziga xos xususiyatlari xorijiy mamlakatlar misolida ham yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Inklyuziv ta'lim, nogironligi bo'lgan o'quvchilar, siyosat, Rossiya ta'lim tizimi, metodlar, tadqiqot, tashkilot.

## KIRISH

Dunyo mamlakatlarida nogironligi bo'lgan, ijtimoiy himoyaga muhtoj bolalarni tarbiyalash, ularning jamiyatda o'ziga munosib o'rinni egallashlariga ko'maklashish masalasiga alohida e'tibor qaratiladi. Birlashgan Millatlar tashkilotining "Inson huquqlari umumjahon Deklarasiyasi", "Aqliy jihatdan orqada qolgan shaxslarning huquqlari to'g'risidagi Deklaratsiyasi" "Nogironlar huquqlari to'g'risida"gi Konvensiyasi, "Ta'lim hamma uchun" rejadasturi to'g'risidagi Dakar deklaratsiyasi, "Osiyo va Okeaniya mamlakatlari nogironlar huquqlarini muhofaza qilish chora-tadbirlari dasturi", "Nogironlar uchun teng imkoniyatlarni ta'minlash bo'yicha Standart qoidalar", "Bolalar huquqlari to'g'risida"gi konvensiya va boshqa xalqaro miqyosda qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlarning asosiy maqsadi nogiron bolalarni himoyalashga qaratilgan bo'lib, bu xalqaro huquqiy asoslar ta'lim jarayoniga inklyuziv yondashuvni samarali joriy etishni nazarda tutadi.

Umumiy o'qitish tizimida inklyuziv ta'limning pedagogik-psixologik jihatlari, nogironligi bo'lgan bolalarning ta'limiy ehtiyojlarini qondirish, ularning huquqiy tengligi sharoitini yaratish, jamiyat a'zosi sifatidagi o'rnini mustahkamlashga oid muammolar bu izlanishlarning asosini tashkil etib, ular nogiron bolalarning individual xususiyatlari va adaptiv imkoniyatlarini inobatga olish, ijtimoiy moslashuvini texnologik ta'minlash hamda qo'llabquvvatlash o'quv-tarbiya jarayonini tashkil etishning pedagogik tizimini takomillashtirishda alohida o'rin egallamoqda.

Inklyuziv ta'lim konsepsiyasi "inklyuziv jamiyat" g'oyasiga asoslanadi, bu yerda hamma narsa boshqasini (boshqa irq, din, madaniyat, nogironligi bo'lgan odamni) ijtimoiy hayotda faol va teng ishtirok etishga qo'shishni afzal ko'radi, har kimning manfaatlariga mos keladi, mustaqil yashash qobiliyatini oshiradi, ularning huquqlari tengligini ta'minlaydi. Manchester Universiteti professori Piter Mittler shunday deb yozadi: "inklyuziv ta'lim – bu yakuniy maqsadga erishish yo'lidagi qadamdir-jinsi, yoshi, etnik kelib chiqishi, qobiliyati, buzilishi bor yoki yo'qligidan qat'i nazar, barcha bolalar va kattalarga yoqadigan jamiyatni yaratish. jamiyatda ishtirok etish va unga hissa qo'shish".

Inklyuziv jarayonni resurs bilan ta'minlash umumiy ta'limdagi tashkiliy va mazmunli o'zgarishlarning muhim tizimli elementidir. Inklyuziv amaliyotning rus tajribasi ta'lim muassasalarining eksperimental va dizayn rejimining uzoq bosqichi, nogiron bolalarning ehtiyojlari uchun ta'lim sharoitlarini muallifning moslashuvi bilan bog'liq. Shu sababli, inklyuziya jarayonining sifati, bolalarning turli toifalariga nisbatan uning samaradorligini professional baholash masalasi dolzarbdir.

Y. A. Gerasimenkoning fikriga ko'ra, inklyuziv ta'lim – bu turli toifadagi bolalarning (alohida ta'lim ehtiyojlari, turli etnik guruhlar, ma'lum bir ijtimoiy guruhga mansubligi), ularning xususiyatlari va o'rganish qobiliyatining qadr-qimmatini tan olish. Inklyuziv ta'limni rivojlantirishning mintaqaviy modellari bir-biridan 5 ta asosiy omil bo'yicha farq qiladi:

1. Ta'lim organlari va ilmiy hamjamiyatning pozitsiyasi.
2. Psixologik va pedagogik qo'llab-quvvatlash xizmatlarini rivojlantirish.
3. Jamoat tashkilotlari faoliyati.
4. Tayyorlangan pedagog kadrlarning mavjudligi.
5. Ta'lim xizmatlarini moliyalashtirish imkoniyatlari.

Inklyuziv jarayonlarning rivojlanishi fonida ota-onalarning maktab bilan o'zaro munosabatlaridagi roli o'zgarib bormoqda. Umuman olganda, Rossiyaning inklyuziv ta'lim amaliyoti, mavjud mintaqaviy farqlarga qaramay, hozirgi vaqtda bir qator umumiy cheklovlar va muammolarga ega. Nogiron bolalarning inklyuziv ta'limi normativ-huquqiy hujjatlar bilan tartibga solinmaydi, bunday bolalarni ommaviy maktabda o'qitish uchun maxsus ta'lim sharoitlarini moliyalashtirish va amalga oshirish mexanizmi mavjud emas. Inklyuziv ta'limni rivojlantirishning eng muhim vazifasi inklyuziv ta'lim muassasalari rahbarlari, o'qituvchilar va ta'lim amaliyotini amalga oshiradigan mutaxassislarni tayyorlashdir.

Alohida e'tiborga muhtoj bo'lgan bolalarga asoslangan inklyuziv ta'lim jamiyatga ham foydalidir. Bu esa o'z navbatida jismoniy yoki ruhiy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolani oddiy bog'cha yoki maktabga joylashtirish integratsiya yo'lidagi birinchi qadamdir. Integratsiyalashgan jamiyatda barcha teng huquqqa ega,

bu yaxlit jamiyatdir. Inklyuziv ta'lim tufayli jamiyat integratsiyalashgan jamiyatga aylanadi va barcha bolalar uchun foydali bo'lgan samarali pedagogika tamoyillarini targ'ib etadi. Insonlarning turli xilda bo'lishi normal holat, deb qabul qilingan va o'rganish jarayonining tabiati va bosqichlaridan kelib chiqib, bola mazkur jarayon talablariga emas, balki ushbu jarayon bola talablariga moslashtirilishi lozim.

Umumta'lim maktablarga oddiy bolalarning barchasi borsa, alohida e'tiborga muhtoj bolalar ham jalb etilishi kerak. Inklyuziv ta'limning oiladan, maktabgacha ta'lim muassasalaridan boshlab yo'lga qo'yilayotganligi muhim ahamiyatga ega. Bu esa bolalarning keyinchalik atrofdagilar bilan muloqotda bo'lishiga, ijtimoiy muhit talablariga javob bera oladigan va shu bilan birga, kundalik-maishiy ehtiyojini qondirish ko'nikmalarini erta egallashlariga, hayotga moslashib, umumta'lim maktablarida tengdoshlari qatori darslarni o'z vaqtida o'zlashtirishiga, topshiriqlarga mas'uliyat bilan yondashish ko'nikmasini egallashlariga ko'maklashadi.

Umumta'lim maktablarda inklyuziv ta'lim – alohida e'tiborga muhtoj bo'lgan bolalar yoki boshqa sabablar tufayli tarbiyasi og'ir, yetim bolalar uchun moslashuvchan, individuallashgan va barcha bolalarga teng huquq va imkoniyatlar tengligini beradigan ta'lim tizimidir.

Shuningdek, inklyuziv ta'lim – millati, irqi, tanasining rangi, ijtimoiy kelib chiqishi, moddiy va ma'naviy ahvoli, oilasining jamiyatda tutgan o'rni, jismoniy yoki rivojlanishda kamchiligi bo'lishidan qat'iy nazar barcha bolalarni teng ko'rish, ulardagi har qanday imkoniyatni qo'llab-quvvatlashni nazarda tutadigan ta'lim hisoblanadi. Inklyuziv ta'lim tashkil etilgan muassasalar nufuzining qanchalik muhimligi, mana shu maxsus tayyorgarlikga ega bo'lgan o'qituvchilarga bog'liqdir. Chunki, u guruh tarbiyachisiga maslahatlar beradi va ko'maklashadi, maxsus o'qitish uskunalari, jihozlari bilan ta'minlaydi, otaonalar, o'qituvchilar bilan tushuntirish ishlari o'tkazadi, dars jadvali, dasturga, kerak bo'lsa, o'zgartirishlar kiritadi, ularni asoslab beradi.

Shuningdek, shu yo'nalishda ishlaydigan o'qituvchilarning malakasini oshiradi, bilim mahoratini boyitadi, sog'liqni saqlash xizmatlarini tashkil etadi, qulay psixologik muhitni yaratadi. Bu ta'lim faoliyat dasturi birqancha maxsus, hududiy, bosqichli omillarga bog'liq bo'ladi. Ular jamiyat istiqbolini, ehtiyojini, resurs talablarini, mutaxassislarni tayyorlashga xizmat qiladi.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari milliy bazasi. Lex.uz.

2. Абдурасулов О. А. Человеческий фактор и ценность - главные направления наших реформ. https://web-journal.ru/journal/article/view/ 5133 том. 20 № 3 (2024). 206 стр.
3. Abdurasulov O. A. O'zbekistonda globallashuv sharoitidagi ma'naviy yangilanishning o'ziga xos xususiyatlari. // TADQIQOTLAR jahon ilmiy - metodik jurnali. 36- son, 3- to'plam, Aprel - 2024. http://www.tadqiqotlar.uz/index.php/new/article/download/2727/2550. 191-193 betlar.
4. Инклюзивное образование в России и за рубежом: Материалы Международной научнопрактической конференции "Инклюзивное образование: методология, практика, технология". - М., 2011.
5. Грозная Н. С. Инклюзєвное образованєе за рубежом. От мечты к реальности // Синдром Дауна XXI век. - 2011. № 1. - С. 34-41.
6. Хонимкулова, М. Х. К., Ибрагимов, Х. И. (2018). Необходимость изучения иностранных языков: теория є практика. Вопросы науки и образования, (27 (39)), 8083.
7. Ибрагимов, Х. И. (2018). Коммуникативная компетентность как механизм профессионального саморазвития будущего педагога. Проблемы педагогики, (2 (34)), 7-10.
8. Technology. 11. Ibragimov, X., & Abdullaeva, S. H. (2008). Theory of pedagogy. Science and Ибрагємов, Х. И. (2020). Организация самостоятельной работы студентов в условиях цифровизацєє вузовского образования. Наука и образовании сегодня, (7 (54)), 74-75.
9. Eronov S. INSONNING YUKSAK MA'NAVIY UYG 'UNLIKKA ERISHISHIDA ISHONCH, E'TIQOD VA IMON TUSHUNCHALARINING O 'RNI //TAMADDUN NURI JURNALI. – 2024. – T. 8. – №. 59. – C. 102-104.
10. Кучкарова Н. и др. Производство стабильного красного фосфора в промышленности // Труды конференции AIP. – Издательство AIP, 2024. – Т. 3243. – №. 1.
11. Eronov S. INSONNING YUKSAK MA'NAVIY UYG 'UNLIKKA ERISHISHIDA ISHONCH, E'TIQOD VA IMON TUSHUNCHALARINING O 'RNI //TAMADDUN NURI JURNALI. – 2024. – T. 8. – №. 59. – C. 102-104.
12. Eronov S. Q. IBN RUSHD AQLNING BILISH JARAYONIDA TUTGAN O 'RNI TO 'G 'RISIDA //Academic research in educational sciences. – 2024. – T. 5. – №. 6. – C. 57-62.
13. Эронов С. Қ. Фан ва дин муносабатларида ишонч-эътиқод муаммосининг намоён бўлиши //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. 6. – С. 394-403.

14. Эронов С. К. Мировоззренческая культура молодежи: гуманистический аспект //Academy. – 2020. – №. 3 (54). – С. 57-59.

# VIJDON ERKINLIGINING NAZARIY METODOLOGIK ASOSLARI

**G'ulomnazir Xolmatxonovich Karimov**
FarDU mustaqil tadqiqotchisi
karimovbek701@gmail.com
*orcid: 0009-0005-5177-5142*

***Аннотация:*** В статье анализируется тот факт, что свобода совести является одной из важнейших форм свободы, отражающей духовную и эмоциональную независимость человека, ее содержание, ее отличия от свободы религии или убеждений, классификация ее видов учеными, а также объективные факторы, необходимые для обеспечения свободы совести в обществе.

**Ключевые слова:** общество, личная свобода, свобода совести, религия, убеждения, мировоззрение.

**Abstract:** this article analyzes the fact that freedom of conscience is one of the most important forms of freedom that reflects a person's spiritual and emotional independence, its content, its differences from freedom of religion or belief, the classification of its types by scientists, and the objective factors necessary to ensure freedom of conscience in society.

**Keywords:** society, personal freedom, freedom of conscience, religion, belief, worldview.

**Annotatsiya:** mazkur maqolada vijdon erkinligi insonning ma'naviy va hissiy mustaqilligini aks ettiruvchi eng muhim erkinlik shakllaridan biri ekanligi, uning mazmun-mohiyati, din yoki e'tiqod erkinligidan farqli jihatlari, olimlar tomonidan turlarining tasniflanishi hamda jamiyatda vijdon erkinligini ta'minlash uchun zarur bo'lgan obyektiv omillar tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** *jamiyat, shaxs erkinligi, vijdon erkinligi, din, e'tiqod, dunyoqarash.*

Yurtimizda yashovchi barcha millat va elatlarning birdamligini ta'minlashda vijdon, e'tiqodi erkinligini mustahkamlash, bir g'oya atrofida birlashish tamoyiliga amal qilinmoqda. Bu haqda fikr yuritganda, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev qayd etganidek: "Ma'lumki, bizning qadimiy va saxovatli zaminimizda ko'p asrlar davomida turli millat va elat, madaniyat va din vakillari tinch-totuv yashab kelgan"[47].

[47] Millatlararo do'stlik va hamjihatlik – xalqimiz tinchligi va farovonligining muhim omilidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 25 yilligiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi. http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017

Davlatimiz rahbari bundan buyon ham millati, tili, dini va ijtimoiy kelib chiqishidan qat'i nazar har bir fuqaroning vijdon erkinligi ta'minlanishi; barcha diniy konfessiyalar erkin faoliyat yuritishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratib berilishi; O'zbekistonda millatlar va konfessiyalar o'rtasida totuvlik va hamjihatlikni ta'minlash siyosati izchil davom ettirilishini takror va takror ta'kidlab kelmoqdalar.

Ma'lumki, vijdon erkinligi muammosi turli falsafiy tadqiqotlar markazidan joy olib kelgan. Vijdon erkinligi muammosini falsafiy-huquqiy jihatdan anglash va sharhlash yuzasidan yangi turdagi uslubiy yondashuvlar J.Lokk, Sh.Monteskye, J.J.Russo, B.Konstan, J.Millem, A.Tokvil, Volter, K.A.Gelvetsiy, P.Golbax, D.Didrolar tomonidan amalga oshirilgan. Ular o'z asarlarida inson qaysi dinga mansub bo'lishidan qat'i nazar, u deyarli bir xil his-tuyg'uni boshidan kechiradi. Demak, dinlarning ichiga, barchasi uchun bir bo'lgan mutlaq mohiyatiga kirish, shu asosda diniy hayot fenomen (hodisa)larini talqin qilish bag'rikenglik ruhidagi yondashuvni talab qiladi, degan ta'limotni ilgari surganlar[48].

O'zbekistonda ham vijdon, e'tiqod, diniy bag'rikenglik mazmun-mohiyati, uning jamiyatdagi o'rni va ahamiyati xususida A.S.Ochildiyev, A.A.Hasanov, Z.I.Munavvarov, Sh.Minovarov, Sh.Sirojiddinov, H.S.Karomatov, M.A.Rajabova, I.Karimov, M.Imomnazarovlar ilmiy tadqiqot ishlarini olib borib, kitob, risola va maqolalar e'lon qilganlar.

Vijdon erkinligi insonning ruhiy va hissiy jihatdan erkinligini bildiruvchi eng muhim erkinlik shakllaridan biridir. "Falsafa ensiklopedik lug'ati"da bu atamaga quyidagicha ta'rif berilgan: "Vijdon erkinligi demokratiyaning ajralmas tarkibiy qismidir. U fuqarolarning dinga munosabatlaridan qat'i nazar, teng huquqligini; barcha diniy konfessiyalarning qonun oldida tengligini; dinga e'tiqod qilish yoki qilmaslikka nisbatan hech qanday majburiyat yo'qligini; diniy konfessiyalarning faqatgina majburiy yig'imlar to'plashi taqiqlanganligini; diniy idora ishlariga davlatning aralashmasligini, dindan siyosiy maqsadlarda foydalanish mumkin emasligini o'z ichiga oladi"[49].

"Vijdon" atama sifatida ko'p ma'noni ifodalaydi. U turli soha va ijtimoiy qatlamga mansub insonlar tomonidan turlicha qo'llaniladi.

"O'zbek tilining izohli lug'ati"da "vijdon" so'ziga quyidagicha ta'rif berilgan: "Vijdon" (arab. ehtiros, his-tuyg'u, insof, diyonat) – kishining o'z xatti-harakati,

[48] Ibragimov E.F. O'zbekistonda xristian konfessiyalari faoliyati va ularning diniy bag'rikenglik an'analari shakllanishida tutgan o'rni. Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya Avtoreferati. – Toshkent, 2010. – 6 b.

[49] Falsafa: ensiklopedik lug'at. – T.: "Sharq", 2004. B. 274.

qilmishi, yurish-turishi uchun odamlar, jamoatchilik oldidagi mas'uliyat hissi, insoniylikning asosiy belgilaridan biri; diyonat, insof"[50].

Vijdon erkinligi – ijtimoi-falsafiy tushuncha; har kimning o'z e'tiqodiga ko'ra, mazkur jamiyatda mavjud ijtimoiy meyorlarni buzmagan holda vijdoni buyurgani bo'yicha yashash, ishlash imkoniyati. Bunda dinga munosabat masalaning bir tomoni hisoblanadi.

Vijdon erkinligi – fuqarolarning istagan dinga e'tiqod qilish yoki hech qanday dinga e'tiqod qilmaslik huquqi[51].

O.Aytbayevga ko'ra: "Vijdon erkinligi – falsafiy-axloqiy, ijtimoiy, siyosiy va huquqiy jihatlarga ega bo'lgan murakkab, ko'p qirrali tushunchadir"[52].

Umumiy ma'noda "vijdon" tushunchasi odob-axloq bilan bog'liq bo'lgan kategoriya bo'lib, u shaxsning axloqiy fazilatlarini nazorat qilish qobiliyatini, shuningdek, o'z-o'zini axloqiy majburiyatlarini shakllantirishni, shuningdek, ushbu talablarga rioya qilishni anglatadi. Bu tushunchaga O.Ivanyuk quyidagicha ta'rif beradi: "Vijdon tushunchasi ichki ishonch sifatida ezgulik va yovuzlikni ajratib beruvchi, insonning o'zi hamda uni o'rab turgan jamiyat oldidagi har qanday xulq-atvor, xatti-harakatlarni belgilovchi axloqiy mas'uliyat hisoblanadi"[53]. Shu ma'noda vijdon erkinligining subyektiv va obyektiv tomonlari bor. Shaxsning vijdon erkinligini shakllantirish tashqi obyektiv sharoitlar bilan bir qatorda shaxsiy subyektiv sifatlari bilan ham bevosita bog'liqdir. Inson bir yoqlama mavjudlikni yengib, ular orasidagi uyg'unlikka erishsagina chinakam erkindir.

Vijdon erkinligini ta'minlash uchun zarur bo'lgan obyektiv omillar, eng avvalo, shaxsni ijtimoiy-iqtisodiy erkinlashtirish va shaxsning har tomonlama rivojlanishi uchun shart-sharoitlarni yaratishdir. Shuningdek, insonning mehnati, bo'sh vaqtini o'tkazishi, sog'lig'i, ijtimoiy ta'minoti, yashashi, ta'lim olishi, madaniyat yutuqlaridan foydalanishi, ijodkorligi, davlat va jamiyat faoliyatidagi ishtiroki, tanqid, nashr, yig'ilish, miting, namoyishlar o'tkazish orqali vijdon erkinligini ta'minlash ham muhim ahamiyatga ega.

Vijdon insonning tanlovini shakllantiradi va insonni boshqa mavjudotlardan ajratib turadi. Vijdon erkinligi majburiy hamda din yoki e'tiqod erkinligidan (muhim) kattaroqdir. U diniy tabiatga ega bo'ladimi yoki yo'qmi, inson qadrlaydigan barcha axloq va qadriyatlarni qamrab oladi[54].

---

[50] O'zbek tilining izohli lug'ati. – T.: «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006. B 459.
[51] Vijdon erkinligi. https://oyina.uz/kiril/teahause/1463
[52] Айтбаэв О. Свобода совести как философскоэтическая категория // Вестник КарГУ. Но 3. 2013.
[53] Иванюк О.А. Свобода совести и свобода вероисповедания: соотношения понимания и границы законодательного регулирования // Журнал российского права. № 9. 2010. В. 47.
[54] Vijdon erkinligi tushunchasi va mohiyati. https://religions.uz/news/detail?id=337

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash joizki, birinchidan, vijdon erkinligi konseptual nuqtai nazardan bashariyatning eng qadrli tabiiy erkinliklaridan biridir. Zero, u bir tomondan muayyan insonning huquqi bo'lib xizmat qilsa, boshqa tomondan jamiyat xavfsizligi, qadr-qimmati, turli dunyoqarash egalari o'rtasida o'zaro hurmatning ta'minlanishini kafolatlaydi. Ikkinchidan, XVIII asrda fransuz ma'rifatparvarlari vijdon erkinligi tushunchasiga falsafiy ma'no berib, uni fuqarolar erkinligining tarkibiy qismi ekanini isbotladilar. Shundan so'ng, bu g'oya G'arbiy Ovro'pa mamlakatlariga yoyilib, asta-sekin davlatlar Konstitutsiyalarida o'z o'rniga ega bo'ldi, demokratik davlatlar dinga munosabatining huquqiy sohasiga aylandi. Demak, vijdon erkinligi aslida inson huquqlarini va erkinligining tarkibiy qismi sifatida alohida ahamiyatga molikdir. U har bir jamiyatda yashaydigan turli millat, elat va e'tiqod egalarining hamnafas bo'lib yashashi uchun huquqiy kafolatdir.

## REFERENCES

1. Millatlararo do'stlik va hamjihatlik – xalqimiz tinchligi va farovonligining muhim omilidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Respublika baynalmilal madaniyat markazi tashkil etilganining 25 yilligiga bag'ishlangan uchrashuvdagi nutqi. http://www.uza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017
2. Falsafa asoslari. – T.: «O'zbekiston» NMIU, 2005. – B. 279. (- 384 b.)
3. Falsafa: ensiklopedik lug'at. – T.: "Sharq", 2004.
4. Ibragimov E.F. O'zbekistonda xristian konfessiyalari faoliyati va ularning diniy bag'rikenglik an'analari shakllanishida tutgan o'rni. Tarix fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya Avtoreferati. – Toshkent, 2010. – 27 b.
5. Kamilov D. Vijdon erkinligi va sekulyarlashuv dialektikasi. Islom ziyosi jurnali, 2-son 2019. – B. 4-10.
6. O'zbek tilining izohli lug'ati. – T.: «O'zbekiston milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2006.
7. Айтбаэв О. Свобода совести как философскоэтическая категория // Вестник КарГУ. Но 3. 2013.
8. Vijdon erkinligi tushunchasi va mohiyati. https://religions.uz/news/detail?id=337

# YANGI O'ZBEKISTONDA MILLATLARARO TOTUVLIKNI MUSTAHLASH ASOSLARI

**Karimov G'ulomnazir Xolmatxonovich**
*FarDU mustaqil tadqiqotchisi*
*karimovbek701@gmail.com*
*orcid: 0009-0005-5177-5142*

**Abstract:** This thesis discusses the fact that the consistent and thoughtful policy of our country to strengthen the atmosphere of mutual respect, solidarity and cooperation between representatives of different nationalities and faiths, support intercultural dialogue, ensure peace and harmony finds full support from the world community.

**Keywords**: tolerance, faiths, religious beliefs, nation, people.

**Аннотация:** В данной тезис обсуждается тот факт, что последовательная и продуманная политика нашей страны по укреплению атмосферы взаимного уважения, солидарности и сотрудничества между представителями разных национальностей и конфессий, поддержке межкультурного диалога, обеспечению мира и согласия находит полную поддержку мирового сообщества.

**Ключевые слова:** толерантность, конфессии, религиозные убеждения, нация, народ.

**Annotatsiya:** ushbu tezisda mamlakatimizda turli millat va konfessiyalar o'rtasida o'zaro hurmat, birdamlik va hamkorlik muhitini mustahkamlash, madaniyatlararo muloqotni qo'llab-quvvatlash hamda tinchlik va totuvlikni ta'minlashga oid izchil va puxta o'ylangan siyosat xalqaro hamjamiyat tomonidan to'liq qo'llab-quvvatlayotganligi haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** bag'rikenglik, tolerantlik, konfessiyalar, diniy e'tiqod, millat, elat.

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar markazida, avvalo, inson manfaati, uning huquq va erkinliklarini ta'minlash maqsadi turadi. Fuqarolar manfaatlarini faqatgina tinchlik va osoyishtalik, o'zaro hurmat, mehr-oqibat va hamjihatlik muhitini yaratish orqali ta'minlash mumkin.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan yurtimizda so'nggi yillarda bu borada amalga oshirilgan islohotlar va uning natijalari xalqaro hamjamiyat tomonidan yuqori baholanayotir. Binobarin, mamlakatimizda turli millat va konfessiyalar o'rtasida o'zaro hurmat, birdamlik va hamkorlik muhitini mustahkamlash, madaniyatlararo muloqotni qo'llab-quvvatlash hamda tinchlik va

totuvlikni ta'minlashga oid izchil va puxta o'ylangan siyosat xalqaro hamjamiyat tomonidan to'liq qo'llab-quvvatlanmoqda.

Ta'kidlash joizki, dunyoning turli mintaqa va davlatlarida insonning yashashi, ta'lim olishi, mehnat qilish va o'z iqtidorini namoyish etishi kabi hayotiy va tabiiy haq-huquqlari turli darajada poymol etilayotgan bir davrda O'zbekistonda 130 dan ortiq millat va elat vakillari bag'rikenglik tamoyili asosida tinch-totuv yashamoqda.

Millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash O'zbekistonning zamonaviy davlat sifatida rivojlanish strategiyasining ajralmas qismi hisoblanadi. Mamlakatimizda 2017-2021 yillarda ¬ O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq, mazkur sohaga alohida e'tibor qaratilgan.

Yangi O'zbekistonning 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasi loyihasida ham ushbu yo'nalishdagi ishlarning mantiqiy davomi sifatida bu boradagi xayrli ishlarni izchil davom ettirish va yuqori bosqichga ko'tarish bilan bog'liq muhim taklif va tashabbuslar ilgari surilmoqda.

Taraqqiyot strategiyasida belgilanayotgan vazifalar bu boradagi ishlarimizga yanada keng yo'l ochib beradi, imkoniyatlarimizni yanada kengaytiradi, milliy madaniy markazlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini yanada takomillashtiradi. Undagi turli millat yoshlari uchun qo'shimcha qulay shart-sharoitlar yaratish, ularda fuqarolik burchini anglash, vatanparvarlik, bag'rikenglikka asoslangan millatlararo muomala madaniyatini yuksaltirish, millatlararo munosabatlar sohasida davlat siyosatini yoritayotgan ommaviy axborot vositalarini davlat tomonidan qo'shimcha qo'llab-quvvatlash hamda xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini rivojlantirish maqsadida do'stlik jamiyatlari faoliyatini takomillashtirish to'g'risidagi ko'rsatmalar faoliyatimizni yanada rivojlantirishga zamin yaratadi.

Taraqqiyot strategiyasida belgilangan vazifalar yurtimizda istiqomat qilayotgan turli millat va elat vakillarining tili, madaniyati, urf-odatlari va an'analarini saqlab qolish va rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, ko'p millatli xalqimizning sa'y-harakatlarini olijanob g'oya — mamlakatimizni barqaror rivojlantirish, millatlararo totuvlikni mustahkamlash, kuchli va adolatli fuqarolik jamiyati va demokratik huquqiy davlatni shakllantirish g'oyasi atrofida birlashtirishga xizmat qiladi.

Bag'rikenglikning ma'no va mohivati turli xalqlarda bir-biriga o' xshash tarzda talqin etiladi. Masalan, ispan tilida - o'z g'oyalaridan farqlanuvchi fikrni tan olish usuli; fransuzchada - o'zgalar sendan ko'ra boshqacharoq o'ylashlari yoki harakat qilishlari mumkinligiga yo'l qo'yish; inglizchada - sabr-toqatli, iltifotli bo'lish; xitoychada - boshqalarga nisbatan kechiruvchan, muruvvatli, oliyjanob bo'lish; arabchada - kechirimli, marhamatli, yumshoq, muruvvatli, rahmli, oliyjanob, sabrli

bo'lish; ruschada - nimagadir yoki kimgadir nisbatan sabrli bo'lish, og'ir-vazmin, chidamli bo'lish; nimagadir yoki kimgadir toqat qilish, o'zgalaming fikri bilan hisoblashish, iltifotli bo'lish; o'zbekchada - boshqalarga nisbatan bag'ri ochiqlik, o'zgalarning turmush tarziga, fe'l-atvoriga, urf-odatlariga, his-tuyg'ulari, fikr muzohazalari, g'oyalari va e'tiqodlariga muruvvatli bo'lish va h.k. ma'nolami bildiradi.

Tolerantlik atamasini nazariy va amaliy qo'llashda 1995-yilgi "Tolerantlik tamoyillari Deklaratsiyasrda berilgan ta'rifga tayanilmoqda. Mazkur hujjatda bunday deyilgan: bag'rikenglik - bizning dunyomizdagi turili boy madaniyatlarni o'zini ifodalashning va insonning alohidaligini namoyon qilishning xilma-xil usullarini hurmat qilish, qabul qilish va to'g 'ri tushunishni anglatadi. Uni bilim, samimiyat, ochiq muloqot hamda hur fikr, vijdon va e'tiqod vujudga keltiradi. Bag'rikenglik - turli-tumanlikdagi birlikdir.

Bag'rikenglik - inson huquqlarini qaror toptirish, plyuralizm (shu jumladan, madaniy plyuralizm), demokratiya va huquqning tantanasi uchun ko'makiashish majburiyatidir. Bag'rikenglik aqidabozlikdan, haqiqatni mutlaqlashtirishdan voz kechishni anglatuvchi va inson huquqlari sohasidagi xalqaro-huquqiy hujjatlarda o'rnatilgan qoidalarni tasdiqlovchi tushunchadir.

O'zbekistonda aholining ko'p millatli bo'lishiga ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning qulay omili sifatida qaralmoqda. Ijtimoiy va iqtisodiy barqarorlikni saqlash, dinlararo va millatlararo munosabatlarni uyg'unlashtirish hisobiga xalqaro maydonda O'zbekistonning obro'si oshib bormoqda.

Xususan, mamlakatimizdagi davlat ta'lim muassasalarida o'qitish yetti tilda olib boriladi. O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasi o'z ko'rsatuvlarini o'n ikki tilda namoyish etmoqda, o'ndan ortiq tilda gazeta va jurnallar nashr etilmoqda. Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi qoshida 138 ta milliy madaniy markaz, bundan tashqari, 16 ta konfessiyaga tegishli 2300 ga yaqin diniy tashkilot faoliyat yuritadi.

Bu borada yaxlit, chuqur o'ylangan siyosat va uni amalga oshirishga qaratilgan amaliy chora-tadbirlar hayotga tatbiq etilib, millatlararo va dinlararo totuvlikni qo'llab-quvvatlashga e'tibor qaratilmoqda. Bu islohot va o'zgarishlarning negizida konstitutsion huquq va kafolatlar yotganini alohida qayd etish lozim. Shundan kelib chiqib, bu borada quyidagi dalillarni keltirib o'tish zarur.

Birinchidan, turli millat va din vakillarining o'z salohiyatini to'laqonli amalga oshirish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish uchun konstitutsiyaviy kafolatlar belgilangan. Bunda, eng avvalo, fuqarolarning jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, teng huquq

va erkinliklarini, ularning qonun oldida tengligini ta'minlash alohida e'tiborga olingan.

Mazkur sohada O'zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy tamoyillari sirasiga fuqarolarning teng huquqliligi, ijtimoiy adolat, qonun ustuvorligi, millat va elatlarning madaniy, til va diniy qadriyatlari, an'ana va urf-odatlarini o'zaro hurmat qilish kiradi.

Konstitutsiyaviy kafolatlar jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishidan qat'i nazar, fuqarolarga jamoat va davlat qurilishida ishtirok etishni ta'minlaydi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasining millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni o'rnatish siyosati Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va boshqa xalqaro huquqiy-me'yoriy hujjatlarga to'la mos keladi.

Mamlakatimiz hududida yashayotgan millatlar urf-odati hamda islom dinining madaniy va sivilizatsion merosi, ma'naviy-falsafiy ahamiyatini chuqur o'rganish bo'yicha ishlar sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad — fundamental ilmiy tadqiqotlar natijalari asosida diniy bag'rikenglik, millatlararo munosabatlarning tarixiy ildizlarini chuqur o'rganish va uni bugungi kun sharoitida rivojlantirishdan iborat. Bu borada Islom tsivilizatsiyasi markazi, Imom Buxoriy, Imom Termiziy va Imom Moturidiy nomidagi xalqaro tadqiqot markazlari tashkil etildi.

Millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash O'zbekiston Respublikasi tashqi siyosatida muhim o'rin egallay boshladi. Hukumat xalqaro tashkilotlar hamda ushbu sohadagi mutaxassislar bilan konstruktiv muloqot va hamkorlik o'rnatishga alohida e'tibor qaratmoqda.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo'yicha Oliy komissari Zeyd Raad Al-Huseyn hamda Evropada xavfsizlik va hamkorlik tashkilotining Milliy ozchiliklar bo'yicha Oliy komissari Lamberto Zanierning mamlakatimizga tashrifi chog'ida mazkur sohada olib borilayotgan islohotlar muhokama qilindi va xalqaro mutaxassislar tomonidan bu boradagi o'zgarishlarga yuqori baho berildi.

2017 yilda mustaqil ¬O'zbekiston tarixida ilk bora mamlakatimizga BMT Inson huquqlari bo'yicha kengashining din va e'tiqod erkinligi bo'yicha maxsus ma'ruzachisi Ahmad SHahid tashrif buyurdi. Uning tavsiyalari asosida 2018 yil 4 may kuni ¬O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi din va e'tiqod erkinligini ta'minlash bo'yicha "Yo'l xaritasi" tasdiqlandi.

Umuman olganda, xalqaro hamjamiyat mamlakatimizning millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash borasidagi faoliyatini yuqori baholanmoqda va ¬O'zbekiston tajribasiga katta qiziqish bilan qaramoqda. Xususan, O'zbekiston ¬Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoev tomonidan 2017 yil 19 sentyabr` kuni

Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida bag'rikenglik va o'zaro hurmatni qaror toptirish, diniy erkinlikni ta'minlash, e'tiqod qiluvchilarning huquqini himoya qilish, ularning kamsitilishiga yo'l qo'ymaslikka ko'maklashishga qaratilgan "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasini qabul qilish taklif etilishi va ushbu hujjatning 2018 yil 12 dekabrda qabul qilinishi bunga yaqqol misol bo'la oladi.

Mazkur sohada olib borilgan islohotlar doirasida erishilgan muhim natijalardan biri sifatida 2018 yilda AQSH Davlat departamenti O'zbekistonni diniy erkinlik borasida "alohida tashvish uyg'otuvchi mamlakatlar" ro'yxatidan chiqarganini ko'rsatish mumkin.

e'tiborli jihati, 2020 yil 13 oktyabr` kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasi sessiyasida bo'lib o'tgan saylovlarda O'zbekiston milliy davlatchiligimiz tarixida ilk bor Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo'yicha kengashi a'zoligiga uch yil muddatga — 2021-2023 yillarga saylandi. Mamlakatimiz uchun Birlashgan Millatlar Tashkilotiga a'zo 193 davlatdan 169 tasi ovoz berdi. Bu saylovda eng ko'p ovoz berilgan davlat O'zbekiston bo'ldi. Bu ham yurtimizda millati va dinidan qat'i nazar, inson huquqlarini ta'minlashga qaratilgan, shu jumladan, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik sohasida olib borilayotgan siyosatning e'tirofi desak, mubolag'a bo'lmaydi.

Bularning barchasi O'zbekistonning xalqaro munosabatlarda ishonchli va mas'uliyatli sub'ekt sifatidagi roli mustahkamlanayotganidan dalolat beradi.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, mamlakatimizda millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglik sohasida ijobiy va o'zaro hurmatga asoslangan muhitni mustahkamlash borasida olib borilayotgan islohotlar natijasida millatlararo va dinlararo munosabatlarning yangi modeli yaratildi. Ushbu model` turli millat va din vakillari o'rtasidagi millatlararo va dinlararo muloqot, konstruktiv yondashuv va barcha fuqarolarning qonun oldida tengligiga asoslanadi.

Xulosa qilib aytganda, so'nggi yillarda O'zbekistonda millatlararo munosabatlar va din sohasida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar mamlakatda ushbu sohalarda yangicha yondashuv va strategik maqsadni birlashtirgan tizim shakllanishiga xizmat qildi. Mazkur tizimning muvaffaqiyati esa yurtimizda tinchlikni saqlash, fuqarolar xavfsizligini ta'minlash, barqaror rivojlanish uchun zamin yaratmoqda. Zero, zamonaviy davlatning bosh maqsadi jamiyatda hamjihatlik va barqarorlik, inson huquq va erkinliklarining samarali himoya qilinishini ta'minlashdan iborat.

## REFERENCES

1. Murtazayeva R.X. 0 'zbekistonda millatlararo munosabatlar va bag'rikengiik. 0 'quv qoTlanma. - Toshkent, 2007.

2. Voxidova M.T. Tolerantlik - yoshlarni ijtimoiy-axloqiv yuksaltirish omili. Fals.f.nomz.avtoref.- Toshkent, 2010.
3. Xajiyeva M.S. Miliiy ongda tolerantlikni shakllantirishning ijtimoiy-falsafiy tahlili. Fal.f.dokt.avtoref. - Toshkent, 2011.
4. Bag'rikengiik tamoyillari Deklaratsiyasi. Betti Readon. Bag'rikengiik: tinchlik sari olg'aqadam. YUNESK.Q, 2005.
5. Bag'rikengiik - jarniyat barqarorligining asosi (ilmiy-amaliy anjuman material lari). - Toshkent: Universitet, 2003. -296 b.
6. Murtazayeva R.H.Bag'rikenglik masalalarining hozirgi davrda dolzarbligi // Yosh avlodni bag'rikengiik g'oyalari asosida tarbiyalashda xotin-qizlarning o'm i. - Toshkent, 2006.

# HAZRATI BASHIR ZIYORATGOHI NOMLANISHIGA OID QARASHLAR

**Abduraxmonova Zumrad Normurot qizi**
Chirchiq pedogogika universiteti mustaqil izlanuvchisi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada Hazrati Bashir ziyoratgohi nomlanishi bilan bog'liq bo'lgan umumiy ma'lumotlar, Antrotoponim tushunchasi va tilshunosloikdagi ahamiyati. Til, taraqqiyot, madaniyat tushunchalarining uzviy bog'liqligi haqida fikr boradi. Maqolani tayyorlashda tavsifiy, qiyosiy-tarixiy chog'ishtiruv va tipologik metodlardan foydanildi. Ziyoratgoh nomlarini o'rganish orqali bugungi kunda tilshunoslikning muhim tarmog'i sanalgangan toponimika sohasi rivojiga hissa qo'shish. Bunda tashqari joy nomlari va madaniy uyg'unlashuv, ziyoratgoh nomlanishiga oid lingvokultrologik jihatlar haqida fikr bildiramiz. Kutilayotgan natija joy nomlari ularning kelib chiqishi bilan bog'liq ma'lumotga ega bo'lish orqali buyuk ajdodlarimiz va ular qilgan ishlar haqida ma'lumot olish. Qadriyatlarga hurmat ruhini yanada oshirish, ikkinchidan, joy nomlari bilan bog'liq bilimlarni kengaytirish. Toponimlarning tilshunoslikdagi ahamiyatini mutolaa qiluvchiga yetkazishdan iborat.

**Kalit so'zlar.**Bashir va beshir so'zlari izohi, antroponim tushunchasi, tarix va bugun, zioratgoh nomining leksikasiga oid qarashlar**.**

## KIRISH

Yurtimizda kuzatilayotgan keng ko'lamli o'zgarishlar barcha sohada bo'lgani kabi tilshunoslik sohasida ham o'z natijadorligini ko'rsatib kelmoqda. Tilshunoslikning bir qismi hisoblangan joy nomlari sohasini o'rganish borasida ham bir qancha ishlar amalga oshirilmoqda. Joy nomlari xalqimizning o'tmishi, ajdodlarimiz orzu-istaklari, ma'naviy va madaniy qarashlari, ona tilimizning o'ziga xos keng qirrasini ko'rsatuvchi noyob topilmalar jamlanmasi hisoblanadi. Har bir nomda ma'lum bir voqelik va afsona siri yashiringan. Ularni o'rganish toponim sifatidagi aniq ilmiy asosini keltirish juda muhim hisoblanadi. Chunki toponimlar milliy qadriyatlar bilan bog'liq bo'lib, tilshunoshligimizning bebaho durdonasidir. Ayniqsa, atoqli ot hisoblangan ba'zi nomlarning bugungi kunga kelib toponimga aylanishi, hamda mahalliy aholi tomonidagi e'tirof etilgan izohi hamda tilshunosligimizdagi ilmiy talqinlariga to'xtalib o'tamiz. Tarix va taraqqiyot, nomlanish va o'zgarish, o'ziga xoslik va mukammallik kabi tushunchalarni yaxlitlashgan nom misolida qiyosiy jihatdan tahlil qilamiz. Quyida joy nomlarini o'rganilishiga oid qarashlar bilan tanishamiz

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Bizga yaxshi ma'lumki, toponimlar ma'lum bir davr mahsuli hisoblanmaydi. Bu soha til onomastik tizimining ko'p yillik rivoji mahsuli sanaladi. Shu sababli o'zbek toponimiyasi tizimida eng qadimiy toponimlar, tarixiy toponimlar, yaqin o'tmish toponimlari, yangi davr toponimlari yonma-yon yashamoqda[55]

Haqiqatdan ham nomlarning izohiga diqqat qilsak, har bir nomning qachon paydo bo'lganini aniqlash juda mashaqqatli. Ba'zi nomlar izohiga diqqat qilganda ularning nomlanishiga oid tarixiy voqelik bilan birga lingvistik tahlil izohi bir-birini inkor etadi**.** Hozir biz ushbu maqolada ayni shu masalaga diqqat qaratamiz. Respublikamiz joy nomlarini o'rganishda olimlarimiz keng ko'lamli ishlarni amalga oshirganlar. Y.G'.G'ulomov, R.N.Nabiyev, A.R.Muhammadjonov, H.Hasanov, F.Abdullayev, Z.Do'simov, S.Ibrohimov, E.Begmatov, A.Ishayev, S.Qorayev, T.Nafasov, R.Qo'ng'urov, B.O'rinboyev, N.Begaliyev, N.Uluqov kabi olimlar tomonidan amalga oshirilgan ishlar e'tiborga molik. Joy nomlarini lisoniy tadqiq qilishda T.Enazarov, A.Otajonova, M.Tillayeva, O'.Rajabov, D.Yo'ldoshev, X.Egamov, Sh. Qodirova, L.Karimova, T.Rahmatov, S.Gubayeva, Y.Xo'jamberdiyev, J.Latipov, N.Oxunov, S.Nayimov, N.Mingboyev, A.Zokirov, X.Xolmo'minov, O'.Oripov, A.Turobov, Sh.Temirov kabi olimlar respublikamizning turli mintaqalari toponimik obyektlarini monografik tarzda o'rgandilar. Ular ham o'z izlanishlarida turli xil jihatlarini tahlil qilgan. Biz ham Hazrati Bashir nomining kelib chiqishini o'rganishda yuqoridagi manbalar, tayangan metodlar va nomga oid qarashlar izohi, manbalar ma'lumotlariga tayandik.

## MUAMMO VA NATIJALAR

Hazrati Bashir ziyoratgohi nomi bilan bog'liq ikki xil talqin doim xalq orasida yuradi. Ularning qay biri ko'proq haqiqatga yaqinligini hozirgi izohlardan keyin yanada aniqroq bilib olamiz. Manbalar ma'lumotlariga tayanib shunday deyiladi. Avval bu qishloq nomi Kosatarosh bo'lganligi, keyinchalik Hazrati Bashirning bobolari Xoja Husayn kelib shu yerda yashab, undan so'ng uning o'g'li Xoja Hasan ham shu qishloqdagi Qoplotun degan yerda dehqonchilik bilan shug'ullanib yashay boshlagani aytiladi. Ammo Xoja Hasan va uning ayoli Bibi Malokatning farzandi bo'lmaydi. Kunlardan bir kuni Said Barakaning ukalari Said Ne'matulloh ularning uyiga mehmonga kelib, bu haqida xabar topgach, ularni duo qiladi va o'g'il farzand dunyoga keladi. Keyinchalik u buyuk inson bo'lib yetishgach qishloq nomi uning nomi bilan atala boshlaydi. Hazrati Sulton Said Axmad Bashir (1368 – 1464). «Hazrati Bashir tarixi» kitobida Amir Temur Ko'rogoniyning piri Said Barakaning

[55]Begmatov E. Joy nomlari- ma'naviyat ko 'zgusi.Toshkent .1998.33-bet

ukalari Said Ne'matullohning karomatlari, duolari tufayli olamga keladi, deyiladi. Hazrati Bashirning otalari Xo'ja Xasan 90 yoshda, onalari Bibi Malokat 80 yoshda bo'lishlariga qaramay, farzandlari bo'lmagan, deb ko'rsatiladi. Bola tug'ilgach ota – onasi unga Said Axmad deb nom qo'yishadi. Onalari Bibi Malokatdan sut kelmagach, yosh Said Axmad sutsiz voyaga yetadi. Said Axmaddan keyin onalari yana Said Ali va Xoji Axmad ismli ikki nafar farzand ko'radi. Hazrati Bashir salohiyat egasi bo'lib yetishgach, u kishining ta'riflarini eshitib, bir tomoni Misr, bir tomoni Mo'g'ulistongacha bo'lgan musulmon olamining turli burchaklaridan ko'pgina kishilar kelib, Hazrati Sulton Said Axmad Bashir otaga shogird tushadilar. «Miri Haqiqat» laqabiga sazovor bo'lgan Said Axmad Bashir ota O'rta Osiyoda «Naqshbandiya» ta'limoti tarqalgan bir zamonda ko'proq Xo'ja Ahmad Yassaviy tariqatiga ixlos qo'ygan bo'ladilar.[56] Talqinlarga ko'ra Said Ahmad sut emasdan voyaga yetgani uchun beshir ya'ni sutsiz nomini olgan degan qarashlar ham yo'q emas. Endi nomning lingvistik izohi va unga oid qarashlarni ko'rib chiqamiz. Hazrati Bashir ziyoratgohi ikki asos qo'shilishidan hosil bo'lgan. Izohli lug'atlardan ma'lumki, hazrat so'zi *din.* Olloh, payg'ambar kabi muqaddas zotlarni, shuningdek, din arboblarini ulug'lash uchun ularning ismi oldidan qo'llanadi; kimsaning martaba, vazifasini bildiruvchi so'z bilan yoki o'zi alohida ham qo'llanadi[57]. Ikkinchi qism Bashir esa ismlar ma'nosi kitobidagi izohiga ko'ra quyidagicha tahlil etiladi. Bashir ismining ma'nosi. Bashir ismi asosan o'g'il bolalarga qo'yiladi va bu ism arabcha bo'lib, quyidagi ma'nolarga ega: Xushxabar keltiruvchi; baxt-saodat elchisi. Bashir - Muhammad (sollallohu alayhi vasallam) ning sifatidan biridir[58]. Bunda har ikki so'z izohidan kelib chiqib, Hazrati Bashir ya'ni juda hurmatga sazovar kishi bo'lganligidan dalolatdir. Yozilishiga diqqat qaratsak Hazrati Bashirdagi ikkinchi qism kichik harfda yozilmaganligi uning beshir emas, Bashir ekanligidan dalolatdir. Tarixshunos olima Sanobar Jo'rayevaning O'zbekistonning janubiy hududidagi ziyoratgohlar tarixi va ularning mahalliy aholi hayotida tutgan o'rni haqidagi doktorlik dissertatsiyasida ham bu ziyoragohni pir va avliyo darajasidagi shaxs bilan bog'liq ekanligi haqidagi qarashlar yetakchilik qiladi.

[56] Manba: http://kitobsayyoh.uz/index.php/uz/kitob/kitob-azrati-bashir-zijoratgo-i-j-nalis
3.https://izoh.uz/word/hazrat

## MUHOKAMA

Yuqoridagi qarashlarning har birining inkor etib bo'lmaydigan taraflari bor. Biroq biz nomning antrotoponim ekanligini e'tiborga olib, ikkinchi qarashni nisbatan haqiqatga yaqin deyishimiz mumkin. Ma'lumki, antrotoponim atamasi kishi nomi bilan atalgan joy nomi ma'nosini beradi. Shundan kelib chiqib Hazrati Bashir ziyoratgohi nomining ham kishi nomi bilan atalgan antratoponim desak xato qilmagan bo'lamiz.

## XULOSA

Xulosa qilib aytganda har qanday joy nomi va uning nomlanishiga oid qarashlarni tahlil qilish orqali biz lingvistik bilimlarimizni boyitamiz, hamda shu joy nomi bilan bog'liq qadriyatlarimiz, buyuk shaxslarimiz haqida ma'lumotga ega bo'lamiz. Yuqorida qayd etilganlardan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, tildagi to'g'ri kelgan so'z bilan joy nomlari shakllanmaydi. Har bir sohaning o'ziga xos muammo va yechimlari bo'lganidek, onomastikaning toponimiya sohasida ham bu kabi muammolar atroflicha. Biz hozir bu maqolada birgina Hazrati Bashir ziyoratgohi va uning nomlanishiga oid tarixiy va lingvistik qarashlar izohlarini ko'rib chiqdik. Bir qadamjo madaniy maskanimiz buyuk ajdodlarimiz umrguzoronlik qilgan go'sha haqida ma'lumot berdik. Bundan ko'zlangan maqsad esa shu kabi nomlar bilan bog'liq toponimlarning asl mohiyatini anglash va tahlil qilish.

## REFERENCES

1. Begmatov E. Joy nomlari- ma'naviyat ko 'zgusi.Toshkent .1998.33-bet
2. Nafasov T. O'zbekiston toponimlarining izohli lug'ati (O'zbekistoning janubiy rayonlari). –Toshkent, 1988.
3. Nafasov T. O'zbek nomnomasi. –Qarshi, –Nasaf, 1993.
4. Nafasov T. Qashqadaryo qishloqnomasi. –Toshkent, 2009
5. Oxunov N. Til va joy nomlari. –Toshkent, 1988.
6. Oxunov N. Toponimlar va ularning nomlanish xususiyatlari. –Toshkent, 1989.
7. O'zbek tilining izohli lug'ati. IV jild. –Toshkent, 2020.
8. O'zbek tilining izohli lug'ati. V jild. –Toshkent, 2020
9. Manba: http://kitobsayyoh.uz/index.php/uz/kitob/kitob-azrati-bashir-zijoratgo-i-j-nalis
10. https://izoh.uz/word/hazrat
11. https://ismlar.com/name/Bashir

# MADANIYAT VA ETNOMADANIY MARGINALLIK FENOMENINING FALSAFIY TAHLILI

**Zaripova Hulkar Toxir qizi**
Mirzo Ulug`bek nomidagi O`zbekiston Milliy Universiteti
Ijtimoiy fanlar fakulteti "Falsafa"
kafedrasi tayanch doktoranti
(O`zbekiston, Toshkent)
E-Mail: Kokkyuralova@mail.com

**ANNOTATSIYA.**

Madaniyat, etnomadaniyat va marginallik o'rtasidagi aloqadorlik murakkab va qiziqarli ijtimoiy va madaniy fenomenlarni anglatadi. Bu uch tushuncha bir-biriga yaqin bo'lib, jamiyatlar va guruhlarning o'ziga xosligini, ta'sirini va o'zaro aloqalarini ko'rsatadi. adaniyat va etnomadaniyat o'rtasidagi bog'lanish shundaki, har bir etnik guruh o'zining o'ziga xos madaniy tizimiga ega va bu guruhning madaniy qadriyatlari jamiyatning umumiy madaniyatiga ta'sir qilishi mumkin. Masalan, bir davlatdagi etnik guruhlar o'zlarining etnomadaniy an'analari orqali umumiy madaniyatga qo'shgan hissalarini kiritadi. Marginallik va madaniyat o'rtasidagi bog'lanish esa, jamiyatning markazidan chetda qolgan guruhlarning madaniy qadriyatlari va urf-odatlari ko'pincha e'tibordan chetda qoladi yoki rad etiladi. Bu guruhlar o'z madaniyatini saqlashga intilishlari mumkin, ammo jamiyatda ularning o'rni va ahamiyati past bo'lishi mumkin. Marginallik va etnomadaniyat o'rtasidagi bog'lanish shundaki, ba'zi etnik guruhlar o'z etnomadaniy qadriyatlarini saqlab qolish uchun jamiyatning asosiy oqimidan chetda qolishga majbur bo'lishadi. Bunday guruhlar marginallashishi mumkin, chunki ularning madaniy tizimlari va qadriyatlari jamiyatning hukmron madaniyatiga mos kelmaydi. Ushbu uch tushuncha o'rtasidagi aloqalar ijtimoiy tahlil va madaniyatshunoslikda muhim o'rin tutadi, chunki ular jamiyatdagi ijtimoiy tuzilma, ta'sirchanlik va diskriminatsiya kabi masalalarni yaxshiroq tushunishga yordam beradi.

**Kalit so`zlar:** Madaniyat, etnik guruh, marginallik, an`ana, qadriyat, urf-odat, jamiyat, ijtimoiy, tizim, milliy.

# ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ФЕНОМЕНА КУЛЬТУРЫ И ЭТНОКУЛЬТУРНОЙ МАРГИНАЛЬНОСТИ

**Аннотация.** Связь между культурой, этнокультурой и маргинальностью относится к сложным и интересным социальным и культурным явлениям. Эти три концепции близки друг к другу и показывают идентичность, влияние и

взаимодействие обществ и групп. связь между культурой и этнокультурой заключается в том, что каждая этническая группа имеет свою собственную уникальную культурную систему, и культурные ценности этой группы могут влиять на общую культуру общества. Например, этнические группы в одном государстве вносят свой вклад в общую культуру через свои этнокультурные традиции. С другой стороны, связь между маргинальностью и культурой заключается в том, что культурные ценности и обычаи групп, которые находятся вне центра общества, часто игнорируются или отвергаются. Эти группы могут стремиться сохранить свою культуру, но их роль и значение в обществе могут быть низкими. Связь между маргинализацией и этнокультурой заключается в том, что некоторые этнические группы вынуждены держаться подальше от мейнстрима общества, чтобы сохранить свои этнокультурные ценности. Такие группы могут быть маргинализированы, поскольку их культурные системы и ценности не соответствуют доминирующей культуре общества. Связи между этими тремя концепциями играют важную роль в социальном анализе и культурологии, поскольку они помогают лучше понять такие вопросы, как социальная структура, аффективность и дискриминация в обществе.

**Ключевые слова:** Культура, этнос, маргинальность, традиция, ценность, обычай, общество, общество, система, национальность.

**Hamma narsa unutilgandan so`ng,**
**qoladigan narsa inson va etnomadaniyatdir.**
**Eduar Errio**

**Kirish.** Madaniyat insoniyatning tom ma`nodagi kashfiyotlari yig`indisidir. Garchi, ushbu atama XIX asr oxiri XX asr boshida fanda keng qo`llana boshlangan bo`lsada, aslida tub ildizi ibtidoiy davrga borib taqaladi. Dunyo bo`yicha xalqlarning hududi, iqlimi va yashash tarziga ko`ra madaniyatning ko`rinishlari har xil. Shu bois, dunyodagi madaniyatlar sonini aniq belgilash qiyin, chunki madaniyatlar doimiy ravishda o`zgarib, o`zaro ta`sirlanib, bir-biriga kirib ketadi. Biroq, madaniyatlarni tasniflashda turli yondashuvlar mavjud. Madaniyatlar odatda yuqorida keltirilganidek, geografik, tarixiy, diniy, etnik va tilga asoslangan guruhlar sifatida ta`riflanadi. Shu bilan birga, "madaniyat" deganda faqat milliy yoki diniy guruhlarning an`anaviy qadriyatlari emas, balki san`at, adabiyot, ilm-fan, moda, texnologiya kabi zamonaviy madaniyatlar ham tushuniladi. Bunday tasniflarda dunyoda mavjud bo`lgan madaniyatlar sonini aniq hisoblash qiyin ammo ba`zi manbalarda dunyoda 1000 dan ortiq asosiy madaniy guruhlar mavjudligi qayd etilgan. Bu guruhlar o`zaro bir-birini o`zlashtirib, yangi madaniy shakllarni yaratishi

mumkin, bu esa madaniyatlarning dinamik tabiatini ko`rsatadi. [M. Abdurahmonov., N. Rahmonov., 2011: B.14-15]. Madaniyatni o`rganish antropologiya, sotsiologiya, tarix va boshqa ijtimoiy fanlar nuqtai nazaridan keng ko`lamda amalga oshiriladi. Madaniyatni o`rganishda uning qadriyatlari, e`tiqodlari, urf-odatlari, an`analari, san`at va adabiyotining asosiy jihatlari juda muhim.

Madaniyat dinamik bo`lib, doimo o`zgarib turadi. Yangi texnologiyalar, globalizatsiya, migratsiya va ijtimoiy o`zgarishlar madaniyatning rivojlanishiga va transformatsiyasiga olib keladi. Madaniyatni o`rganish, bizga nafaqat o`z jamiyatimizni, balki boshqa jamiyatlarni ham tushunishga yordam beradi. Madaniyatlarning o`zaro ta`siri ko`pincha global ijtimoiy va siyosiy masalalar bilan bog`liq bo`lib, bu bugungi kunda yanada muhim ahamiyat kasb etadi [Kravchenko A.I., Культурология. Учебник. "Проспект", M., 2005: B. 15].

Madaniyat bilan bog`liq uning subektiv markazidagi keng soha bu – etnomadaniyatdir. Etnomadaniyat – bu insoniyat jamiyatlarining madaniy, ijtimoiy va kundalik hayotini o`rganishga qaratilgan ilmiy yo`nalishdir. Etnomadaniyat juda keng qamrovli soha hisoblanadi. Ijtimoiy jarayonlar bilan uzviy bog`liq bo`lgan bu ob`ektlar markazida inson doim asosiy ishlab chiqaruvchidir. Inson madaniyatning kashfiyotchisi va uning ozgartiruvchisi hamdir. Hozirgi kunda madaniyat bilan bog`liq va u bilan o`zaro aloqador shunday ijtimoiy yo`nalishlardan biri marginallikdir. Bu ikki ijtimoiy hodisa o`zaro bog`liq tushunchalar bo`lib, ular jamiyatdagi ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy jarayonlar bilan chambarchas bog`langan. Marginallik jamiyatdagi ayrim shaxs yoki guruhlarning asosiy oqimdan chetda qolishidir. Bu iqtisodiy, ijtimoiy yoki madaniy omillar tufayli yuzaga kelishi mumkin. Masalan, muhojirlar, etnik ozchiliklar, din yoki urf-odatlari boshqacha bo`lgan guruhlar o`zlarini madaniy jihatdan begona sezishlari va jamiyat tomonidan chetga surilishi mumkin. Madaniyat odamlarning turmush tarzi, qadriyatlari, urf-odatlari va ijtimoiy normalarini belgilaydi. Jamiyatdagi aksariyat guruhlar shu madaniy qadriyatlarga mos ravishda hayot kechiradi. Biroq, ba'zi guruhlar yoki shaxslar bu umumiy madaniy normalarga moslasha olmaydi yoki ular tomonidan chetga suriladi. Bu jarayon ularning marginal (chetga surilgan) holatga tushishiga sabab bo`lishi mumkin. Marginalizatsiya g'oyalari qadimiy ildizlarga ega, ammo zamonaviy ijtimoiy falsafada ular XIX asrda faol rivojlana boshladilar. Sinfiy kurashning marksistik tahlili ijtimoiy ziddiyatlarning asosi sifatida iqtisodiy marginallashuvning rolini ta'kidladi. Emil Dyurkgeym, o'z navbatida, marginallashuvni sotsiologik tushunishni ijtimoiy guruhlarga qo'shilishning yetishmasligi sifatida taklif qildi. XX asrda, ayniqsa tanqidiy nazariya va feminist falsafa doirasida, marginalizatsiya nazariyalari tobora murakkab va ko'p darajali bo'ldi. Irq, jins, jinsiy orientatsiya va boshqa toifalarga asoslangan guruhlar jamiyatda

qanday marginallashganligi nuqtai nazaridan tahlil qilindi. [Jurayev J. "G'arb olimlarining marginal shaxs va marginallik tushunchalariga oid ilmiy qarashlari." Центр научных публикаций (buxdu. uz) 29.29 (2023).]. Postkolonial nazariyaning ta'siri, shuningdek, global janub kontekstida marginallashuvni chuqurroq tushunishga olib keldi.

## MATERIALLAR VA METODLAR

Etnomadaniy marginallik haqidagi ilmiy g'oyani shakllantirishning kelib chiqishi amerikalik sotsiolog, Chikago maktabining vakili R. E. Park [См.: Park R.E. Race and culture; E.C. Hughes et al., ed., Glencol, 1950. - Pp. 345-392]. XX asrning 20-yillarida ularga yangi turmush tarziga moslashish zarur bo'lgan vaziyatda bo'lgan muhojirlarning madaniy holati va o'zini o'zi anglashini ko'rsatish uchun "marginal shaxs" tushunchasi olim tomonidan taklif qilindi. Shunday qilib, migrantlar madaniyatini uzoq vaqt davomida o'rganish jarayonida Park har qanday ijtimoiy guruhning ijtimoiy harakatchanligi uning chet el guruhlari bilan munosabatlarida keskinlikka olib keladi degan xulosaga keldi.

Etnik-madaniy hodisa haqida gapirganda marginallik, marginal ong haqida gapirish mumkin emas. XIX asr oxiri XX asr boshlarida ijtimoiy antropologiya va ijtimoiy ekologiya bo'yicha bir qator tadqiqotlar (R. Park, E. Burges, O. Lyuis) [Мертон Р.К. Социальная теория и социальная структура. Социальная структура и аномия //Социологические исследования. - 1992. - № 2. - С. 118-124. № 3. - С. 104-114. № 4. - С. 91-96]. Shuni ko'rsatdiki, disfunktsiyali oilani obodonlashtirilgan uyga ko'chirish yetarli emas, ya'ni uy-joy sharoitining yaxshilanishi demarginalizatsiya jarayoniga hissa qo'shmaydi. Marginal ong deganda jamiyatning arxetiplariga mos keladigan ongning o'zgartirilgan shakli tushuniladi. Marginal ongning ushbu ta'rifini K. G. Jung, V. Tyorner [Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М., 1986. - 445 с] ning jamoat va jamoaviy ongning arxetiplari va arxetipli g'oyalari haqidagi tadqiqotlari asosida shakllantirish mumkin.

Jamiyat arxetiplari va etnik stereotiplarning to'qnashuvi jamiyatning marginallashuvining natijasidir. Ushbu muammo juda keng o'rganilgan. Masalan, tilshunos T. A. Van Deykning tadqiqotlari [Мид Дж. От жеста к символу//Американская социологическая мысль: Тексты. - М., 1996. - 220 е.; Антология культурологической мысли /авт.- сост. С.П. Мамонтов, А.С. Мамонтов. - М., 1996, 352 с.], zamonaviy ommaviy axborot vositalari etnik ozchiliklar haqidagi noto'g'ri tushunchalar stereotiplarini faol ravishda ko'paytirmoqda, ba'zan esa to'g'ridan - to'g'ri irqchilik moderator, yangi, ramziy niqob ostida bo`lib kelmoqda.

**MUHOKAMA VA NATIJALAR**

Ijtimoiy falsafada marginallashuvni o'rganish klassik faylasuflarning asarlarida chuqur ildizlarga ega. Masalan, Marks marginallashuvni kapitalistik tizim tomonidan ishchilar sinfining iqtisodiy ekspluatatsiyasi natijasida ko'rib chiqdi. Uning asarlarida "proletariat" tushunchasi ishlab chiqarish vositalari va ijtimoiy hokimiyatdan mahrum bo'lgan marginal guruhning namunasidir. Keyingi o'n yilliklarda marginallashuv tushunchasi jamiyatdagi o'zgarishlar va akademik nutqlarga mos ravishda rivojlandi. **"Sinf", "irq", "jins" va "nogironlik"** kabi tushunchalar marginallashuvni tahlil qilishda markaziy o'rinni egalladi. Fridrix Engels, Maks Veber, Mishel Fuko, va Jak Derri kabi faylasuflar va sotsiologlar marginalizatsiya mexanizmlarini va uning kuch va bilim bilan bog'liqligini tushunishga katta hissa qo'shdilar. XX asrda marginallashtirish bo'yicha tadqiqotlar ko'proq fanlararo bo'lib qoldi, shu jumladan faylasuflar, sotsiologlar, antropologlar, psixologlar va siyosatshunoslarning asarlarida buni yaqqol uchratish mumkin. Ushbu davrda "tizimli tengsizlik", "tarkibiy kamsitish" va "madaniy assimilyatsiya"kabi tushunchalar faol muhokama qilindi. Masalan, Mishel Fukoning bio-kuch va biopolitika haqidagi asarlari ijtimoiy institutlar o'z tanalari va bilimlarini nazorat qilish orqali muayyan guruhlarni chetga surib qo'yish usullarini ta'kidlaydi. [Алимухамедова Н.Я. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг гендер муаммолари. Журнал социальных исследований SI-1 (2021).].

Marginallik jarayoni qaytarib bo'lmaydigan emas, shuning uchun umumiy tarix, adabiyotlarda demarginalizatsiya jarayoni haqida ko'plab materiallar mavjud. Xorijiy ijtimoiy fanlar demarginalizatsiya (akkulturatsiya, ijtimoiy-madaniy moslashuv, assimilyatsiya, gettoizatsiya va boshqalar) ning ko'plab mexanizmlarini ifodalaydi. Marginalizatsiya - shaxs yoki guruhning periferik bo'lib qolishi yoki jamiyatning asosiy tuzilmalaridan chetlashtirilishi jarayoni. Ijtimoiy falsafada bu atama turli nuqtai nazardan keng o'rganilgan va tahlil qilingan. Marginalizatsiya nazariyalari tarkibiy tengsizliklar, ijtimoiy adolat va jamoat institutlarining kuchi to'g'risida muhim munozaralarni keltirib chiqaradi.

Marginallik holatini yengishning asosiy usuli bu ijtimoiy-madaniy tajribani madaniyatdan madaniyatga, avloddan avlodga o'tkazishdir. Semiotika, axborot nazariyasi va boshqalar kabi fan sohalari ijtimoiy-madaniy uzatishning ta'sir mexanizmini aniqlashga yordam beradi. Ijtimoiy aloqalarni buzish sifatida marginallashuvning bir misoli sifatida L. N. Gumilyovning [Монусова Г.А., Гуськова Н.А. Внутрифирменная мобильность и «закрытые» группы //Социологические исследования. - 1996. -С.31-45.; Панфилов О., Панфилова Н. Мистический дух переходных эпох //Ступени. - 1992. - № 2. - С. 42-57.] antietnos va antisistemalar haqidagi nazariyasi mavjud. Mahalliy ijtimoiy fanlarda

ijtimoiy-madaniy uzatish mexanizmining ijtimoiy tabiatini nazorat qilishga bag'ishlangan bir qator ishlar mavjud (D. B. Zilberman, B. C. Semyonov asarlari). Demarginalizatsiya jarayonini o'rganishda M. K. Petrovning [Гумилев Л.Н. География этноса в исторический период. - JL, 1990. - 279 е.; Гумилев Л.Н. Этногенез и этносфера. - М., 1993. - 544 е.; Гумилев Л.Н., Иванов К.П. Этнические процессы: два подхода к изучению //Социологические исследования. - 1992. - № 1. - С. 50-57.] "til, belgi, madaniyat"asari muhim ahamiyatga ega. Ushbu monografiyada madaniyatlarning o'zaro ta'siri, aloqasi va uzluksizligi muammolari o'rganiladi, turli madaniy turlarning genezisi va shakllanish yo'llari kuzatiladi: hind jamoasi, g'arbiy Yevropa antik davri, o'rta asrlar va zamonaviy davrlari va shu kabilar. Muallif madaniyat ob'ektivi orqali mavjud bo'lish va fikrlashning turli usullarining birgalikda yashash muammosini ko'rib chiqadi. U to'plangan yangi bilimlarni uzatish va o'zgartirish mexanizmi yordamida madaniyatning o'zgarishini o'rganib chiqdi. B. C. Bybler, M. M. Baxtinning o'z chegaralarida, shu jumladan boshqa madaniyatlar bilan madaniyatning alohida faolligi haqidagi g'oyalariga asoslangan madaniyatlar muloqoti maktablari mavjud.

XX asrning 70-yillari oxiridan boshlab mahalliy ijtimoiy fanlar bo'yicha shaharning etnik tarkibini, etnik tarkibini, qishloqdan shaharga ko'chib o'tishni o'rganishga bag'ishlangan ishlar chop etilgan. Axir, bu marginalning klassik modeli-bu qishloqdan shaharga ish izlayotgan muhojir. Ushbu mavzuni shaharlik deb atash mumkin emas, lekin u endi qishloq aholisi ham emas: shahar submadaniyati hali o'zlashtirilmagan va qishloq submadaniyati normalari allaqachon buzilgan. Tadqiqotchi M. E. Xay - kina "shaxslararo muloqot tuzilishi masalasiga" asarida shaharda emlash muhitiga moslashishning muhim jihati shahar aloqasining xususiyatlarini o'rganish degan xulosaga keldi. Muloqot jarayoni muhojirlarning kasbiy va madaniy-maishiy hayoti bilan bog'liq moslashish mexanizmining jihatlarini aks ettiradi. A. I. Ginzburgning "ba'zi milliy an'analarning qishloqdan shaharga ko'chishga ta'siri to'g'risida", V. V. Pkshishevskiyning "shahar aholisining etnik aralashuvini o'rganish usullari" maqolalari xuddi shu masalaga bag'ishlangan bo'lib, unda mualliflar shahar aholisining etnik aralashuvini o'rganish uchun qat'iy ilmiy usullarni tizimlashtirishga harakat qilishadi.

Marginallik tushunchasining mohiyati to'g'risida ilmiy g'oyani shakllantirishning kelib chiqishi amerikalik sotsiolog, Chikago maktabining vakili R. Park. R. parkning ilmiy qiziqishlari "jamoaviy yo'l-yo'riq" bilan bog'liq. U irqiy munosabatlar va qabila muhitining xususiyatlarini o'rganish bilan shug'ullangan.

Xulosa: Madaniyat va marginallik o`zaro bog`liq tushunchalar bo'lib, marginallik ko'pincha madaniy tafovut, ijtimoiy cheklovlar va dominant madaniyatga moslasha olmaslik natijasida yuzaga keladi.

Etnomadaniy marginallik kabi hodisaning shakllanish sharoitlarini o'rganishda quyidagi muammolarni ko'rib chiqish kerak: birinchidan, migratsiya jarayonlari; ikkinchidan, jamiyat ichidagi ijtimoiy harakatlarning kuchayishi jarayonlari; uchinchidan, turlararo munosabatlarning rivojlanishi. Bular chuqur o`rganib tahlil etilganda etnomadaniy marginalikka doir muammolar ko`rsatkichi kamayadi.

## REFERENCES

1. M. Abdurahmonov., N. Rahmonov., 2011: B.114-115
2. Kravchenko A.I., Культурология. Учебник. "Проспект", M., 2005: B. 15
3. Jurayev J. "G'arb olimlarining marginal shaxs va marginallik tushunchalariga oid ilmiy qarashlari." Центр научных публикаций (buxdu. uz) 29.29 (2023). Karimov I. A. Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch. Toshkent, "Ma`naviyat", 2008, 30B
4. См.: Park R.E. Race and culture; E.C. Hughes et al., ed., Glencol, 1950. - Pp. 345-392
5. Мертон Р.К. Социальная теория и социальная структура. Социальная структура и аномия //Социологические исследования. - 1992. - № 2. - С. 118-124. № 3. - С. 104-114. № 4. - С.
6. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. - М., 1986. - 445 с Murodov
7. Мид Дж. От жеста к символу//Американская социологическая мысль: Тексты. - М., 1996. - 220 е.; Антология культурологической мысли /авт.-сост. С.П. Мамонтов, А.С. Мамонтов. - М., 1996, 352 с.
8. Алимухамедова Н.Я. Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг гендер муаммолари. Журнал социальных исследований SI-1 (2021).
9. Монусова Г.А., Гуськова Н.А. Внутрифирменная мобильность и «закрытые» группы //Социологические исследования. - 1996. -С.31-45.; Панфилов О., Панфилова Н. Мистический дух переходных эпох //Ступени. - 1992. - № 2. - С. 42-57.
10. Гумилев Л.Н. География этноса в исторический период. - JL, 1990. - 279 е.; Гумилев Л.Н. Этногенез и этносфера. - М., 1993. - 544 е.; Гумилев Л.Н., Иванов К.П. Этнические процессы: два подхода к изучению

# ARAB-MUSULMON FAYLASUFLARINING DIN VA FALSAFA UYG'UNLIGIGA OID QARASHLARI EVOLYUTSIYASI

**Iroda Rixsivayevna Ikramova**
PhD, dotsent v.b. TDSHU Sharq falsafasi va germenevtika kafedrasi
+99893 5473931; dr.iroda85@gmail.com

**Annotatsiya.** Inson ruhiy mavjudligini nazarda tutuvchi e'tiqod va bilim, ma'naviyat va axloq bugungi zamonaviy jamiyatda inson qiyofasini kafolatlaydi. Ma'lumki, din sifatida islom o'zining tarqalishining boshidanoq shaxsning har tomonlama takomillashuvi va jamiyatning zamonaviy sharoitlarga moslashishi jarayoni mumkin bo'lgan muhitni shakllantirishga da'vat etgan. Xususan, islom falsafasida targ'ib etilgan "Komil inson", "Ideal jamiyat" tushunchalari shundan dalolat beradiki, nafaqat islom falsafasida, balki islom dini mohiyatida ham har tomonlama mukammallik yetakchilik qiladi. Insonlarni faqat din arkonlariga bo'ysunib, uzlatga chekinishlariga emas, ularni jamiyaning bir bo'lagi sifatida u bilan hamnafas yashab, o'zini va yashab turgan jamiyati ravnaqiga chorlangan. O'rta asrlar faylasuflarining fikrlari din va falsafa o'rtasidagi munozaralarga hali ham ta'sir qilishi mumkin.

**Kalit so'zlar.** Ibn Rushd, Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino, Ibn Miskavayh, "Ikki haqiqat", din, falsafa, uyg'unlik, peripatetizm.

**Аннотация.** Вера и знание, духовность и нравственность, предполагающие духовное существование человека, гарантируют образ человека в современном обществе. Известно, что ислам как религия с самого начала своего распространения призывал к формированию среды, в которой возможно всестороннее совершенствование личности и адаптация общества к современным условиям. В частности, концепции «совершенного человека» и «идеального общества», пропагандируемые в исламской философии, свидетельствуют о том, что всеобъемлющее совершенство преобладает не только в исламской философии, но и в сути исламской религии. Люди призваны не только подчиняться диктату религии и уединяться, но и жить в гармонии с ней как часть общества, способствуя процветанию как своему, так и общества, в котором они живут. Идеи средневековых философов все еще могут оказывать влияние на споры между религией и философией.

**Ключевые слова.** Ибн Рушд, Абу Наср аль-Фараби, Ибн Сина, Ибн Мискавейх, «Две истины», религия, философия, гармония, перипатетизм.

**Abstract.** Belief and knowledge, spirituality and morality, which imply the spiritual existence of man, guarantee the image of man in today's modern society. It

is known that from the very beginning of its spread, Islam as a religion called for the formation of an environment in which the comprehensive improvement of the individual and the process of adapting society to modern conditions are possible. In particular, the concepts of "Perfect Person" and "Ideal Society" promoted in Islamic philosophy indicate that comprehensive perfection prevails not only in Islamic philosophy, but also in the essence of the Islamic religion. People are called not only to submit to the pillars of religion and retreat into solitude, but to live in harmony with it as part of society, to develop themselves and the society in which they live. The thoughts of medieval philosophers can still influence the debate between religion and philosophy.

**Keywords.** Ibn Rushd, Abu Nasr al-Farabi, Ibn Sina, Ibn Miskawayh, "Two truths", religion, philosophy, harmony, peripateticism.

Dinshunoslik va falsafa fanlari O'zbekistonda yashovchi xalqlarning milliy xususiyatlari va yashash tarzining o'ziga xosligini, mintaqada vujudga kelgan muayyan-tarixiy sharoitni hisobga olgan holda umumiy tushunchalar, insoniyat tarixining umumiy mantig'i, ijtimoiy-siyosiy guruhlar, u yoki bu siyosiy g'oyalar va davlatlarning amaliy faoliyatlaridan kelib chiqib tanqidiy ravishda idrok etishi lozim.

Ilmiy tafakkur tarixidan kuzatshimiz mumkinki, din va ilm-fan o'zaro farqli jihatlariga qaramasdan, ayrim jarayonlarda o'zaro ta'sir etib, ijobiy natijalarga erishish mumkin. Din ham, ilm-fan ham ekzistensial savollarga javob beradi. Ikkisi ham haqiqatga erishishda vosita bo'la oladi. Biroq, ularning yo'llari bir-biridan farq qiladi. Din e'tiqodga asoslansa, ilm-fan oqilonalik usulidan foydalanadi. Doimo o'zaro bir-biriga tayanadi. Bugungi kunda ham zamonaviy falsafadagi fanlararo metodologiyaga tayanib ularni muvofiqlashtirish mumkin. Biroq hanuzgacha bu ikki soha o'rtasida tafovutlar mavjud. Chunki faylasuflar, ilohiyotshunoslar va olimlarning fikrlari hozirgi kunda ham turlicha, yakdil emas. Shunga qaramay, falsafa va dinni muvofiqlashtirish bo'yicha yangi sa'y-harakatlarni amalga oshirish bir tomondan ilmiy turg'unlikni oldini olishga, boshqa tomondan hurofotga va turli xil aqidalarni cheklashga yo'l qo'ymaslik uchun foydali bo'lishi mumkin. Fikrimizcha, O'rta asrlar faylasuflarining fikrlari din va falsafa o'rtasidagi munozaralarga hali ham ta'sir qilishi mumkin.

"Musulmon, yahudiy va nasroniy mutafakkirlarining ongini band etib kelgan va zamonaviy dunyoda ham o'z dolzarbligini yo'qotmagan, Abu Nasr Forobiy, Ibn Sino va Ibn Rushd ijodidagi asosiy masala: e'tiqod va aql o'rtasidagi munosabatdir. E'tiqod aqlning harakatini oldini oladimi yoki cheklaydimi?"[59], O'rta asr Sharq falsafasi bo'yicha tadqiqotlar olib borgan tadqiqotchi Peter Leuprecht "Aql, adolat

[59] Peter Leuprecht. Reason, Justice and Dignity. Brill/Nijhoff, 2012. – P. 32.

va qadr-qimmat" nomli asarida Sharq va G'arb falsafasining markaziy masalalaridan biri e'tiqod va aql aloqadorligi borasidagi o'z xulosalarini bera olgan.

Yahudiylik, xristianlikda bo'lgani kabi islomda ham e'tiqod va aqlni uyg'unlashtirishga urinishlar ko'p bo'lgan. O'rta asr faylasuflarining dunyoqarashi antik davr faylasuflarinikidan farq qiladi. O'rta asr faylasuflarining barchasi kuchli diniy e'tiqodli, ya'ni dindor bo'lganlar, xususan, Markaziy Osiyo mutafakkirlari islom diniga e'tiqod qilganlar. Xudo, olam va insonning dunyodagi o'rni haqida o'rta asrlarda muayyan diniy qarashlar tizimi mavjud bo'lgan. "Bu davrda yashab ijod etgan allomalar, olimlar bu qarashlarni qabul qilganlar, o'zlashtirganlar. Markaziy Osiyo mutafakkirlaridan Forobiy, Abu Abdulloh al-Xorazmiy, Ibn Sino, Beruniy va boshqalarning o'z asarlarini Alloh nomi bilan boshlab va uning nomi bilan tugatishlari fikrimizning dalilidir. Xuddi shu holat bu davrda yashab ijod etgan mutafakkirlar falsafiy dunyoqarashining o'ziga xos tarzda shakllanishiga sabab bo'ldi"[60].

Arab-musulmon dunyosida falsafa asoschisi al-Kindiy ham falsafaning dindan umuman farq qilmasligini isbotlay boshladi. Shuning uchun Zahiriddin al-Bayhaqiy u haqida "ba'zi asarlarida shariat asoslari va aql-idrok tamoyillarini birlashtirgan"[61]ligini tasdiqlaydi.

U o'zining "Birinchi falsafa haqida" risolasida yozganidek, falsafa narsalarning asl mohiyati haqidagi ilm bo'lib, bunday fan ilohiylik (rububiya), Allohning yagonaligi, fazilat, barcha foydali narsalar va unga yo'l haqidagi, zararli narsalardan uzoqlashish va undan qochish haqidagi bilimlarni o'z ichiga oladi. Bu barcha ma'lumotlarga ega bo'lish Uning haqiqiy payg'ambarlari (rusullari) Allohdan kelganligini, ya'ni yolg'iz Allohning ilohligini tan olish, O'zi rozi bo'lgan fazilatlarga ergashish hamda mohiyatan va ularning oqibatlariga ko'ra bu fazilatlarga zid bo'lgan illatlardan qochishdir[62].

Al-Kindiy, shuningdek, "Arastuning kitoblari soni to'g'risida" risolasida falsafa va dinning ("ilohiy bilim") birligini ta'kidlab, ularni bir-biridan farqlaydi. Falsafa ham insoniyatning boshqa bilimlari kabi odamlardan izlanish va mehnat qilishni, matematika va mantiq fanlarida zukkolikni, ma'lum bir vaqtni talab qiladi. Payg'ambarlarga in'om etilgan ilohiy ilm bunga o'xshash narsaga muhtoj emas, balki "faqat O'zining irodasi bilan O'zining hidoyati tufayli elchilarning qalblarini poklash va haqiqatni tushunish uchun olingan ilhom va risolatdir.

[60] Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. – М.: Наука, 1988. – С.119.
[61] Bayhaqiy Zahiriddin Abulhasan Ali ibn Zayd. Tatimma "Sivon al-hikma". Qohira: Dar va maktabatu bibliyun, 2007. – S. 145.
[62] Ал-Кинди. О первой философии // Избранные произведения мыслиелей стран Ближного и Среднего Востока // сост. Григорян С.Н., Сагадеев А.В. – М.,1961. – С.132.

Farobiy ham bu yo'lda katta muvaffaqiyatlarga erishdi, u haqiqatning turli yo'llar va usullarda ifodalangan bo'lsa ham, yagona ekanligi aniqladi. U aqlni yoki e'tiqodni e'tiborsiz qoldirmadi, aksincha, ularni bir-birlarini o'ziga tortdilar, deb ta'rif berdi. Forobiy din va falsafani haqiqatga yetishishning ikki mustaqil usuli, deb hisobladi. Uning fikricha, "Falsafadagi masalalar isbotini payg'ambarlar ramzlar shaklida bayon qilganlar, zero, mohiyat jihatidan falsafa bilan din o'rtasida hech qanday tafovut yo'q"[63]. Bunday qarash o'z davrida nihoyat darajada muvaffaqiyat qozonib, islomiy falsafaning asosi va usulini belgilab beruvchi fikrlash tarziga aylandi.

Nabaviylik, Forobiyning fikricha, g'ayritabiiy narsa emas, Payg'ambar alayhissalom, avvalo passiv aqlni qo'lga kiritish orqali, so'ngra bilimdon aqlni qo'lga kiritish orqali tasavvur kuchi eng kamolotga erishgan shaxsdir. U faol aql bilan aloqada bo'ladi, so'ngra undan qisman emanatsiya yo'li bilan o'tadi.

Payg'ambar alayhissalom vahiylarning to'g'riligiga dalil sifatida keltirgan mo'jizalarga kelsak, ularning Forobiyga ko'ra oqilona talqini borligini ham ko'ramiz va o'shanda – u aytganidek – payg'ambarlik ilohiylik bilan bog'liqligini bilamiz.

Demak, Forobiy fikricha, "Payg'ambar va faylasuf ularning har biri boshqasi bilan faol aql-idrok bilan yaqin bo'lib, ularning orasidagi farq shundaki, birinchisi aqliy kuch kamolotidan keyin o'z tasavvuridagi quvvati kamoloti bilan bu darajaga erishadi. lekin albatta, faylasuf esa unga qarab, fikr yuritib yetadi va bunda bizningcha, unchalik katta farq yo'q"[64].

Forobiy fikricha, payg'ambar va faylasuf ularning har biri o'zaro faol aql jihatdan aloqador bo'lib, ularning orasidagi farq shuki, birinchisi aql-idrok kamolotidan so'ng o'zining ilohiy qudrati kamoloti bilan bu darajaga erishadi. Faylasuf esa o'z qarashlari va tafakkuri orqali erishadi.

Demak, bu uning vahiy va aql o'rtasida murosaga kelishga urinishi edi, biz ko'rib turganimizdek, u o'z fikrida garchi turli yo'llar bilan ifodalanishi mumkin bo'lsa ham, haqiqat bir ekanligini, o'rnatgan. Forobiyning nazarida diniy haqiqatlar falsafiy misollardan iborat edi. Boshqacha ibora bilan aytganda, din va falsafa yagona birliqning ikki xil jihatlaridir. "Falsafa daliliy hukmlarning qoidalariga tayanadi, din esa o'sha hukmlar va qoidalarning xitobiy shaklidir"[65].

Forobiy falsafasining inkor etib bo'lmaydigan joyi shundaki, u nazariy falsafani haqiqiy va asosiy ilm, deb bilib, qolgan barcha fanlarni unga tobe bo'lgan

[63] Ризо Доварий Ардаконий. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси// Сўз боши ва таржимон Қодиров М. – Теҳрон, ҳижрий 1377/1998. –Б.133. (форс тилида)
[64] Forobiy. Fozil odamlar shahri. T., 2016. – B. 72.
[65] Ризо Доварий Ардаконий. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси// Сўз боши ва таржимон Қодиров М. – Теҳрон, ҳижрий 1377/1998. –Б.116. (форс тилида)

ikkinchi darajali sohalar maqomiga qo'ydi. Faylasuflar o'rtasidagi umumiy dunyoqarashlar bilan kifoyalanmay, din bilan falsafani ham ayrim bir qismga joyladi. Uning fikricha, "Falsafadagi masalalar isbotini payg'ambarlar ramzlar shaklida bayon qilganlar, zero, mohiyat jihatidan falsafa bilan din o'rtasida hech qanday tafovut yo'q[66]. Bunday qarash o'z davrida nihoyat darajada muvaffaqiyat qozonib, islomiy falsafaning asosi va usulini belgilab beruvchi fikrlash tarziga aylandi.

Faylasuf-mantiqshunos Sijjistoniy ham din va falsafa borasida o'z fikrlarini bayon etganligini ko'rishimiz mumkin. As-Sijistoniy din va falsafa o'rtasidagi munosabatlar haqida aniq va qat'iy fikrga ega bo'lib, bu uning ikkisini ham o'ta chuqur tafakkur qilishi va tushunishi natijasidir. Chunki zamondoshlari o'rtasidagi bu munosabatlarni aniqlashga harakat qilgan. Bu shariat va falsafani to'liq ajratish zarurligi haqidagi fikrdir. Bu ularning tabiati, maqsadi, vositalari va ta'sir maydonidagi farqiga bog'liqdir.

Biroq, yuqoridagilardan shariat, uning fikricha, to'liq emas, uni falsafa bilan to'ldirish zarur, deb tushunmaslik kerak. Avval ham va o'z maqsadiga ko'ra ham, dinning maqsadi qalbni ezgulik bilan to'ldirishdir. Donolik yoki falsafaning maqsadi esa aqlni haqiqatlar va bilimlar bilan shakllantirishdir. Yoki u aytganidek, "Falsafa – ruhning surati va din ruhning siyratidir, shuning uchun har biri bir-birini to'ldiradi. Ular o'rtasida hech qanday qarama-qarshilik yo'q. Bunda faqat ularni chalkashtirib yubormaslik kerak, shundagina bu ikkisining egalari baxtiga erishiladi"[67].

Arastuning Mantiq ilmi bo'yicha davomchisi Miskavayhning fikricha, Payg'ambar va faylasuf idrok etgan haqiqatlar bir bo'lgani uchun faylasuf payg'ambar keltirgan narsaga boshqalardan ko'ra tezroq ishonib, uni qabul qiladi. Buning sababi shundaki, u aqli inkor etmaydigan narsani o'ylab topdi. Odamlar to'g'ri qarash bilan da'vat qilingan narsaning haqqoniyligini bilish donishmandlar nazarida bo'lsa ham, inson saodatiga erishadigan foydali amallarni bilish uchun payg'ambarlarga muhtojdirlar[68]. Miskavayh fikricha, barcha qadimgi zamon hakimlari xudoning mavjudligi va uning yagonaligiga ishonib, bu masalada payg'ambarlar ta'limoti bilan muvofiq edilar[69].

Mazkur masala yuzasidan Ibn Sino ham o'ziga xos fikrlarini bildirgan. Ibn Sino Qonunning amaliy ko'rsatmalarini atroflicha asoslab, islom dinining diniy farmonlariga o'xshash diniy marosimlarga (namoz, ro'za, ziyorat va hokazo) ishora qiladi va ijtimoiy hayotga nisbatan oilaning to'g'ri me'yorlarini ta'riflaydi: "Kim nazariy hikmatni ko'rsatilgan amaliy fazilatlar bilan uyg'unlashtirsa, u ham baxtni

[66] Пўлатова Д., Қодиров М. ва бошқалар. Шарқ фалсафаси. – Т.: Жаҳон принт. – Б. 90.

[67] محمد يوسف موسى. ابن رشد الفيلسوف (Ибн Рушд – файласуф). القاهرة, 2014.

[68] Miskavayh. Tajoribul umam. – Beyrut, 2002. – S. 52.

[69] Мискавайҳ. Ал-фузул асғар. 2-боб. – Миср, 2004. – S. 48.

topadi"[70].

Shuningdek, Ibn Sinoning "Risolai tadbiri manzil" asarida fikrlarini tahlil etib, falsafa fanlari doktori, professor R.Nosirov quyidagi jumlalarni keltiradi: "Demak, Ibn Sinoning fikricha, qonun o'rnatuvchi payg'ambarga bo'lgan ehtiyoj tabiiy zaruriyat ekan. Bunday inson paydo bo'lar ekan, u Alloh amrlariga monand keladigan qonun-qoidalarni odamlar hayotiga joriy etishi kutiladi. Joriy etilgan qonunlar asosida qudratli yaratuvchi, uning olamda sodir bo'layotgan va sodir bo'lishi mumkin barcha hodisalarning botiniy va zohiriy sir-asrorlaridan boxabar ekanligi, unga odamlarning barcha sa'y-harakatlarining so'zsiz bo'ysinishi zarur. Uning so'zlari kishilarga samarali ta'sir etishi uchun konkret obraz-timsollar, masalan, tanning azoblanishi yoki rohatlanishi sifatida bayon etilishi muhimdir, chunki hamma odamlar mohiyatan donishmand emas. Ularda iymon-e'tiqodni shakllantirish va mustahkamlash maqsadida rasm-rusum. Urf-odatlarga muntazam ravishda amal qilish ko'zda tutiladi"[71].

Shuningdek, e'tiqod bilan bir qatorda aql ham zarurligi borasida sharq peripatetiklarining qarashlaridan munosib ta'sirlangan Fahriddiy Roziy ham o'z qarashlarini bildirgan. Roziy o'zining "Ilm fazilati haqida" asarida bu borada o'z davri uchun xavfli bo'lgan fikrlarni qat'iyat bilan ayta oladi. Bunda u barcha musulmonlarni oz bo'lsada tafakkur qilishga, boshqa ilmlarni ham o'rganishga, ularni hayotlarini yaxshilash maqsadida hayotiy tajribada qo'llashga chaqiradi. Jannatga kirish uchun tunu-kun faqatgina toat-ibodat qilish emas, insoniyat taraqqiyoti yo'lida foydali ilmlarni o'rganish va o'rgangan ilmini o'zgalarga foydasi tegadigan maqsadda foydalanish kerakligini ta'kidlagan. Bu haqida shunday fikr bildiradi: "Rasululloh alayhissalom marhamat qiladilarki: bir soat tafakkur qilish 60 yil ibodatdan afzaldir"[72].

Toat-ibodatdan maqsad nima degan savol tug'iladi? Maqsad esa bitta – Xudoning marhamatini bajarish va savobga ega bo'lish. Oxir-oqibat esa Jannatdan joy olish. Bu yaxshi albatta lekin Roziy Xudo ma'rifatini ya'ni ilmini o'rganish nafsning nasibasidan muhim va afzalroq ekanligini ta'kidlaydi. Bu haqida quyidagicha fikr bildiradi: "Shuni bilgilki aqliy dalil bilan aytilgan so'z yuz ko'rinishidan ko'ra ko'proq narsani mustahkamlaydi. Shu jihatdanki, banda aqlining tafakkuri uni Xudo ma'rifatiga yetkazadi. Toat qilish bandani savobga yetkazadi, savob o'z nafsining nasibasidir. Xudoi Taoloning ma'rifati nafsning nasibasidan

[70] Ибн-Сино. Аш-Шифо: аль-иляхиййат. Қоҳира, 1960. – S. 26.
[71] Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент, 2007. Б.-70.
[72] Fahr Addin Raziy. Latoif ul-Giyosiyot. (arab tilida) O'zbekiston FA Sharqshunoslik institutida saqlanadi (inv №10873)

afzalroqdir. Demak, fikr yuritish ibodatdan afzalroqdir"[73].

Musulmon Sharqi faylasuf va mutafakkirlarining din va falsafa o'rtasidagi munosabatni belgilashda turli xillikni ko'rdik. Ulardan ba'zilari, yuqorida ta'kidlaganimizdek, as-Sijistoniy kabi ularni bir-biridan ajratish zarurligini, ba'zilari Al-Kindiy, Forobiy va Ibn Sino kabilar esa o'rtasida murosa topishni ma'qul ko'rdilar. Mazkur masala Marokash faylasuflari va uning mutafakkirlarini ham o'ylantirdi.

Navbatdagi faylasufimiz Ibn Rushdning zamondoshi Abu Bakr ibn Tufayldir. U o'zining "Hayy ibn Yaqzon" haqidagi falsafiy qissasidan maqsad e'tiqod va aql birligini, ya'ni ularni ikki haqiqat ekanligini ko'rsatish edi.

Din va falsafaning uyg'unligi haqidagi qarashlarni Al-Kindiy, Forobiy, Sijjistoniy, Ibn Sino, Ar-Roziydan bir necha asrdan keyin boshqa mintaqada, Ibn Tufayl, Muso Maymonid bilan bir davrda va bir mintaqada - Andalusiyada Ibn Rushd yanada rivojlantirdi va alohida konsepsiya sifatida shakllantirdi.

E'tiqod va aql bog'liqligi borasidagi faylasuflarning fikrlarini eng yakuniga yetkazgan, bunga Qur'on oyatlari, falsafiy mushohada bilan dalillar keltirib, ularni o'zaro uyg'unlashtirishga intilishda Ibn Rushd qarashlari cho'qqiga chiqa oldi. Bu borada Ibn Rushdning "Kitab Fasl al-maqāl fiy ma bayna al-hikma va ash-shari'a min al-ittisal" (keyinchalik, "Fasl al-maqāl") asari bizga katta yordam beradi. Avvalo, asar nomiga nazar tashlasak, "ittisal" ("uyg'unlik", "bog'liqlik") degan tushuncha barcha tushunchalarni birlashtirib turuvchi vazifasida kelmoqda. Ibn Rushd fikricha, "ittisal"ni amalga oshirish uchun faqat o'rganish va harakat qilishning o'zi kifoya emas, uni bu dunyoda bu ikkisining birga yashashi bilan amalga oshirish mumkin.

Ibn Rushd "Fasl al-maqāl" asarida falsafa va diniy mulohazalar o'rtasida bir-biriga qarshi bo'lmagan ko'plab misollar mavjudligini, ta'kidlab o'tgan. Aslini olganda, Ibn Rushdning mazkur risolasidagi maqsadlardan biri – falsafa va diniy mulohazalar haqiqatni ifodalashda bir-biriga mos va uyg'un fikrlash usullari sifatida talqin qilishdir. Falsafa (hikma) va oyatlar (diniy bitiklar)ni ozaro mos bo'lgan va bir-biriga zid bo'lmagan munozarali shakllar sifatida tavsiflash bu dastlabki tavsif sanaladi. Biroq, bu Ibn Rushdning bu munosabatlar o'rtasidagi bog'liqlikning o'ziga xosligini ifodalamaydi. "Ibn Rushd fikridagi bu kabi diniy bitiklar va falsafa bir-biriga parallelligini va bir-biriga zid bo'lmagan o'zaro teng mantiqiy nuqtai-nazar sifatida bir xil hodisalarning natijasidir"[74], deb keltirib o'tadi bu borada tadqiqotlar

[73] Fahr Addin Raziy. Latoif ul-Giyosiyot. (arab tilida) O'zbekiston FA Sharqshunoslik institutida saqlanadi (inv №10873)

[74] *Nauman Faizi.* Averroes on the Relationship between Philosophy and Scripture: A Conditional Hierarchy// The Journal of Scriptural Reasoning. Volume: 15. Issue: 1. 2016/3. – P. 34.

olib borgan Nauman Fayzi. Aynan shu xulosalariga asoslangan faylasuf o'zining "Ikki haqiqat" konsepsiyasini keltirdi.

Bu nazariya din va falsafaning bir xilligini emas, aksincha, din va falsafaning butunlay boshqa mavzu va usullari borligini ta'kidlaydi. Demak, dinning predmeti Xudo, usuli esa e'tiqod, falsafaning predmeti esa tabiat, uning usuli esa tajribadir. Dinning o'ziga xos haqiqatlari, falsafaning o'ziga xos haqiqatlari mavjudligi din va falsafani mutlaqo boshqa sohalarda shug'ullanishini, o'zaro hech qanday umumiylik yo'qligini bildirishi ajablanarli emas. Bundan tashqari, bu haqiqatlar nafaqat mumkin, balki turli xil va hatto qarama-qarshi bo'lishi kerak. "Ularning bir-biriga mos kelmasligida noto'g'ri va g'ayrioddiy narsa yo'q: bu juda tabiiy, normal va tushunarli. E'tiqod va aql uyg'unligi tarafdorlari ta'kidlaganlaridek, ular umuman qo'shilmasliklari kerak shu bilan birga bu haqiqatlar ziddiyatli bo'lishi mumkin emas, chunki ular qarama-qarshi va aslida mos kelmaydigan narsalar haqida gapiradilar"[75].

Shuni aytishimiz mumkinki, Andalusiya faylasufi o'zidan oldingi va o'zidan keyingi ko'plab O'rta va Yangi davrlar faylasuflari kabi dinni asossiz deb hisoblamagan. Hikmat va shariatning har biri bir-biriga muhtojligini va ularning har birining o'z xalqi va ishonuvchilari borligini ta'kidlagan. Ibn Rushdni doimo ular orasida yarashtiruvchi mavqeida turganligini ko'rshimiz mumkin. "… Zero, do'stning haqorati dushmandan chiqqan haqoratdan ham yomonroqdir. Aytmoqchimanki, falsafa dinning do'sti (hamrohi) va sut singlisidir. Shuning uchun ham ularga adovat, kelishmovchilik, nafrat aloqador deb da'vo qilganlarning g'azabi eng achchiqdir. Aslida ular mohiyatida hamroh va tabiatan do'stdirlar"[76]. Ibn Rushd din va falsafani o'zaro uyg'un ekanligini namoyish etishga harakat qilgan. Falsafa ham, din ham eng avvalo butun borliq va olamning oliy sababchisi bo'lmish Xudo haqida tafakkur qiladi. Lekin ular tafakkur qilish uslubi jihatidan farq qiladi.

"Fasl al-maqāl" asarida Alloh tomonidan Muhammad (s.a.v.) payg'ambar sifatida butun bashariyatga yuborilganliklarini, ular ko'rsatgan yo'ldan yurish lozimligini uqtiradi. Aynan shu shariat bandalarni Alloh buyurgan ishlarini bajarishlari, u ko'rsatgan yo'ldan yurishlarini ta'minlaganligini ta'kidlab o'tadi, hamda Qur'on oyatidagi "hikmat" so'ziga alohida urg'u berib, aynan shariat vositasida Alloh buyurgan yo'ldan borishda hikmatga ham murojaat qilishga chorlanganligini namoyish etadi. Keyin falsafa usullarini shariat tomonidan qachalik tasdiqlanganligini dalillab beradi: "Agar bu shariat haqiqatdan ham tafakkurga chorlovchi, haqiqatni bilishga yetaklovchi bo'lsa, biz musulmonlar aniq bilamizki,

[75] Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе / Пер. с англ. С.А. Хомутова. – М.: Наука, 1978. – С. 109.

[76] ابن رشد. فصل المقال فيما بين الحكمة والشريعة من الاتصال (Hikmat va shariat o'rtasidagi uyg'unlik haqida risola). القاهرة, 2007. – ص. 23.

dalillarga asoslangan mulohazalar shariatda mavjud bo'lgan narsalarga zid bo'lmaydi. Darhaqiqat, haqiqat haqiqatga zid kelmaydi, aksincha, unga muvofiqdir va uning foydasiga dalil bo'lib xizmat qiladi"[77].

Ibn Rushd e'tiqod va aqlni uyg'unlashtirish maqsadida payg'ambar va faylasuf tushunchlarini ham uyg'unlashtirishga harakat qiladi. Ijtimoiy-siyosiy hayotda tashkilotchilikda payg'ambarlarni o'rni yuksakligini aytib o'tadi: "Payg'ambarlar qonun o'rnatuvchilar bo'lib, ular jamiyatga qonunlar taqdim etadilar"[78]. Ibn Rushd quyidagi iborani keltiradi: "nabaviy qonun o'rnatuvchilik donishmandligi"[79]. Ochiq ravshanki, bu yerda u "payg'ambarlik vazifasi" bilan "falsafiy donishmandlik"ni o'zaro bir-biriga bog'lash maqsadida bo'lgan. Ibn Rushd faylasuf – donishmand ta'limotini quyidagi ajoyib, bir qarashda g'aroyib hikmatda ifoda etadi: "Har bir payg'ambar – donishmanddir, lekin hech bir donishmand payg'ambar emas"[80]. Aynan shu hikmat faylasufni falsafa va dinni aloqadorligi haqidagi ta'limotini asl mag'zi hisoblanadi. U "Ikki haqiqat" deb nomlagan ta'limotida o'z davrida ikki qarama-qarshi sohaning har birining o'ziga xos, individual usullari, vositalari, xulosalari mavjudligini tan olib, farqini ko'rsatib o'tib, biri ikkinchisi e'tirof etgan haqiqatni inkor etmasligi, balki taqozo etishi nazarda tutilganligi ma'lum bo'ladi.

Yuqoridagi faylasuflarning fikrlaridan ko'rinib turibdiki, ularning barchasi o'z vaziyatidan kelib chiqib, din va falsafani o'zaro uyg'unlashtirishga, bir-biri bilan kelishtirishga uringanlar. Ya'ni, din va falsafani Haqiqatga erishtiruvchi ikki yo'l sifatida ko'rganlar. Din va falsafa o'rtasidagi munosabatga o'zlarining nuqtai-nazarlarini berganlar. Bugungi turli xil g'oyaviy, mafkuraviy tahdidlar davrida dinni to'g'ri tushuna bilish, uni ko'r-ko'rona emas, aql vositasida anglab yetib, e'tiqod qilish asosiy masala hisoblanadi.

## REFERENCES

1. Bayhaqiy Zahiriddin Abulhasan Ali ibn Zayd. Tatimma "Sivon al-hikma". Qohira: Dar va maktabatu bibliyun, 2007.

**2.** Ikramova I.R. The influence of Eastern peripateticism on the formation of Ibn Rushd's doctrine of "Two truths"// Central Asian journal of literature, philosophy and culture. Volume: 04 Issue: 01/Jan 2023, ISSN: 2660-6828. Spain.

**3.** Fahr Addin Raziy. Latoif ul-Giyosiyot. (arab tilida) O'zbekiston FA Sharqshunoslik institutida saqlanadi (inv №10873)

[77] ابن رشد. فصل المقال فيما بين الحكمة والشريعة من الاتصال (Hikmat va shariat o'rtasidagi uyg'unlik haqida risola). القاهرة,2007. – ص .4.

[78] Игнатенко А.А. В поисках счастья. – М., 1989. – С. 224.

[79] ابن رشد. تهافت التهافت (Raddiyani rad etish). - القاهرة, 1998. - ص. 425.

[80] Ибн Рушд. Опровержение опровержения// Пер. Еремеев С.И. – Киев: УЦИММ – Пресс; – СПб.: Алетейя, 1999. – С. 425.

**4.** Forobiy. Fozil odamlar shahri. T., 2016.
5. Journal of Scriptural Reasoning. Volume: 15. Issue: 1. 2016/3.
6. Miskavayh. Tajoribul umam. – Beyrut, 2002.
7. *Nauman Faizi.* Averroes on the Relationship between Philosophy and Scripture: A Conditional Hierarchy// The Journal of Scriptural Reasoning. Volume: 15. Issue: 1. 2016/3.
8. Peter Leuprecht. Reason, Justice and Dignity. Brill/Nijhoff, 2012.
9. Ал-Кинди. О первой философии // Избранные произведения мыслиелей стран Ближного и Среднего Востока // сост. Григорян С.Н., Сагадеев А.В. – М.,1961.
10. Аль-Кинди. Трактат о количестве книг Арастуя и о том, что необходимо для усвоения философии //Средневековая арабо-мусульманская философия//перевод А.В. Сагадеева. Т.1.
11. Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. – М.: Наука, 1988.
12. Ибн Рушд. Опровержение опровержения// Пер. Еремеев С.И. – Киев: УЦИММ – Пресс; – СПб.: Алетейя, 1999.
13. Ибн-Сино. Аш-Шифо: аль-иляхиййат. Қоҳира, 1960.
14. Игнатенко А.А. В поисках счастья. – М., 1989.
15. Мискавайҳ. Ал-фузул асғар. 2-боб. – Миср, 2004.
16. Ризо Доварий Ардаконий. Форобий ислом фалсафасининг асосчиси// Сўз боши ва таржимон Қодиров М. –Теҳрон, ҳижрий 1377/1998.
17. Пўлатова Д., Қодиров М. ва бошқалар. Шарқ фалсафаси. – Т.: Жаҳон принт, 2023.
18. Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе / Пер. с англ. С.А. Хомутова. – М.: Наука, 1978.
19. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. – Тошкент, 2007.
20. ابن رشد. فصل المقال فيما بين الحكمة والشريعة من الاتصال ( Hikmat va shariat o'rtasidagi uyg'unlik haqida risola). القاهرة, 2007. – ص .4.
21. ابن رشد. تهافت التهافت (Raddiyani rad etish). - القاهرة, 1998. - ص. 425.
22. محمد يوسف موسى. ابن رشد الفيلسوف. (Ибн Рушд – файласуф) القاهرة, 2014.

# XXI ASR AXBOROT MAKONIDA MEDIA MA'DANIYATNING AHAMIYATI VA UNING JAMIYATDA TUTGAN O'RNI.

**Ilyosov Shohrux**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Gumanitar fanlar fakulteti fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasi
stajyor o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Madaniyatshunoslik fanida mediamadaniyat atamasi XX asr o'rtalarida ommaviy axborot vositalari ta'siri ostida paydo bo'la boshladi va shakllangan zamonaviy terminni anglatib kela boshladi. Bu atama ommaviy axborot vositalari (asosan televideniye, shuningdek, matbuot, radio va filmlar) nafaqat jamoatchilik fikriga, balki did va qadriyatlarga ko'rsatadigan umumiy va intellektual ta'sirni anglatadi. Maqolada mediamaniyat tushunchasi va uning bugungi kunda tutgan o'rni haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** Media ma'daniyat, madaniyatshunoslik, sivilizatsiya, ommaviy axborot vositalari, televideniya, xulq atvor, media muhit, axborot tarqatish madaniyati, jamiyatdagi axloq asoslari.

Har qanday sivilizatsiyalashgan jamiyat, rivojlanishning qaysi bosqichida bo'lmasin, inson ijodkorlik jarayonida muloqot qilish va hissiyotlarini ifoda etish istagini inkor eta olmaydi. Har bir davrda ushbu manfaatlar va ehtiyojlarni eng samarali qondiradigan, kommunal funksiyalar nuqtayi nazaridan eng samarali va ijtimoiy mavqei jihatidan eng maqbul bo'lib chiqadigan yangi yetakchi madaniyat shakllari paydo bo'ladi deyish to'g'ri bo'lar edi.

Hozirgi kunda global axborot tarmoqlari (internet, uyali va sun'iy yo'ldosh aloqasi) har bir mamlakatning rivojlanishini ta'minlovchi asosiy omilga aylanmoqda. Hozirgi kunda raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallash zarurati ortib bormoqda. Shu bilan vir qatorda jamiyatda media ma'daniyatga bo'lgan talab ham oshmoqda.

XX asrning so„nggi choragida "mediamadaniyat" tushunchasining hayotga tatbiq etilishi eng so'nggi axborot texnologiyalarining davr madaniy-kommunikativ holatining barcha jabhalariga inqilobiy ta'siri bilan bog'liq. "Yangi ommaviy axborot vositalari" sohasidagi har qanday yangilik ijtimoiy muhit konturlarida bir nechta o'zgarishlarni keltirib chiqaradi: axborot oqimlari zichligining oshishi, ular tezligining oshishi, yangi ijtimoiy-madaniy hodisalarning paydo bo'lishi. Shu nuqtayi nazardan, mediamadaniyat jamiyatning turli tizimlari o'rtasidagi o„zaro aloqalarni ramziy almashinuv mexanizmlari orqali ta"minlaydigan ijtimoiy muhit sifatida, shubhasiz, falsafiy, sotsiologik, psixologik tadqiqotlar mavzusiga qiziqish uyg'otadi.

Ayni paytda, zamonaviy madaniyat nazariyasining yaratuvchisi sifatida "mediamadaniyat" atamasi axborot jamiyati madaniyatining maxsus turini bildirish uchun kiritildi. Shu bilan birga, yaqin vaqtgacha "ommaviy axborot vositalari" kabi tushunchalar mahalliy fan va amaliyotda keng tarqalgan edi. Ommaviy axborot vositalari "ommaviy madaniyat"ning texnik ishlab chiqarilishini bildirish uchun kiritilgan XX asr atamasidir, shuning uchun tadqiqotchilar sotsiologiya, iqtisod va boshqa fanlarning tajribalaridan foydalangan holda madaniyat tarixi va nazariyasini qayta ko'rib chiqish imkoniyatiga ega. Ushbu hodisaning paydo bo„lishi vazifalari, maqomi va faoliyat sohasi oldingisiga qaraganda ancha xilma-xil bo„lib borayotgan zamonaviy mediamuhit, mediabozor, mediamenejment, mediatanqidning yangi mediahaqqati, mediamadaniyatning shakllanishiga olib keldi. Axborot inqilobi jamiyat asoslarini tubdan o„zgartiradigan omil sifatida e‟tirof etilganiga qaramay, yangi telekommunikatsiya va kompyuter texnologiyalari va ularga asoslangan "yangi ommaviy axborot vositalari" bilan bog'liq muammolar asosan har xil turdagi professional muammolar, axborot faoliyati va kam hollarda odamning shaxsiy hayoti uchun xavf tug„diradigan psixologik muammolar sharoitida muhokama qilinadi. Shu bilan birga, aloqa komponenti har qanday faoliyat turida juda katta rol o„ynaydi va ushbu omilni to'g'ri baholamaslik bir necha salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. XXI asr mediamadaniyati nafaqat yangi texnik kommunikativ ommaviy axborot vositalarining ustunligi bilan ta‟minlangan, balki axborot oqimlari zichligini, axborot-kommunikatsiya jarayonlari tezligining oshishini, faoliyatning barcha sohalari, shuningdek, ommaviy axborot vositalarining o„zaro ta‟sirining yangi modeli asosida joylashgan barcha telekommunikatsiyalarning yaqinlashuvi prinsipi bo„yicha kommunikatsiya aloqalari konfiguratsiyasining o'zgarishini namoyish etadi. Mavjud vaziyatning o„ziga xos xususiyatlari inson yashash muhitining innovatsion modellarini yaratish uchun yangi imkoniyatlar beradi. Mediamadaniyat muloqot qilish imkoniyatlarini kengaytiradi, masofani toraytiradi, zamonaviy dunyo makonining istalgan nuqtasiga yaqinlik tuyg'usini yaratadi.

Bugungi globallashuv va axborot texnologiyalari rivojlanayotgan davrda media madaniyati inson hayotining ajralmas qismiga aylangan. Media madaniyati ommaviy axborot vositalarining ta'siri, ularni tushunish, tahlil qilish va ulardan samarali foydalanish madaniyatini o'z ichiga oladi. Bu tushuncha nafaqat jurnalistlar va media vakillari uchun, balki har bir fuqaroga tegishlidir, chunki har kuni turli axborot oqimiga duch kelamiz.

Yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalari asosida jahon iqtisodiyoti institutlari jahon bozorlarini boshqarishga imkon beradigan xalqaro hamkorlik strategiyalarini yaratdilar; global tarmoqdagi moliyaviy operatsiyalar vaqtni tejashga yordam beradi; butun dunyo bo„ylab birja savdolarining natijalari kompyuter

ekranlarida namoyish etiladi va sivilizatsiyaning uchinchi to'lqini elektron pullari, E. Toffler so'zlari bilan aytganda, "tobora ko'proq elektron impulslarni aks ettiradi" [1, b. 95].

"Yangi ommaviy axborot vositalari" davri bergan imkoniyatlar qatoriga ta"lim tizimini rivojlantirish va takomillashtirish uchun asos sifatida sifat jihatidan yangi axborot-ta"lim muhitini yaratish imkoniyatlari kiradi. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish intellektual faoliyatning mohiyatini o„zgartirib, ma"lumotlarni izlash va uzatish jarayonida tezlashtirishni ta"minlaydi; masofaviy o„qitish sohasida interfaol usullarni joriy etish onlayn ta"limning yangi shakllarini shakllantirishga va ta"limda mavjudlik tamoyilini rivojlantirishga yordam berdi. Ommaviy axborot vositalarining professional kommunikatsiya faoliyati sohasida ham muhim o„zgarishlar yuz berdi: nashrning arxivlari va tashqi elektron resurslarga, ma"lumotlar bazalariga, tashkilotlarning rasmiy veb-saytlariga, yangiliklar lentalari, videokonferentsiyalarga kirish imkoni yaratdi. jurnalistlar tomonidan mavzu. Bir nechta manbalar mustaqil jurnalistik jurnalistikaning yanada samarali ishlashiga yordam beradi. Tomoshabinlarning roli ham o„zgardi: mulohazalarning turli shakllari o„quvchi, tinglovchi va tomoshabinga axborot mahsulotini ishlab chiqarishda ishtirok etish imkoniyatini berdi. Etnomadaniy xilma-xillik odamning elektron "desritorializatsiyasi" – odamning individual, odatiy, samimiy sohasini buzadigan elektron ommaviy axborot oqimlarining shaxsiy makoniga bostirib kirishi bilan olib tashlanadi. Globallashayotgan dunyoda "mahalliy aholi madaniy, tarixiy va geografik ahamiyatidan mahrum bo„lib, funksional tarmoqlarga yoki majoziy kollajlarga birlashtirilib, joylar makonining o„rnini bosadigan oqimlar maydonini keltirib chiqaradi." [2, b. 51-53].

Yuqorida aytib o„tilganlardan kelib chiqqan holda biz yangi hodisaga quyidagi ta"rifni berishga haqlimiz: mediamadaniyat – bu insoniyat tomonidan madaniy va tarixiy rivojlanish jarayonida ishlab chiqilgan, ijtimoiy ongni shakllantirishga va ijtimoiylashuviga hissa qo„shadigan individual axborot-kommunikatsiya vositalarining to'plamidir. Unga axborot uzatish madaniyati va uni idrok etish madaniyati kiradi; u yoki bu boshqa mediamatnni idrok etish, tahlil qilish, baholash, mediaijodkorlik bilan shug„ullanish, ommaviy axborot vositalari orqali yangi bilimlarni o„zlashtirishga qodir shaxsiyat rivojlanish darajalari tizimi sifatida ham qaralishi mumkin [3]. Yuqorida aytilganlarning hammasi mediamadaniyat jamiyat bilan birgalikda uning ijtimoiy-madaniy modernizatsiyasi sharoitida rivojlanib boradigan dinamik hodisa ekanligini isbotlaydi.

## REFERENCES

1. Тоффлер Э. Метаморфозы власти. М.: Изд-во АСТ, 2001. 669 с.

2. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М.: ГУ ВШЭ, 2000.
3. Кириллова Н. Медиакультура: от модерна к постмодерну. М., 2005.

# GLOBALLASHUV SHAROIDA QADRIYATLAR RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOSLIGI

**Murod Rustamovich Shokirov**
O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Buxoro akademik litseyi, Huquqiy va ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasi bosh o'qituvchisi

**Kirish:** Globallashuv jahon mamlakatlarining iqtisodiy, siyosiy, madaniy va diniy jihatdan birlashishi, yaqinlashishi jarayoni hisoblanadi. Bu jarayonda davlatlarning milliy qadriyatlarida jiddiy o'zgarishlar ko'zga tashlanadi. Ma'lumki, XXI asr ilmiy-texnik inqilob, axborot texnologiyalar asri sifatida tarixga kirdi. Globallashuv jarayoni davlatlarni iqtisodiy, siyosiy, madaniy rivojlanishiga bir qator ham ijobiy, ham salbiy oqibatlar olib kelishi mumkin. Globallashiv jarayonida bir qator millat va elatlar o'zining asrlar davomida amal qilib kelgan qadriyatlardan voz kechishi mumkin. Bu millatlarning o'zligini yo'qotishga olib keladi.

**Mavzuning dolzarbligi:** Bu jarayon bilan birga qadriyatlar ham tez o'zgarib, yangi shakllar olmoqda. Qadriyatlarning o'ziga xosligi, ya'ni milliy, mahalliy va umuminsoniy qadriyatlarning o'zaro ta'siri, zamonaviy davrda alohida ahamiyat kasb etadi.

"Buyuk tarixda hech narsa izsiz ketmaydi. U xalqlarning qonida, tarixiy xotirasida saqlanadi va amaliy ishlarida namoyon bo'ladi. Shuning uchun ham u qudratlidir. Tarixiy merosni asrab-avaylash, o'rganish va avlodlardan avlodlarga qoldirish davlatimiz siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biridir.

Yangi tahdidlar, jumladan, «ommaviy madaniyat» xavfi va boqimandalik kayfiyati paydo bo'layotgan, odob-axloq qadriyatlarning yo'qolish xavfi yuzaga kelayotgan hozirgi globallashuv sharoitida bu g'oyat muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu sababli, mening fikrimcha, inson ma'naviy olami, xalqlar madaniyatini belgilaydigan manbalarni asrab-avaylash va boyitish bugungi kunda har qachongidan ham muhimdir"[81] deydi prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev.

Xo'sh, qadriyatlarning o'zi nima degan savolga Akademik J. Tulenov quyidagicha javob beradi: "Qadriyat deyilganda inson va insoniyat uchun ahamiyatli bo'lgan, millat, elat va ijtimoiy guruhlarning manfaatlari va maqsadlariga xizmat qiladigan tabiat va jamiyat hodisalari majmui tushunilmog'i lozim"[82].

[81] Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз/ Тошкент - «Ўзбекистон» - 2017, 29-30 бетлар.
[82] Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Тошкент: "Ўзбекистон", 1998, 11-13-б.

J.Tulenov qadriyatlarni mohiyatiga ko'ra bir necha turga bo'lar ekan, insonning o'zi va uning hayoti eng oliy qadriyat hisoblanishini qayta-qayta ta'kidlaydi. Olim qadriyatlarni mohiyatiga ko'ra quyidagicha turlarga bo'ladi:

1) tabiiy qadriyatlar;
2) moddiy qadriyatlar;
3) madaniy-ma'naviy qadriyatlar;
4) axloqiy qadriyatlar;
5) ijtimoiy-siyosiy qadriyatlar.

J. Tulenov qadriyatlarning amal qilish doirasiga ko'ra quyidagi turlarga bo'linishini ta'kidlaydi:

1) milliy;
2) mintaqaviy;
3) umuminsoniy[83].

Har bir millat o'ziga xos an'analar, odob-omadlar, diniy va ijtimoiy qadriyatlarga ega. Globallashuv sharoitida bu qadriyatlar ba'zan chet el ta'siriga uchraydi, lekin kuchli madaniy asosi bor millatlar o'z qadriyatlarini saqlab qola olmoqda. Masalan, Sharq mamlakatlarida oilaviy qadariyatlar, kattalarga hurmat, mehmondo'stlik kabi an'analar hali ham juda muhim hisoblanadi.

"Bugungi kunda irqi, millati, ijtimoiy kelib chiqishi, mavqeyi, e'tiqodi va maslagidan qat'i nazar, ona-Yer sayyorasidagi barcha kishilarning hamjihatligini ta'minlaydigan, umuminsoniyat ahamiyatiga molik zamonaviy muammolarni hal qilishda turli millat, xalq, ijtimoiy qatlam va qavmlar hamjihatligiga asos bo'ladigan, umumiy qadriyatlarning ustivorligi ta'minlangan tizim shakllanishini qaror topishiga ehtiyoj kuchayib bormoqda. Bu esa dunyoning barcha mintaqalari, davlatlari va turli hududlariga xos bo'lgan rang-baranglikning dialektik birligiga asoslangan, umumbashariy ahamiyatga molik qadriyatlarning ustuvorligini ta'minlash yo'llari, omillari va bu boradagi dolzarb vazifalarni samarali amalga oshirish usullarini ilmiy izohlashni zaruruatga aylantiradi[84]" deb yozadi Qiyom Nazarov.

**Muammolar:** Globallashuv bilan demokratiya, inson huquqlari, gender tengligi, ekologik xotirjamlik kabi umumjahon qadriyatlar keng tarqalmoqda. Bular ko'pchilik mamlakatlarda ijtimoiy va siyosiy transformatsiyalarga olib kelmoqda. Bir tomondan, bu yangiliklar inson hayotini yaxshilasa, ikkinchi tomondan, milliy madaniyatlar uchun xavf tug'dirmoqda.

Birinchidan, *tabiiy qadriyatlarga* to'xtaladigan bo'lsak, O'zbekiston respublikasining yer ostida amalda Mendeleev davriy jadvalidagi barcha elementlar

[83] Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Тошкент: "Ўзбекистон", 1998, 19-20-б.
[84] Қиём Назаров. Аксиология. –Тошкент: "Академия", 2011, -Б. 125.

mavjud. Davlatimiz Fors ko'rfazi, Kaspiy dengizi havzasi va Tarim havzasining neft va gazga boy konlari joylashgan yarim halqaning strategik markazida joylashgan. Jahon energetika taqchilligi davrida dunyo davlatlarining bir-biriga mos kelmaydigan manfaatlari o'zaro to'qnashmoqda. Kuchli davlatlar mintaqada o'z manfaatlarini izlamoqda.

Prezident Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: "Biz boshimizdan kechirayotgan hozirgi globallashuv davri o'ta shiddat bilan o'zgarayotgani va turli tahdidlar ko'pligi bilan oldimizga hal etishni kechiktirib bo'lmaydigan g'oyat murakkab vazifalarni qo'ymoqda.

Shu sababli O'zbekistonning barqaror rivojiga xavf tug'dirishi mumkin bo'lgan tahdidlar, o'z yechimini kutayotgan eng muhim muammoli masalalarga e'tiboringizni qaratmoqchiman.

Birinchidan, geosiyosiy manfaatlar to'qnashuvi xalqaro aloqalarda o'zaro ishonch va hamkorlik munosabatlariga putur yetishiga, qarama-qarshilik va nosog'lom raqobat kuchayishiga sabab bo'lmoqda. Bunga hammamiz guvoh bo'lib turibmiz.

Ikkinchidan, jahon iqtisodiy inqirozi, dunyo bozorlaridagi beqarorlik, energiya resurslari narxlarining pasayishi deyarli barcha davlatlarning iqtisodiy rivojiga salbiy ta'sir ko'satmoqda.

Tabiiy resurslar uchun kurash qator davlatlarda harbiy-siyosiy ahvolning keskinlashuviga olib kelmoqda. Ayrim mamlakatlarni xomashyo bazasi va sifatsiz maxsulotlar bozoriga aylantirishga intilayotgan kuchlar ham yo'q emas.

Uchinchidan, jahon iqtisodiyotining globallashuvi va ba'zi mintaqalarda yuzaga kelgan notinch vaziyat aholi migratsiyasining kuchayishiga sabab bo'lmoqda. Bu esa jinoyatchilik, odam savdosi, terrorchilik, ekstremizm, narkotrafik kabi illatlarning hamda o'ta xavfli yuqumli kasalliklarning ko'payishiga olib kelmoqda.

To'rtinchidan, axborot-kommunikatsiya tizimlarining keng qo'llanishi, davlat boshqaruvining elektron shaklda tashkil etilayotgani, bu yaxshi albatta, o'z navbatida, axborot xavfsizligini ta'minlash bilan bog'lik qo'shimcha chora-tadbirlar ko'rishni hayotning o'zi taqozo etmoqda.

Beshinchidan, korrupsiya, mahalliychilik va urug'-aymoqchilik kabi illatlar davlat hokimiyatini obro'sizlantirib, iqtisodiyotning o'sishi va tadbirkorlik rivojiga jiddiy to'siq bo'lmoqda.

Oltinchidan, "ommaviy madaniyat" balosi ko'plab yoshlarni o'z domiga tortib, millat va yurt uchun butunlay begona bo'lgan an'analar kirib kelishiga sabab bo'lmoqda[85].

Globallashuv jarayonida madaniy va axloqiy qadriyatlarga ham jiddiy muammolar ko'zga tashlanadi.

"Dunyo shiddat bilan o'zgarib, barqarorlik va xalqlarning mustahkam rivojlanishiga raxna soladigan turli yangi taxdid va xavflar paydo bo'layotgan bugungi kunda ma'naviyat va ma'rifatga, axloqiy tarbiya, yoshlarning bilim olish, kamolga yetishga intilishiga e'tibor qaratish har qachongidan ham muhimdir. Aynan ta'lim va ma'rifat bashariyat farovonligining asosiy omillaridan hisoblanadi, insonlarni ezgulikka da'vat etadi, saxovatli, sabr-qanoatli bo'lishga undaydi. Muqaddas islom dinimiz bizga aynan shuni o'rgatadi"[86] deydi prezident Shavkat Mirziyoyev.

Zamonaviy jamiyatlarda milliy va global qadriyatlar birlashuvi kuzatilmoq. Masalan, O'zbekistonda ham zamonaviy texnologiyalar bilan birga milliy hunarmandchilik an'analari, ijtimoiy tartiblar o'zgarmoqda. Bu jarayon "globallashuv" - deb ataluvchi tendensiyani ko'rsatadi.

Faylasuf olim A.Erkayev "Ommaviy madaniyat" dunyoda juda tez va keng tarqaldi. "Ommaviy madaniyat"da ba'zi bir ijobiy jihatlar bilan bir qatorda salbiy jihatlar ham ko'p. Eng avvalo, "ommaviy madaniyat" insonni barcha sohada, jumladan, madaniyat va dam olish, bo'sh vaqtni tashkil qilish borasida ham individualligini yo'qotgan iste'mol chiga aylantirib qo'yadi. Uning iste'mol qilayotgan ma'naviy-madaniy mahsulotlari, "san'at asarlari" esa standartlashgan, milliy qiyofasiz (pop-art) tovarga aylanadi. Musiqada va ashulachilikda "rep", "rok" kabi janrlar, jangarilik, mistik-fantastik filmlar, trillerlar, blokbasterlar fikrimizni tasdiqlaydi", – deb yozadi. "Ommaviy madaniyat" niqobi ostida vaqti-vaqti bilan paydo bo'ladigan turli ijtimoiy harakatlar va guruhlar ("xippi"lar, "prank"lar, "roker"lar hamda "gey"lar (besoqolbozlar) harakati, antiglobalistlar va sh.k.), fahsh va zo'ravonlikni, "vampir"lik va jodugarlikni targ'ib qiluvchi filmlar, ochiqchasiga pornografik sahnalardan iborat video lavhalar, disklar va boshqalar ta'siri esa inson shaxsini yemirishga, jamiyatni degumanizatsiya qilishga olib keladi. Bunday sharoitda yosh avlodni, milliy madaniyatni qanday himoya qilish kerak, degan

[85] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон". 2017, -Б. 45-46.

[86] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. –Б. 27-28.

masalaning o'zi jiddiy siyosiy, ma'naviy va ilmiy muammoga aylanadi"[87], – deb haqli ravishda e'tirof etadi Sh.G'oyibnazarov.

Ijtimoiy-siyosiy qadriyatlarga to'xtaladigan bo'lsak bu sohada ham muammolarimiz talaygina.

**Tahlillar:** Mamlakatimizda bugungi globallashuv jarayonida yoshlarni milliy qadriyatlar asosida intellekti yuqori va vatanparvar qilib tarbiyalashga katta ahamiyat qaratilmoqda.

Abdurauf Fitrat o'zining "Oila" nomli asarida bolalarni "diqqatlari va zehnlari chuqur va jiddiy bo'lishiga o'rgating ... . Ko'rganlari ustidan tez xulosa chiqarmasinlar" [88], – deya ta'kidlab, farzand tarbiyasiga e'tibor berish lozimligini uqtiradi.

Prezident Shavkat Mirziyoyevning "Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz"[89], – degan fikrlari yosh avlodni milliy qadriyatlar asosida yetuk, barkamol etib tarbiyalashda barchamizga kuch-g'ayrat bag'ishlamoqda.

Ichki xavflar – g'oyaviy bo'shliq, tarixiy xotiraga to'liq ega emaslik, o'g'il va qizlar tarbiyasiga mutanosib yondashmaslik, yo'l qo'yilgan xato, kamchiliklardan o'kinmaslik va xulosa chiqarmaslik, g'iybat qilib huzurlanish, so'zlashuv madaniyatiga, ona tilimiz qoidalariga e'tiborsizlik, noshukurlik, ikkiyuzlamachilik, dangasalik, shaxsiyatparastlik, mahalliychilik. Tashqi xavf – ma'naviyatimizga zid, yot diniy oqimlar ta'siri, soxta demokratiya shakllarini singdirishga urinish, g'arbona gedonizm, g'oyaviy tazyiqlar, yengil-yelpi san'at turlariga mahliyolik (rok, rep, metall, breyk dans va hokazo), siyosiy-mafkuraviy ta'sirlar, odobsizlik, uyatsizlik targ'iboti, egoizm va individualizm, aqidaparastlik, ekstremizm, boshqa madaniyat, urf-odatlarga beriluvchanlik (Valentin kuni, Xevolin bayrami, g'arbona va sharqona kiyinishga moyillik).

**Muammoni hal yetish yo'llari:** Yer osti boyliklarini O'zbekiston xalqining manfaatiga samarali xizmat qildirish xususida ran yuritar ekanmiz, fikrimizcha, ikkita masalaga alohida e'tibor bermog'imiz lozim. *Birinchidan*, jumhuriyatimiz zaminida foydali qazilmalar qanchalik mo'l bo'lishidan qat'i nazar, ularga nihoyatda ehtiyotkorlik, tejamkorlik bilan yondashib, kelajak avlodimiz manfaatlarini,

[87] Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият. –Тошкент:; "Ўзбекистон", 2012. -Б.13-14.

[88] Фармонова М. Қадриятлар - маънавий камолот асоси. –Тошкент, "Тасвир", 2019. –Б. 9.

[89] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2016. -Б.146.

respublikamiz istiqbolini hisobga olgan holda ishlatishimiz kerak. Bu ayniqsa, neft, gaz, ko'mir mahsulotlariga daxldordir, chunki ularning zaxiralari cheklangan, shuningdek bular o'rnini to'ldirib bo'lmaydigan mahsulotlar turkumiga kiradi. Shu nuqtayi nazardan qaralsa gaz mahsulotlarini chetga chiqarish biz uchun zarurmi, yoki yo'qmi? degan savol o'z-o'zidan tug'iladi. Mazkur masala bo'yicha rivojlangan xorijiy mamlakatlarning tajribasi e'tiborga loyiqdir. Masalan, AQShning zaminida Mendeleyev jadvalidagi barcha mahsulotlar, jumladan neft, gaz, ko'mir, oltin va hokazolar mavjud. Ularning zaxirasi bir necha yuz yilga yetarli. Lekin shunga qaramasdan, AQShda yuqorida tilgan olingan mahsulotlarga bo'lgan ehtiyojlarini boshqa mamlakatlardan olib kelingan xomashyo hisobidan qondirib kelinmoqda. Shunday ekan, biz ham o'z zaxiralarimizdan samarali foydalanish ustida puxta o'ylab ko'rishimiz kerak.

*Ikkinchidan,* o'tmishda biz yer osti xazinalarini xom ashyo sifatida boshqa respublikalarga arzon bahoda berib turgan bo'lsak, endilikda ulardan xalq iste'moli mahsulotlari ishlab chiqarib, daramod olishni ko'zlasak, maqsadga muvofiq bo'lur edi. Xalqimiz nstiqbolini ko'zlab, kelajakda jumhuriyatimizni xomashyo yetkazib beruvchi davlatdan uni o'z yerimizda qayta ishlab xalq iste'mol mollarini yetkazib beradigan mamlakat darajasiga ko'tarishimiz darkor. Xuddi shu maqsadda yer usti boyliklaridan xom ashyo sifatida emas, balki ulardan mahsulot tayyorlab samarali foydalanish rejalarini ilmiy ishlab chiqishimiz kerak, deb o'ylaymiz[90].

**Taklif va tavsiyalar:** Bunday xavflardan yoshlarni himoya qilish maqsadida yosh avlodni quyidagi milliy istiqlol va qadriyatlar asosida tarbiyalash zarur: 1. Mustaqil dunyoqarash va erkin tafakkurni shakllan tirish. 2. Hur fikrli, jur'atsizlikdan xoli, o'z bilimi va kuchiga ishonib yashaydigan insonni tarbiyalash. 3. Odamlar, ayniqsa, yoshlarning irodasini baquvvat qilish, iymon-e'tiqodini mustahkamlashga xizmat qila digan ma'naviy muhit yaratish. 4. Vatandoshlar tafakkurida o'zlikni anglash, tarixiy xotiraga sadoqat, muqaddas qadriyatlarni asrash, vatanpar varlik tuyg'usini kamol toptirish. 5. Xalqimizga xos iymon-e'tiqod, insof-diyonat, saxovat, halollik, mehr-oqibat, sharmu hayo kabi fazilatlarni yanada yuksaltirish; 6. Mamlakatning ko'p millatli xalqi ongi va qalbida "O'zbekiston – yagona Vatan"– degan tushunchani shakllantirish va rivojlantirish[91].

Globallashuv davrida qadriyatlarning o'ziga xosligi, murakkab bog'lanish va munosabatlar ta'sirida rivojlanadi. Milliy madaniyat va qadriyatlarni saqlab qolish jahon xalqlarining hozirgi kundagi aktual vazifasi hisoblanadi.

[90] Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Тошкент, "Ўзбекистон", 1998, -Б. 55-56.
[91] Фармонова М. Қадриятлар – маънавий камолот асоси. –Тошкент, "Тасвир", 2019. – 9-б.

# MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINLARARO BAG'RIKENGLIKNI TA'MINLASH — DAVLATIMIZNING BARQAROR RIVOJLANISHI OMILI SIFATIDA

**Нарманов Алишер Хасанович**
CHDPU vb dotsenti, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD
alishernarmanov@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Maqolada O'zbekistonda millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglikni ta'minlash, davlat siyosatining eng muhim ustuvor yo'nalishlaridan biri ekanligi hamda mazkur yo'nalishda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar ahamiyati yoritilgan.

**Tayanch so'zlar:** millatlararo totuvlik, diniy bag'rikenglik, konvensiya, konsepsiya, elatlar, urf-odat, tolerantlik.

# ENSURING INTER-ETHNIC HARMONY AND INTER-RELIGIOUS TOLERANCE AS A FACTOR IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF OUR STATE

**Нарманов Алишер Хасанович**
доцент кафедры педагогических наук ЧДПУ
доктор философии (PhD)
alishernarmanov@gmail.com

## АННОТАЦИЯ

В статье подчеркивается важность обеспечения межнационального согласия и межрелигиозной толерантности в Узбекистане как одного из важнейших приоритетов государственной политики, а также широкомасштабные реформы, реализуемые в этой сфере.

**Ключевые слова:** межнациональное согласие, религиозная толерантность, конвенция, концепция, народы, традиции, терпимость.

## KIRISH

So'nggi yillarda davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biri — jamiyatda millatlararo totuvlik va bag'rikenglikni ta'minlash, do'stlik muhitini va ko'p millatli katta yagona oila tuyg'usini mustahkamlash, yoshlarni Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash ruhida tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy-ma'rifiy aloqalarni kengaytirishga yo'naltirilgan keng miqyosdagi ishlar amalga oshirildi.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qoidalari turmushga faol tatbiq etilmoqda, bu qoidalar O'zbekiston Respublikasining fuqarolari millatidan qat'iy nazar O'zbekiston xalqini tashkil etishini, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi o'zining hududida yashovchi millat va elatlarning tili, urf-odati va an'analariga hurmat bilan munosabatda bo'lishni, ularni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratilishini e'lon qiladi va kafolatlaydi.

Ushbu maqsadlarda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi tashkil etilgan bo'lib, u o'z faoliyatini yuritmoqda hamda jamiyatda millatlararo totuvlik va bag'rikenglikni ta'minlash bo'yicha davlat siyosatini izchil amalga oshirib kelmoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda yashab kelayotgan 130 dan ziyod millat va elatlarning vakillari O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlari taqdim etgan teng huquq va imkoniyatlardan foydalanib, iqtisodiyotning turli tarmoqlarida va ijtimoiy sohada, ilm-fan va madaniyat sohalarida samarali mehnat qilib, Vatanimizning gullab-yashnashiga va uning mustaqilligini mustahkamlashga, respublikaning xalqaro maydondagi obro'-e'tibori va imijini oshirishga munosib hissa qo'shib kelmoqdalar.

Amalga oshirilayotgan ustuvor yo'nalishlar sur'atini, keng ko'lamli demokratik islohotlarni, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, ma'naviy jihatdan erkinlashtirish va jamiyat hayotining boshqa jabhalarida erishilgan salmoqli muvaffaqiyatlar tahlili O'zbekiston xalqi yagona g'oya — O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari bo'yicha oliyjanob maqsadlar va g'oyat muhim vazifalarga erishishdan iborat yagona maqsad atrofida birlashganligini ta'kidlash uchun barcha asoslarni beradi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi qoshida 138 ta milliy madaniy markaz, bundan tashqari, 16 ta konfessiyaga tegishli 2300 ga yaqin diniy tashkilot faoliyat yuritadi.

Bu borada yaxlit, chuqur o'ylangan siyosat va uni amalga oshirishga qaratilgan amaliy chora-tadbirlar hayotga tatbiq etilib, millatlararo va dinlararo totuvlikni qo'llab-quvvatlashga e'tibor qaratilmoqda. Bu islohot va o'zgarishlarning negizida konstitutsion huquq va kafolatlar yotganini alohida qayd etish lozim. Shundan kelib chiqib, bu borada quyidagi dalillarni keltirib o'tish zarur.

**Birinchidan**, turli millat va din vakillarining o'z salohiyatini to'laqonli amalga oshirish, ularning huquq va manfaatlarini himoya qilish uchun konstitutsiyaviy kafolatlar belgilangan. Bunda, eng avvalo, fuqarolarning jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, teng huquq

va erkinliklarini, ularning qonun oldida tengligini ta'minlash alohida e'tiborga olingan.

Mazkur sohada O'zbekiston Respublikasi davlat siyosatining asosiy tamoyillari sirasiga fuqarolarning teng huquqliligi, ijtimoiy adolat, qonun ustuvorligi, millat va elatlarning madaniy, til va diniy qadriyatlari, an'ana va urf-odatlarini o'zaro hurmat qilish kiradi.

Konstitutsiyaviy kafolatlar jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishidan qat'i nazar, fuqarolarga jamoat va davlat qurilishida ishtirok etishni ta'minlaydi.

Ta'kidlash joizki, O'zbekiston Respublikasining millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni o'rnatish siyosati Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasi va boshqa xalqaro huquqiy-me'yoriy hujjatlarga to'la mos keladi.

**Ikkinchidan,** millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash O'zbekistonning zamonaviy davlat sifatida rivojlanish strategiyasining ajralmas qismi hisoblanadi.

Mamlakatimizda 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq, mazkur sohaga alohida e'tibor qaratilmoqda.

So'nggi to'rt yilda millatlararo munosabatlar va din sohasida 50 dan ortiq qonun hujjatlari va 40 ga yaqin qarorlar qabul qilindi. Bu huquqiy hujjatlarning aksariyati fuqarolarning dini va millatidan qat'i nazar, huquq va erkinliklarini kengaytirish, shu jumladan, jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda ishtirok etish imkoniyatini oshirishga qaratilgan.

Masalan, diniy tashkilot faoliyatini tugatish to'g'risida qaror qabul qilish vakolatlari ijro hokimiyati — adliya organlaridan sudlarga o'tkazilib, ularning faoliyati erkinligining huquqiy kafolatlari mustahkamlandi. Diniy tashkilotni ro'yxatdan o'tkazish uchun davlat boji miqdori besh baravarga kamaytirildi, hisobotlarni taqdim etish davriyligi qisqartirildi. Bundan buyon diniy tashkilotlar faqat yilda bir marta hisobot taqdim etadi.

Shuningdek, 2019 yilda millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasi tasdiqlandi. SHu bilan birga, diniy-ma'rifiy soha faoliyatini takomillashtirish bo'yicha bir qancha qarorlar qabul qilinib, unga ko'ra, mazkur sohada yagona davlat siyosatini amalga oshirish, fuqarolarning vijdon erkinligi kafolatlarini himoya qilish, turli millat va elatlar vakillari o'rtasida konstruktiv va o'zaro hurmatga asoslangan munosabatlarni shakllantirish bo'yicha yangi tizim joriy etildi. Xususan, Vazirlar Mahkamasi huzurida millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi tashkil etildi, Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyati takomillashtirildi.

**Uchinchidan,** Harakatlar strategiyasi doirasida mamlakatimizda millatlararo va konfessiyalararo muloqotni rivojlantirish borasida institutsional yondashuv yo'lga qo'yildi.

Jumladan, Prezidentimizning 2018 yil 16 apreldagi "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mita faoliyatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq, Din ishlari bo'yicha qo'mita huzuridagi Konfessiya ishlari bo'yicha kengashning yangi tarkibi tasdiqlandi. Kengash tarkibi 9 nafardan 17 nafar a'zoga — O'zbekistonda faoliyat yuritayotgan diniy konfessiyalar vakillari hisobiga kengaydi. e'tiborli jihati, kengash a'zoligiga a'zolari oz sonli diniy tashkilotlarning rahbarlari ham kiritildi. Jamoatchilik maslahatlashuv organi hisoblangan mazkur kengashning asosiy maqsadi O'zbekistondagi mavjud diniy-ijtimoiy jarayonlarni muhokama qilish hamda tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Mamlakatimiz hududida yashayotgan millatlar urf-odati hamda islom dinining madaniy va tsivilizatsion merosi, ma'naviy-falsafiy ahamiyatini chuqur o'rganish bo'yicha ishlar sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad — fundamental ilmiy tadqiqotlar natijalari asosida diniy bag'rikenglik, millatlararo munosabatlarning tarixiy ildizlarini chuqur o'rganish va uni bugungi kun sharoitida rivojlantirishdan iborat. Bu borada Islom tsivilizatsiyasi markazi, Imom Buxoriy, Imom Termiziy va Imom Moturidiy nomidagi xalqaro tadqiqot markazlari tashkil etildi.

Shu bilan birga, tegishli oliy ta'lim muassasalarida sifatli diniy ta'lim olish imkoniyati kengaymoqda. O'rta, oliy diniy ta'lim, magistratura, boshlang'ich doktorantura va doktoranturani o'z ichiga olgan diniy ta'limning besh bosqichli tizimi shakllantirildi. Islomiy ta'lim muassasalariga talabalarni qabul qilish kvotasi ikki baravar oshirildi. SHuningdek, Toshkent pravoslav seminariyasi va Toshkent xristian seminariyasi o'quv dargohlari ham o'z faoliyatini davom ettirmoqda.

**To'rtinchidan,** millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash O'zbekiston Respublikasi tashqi siyosatida muhim o'rin egallay boshladi. Hukumat xalqaro tashkilotlar hamda ushbu sohadagi mutaxassislar bilan konstruktiv muloqot va hamkorlik o'rnatishga alohida e'tibor qaratmoqda.

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Inson huquqlari bo'yicha Oliy komissari Zeyd Raad Al-Huseyn hamda Evropada xavfsizlik va hamkorlik tashkilotining Milliy ozchiliklar bo'yicha Oliy komissari Lamberto Zanierning mamlakatimizga tashrifi chog'ida mazkur sohada olib borilayotgan islohotlar muhokama qilindi va xalqaro mutaxassislar tomonidan bu boradagi o'zgarishlarga yuqori baho berildi.

Ahamiyatga molik jihati, millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni ta'minlash uchun barcha huquqiy asos hamda zarur sharoitlar yaratilgan.

Ayniqsa, har yili mamlakatimizda 16 noyabr – Xalqaro bag'rikenglik kuni keng miqyosda nishonlanib, turli diniy konfessiya vakillari, xorijiy davlat va xalqaro tashkilotlar mas'ullari ishtirokida turli seminar, ilmiy anjumanlar o'tkazilishi yaxshi an'anaga aylangan.

Shu ma'noda, so'nggi yillarda O'zbekistonda millatlararo munosabatlar va din sohasida amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlar mamlakatda ushbu sohalarda yangicha yondashuv va strategik maqsadni birlashtirgan tizim shakllanishiga xizmat qildi. Mazkur tizimning muvaffaqiyati esa yurtimizda tinchlikni saqlash, fuqarolar xavfsizligini ta'minlash, barqaror rivojlanish uchun zamin yaratmoqda. Zero, zamonaviy davlatning bosh maqsadi jamiyatda hamjihatlik va barqarorlik, inson huquq va erkinliklarining samarali himoya qilinishini ta'minlashdan iborat.

Bu borada Asosiy qonunimiz — Konstitutsiya nafaqat jamiyat va davlat taraqqiyotini belgilovchi oliy darajadagi siyosiy-huquqiy hujjat, balki mamlakatimizda yashovchi har bir fuqaroning munosib turmush tarzini kafolatlovchi muhim asosdir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR (REFERENCES)

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. // www.lex.uz.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son farmoni. // https://lex.uz/uz/docs/-5841063
3. Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 15.11.2019 yildagi PF-5876-son Farmoni. https://lex.uz/docs/-45976622.
4. Ozodovna, T. D. (2022). "VIJDON ERKINLIGI VA DINIY TASHKILOTLAR TO'G'RISIDA"GI QONUNNING DINIY EKSTREMIZMGA QARSHI KURASHDAGI AHAMIYATI. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, *3*(7), 29-33.
5. Н.Алимов. Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати. Янги Ўзбекистон газетаси. 08.12.2020. https://yuz.uz/news/bosh-qomusimizning-hayotbaxsh-qudrati

# YANGI O'ZBEKISTONDA MILLATLARARO MUNOSABATLARNI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING O'RNI

**Sherzod Saydaliyevich Karshiyev**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti Gumanitar fanlar fakulteti "Fakultetlararo ijtimoiy fanlar"kafedrasi v/b dotsenti
sherzodkarshiyev81@gmail.com 974230605

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Yangi O'zbekistonda millatlararo munosabatlarni rivojlantirishda milliy va umuminsoniy qadriyatlarning o'rni haqida fikr yuritiladi.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается роль национальных и общечеловеческих ценностей в развитии межэтнических отношений в Новом Узбекистане.

**Abstract.** This article discusses the role of national and universal values in the development of interethnic relations in New Uzbekistan.

Jahonda xalqaro, millatlararo, konfessiyalararo hamkorlik va hamjihatlikni mustahkamlash ko'p jihatdan jamiyat hayotiga milliy mafkuraning umumbashariy tamoyillaridan biri bo'lgan bag'rikenglikning samarali joriy etilishiga bevosita bog'liq. Zero, so'nggi yillarda dunyoda diniy omil bilan bog'liq ravishda turli yo'nalishlardagi jarayonlar avj olib bormoqda. Ko'p hollarda murakkab va ziddiyatli, ba'zida esa qonli to'qnashuvlar bilan kechayotgan bunday voqea-hodisalar turli din vakillari o'rtasida toqat, hurmat, e'tibor va umuman hamkorlik ruhidagi aloqalarni shakllantirish va mustahkamlash ob'ektiv tarixiy zaruriyat ekanligini ko'rsatmoqda. Shu sababdan ham - xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash hamda chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat mamlakatimizda strategik vazifalardan biri sifatida belgilab olindi, shuningdek, BMT Bosh Assambleyasi 2018-yilning 12-dekabr oyida o'tkazilgan yalpi majlisda "Ma'rifat va diniy bag'rikenglik" deb nomlangan maxsus rezolyutsiyani qabul qildi. O'zbekiston tomonidan ishlab chiqilgan hujjat loyihasi BMTning barcha a'zo davlatlari tomonidan bir ovozdan qo'llab-quvvatlandi. Mazkur rezolyutsiyani qabul qilish tashabbusi 2017-yil 19- sentiyabirda BMT Bosh Assambleyasining Nyu-Yorkdagi 72-sessiyasida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev

tomonidan ilgari surilgan edi[92]. O' zbekistonda yangilanish davrida jamiyat ma'naviy hayotini sog'lomlashtirish va rivojlantirish, inson omiliga katta e'tibor berish eng asosiy vazifalardan biriga aylandi. "Mustaqilligimizning dastlabki kunlaridanoq ajdodlarimiz tomonidan ko'p asrlar davomida yaratib kelingan g'oyat ulkan, bebaho ma'naviy-madaniy merosni tiklash davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan nihoyatda muhim vazifa bo'lib qoldi" deya ta'kidlagan edi O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.Karimov. Ma'naviyati yuksak darajada rivojlangan millatgina porloq istiqlol, buyuk kelajak uchun o'zida kuch-qudrat topa oladi. Ma'naviyati rivojlangan xalq va millat o'z-o'zini qadrlaydi, qaddini tik tutadi, o'tmishi bilan faxrlanadi, o'zligini anglaydi, kelajakka umidvorlik bilan qarab, ozodlik va mustaqillikning qadriga yetib, Vatan ravnaqi yo'lida fidoyilik ko'rsatadi. Xalqimizning ma'naviyatini tiklashda va rivojlantirishda milliy til va milliy madaniyat, milliy ong, milliy o'z-o'zini anglash, milliy his-tuyg'uni, milliy g'urur va iftixorni o'stirish katta o'rin tutadi. Xalqimizning mustaqallikni qo'lga kiritishi unutilgan ko'pgina qadriyatlar, meroslar qatorida birinchi navbatda mustaqilligimizni mustahkamlaydigan, uning qudratini oshiradigan yangi qadriyatlarni rivojlantirishni zaruriy holat qilib qo'ydi. Bu yangi ma'naviy qadriyatlar xalqimizning azaliy ezgu maqsadlarini ifodalab milliy istiqlol mafkurasida o'z aksini topdi. "Istiqlol mafkurasi polietnik O'zbekiston xalqining ezgu g'oya – ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etish yo'lidagi asriy orzu-intilishlari, hayotiy ideallarini o'zida aks ettiradi". Xalqimizning ma'naviy ehtiyojlari shu yo'ldan og'ishmay borishi natijasida qondirilib boriladi. Barchaga ma'lumki, milliy g'oya (makura)millatning ma'naviy merosidan oziqlanadi va ayni paytda, uning ma'naviyati rivojlanishiga o'zining ijobiy ta'sirini o'tkazadi. Endi mavzuimizdan kelib chiqqan holda, milliy g'oyaning umuminsoniy negizlari nimalarni o'z ichiga oladi, degan savolga javob berishga harakat qilamiz. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, umuminsoniylik tayyor holda osmondan tushadigan omil emas, u millatlarning ajdodlari tomonidan asrlar davomida yaratilgan moddiy va ma'naviy boyliklardagi, yer yuzida yashayotgan barcha millat, elat va xalqlarning rivojlanish barcha bosqichlari ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladigan eng ilg'or qismlari asosida shakllanadi. Bunda millatning o'zi ham umuminsoniy qadriyat sifatida butun insoniyat uchun go'zallikning ramzi sifatidagi maqomining ahamiyatini ham alohida ta'kidlash lozim. Buning ma'no-mazmunini birgina o'zbek millati milliy g'oyasi va mafkurasidagi belgilab qo'yilgan quyidagi tamoyillarni keltirish orqali anglab olish mumkin.

92 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi // —Xalq so'zi, 2017 yil 20 sentyabr.

O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi, milliy va umuminsoniy qadriyatlar, demokratiya tamoyillariga asoslanadi; xalqimizning asrlar davomida shakllangan yuksak ma'naviyati, an'ana va udumlari, ulug bobokalonlarimizning o'lmas meroslaridan oziqlanadi; adolat va haqiqat, erkinlik va mustaqillik g'oyalari hamda xalqimizning ishonch va e'tiqodini aks ettiradi; yurt tinchligi, Vatan ravnaqi va xalq farovonligini ta'minlashga xizmat qiladi; jamiyat a'zolarini, aholining barcha qatlamlarini O'zbekistonning buyuk kelajagini yaratishga safarbar etadi; millati, tili va dinidan qat'iy nazar mamlakatimizning har bir fuqarosi qalbida ona Vatanga muhabbat, mustaqillik g'oyalariga sadoqat va o'zaro hurmat tuyg'usini qaror toptiradi; jamoatchilik qalbi va ongiga fikrlar xilma-xilligi, vijdon erkinligi tamoyillariga rioya qilgan holda ma'rifiy yo'l bilan singdiriladi[93]. Milliy g‗oya (makura)har bir zamonga tegishli bo'lgan masalalarni har doim o'zida mujassamlantirgan holda zamon talabi va ehtiyojlariga mos ma'naviy bilimlarni oldinga surib kelgan. Milliy g'oyada hozirgi zamonga mos bo'lgan talablar asosida yangi davrga xos ehtiyojlar hisobga olingan. Bular milliy manfaatlarni, ehtiyojlarni o'zida qamrab olgan va xalq ma'naviyatiga to'g'ri keladigan milliy g'oyaning oldiga qo'yiladigan talablardir. Xalq ma'naviy ehtiyojlari bilan bog'liq bo'lgan holda istiqlol mafkurasi oldiga quyidagi talablar zarur qilib qo'yilgan: inson qalbi va ongiga ijobiy ta'sir etadigan tushuncha va tuyg'ular, go'zal va hayotiy g'oyalar tizimini o'zida mujassam etishi; millat, xalq va jamiyatni birlashtiruvchi kuch, yuksak ishonch e'tiqod manbai bo'lishi; har qanday ilg'or g'oyani o'ziga singdirish va har qanday yovuz g'oyaga qarshi javob bera olishi; zamon va davr o'zgarishlariga qarab o'zi ifodalaydigan manfaat, maqsad-muddaolarni amalga oshirishning yangi-yangi vositalarini tavsiya eta olishi. Bular asosida esa milliy istiqlol mafkurasida xalq ma'naviyatini boyitish, shakllantirish bilan bog'liq bo'lgan mafkuraviy vazifalar qo'yiladi. Bular quyidagilar: mustaqil dunyoqarash va erkin tafakkurni shakllantirish; hur fikrli, mutelik va jur'atsizlikdan holi bo'lgan, o'z bilimi va kuchiga ishonib yashaydigan insonni tarbiyalash; odamlarimiz ayniqsa, yoshlarimizning irodasini baquvvat qilish, iymon-e'tiqodini mustahkamlashga xizmat qiladigan ma'naviy muhit yaratish; vatandoshlarimiz tafakkurida o'zlikni anglash, tarixiy xotiraga sadoqat, muqaddas qadriyatlarimizni asrab-avaylash, vatanparvarlik tuyg'usini kamol toptirish; xalqimizga xos bo'lgan iymon, e'tiqod, insof, diyonat, sahovat, halollik, mehr-oqibat, sharmu-hayo kabi fazilatlarni yanada yuksaltirish; mamlakatimizning polietnik xalqi ongi va qalbida "O'zbekiston–yagona Vatan" degan g'oyani shakllantirish va rivojlantirish. Milliy g'oya ozod insonni ulug'laydi, erkin fikr yuritishni targ'ib etadi, ilg'or umumbashariy g'oyalarga suyangan holda uni amalga

[93] Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. – Toshkent: O'zbekiston, 2000. -44 b

oshirish uchun kurashga da'vat etadi. Milliy g'oya millat ma'naviy taraqqiyotini, uning ijtimoiy-siyosiy barqarorligini ta'minlashning asosiy manbasi hisoblanadi. Millatning mustaqilligi, ozodligi, erkinligi, uning o'ziga xosligini esa faqat milliy g'oya, ularning moddiy kuchga aylanishi natijasida ta'minlash mumkin bo'ladi. Professor S.Otamuratovning quyidagi fikriga qo'shilamiz. "Milliy g'oya har bir insonning o'zini anglashi jarayonida shakllana boshlaydi. Insonning shaxs sifatida shakllanishi esa uning o'zini anglashidan boshlanadi. ...Milliy g'oyaning ta'sir doirasi nihoyatda keng bo'lib, u millatning o'ziga xosligini saqlab turish, millat manfaatlari yo'lida millat vakillarini birlashtirish, uyushtirish va taraqqiyot yo'nalishlarini belgilash kabilarga o'zining ta'sirini o'tkazib turadi"[94]. Milliy g'oyaning tarixiy, falsafiy ildizlari uning tamoyillari bilan uzviy bog'liq bo'lib, uning asosiy tamoyillaridan biri insonparvarlik g'oyasi bilan bog'liq ekanligini e'tiborga olish zarur.

## REFERENCES

1. Азизхонов А., Мусаев О., Хабибуллаева Д., Эгамбердиева У., Набиев Ғ., Орифхўжаев С. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиѐт. –Тошкент: ―ДИТАФ, 2001. –335 б.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi // ―Xalq so'zi, 2017 yil 20 sentyabr.
3. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиѐт йўлидан. 6- жилд – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 125 б.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -6 б.
5. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. –Тошкент: Академия, 2005. -25 б. 6. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б. Изучение общественного мнения в Узбекистане: теория, методика, практика. Ташкент: ―IQTISOD MOLIYA, 2014. –500 с.

[94] Otamuratov S. Milliy rivojlanish falsafasi. –Toshkent: Akademiya, 2005. -25 b.

# HADIS YODLASHDA KOGNITIV STRATEGIYALARNING AHAMIYATI

**Mahfuza Husenovna Sa'dullayeva**
CHDPU Gumanitar fanlar fakulteti "Fakultetlararo ijtimoiy fanlar" kafedrasi o'qituvchisi:
sadullaevamahfuza5@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada hadislrni yodlash jarayonida kognitiv strategiyalardan foydalanib eslab qolishning turli ko'rinishdagi metod va usullari, ularning ushbu metodlar orqali eslab qolishning ahamiyati yoritilgan. An'anaviy o'rganish uslublaridan foydalangan holda, zamonaviy kognitiv ishlab chiqarishlar orqali qiyosiy tahlil qilingan. Bugun aynan yodlash strategiyalarining talim tizimiga kiritilishi hamda ularni har bir pedagogik va zamonaviy kognitivlik bilan bog'lash zarurati tug'ilmoqda. Zero zamonaviy ta'lim metodlari va an'anaviy metodlarni qiyosiy taqqoslab integratsiya qilish ta'lim sifatiga ta'sir o'tkazadi. Amaliy tajribalar esa kontekstual metodlar orqali o'quvchilar xotirasini chuqurroq rivojlantirish, hadislarni ma'nosi bilan eslab qolib yod olishlariga yordam beradi. Maqolamizda aynan shu jihatlarga e'tibor qaratdik.

**Kalit so'zlar:** hadis, kognitiv strategiya, yodlash, pedagogika, ta'lim, psixologiya, xotira, kontekstual metod, kreativ, konteks, metakognitiv.

## Annotation.

This article highlights the different visual methods and methods of remembering hadislr using cognitive strategies in the memorization process, their importance in remembering through these techniques. Comparative analysis has been done through modern cognitive productions, using traditional learning styles. Today it is precisely the need to include memorization strategies in the talim system and connect them with each pedagogical and modern cognitivism. Zero modern educational methods and comparative integration of traditional methods affect the quality of Education. Practical experiments, on the other hand, help students develop their memory more deeply through contextual methods, remembering and memorizing hadiths with meaning. In our article, we focused on exactly these aspects.

**Keywords:** Hadith, cognitive strategy, memorization, pedagogy, education, psychology, memory, contextual method, creative, context, metacognitive.

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются различные формы и методы запоминания хадисов с использованием когнитивных стратегий в процессе запоминания хадисов, а также важность их запоминания с помощью этих

методов. Он был сравнительно проанализирован с помощью современных когнитивных технологий с использованием традиционных методов обучения. Сегодня именно внедрение стратегий запоминания в систему обучения и необходимость связать их с каждым педагогическим и современным познанием. Ноль интеграция современных методов обучения и традиционных методов путем их сравнительного сопоставления влияет на качество образования. С другой стороны, практические эксперименты с помощью контекстных методов помогают учащимся глубже развить свою память, запоминая хадисы со смыслом. Именно на эти аспекты мы и обратили внимание в нашей статье.

**Ключевые слова**: хадис, когнитивная стратегия, запоминание, педагогика, образование, психология, память, контекстный метод, креатив, контекст, метакогнитивный.

**KIRISH**

Yangi O‘zbekistonning asosiy strategiyalaridan biri sifatida “Uzluksiz ta’lim tizimida ijtimoiy fanlarni o‘qitish tartibi va tamoyillari to‘g‘risida” qonun ishlab chiqish va uni amaliyotga joriy etish lozimligi aytilgan. Bu yo‘nalishda prezidentimiz Sh.Mirziyoyev tomonidan “2022-2030 yillarda O‘zbekiston Respublikasining uzluksiz ta‘lim va tarbiya sohasini gumanitarlashtirish strategiyasi”[95] yaratilishi va amalga oshirilishi tavsiya etildi. Bunda ta’lim va tarbiyaning o’rni teng. Bilim oluvchilarning egallagan bilmlarini tarbiya asosiga singdirgan holda beraolishlik va bunda islom ilmida, ta’limda, tarbiyada hadislar katta ahamiyatga ega. Hadislar islom ilmining asosi bo‘lib, musulmonlarning e’tiqodi, axloqi va ijtimoiy hayotiga yo‘naltiruvchi manbadir. Bu hadislarni yodlash, ayniqsa, ta’lim oluvchilar uchun ilmiy va axloqiy zaruratdir. Ammo hadislarni oddiy takrorlash asosida yodlash ko‘p vaqtinchalik eslab qolishga olib keladi. Shu bois, zamonaviy ta’lim metodlarida xotirani mustahkamlash va yod olingan ma’lumotlarni saqlash uchun kontekstual mahsulotlar afzal deb qaralmoqda. Bu metodlar zamonaviy, kreativlik va qiziqarli tarzda ishlab chiqilsa samarasi ham natijali bo’ladi.

Islom ilmining asosi bo‘lgan hadislar milliy diniy, balki tarixiy va axloqiy manba sifatida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Hadislarni yodlash — bu ilmiy amaliyot, balki iymon va xotirani mustahkam bir kuchini talab qiladigan jarayonidir.

Hadislarni samarali yodlash uchun kognitivlik pedagogikada keng qo‘yilgan strategiyalarning ahamiyati va ularning tahliliga e’tibor qaratamiz.

Kognitiv strategiyalar, hadis yodlash jarayonida yangi bir g‘oyalar va texnika sifatida o'zini oqlamoqda. An’anaviy yodlash (ko‘p marta o‘qish) usuli qisqa

[95] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2021. -Б. 233

muddatli xotirani ishga solsa, kognitiv strategiyalar hadis matnini chuqurlashtirishga, uzoq xotiraga o'tkazishga xizmat qiladi. Bu esa ta'lim jarayonlarida xotirani sifatli talabalarda bilimlarning erkinligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Kontekstual metod asosida hadis yodlashning umumiy bosqichma-bosqich ko'rsatkichlari:

1. Hadis
2. Tarixiy kontekstga e'tibor
3. Asosiy omillarni jamlash
4. Vizualizatsiya
5. Yod olish va takrorlash
6. Amaliyotda qo'llash usullarini ishlab chiqish.

Bu yordamlar oddiy o'quv xotirasini chuqur va tizimli xotiraga beradi.

Tashkil etilgan ushbu jarayon orqali mavjud bilimlarni yoki yangi ma'lumotlarni chuqurroq va uzoqroq xotirada saqlash yo'llarini tizimli amalga oshiramiz. Qofiya. Assotsiatsiya, Akrostik loki kabi usullar bu strategiyani qo'llab quvvatlash uchun muhim metodlar[96].

Kognitiv strategiyalarni usullarda qo'llash

1. Takrorlash va bo'lib o'rganish (oraliq takrorlash): Talabalarga hadis matnlarini qismlarga bo'lib, vaqt oralig'ida takrorlash topshirildi. Bu usul Ebbinghausning "Unutish egri chizig'i" nazariyasiga asoslanadi[97].

2. Assotsiatsiya va xotira qurilmalari (mind-mapping): Har bir hadis muayyan obraz (rasm, so'z, voqea) bilan bog'landi. Masalan, Ilm olish to'g'risidagi hadisini niyat qilish ramzi bilan assotsiatsiya qilish.

3. Kontekstual yodlash: Hadislar voqealari, tarixiy shaxslar yoki sahobalar bilan bog'liq holda o'rganildi. Bu talabalarda hadisning mazmuni va o'rni haqida kengroq tasavvur hosil qilishlariga yordam beradi.

4. Metakognitiv yaratuvchi**:** Talabalar o'z yodlash uslublarini tahlillar, o'zlarining samarali strategiyalarini topishga undaladilar.

Xulosa. Kognitiv strategiyalarni hadis yodlashda qo'llashning ahamiyati va roli katta buni yuqooridagi qator strategiyalar orqali ko'rib chiqdik. Bunda: biz mavjud bilimlar va yod olinishi zaruru bo'lgan matn, voqealarni esab qolish va xotiramizda saqlashda keltirilgan va tavsiya qilinayotgan misollardan foydalansak bo'ladi: Kognitiv yaratish asosida maxsus metodik qo'llanma ishlab chiqilishi. Hadis yodlashda assotsiativ va kontekstual o'rgatish dasturlari joriy etilishi. Xotirani rivojlantiruvchi treninglar tashkil etilishi tavsiya etiladi.

[96] S.A.Toshtemirova, F.Sh.Ilmurodova, M.H. Sa'dullayeva /Tarix o'qitish metodiksi: darslik/-Toshkent: Yangi Chirchiq prints", 2023.-145b.

[97] Ebbinghaus– "Unutish egri chizig'i". 1885y

## REFERENCES

1. Mirziyoev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. Toshkent. "O'zbekiston", 2021.
2. S.A.Toshtemirova, F.Sh.Ilmurodova, M.H. Sa'dullayeva /Tarix o'qitish metodiksi: darslik/-Toshkent: Yangi Chirchiq prints", 2023.-145b
3. Ebbinghaus– "Unutish egri chizig'i". 1885y

# ZAMONAVIY JAMIYATDA OMMAVIY VA XOS MUTOLAANING SOTSIAL XUSUSIYATLARI

**Dulanbayeva Oygul,**
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti Ijtimoiy fanlar fakulteti Sotsiologiya kafedrasi katta o'qituvchisi Sotsiologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada ommaviy va xos mutolaaning sotsial xususiyatlari ilmiy nazariy xulosalarga asoslangan holda ochib berilgan. Shuningdek, ommaviy va elitar mutolaaning o'zaro tafovutlari san`at asarlarining omma va xos san`atga ajralishidan kelib chiqishi ko'rsatilgan. Bundan tashqari, maqolada mutola madaniyatining sotsiologik xususiyatlari ham keltirib o'tilgan.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыты социальные особенности публичного и конкретного чтения, основанные на научных теоретических выводах. Также показано, что различия между публичным и элитарным чтением проистекают из разделения произведений искусства на публичное и конкретное искусство. Кроме того, в статье представлены социологические особенности культуры чтения.

## ANNOTATION

In this article, the social characteristics of the mass and specific mutation are revealed based on scientific theoretical conclusions. It has also been shown that the discrepancies between public and elitist Mutola stem from the separation of works of art into public and specific art. In addition, the article also cites the sociological features of mutola culture.

Mutolaa avvalambor ma'naviy hodisa bo'lib, u inson fenomeni bilan bevosita bog'liq kontekstual voqelik hisoblanadi. Aytish mumkinki mutolaa, keng ma'noda madaniyat – faqat insonga xos hodisa hamdir. Ayni paytda, ular insonni tabiatdan ajralib chiqqan va endi faqat sun'iy madaniy muhitda yashovchi noyob mavjudot sifatida belgilaydi. Bu muhitdan tashqarida inson mavjud bo'la olmaydi.

Har qanday inson normal hayot kechirishi uchun oziq-ovqat, kiyim-kechak, uy-joy singari zarur bo'lgan axloqiy me'yorlar va qadriyatlarga muhtojdir. Hayotni faqat moddiy ne'matlarga ega bo'lishga intilish bilangina cheklab bo'lmaydi, chunki

buyumlar faqat ma'lum bir vaziyatda ramzlar va belgilar vazifasini bajarishi mumkin, ammo o'z-o'zicha hech qanday ma'noga ega emas.
Shu bois mutolaa, muayyan shakl, hajmga ega bo'lgan belgilar bilan bir qatorda ma`naviy, ruhiy ahamiyat kasb etadi.

Insoniyat tafakkur tarixidan ma`lumki, aksariyat mutafakkirlar mutolaa hodisasini ikki turga, aniqrog'i, omma va xos mutolaa shakliga ajratadilar. Bu ajratish avvalambor umuman san`atning omma va xos doiralariga bo'linishi bilan shartlanadi. Zotan san`at dunyoni idrok qilishning o'ziga xos shakli hisoblanadi. Bu ma`noda u jamiyatda ustun bo'lgan dunyo qarashiga bog'liq va o'zi ham unga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Olam manzarasi badiiy axborotning negizini tashkil etib, san'at mazmuniga singib ketadi va uni o'ziga xos tarzda shakllantiradi[98]. Olam manzarasi san'at asarini idrok etishning muayyan yo'lini ham belgilaydi. Badiiy ong orqali olam manzarasi badiiy madaniyatning tuzilmaviy tizimiga bilvosita ta'sir o'tkazadi. San'at olamining hozirgi davrdagi differensatsiyasi ma'lum ma'noda bir paytlar sodda va tartibli bo'lgan koinot manzarasining murakkablashuvi va nomutanosiblashuvi oqibati саналади.

San'at tarixini durdonalar tarixi sifatida tasvirlash odat tusiga kirgan. Biroq sotsiologik nuqtai nazardan bu maqbul emas: jamiyatning badiiy hayoti faqat cho'qqidagi yutuqlardan iborat emas[99]. San'at barcha ijtimoiy qatlamlarning talab va didlariga juda moslashuvchan tarzda javob beradi hamda kundalik ongning ko'plab ehtiyojlarini qondirish, turmush va bo'sh vaqtni badiiy shakllar bilan boyitishga qaratilgan asarlarni yaratadi. Bu ehtiyojlar bir-birini almashtiruvchi etnik xulq-atvor stereotiplari, an'analar, turmush tarzi va boshqalarga bog'liq. Durdonalar - madaniyatning "oltin xazinasi" bo'lib, ustuvor yo'nalishlar va umuminsoniy ma'naviy qadriyatlarning ma'lum darajada davomiyligi bilan tavsiflanadi. Ommaviy san'at bunday davomiylikka ega emas. U funksional bo'lib, ijtimoiy kayfiyatlarning ustunligi va o'zgarishiga moslashuvchan javob beradi, an'anaviy ijtimoiy-psixologik qarashlarni, odatiy ramziylikni qo'llab-quvvatlaydi, ijtimoiy va shaxsiy hayot stereotiplarining takrorlanishini ta'minlaydi. Ammo ommaviy va yuksak san'at o'zaro ta'sir ko'rsatadi. Ommaviy san'at durdona asarlar paydo bo'lishining asosi, poydevoridir. Agar san'at asariga faqat estetik mezonlar (til yangiligi, o'ziga xosligi, muallif uslubi va boshqalar) nuqtai nazaridan emas, balki unda o'z davrining ijtimoiy psixologiyasi hodisasini ko'rishga harakat qilinsa, u (san'at asari) tasodifiy yoki ahamiyatsiz bo'lib ko'rinmaydi.

[98]Введение в социологию искусства / Е.В.Дуков, В.С.Жидков, Ю.В.Осокин, К.Б.Соколов, Н.А.Хренов. — СПб., 2001.

[99] Горомов Е.С. Природа художественного творчества. — М., 2002

San'at azaldan elitar ya`ni , xos doiralarga mo'ljallangan va ommaviy turlarga bo'linib kelgan. Elitar san'at nozik didli bilimdonlar uchun yaratiladi. Uning hayotiyligi yorqin ta'sirlarga bog'liq emas. U dunyoni uning tanish va notanish, noaniq tomonlarining uyg'unligida chuqur anglashga qaratilgan[100]. Bunday turdagi asarning mazmunini oldindan aytib bo'lmaydi, u xotirada ko'plab assotsiatsiyalar, nozikliklar va ramzlarni jamlashni talab etadi. O'qib bo'lingach, ko'plab muammolar yechilmay qolishi mumkin, bu esa yangi muammolar va unga yechimlarni keltirib chiqaradi.

Ommaviy san'at oddiy o'quvchi, tinglovchi va tomoshabinlarga mo'ljallangan. Ommaviy aloqa vositalari (kino, televideniye, radio) paydo bo'lishi bilan u keng tarqaldi. Bu vositalar tobora ko'proq odamlarga madaniyatga qo'shilish imkonini bermoqda. Natijada, ommaviy adabiyotning ulkan tirajlari va ommaviy auditoriyaning didini o'rganish zarurati paydo bo'ldi.

Ommaviy san'at asarlari folklor, mifologik va xalq og'zaki ijodi na`munalari bilan chambarchas bog'liq. Barqaror ommaviy janrlar asosida ma'lum arxetiplarga borib taqaladigan va umumahamiyatli formulalar, badiiy universaliyalarni o'z ichiga olgan syujet tuzilmalari yotadi[101]. Bunday syujet qurilmalarini elitar san'atda ham ko'rish mumkin, ammo u yerda ular ommaviy san'atdagi kabi pasaytirilmagan, balki yuksaltirilgan.

Sotsiologlar ommaviy o'quvchilarga yoqadigan mavzu va syujetlarni quyidagicha tavsiflaydilar. Misol uchun, Rossiyadagi dastlabki o'qish tadqiqotchilari ham dehqonlarga romanlarda quyidagilar yoqishini ta'kidlaganlar: vatanparvarlik, dinga, podshohga, vatanga muhabbat, burchga sadoqat, qahramonlik, jasorat, urushda mardlik, rus qahramonligi va hokazo[102]. Ommaviy san'at asarlari tuzilishining bir xilligi qadimiy maishiy, diniy yoki boshqa faoliyatga borib taqaladi. Bunday kuzatishlar bir turdagi hikoyalarning tarixiy ildizlarini o'rganish va jamoaviy fantaziyalar rivojlanishidagi ma'lum qonuniyatlarni aniqlash asosida amalga oshirildi. Yuqori darajadagi standartlashtirish tabiiy ehtiyojidan kelib chiqadi.

Ommaviy san'at - eskapistik xususiyatga ega, ya'ni real dunyo ziddiyatlari va qarama-qarshiliklarini chuqur tahlil qilishdan qochadigan san'atdir. Bundan tashqari, tanish tuzilmalar kutish hissini uyg'otadi, u oqlanganda esa tanish shakllarni anglashdan qoniqish va qulaylik hissi paydo bo'ladi. Rasmiylik tamoyili mavzuning badiiy variatsiyasi bilan uyg'unlashadi. O'ziga xoslik, agar u kutilgan tajribalarni sezilarli darajada o'zgartirmasa, qabul qilinadi. Individual talqin noyob va

[100] Книга и чтение в зеркале социологии / Сост. В.Д.Стельмах. — М., 2004.
[101] Кривцун О.А. Эстетика. — М., 2001.
[102] Миронова М.В. Психология и социология чтения: Учеб. пособие для студ. 3 курса специальности 021500 «Издательское дело и ре- дактирование». — Ульяновск, 2003. — 67 с.

takrorlanmas xususiyatlarga ega bo'lishi lozim. Stereotiplarni jonlantirish usullari mavjud: qahramonga stereotipga zid xususiyatlarni kiritish. Variantlar syujetni buzmasligi kerak. Bu yangi shaklning ma'lum bir davrdan tashqariga chiqishi va keyingi avlodlarning unga bo'lgan qiziqishini saqlab qolishi orqali namoyon bo'ladi.

Ommaviy san'at asarlari darhol va yorqin hissiy kechinmalarni uyg'otadi. Biroq ommaviy san'atni past sifatli deb bo'lmaydi. U shunchaki boshqa vazifalarni bajaradi. Qolipli hikoya noaniqlikdan xayoliy, ammo baribir aniqlikka o'tishga yordam beradi. San'at olamidagi hayot o'zining yashirin sabablarini anglashni talab qilmaydi, ularni niqoblaydi yoki yashirin istaklarni tan olishga to'sqinlik qiluvchi to'siqlarni kuchaytiradi. Ommaviy janrlar ko'plab muammolarning hal etilmasligi va noaniqligini badiiy modellashtirish bilan almashtirib, mavjud ijtimoiy yo'nalishlar va qarashlarni mustahkamlaydi.

Elitar adabiyot esa ko'pincha ommaviy o'quvchi uchun ma'nosiz so'zlar to'plami bo'lib tuyuladi. Uning elitarligi ozchilik uchun mo'ljallanganligida emas, balki ko'pchilik uchun tushunarsizligidadir. Bu yerda muammo ikki yoqlama mazmunga ega. Chunki, o mmaviy kitobxon avvalo estetik vazifalarni hal etuvchi asarlardan yuz o'girdi (ularni hal etmay turib, eng muhim hayotiy muammolarni chuqur o'rganib bo'lmasligini tushunmadi). Ikkinchi tomondan, "ilg'or" yozuvchi omma uchun tushunarli bo'lishni o'ziga or deb biladi. Bunday sharoitda hatto "haqiqiylik"ning ko'pchilik o'zini "oliy"ga daxldor deb hisoblaydigan yashirin mezoni qaror topdi: qanchalik tushunarsiz bo'lsa, shunchalik mukammal hisoblanadi. Ko'pchilik uchun haqiqiy adabiyot, birinchidan, juda zerikarli (maktab xotiralaridan), ikkinchidan, mutlaqo hayotdan yiroq, tushunarsiz narsadir.

Shu bilan birga, elitar adabiyot vaqt o'tishi bilan ommaviy adabiyot toifasiga o'tishi mumkin, ya'ni uni maxsus tayyorgarliksiz (masalan, oliy gumanitar ma'lumotsiz) odamlar ham bemalol tushuna oladilar. Bu esa, o'z navbatida omma va elitar asarlar o'rtasidagi chegara g'oyat shartli ekanligini bildiradi.

## REFERENCES

1. Введение в социологию искусства / Е.В.Дуков, В.С.Жидков, Ю.В.Осокин, К.Б.Соколов, Н.А.Хренов. — СПб., 2001.
2. Горомов Е.С. Природа художественного творчества. — М., 2002.
3. Книга и чтение в зеркале социологии / Сост. В.Д.Стельмах. — М., 2004.
4. Кривцун О.А. Эстетика. — М., 2001.
5. Миронова М.В. Психология и социология чтения: Учеб. пособие для студ. 3 курса специальности 021500 «Издательское дело и ре- дактирование». — Ульяновск, 2003. — 67 с.

# ALI SAFIY DUNYOQARASHIDA RATSIONALIZM VA IRRATSIONALIZM ELEMENTLARI

**Umid Mavlyanov,**
falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Guliston davlat universiteti Tarix kafedrasi mudiri
e-mail: mavlyanovun@gmail.com

**Аннотация.** Мақолада темурийлар ренессанси даврининг етук алломаларидан бири бўлган Фахруддин Али Сафий илмий меросининг асосий жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, аллома асарларида борлиқ ва билиш муаммосининг қўйилиши, билиш назариясида рационализм ва иррационализм усулларидан мутафаккирнинг фойдаланганлиги келтирилган.

**Калит сўзлар.** Ренессанс, Али Сафий, аллома, фалсафа, маънавият, билиш, рационализм, иррационализм.

**Аннотация.** В статье освещаются основные аспекты научного наследия Фахруддина Али Сафи, одного из видных ученых эпохи Тимуридского Возрождения. Также в трудах мыслителя анализируется проблема бытия и познания, использование мыслителем методов рационализма и иррационализма в теории познания.

**Ключевые слова.** Ренессанс, Али Сафи, аллома, философия, духовность, знание, рационализм, иррационализм.

**Abstract.** The article highlights the main aspects of the scientific heritage of Fakhruddin Ali Safi, one of the mature scientists of the Timurid Renaissance. Also, Alloma's works mention the problem of being and knowledge, the thinker's use of methods of rationalism and irrationalism in the theory of knowledge.

**Key words:** Renaissance, Ali Safi, alloma, philosophy, spirituality, knowledge, rationalism, irrationalism.

Ўзбекистон азалдан улуғ олиму фузалолар, буюк алломалар юрти эканлиги илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган. Юртимиз ҳудудида бир неча марта юксак тараққиёт, юксак маънавий ривожланиш давлари юз бериб, улар ҳақли равишда Ренессанс атамаси билан таърифланган. Ана шундай уйғониш даврининг бир босқичи – иккинчи Уйғониш, Ривожланган Ренессанс даврлари билан номланаётган Темур ва темурийлар даври эканлиги ҳам эътироф этилмоқда.

Темурийлар ренессанси даврининг етук олимларидан бири бу Фахруддин Али Сафийдир.

Маълумотларига кўра, Али Сафий 1463 йил 12 февралда Ҳиротда Ҳусайн Воиз Кошифий оиласида туғилган. У бошланғич таълимини ўз отасидан, сўнгра маҳалла мактабида олган. Али Сафийнинг етук олим бўлиб шаклланишига отасининг таъсири катта бўлган.

Али Сафийнинг ижодий фаолияти XV асрнинг 70-йилларида шаклланган. У Жомий ва Навоийларнинг маслаҳатлари билан 1474-1489-90 йилларда Хожа Аҳрорнинг котиби, мурид, маслакдоши бўлиб, у билан бирга фаолият кўрсатган. 1490 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро уни Ҳиротга таклиф этган ва давлатнинг бош воизи лавозимига тайинлаган. У Ҳиротнинг барча машҳур мадраса, масжид ва хонақоҳларида ислом, шариат арконларидан дарс бериши билан бир қаторда, хожагония-нақшбандия тариқати таълимоти ва амалиётининг билимдони, фатво бера оладиган юксак нуфузли давлат ва дин арбоби сифатида эътироф этилган.

Биз таҳлил этган бирорта манбада Али Сафийнинг шахсий ҳаёти, оиласи, фарзандлари ва яқинлари ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Бироқ, «Рашаҳоту айнил ҳаёт» асарида у ўзининг Саъдуддин Қошғарийнинг тўнғич ўғли Хожаи Калоннинг қизига уйланганлигини, Жомийга божа бўлганлигини ёзган [1: 212]. Бу эса, унинг оила қурганлиги, лекин Навоий таъкидлаганидек, «дардманд шева», «фоний сифат»лиги учун фарзанд кўрмаганлигининг далилидир.

Биз Али Сафийнинг отаси, устозлари, замондошларининг унинг фаолияти ҳақидаги эътирофларини қиёсий таҳлил этиб, Али Сафийнинг ўз даври илму маърифатининг тарғиботчиси сифатида эътироф этилганига гувоҳ бўлдик, аллома илмий меросининг таҳлили асосида қуйидаги 13 та асари борлигини аниқладик: 1. «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» (Ҳаёт булоғи томчилари); 2. «Латоиф ут-тавоиф» (Тоифалар лутфлари); 3. «Маҳмуд ва Аёз»; 4. «Анис ул-орифийн фил-маваиз» (Панд-насиҳатда орифлар дўсти); 5. «Туҳфат ул-хоний»; 6. «Ҳирз ул-амон мин фаттан уз-замон» (Замон шумликларидан омон сақловчи тумор); 7. «Одоб ул-асҳоб» (Дўстлар одоби); 8. «Кашф ул-асрор» (Сирларни кашф этиш); 9. «Усули нақшбандиййа»; 10. «Фарасномаи Сафий»; 11. «Лавоиҳ-ул-қамар» («Ойнинг кўринишлари»); 12. «Асрори Қосимий»; 13. Луғати Али Сафий.

Али Сафийнинг ўзи мунтазам ўрта аср мусулмон олий маълумотига эга бўлганлиги, яъни мадраса таълимини тўла ва мукаммал олганлиги – зоҳирий илмлар соҳиби бўлганлиги, бунга параллел равишда ботиний, диний-ирфоний орифлик таълимини пирлари Хожа Аҳрор, Абдураҳмон Жомий қўлида ирфоний – иррационал илмларни ҳам тўла, мунтазам ва мукаммал эгаллашига монелик қилмади. Аксинча, Али Сафий таълим олиш жараёнида диний-

ирфоний билишни дунёвий, рационал билиш билан уйғунлаштириш имкониятларининг шундай беқиёс намунасини кўрсатди. Бу ҳатто бугунги кунда дунёвий, рационал билиш билан иррационал билиш имкониятларини уйғунлаштириш, уларнинг бир-бирларини тўлдириш зарурлиги кун тартибига қўйилаётган, лекин, буни амалга оширишга ҳали эришилмаган кунларимизда ҳам ҳайратомуз, ҳам ирбатомуздир. Зеро, Али Сафий ҳам рационал, дунёвий илмларда, ҳам диний-илоҳиёт, тасаввуфий-ирфоний, иррационал илмларда энг ўткир зако, ақл, билим ва салоҳиятга эга эди [5]. У икки соҳада ҳам ўзини тўла намоён эта олган. Буни «Рашаҳоту айнил-ҳаёт», «Анис ул-орифийн фил-маваиз», «Латоиф ут-тавоиф» каби асарларида тасаввуфий-ирфоний муаммолар, ботиний билиш усуллари, воситаларини чуқур, нозик жиҳатларигача муфассал баён, таҳлил этиб бера олганлигида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, Али Сафий ўзининг «Ҳирз-ул-амон мин фитан-ул-замон» номли асарида «Қуръони каримнинг ҳарфлари, суралари, оятларининг шифобахшлиги, фойдалари, хос оятлар ва ҳадиси шарифлар ҳақида», улар асосида инсон тақдирини башорат қилиш, унинг саломатлиги имкониятларининг иррационал асосларини қидириб топиш, улардан фойдаланиш йўллари, усул ва воситаларини тадқиқ этган.

Шунингдек, Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» асарида дунёвий, зоҳирий, диний илмлар, адаб илмлари, «юнон илмлари» деб аталган мантиқ, фалсафа, бошқа табиатшунослик илмлари чуқур ва кенг қамровли асосланган. Бизнингча, бу асардаги илмий-фалсафий, мантиқий фикрлаш усулларига оид ғоялар замонавий фалсафанинг назарий асоси сифатида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, асарнинг «Тиб ва Қуръон» номли ҳикматида «Тиб Каломуллонинг қаерида ёзилган?», деб софистик ва риторик савол берган кишининг мақсадини яхши тушунган ҳакимнинг мантиқий тўғри жавоби баён этилган. «Ўша ердаки, -деди ҳаким, -енг, ичинг, аммо исроф қилманг (деган жойида). Яъни кўп еманг, чунки ҳар қандай касалликнинг боши кўп овқат ейишдадир», [2: 12] деган фикрлари ҳозирги даврда соғлом турмуш тарзига риоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларига мос.

Али Сафийнинг ўз даври фалсафаси ва айниқса, мантиқ илмининг билимдони эканлиги унинг мантиқий исбот усулларини мураккаб диний-илоҳий, тасаввуфий баҳс-мунозараларда самарали қўллай олганлигида намоён бўлади. У сиёсий муаммоларда ҳам мантиқий исбот усулларини қўллаш йўли билан ечиш имконини исботлаган. Масалан, «Латоиф ут-тавоиф» асаридаги «Ислом ва таом» деб аталган ҳикматида софистик савол ва унга мос жавобларда [3: 72] Сайфиддин Аҳмаднинг фаолиятига баҳо берган ва унинг Жомийга муносабатини мантиқий исбот усуллари, шу жумладан, аслида исбот

усули ҳисобланмайдиган софистик «исбот усуллари» билан асослаган ва ўз фикрларини «Латоиф ут-тавоиф» ва бошқа асарларида давом эттирган. Демак, Али Сафийнинг илм ва мантиқ тўғрисидаги қарашларида дунё ва унинг қонунларини инсон ўз ақлу-заковати билан билиши мумкинлиги, уларни тўғри тушунтириб, исботлаб бера олиш имкониятлари асосланган. Бизнинг фикримизча, у мантиқ инсон ақлу заковатининг кучи билан бахт-саодатга эришиш, хайрли савобларни топиши мумкинлигига ишонган.

Айни пайтда, Али Сафий ўз даврининг нақлий ва ирфоний билиш даражасини конкрет илмий, формал-мантиқий билиш (шариат, фиқҳ исбот усуллари)дан устун қўйган фарзанди бўлганлиги учун илмни жуда кенг – ақлий, нақлий, васл-назар (яъни иррационал) ва ассоциатив тафаккур усул, восита, йўлларини қамраб олувчи сифатида таърифлаган. Масалан, у мантиқ, калом, тафсир, таъвил, араб тили ва бошқа зоҳирий, расмий илмлар (илми қол, илми зоҳир, улуми расмий ва ҳ.к.), шу жумладан, «ғайри арабий» илмлар, қадимги юнон табиатшунослиги, фалсафий илмларни эгалламасдан туриб инсон бирон нарсага эриша олмаслигини [1: 170-229], шунингдек, маъносиз баҳс-мунозара, фалсафа ва мантиқдаги схоластик баҳс аслида инсон ақли ва билими устидан зулм эканлигини таъкидлаган. «... бир куни Ҳазрати Шайх (Алоуддин Аттор) мандин сўрадиларким: «Зулм на нимарса турур?» Ойтдум: «Ваъз этмак бир нарсани ғайри мавзеъда». Ойтдиларким: «Кўнгул Ҳақ таолонинг ёдкардига маҳтал турур, Ҳақдин бошқа ҳар нимарсани ул жойда қўйсалар зулм бўлур». Бошқа бир баҳс-мунозарада Мавлоно Алоуддин Аттор келтирган маълумотларни Али Сафий баён этиш баробарида фақиҳнинг: «Оё, ман зулму ситам қилурманмиким, халослиқ истарсиз. Балким ман сизнинг сўзингизга шубҳа этарман, жавоб бермак керактур» [1: 232-233], деб, илмий баҳсларда ошкораликнинг зарурлигини очиб берган.

Али Сафий билишнинг ақлий билиш даражасидан юқори турувчи иррационал кўринишлари, усул, воситалардан «илми ладуний», «илми ҳол», «улуми нақлий», «илми кашф», «улуми ботиний», «авлиёлар илми», «жазбаи улуҳият», «ҳикмати илоҳий», «илми назар», «ҳаққ-ул-яқийн», «илми ботин», «қўлдан-қўлга бериладиган илм», «Аллоҳ таолонинг ўз илми», «илми муроқаба», «илми робита» каби ўнлаб кўриниш, соҳа, усул, воситаларини келтириб ўтади, ҳар томонлама асослайди [4]. Уларни муайян тизим шаклига келтириш, таснифлаш, ўзига хослигини кўрсатиш, инструментарийси, усул ва воситаларини аниқлаш махсус тадқиқотлар олиб боришни талаб қилади. Али Сафий, шунингдек, «Рашаҳоту айнил-ҳаёт»да «илми яқин", «илми қол», яъни зоҳирий, бу дунё илмлари, расмий илмлар билан ботиний илмлар – илми ботин, илми ҳол, илми ладуний, кашф, жазба илмларининг фарқи, уларнинг ўзига

хосликлари, афзаллик, устунликлари, қусур, камчиликларини ҳам кўрсатиб, асослаб беришга интилган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз лозимки, Али Сафий илмий меросининг йўналишлари ҳам дунёвий, ҳам диний-ирфоний ғояларининг тарғиботи сифатида амал қилади. У борлиқнинг моҳиятини аниқлашда ҳар икки йўналишдан унумли фойдаланган ва билимларнинг мутаносиблигини таъминлашга эришган. Али Сафий ўз салафлари диний-ирфоний, фалсафий қарашларини ворисий ривожлантирган. Бироқ, унда «Аҳли сунна вал-жамоа» концепцияси доирасида объектив-идеалистик ва креацион дунёқарашнинг таъсири устуворлик қилади.

Али Сафий ўзининг дунёвий ва диний ирфоний қарашларининг талқинида ўтмиш мутафаккирлари ғояларидан самарали фойдаланган ва ўзининг оригинал ёндашувларини асослаган. Бунинг натижасида, кейинги давр тасаввуф назарий тараққиётида борлиқ тўғрисида тасаввуфдаги алоҳида концепциялар, ҳатто илгариги даврларда куфр сифатида жазолашга сабаб бўлган ғояларни ҳам анча-мунча бемалол ўртага қўйиш, баҳс-мунзара олиб бориш имконияти вужудга келган. Худди ана шу вужудга келган маънавий-эпистемеологик вазият, муҳит, талаб ва қизиқиш доирасида Али Сафий борлиқ масаласидаги тасаввуфдаги энг мураккаб, хатарли муаммоларни муфассал ёзиб қолдириб, тушунтириши, талқин этиши мумкин бўлган эди. Бу эса, тасаввуф тариқатларидаги олам ва одам ҳақидаги ғояларнинг ўзгаришига, инсонни улуғлашга таъсир этган.

Али Сафийнинг илмий-фалсафий меросида иррационал билимларнинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган ва у ўз қарашларини махсус теософик, иррационал усуллар билан асослаган. Унинг дунёни билишда расмий (шаръий) илмлар билан «илми ҳол» (тасаввуфий-мистик) ҳамда дунёвий фанлар («юнонлар илми»)нинг мутаносиблигини таъминлаш ҳақидаги қарашлари ҳозирги даврда фан ва эзотеризмнинг ўзаро алоқаларида тўлиқ намоён бўлмоқда.

## REFERENCES

1. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт (Обиҳаёт томчилари). –Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004.
2. Ҳасаний М., Умрзоқ Б. Фахруддин Али Сафий ва унинг «Рашаҳот» китоби ҳақида. – Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт. –Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.
3. Фахриддин Али Сафий. Латофатнома. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.

4. Mavlyanov, U. N. (2023). Issues of Knowledge in the Legacy of Ali Safi. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, *3*(07), 41-43.
5. Мавлянов, У. Н. (2020). ПРОБЛЕМЫ ОНТОЛОГИИВ НАСЛЕДИИ АЛИ САФИ. *Вестник Российского философского общества*, (1-2), 200-209.

# UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA O'ZBEK TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH METODIKASI

**Kobilova Ozoda Ashirbayevna**
Toshkent viloyati Yuqori Chirchiq tumani №28 umumiy o'rta ta'lim maktabining o'zbek tili fani o'qituvchisi

**ANNOTATSIYA:**

Ushbu maqola umumta'lim maktablarida o'zbek tilini o'qitishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish metodikasini o'rganishga bag'ishlangan.Maqolada axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining ta'lim jarayonidagi ahamiyati va uning o'zbek tili o'qitishdagi o'rni tahlil qilinadi. Zamonaviy texnologiyalar, xususan, kompyuterlar, interaktiv mobil ilovalar va boshqa raqamli resurslar o'quvchilarga til o'rganishni yanada samarali va qiziqarli bo;kishga yordam beradi. Maqolada interaktiv ta'lim vositalari, multimedia materiallari orqali o'quvchilarning tilni o'rganishdagi faoliyatini faollashtirish va motivatsiyalarini oshirish usullari tahlil qilinadi. Maqolada keltirilgan metodik tavsiyalar umumta'lim maktablarida o'zbek tilini o'qitishda yangi texnologiyalardan maksimal darajada foydalanishga yordam beradi.

**Kalit so'zlar:** axborot texnologiyala, multimedia, interaktiv, kahoot, blended learning**, kooperativ o'rganish,** AKT, **interfaol metod,** kompetentsiya, flipped classroom.

**Аннотация:** Данная статья посвящена исследованию методики использования современных информационных технологий при преподавании узбекского языка в общеобразовательных школах. В статье анализируется значение информационно-коммуникационных технологий в образовательном процессе и их роль в обучении узбекскому языку. Современные технологии, в частности, компьютеры, интерактивные мобильные приложения и другие цифровые ресурсы, помогают студентам сделать изучение языка более эффективным и интересным. В статье анализируются способы активизации и повышения мотивации студентов в изучении языка с помощью интерактивных образовательных инструментов и мультимедийных материалов. Методические рекомендации, представленные в статье, помогут максимально использовать новые технологии в преподавании узбекского языка в общеобразовательных школах.

**Ключевые слова:** информационные технологии, мультимедиа, интерактив, кахут, смешанное обучение, кооперативное обучение, ИКТ, интерактивный метод, компетентность, перевернутый класс.

**Annotation:** This article is devoted to studying the methodology of using modern information technologies in teaching the Uzbek language in secondary schools. The article analyzes the importance of information and communication technologies in the educational process and its role in teaching the Uzbek language. Modern technologies, in particular, computers, interactive mobile applications and other digital resources, help students make language learning more effective and interesting. The article analyzes methods for activating students' activities in language learning and increasing their motivation through interactive educational tools and multimedia materials. The methodological recommendations presented in the article help to maximize the use of new technologies in teaching the Uzbek language in secondary schools.

**Keywords:** information technology, multimedia, interactive, kahoot, blended learning, cooperative learning, ICT, interactive method, competence, flipped classroom.

Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim sohasidagi roli har o'tgan yil sayin ortib bormoqda. Maktab o'quvchilarining o'zlashtirish jarayonida axborot texnologiyalarini qo'llash nafaqat o'qitish samaradorligini oshiradi, balki o'quvchilarni zamonaviy texnologiyalarni samarali qo'llay olishga ham tayyorlaydi. Bu esa, o'z navbatida, ularning hayotiy kompetentsiyalarini shakllantirishga xizmat qiladi. O'zbek tili kabi muhim faning o'qitilishida zamonaviy axborot texnologiyalarining integratsiyasi, tilni o'rganish jarayonini yanada interaktiv va samarali qiladi. Ma'lumki, har qanday pedagogik texnologiya ta'limni rivojlantiruvchi yangi tamoyillarga asoslanishi, barkamol shaxsni shakllantirishga yo'naltirilishi lozim. Bugungi kunda o'zbek tili o'qitishda innovatsion texnologiyalar va axborot texnologiyalarining qo'llanilishi ta'lim oluvchilarni o'quv jarayoniga faol jalb etish imkonini bermoqda. Yuqorida aytib o'tilgan vazifalardan ko'rinib turibdiki, ta'lim muassasalarida kompyuter texnologiyalari va axborot-kommunikasiya vositalaridan foydalangan holda ta'lim jarayonini tashkil qilish ta'lim samaradorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Bugungi kun talabi ta`limni sifat o'zgarishlariga olib keluvchi yangicha yondashuvlarni izlashga undamoqda va uni o'rganishdagi yondashuvlar (metodlar) ham o'zgarmoqda. Ta`limda yangi bilimlarni amalda qo'llash natijasi innovatsiyalarga asoslangan yangi ta`lim yaratilishiga olib kelmoqda. Shu o'rinda **axborot texnologiyalarining ta'lim sohasidagi o'rni haqida aytib o'tsak. Bu a**xborot texnologiyalari ta'lim tizimida turli shakllarda qo'llaniladi.

Bular orasida kompyuterlar, elektron ta'lim platformalari, interaktiv doskalar, mobil ilovalar va boshqa raqamli vositalar mavjud. Ushbu texnologiyalar o'quvchilarni faqatgina ma'lumot olish jarayonida emas, balki mustahkamlash va tahlil qilishda ham qo'llaniladi. O'qituvchilar uchun esa bu texnologiyalar o'qitish jarayonini yanada qiziqarli, samarali va individual holga keltirish imkoniyatini beradi.[1] Masalan: **O'zbek tilini o'qitishda axborot texnologiyalarini qo'llash**, o'quvchilarga yangi imkoniyatlar yaratadi. Masalan, interaktiv doskalar yordamida o'quvchilarning o'zlashtirishi qiyin bo'lgan mavzularni ko'rgazmali tarzda tushuntirish mumkin. Bunday usullar o'quvchilarning diqqatini jalb qilishga yordam beradi va materialni yaxshiroq tushunishga yordam beradi.

Umumta'lim maktablarida o'zbek tilini o'qitishda zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanishda qyuidagilarni aytib o'tsak bo'ladi. **Masalan:**

1. **Interaktiv doskalar va multimediali materiallar** - Interaktiv doskalar va multimediali materiallar (videolar, slaydlar, diagrammalar) yordamida o'qitish jarayonini yanada samarali qilish mumkin. O'quvchilar uchun turli interaktiv o'yinlar, viktorinalar va masalalar tuzish orqali, tilni o'rganish jarayonini qiziqarli va osonlashtirish mumkin.[2] Misol uchun, "Quizlet" yoki "Kahoot" kabi dasturlar yordamida o'quvchilarni tilni o'rganish jarayonida qiziqarli testlar orqali baholash mumkin.

2. **Elektron darsliklar va online resurslar** - O'zbek tili bo'yicha elektron darsliklar va onlayn resurslar o'quvchilarga mustaqil o'rganish imkoniyatlarini yaratadi. O'quvchilar internetdan foydalanib, turli tillar bo'yicha videolarni tomosha qilib, ularning tilni o'rganishdagi qiyinchiliklarini bartaraf etishi mumkin. Online platformalar yordamida, o'quvchilar o'zbek tilini o'rganishni interaktiv tarzda davom ettirishlari mumkin.

3. **Mobil Ilovalar** - Mobil telefonlar va ilovalar ta'lim jarayonini yangi darajaga olib chiqadi. O'zbek tilini o'qitishda maxsus ishlab chiqilgan mobil ilovalar orqali o'quvchilar lug'at boyligini oshirishi, grammatika mashqlarini bajarishi va tilni praktika orqali o'rganishi mumkin. Masalan, "o'zbek tili" ilovasi orqali o'quvchilar o'zbek tilidagi asosiy qoidalarni, so'zlarni va iboralarni o'rganishlari mumkin. Bunga qo'shimcha,zamonaviy axborot texnologiyalarini o'qitish jarayoniga joriy qilishda bir nechta metodik yondashuvlar ham bor. Ulardan ba'zilarini aytib o'tsak,

1. **Interfaol metodlar** - Axborot texnologiyalaridan foydalanishda interfaol metodlardan, masalan, "**blended learning**" (aralash ta'lim), "**flipped classroom**" (aylantirilgan dars) kabi yondashuvlardan foydalanish samarali. Bu metodlar o'quvchilarga darsni nafaqat o'quvchini tinglash, balki aktiv ravishda o'rganish imkonini beradi. Masalan, darsdan oldin o'quvchilarga o'zbek tilidagi video yoki

audio materiallar yuborilib, dars davomida shu materiallar asosida muhokama va tahlil olib boriladi.

**2. Kooperativ o'rganish** - O'quvchilarni guruhlarga bo'lib, interaktiv materiallar asosida birgalikda ish olib borish imkoniyatini yaratish muhim. Bunday usul o'quvchilarga bir-biridan o'rganish, tajriba almashish va tilni o'zaro mashqlar orqali chuqurroq o'rganishga yordam beradi.

**3. O'yin texnologiyalaridan foydalanish** - O'quvchilarga o'zbek tilidagi grammatika va imlo qoidalarini o'rganishda o'yinlar va simulyatsiyalar yordamida mashqlar bajarishga imkon yaratish. Bu o'quvchilarning tilga bo'lgan qiziqishini oshiradi va ular darsni ko'proq zavq bilan o'rganadilar.

Aslida o'zi elektron pedagogikaning asosiy maqsadi zamonaviy AKT muhitida o'qitish ta'lim jarayonini samarali tashkil etishdir.

Elektron pedagogikaning predmeti pedagogik tizim hisoblanadi. Pedagogik tizim quyidagi komponentlarni o'z ichiga oladi: o'qituvchi, o'quvchi, ta'limning maqsad va vazifalari, o'qitish mazmuni, o'qitish shakl, usul va vositalari. Zamonaviy AKT ushbu komponentlarga o'z hissasini qo'shib kelmoqda. Bularni dars jarayoniga qo'llashda o'qituvchilarning roli va tayyorligi - Zamonaviy texnologiyalarni samarali qo'llash o'qituvchilarning bilimlari va ko'nikmalariga bog'liq. Ta'limda zamonaviy axborot texnologiyalarining joriy etilishi pedagogni o'quv jarayonida ta'lim vositalari asosida faoliyat doirasining cheklanishiga emas, balki uning vazifalari va rolining o'zgarishiga, pedagogik faoliyatning mukammallashuviga olib keladi.[3]

Endi pedagog:

- o'quv kurslari dizayneri-yaratuvchisi;
- o'qitish metodlari bo'yicha maslahatchi;
- kompyuter- o'quv kurslarini interaktiv taqdim etish bo'yicha mutaxassis;
- ta'lim natijalarini nazorat qilish usullari bo'yicha mutaxassis bo'lishi talab etiladi.

Pedagoglar kompyuter texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmasiga ega bo'lish bilan birga, yangi o'quv materiallarini tushuntirishda kompyuterning namoyish imkoniyatlaridan foydalana olishi, internet, o'rgatuvchi va nazorat qiluvchi dasturiy mahsulotlar asosida darslarni tashkil etishi, darsga metodik va didaktik materiallarni tayyorlashi, qo'shimcha axborotlarni topishi hamda kompyuter texnologiyalari asosida o'quv jarayonini tashkil etishlari zarur. Bu jarayonda o'quv elektron vositalari kontseptual tamoyillar asosida yaratiladi.[4] Bular:

1. Maqsadga yo'naltirilganlik tamoyili.
2. Integratsiya tamoyili.
3. To'laqonlilik tamoyili.
4. Yaxlitlik tamoyili.
5. Ochiqlik tamoyili.

Xulosa qilib aytganda,zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim tizimida olib borilishi o'zbek tilini o'qitishda o'qituvchilarga yangi metodik imkoniyatlar yaratadi. Bu jarayon o'quvchilarning bilimlarini yanada samarali tarzda mustahkamlash, ularni til o'rganishning innovatsion usullari bilan tanishtirishga imkon beradi. O'qituvchilarning texnologiyalarga oid bilimlarini oshirish va o'quvchilarni ilg'or resurslar bilan tanishtirish orqali o'qitish samaradorligini oshirish mumkin. Maqolada keltirilgan fikrlar zamonaviy texnologiyalardan samarali foydalanishning o'zbek tilini o'qitishda qanday yutuqlarga olib kelishi haqida umumiy tushuncha beradi. O'qituvchilar uchun bu texnologiyalarni qo'llashning oson va samarali usullarini ishlab chiqish, o'quvchilarni bugungi kunda zarur bo'lgan ko'nikmalar bilan ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

## REFERENCES

**1. Karimov R. "***O'zbek tili o'qitish jarayonida interaktiv texnologiyalarning o'rni"*. Journal of Pedagogical Sciences, 2021 yil. 2(3), 45-55.

**2. Shodiev T. "***Axborot texnologiyalarining ta'limda qo'llanilishi" Teoriya va amaliy yondashuvlar"*. Journal of Information Technologies in Education, 2020 yil. 4(1), 12-20.

3. Begimqulov U.Sh. "Pedagogik ta"limda zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari". – T.: Fan, 2007. – 159 b.

4. Adilova S. O'zbek tilini o'qitishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish. –T.: TDPU, 2006. - 96.

5. Joldasov I.S. Talabalarda amaliy kompetensiyani shakllantirishning axborot-loyiha texnologiyalari// Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў Илимий-методикалық журнал. – 2024. – № 3/3. – Б. 767-771.

6. Joldasov I.S. Methodology for the formation of professional competence of future teachers // Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods. Volume 2, Issue 4, 2024..

7. Joldasov I.S. Tasks Implemented in Professional Schools to Send Students to Professions // International Interdisciplinary Research Journal:Vol 2. Issue 2. 2023.

8. Joldasov I.S. "Elektron ta'lim muhitida ta'lim oluvchilarning mustaqil ishlarini tashkil etish imkoniyatlari" // Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў Илимий-методикалық журнал. – 2024. – № 5/3. – Б. 129-134

# O'ZBEKISTONDA MILLIY–MADANIY MARKAZLARINING O'RNI VA AHAMIYATI

**Abduraxmanova Jummagul Nomazovna**
Tarix fanlari nomzodi, dotsent.
Toshkent iqtisodiyot va pedagogika instituti

## ANNOTASIYA

Ushbu maqolada respublikada millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglik muhitini mustahkamlash borasida samarali faoliyat yuritib kelayotgan milliy–madaniy markazlar, shu jumladan, Grek madaniyati jamiyati va uning faoliyati haqida ma'lumotlar bayon qilingan.

**Kalit so'zlar:** ko'p millatli davlat, tinchlik, millatlararo totuvlik, diniy bag'rikenglik, hamjihatlik, milliy–madaniy markazlar, Grek madaniyati jamiyati.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье представлена информация о деятельности национально–культурных центров, в том числе Греческого культурного общества которая ведёт эффективную деятельность по укреплению атмосферы межнационального согласия и межрелигиозной толерантности в республике.

**Ключевые слова:** многонациональное государство, мир, межнациональное согласие, религиозная толерантность, солидарность, национально–культурные центры, Греческое культурное общество.

## ANNOTATION

In this article, information is presented about the national–cultural centers that have been effectively working to strengthen interethnic harmony and interreligious tolerance in the republic, including the Greek Cultural Society and its activities.

**Keywords:** multi–ethnic state, peace, interethnic harmony, religious tolerance, unity, national–cultural centers, Greek Cultural Society.

Mamlakatimiz o'z istiqlolini qo'lga kiritgan dastlabki yillardan boshlab jamiyatda bag'rikenglik muhitini qaror toptirish, turli din va konfessiyalar o'rtasida tinchlik va totuvlikni ta'minlash masalasi davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi. Jumladan, O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va qonunlarida mamlakatda istiqomat qiluvchi turli din va millat vakillari o'rtasidagi

do'stona munosabatlarni rivojlantirish, qonun oldida barchaning bir xil huquq va erkinliklarga ega ekanligi mustahkamlab qo'yilgan.

Jamiyatda millatlararo totuvlik va bag'rikenglikni ta'minlash, do'stlik muhitini hamda ko'p millatli yagona oila tuyg'usini mustahkamlash, yoshlarni Vatanga muhabbat va sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat bilan qarash ruhida tarbiyalash, xorijiy mamlakatlar bilan madaniy–ma'rifiy aloqalarni kengaytirishga qaratilgan keng ko'lamdagi ishlar amalga oshirilmoqda.

Yangi O'zbekistonning 2022–2026–yillarga mo'ljallangan Taraqqiyot strategiyasida belgilangan vazifalar yurtimizda istiqomat qilayotgan turli millat, elat vakillarining tili, madaniyati, urf–odatlari, an'analarini saqlab qolish hamda rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, ko'p millatli xalqimizning sa'yi–harakatlarini olijanob g'oya – mamlakatimizni barqaror rivojlantirish, millatlararo totuvlikni mustahkamlash, kuchli, adolatli fuqarolik jamiyati va demokratik huquqiy davlatni shakllantirish g'oyasi atrofida birlashtirishga xizmat qiladi.

Yangi O'zbekiston o'z taraqqiyot startegiyasini tinchliksevarlik va hamjihatlikka qaratilgan yangicha mezonlar asosida olib bormoqda. Respublika tinchliksevar siyosatining asosini bag'rikenglik, hamjihatlik, millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglikni ta'minlashga qaratilgan tamoyillar tashkil etadi. Bag'rikenglik – bu insoniyatning eng muhim qadriyatlaridan biridir. U nafaqat shaxsiy munosabatlarda, balki ijtimoiy hayotda ham tinchlik va barqarorlikni ta'minlashda muhim rol o'ynaydi.

Bag'rikenglik – jahondagi turli boy madaniyatlarni to'g'ri qabul qilish, insonlarning bir–biriga nisbatan hurmat, sabr–toqat va tushunish hissi bilan yondashishi demakdir. Bag'rikenglik, avvalo, turli xil fikrlar, e'tiqodlar va hayot tarzlariga nisbatan ochiqlikni anglatadi. Har bir insonning o'ziga xos fikrlash tarziga ega ekanligini tan olish, ularni hurmat qilish, millatlarning bir–biridan farq qilinishini to'g'ri qabul qilish bag'rikenglikning asosiy tamoyillaridan biridir.

Bugun respublikada turli din va millat vakillari emin–erkin, bahamjihat holda yashab kelmoqda. Mamlakatimizda turli millat va din vakillari o'rtasida hamjihatlikni mustahkamlash, bag'rikenglik g'oyalarini qaror toptirishda izchil hamda keng ko'lamdagi ishlar amalga oshirilmoqda. "Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to'g'risida"gi 1998–yil 1–maydagi, o'gartirish va qo'shimchalar bilan, qayta ko'rib chiqilgan 2021–yil 5–iyulda[1] yangi asosda qabul qilingan qonunda vijdon erkinligini ta'minlash sohasidagi munosabatlarni, shuningdek diniy tashkilotlar, jumladan ta'lim muassasalari faoliyatini tartibga solishning huquqiy asoslari yaratildi.

2023–yil 30–aprelda qabul qilingan **Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi**da ham bag'rikenglik tamoyilining huquqiy asoslari aks etgan. Jumladan, Konstitutsiyaning 19–moddasida: ***"O'zbekiston Respublikasida***

***barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo'lib, jinsi, irqi, millati, tili, dini, e'tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, ijtimoiy mavqeyidan qat'i nazar, qonun oldida tengdirlar", – deyilgan bo'lsa, 33–moddada esa "Har kim fikrlash, so'z va e'tiqod erkinligi huquqiga ega"*** ekanligi ko'rsatilgan[2].

Hozirgi kunda mamlakatimizda 16 ta diniy konfessiya, 130 dan ortiq millat va elat vakillari hamda 140 dan oshiq milliy–madaniy markazlar faoliyat yuritib kelmoqda.

Mamlakatimizda bir qator milliy–madaniy markazlar jamiyatda millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglik muhitini mustahkamlash borasida samarali faoliyat yuritib, jamiyatimizda etnik o'ziga xoslikni rivojlantirish va millatlararo munosabatlarni yanada uyg'unlashtirishga salmoqli hissa qo'shib kelmoqda.

Millatlararo totuvlik o'z navbatida, aholi, ayniqsa, yoshlar ongida insonparvarlik qadriyatlarini, turli millat vakillari o'rtasida o'zaro hamjihatlikni yanada mustahkamlash, qardosh xalqlar o'rtasidagi abadiy do'stlik va yaqin hamkorlik rishtalarini yanada rivojlantirish borasida 2017 yil 19 mayda "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora–tadbirlari to'g'risida"gi[3], 2019 yil 15 noyabrda "Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmonlari[4] qabul qilindi.

Jamiyatimizda do'stlik va ahillik, tinchlik va barqarorlik muhitini mustahkamlash, hech shubhasiz, ijtimoiy, siyosiy, huquqiy, iqtisodiy, gumanitar va ma'naviy sohalarda shiddatli islohotlarni izchil amalga oshirish hamda xalqaro maydonda mamlakatimiz nufuzini yanada yuksaltirishning muhim omili va zarur sharti hisoblanadi. Bu hayotiy haqiqat amalda o'z tasdig'ini topmoqda.

Milliy–madaniy markazlar O'zbekistonda yashovchi turli millat vakillarining milliy–madaniy ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiluvchi jamoat tashkilotlari. Mamlakatimizda istiqomat qilayotgan turli millat vakillarini respublika ijtimoiy, ma'naviy–ma'rifiy hayotida faol ishtirok etishini ta'minlash milliy–madaniy markazlar faoliyatining muhim yo'nalishlaridan biridir. Konstitutsiyamizda *"O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf–odatlari va an'analarini hurmat qilinishini ta'minlaydi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratadi"*, deb ta'kidlab o'tilgab. Milliy–madaniy markazlar turli jamiyat, xalq, millatlar o'rtasida har tomonlama hamkorlik ma'naviyatini shakllantirish, xalqlarning o'zaro ishonch hamda hurmatini, o'sib kelayotgan yoshlarga millatlararo totuvlik va bag'rikenglik g'oyalarini singdirish borasidagi ishlarni amalga oshirishga xizmat qiladi.

"2017–2021–yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"ning

beshinchi yo'nalishi[5] sifatida diniy bag'rikenglik va millatlararo totuvlikni ta'minlash sohasi qayd etilgani hamda davlatimiz tomonidan bag'rikenglikni ta'minlash borasida respublika va xalqaro miqyosda muhim vazifalarning amalga oshirilganligini alohida qayd etish mumkin. Mazkur ishlarning uzviy davomi sifatida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022–yil 28–yanvardagi "2022–2026–yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmonining qabul qilinishi va uning 74–maqsadi[6]: "Jamiyatda millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglik muhitini mustahkamlash" etib belgilanishi hamda buning amaliy ifodasi sifatida bugungi kunda qator ishlarning amalga oshirilishi, xalqaro sammit va yig'ilishlarda dolzarb takliflarning ilgari surilishi tinchlik va totuvlik, bag'rikenglikka qaratilgan muhim harakatlardan bo'ldi.

Milliy–madaniy markazlar faoliyatini O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1992–yil 13–yanvardagi qarori bilan tashkil etilgan Respublika baynalminal madaniyat markazi[7] muvofiqlashtiradi.

Respublikamizda millatlar o'rtasidagi o'zaro totuvlik, e'tiqod erkinligini ta'minlashgan qaratilgan islohotlar, ular uchun yaratilgan imkoniyatlar natijasida har bir millat vakillarining milliy–madaniy markazlari keng faoliyat yuritib kelmoqda.

O'zbekistondagi bir qator milliy–madaniy markazlar bilan bir qatorda 1997 yil 4 martda Toshkent shahrida tashkil etilgan grek diosporasining "Grek madaniyati jamiyati" ham o'ziga xos o'rin tutadi.

Bugungi kunda O'zbekistonda yashayotgan greklarning O'zbekiston hududiga ko'chirilishi tarixi bevosita Ikkinchi jahon urushi va urushdan keyingi voqealar bilan bog'liq.

1949 yil oktyabr–noyabr oylarida O'zbekistonga grek siyosiy muhojirlaridan 12 ming kishi kelgan[8]. Garchi, o'zbek xalqi urushdan keyingi og'ir davrlarni boshdan kechirayotgan bo'lsada, bu muhojirlarga o'zlarining beg'araz yordamlarini ayamadilar. 1975 yilga kelib Gresiya davlatida monarxiya tuzumi ag'dariladi. Mamlakatda qulay siyosiy vaziyat yuzaga kela boshladi. Vaziyat yaxshilanib, quvg'inga uchragan grek muhojirlariga vataniga qaytish imkoniyatlari yaratildi[9]. Natijada O'zbekistondagi greklarning aksariyat qismi o'z yurtiga qaytib ketishga muaffaq bo'lishdi. Bir qismi esa Gresiyaga qaytmasdan O'zbekistonda yashab qoldilar.

1964–yili Toshkentda grek siyosiy emigrantlari jamiyati tashkil qilgan edi. Diasporaning qaroriga ko'ra, 1997–yilda ushbu jamiyat Toshkent shahar Grek madaniyati jamiyatiga aylantirilgan[10]. Shundan buyon jamiyat doirasida ona tili va milliy an'analarni asrashga qaratilgan ishlar davom ettirib kelmoqda. 2001 yilda Grek madaniyati jamiyati qoshida "Buzuki" grek vokal–cholg'u ansambli qayta tashkil qilindi. O'zbekistondagi grek diasporasi o'z navbatida o'zlarining tarixiy vatanlari

Yunoniston, Rossiya hamda Qozog'istondagi vatandoshlari bilan ham aloqa o'rnatishgan[11]. "Grek madaniyati jamiyati" o'z navbatida O'zbekiston Respublikasida har yili o'tkaziladigan milliy bayramlarda o'zlarining badiiy chiqishlari bilan ham ishtirok etib kelishmoqda.

O'zbekiston Respublikasi hududida istiqomat qilib kelayotgan greklarning madaniy va ma'naviy taraqqiyotida o'zbek xalqiga xos bo'lgan bag'rikenglik fazilatlarining o'rni va ahamiyati beqiyos katta o'rin tutadi.

Hozirgi kunda dunyoning turli mintaqa va davlatlarida insonning yashashi, ta'lim olishi, mehnat qilish va o'z iqtidorini namoyish etishi kabi hayotiy va tabiiy haq–huquqlari turli darajada poymol etilayotgan bir davrda O'zbekistonda 130 dan ortiq millat va elat vakillari totuvlik hamda bag'rikenglik tamoyili asosida tinch–totuv yashab kelishmoqda.

## REFERENCES

[1]. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi. 06.07.2021–yil. 03/21/699/0635–son.
[2]. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – Toshkent.: "O'zbekiston". 2023. 6,8–betlar.
[3]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. "Millatlararo munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalarini yanada takomillashtirish chora–tadbirlari to'g'risida". 19.05. 2017. PF–5046–son.
[4]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. "Millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida". 15.11.2019. PF–5876–son.
[5]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoyishi. "2017–2021–yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini amalga oshirishga doir tashkiliy chora–tadbirlar to'g'risida". 14.02.2017. F–4849–son.
[6]. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. "2022–2026–yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida". 28.01.2022 yil. PF–60–son.
[7]. Rahbarxon Murtazayeva. O'zbekistonda millatlararo munosabatlar va tolerantlik. – Toshkent "Mumtoz so'z". 2019. 288–bet.
[8]. Абдурахманова Жуммагул Номазовна. Иккинчи жаҳон урушининг грек халқи ҳаётига таъсири (Ўзбекистонга кўчирилган греклар мисолида). // Ўтмишга назар. Махсус сон. 1–қисм. 2020. 83-бет.

[9]. Жуммагул Номазовна Абдурахманова. Ўзбекистонда греклар диоспораси тарихи. // Academic Research in Educational Sciences. Volume 2. issue 2. 2021. P.868.

[10]. Абдурахманова Жуммагул Номазовна. Иккинчи жаҳон урушининг грек халқи ҳаётига таъсири (Ўзбекистонга кўчирилган греклар мисолида). // Ўтмишга назар. Махсус сон. 1–қисм. 2020. 83-бет.

[11]. Жуммагул Номазовна Абдурахманова. Ўзбекистонда греклар диоспораси тарихи. // Academic Research in Educational Sciences. Volume 2. issue 2. 2021. P.868.

# TA'LIM VA TARBIYA JARAYONIGA TEXNOLOGIK YONDOSHUV – TA'LIM TIZIMI RIVOJINING ASOSIY SHARTI

**Nafasov Arslon Kamilovich**,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Fakultetlararo ijtimoiy kafedrasi katta o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada, ta'lim-tarbiyaning jamiyat taraqqiyoti, rivojida muhim omil ekanligi, huquqiy tarbiyaning texnologik yondashuv, shakl va metodlar yordamida shaxsning ongiga ta'sir ko`rsatib, unda davlat belgilagan qonun qoidalarga itoatkorlikni, davlat siyosatini ijro etish hamda o`z hatti harakatini davlat talabiga muvofiq holda tanlay olish qobiliyatini shakllantirishi kabi muxim masalalar yoritilingan.

**Kalit so'zlar:** texnologik yondashuv, konstitutsiya, huquqiy ta'lim, pedagogik texnologiya, huquqiy tarbiya metodi, texnologik yondashuv, uzluksiz ta'lim, pedagog.

**Аннотация:** В данной статье говорится, что юридическое образование является важным фактором развития общества. В частности, цель правового воспитания, основанная на теологическом подходе, состоит в том, чтобы с помощью определенных средств, форм и методов воздействовать на сознание человека, сделать его послушным нормам государственного права, реализовать государственное право. политику, а также иметь возможность выбирать собственные действия в соответствии с требованиями государства, освещен такой важный вопрос, как ее формирование.

**Ключевые слова:** правовая культура, конституция, юридическое образование, педагогическая технология, метод правового воспитания, технологический подход, непрерывное образование, педагог.

**Abstract:** This article states that legal education is an important factor in the development of society. In particular, the goal of legal education, based on a theological approach, is to use certain means, forms and methods to influence a person's consciousness, make him obedient to the norms of state law, and implement state law. policy, as well as having the opportunity to choose their own actions in accordance with the requirements of the state, such an important issue as its formation is highlighted.

**Key words:** legal culture, constitution, legal education, pedagogical technology, method of legal education, technological approach, continuing education, teacher.

## KIRISH

Ta'lim-tarbiya masalasi mustaqilligimizning dastlabki kunlaridan boshlab bugunimiz va kelajagimizni hal qiladigan eng dolzarb vazifa sifatida qaralgan.Amalga oshirilayotgan ulkan ishlar, farzandlarimizning har tomonlama barkamol bo'lib ulg'ayishi uchun yaratilayotgan zamonaviy sharoitlar tufayli yoshlarimizning jismoniy va ma'naviy jihatdan hech kimdan kam bo'lmasdan voyaga yetayotgani barchamizga ma'lum. Bu masalada yuridik asos sifatida konstitutsiya hisoblanadi. Yangi tahrirda qabul qilingan Konstitutsiya O'zbekiston jamiyatining evolyutsion rivojlanishidan kelib chiqqan hayotiy zarurat bo'lib, bu ish mamlakat, millat va xalq sifatida keyingi qadamlarimizni aniqlab olishimiz uchun g'oyat ahamiyatli masala, adolatli jamiyat qurish yo'lidagi ulkan qadamlardan biri hisoblanadi. Buning zarurati xususida Shavkat Mirziyoyev to'xtalib o'tar ekan, Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasiga quyidagilarni alohida ta'kidlagan edi: "Mamlakatimiz taraqqiyotini yangi pog'onaga olib chiqish uchun boshqaruv ham, qonunchilik ham, jamiyatimiz ham o'zgarishi kerak. Agar shunday qilmasak, muammolarni ko'rib, ko'rmaslikka olsak, zamondan orqada qolamiz. Xalqimiz, yosh avlodimiz bizdan rozi bo'lmaydi. Shu bois, "Avval – inson, keyin – jamiyat va davlat" degan g'oyani Konstitutsiyamiz va qonunlarimizga ham, kundalik hayotimizga ham chuqur singdirishimiz kerak. Hozirgi kundagi jiddiy sinovlar va bashorat qilib bo'lmaydigan xavf-xatarlarni yengib o'tishga qodir bo'lgan milliy davlatchiligimiz asoslarini mustahkamlashimiz zarur".

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLAR

Uzluksiz ta'lim tizimida dars olib borayotgan huquqshunos – pedagog va professor-o'qituvchilarning yuridik mutaxassislikka ega bo'lishi huquqiy davlatni barpo etishda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish masalalarini yengillashtiradi. Ayniqsa, huquqiy ongning shakllanishi huquqiy ta'lim orqali huquqiy bilim beruvchi pedagoglarning kasbiy-huquqiy ongiga va saviyasiga ham daxldordir. Chunki huquqiy ta'lim jarayoning huquqiy masalalar bo'yicha muayyan huquqiy his-tuyg'ular, tasavvurlar hosil qilishi huquqiy munosabatlarda ishtirok etishda huquqiy faollik ko'nikmalarini yuzaga keltiradi. Bu o'z navbatida yoshlarda mavjud bo'lgan huquqiy nigilizmning oldini olish, huquqbuzarlikka qarshi kurash kabi omillarga aylanadi. Aynan shu sababli huquqiy ong huquqni amalda qo'llashning zaruriy mexanizmi bo'lib, shaxsning xulq-atvori huquq normalariga mos kelish – kelmasligini aniqlovchi vosita hisoblanadi.

Uzluksiz ta'limda ta'lim-tarbiya masalasi va metodlarini tanlashning asosiy jihatlari tadqiqotchilar, olimlarimiz va pedagoglarimiz tomonidan turli hil ilmiy metodik nashrlarda tahlil qilingan. Jumladan Yu.K.Babanskiy. Hozirgi zamon umumiy ta'lim maktabida o'qitish metodlari. 1990., Smesova E.A.Metodika

prepodavaniya istorii v shkole. 2019., Y.G'afforov. Tarix o'qitish metodikasi. 2022., O'.Q.Tolipov, M.U.Usmonboeva. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. 2006. va boshqalarning bir qator asarlari va ilmiy maqolalarida o'z aksini topgan.

## NATIJA VA MUHOKAMA

Texnologik yondoshuvning mazmuni berilgan yoki mavjud sharoitda pedagogik vazifalarga maqbul erishish yo'llarini ongli ravishda loyihalashdan iborat.

Huquq fanlarini o'qitish jarayoniga texnologik yondashish asosida ta'lim maqsadlariga erishishning eng maqbul yo'llari va samarali vositalarni tadqiq qiluvchi va qonuniyatlarni ochib beruvchi pedagogik yo'nalish - bu ta'limni texnologiyalashtirishdir. Ya'ni mavjud sharoit va o'rnatilgan vaqtda belgilangan ta'limiy maqsad va ko'zlanayotgan natijalarga kafolatli erishishni vositali ta'minlovchi, muloqot, axborot, o'qitish hamda boshqaruvning eng qulay yo'l va vositalarining tartibli yig'indisi .

Texnologiyada maqsadli, jarayonli, miqdoriy va rejaviy tarkiblar taqdim etilib, uning belgilari bo'lib takroriylik va ko'zlanayotgan ta'lim natijasini to'liq bayon etishlik hisoblanadi. Uslubiyotda esa ta'lim yo'l va usullari yig'indisi ko'proq individuallashgan bo'ladi. U o'qituvchi shaxsining temperamenti va malakasiga bog'liq bo'ladi.

Uzluksiz huquqiy ta'limning hamma bosqichlarida huquqiy ta'limning o'ziga xos tashkiliy shakllari mavjud bo'lib, bularga mavzuni bayon etish qismi, so'rash va mustahkamlash bosqichlari kiradi.

Huquqiy ta'lim tizimida yangi bilim berish o'quv jarayonining ham usuli, ham shakli hisoblanib, u o'quvchilarga fan asoslarini og'zaki, uzviy va muntazam singdirishga xizmat qiladi. Natijada, fanning mohiyatini tushunib boradi hamda ularni erkin fikrlashga majbur etadi. O'qituvchining jonli nutqi asosida o'quvchilarning huquqiy tafakkurini rivojlantirish, uning ta'sirida o'quvchilarda shu fanga uning vazifa va kelajagiga nisbatan turli qarashlar, ilmiy e'tiqod, g'oya va huquqiy mafkura asoslari shakllanadi. Buning uchun o'qituvchi har bir mavzuning mazmunini fandagi yangiliklar bilan boyitishi va tanlay bilishi lozim. O'qituvchining yangi bilim berishdagi faoliyati ijobiy hamkorlikka tayanib tashkil qilingandagina samarali natija beradi. Bunda o'qitish jarayonida ham ta'limiy, ham tarbiyaviy vazifalarni samarali amalga oshirish o'qituvchi bilan o'quvchilar o'rtasida do'stona, faol munosabatlarni tiklab olishdan iborat.

Bundan tashqari, darsning samarali natijasi o'quvchi va o'quvchilarning o'quv jarayondagi ruhiy holatlarini qay darajada hisobga olinishiga ham bog'liq.

Shunday ekan, huquqiy ta'limni samarali tashkil etish, uning dars shakllaridan o'qitish jarayonida o'rinli foydalanishlari uchun shubhasiz, o'qituvchining pedagogik

mahorati, pedagogik madaniyati, o'z predmetini puxta bilishligi va o'quvchilar bilan umumiy til topa olishi muhimdir.

Huquq fanlarini o'qitishda texnologik yondashuv o'qituvchining texnologik madaniyatiga va texnologik bilimlar, ko'nikmalar majmuiga bog'liq. Bunda maqsadni belgilash ko'rinishida o'quv natijalarini rejalashtirishni bilish, o'quv jarayonini loyihalashtirishni bilish va o'quv faoliyati natijalarini baholashni bilish katta ahamiyatga ega.

Maqsad ko'zlanayotgan natija modeli ko'rinishidagi muhim yo'nalishning mahsuli sifatida ta'lim sub'yektlarining faoliyat yakunida egallashlari ko'zlanayotgan narsadir.

Maqsadni belgilash esa texnologiyalashtirishning asosiy omili hisoblanib, pedagogik texnologiyani loyihalashtirish, o'quv jarayonini tuzish hamda tashkillashtirishdan iborat.

Huquq fanlarini o'qitishda texnologik yondoshuvning asosiy mazmuni pedagogik jarayoni boshqarish, o'qitishning samarali metodlari: noan'anaviy usullar, zamonaviy pedagogik texnologiya, interfaol usullardan foydalanish, o'qituvchi faoliyatining innovatsion xususiyatlarini rivojlantirish, zamonaviy axborot kommunikatsion ta'lim texnologiyalaridan foydalanishdan iborat.

Ushbu jarayonda aniq loyiha tayyorlash, tizimlilik, konseptuallik, boshqaruvchanlik, samarali natijaga erishish, o'quvchi sub'yektiga e'tibor qaratish muhim hisoblanadi. Demak, huquq fanlarini o'qitishga texnologik yondashuvda:

Huquqiy ta'limning maqsadlari aniqlashtiriladi, ya'ni huquqiy ta'lim maqsadlari batafsil bayon qilinadi, aniq beriladi va kutilayotgan o'quv natijalar va pedagogik vazifalar shaklida ifodalanadi;

Huquqiy ta'lim maqsadlariga erishishning eng maqbul yo'llar va vositalari tanlab olinadi, ya'ni muloqot, axborot va boshqaruvning shunday usul va ta'lim vositalari tanlanadiki, ular majmuada berilgan sharoitlarda va belgilangan vaqtda ta'lim maqsadlariga erishishni kafolatlovchi ta'lim modelini tashkil qiladi;

Huquqiy ta'lim jarayoni maksimal rasmiylashtiriladi, ya'ni huquqiy ta'lim jarayoni bir tizimga keltiriladi pedagogik va o'quv xarakatlarning zanjiri bosqichma-bosqich qayd qilinadi;

Huquqiy ta'lim jarayoni to'liq boshqariladi, ya'ni izchillikdagi harakatlar: loyihalashtirish, bashoratlash, baholash, tahlil qilish va to'g'irlash eng oson yo'llar bilan samarali natijaga erishishni ta'minlab beradi.

Texnologik yondashuv mazmunidan kelib chiqib, huquqiy ta'lim an'anaviy ta'limdan farq qilgan holda quyidagilarga asoslanadi:

- Konseptual asoslar - shaxsga yo'naltirilgan ta'lim va ta'limga tizimli - harakatli yondashish, ta'lim oluvchi shaxsi - ta'lim jarayonining markaziy egasi

bo'lishi, hamda munosabatlarning insonparvarligi va erkinligi, o'qishga majburlashdan voz kechish, shuningdek, tabaqalashtirish va individuallashtirish, ya'ni umumiy ta'lim oluvchining aqliy rivojlanish darajasi va fanni ular tomonidan o'zlashtirilishini hisobga olish, o'rganish-aqliy rivojlanish, mustaqil egallash jarayoni va asosiysi ta'lim oluvchilarning egallagan bilimlarni qo'llay olish, muammolarni aniqlash ularning yechimini topish, o'quvchilarni izlanishga, u yoki bu masala bo'yicha ijodiy yondoshuvga o'rgatish; Bunda ta'lim oluvchi – kitob - ta'lim beruvchi munosabatini tashkil etish.

- Ta'lim oluvchining tutgan o'rni va vazifasi - mustaqil bilish faoliyatini olib boruvchi, ta'lim jarayonining teng huquqli sub'yekti bo'lishi, bilim - shaxsiy muammolarni hal etish vositasi ekanligini asoslash, nima uchun xatoga yo'l qo'yganligini o'rganish;

- Ta'lim beruvchining tutgan o'rni va vazifasi - ta'lim oluvchilarning mustaqil bilish faoliyatlari tashkilotchisi bo'lishi, ularning mas'ul maslahatchisi va yordamchisi ekanligi, ta'lim oluvchilarning nafaqat bilim, ko'nikma, malaka nazoratini, balki ehtimoliy chetga chiqishni o'z vaqtida to'g'rilash, ularni to'g'ri yo'lga yo'naltirish;

- Ta'lim berish va o'rganish usullari - Muammolarni izlash, bilimlarni amaliyotda qo'llashga yo'naltirish, muammoli vaziyatlarni yaratish, faol bilishning ijodiy tadqiqotchilik faoliyatiga asoslangan faol ta'lim berish usullarini tanlash;

- Ta'lim berish vositalari - an'anaviy vositalar bilan bir qatorda – axborotli texnologiyalardan foydalanish, o'quv materiallaridan ta'lim oluvchilarning bilimlarni mustaqil izlashlari uchun ishlatish;

- Ta'lim berishni tashkillashtirish shakllari - maqsadni belgilash, maqsadlarni kafolatli erishishga yo'naltirish, pedagogik faoliyatni loyihalash va rejalashtirish, shu bilan birga o'quv faoliyatining mazmuni va tuzilishini ishlab chiqish, ta'lim beruvchining ta'lim oluvchi bilan ta'lim jarayonini diolog tuzish, ta'lim oluvchida mustaqillikka intilishni rivojlantirish, ularni mustaqil ta'lim olishga tayyorlash, o'z bilimini ko'rsatishga, bilimini qo'llashga, uni taqdim eta olishga o'rgatish, ta'limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi vazifalarni amalga oshirish, umumiy natijani baholash va ta'lim oluvchi bilan hamkorlikdagi mehnatni tahlil qilish, ko'zlanayotgan natijalarga erishish yoki qisman erishishni tahlil qilish.

Huquqiy tarbiyani jamoa o`rtasida yoki individual shaklda amalga oshirish mumkin.

Yoshlarni huquqiy bilimga va huquqiy tarbiyaga jalb etishda huquqni himoya qiluvchi davlat organlari xodimlari bilan uchrashuv o`tkazilishi, savol-javob kechalari tashkil etilishi yoki huquqshunos uyushmalari to`zilishi ijobiy natija beradi. Individual yakka tarzda huquqiy bilim berishda, huquqiy tarbiyalashda shaxsga

maxsus adabiyotlarda tavsiya etilishi, unda qiziqish uyg`otish, tarbiyalanuvchining ruxiy holatini o`rganib, u qabul qila oladigan, tushuna biladigan tarzda suhbat olib boriish maqsadga muvofiqdir.

Huquqiy tarbiya metodi-bu bir necha muayyan yo`l va usullar yig`indisi bo`lib, ular asosida kishilar ongiga, dunyoqarashiga ta'sir qilinadi. Buning natijasida tarbiyalanuvchilarda qonunga hurmat hissi uyg`otiladi va qonunning buzilmasligi ta'minlanadi.

Eng asosiy metod bu – ishontirish metodi. Ishontirish orqali ijobiy natijaga erishilmasa, majburlash metodi qo`llanadi. Huquqiy tarbiyada bu ikki metodni birga qo`llash ham mumkin.

Huquqiy tarbiyaning ilmiy printsiplaridan yana biri o`rganilayotgan qonun yoki qarorning kelib chiqish sabablarini, unga obyektiv zarurat borligini tushuntirib berishdir. Agar tarbiyalanuvchi qonun, qaror va qoidalarning vujudga kelishi, qabul qilinishi umumiy asoslarini tushunib olsa, ayniqsa, hozir o`rganilayotgan huquqiy normaning qabul qilinishi sababini bilsa, uni bajarishga ongli ravishda yondoshadi, o`zida ham huquqiy normaga nisbatan ehtiyoj sezadi.

Tarbiyaga har tomonlama yondoshish. Tarbiyaga har tomonlama yondoshish deb tarbiya maqsadining shaxs ongida shakllanishiga ko`maklashuvchi omillarni aniqlash, tarbiya shakl va metodlariga ularga tayanish aytiladi Bu vazifalarning zarar darajada amalga oshirilishi tarbiyachi bilan tarbiyalanuvchilarning o`zaro hamkorligiga bog`liqdir. Ikkala tomonning fikr almashishi, huquqiy tushunchalarga aniqlik kiritilishi, yakdillik asosida hayotiy holatining belgilab olinishi tinglovchilar huquqiy ongiga tegishli o`zgarish kiritadi va uni boyitadi.

## XULOSA

Binobarin, huquqiy tarbiyaga aloqador omillar ikki guruhga bo`linadi: tarbiyachining axborotli hujjatlariga kiritiladigan omillar va tinglovchilar xususiyatiga bog`liq omillar. Tarbiya jarayonida ikala guruh omillar baravar etiborga olinishi kerak.

Tarbiyachining axborotli hujjatlariga kiritilgan omillari suhbat mavzusida qanday qonun, qonuniy ishlarni tushuntirmoq, asosiy maqsad nimaga qaratilganligini bilib olmoq. Masalan, voyaga yetmaganlarning huquqbuzarligining oldiniolish bo`yicha tarbiya: jinoiy, moddiy, intizomiy, huquqbuzarlikda voyaga yetmaganlar qanday harakatlari uchun javobgar bulishlariga taalluqli hujjatlarni to`plashdan iborat.

Tinglovchilar xususiyatiga bog`liq omillarda tarbiyachi tinglovchilarning qabul qilish darajasi, yoshiga, maxoratiga va boshqa xususiyatlariga etibor bergan holda tarbiya usulini tanlash zarurat hisoblanadi.

Har tamonlama yetuk shaxsni tarbiyalab yetishtirish maqsadi umumtarbiyaning maqsadi barcha yo`nalishlarini bir-biriga uyg`unlashtirilgan holda olib borishni taqozo qiladi. Bu bir kishining emas, balki butun jamoaning burchidir. Huquqiy tarbiya ham bir kishining emas, chunki shaxsni har tomonlama shakllantirish uchun bir tarbiyachi barcha omillarni bilishga qodir emas. Bir pedagog huquqiy tarbiyaning bir yoki bir necha yo`nalishigina shaxs ongida shakllantira olishi mumkin.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining Konstitusiyasi. -T. O`zbekiston. 2023. (O'zbekiston Respublikasi Referendumida 2023-yil 30 aprel kuni o'tkazilgan umumxalq ovoz berishi orqali yangi tahrirdagi qabul qilingan Konstitusiyasi)
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: O'zbekiston, 2017.
3. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. - Тошкент: O'zbekiston, 2019.
4. Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. - Тошкент: O'zbekiston, 2020.
5. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. - Тошкент: O'zbekiston, 2022.
6. Зиёмухамедова Б. Педагогик маҳорат асослари.Т. "ТИБ-КИТОБ" 2009й.
7. Ya.G'afforov. Tarix o'qitish metodikasi. Toshkent, 2022.

# TILSHUNOSLIKDA ZARURIYAT VA AN'ANA

**O'lmas Saidov**
filologiya fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD), Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Chirchiq, O'zbekiston

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'zbek tilshunosligining rivojlanishiga turtki bo'lgan omillar, tilshunoslik taraqqiyoti tarixida oqimlar, tilshunoslik fanining tarkibiy qismlari, til bajaradigan asosiy funksiyalar, tildan amaliy foydalanish, leksikografik zaruriyat va uning an'anaviylashuvi, tilning falsafiy masalalari haqida fikr yuritilgan.

**Tayanch so'zlar:** Ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy, falsafiy qonuniyat; ilmiy tafakkur darajasi; fanlarning rivojlanish tendensiyalari; tadqiqotchining dunyoqarashi; o'rganish obyekti; tadqiq metodologiyasi; zamonaviy metodologiya; metod.

**Аннотация:**
В данной статье рассматриваются факторы, способствовавшие развитию узбекского языкознания, течения в истории развития языкознания, компоненты лингвистической науки, основные функции, выполняемые языком, практическое использование языка, лексикографическая необходимость и ее традиционализация, философские вопросы языка.

**Ключевые слова:** Социальное, экономическое, правовое, философское право; уровень научного мышления; тенденции развития наук; мировоззрение исследователя; объект исследования; методология исследования; современная методология; метод.

**Abstract:** This article examines the factors that contributed to the development of Uzbek linguistics, trends in the history of linguistics, the components of linguistic science, the main functions performed by language, the practical use of language, lexicographic necessity and its traditionalization, philosophical issues of language.

**Keywords:** Social, economic, legal, philosophical law; level of scientific thinking; trends in the development of sciences; researcher's worldview; object of research; research methodology; modern methodology; method.

**Muqaddima.** Insoniyat taraqqiyotining har bir davri ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy, falsafiy qonuniyat va holatlardan kelib chiqqan holda ilmiy tafakkur darajasi, xususiyatlarini belgilaydi. Bu bevosita tafakkur mahsuli bo'lgan fanlar,

ularning rivojlanish tendensiyalarida o'z ifodasini topadi. Fanlar tarixidan ma'lumki, an'anaviy ilmiy tafakkur provinsial cheklanganligi, dogmatikligi, konservativligi, umrini o'tab bo'lgan qadriyatlarga muteligi bilan xarakterlanib, uning bu sifatlari o'rganish obyektining to'la ma'nodagi dolzarb muammolarini tushunib yetishiga to'siq bo'ladi. An'anaviy tafakkur egasi obyektni taraqqiyotning mintaqaviy va global masalalari bilan yaxlitlikda idrok eta olmaydi, jamiyat va o'rganish obyektining taraqqiyot tendensiyalarini anglab yetmaydi, fanning dolzarb vazifalarini ijtimoiy taraqqiyot talablaridan kelib chiqib belgilashga ojizlik qiladi. Natijada fanning o'zi o'z taraqqiyotiga g'ov bo'lib qoladi. Umuman olganda, an'anaviy tafakkur jamiyat taraqqiyoti darajasidan orqada qolib, unga to'sqinlik qila boshlaydi.

**Leksikografik zaruriyat va uning an'anaviylashuvi.** Ma'lumki, o'zbek tili dastlab boshqa turkiy tillar bilan umumiy ildizga ega bo'lgan. So'ngra qarluq qavmlari lahjalari turli davrlarda o'g'uz, uyg'ur, qipchoq kabi turkiy, shuningdek, eroniy, arabiy, mo'g'ul kabi noturkiy qavm vakillari lahjalari xususiyatlarini o'ziga singdirib, IX-X asrdan e'tiboran boshqa turkiy tillardan fonetik, leksik-grammatik jihatdan farqlanuvchi bir til ajralib chiqa boshlaydi. Manbalarda eski turkiy til atamasi bilan nomlanuvchi bu til turkiy, sharqiy turkiy, chig'atoy tili kabi nomlar bilan ham yuritilgan[103]. Ammo uning umumturkiy tildan ajralib, alohida yaxlitlik maqomiga ko'tarilganligini, boshqa turkiy tillardan farqli xususiyatlarini asoslash, kelgusida milliy til sifatida e'tirof etiladigan bu tilning o'ziga xos xususiyatlarini, fonetik, leksik-grammatik qurilishini tavsiflash ijtimoiy, qolaversa, ulkan ma'naviy-mafkuraviy ahamiyatga ega edi va u tarixiy zarurat, o'ziga xos ijtimoiy buyurtma sifatida namoyon bo'ldi. Bu buyurtmani qabul qilish va zaruratni ado etish turkiylardan yetishib chiqqan, XI asrda yashab o'tgan qomusiy bilim sohibi, to'ng'ich turkiy tilshunos, adabiyotshunos, geograf, kartogaf, etnograf, tarixchi, sayyoh Mahmud Ibn Husayn ibn Muhammad Koshg'ariy zimmasiga tushdi. Olim qoraxoniylar davlati xalqini turk (turklar) atamasi bilan qayd qildi, ularni va ularning tilini, avvalo, shu mintaqada yashayotgan o'g'uz, turkman va uyg'ur qavmlari hamda ularning tilidan farqladi. Davr talabi va tarixiy zaruratni anglab, qo'yilgan ijtimoiy buyurtmani mukammal darajada ado etdi. Adabiy manbalarni tahlil qilish – so'z ma'nolariga, ularning qo'llanishiga e'tibor berish, izohlash, lisoniy, ma'rifiy qiymatini ochish, asarlarning tarjimasi kabi masalalar bilan shug'ullanish keyingi davr leksikografiyasining maqsad va vazifasi bo'ldi. Bunda Eron shohi Nodirshohning kotibi astrobodlik Nizomiddin Muhammad Hodi al-Husayni as-Safaviy (Mirzo Mehdixon)ning "Sangloh" (1760) lug'atini alohida ta'kidlash

[103] Муталлибов С.М. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони /Девону луғотит турк/. –Тошкент: ЎзССР ФА, 1960. – Б. 499.

lozim[104]. An'anadagidek, bu lug'atdan "Maboni ul – lug'at, ya'ni sarfi va nahvi lug'ati chig'atoy" nomi bilan eski o'zbek tilining grammatikasiga oid ayrim tavsiflar ham o'rin olganligi e'tiborga molik. Jamoliddin Muhammad Abdulloh Turkiyning taxminan XIV asrlarda yozilgan "Kitobu-l-lug'at al-mushtoq fi lug'ati-t-turk va-l-qafchoq" ("Turk va qipchoq tillariga mushtoqlarni qiziqtiruvchi kitob"), o'rta asr tilshunos-turkiyshunoslaridan bo'lgan Asiruddin Abu Hayyon al-Andalusiy (1256-1345) ning "Kitobu-l-idrok li-l-lisonil atrok", undan foydalanilib XIV-XV asrlarda yozilgan va muallifi noma'lum "Attuhfatu-z-zakiyatu fi-l-lug'ati-t-turkiya" asarlari ham ana shunday an'ana mahsulidir.

**Adabiy til talqini zaruriyati va uning an'ana tusiga kirishi.** O'zbek tilshunosligi tom ma'nodagi fan sifatida XX asrning 20-30-yillarida shakllana boshladi. O'z oldiga davr talablaridan kelib chiqib, muayyan maqsadlarni qo'ygan o'zbek tilshunosligi 50-60 yil mobaynida o'zbek adabiy tili me'yorlarini ishlab chiqish va ommalashtirishdan iborat ulkan zarurat asosida ish ko'rdi.

Tilshunoslik bo'yicha aksariyat tadqiqotlarning umrini o'tab bo'lgan talab va me'zonlar asosida bajarilishi, tadqiqot xulosalarining bugungi zaruriy samaradan xoliligi, "til o'zida", "til til uchun" tamoyillarining ustuvorligi, yangi (an'anaviy talqinlarga zid) qarashlar va nuqtayi nazarlarning ayovsiz tanqid qilinishi va ko'r-ko'rona inkor etilishi, "an'anaviy tilshunoslik"ni mumtoz tilshunoslik sifatida qarash va ulug'lash, uning yutuqlarini mutlaqlashtirish, hatto ayrimlar tomonidan uni ta'limning barcha bosqichlarida tiklash va ommalashtirishga intilish, an'anaviy ilmiy bilimlarni tadqiqotchilarning professional saviyasini sinash mezoniga aylantirish holatlari, mazkur ta'limot darg'alari qarashlariga hurmat-e'tiborning sakral tus olishi, shu bilan birga, fanda obro'li va mansabdor shaxslar fikrining mutlaqlashtirilishi kabilarning saqlanib qolishi umumiy ilmiy lingvistik tafakkurning an'anaviylik xususiyati darajasini ko'rsatadi.

**Lisoniy strukturani aniqlash – ijtimoiy zarurat.** XX asrning 70-yillariga kelib o'zbek tilshunosligining empirik (amaliy, faktografik) bosqichi tugallangan, o'z zimmasiga yuklatilgan ijtimoiy zarurat – adabiy til meyorlarini ishlab chiqish va omma ongiga singdirishdan iborat ulkan vazifa ado etilgan edi.

Ko'tarilgan masalalarni mohiyatan ikkiga bo'lish mumkin:

1) o'zbek tilshunosligi oldiga 30-40-yillarda qo'yilgan va 40-50-yillarda amalga oshirgan vazifasi – o'zbek tili turli sath birliklarining zamonaviy tahlil usullarida berilgan mukammal tavsifi, belgilangan adabiy til me'yorlari, ta'limning turli bosqichi uchun yaratilgan o'quv qo'llanmalari, darslik hamda lug'atlar asosida

104 Hasanov, Botirbek. *Sangloh asari*. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1989.

to'laqonli nazariy tushunchalar hosil qilish, xususiyliklarda umumiylikni, hodisalarda mohiyatni, oqibatlarda sababni, voqeliklarda imkoniyatni ochish darajasiga ko'tarilish;

2) uzoq yillar davomida o'zbek tili ittifoqdagi turkiy, qolaversa, boshqa tillar kabi rus va Yevropa tillari qoliplari asosida o'rganib kelinganligi sababli uni o'z ichki substansial tabiatidan kelib chiqqan holda alohida milliy yaxlitlik sifatida tadqiq qilish.

Bu vazifalar tildan amaliy foydalanish, uning ijtimoiy funksiyasi samaradorligini oshirish, milliy-madaniy kodlarini aniqlash, tilni algoritmlash, modellashtirish, axborot texnologiyalari bilan uyg'unlashtirishni ta'minlaydigan umumiy lisoniy imkoniyatlarini ochishdek tarixiy zarurat, ijtimoiy buyurtma talablari natijasi edi. Ularni ado etish "imkoniyatlar tilshunosligi" degan nomga sazovor bo'lgan, o'zbek an'anaviy tilshunosligining vorisi – o'zbek substansial tilshunosligi zimmasiga yuklatildi. Bu tilshunoslik o'zbek tilining lisoniy va nutqiy strukturalarini farqlash, lisoniy struktura va lisoniy birliklarni, ularning imkoniyatlarini aniqlash borasida izchil tadqiqotlar olib borib, tilning fonetik, leksik, morfologik, sintaktik lisoniy strukturalarini va birliklarini dialektik tadqiq metodologiyasi asosida tekshirdi.

Tilshunoslikning boshqa yo'nalishlariga bepisand munosabatda bo'lish, fanning yangi paradigmalarini "sof tilshunoslik" emaslikda ayblash, haqiqiy til ilmi sifatida lisoniy struktura tadqiqinigina tan olish kabilar shular jumlasidandir. Ammo ushbu yo'nalishda tafakkur an'anaviyligidan xalos bo'lishni ta'minlaydigan holatlar quyidagilar bilan belgilanadi:

Birinchidan, o'zbek substansial tilshunosligi istiqlol tilshunosligi bo'lib, u mustaqillik davrida shakllandi va rivojlandi. O'z maqsad va vazifalarini, tadqiq metodologiyasi va metodikasini mustaqil tanlash, o'rganish obyektiga avtoritar ko'rsatmalarsiz erkin yondashish imkoniyatiga ega bo'ldi.

Ikkinchidan, o'zbek substansial tilshunosligi an'anaviy va konservativ tafakkurni shakllantirishga xizmat qiluvchi metodologiya bo'lgan kommunistik dogmalardan xoli rivojlanganligi bilan xarakterlanadi.

Uchinchidan, bu yo'nalish namoyandalari o'rganish obyekti bilan bog'liq navbatdagi tarixiy zaruratni anglash va unga doir vazifalarni belgilash bilangina o'zbek substansial tilshunosligini rivojlantirish mumkinligini, aks holda u ham konservativlashib, mutlaqlashib, an'anaviylik chohiga tushib qolishini teran his etish imkoniyatiga egadirlar.

**Tildan amaliy foydalanish samaradorligi – davr talabi.** Davr o'zbek tilshunosligidan aniqlangan lisoniy umumiyliklarning nutqiy voqelanishini tekshirishga, undan amaliy foydalanish samaradorligini oshirish, qo'llanish doirasini

kengaytirish muammolari bilan shug'ullanishga jiddiy kirishishni talab qilmoqda. Bu esa lisoniy imkoniyatlarning amaliy voqelanishi, undan samarali foydalanish masalalari bilan shug'ullanuvchi o'zbek amaliy tilshunosligining sotsiolingvistika, etnolingvistika, psixolingvistika, pragmalingvistika, lingvokognitologiya, lingvokulturologiya, neyrolingvistika, kompyuter lingvistikasi, korpus lingvistikasi kabi zamonaviy fan yo'nalishlarini yo'lga qo'yish asosida amalga oshiriladi. Shuningdek, XXI asr axborot texnologiyalari va globallashuv asri ekan, o'zbek tilining global til korpuslariga qo'shiluvini ta'minlash ham tarixiy zarurat sifatida namoyon bo'lmoqda.

## REFERENCES

1. Hasanov, Botirbek. *Sangloh asari*. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1989.
2. SayfulIayeva R.R., Mengliyev B.R., Boqiyeva G.H., Qurbonova M.M., Yunusova Z.Q., Abuzalova M.Q. Hozirgi o'zbek adabiy tili. O'quv qo'llanma. – T., "Fan va texnologiya", 2009.
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B., Boqiyeva G., Qurbonova M., Yunusova Z., Abuzalova M. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Darslik. – T.: Fan va texnologiya, 2010.
4. Болдирев Н.Н. Лингвистика и семантика. – Москва: Наука, 1975.
5. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Academia, 2001.
6. Муталлибов С.М. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони /Девону луғотит турк/. –Тошкент: ЎзССР ФА, 1960.
7. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.

# TOPIKSTARTER MARGINAL FALSAFANING TASHBBUSCHISI SIFATIDA

**Kushakov Shuxrat Salievich**
Falsafa fanlari doktiri, professor
SamISI ijtimoiy fanlar kafedrasi professori
shuxratqushakov@gmail.com

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada marginal falsafani ijtimoiy tarmoqlarda taqdim etilishining yangi tendensiyalari, xususan ijtimoiy tarmoqlar kommunikatstiyasida marginallashtirilgan falsafa uzatilishining zamonaviy shakllari ko'rib chiqilgan. Falsafiy xislatga ega bo'lgan muioqot va muhokamani ijtimoiy tarmoqlarda dastlab taqdim etuvchi sub'ekt "topikstarter", deb atalib, maqolada topikstarter faoliyati tahlil etilgan. Shu jumladan, ijtimoiy tarmoqda taqdim etilgan marginal falsafa namunalarining ijobiy aspektlari yoritilgan.

**Kalit so'zlar.** Internet, kommunikatstiya, ijtimoiy tarmoq, marginal falsafa, uzatish, taqdim

**Abstract.** The article examines the new trend of presenting marginal philosophy in social networks, the forms of its presentation in modern network communication. The phenomenon of presentation of marginal philosophy by a figure who is called a topic starter in a social network is analyzed. Positive aspects of presentation of marginal philosophy in a social network are highlighted.

**Keywords.** Network, communication, social network, marginal philosophy, presentation

**Аннотация.** В статье рассматривается новый тренд презентации маргинальной философии в социальной сети, формы ее подачи в современной сетевой коммуникации. Анализируется феномен подачи маргинальной философии субъектом, который в социальной сети называется топикстартером. Освещается позитивные аспекты презентации маргинальной философии в социальной сети.

**Ключевые слова.** Интернет, коммуникация, социальная сеть, маргинальная философия, презентация

Во второй половине XX столетия порождением компьютерной революции стал интернет, который, в свою очередь, является технологическим основанием появления социальной сети. Теперь же мы в XXI веке переживаем новую компьютерно-коммуникационную революцию. Благодаря социальной

сети произошло другое, не менее значимое изменение в сфере социальной коммуникации. Смысл изменения состоит в том, что исчезли пространственно-временные ограничения в коммуникации, то ест, локальные of-line-общения трансформируются в глобальный сетевой on-line коммуникацию между людьми, культурами и социумами. Теперь каждый человек имеет возможность в режиме on-line виртуально контактировать со всеми (с группами, сообществами), а все с одним (т.е. создаваемые всеми пользователями ресурсы интернета в возможности может быть достоянием каждого пользователя интернета).

Благодаря социальной сети пользователи имеют возможность создавать он-лайн платформы, профили, посты, приложения, делится информацией, обмениваться различными файлами, идеями, содержательными контентами и т.д. Все эти социальные и когнитивные коммуникации осуществляются в интернет-площадках, где происходят дискуссии, обсуждения обзоров по различной тематике, обмен креативными проектами и идеями, поиск решений актуальных проблем современности. Философия, которая в недавнем прошлом было дискурсивным полем когнитивного поиска профессионалов-философов, философствующих ученых (хорошо известны философемы А. Эйнштейна, Н. Бора, М. Планка и др), любителей философской мудрости, ныне ворвалась в гипрерреальность и стала постоянной жительницей интернет-форумов, вебинаров, стримов и других платформ.

В самом интернете ресурс философских дискурсов и нарративов обретает глобальный масштаб. Люди, в том числе, интеллектуалы перестали покупать книги, ибо, как принято говорить, в интернете всё есть. Появились новые фигуранты интернетовской интерактивности, обсуждающие философские и околофилософские (маргинально-философские) проблемы-стримеры, хайлайтеры, топикстартеры, инфлюенсеры, амбассадоры др. К слову, заметим, что культового американского режиссёра Дэвида Финчера представляют не иначе, как амбассадора философии в американских триллерах [8].

По своей структуре ресурсы и площадки презентации философских дискурсов и нарративов делятся, условно говоря, на академическое, образовательное и маргинальное. Последнее, а именно, феномен маргинальности представляет собой примечательное явление нынешнего века. Дело в том, что мы являемся свидетелями как ренессанса, так и взрывной бифуркации феномена маргинальности во всех сферах социума, культуры, науки, в том числе, и философии. Отсюда большой интерес исследователей к изучению многообразных форм проявления маргинальности. [1] Согласно

определению Ю. Н. Солонина "Маргинальность – то, что не признано, что существует на периферии, на обочине магистральной линии движения, в данном случае, -философской мысли, но существует как необходимость". [7. 15-37]. В этом смысле говорят о маргинальной теории или идеи, которые существенно расходятся с общепринятыми концепциями в той или иной области когнитивной деятельности. Исследователь И. В. Зайцев концепту "маргинальность" придает статус категории социальной философии: "Маргинальность есть феномен вечный и тотальный, присущий человеческому миру во все времена его существования, а не исключительно в периоды социальных взрывов и катастроф". [2]

В последнее время исследователи стали все большее внимание уделять проблеме маргинальности в философии. Говоря о маргинализации философии Н.Г. Мещеряков различает исключительность и исключенность какого-либо философского учения. Исключительность фигуры философа выражается в позитивных терминах: "мудрец", "учитель", "мыслитель", ...Исключенность отражена в негативных определениях: "болтун", "бездельник", "сноб", "софист", "возмутитель нравов" ...и т.п. [3]

Существует целый ряд социальных, концептуально-контекстуальных и внутренне интенциональных детерминантов, обусловливающие маргинализацию философии.

-социальная: общественная востребованность в рефлексии новых явлений в социуме, культуре и науке; необходимость в концептуализации инновационных трендов в промышленности, технологии и проективной деятельности;

-экзистенциальная: философии присуща концептуально-когнитивная бытийность, в основе которой лежит бесконечная потенциальность внутренней свободы философской рефлексии. Такая свобода является экзистенциальным основанием реализации ее критико-прогностической функции;

-статусный контекст маргинализации философской рефлексии. На этот детерминант указывает Е. Г. Соколов: "философия как «область» (не дисциплина, не наука, не даже дискурс – все это суть исторические формы) и на сегодняшний день находится в «подвешенном состоянии», не в силах «до конца» самоопределиться" [4];

-внутренний интенциональный контекст маргинализации философии.

Кроме отмеченных выше факторов современной маргинализации философского дискурса, существует общее основание концептуально-семантического дрейфа идей и симулякров из одной области теории и практики в другой. Этим основанием является сетевая виртуализация духовной жизни. [5,

36]. В то же время, глобализация и виртуализация сетевой коммуникации во всемирной паутине многократно усилили маргинализацию философии.

Маргинализация философского дискурса в сетевой коммуникаци происходит в различной форме и презентациях. Здесь имеет место, скажем так, "философское" освоение новых форм презентации и обсуждения. Такое освоение реализуется на обочине магистральной линии функционирования академического философского дискурса. Так, с одной стороны, исследователь Е.А.Ранев презентирует результаты своей работы по философским проблемам реформы жилищно-коммунального хозяйства. [6] А, с другой стороны, топикстартер-философ на ютуб-канале рассуждает о Науке логики Гегеля. Верхом маргинальности является сообщение о жилом комплексе "Философия". Философичность бренда этого комплекса вызвана, как утверждают ее творцы, приданием дизайн-коду дома таких качеств как вдумчивость, осознанность, утонченность и аристократичность. Корпуса дома названы в честь величайших ученых и мыслителей – "Ломоносов", "Шопенгауер", "Конфуций" "Вольтер", "Аристотель", "Марк Аврелий", "Омар Хайям". [9]

Существует интенциональная направленность самой философской рефлексии, выражающаяся в формулировке: "объектом философского мышления может быть все что угодно". Такая тотальная открытость философской рефлексии позволяет проникнуть в поле ее дискурса всякого рода маргинальным идеям типа "философия ЖКХ", "философия бизнеса", "философия бренда", "философия дома" и т. д. В частности, адепты маргинальной философии ЖКХ считают, что любая организация, решившая работать в сфере оказания общественных услуг, обязана иметь определенную философию, иметь свое лицо. Философская "упаковка" предпринимательских брендов вызвана стремлением создать концептуальный имидж компании и ее продуктов в сознании потребителя, построить компактный и , вместе с тем, "полный" образ товара. Более того, отдельные международные компании имеют штат с официальной должностью Chief Philosophy Officer – "корпоративный философ". Представители корпоративной философии объявляют древнеримских философов Эпиктета и Марка Аврелия топ-менеджерами прошлого, поскольку они занимались проблемами власти и управления.

Интерактивным фигурантом, представляющий имидж маргинальной философии в социальной сети, стал топикстартер. Выражение "топикстартер" происходит от английского словосочетания topic starter который переводится как "начинающий тему". Топикстартер -человек, который инициировал (создал, начал, открыл) тему на форуме или на любой другой платформе.

Философствующие топикстартеры довольно быстро создали площадку для обсуждения философских и околофилософских проблем общества, экономики, науки и культуры. Брендом топикстартеровых форумов стал быстрий отклик на злободневные проблемы, которые не рассматриваются в философских академических дискурсах и нарративах. Так, топикстартер А. С. Донской под девизом "мы сами создаём свою реальность" предложил для обсуждения вопросы: "почему позитивное мышление для большинства не работает?"; "с чего начинается движение к цели"; "почему будущее материализуется с задержкой и для чего она нужна?" и т. д. [10]

В заключении отметим, что мейнстрим маргинальной философии обретает, благодаря топикстартерам постоянное местожительство в социальной сети. Современная маргинальная философия является, и это демонстрируется деятельностью философствующих топикстартеров, нетрадиционной формой духовного освоения новых креативных областей общественной жизни, науки и технологии. Основным преимуществом топикстартера является быстрота сетевой коммуникации, немедленный отклик на факты и события, не попадающие в поле зрения академической философии, философская подача злободневных тем, которые волнуют каждого человека. В этом, по всей видимости, заключена позитивная сторона сетевой маргинальной философии.

**Литература**

1. Бобер Ж. Подходы к исследованию маргинальности // https://cyberleninka.ru › article › podhody-k-issledovan...
2. Зайцев И.В. Маргинальность как социально-философская проблема. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата философских наук. Омск, 2002. -22 с
3. Мещеряков Н.Г. Обратная сторона Луны: к вопросу о маргинальности философии //Международный журнал исследования культуры. 2020, №1(38). -С.6-21
4. Соколов Е.Г. Маргинализация философского дискурса // Серия «Мыслители», История философии, культура и мировоззрение. , Выпуск 3 / К 60-летию профессора А.С. Колесникова Санкт-Петербург : Санкт-Петербургское философское общество, 2000. С.149
5. Кушаков Ш.С. Жамиятни виртуаллаштириш концепцияси хусусида //Ижтимоий фанлар: назария ва амалиёт. Олий ўқувюртлараро илмий мақолалар тўплами. Тошкент: "Наврўз" нашриёти. 2018 й. -32-36 б.
6. Ранев Е.А. О философии реформы жилищно-коммунального хозяйства // https://cyberleninka.ru › article › o-filosofii-reformy-zh...

7. Солонин Ю.Н. Феноменология любительства и маргиналы в философии //Философия обществу. Изд-во СПбГУ, 2007. -С.15-37.
8. См. Дэвид Финчер амбассадор философии … // https://regnum.ru› Культура).
9. ФСК Регион объявила старт продаж в ЖК "Философия" // https://fsk.ru › about › news › fsk-region-ob-yavila-star...
10. См. Донской А.С. Энергия мысли // https://donskoj.info › webreg.

# GANDINING ISLOMDAGI AXLOQIY TAMOYILLAR HAQIDAGI FIKRLARI

**Pulatov Sherdor Nematjonovich**
Alfraganus university
Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri
Falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori PhD., dotsenti

## ANNOTATSIYA

Islom yakkaxudolik va qat'iy axloqiy tartib-intizom dinidir. Gandini hinduizm, nasroniylik, zardushtiylik qanday ilhomlantirilgan dinlar bo'lsa, Islom ham uni shunday ilhomlantirilgan din, Qur'oni Karim ham uni shunday ilhomlantirilgan kitob, Muhammad uni shunday ilhomlantirilgan payg'ambar edi. Gandi esa bu dinni juda yuksak qadrlagan va uni tinchlik, muhabbat, mehr-oqibat va barcha insonlar birodarligi dini deb bilgandek, uning dunyoqarshiga ham islom katta tasir qilgan. Gandi islomni xuddi nasroniylik, buddizm va hinduizm kabi tinchlik dini deb hisoblagan. Shubhasiz, har bir dinning yo'li o'rtasida farq bor, lekin bu dinlarning maqsadi tinchlikdir. Islomning Hindiston milliy madaniyatiga qo'shgan o'ziga xos hissasi uning Xudoning yagonaligiga so'zsiz e'tiqodi va insonlar birodarligi haqiqatini uning doirasida bo'lganlar uchun amalda qo'llashidir. Hindistonda ko'plab dinlar bilan birlaglikda, islom din ham rivojlanib bormoqda. Shuningdek, mamlakatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va madaniy-tarixiy bo'lagi bo'lib kelgan. Mahatma Gandi islom diniga alohida etibor berib, dunyoqrashi shakllanishida islomiy ahkomlarni ham o'rgangan. Mustaqillik uchun harakatlarida qo'llagan.

**Kalit so'zlar*:*** Hindiston, Mahatma Gandi, islom, payg'ambar, axloq, tinchlik, kuch ishlatmaslik.

## KIRISH

Gandi Islom tomonidan belgilab qo'ygan shaxsiy va ijtimoiy xulq-atvor qoidalaridan ham hayratda qoldi. Qur'onda ota-onaga itoat qilish, yolg'on gapirishdan tiyilish, o'g'irlik qilmaslik, qotillik qilmaslik kabi hislatlar va fazilatlarga oid qonun-qoidalar mavjud. Namoz o'qish, ro'za tutish, zakot berish, mehmondo'stlik va ziyorat qilish (hoji)ni farz qilgan Islomning besh ustuni har bir musulmonning bajarishi lozim bo'lgan burchdir. Qur'on ham Ahimsa va tinchlikda yashash zarurligi haqida gapiradi. Islomning barcha jihatlari Gandiga katta ta'sir ko'rsatdi.

Gandi Qur'on ta'limoti zo'ravonlik qilmaslik tarafdori degan xulosaga keldi. Qur'onda zo'ravonlikdan ko'ra zo'ravonlik qilmaslik yaxshiroqdir, deyiladi. Zo'ravonlik qilmaslik burch sifatida buyurilgan, zo'ravonlikka zarurat sifatida ruxsat

berilgan. Uning fikricha, islom izdoshlari qilichdan juda erkindirlar. Ammo uning fikricha, bu Qur'on ta'limotiga bog'liq emas. Bu islom paydo bo'lgan muhit bilan bog'liq. Gandi boshqa dinlarni o'rgangach, barcha dinlar o'rtasidagi asosiy birlikni kashf qilish uchun asosiy kalit kerak degan xulosaga keldi, deb hisoblaydi. Bu asosiy kalit haqiqat va zo'ravonlik qilmaslikdir. Bu asosiy birlikni anglab yetmagunimizcha, din nomidagi urushlar to'xtamaydi. Bular faqat hindular va musulmonlar bilan chegaralanib qolmaydi. Dinni faqat uning tarafdorlarining pokligi va yaxshi amallari bilan himoya qilish mumkin, hech qachon boshqa din vakillari bilan janjallashishlari kerak emas.

Qur'onda shunday deyilgan: "Kimki bir jonni nohaqdan yoki yer yuzida fasod qilmasa ham o'ldirsa, huddi hamma odamlarni o'ldirgan bo'ladi. Kim uni tiriltirsa (hayotini saqlab qolsa), huddi butun insoniyatni tiriltirgandek (qutqargandek) bo'ladi". (Qur'on, Moida, 32-oyat). Bizga shunday deyiladi: "(Ey, imon keltirganlar) Agar nahl (intiqom olmoqchi bo'lsangizlar, u holda sizlarga yetkazilgan ziyon barobarida intiqom olingiz! Agar (intiqom olmay) sabr qilsangizlar, albatta, bu sabr qiluvchi kishilar uchun yaxshiroqdir". (Qur'on, Nahl, 126-oyat) )

**MUHOKAMA VA NATIJALAR**

Hindistonda tarixiy-madaniy, ijtimoiy-siyosiy, savdo-iqtisodiy qadimdan rivojlanib kelgan, hind mahsulotlariga butun dunyoda talab katta bo'lgan bo'lib, arab qabilalari orasida ham hind ziravorlari, matolari, tilla buyumlari va boshqa maxsulotlariga arablarning ehtiyoji bore di. "Arablarning Hindistonga yurishi tarixi ilmiy izlanishlarda davriy va jug'rofiy jihatdan turli sana va hududlar asosida qayd qilingan. Va bu o'lkada islomning o'zlashuvi, agar bir tomondan, arab savdogarlarining muttasil safarlari davrida yerlik aholi orasida qozongan obro'-e'tiboridan ko'rilsa, ikkinchi tomondan, savdogarlar safida bu yerga kelgan so'fiylarning bag'rikenglik ruhiyati sharofatidan deb baholangan.

Hind yarim orolining janubiy va janubi-g'arbiy qismi islom dinidan muqaddam arab savdogarlari uchun tijorat markazlaridan biri bo'lgan.

Binobarin, islom Hindistonga "Uch darvoza" orqali kirib kelgan: yerdan, suvdan va Safedkoh tog' tizmasi – Xaybar yo'lidan. Holbuki, bu ma'lumotlarga qo'shimcha tarzda yana boshqa xabarlar ham mavjud bo'lib, ular haqida quyida zikr qilinadi. Arablarning mahalliy aholi va hokimlar bilan juda yaxshi munosabatda bo'lib, o'z savdo-tijorat faoliyatlari bilan yarimorolning janubiy viloyatlari rivojiga tegishli hissa qo'shganliklari hind muarrixlari asarlarida alohida ta'kidlangan. Kerala va boshqa viloyatlarga o'z mahsulotlarini keltirgan arablar qaytishda Hindiston, Malayziya va Indoneziya mollarini olib Yevropa mamlakatlariga yetkazganlar. Arablarning xulq-atvori va o'zga e'tiqod vakillari huzurida yerlik urf-odatlar, diniy an'analar va boshqa ma'naviy-ijtimoiy hayot xususlariga bo'lgan e'tiborlaridan

ta'sirlangan hindlar ularni hatto o'z tillarida erkalab «Mapilla - yaxshi yigitlar» deb ataganlar".[105].

Islom tinchlik va birodarlik dinidir. Shu bilan birga "Islom" so'zining manosida ham bo'ysunish va itoat etish so'zlari bilan birga tinchlik va najot so'zlari ham doimo yondosh yuradi. Payg'ambarimiz Muhammadning o'zi muloyim, insonparvar va kamtarin inson bo'laganlar. Sahobalar va ummatiga har doim yoqimli so'zlar bilan gapirib: hech kimga tanbeh bermaganlar. Qur'oni Karimda yavzulikka, adaolatsizlikka qarshi urushni ma'qullanadi. Payg'ambarimizning o'zlari mudofaa urushlarida mag'lub bo'lgan dushmanlariga siylai rahim qilganlar. Shunga qaramay, Payg'ambarimiz zo'ravonlikdan ko'ra zo'ravonliksizlikni afzal ko'rganlar.

Shu nuqtai nazradan Islom umumiy manoda doimo kuch ishlatmaslikni, zo'ravonlikni oldini olishni, boshqa insonlarga nisbatan nafratda bo'lmaslikni targ'ib qilgan. Shuning uchun ham Mahatma Gandi islomni tom ma'noda tinchlik dini deb atagan.

Gandining fikriga ko'ra, Islomning asosiy mohiyati insonning o'zaro birodarligidir. Payg'ambar o'z sahobalariga asosan mehr-oqibat to'g'risida gapiradilar, tinchlik va muhabbatni, zo'ravonsizlikni, zo'ravonlik va yovuzlikni engish vositasi deb aytganlarini o'z yozishmalalarida qayid etadi.

Shuningdek, Assalomu alaykum, degan musulmonlar salomi "tinchlik va farovonlikda yashash" degan ma'noni anglatadi. Islom diniy bag'rikenglik va umumbashariy birodarlikni ham targ'ib qiladi. Gandi, siyosiy faoliyati davomida hindu-musulmonlar birligini ta'minlashga intilgan va jamoat totuvligini saqlash uchun barcha dinlarga nisbatan bag'rikenglikni ilgari surgan.

Mahatma Gandining dinlarga nisbatan qarashlarini shakllantirishda islom muhim rol o'ynaydi. Buning bir qancha sabablari bor. Birinchidan, Mohandas Karamchand Gandilar oilasi Hozirgi Gujarotda yashaganlar,. Po'rbandar shahriga musulmon savdogalari ko'p kelgan, va bu yerda musulmon jamosi katta ahamiyatga ega bo'lgan. Ikkinchidan, Gandining otasi Po'rbandar shahri bosh vaziri bo'lib, musulmon zodagonlari bilan ham yaxshi aloqada bo'lgan. Shuningdek, Islom va musulmonlar Gandiydagi taassurotlari bolaligidan boshlangan. Dinshunos olima Sheila Makdonough shunday yozadi, "Hindistonning geografik joylashishi dengiz va okeanlar bilan o'ralgani savdo-sotiqning rivojida katta ahamiyatga ega edi. Musulmonlar Gujarotda asrlar davomida savdogar sifatida faoliyat olib borganlar. Gandi bolalaigidan dengizdan ularni kelib ketganini ko'rgan, turli tuman sarguzashtlarni eshitgan. Musulmonlarni Gandi uyida mehmon sifatida juda ko'p

[105] Низомиддинов Н.Ғ. Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. Тошкент. Fan va texnologiya. 2014. 195-196. Б

qabul qilgan, ulardagi diplomatik xushmomlalik siyosiy analari ham bolada katta taassurot qoldirgan. Muslumonlar uzoq vaqtdan beri jamiyatning bir qismi bo'li kelgan".

Gandilar oilasi yana, jaynlar va parsilar bilan do'stlik aloqalari azaldan shakllangan edi. Bir marta Gandining otasi tomonidan bobosi mahalliy hukmdor bilan to'qnash kelganida, musulmon askarlari hujum paytida uning uyini qo'riqlagan va ulardan biri halok bo'lgan. O'sha musulmon askarining yodgorligi hali ham oila uyiga tutash Vaishnava ibodatxonasida qabri borligini eslaydi.

Shuning uchun oila mahalliy siyosiy va ijtimoiy hayotning bir qismi sifatida musulmonlar bilan muomala qilishda katta tajribaga ega edi. Hatto maktabda ham u boshqa dinlarga e'tiqod qiluvchi o'quvchilar bilan do'stlashishni o'rgandi va ularning e'tiqodlariga sog'lom hurmatni rivojlantirdi.

Gandining hindu-musulmon o'zaro hurmati va hamkorligiga bo'lgan asosiy qadriyatlari uning bolalik tajribasidan kelib chiqqanligini yaxshi bilardi. 1942 yilda Kongress Ishchi qo'mitasi yig'ilishida nutq so'zlab, u ushbu asosiy qadriyatlarning erkin, qayta tiklangan, mustaqil Hindistonni yaratish uchun asosi sifatida ahamiyatini yana bir bor ta'kidlaydi:

"Hindu-musulmon birligi biz uchun yangi narsa emas. Millionlab hindular va musulmonlar bunga azaldan intilib kelishgan. Men bolaligimdan ongli ravishda buni anglab yetganman. Hatto yoshligimda ham hindular Hindistonda shunday yashasinlarki, boshqa jamoalar bilan tinchlik va do'stlik, qo'shnichilik fazilatini astoydil rivojlantirisinlar malakat yagona g'oya asosida birlashsinlar deb oruz qilar edim".

Gandi Angliyada advokatlik malakasini olgach, o'z vataniga qaytib kelganida, Janubiy Afrikada joylashgan musulmon firmasiga advokat sifatida yollanadi. Ushbu muhim bosqich orqali Gandining musulmonlar bilan umumiy birodarlik hissi yana bir bor mustahkamlanadi.

Gandi namozga yig'ilishlarda Qur'ondan oyatlarni o'qigan. Janubiy Afrikada u "ba'zi musulmon do'stlarining ta'siri ostida Islomni o'rgangan. Uning do'sti Shet Abdulla islomiy adabiyotni yaxshi bilgan. U shunday yozgan edi: "U bilan aloqada bo'lishim menga islom haqida juda ko'p amaliy bilimlar berdi. Bir-birimizga yaqinlashganimizda, diniy mavzularda uzoq munozaralar bo'lib o'tar edi".

O'z so'zlari bilan aytganda: "Janubiy Afrikada bo'lganimda u yerdagi musulmon birodarlar bilan yaqin aloqada bo'ldim... Ularning odatlari, fikrlari va intilishlarini o'rganishga muvaffaq bo'ldim. 20 yil musulmon do'stlar orasida yashadim. Ular menga o'z oila a'zosidek munosabatda bo'lishdi va xotinlari va opa-singillari ham men bilan doim yaxshi muosabatda bo'ldilar".

Janubiy Afrikadagi siyosiy faoliyatida hindular ham, u yerda yashovchi musulmonlar ham unga ergashdilar. Janubiy Afrika tajribasi uning dinidan qat'i nazar, hindlar o'rtasida o'zaro tushunish va hamkorlik bo'lishi kerakligiga ishonchini kuchaytirdi.

"Janubiy Afrika tajribasi, - deb yozadi Sheila Makdonough, "Gandining diniy tafakkurini mustahkamladi va rivojlantirdi, go'yoki janubiy afrikadagi inglizlar hindlarga past nazar bilan qarashlariga ularga quldek munosabatda bo'lishlariga yo'q deyishga o'rgatdilar. Hindular va musulmonlar birlashishi shu jaryonda yanada kuchaydi.

Gandi Muhammad (s.a.v.) payg'ambar o'z hayotida ham zulimga qarashi mushriklarga qarshi yo'q deya olganini eshitgan edi. Payg'ambar ummatidan jasorat bilan nohaqlikka qarshi turishiga undaganini eshitganida ham Gandida o'z qalbida nohaklikka nafrat uyg'onganni eslaydi.

Allohga yakkaligiga guvohlik berish orqali har bir muslon ongli ravishda o'z nafsini tiyish va qaror chiqarishga haqli deb bilgan. Shunindek, Gandi Muhammad (s.a.v.)ning hayoti davomidagi asosiy kurashi, zulmga qarshi kurash, deb hisoblagan. U buni "Ramayana" dostonida tasvirlangan Ramning Ravanaga qarshi afsonaviy kurashi bilan tenglashtirish mumkin deb hisoblagan.

Gandining Buyuk Britaniyada o'tkazgan yillari ham uni islom dinini o'rganishida muhim rol o'ynadi. XX asrning boshlarida u Angliyada bo'lganida sharq dinlariga, ayniqsa Islomga bo'lagn munosabat bir mumcha o'zgargan edi.

1840-yil 8-mayda Tomas Karlayl Edinburgda Muhammad va Islom haqida ochiq ma'ruza qilgan edi. Bu "Qahramonlar va tarixdagi qahramonlik to'g'risida" turkumining ikkinchisi bo'lib, "Qahramon payg'ambar" deb nomlangan.

Karlayl bu mavzuda ma'ruza o'qish uchun arabshunos sifatida alohida malakaga ega emas edi, ammo ma'ruza Yevropada islomshunoslik fanining rivojlanishida muhim o'rin tutadi, chunki bu erda birinchi Muhammad faoliyati haiqda holis fiklar va islom dining mohiyati haqida ham obyektiv g'oyalar ilgari surilgan edi. Payg'ambar Muhammad haqidagi bu nutq nasroniy va yahudiylarning islomga nisbatan qolipga solingan munosabatiga qandaydir javob ham edi.

Karlayl Muhammadga tegishli bo'lgan fazilatlarni diqqat bilan sanab o'tdi. Payg'ambarimiz sollallohu alayhi vasallamni shunday deb baholadilar: "Haqiqatgo'ylik va sodiqlik, chinakam birodarlik, adolatlilik, buyuklik, sokin ruhiyat, jiddiylik,.sokin ichki ovozga egalik unda jamdur".

Karlayl o'zining tarixiy va jasoratli sa'y-harakatlarida buyuk nemis faylasufi-shoiri Gyotening islom ta'limotining diniy soddaligi, ya'ni insonlar Xudoga va yagona Allohga etiqod qilish kerakligi haqidagi ijobiy bahosi izidan bordi.

"Agar bu Islom bo'lsa, - dedi Gyote, - biz hammamiz islomda yashamayapmizmi? Ha, axloqiy hayotga ega bo'lgan hammamiz ham shunday yashaymiz".

Aynan Karlaylning shov-shuvli maqolasi orqali Gandi islomda inson o'zini o'zi inkor (nafsini va mayillarini) etishni angladi. Karlayl shunday dedi: "Islom insonni o'z yo'lida o'zini inkor etish, o'zini (nafsini) tanqid qilishdir. Bu esa osmon yerga ochib bergan eng oliy hikmatdir".

Gandi Karlayl maqolasini o'z g'ayalari shakllanishi davrida o'qiganligi, Karlaylning nuqtai nazari yosh hindularning Muhammad zulmat kuchlariga qarshi kurashda o'ziga xos diniy liderlik namunasi ekanligiga ishonchini mustahkamlaganligini anglash mumkin, yana hamma joyda halol, pok insonlar uchun namunasi bo'lishi kerakligini anglab yetdilar.

Gandining o'zi shunday ma'lumot beradi: "Bir do'stim Karlaylning Qahramon payg'ambar" ni o'qishni tavsiya qildi. Men Qahramon haqidagi bobni o'qib chiqdim, Payg'ambarning ulug'vorligi, jasorati va cheksiz muhabbatiga guvoh bo'ldim. Bu kitoblar Muhammadni mening tasavvurimda yanada yuksaklikka ko'tardi".

Keyinroq Gandi Shibli Numoniyning musulmon qahramonlari haqidagi tarjimai hollari, hadis kitoblari, Sayid Amir Alining islom tarixiga oid kitoblarini o'qib, uning Muhammad payg'ambarga hurmatini yanada kuchaytirdi.

Shuningdek, u Vashington Irvingning "Muhammad va uning merosxo'rlari hayoti" asarini o'rganib chiqadi va ushbu kitoblar uning fikriga ko'ra Muhammad haqida fikrlarini yanada oydinlashtirdi.

Bularning barchasi Gandining islomga bo'lgan qiziqishini oshirdi va u Qur'oni Karimda bayon etilgan aqidalarni yaxshiroq tushunish uchun chuqurroq o'rgandi. U umrining keyingi yillarida Mavlana Muhammad Ali Jauhar, keyinroq Mavlana Abul Kalom Azad, Hakim Ajmal Xon, Zokir Husayn, M. Mujib va S. Obid Husayn kabi taniqli islom olimlari bilan "din haqida munozara" olib borishni o'rgandi.

Gandi o'zga dinini tushunish, oxir-oqibat, insonlarni shaxs sifatida anglash, umid bilan qadrlash ekanligiga qat'iy ishongan. U musulmon do'stlariga o'zini shu ma'noda ochib berishga, ular o'z an'analarining ichki ma'nosini idrok etishlariga harakat qilgan. U dinlararo muloqotga sodiq edi; u imonning shaxsiy o'lchovini tushunishga harakat qilish kerak, deb hisoblagan. "Yuraklar-birligi" uning uchun do'stlar bir-birining an'analarining eng chuqur qadriyatlariga ochiq bo'lishlarini anglatardi.

## REFERENCES

1. Низомиддинов Н.Ғ. Қадимги Ҳиндистон тарихи, диний эътиқоди ва маданияти. Тошкент. Fan va texnologiya. 2014. 195-196. Б.

2. Syed Ashraf Ali Gandhi and Islam. https://www.islamicity.org/3910/gandhi-and-islam/
3. Ганди М.К. Менинг ҳаётим. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 24.
4. Arenia. T. **Gandhi on Fundamental Ethical Unity of Religions; A Critical Study. Diss. … PhD.** Philosophy science. Pune, 2009. – 129 p.
5. Po'Latov, S. N. M. (2020). Hindistonda pedagogic ta'limining rivojlanish bosqichlari. Scienceand Education, 1(Special Issue 1), 21-26.
6. Polatov, S. N. (2020). XIX ASR OXIRI XX ASR BOSHLARIDA HINDISTONDAGI IJTIMOIY-SIYOSIY VAZIYAT. Academic Research In Educational Sciences, (4), 468-474.
7. Po'Latov, S. N. M. (2021). MAHATMA GANDI FALSAFIY QARASHLARIDA "MUTLOQ G 'OYA" TUSHUNCHASI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1134-1143.
8. Po'Latov, S. N. M. (2020). Rabindranat tagorning Hindiston ilm-ma'rifatga qo'shgan hissasi. Scienceand Education, 1(Special Issue 1), 136-143.
9. Пулатов, Ш. Н. (2022). МАҲАТМА ГАНДИ ФАЛСАФИЙ КОНЦЕПЦИЯСИДА "САТЯГРАҲА" ТУШУНЧАСИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 23), 890-896.
10. Pulatov, S. N. M. (2022). AHIMSA TUSHUNCHASINING FALSAFIY MOHIYATI. Academic research in educational sciences, 3(TSTU Conference 1), 162-166.
11. Po'Latov, S. N. M. (2022). MAHATMA GANDINING INSON TABIATI HAQIDAGI QARASHLARI. Academic research in educational sciences, 3(3), 10-19.
12. Pulatov Sh.N. The Concept of "Truth" in the Philosophical Views of Mahatma Gandhi// Akshara Multidisciplinary Research Journal Peer-Reviewed & Refereed International Research Journal, India // E-ISSN: 2582-5429 Vol.02 Issue V, 2021. –P. 12-18.
13. Пулатов, Ш. (2019). Философская концепция Махатмы Ганди. Востоковедения, 3(3), 214–224. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15683
14. Pulatov Sh.N. Jaynizm diniy-falsafiy ta'limoti. 16-son Sharqshunsolar anjumani. Toshkent davlat sharqshunsolik universiteti, 2020, 307-312.
15. Po'latovSh.N. Mahatma Gandi diniy qarashlarining tahlili. НамДУ илмий ахборотномаси. 2021 y. 8-son. 205-212 b.

16. Пўлатов, Ш. Н. (2023). ҲИНД ФАЛСАФАСИДАГИ ИНСОН МАСАЛАСИНИНГ МАҲАТМА ГАНДИ ҚАРАШЛАРИГА ТАСИРИ. *International scientific journal of Biruni*, *2*(3), 96-103.

# GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLAR MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDA ESTETIK TARBIYANING TUTGAN O'RNI

**Quvvatov Sardor Isomiddinovich**
O'zbekiston Finlandiya pedagogika instituti o'qituvchisi
*sardorbekquvvatov1@gmail.com*

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada globallashuv sharoitida yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda estetik tarbiyaning tutgan o'rni xususida mulohaza yuritilgan. Estetik tarbiyaning yosh avlod tarbiyasida tutgan o'rni, uni shakllantirish omillari falsafiy jihatdan tahlil qilingan. Estetik tarbiya kishilarning bir-biriga o'zaro munosabatini aqliy, axloqiy, jismoniy jihatdan tarbiyalashda muhim ahamiyatga ega ekanligiga alohida e'tibor qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** estetika, yoshlar, jamiyat, ma'naviyat, falsafa, estetik tarbiya, go'zallik, estetik madaniyat, globallashuv, estetik ong.

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль эстетического воспитания в формировании духовности молодежи в условиях глобализации. Философски анализируется роль эстетического воспитания в воспитании подрастающего поколения и факторы его формирования. Особое внимание уделяется тому, что эстетическое воспитание имеет важное значение в воспитании отношений людей друг с другом в умственном, нравственном и физическом плане.

**Ключевые слова**: эстетика, молодежь, общество, духовность, философия, эстетическое воспитание, красота, эстетическая культура, глобализация, эстетическое сознание.

## Annotation

This article discusses the role of aesthetic education in the formation of youth spirituality in the context of globalization. The role of aesthetic education in the upbringing of the younger generation and the factors of its formation are analyzed philosophically. Particular attention is paid to the fact that aesthetic education is important in educating people's relationships with each other mentally, morally, and physically.

**Key words:** aesthetics, youth, society, spirituality, philosophy, aesthetic education, beauty, aesthetic culture, globalization, aesthetic consciousness.

Hozirgi globallashgan zamonda ijtimoiy muammolarni insoniyat foydasiga hal etishda, dunyoning barcha davlatlarida tarbiyaga, xususan nafosat tarbiyasiga bo'lgan munosabatning o'zgarib borayotganligi muhim ahamiyat kasb etmoqda. Voqelikdagi barcha narsa va hodisalarni nafosat qonuniyatlari asosida boyitish, sevinch va quvonch manbaiga aylantirish barcha xalqlarning orzu-umidi sanaladi. Ma'naviy madaniyat inson tomonidan yaratilgan ma'naviy boyliklarni, badiiy va san'at asarlarini, axloqiy va estetik qarashlarni o'z ichiga oladi. Shular asosida nafosat tarbiyasini takomillashtirish, yosh avlodni yuksak vatanparvarlik va ma'naviy estetik ruhda tarbiyalash, ma'naviy barkamol insonni voyaga yetkazish bugungi kundagi eng asosiy vazifalardan biridir. Agar biz ta'lim-tarbiya, madaniyat va ma'naviyat sohasidagi ishlarimizni aniq tizim asosida tashkil etib, ularning samaradorligini oshirmasak, ertangi kunimizni ko'rolmaymiz, o'z maqsadlarimizga yetolmaymiz. Bu borada "Bir bolaga yetti mahalla ham ota,ham ona" degan shior doimiy kun tartibida turishi lozim. Biz yoshlarimizni milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash uchun bor kuch va imkoniyatlarimizni safarbar etishimiz zarur.[106]

Globallashuv barcha sohalarda ma'naviy tarbiya bilan estetik madaniyatni uzviy ravishda ijtimoiy hayotimizni hayajonli, ehtirosli ko'rinishlarini aks ettirmoqda. Ayniqsa, milliy ma'naviyatni rivojlantirish, milliy til va estetik madaniyatni taraqqiy ettirish, milliy o'z-o'zini anglash, milliy his-tuyg'ular, milliy g'urur va estetik tarbiyani ajoyib ko'rinishlarini bir-biri bilan uyg'un holda o'rganib borish maqsadga muvofiqdir[107].

Barcha insonlarning ma'naviyati, madaniyati va dunyoqarashini istiqlol ruhida tarbiyalashda san'at va estetika sohasiga katta e'tibor qaratiladi. Kishilar nafosat tarbiyasi orqali yuksak ma'naviy go'zalliklardan bahramand bo'ladilar. Bugungi kunda xalqimizning nafosat tarbiyasi xalq og'zaki ijodi, xalq amaliy san'ati, badiiy adabiyot orqali ham olib boriladi. Yoshlar ongiga estetik ideallarni singdirish, ularning kundalik hayoti, moddiy va ma'naviy madaniyatini yuksak estetik tuyg'ular asosida kamol toptirish, har tomonlama yetuk malakali kadrlarni tarbiyalash jarayonida mehr-muhabbat, nafosat va nazokat, ezgu-niyatlar, estetik kechinmalar bilan tarbiyalash masalasiga e'tibor kuchaytirilmoqda.

Estetik tarbiya kishilarda estetik his, estetik ong va estetik munosabatni shakllantirishga qaratilgan tarbiyaning alohida shaklidir.[108] Estetik tarbiyani mehnat tarbiyasining ajralmas bir qismi sifatida ham tushunish mumkin. Kishilarda estetik

[106] Мирзиеев Ш, Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, Тошкент - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2017, 349-350- б

[107] G'aybullayev O. O'zbek oilasida shaxs estetik qadriyatlari rivojlanishining ijtimoiy asoslari. Tamaddunuri, ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal, 7-son, 2023-y, (46), 3-b

[108] Falsafa qomusiy lug'at, Toshkent,; 2004, 466-b

his-tuyg'u, estetik did, estetik ideal kabi estetik ong unsurlarining shakllanib borishi estetik tarbiyaning rivojlanishu uchun zamin yaratadi. Estetik tarbiya asosida hayotdagi va san'atdagi go'zallikni to'g'ri idrok etish, kishilardagi estetik ehtiyojlarni tarbiyalab voyaga yetkazish, har bir ota-ona, o'qituvchi, ustozning burchidir. Bolalarni yoshligidan boshlab tabiat va san'at go'zalligi olamiga olib kirish bilan birgalikda, kuy, musiqa ohangi, nafis gullar tarovati va chiroyi, san'at asarlari bilan tarbiyalash alohida ahamiyatga egadir. Estetik tarbiyaning vazifasi obyektiv olam go'zalligi xilma-xil ko'rinishlarini ajratib yoshlar dunyoqarashini nafosat tuyg'ulari bilan boyitib borishdan iboratdir. Estetik tarbiya kishilarning bir-biriga o'zaro munosabatini aqliy, axloqiy, jismoniy jihatdan tarbiyalashda katta ahamiyatga ega. Voqelikni mushohada etish, jamiyatdagi xilma-hil ehtiyojlarni qondirishda estetik tarbiya kishiga ruhiy quvvat bag'ishlaydi. [109] Estetik tarbiya jamiyat hayotida har doim o'zining rang-barang va xilma-xilligi bilan ijtimoiy munosabatlarga o'z ta'sirini o'tkazib turadi. Inson voqelikdagi go'zallikni his etib, estetik faoliyati natijasida o'z mehnati bilan o'ziga zavq-shavq bag'ishlaydi. Estetik tarbiyaning jamiyatdagi roli insonlarni har tomonlama yetuk, komil inson qilib voyaga yetkazishdir.

Estetik tarbiyaning o'ziga xos maqsadi - bu shaxning shu hildagi madaniyatini, ya'ni uning voqelikka estetik munosabatda bo'lishi va uni go'zallik, ulug'vorlik va boshqa mezoniy tushuncha tamoyillari bo'yicha baholay olish madaniyatini shakllantirishdir. Mazkur maqsadga esa shaxsning estetik ongi unsurlari - estetik ehtiyoj, did, ideal, qarashlarini maqsadli, doimiy yo'naltirilgan tarzda shakllantirish orqali erishiladi.

Estetik tarbiya bir qator vositalar - kishining maishiy muhiti, tabiat, mehnat, sport va b. orqli amalga oshiriladi. Lekin bular ichida san'at alohida mavqyega ega. Chunki u, birinchidan, o'z tabiatiga ko'ra estetik ong shakli va estetik faoliyat turidir. Ikkinchidan, u jamiyat ma'naviy hayotining barcha sohalarini o'zida mujassamlashtiruvchi dunyoni o'zlashtirish usuli hisoblanadi. Uchinchidan, san'at badiiy qadriyatlarni yuzaga keltiruvchi faoliyat sifatida estetik madaniyatning mag'zini tashkil etadi. Shuning uchun badiiy tarbiya, ya'ni san'at asarlaridan estetik zavqlanish, lazzatlanish ehtiyojini, ularni idrok etish - tushunish va baholay olish qobiliyatini shakllantirish hamda badiiy ijodga yo'naltirish estetik tarbiyaning faqat vositasi emas, balki ayni paytda tarkibiy qismi hamdir.

Estetik tarbiya asosida hayotdagi va san'atdagi go'zallikni to'g'ri idrok etish, kishilardagi estetik ehtiyojlarni tarbiyalab voyaga yetkazish, har bir ota-ona, o'qituvchi, ustozning burchidir. Bolalarni yoshligidan boshlab musiqa ohangi, nafis gullar tarovati va chiroyi, san'at asarlari bilan tarbiyalash muhim ahamiyatga egadir.

[109] G'aybullayev O.,Estetika, Samarqand – 2004, 116-b

Estetik tarbiyaning vazifasi ob'ektiv olam go'zalligi xilma-xil ko'rinishlarini ajratib yoshlar dunyoqarashini nafosat tuyg'ulari bilan boyitib borishdan iboratdir. Maktab, litsey va kollejlarda o'quvchilarni o'quv-tarbiyaviy ishlar, adabiyot, musiqa, rasm darslari orqali estetik tarbiyalash muhimdir. Bunday tarbiyada jamiyat ma'naviy va moddiy hayotidagi uyg'unlik xususiyati namoyon bo'ladi.

Estetik tarbiya kishilarning bir-biriga o'zaro munosabatini aqliy, axloqiy, jismoniy jihatdan tarbiyalashda katta ahamiyatga ega. Voqelikni mushohada etish, jamiyatdagi xilma-hil ehtiyojlarni qondirishda estetik tarbiya kishiga ruhiy quvvat bag'ishlaydi.

Inson doimo o'z turmushi shirin, hayoti ezgulik va go'zallikka boy manzaralar bilan o'tishini orzu qiladi. Shuning uchun kishilik jamiyati vujudga kelganidan boshlab nafosat olamining mohiyati, ma'no va mazmunini anglab yetishga intilib kelingan. Inson o'z amaliy faoliyati bilan voqelikni o'zlashtirib, uni o'zgartirishga harakat qiladi. Voqelikdagi go'zallik va xunuklik, kulgulilik va fojiaviylikni bir-biridan farqlab, dunyoning asl mohiyati qandayligini anglaydi. Bular barchasi kishining yashashi uchun zarur bo'lgan talab va ehtiyojlar asosida amalga oshadi.

Estetik tarbiya badiiy tarbiya bilan doimo aloqada bo'lib keladi. Badiiy tarbiya ijod jarayonidagi rang-barangliklar olamini inson tomonidan estetik tarzda anglash va o'zlashtirishning bir qismidir. Estetik tarbiya esa, jamiyatda ma'naviy muhitni paydo qilishga ko'mak beruvchi muhim unsur bo'lib, u insonning didini shakllantiruvchi, rivojlantiruvchi hamda ana shu orqali insonni jamiyat munosabatlariga yaqinlashtiruvchi kuchdir[110]. Estetik tarbiyani olib borishda, estetik qadriyatlarni yosh avlod ongiga singdirishda, o'tmish madaniyatimiz va milliy estetik tarbiyamizni bir-biri bilan uyg'unlashtirilgan holda olib borish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbek xalqining estetik tarbiyasi milliy qadriyatlarimiz va undagi insoniylik tamoyillari bilan bog'langan. Bolalarni estetik tarbiyalash, ularning aqliy, axloqiy, jismoniy yuksalishida katta rol o'ynaydi. Hattoki, maktablardagi va o'rta maxsus ta'lim muassasalaridagi ta'lim-tarbiya jarayoni o'zining milliyligi jihati bilan butun jahon xalqlari diqqat-e'tiborini o'ziga jalb etib kelmoqda.

Insonning estetik tarbiyasi uning madaniyati va ma'naviyatida namoyon bo'lar ekan, u doimo shular asosida go'zallikni his qilish, nafosat olami chiroyidan bahramand bo'lish, yaxshi fazilat va xislatlarga ega bo'lish kabi tuyg'ularni o'zida mujassam etmog'i lozim. Shu boisdan insonning estetik tarbiyasi mukammal va serjilo ko'rinishga ega bo'lishi uning ma'naviy-madaniy jihatlariga bevosita bog'liqdir. Bular orqali inson faqatgina go'zallikni his etib qolmasdan, balki o'zida

[110] Abdulla Sher, Bahodir Usmonov, Erkin Umarov, Estetika, Toshkent – 2008,159-b.

yuksak hissiyot, odat, ko'nikma va malakalarni rivojlantiradi. Ayniqsa, milliy madaniyat va ma'naviyat o'z davrining mafkurasi hamda davr talab-ehtiyojlariga mos kelishi kerak. Chunki har qanday estetik tarbiyada madaniyat va ma'naviyatning hamohangligi, birligi va mutanosibligi bo'lishi lozim

Mulohazalarimiz intihosida shuni aytish mumkinki, estetik tarbiya yoshlarda ma'naviy yetuklikni shakllantirishdagi muhim omil sifatida namoyon bo'ladi va turmush go'zalligini, nafosatini ko'rsatib beradi. Xalqimizning ajdodlardan avlodlarga meros bo'lib o'tib kelayotgan estetik tarbiyasi bugungi kunda yoshlarni jismoniy va ma'naviy barkamol va go'zal qilib tarbiyalashjarayonida muhim muhim vosita bo'lib xizmat qilmoqda. Bugungi kunda o'zbek oilasida tarbiyalanayotgan har bir inson avvalo o'tmish merosimiz va qadriyatlarimizdan estetik zavq-shavq olib kamol topishi, boshqa tomondan jahon xalqlarining estetik tarbiyasidan to'la bahramand bo'lgan holda ulg'ayishi muhimdir. Yuksak estetik tafakkurga ega bo'lgan barkamol insonni tarbiyalash kelajagi porloq bo'lgan Yangi O'zbekistonni barpo etishning muhim jihati hisoblanadi. Bugungi kunda oldimizda turgan asosiy vazifa esa har tomonlama yetuk, mukammal shaxsni tarbiyalash, jamiyatimiz uchun fidoyi va jonkuyar inson qilib voyaga yetkazishdir.

## REFERENCES

1. Мирзиеев Ш, Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, Тошкент - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2017, 349-350- б
2. G'aybullayev O. O'zbek oilasida shaxs estetik qadriyatlari rivojlanishining ijtimoiy asoslari. Tamaddunuri, ilmiy, ijtimoiy-falsafiy, madaniy-ma'rifiy, adabiy-badiiy jurnal, 7-son, 2023-y, (46), 3-b
3. Falsafa qomusiy lug'at, Toshkent,; 2004, 466-b
4. G'aybullayev O.,Estetika, Samarqand – 2004, 116-b
5. Abdulla Sher, Bahodir Usmonov, Erkin Umarov, Estetika, Toshkent – 2008,159-b.

# S. HOKINGNING REGULAR QORA TUYNUKLAR VA KVAZI DAVRIY TEBRANIShLAR NAZARIYASI

**Abdullayev Sherzod Komilovich**
O`zbekiston Milliy universiteti Falsafa va mantiq kafedrasi
Mustaqil tadqiqodchisi

## ANNOTATSIYA

XX-asrda fazoviy jismlar va koinotdagi hodisalarga doir ko'plab kashfiyotlar qilindi. Ulardan biri bu "Regular qora tuynuk" larning aniqlanishidir. O'zining butun energetik zaryadini sariflab bo'lgan yulduz o'z-o'zining ichiga qarab toraya boshlaydi. Mana shu siqilish natijasida yulduzning o'rnida zichligi cheksiz yuqori bo'lgan, massasi esa nolga yaqin qudratli gravitatsion maydon hosil bo'ladi. Uni Kvazi davriy jadvali asosida o`rganib chiqiladi.

**Kalit so`zlar:** Qora tuynuk, dasvriy tizim, nur qaytishi, gravitatsiya, yulduz, olamning paydo bo`lishi, tebranish, tadqiqot, nazariya, shatll, kuzatuv, sistema.

Mana shu maydon astranomiyada "qora tuynuk" deb ataladi. Qora tuynuklarni eng qudratli teleskoplar bilan ham ko'rib bo'lmaydi. Chunki ular fotonlarni yutib yuboradi. Natijada inson ko'zi sezishi mumkin bo'lmagan yorug'likni ham yo'qotib yuboradi va ularni mutlaqo akslantirmaydi.

Qora tuynuklarning avjudligini unung atrofidagi hosil bo'lgan g'oyatda kuchli magnit maydoniga qarab bilib olish mumkin. Olimlar so'ngi to'rt asrdan beri koinotdagi shu g'ayrioddiy jism haqida fikir yuritib, bu borada ba'zi kashfiyotlarni ham qilganlar. Ulkan massaga ega bo'lgan yulduzlar koinotda tortishish maydonlarini hosil qiladi. Qora tuynuklar o'zlariga yaqinlashgan barcha jism va moddalarni o'z qa'riga tortib ketadi va ularning hisobiga o'z zichligini uzliksiz ravishda orttirib boradi. Natijada ularning tortishish kuchi ham kuchayib boraveradi. Bu jixatdan qaraganda, so'ngan yulduzlar o'rnida paydo bo'lgan va atrofidagi hamma narsalarni o'z domiga tortib ketadigan bunday qora nuqtalarni qora tuynukka o'xshatish mumkin. Shu sababdan falakkiyot olimlari bunday yulduzlarni qora tuynuklar deb atashgan. 1994-yilda astrafizik olimlar

Habbl teleskopi vositasida M 87 gallaktikasi markazida ko'zga ko'rinmas ulkan jism borligini aniqlashdi. Olimlarning ta'kidlashicha, og'irligi Quyosh vaznidan 20 marta katta bo'lgan yulduzlar oxir-oqibat qora tuynukka aylanishi mumkin ekan. Bunga sabab ularning ulkan tortishish maydoni va yirik massaga ega ekanligidir. Lekin hajmi va massasi kichik bo'lgan yulduzlarning qora tuynukka aylanishi uchun yetarlich bosm bo'magani sababli ular qora tuynukka aylana olmas ekan. Qora tuynuklar 1916-yilada Karl Schwarzschild tomonidan Eynshteyn

tenglamalarining yechimi sifatida bashorat qilingan. Qora tuynuklar esa bu katta gallaktikamiz orasida yuzlab yoki yuzmillionlab bo'lishi hamdir. Insonlar aniqlaganlari esa bor yo'g'i bir necha xolos.

Qora tuynuk sirlari hozircha sirligicha qolmoqda. Chunki qora tuynukka borishni borishni hech ham iloji yo'q. Balki qora tuynuk vaqtlararo sayohatdir, balki insonlar sonini keltiruvchi bir vositadir. Bunisi esa bizga hozircha qorong'u. Shunday bir fazo jismi borki u Quyoshimiz kabi yulduzlardan milyard marta yorqin va trillion marta katta va ko'p energiya ishlab chiqaradi. U o'z yo'lida uchragan nafaqat, sayyora va yulduzlarni balki butun boshli gallaktikani yo'q qila oladi. Ilim fanga ma'lum bo'lgan, eng yorug' bo'lgan, ushbu quyosh jismiga KVAZARLAR deb nom berilgan.

Kvazarlar nima? degan savolga mana bundek javob aytilgan. Insoniyat qadim zamonlardan dunyoni kuzatib borib, osmon jismlariga, koinotga qiziqish bildirib kelgan. So'ngi yuz yillikdan buyon insonlar imkoniyati kengroq teleskoplar yordamida osmon jisimlarini kuzatib o'rganib kelmoqda. Ammo kvazarlar o'tgan asrning 50-yillarida ham fan uchun mutloq noma'lum edi. Kvazarlar sayyoramizdan shu qadar olislardaki, osmonimizda xuddi yorqin yulduzlardek ko'rinadi. Shuning uchun uzoq vaqitgacha insoniyat, kvazarlarni oddiy yulduzlardan ajrata olmaganlar.

Kvazarlar o'zlaridan o'ta katta miqdorda energiya va yorug'lik taratadi. Shu sababdan bizdan nixoyatda olisda joylashgan bo'lishiga qaramasdan, osmonimizda yorqin ko'rinishda, go'yoki bizga yaqin masofada joylashgan yulduzlardek nomoyon bo'ladi. Kvazar atamasi ham ingilizcha "quasi-steller" ya'ni yulduzga o'xshash so'zidan olingan. O'tgan asrning 50-yillarida AQSH ning falakkiyotchi olimlari Alan Sendij va Tomas Matyuezlar DIVA yulduz turkimidagi yulduzlarni kuzatib borib, kvazarlar yulduz emas, aksincha yulduzlardanda milyardlab katta milyard marta yorug' bo'lgan fanga noma'lum bo'lgan fazo jismi ekanligini aniqlashdi.

Kvazarlar nima ekanligi anchagacha jumboq bo'lib keldi. 1963-yilda Galland astranomi Martin Shmidt kvazarlar bizdan ancha olisda joulashganini, ularning ko'rinmas spektri qizil tusga o'tayotganini va ular bizdan katta tezlik bilan uzoqlashayotganini aniqlab beradi. Keyinchalik fanga ma'lum bo'ldiki, kvazarlar Somon Yo'li gallaktikasidan tashqarida, bizdan nixoyatdagi olis gallaktika markazida joylashgan ekan. Bugungi kun astrafizikasida kvazarlar paydo bo'lishi haqida bir qancha farazlarmavjud. Ularning ichida eng to'g'ri faraz, bu kvazarlarning paydo bo'lish qora tuynklar hisoblanadi.

Eynshteyn- Gauss-Bonnet (EGB) nazariyasi belgilagan D>4 o'lchovli fazoda va D. Lavelok teoremasi D= 4 o'lchovli fazoda umumiy munosabatni ta'kidlaydi, nolga teng bo'lmagan kosmologik doimiy tortishish haqidagi yagona nazariyadir. D.Lavelok teoremasi yaqinidagi 4D yechimini olish uchun yangi yondashuvni qabul

qildi. Ushbu yondashuvda asosan qayta o'lchash Gauss- Bonnet (GB) termini 4D chegarasida 1/(D-4) omili bo'lgan. Foton harakati va kvazinarmal rejimlar orqali tortishishning barqarorligi 4D EGB, tortishish Refda o'rganilgan. Qora tuynuk gravitatsion jixatdan beqaror agar a kichik bo'lmasa yetarli (0<a a> -2) ning elektr zaryadlangan qora tuynuk eritmasi 4D EGB tortishish, shu jumladan kosmologik constan ham Refda olingan. 4D EGB nazariyasida Bardeen muntazam ravishda qora tuynuklar zaryadlangan aniqlagan. Bundan tashqari sinovdagi zarralarning harakatini o'rgangan, va taxlil qilgan joyda samarali potensial energiya va burchak moment xususiyatlari, orbitadagi zarralarni kuzatgan. 4D EGB tortishish kuchi ega ekanligi aniqlagan, yuqorida aytib o'tilgan fizikaga oid bir xil miqdordagi harakatga ega, yaqin atrof- muxit parametrning turli qiymatlar uchun qora tuynukning a ya'ni a ning musbat qiymatlarining oshishi ularning minimal darajaga tushishiga olib kelishini, ularga minimal joylashgan masofa esa markaziy ob'yekt tomon siljishini kuzatgan.

**S. Xokingning Regular Qora Tuynuklar va Kvazi Davriy Tebranishlar Nazariyasi**

Stiven Xoking qora tuynuklar fizikasi bo‘yicha olib borgan ishlari bilan zamonaviy ilm-fanning rivojlanishiga ulkan ta'sir ko‘rsatgan olimlardan biridir. U qora tuynuklarni oddiy modda yutuvchi obyekt sifatida emas, balki zamon-makon uyg‘unligining murakkab strukturaviy jihatlarini aks ettiruvchi tizim sifatida ko‘rib chiqdi. Ayniqsa, uning regular qora tuynuklar va kvazi davriy tebranishlar nazariyasiga oid ishlari, qora tuynuklarning dinamikasini va koinotdagi o‘rnini tushunishga yangi yondashuv olib keldi.

Regular qora tuynuklar tushunchasi qora tuynuklarning oddiy, ya'ni singulyarlikka ega bo‘lmagan shakllarini tasvirlaydi. Stiven Xokingning izlanishlariga ko‘ra, regular qora tuynuklarda zamon-makonning buzilishi an'anaviy singulyarliklardan farqli ravishda yumshoqroq shaklda sodir bo‘ladi. Ushbu tuynuklarning ichki strukturasida zamon-makon egilishi muvozanatli bo‘lib, ularning gravitatsion xususiyatlari an'anaviy qora tuynuklarga qaraganda farqli dinamikani namoyon etadi. Bu esa ushbu obyektlarni o‘rganishda kvant mexanikasi va umumiy nisbiylik nazariyasining uyg‘unligi haqida muhim savollarni o‘rtaga tashlaydi.

Kvazi davriy tebranishlar (QDT) esa qora tuynuklarning gravitatsion maydoni bilan bog‘liq murakkab hodisalardan biridir. Ushbu tebranishlar qora tuynuklar atrofida hosil bo‘ladigan zarrachalar va energiyaning harakat trayektoriyasi bilan bog‘liq bo‘lib, ular qora tuynukning massasi, aylanish tezligi va boshqa parametrlariga qarab turli ko‘rinishlarga ega bo‘ladi. Xokingning tadqiqotlari bu tebranishlarning fizik mohiyatini, ularning qora tuynuklar haqidagi ma'lumotlarni o‘rganishdagi ahamiyatini aniqlashga qaratilgan edi. Kvazi davriy tebranishlar qora tuynuklar yaqinida sodir bo‘ladigan gravitatsion to‘lqinlarning turli xil spektrlarini

hosil qiladi va bu to'lqinlar yordamida qora tuynukning o'lchami, massasi va aylanish tezligi haqida aniq ma'lumot olish mumkin bo'ladi.

Xoking nazariyasiga ko'ra, kvazi davriy tebranishlar orqali qora tuynuklar faqat o'z ichki strukturasining tabiatini namoyon etib qolmay, balki koinotning uzoq burchaklaridan energiya va modda harakatining muhim jihatlarini ham aks ettiradi. Ushbu tebranishlar qora tuynuklar atrofidagi issiqlik nurlanishi va gravitatsion to'lqinlarning tarqalishini o'rganish uchun muhim tadqiqot vositasi sifatida e'tirof etiladi. Bu hodisalar nafaqat qora tuynuklarning dinamikasini tushunishga, balki koinotdagi boshqa obyektlar bilan ularning o'zaro ta'sirini ham o'rganishga yordam beradi.

Stiven Xokingning regular qora tuynuklar va kvazi davriy tebranishlar haqidagi qarashlari koinotning fizik tabiatini chuqurroq tushunishga xizmat qiladi. Uning ishlari zamon-makon strukturasining murakkabligi va gravitatsion hodisalarning nozik jihatlarini o'rganishda yangi yo'nalishlar ochib berdi. Xokingning bu nazariyalari ilmiy hamjamiyatda hozirgi kunda ham faol tadqiq qilinayotgan va yangi kashfiyotlar uchun mustahkam poydevor bo'lib xizmat qilmoqda. Qora tuynuklarning regular shakllari va ularning kvazi davriy tebranishlari haqida bilimlarni kengaytirish kelajakda zamon-makonning eng chuqur sirlarini ochishga yordam berishi mumkin. Bu esa koinotning ishlash mexanizmini yanada chuqurroq anglash imkonini beradi.

**Xulosa**

Stiven Xokingning regular qora tuynuklar va kvazi davriy tebranishlar haqidagi nazariyalari koinot fizikasi va zamon-makon tushunchalarini chuqurroq anglashda inqilobiy ahamiyatga ega. U qora tuynuklarning singulyarliksiz shakllari va ularning murakkab dinamikasi haqidagi qarashlari orqali an'anaviy tushunchalarni kengaytirdi va koinotning zamon-makon strukturasidagi muvozanatni yangi yondashuv bilan izohladi. Regular qora tuynuklar orqali zamon-makonning cheksizlikka intiluvchi egilishi o'rniga, yumshoq va muvozanatli gravitatsion dinamikani kuzatish imkoniyati paydo bo'ldi.

Kvazi davriy tebranishlar haqidagi tadqiqotlar esa qora tuynuklarning massasi, aylanish tezligi va gravitatsion maydon xususiyatlarini o'rganishda muhim vosita sifatida xizmat qiladi. Ushbu tebranishlar orqali qora tuynuk atrofidagi gravitatsion to'lqinlarni aniqlash va ular yordamida koinotdagi boshqa obyektlar haqidagi ma'lumotlarni olish imkoniyati kengaydi. Xokingning bu nazariyalari zamon-makon, gravitatsiya va kvant mexanikasi o'rtasidagi murakkab aloqani aniqlashda yangi eshiklarni ochdi.

Umuman olganda, Stiven Xokingning ushbu nazariyalari qora tuynuklarni o'rganishda yangi yo'nalishlarni belgilab berdi. Uning ishlari insoniyat tafakkuri uchun koinotning eng sirli va murakkab jihatlarini ochishda beqiyos ilmiy poydevor

yaratdi. Qora tuynuklar haqidagi bilimlarimizni kengaytirish esa kelajakda koinotning asl tabiatini anglashda ulkan yutuqlarga olib kelishi aniq. Stiven Xokingning ilmiy merosi zamonaviy fan uchun yorqin ilhom manbai bo'lib qoladi.

## REFERENCES

1. G. D Karssen, M.Bursa, A.Eckart, M.Valensiya- S, M.Dovcik, V.Karas va J. Hoak, dus, R. Astron. Soc. 472 (2017) 4422, arXiv : 1709.09896 [astroph. GA].
2. C.Nemisa, fizika. Rev.D 96 (2017) 103015, arXiv: 1711.01626 [astroph.HE].
3. A. Ingram va S. Done, Mon. R.Astron. Soc 405 (2010) 2447, arXiv: 0907.5485 [astro- ph. SR].
4 .J. Rayimboyev, A. Abdujabborov va H. Ven-Biao, fizika. Rev. D 103 (2021) 104070.
5. https:/ /ui. adsabs. harvard. edu /abs / 2021 Galax…9…75R/ /abstract.
6. https: / /ui. adsabs. harvard.. edu /abs/ 2021 Galax…9…71R/ abstract.
7. J. Bardin, Proc. GR5, C. DeWitt va B. DeWitt (taxrirlar) ( Gordon va Breakh, 1968),b 174.

# INFORMATSION MANIPULYATSIYANING IJTIMOIY-SIYOSIY XARAKTERI VA UNING JAMIYAT HAYOTIGA SALBIY TA'SIRI

**Suxrob Salomov**
O'zMu "Falsafa" kafedrasi mustaqil izlanuvchisi
**E-mail**: s.salomov.98@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada informatsion manipulyatsiyaning ijtimoiy va siyosiy jarayonlarga ta'siri, uning usullari va jamiyatga keltiradigan salbiy oqibatlari yoritilgan. Siyosiy propaganda, soxta ma'lumotlarning tarqalishi, ijtimoiy tarmoqlardagi manipulyatsiya va senzura kabi muhim jihatlar batafsil tahlil qilingan. Shuningdek, real hayotdan misollar bilan manipulyatsiyaning qanday qilib ommaviy axborot vositalari va raqamli platformalar orqali amalga oshirilishi tushuntirilgan. Maqola yakunida manipulyatsiyaga qarshi samarali kurash usullari va axborot savodxonligini oshirishning ahamiyati ko'rsatib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Informatsion manipulyatsiya, siyosiy propaganda, soxta yangiliklar, ijtimoiy tarmoqlar, axborot xavfsizligi, demokratiya, ommaviy axborot vositalari, senzura, kiberxavfsizlik, axborot savodxonligi.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается влияние информационных манипуляций на социальные и политические процессы, их методы и негативные последствия для общества. Подробно проанализированы такие важные аспекты, как политическая пропаганда, распространение дезинформации, манипуляции и цензура в социальных сетях. Также на примерах из реальной жизни объясняется, как манипуляции осуществляются через средства массовой информации и цифровые платформы. В конце статьи показаны эффективные методы борьбы с манипуляциями и важность повышения информационной грамотности.

**Ключевые слова:** Информационная манипуляция, политическая пропаганда, фейковые новости, социальные сети, информационная безопасность, демократия, средства массовой информации, цензура, кибербезопасность, информационная грамотность.

# THE SOCIO-POLITICAL CHARACTER OF INFORMATION MANIPULATION AND ITS NEGATIVE IMPACT ON SOCIETY

**Sukhrob Salomov**
NUUz department of "Philosophy"
independent researcher
**E-mail**: s.salomov.98@mail.ru

**Annotation:** This article highlights the impact of information manipulation on social and political processes, its methods, and its negative consequences for society. Important aspects such as political propaganda, the dissemination of false information, manipulation and censorship on social networks are analyzed in detail. It also explains how manipulation is carried out through the media and digital platforms with real-life examples. At the end of the article, effective methods of combating manipulation and the importance of improving information literacy are highlighted.

**Keywords:** Information manipulation, political propaganda, fake news, social networks, information security, democracy, mass media, censorship, cybersecurity, information literacy.

## Kirish

Zamonaviy jamiyatda axborot muhitining tobora murakkablashishi, raqamli texnologiyalar va ommaviy axborot vositalarining rivojlanishi bilan informatsion manipulyatsiya keng tarqalmoqda. Informatsion manipulyatsiya ijtimoiy va siyosiy jarayonlarga sezilarli ta'sir ko'rsatib, jamiyatda real voqelikni noto'g'ri qabul qilishga, ongli qaror qabul qilish qobiliyatining buzilishiga olib keladi. Ushbu maqolada informatsion manipulyatsiyaning ijtimoiy-siyosiy tabiati, uning usullari va jamiyat uchun xavfli oqibatlari haqida so'z yuritiladi.

Informatsion manipulyatsiyaning mohiyati

Informatsion manipulyatsiya - bu axborotni ataylab o'zgartirish, noto'g'ri yoki yo'naltirilgan ma'lumotlarni tarqatish orqali jamiyat fikriga ta'sir ko'rsatish jarayonidir. Bu usul ko'pincha siyosiy kampaniyalarda, iqtisodiy manfaatlar yo'lida yoki ijtimoiy nazoratni mustahkamlash maqsadida qo'llaniladi. Asosiy maqsad - auditoriyaning fikrini yo'naltirish va uni ongli ravishda qabul qilish jarayoniga ta'sir qilishdir.

Informatsion manipulyatsiyaning ijtimoiy-siyosiy xarakteri

Informatsion manipulyatsiya siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy muhitda keng qo'llaniladi. Uning asosiy jihatlari quyidagilardan iborat:

1. Siyosiy propaganda. Siyosatchilar va hukumatlar ko'pincha manipulyatsion texnikalardan foydalanib, o'z manfaatlariga xizmat qiluvchi ma'lumotlarni ommaga taqdim etadilar. Misol sifatida 2016-yil AQSh prezidentlik saylovlarida ijtimoiy tarmoqlarda noto'g'ri axborot tarqatilishi natijasida jamoatchilik fikrining manipulyatsiya qilingani haqida ko'plab dalillar mavjud. Masalan, Knight Foundation jamiyatining tadqiqotiga ko'ra, yolg'on axborot tarqatgan Twitter akkauntlarining sezilarli qismi botlar tomonidan boshqarilgani aniqlangan[1].

2. Yolg'on va noto'g'ri ma'lumotlarning tarqalishi Soxta yangiliklar (fake news), noto'g'ri axborotlar va bo'rttirilgan faktlar orqali jamiyatda noto'g'ri qarashlarni shakllantirish mumkin. Masalan, COVID-19 pandemiyasi davrida vaksinalar haqidagi turli fitna nazariyalari jamoatchilik orasida vahima va ishonchsizlikni oshirdi.

3. Ijtimoiy tarmoqlardagi manipulyatsiya Facebook, Twitter, Instagram kabi ijtimoiy tarmoqlar ommaviy axborot vositalarining asosiy qismi bo'lib qoldi. 2019-yilda Hindistonda saylovlar oldidan WhatsApp orqali yolg'on xabarlarning keng tarqalishi natijasida saylovchilar noto'g'ri qaror qabul qilishga majbur bo'lgani misol bo'la oladi.[111]

4. Senzura va axborotni cheklash Ba'zi davlatlar va tashkilotlar muhim axborotlarning erkin tarqalishini cheklash orqali manipulyatsiyani amalga oshiradilar. Masalan, Shimoliy Koreyada aholiga faqat hukumat tomonidan tasdiqlangan axborotlar yetkaziladi.

Informatsion manipulyatsiyaning salbiy oqibatlari

Informatsion manipulyatsiyaning jamiyatga salbiy ta'siri keng qamrovli bo'lib, quyidagi asosiy jihatlarda namoyon bo'ladi:

1. Jamiyatning manipulyatsiyaga uchrash xavfi Ommaviy axborot vositalari va ijtimoiy tarmoqlar orqali odamlarning tafakkuri o'zgartirilishi mumkin. Masalan, 2020-yilda Qirg'izistonda bo'lib o'tgan prezidentlik saylovlarida noto'g'ri ma'lumotlarning keng tarqalishi jamiyatda beqarorlikni kuchaytirdi [2].

2. Ijtimoiy ishonchsizlik va nizolar Manipulyatsiya orqali tarqatilgan noto'g'ri ma'lumotlar jamiyat ichida qarama-qarshilikni keltirib chiqaradi. "Brexit" jarayoni paytida Britaniya jamoatchiligi orasida noto'g'ri ma'lumotlar asosida qaror qabul qilinganligi haqida ko'plab dalillar mavjud [3].

[111] 2019-yilda Hindistonda bo'lib o'tgan saylovlar oldidan WhatsApp orqali yolg'on xabarlarning keng tarqalishi haqida ko'plab dalillar mavjud. Masalan, "The New York Times" gazetasining 2019-yil 14-apreldagi maqolasida Hindistondagi saylovlar oldidan WhatsApp orqali tarqatilgan yolg'on xabarlar va ularning jamiyatga ta'siri haqida batafsil yoritilgan. Maqolada, WhatsApp platformasida tarqalgan noto'g'ri ma'lumotlar va ularning saylov jarayoniga ta'siri haqida so'z yuritiladi. Bundan tashqari, "BBC News"ning 2019-yil 2-apreldagi maqolasida ham Hindistondagi saylovlar oldidan WhatsApp orqali tarqalgan yolg'on xabarlar va ularning oqibatlari haqida ma'lumot berilgan.

3. Demokratiyaning zaiflashishi Manipulyatsiya natijasida saylovchilar adashgan ma'lumotlar asosida ovoz berishlari mumkin. Bu esa haqiqiy demokratik jarayonlarga putur yetkazadi va siyosiy tizimni beqarorlashtiradi.

4. Axborot xurujlari va kibermuhitdagi tahdidlar Rossiya va G'arb davlatlari o'rtasidagi kiber-urushlar, xakerlik hujumlari va informatsion xurujlar zamonaviy dunyoda katta tahdidga aylangan.

Manipulyatsiyaga qarshi kurash yo'llari

1. Axborot savodxonligini oshirish Odamlarga ishonchli va noto'g'ri axborotni ajratish, mustaqil tahlil qilish ko'nikmalarini o'rgatish lozim.

2. Neytral va xolis ommaviy axborot vositalarini qo'llab-quvvatlash OAV mustaqilligi ta'minlanishi va xolis jurnalistika rivojlantirilishi kerak.

3. Huquqiy choralarni kuchaytirish Yolg'on axborotni tarqatgan shaxslar yoki tashkilotlarga nisbatan huquqiy choralar ko'rish kerak.

4. Ijtimoiy tarmoqlardagi nazoratni oshirish Yolg'on ma'lumot tarqatish bilan shug'ullanadigan akkauntlarni bloklash va noto'g'ri axborot tarqatilishining oldini olish muhimdir.

**XULOSA**

Informatsion manipulyatsiya zamonaviy jamiyat uchun katta xavf tug'diruvchi hodisadir. Uning ijtimoiy-siyosiy jarayonlarga ta'siri beqiyos bo'lib, odamlarning mustaqil fikrlash qobiliyatini zaiflashtiradi, ishonchsizlik va qarama-qarshilikni kuchaytiradi. Ushbu tahdidga qarshi kurashish uchun axborot savodxonligini oshirish, xolis OAVni qo'llab-quvvatlash va huquqiy choralarni kuchaytirish zarur. Faqat shundagina jamiyat manipulyatsiya ta'siridan himoyalanib, haqiqatga asoslangan qarorlar qabul qilishi mumkin.

## REFERENCES

1. Chomsky, N. (1988). *Manufacturing Consent: The Political Economy of the Mass Media*. Pantheon Books.
2. McChesney, R. (2013). *Digital Disconnect: How Capitalism is Turning the Internet Against Democracy*. The New Press.
3. Sunstein, C. R. (2001). *Republic.com*. Princeton University Press.
4. Wardle, C., & Derakhshan, H. (2017). *Information Disorder: Toward an Interdisciplinary Framework*. Council of Europe.
5. Pariser, E. (2011). *The Filter Bubble: What the Internet is Hiding from You*. Penguin Press.
6. Lippmann, W. (1922). *Public Opinion*. Harcourt, Brace & Co.
7. Castells, M. (2009). *Communication Power*. Oxford University Press.
8. Kahneman, D. (2011). *Thinking, Fast and Slow*. Farrar, Straus and Giroux.

9. Shirky, C. (2008). *Here Comes Everybody: The Power of Organizing Without Organizations*. Penguin Books.
10. Bennett, W. L., & Livingston, S. (2018). *The Disinformation Age: Politics, Technology, and Disruptive Communication in the United States*. Cambridge University Press.

# THE SCIENTIFIC-PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF THE AVESTA IN THE MODERN EDUCATIONAL SYSTEM

**Saodat Toshtemirova**
Associate Professor, PhD, Chirchik State Pedagogical University, Uzbekistan
Email: s.toshtemirova@cspu.uz

**Annotation.** This article examines from all perspectives the educational concept presented in the Avesta, outlining its significance and the possibilities for its application in the modern educational system of Uzbekistan on an academic basis. The study interprets the ideas related to education as depicted in the Avesta and compares them with contemporary educational theories. Based on this, it analyzes how the pedagogical essence of the Avesta can be practically implemented in a modern educational model. The article provides scholarly and practical proposals for harmonizing educational content with spiritual heritage and reinforcing national identity.

**Keywords:** Avesta, educational concept, Zoroastrianism, spiritual education, moral values, modern education, constructivism, integrated education, pedagogical model, national heritage, education and upbringing

**Introduction.** In today's education system of the Republic of Uzbekistan, it is a priority task to educate the youth into well-rounded, intellectually developed individuals who remain faithful to national and universal human values. "Without education, no reform will be effective,"[112], meaning that spiritual education is considered one of the priority directions of state policy.

In the prospective strategies of the Republic of Uzbekistan, the need to foster the spiritual and moral development of the youth, organize their free time meaningfully, and integrate the national ideology, historical heritage, and spiritual values into the educational content has been explicitly defined[113]. This situation underscores the necessity of re-examining the centuries-old spiritual heritage of our people—particularly the educational and pedagogical ideas reflected in ancient sources such as the Avesta—and applying them within a modern educational model.

In the Avesta, an educational concept is proposed that is based on universal human principles such as human perfection, moral purity, and the pursuit of

[112] Каримов, И. А. (2008). *Юксак маънавият — енгилмас куч*. Тошкент: Маънавият. https://hilolnashr.uz/yuksak-manaviyat

[113] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF–60-son Farmoni. 2022 yil 28 yanvar -B. 37.

knowledge and enlightenment. These ideas are substantially aligned with modern educational approaches that are individual-oriented, integrated, and harmonized with spiritual education. Therefore, it can be observed that the educational model formed on the basis of the Avesta is fully compatible with the objectives of contemporary Uzbekistan education policies.

The proposed model—which includes incorporating national heritage into textbooks, utilizing ancestral wisdom in educational lessons, and retraining educators based on the legacy of the Avesta—can be effectively integrated into the existing state educational standards and the programs of spiritual and educational work. In this regard, defining practical measures through close and systematic collaboration among all types of education holds particular significance.

The Avesta is the sacred text of the Zoroastrian religion, and it not only encapsulates religious beliefs but also embodies the unique spiritual heritage that reflects our ancestors' worldview and their perspectives on science, culture, and education. Composed over three thousand years ago, this work presents the central idea of advocating "good thoughts, good words, and good deeds." In the Avesta, significant attention is given to matters of education and upbringing, and it can even be recognized as one of the earliest educational concepts. Some researchers regard this text as the initial historical source in which the essence, objectives, and methods of the educational process are articulated[114]. Therefore, an in-depth study of the educational values and ideas contained in the Avesta, along with comparing these to modern educational theories and methods, remains an extremely relevant issue today.

The primary aim of this study is to conduct a comprehensive analysis of the educational concept expressed in the Avesta and to identify its similarities and differences with modern pedagogical theories. At the same time, explaining the ideas and views related to education in the Avesta within the contexts of psychology, pedagogy, sociology, jurisprudence, history, and religious studies; substantiating them scientifically through international academic sources; and examining the practical effectiveness of these ideas are among the important tasks of the study.

Within the framework of the research, the analysis results were evaluated using comparative statistical methods based on experimental and control groups. Moreover, a modern educational model based on the ideas of the Avesta was envisaged.

The conclusions and recommendations derived from this study have led to the formulation of clear academic and practical suggestions regarding the potential integration of the obtained results into the contemporary Uzbekistan education policy.**Review of the Literature and Research Methodology.** The analysis of the

scientific literature on the subject indicates that, internationally, several studies have been conducted on the Avesta and the educational aspects of Zoroastrianism. These studies are noteworthy for elucidating the educational dimensions of the Avesta from various disciplinary perspectives. Below, some important sources and the scientific results presented in them are reviewed.

As the sacred text of the Zoroastrian religion, the Avesta is not only a source of religious ideas but also a rich repository encompassing legal and spiritual criteria. M. Abdurayimova (2023), relying on this work, emphasizes its role in the formation of legal culture. According to the author: "The Avesta provides valuable information as the primary source regarding the law of the tribes that lived in the territory of present-day Uzbekistan during the mid-second millennium BC. By studying this source, it is possible to aid in the development of legal culture among the youth in the process of building a legal democratic state and civil society"[115]. Based on these ideas, the Avesta can be appraised as an ancient source of legal education. In this research, drawing on such sources, the educational concept of the Avesta is examined within the contexts of psychology, pedagogy, sociology, jurisprudence, history, and religious studies.

One of the studies that deserves recognition within this subject area is the research conducted by N. I. Davronov (2020), which is notable for comprehensively elucidating the pedagogical significance of the Avesta. The author appraises the Avesta as "an encyclopedic legacy bequeathed by our great ancestors," emphasizing that its contents embody invaluable ideas related to science, culture, and education[116]. In the study, particular attention is paid to the Avesta's depiction of the relationship with books and knowledge. For example, expressions in the text such as "reading with all one's heart imparts purity and alertness" or "Haoma (the sacred drink) bestows fame and wisdom upon those who read" indicate that the act of reading and the pursuit of enlightenment are regarded as high values within the Zoroastrian tradition. These ideas not only accentuate the Avesta's spiritual and intellectual characteristics but also establish it as an important source from a pedagogical and educational standpoint. According to N. I. Davronov, the Avesta fulfilled a dual role: it served not only as a religious text but also as the earliest pedagogical system that explained the process of education, its objectives, and methods. The author analyzes various components of the Zoroastrian educational system—including advisory and wise sayings, family and school education, and methods of care for children—in

[115] Абдураимова, М. (2023). "Авесто"да ҳуқуқий маданият. *Жамият ва инновациялар*, 4(9/S), 205–212. https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss9/S-pp205-212

[116] Davronov, N. I. (2020). *Development of physical qualities of children in the heritage of our ancestors*. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 153–157. https://www.idpublications.org

detail. When compared with modern educational theories, these elements are recognized as both relevant and reliable approaches. In conclusion, the advanced pedagogical views of our ancestors on youth education, as presented in the Avesta, remain worthy of effective application in today's educational processes, thus establishing the Avesta heritage as an essential source for research from both historical and practical perspectives[117].

In the study conducted by Afzal A. Hossainy Dehshiri and Edris Islami (2012), the educational ideas based on the oldest source of Zoroastrianism—the Gathas (the central part of the Avesta) - were comprehensively analyzed. By deeply examining the philosophical foundations of Zoroastrianism, the authors identified the educational objectives, principles, and methods derived from it[118]. In the study, the "ideal human" is described as a person close to Ahura Mazda, who follows the principle of Asha (truth), and who possesses good character, enlightenment, and divine inspiration. Based on this ideal, the main goals of education are defined as follows: understanding the laws of the universe and living in accordance with them; receiving education oriented towards ethics and morality; having faith in enlightenment and divine inspiration; and developing an awareness of social responsibility and striving for active citizenship.

The authors also identified the following main principles inherent in the educational content: acquiring knowledge through logical reasoning; ensuring freedom of choice and freedom of conscience; developing faculties such as intellect, emotion, and perception; and striving for moral perfection and self-development. In accordance with these principles, the study also outlines the educational methods recommended for Zoroastrianism. For example, the methods include: engaging in observation and contemplation about nature and life; structuring education on an active learning basis; utilizing life advice and wisdom; developing public speaking skills; providing spiritual education through practices such as worship and devotion; and incorporating physical exercises and, if necessary, even military training as an integral part of the educational program. In their conclusion, the authors state that the Zoroastrian educational concept is built on four pillars—"moral education + intellectual development + physical perfection + social responsibility"—which demonstrates its profound compatibility with modern competency-based education

[117] Davronov, N. I. (2020). *Development of physical qualities of children in the heritage of our ancestors*. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 153–157. https://www.idpublications.org

[118] Hossainy dehshiri, A. A. and islami, E. (2012). Zoroastrianism and its educational implications (relying on the text of the Gathas). *Foundations of Education*, *2*(1), -. doi: 10.22067/fe.v2i1.12092

models[119]. These views fully align with the educational content of the Avesta texts and further confirm its universal significance.

Educational perspectives based on the Avesta are also reflected in a number of encyclopedic and historical sources. For example, articles devoted to the educational system of the Parthians and Sasanids describe the following aspects of the education system formed on the basis of the Zoroastrian religion.

According to these sources, children from noble families began attending school (referred to in Persian as "Farangiston") from the ages of 5 to 7, and by the age of 15, they had mastered both general and religious education. During this process, in addition to learning to write and calculate, the students memorized Avesta texts, listened to Pahlavi translations, and became acquainted with the fundamentals of astronomy. This educational program, in particular, served as a primary source of knowledge for students who were expected to become spiritual leaders in the future.

According to information in Iranian literature, the education of Prince Dorab - a hero from the Shahnameh - was organized in accordance with these traditions: first, he studied the Avesta and the Zand (Pahlavi commentaries); then, he engaged in activities related to horsemanship, archery, jousting, and other military arts. These examples demonstrate the historical manifestation of the "seven arts" concept mentioned in the Avesta.

According to sources from Encyclopaedia Iranica, special attention was given to military and spiritual education during the Sasanian period. In the midst of wars and dangers, the physical aspect of education was reinforced, and young people were prepared for military activities. Sasanian kings often sent their children to border lords for their education. For example, Bahram V was educated by various tutors in writing, archery, and the basics of law[120]. This confirms that education was established as a distinct social institution and became an integral part of the state ideology.

From the sources analyzed above, it is evident that the educational ideas presented in the Avesta are generating interest in the international scientific community and are being regarded as a relevant scholarly foundation for various fields of study. In particular, the conclusions related to shaping human perfection, moral education, and intellectual development hold special significance for current educational research.

[119] Hossainy dehshiri, A. A. and islami, E. (2012). Zoroastrianism and its educational implications (relying on the text of the Gathas). *Foundations of Education*, *2*(1), -. doi: 10.22067/fe.v2i1.12092

[120] Christensen, A. (1936). L'Iran sous les Sassanides [Iran under the Sassanids]. Copenhagen: E. J. Brill. Retrieved from https://www.iranicaonline.org/articles/education-ii

The universal principles in the Zoroastrian educational concept, such as "good thoughts – good words – good deeds", can play an important role in strengthening the educational content from spiritual, intellectual, and social perspectives. According to international researchers, studying the legacy of the Avesta not only serves as a symbol of respect for historical heritage but also contributes to enriching the content of modern education and reinforcing competency-based approaches.

For this reason, a comprehensive analysis of the content, objectives, methods, and principles in the educational process of the Avesta, along with a comparison of its conceptual foundations with modern educational theories and their practical application, is considered by many experts to be both promising and necessary.

**Methodology.** In this study, several scholarly approaches and methods were effectively employed. They were chosen in accordance with the research objectives, with each fulfilling a specific function in the analysis process. The method of comparative analysis was applied, through which the educational concept presented in the Avesta was examined in comparison with modern educational theories. In particular, constructivism, integrated education, systemic approaches, and competency-based education models were compared with the ideas expressed in the Avesta based on key criteria.

**Results and Discussion.** In the Avesta, upbringing is regarded as an integral part of human perfection. According to the Zoroastrian educational doctrine, every individual is endowed with intellect and perception as divine gifts, which must be nurtured and developed through learning, observation, and experience. This approach is closely aligned with modern educational theories, such as constructivism. In constructivism, knowledge is not merely passively received in its preformed state; rather, it is actively constructed by the learner through experience, observation, and independent thinking. In this framework, the educational subject is seen as an active, independent, and responsible individual.

In the Avesta, intellect and knowledge are recognized as the most important means for "walking the true path." It is emphasized that Ahura Mazda bestows upon every individual the ability for effective thinking (khratu) and deep understanding (chista) [121]. However, these abilities are not automatic; they must be developed through education and upbringing.

In the Avesta, the conscious activity of a human, the reliance on intellect and conscience in moral choices, and the ability to differentiate between good and evil through rational deliberation are designated as the primary goals of education. This

[121] Sorkhabi, Rasoul, "Zoroaster: The First Philosopher and His Theosophical Revolution" Quest 108:4, 2021. pg 23-28. https://www.theosophical.org/publications/quest-magazine/zoroaster-the-first-philosopher-and-his-theosophical-revolution

aspect is in harmony with modern pedagogical objectives that focus on the individual and foster critical thinking.

At the same time, Avesta-based education relies on divine values and enriches the educational process with spiritual and mental foundations. This approach differs from secular modern educational theories by striving to integrate enlightenment not only with intellectual development but also with spiritual values.

From an integrative approach, the Avesta is one of the earliest sources that presented a comprehensive, systematic form of education for its time. It is emphasized that the educational program included not only religious and moral principles but also knowledge in fields such as agriculture, horticulture, medicine, astronomy, geography, military arts, law, and family relations taught together[122]. This, in turn, is consistent with modern educational principles of interdisciplinary learning and integrated educational models. In one of the Avesta texts, it is noted that a young student is required to master the "seven arts". These arts include reading and writing, arithmetic, archery, horsemanship, memorization of sacred laws, recitation in a specific tone, and singing—that is, activities related to science, physical training, and religious values[123].

Thus, it can be seen that the educational program was developed based on a holistic approach that includes physical training, moral-spiritual perfection, religious knowledge, and scientific foundations. This historical approach is essentially in harmony with the modern CLIL (Content and Language Integrated Learning) model. In the CLIL method, subject content and language are taught simultaneously. A similar phenomenon was observed during the Avesta period: young boys memorized sacred texts in the language of the Avesta and listened to Pahlavi translations to fully understand the content[124]. Through this process, they acquired both the content and the language concurrently-a process that can be conditionally referred to as an ancient CLIL model. Of course, although the education of that time was primarily based on religious ideas, its methodological approaches can also serve as a source of inspiration for contemporary secular education systems.

**In conclusion,** the ideas expressed in the Avesta remain significant today, serving to foster the spiritual, moral, intellectual, and civic development of the younger generation. The concept behind the Zoroastrian teaching - "good thoughts - good words - good deeds" - which emphasizes rational thinking, integrity, and

[122] Лелеков, Л. А. (1992). *Авеста в современной науке*. Москва. 59-66.

[123] Davronov, N. I. (2020). *Development of physical qualities of children in the heritage of our ancestors*. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 153–157. https://www.idpublications.org

[124] Christensen, A. (1936). L'Iran sous les Sassanides [Iran under the Sassanids]. Copenhagen: E. J. Brill. Retrieved from https://www.iranicaonline.org/articles/education-ii

prioritizing the interests of society, holds special importance in modern educational practice. If the recommendations developed within the framework of this study are implemented, the contemporary education system in Uzbekistan will have the opportunity to further reinforce its national spiritual foundation.

## REFERENCES

1. Каримов, И. А. (2008). *Юксак маънавият — енгилмас куч*. Тошкент: Маънавият. https://hilolnashr.uz/yuksak-manaviyat
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF–60-son Farmoni. 2022 yil 28 yanvar -B. 37.
3. Абдураимова, М. (2023). "Авесто"да ҳуқуқий маданият. *Жамият ва инновациялар*, 4(9/S), 205–212. https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss9/S-pp205-212
4. Davronov, N. I. (2020). *Development of physical qualities of children in the heritage of our ancestors*. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(3), 153–157. https://www.idpublications.org
5. Hossainy dehshiri, A. A. and islami, E. (2012). Zoroastrianism and its educational implications (relying on the text of the Gathas). *Foundations of Education*, *2*(1), -. doi: 10.22067/fe.v2i1.12092
6. Christensen, A. (1936). L'Iran sous les Sassanides [Iran under the Sassanids]. Copenhagen: E. J. Brill. Retrieved from https://www.iranicaonline.org/articles/education-ii
7. **Sorkhabi, Rasoul, "Zoroaster: The First Philosopher and His Theosophical Revolution" Quest 108:4, 2021. pg 23-28.** https://www.theosophical.org/publications/quest-magazine/zoroaster-the-first-philosopher-and-his-theosophical-revolution
8. Лелеков, Л. А. (1992). *Авеста в современной науке*. Москва. 59-66.

# FAXRUDDIN ALI AS-SAFIYNING HAYOT YO'LI VA IJODIY FAOLIYATI

**Sh. G. Tangirberdiyev**
Guliston davlat universiteti, Ijtimoiy fanlar kafedrasi o'qituvchi

**Annotatsiya:**
Ushbu maqolada Ali Safiyning hayot yo'li, ijodiy faoliyati va ilmiy merosi tahlil etiladi. Ali Safiy yashagan davrdagi notinch shart-sharoitning allomaning shaxsiy hayoti, ilmiy, ijtimoiy-siyosiy faoliyatida, dunyoqarashi, tasavvufiy-ilmiy merosiga bevosita ta'siri tahlil qilinadi.

**Kalit so'zlar:** Ali Safiy, ilmiy va irfoniy tahsil, voizi va xotib, Safiy, ijtimoiy-diniy hayot, insoniylik, samimiylik.

**Аннотация:** В данной статье анализируется жизненный путь, творческая деятельность и научное наследие Али Сафи. Анализируется непосредственное влияние неспокойной обстановки в период жизни Али Сафи на личную жизнь учёного, научную, общественно-политическую деятельность, мировоззрение, мистико-научное наследие.

**Ключевые слова:** Али Сафи, научно-мистическое образование, проповедник и оратор, Сафи, общественно-религиозная жизнь, человечность, искренность.

**Abstract:** This article analyzes the life path, creative activity and scientific heritage of Ali Safi. The direct impact of the turbulent conditions in the period of Ali Safi's life on the scholar's personal life, scientific, socio-political activities, worldview, mystical-scientific heritage is analyzed.

**Key words:** Ali Safi, scientific and mystical education, preacher and speaker, Safi, socio-religious life, humanity, sincerity.

Faxriddin Ali Safiy (taxallusi Safiy) (1463.11.2, Sabzavor — 1532, Hirot) tarixchi va faylasuf, Voiz, tarjimon. Adabiyotlardagi ma'lumotlarga ko'ra, Faxruddin Ali as-Safiy Voiz al-Koshifiy al-Bayhaqiy o'z davrining yetuk adibi, olimi, din va davlat arbobidir. Uning otasi Hirotda Sulton Husayn Boyqaro davlatining voizi, mudarris, islomiy ilmlar bilimdoni, Qur'oni karimga «Tafsiri Husayniy» yoki «Tafsiri forsiy» nomi bilan mashhur bo'lgan tafsir muallifi[1], ilohiyotchi olim Kamoliddin Husayn Voiz Koshifiydir. Uning hayoti va ilmiy merosi O'zbekistonda falsafa tarixi sohasida I.Mo'minov, H.Aliqulov, R.Mahmudov, adabiyotshunos olimlar O.Usmonov, N.Komilov va boshqalar tomonidan o'rganilgan va hozirgi kunda yosh olimlar tomonidan o'rganilmoqda.

A.D.Mikluxo-Maklayning ma'lumotlariga ko'ra, Ali Safiy 1463 yil 12 fevralda Hirotda Husayn Voiz Koshifiy oilasida tug'ilgan[2]. Biroq, Mahmud Hasaniy va Bahriddin Umrzoqlarning fikricha Ali Safiy «1463 yil 11 fevralda Sabzavorda tug'ilgan, so'ng ota-onasi bilan Hirotga ko'chib kelgan. Buni Ali Safiyning Xoja Ahrorga «Birinchi marta Samarqandga kelib ul Hazrat bilan uchrashish sharafiga muyassar bo'lganimda: «Qaerdan bo'lasan?» deb so'radilar. Men: «Tug'ilgan yerim Sabzavor, ammo Hirida nash'u namo topibdurmen» deb javob berdim», - deb bergan javobidan ham bilish mumkin»[3]. Bu fikr uning 1463 yil 11 fevralda Xuroson Sabzavorida – Bayhaqda tug'ilganligi, so'ngra oilasi bilan Hirotga ko'chib kelganligini tasdiqlaydi. U boshlang'ich ta'limini o'z otasidan, so'ngra mahalla maktabida olgan. Ali Safiyning yetuk olim bo'lib shakllanishiga otasining ta'siri katta bo'lgan.

Ali Safiyning ijodiy faoliyati XV asrning 70-yillarida shakllangan. U Jomiy va Navoiylarning maslahatlari bilan 1474-1489-90 yillarda Xoja Ahrorning kotibi, muridi, maslakdoshi bo'lib, u bilan birga faoliyat ko'rsatgan. 1490 yilda Sulton Husayn Boyqaro uni Hirotga taklif etgan va davlatning bosh voizi lavozimiga tayinlagan. U Hirotning barcha mashhur madrasa, masjid va xonaqohlarida islom, shariat arkonlaridan dars berishi bilan bir qatorda, xojagoniya-naqshbandiya tariqati ta'limoti va amaliyotining bilimdoni, fatvo bera oladigan yuksak nufuzli davlat va din arbobi sifatida e'tirof etilgan.

Abdurahmon Jomiy Ali Safiyning ilmiy ijod va faoliyatining shakllanishiga ta'sir etgan, unga Safiy taxallusini bergan[4]. Manbalarda yozilishicha, Faxruddin Ali ijodiy faoliyatini boshlaganida o'ziga «Ziyo» taxallusini tanlash istigini Jomiyga bildirgan. Jomiy esa: «Sen «Ziyo» taxallusini mening o'g'limga ber, o'zingga esa «Safiy» deb taxallus qil», deb javob bergani bois Faxruddin Ali o'ziga «Safiy» taxallusini olgan[4]. Demak, Ziyovuddin Yusuf Jomiyning uchinchi o'g'li ekanini hisobga olsak, Faxruddin Ali «Safiy» taxallusini 11-12 yoshida, ya'ni 1473-1474 yillarda olganligi ma'lum bo'ladi. So'ng u Jomiy va Navoiy tavsiyalari bilan 1474-1490 yillar oralig'ida Samarqandda o'qishni davom ettirgan, Xoja Ahror Valiy huzurida kotib sifatida va tasavvufiy-irfoniy izlanishlarda o'tkazgan.

Mavjud manbalarning tahlili asosida biz Faxruddin Alining 11-12 yoshida Samarqandga ilmiy va irfoniy tahsil uchun yuborilishining quyidagi sabablarini aniqladik:

- birinchidan, juda yoshligidanoq ilmga chanqoqligi, qobiliyati, iste'dodini namoyon qila boshlagan yosh Faxruddin Ali uchun davrning ilm-fani gullab-yashnagan, ayniqsa, tabiiy-ilmiy bilimlar o'z yuksak cho'qqisiga ko'tarilgan Samarqanddagi Mirzo Ulug'bek asos solgan muhitda nufuzli madrasalarda o'qish, tahsilini takomilga yetkazish tabiiy orzu edi;

- ikkinchidan, Samarqanddagi yuksak ilm-fan, madaniy muhitda dunyoning bir qator mamlakatlari, jumladan, Xurosondan bu yerga kelib o'z ta'limi va ma'lumotini yuksaltirish bilan bog'liq muayyan an'ana mavjud edi;

- uchinchidan, Jomiy Xurosonda, Eronga tutash mintaqalarda sunniy parokandalik kuchaya boshlashi oqibati o'laroq jonlanib qolgan sunniy-shia ziddiyatlari ortib borayotganligini chuqur anglab, bunday muhit Ali Safiy uchun ma'lum xavf-xatar tug'dirishi mumkinligi ehtimoli bo'lganligidan uni Samarqandga Xoja Ahror huzuriga o'z tavsiyasi va vositachiligida yuborgan edi. Bu esa uning Ali Safiy ta'lim-tarbiyasiga befarq emasligidan, unda yosh Faxruddin Alini xavfdan saqlash istagi bo'lganidan darak beradi.

Bizning fikrimizcha, Jomiyning tashabbusi bilan Ali Safiyning Xoja Ahror huzuriga yuborilishi tasodifiy emas, balki vaziyat taqozosi bo'lgan, chunki, Ali Safiy (1474-1490) bilan bir qatorda Fazlulloh ibn Ro'zbehon (1510-1521), Kamoliddin Binoiy (1501-1512), Zayniddin Vosifiy (1510-1531) va boshqa o'nlab madaniyat vakillari; musavvir va naqqosh, muzahhiblar Buxoro va Samarqandga faqatgina sunniy va shialarning o'zaro kurashidan qochib emas, balki, jumladan, ilm istab kelganlar, desak mubolag'a bo'lmaydi.

Demak, Ali Safiy ayni balog'at yoshida ijtimoiy-diniy hayotning faol ishtirokchisi bo'lgan, ilmiy ijodi XVI asrning birinchi choragida yuksalgan. Ali Safiyning balog'at yoshida o'sha davrning buyuk allomalari uni qo'llab-quvvatlagan, biroq, 1490 yilda Xoja Ahrorning, 1492 yilda Abdurahmon Jomiyning, 1501 yilda Alisher Navoiyning, 1505 yilda otasi Kamoliddin Husayn Voiz Koshifiyning, 1506 yilda qudratli hukmdor Sulton Husayn Boyqaroning vafot etishi uning uchun og'ir judolik bo'lgan.

1507-1510 yillarda Hirotning hukmdori Shayboniyxon Ali Safiyning iqtidorini yuqori baholagan va unga lutf etib davlatning voizi va xotib, deb e'lon qilgan. Shu sabab bu davrda Ali Safiy Sulton Husayn Boyqaro davridagidek o'zining ilmiy-irfoniy ijodi uchun barcha sharoitlarga ega bo'lgan. Ammo, Shayboniyxonning jiyani Ubaydullohxon Ali Safiyning faoliyatiga shubha bilan qaragani bois, u 1515-1529 yillarda olimni noaniq sabab bilan bir yilga zindonband etgan va keyin G'arjastonga badarg'a qilgan[5].

Manbalarda Ali Safiyning shaxsiy hayoti, oilasi, farzandlari va yaqinlari haqida hozircha aniq ma'lumot yo'q. Biroq, «Rashahotu aynil hayot» asarida u o'zining Sa'duddin Qoshg'ariyning to'ng'ich o'g'li Xojai Kalonning qiziga uylanganligini, Jomiyga boja bo'lganligini yozgan. Xususan, u «Maxfiy qolmasunkim, Mavlono Sa'duddin quddisa sirrahuning valadi buzrugvorlari Hazrati Xoja Kalonning sulbiyyalari bor edi. Hazrati Maxdumning (Jomiyning) hubolalariga

(nikohlariga) kirib erdi. Va yana biri bu harf bila xurufning roqimiga (Safiyga) havola bo'lub erdi. Va bu ma'noda oytuldi. Qit'a:

*Du kavkabi sharaf az burji sa'di millatu din,*
*Tulu' kardi bar omad basoni dur zi sadaf,*
*Az on yake baziyo gasht bayti orifi Jom,*
*Az in haziz va boli Safiy shud avji sharaf.*
*(Ikki sharaf yulduzi millat va dinning baxtiyorlik burjidan,*
*Dur sadafdan chiqqani kabi nur sochib chiqdi.*
*Ulardan bibi Jom orifi uyining nuri bo'ldi,*
*Safiyning qanoti esa yuksaklik burjiga etdi)»* deb ta'kidlagan[4].

Bu esa, uning oila qurganligi, lekin Navoiy ta'kidlaganidek, «dardmand sheva», «foniy sifat»ligi uchun farzand ko'rmaganligining dalilidir.

Navoiy «Majolis un-nafois» asarida Ali Safiyning faoliyatiga «Mavlono Safiy – Mavlono Husayn Voizning o'g'lidur. Bag'oyat darveshvash va foniy sifat va dardmand sheva yigitdur. Hiriydan Samarqandg'a Hazrat Xoja Ubaydulloh Ahror suhbatig'a musharraf bo'lur uchun bordi va andoq derlarkim, onda qabul sharafin topib, irshod va talqin saodatig'a sarafroz bo'lib, yana Xurosong'a keldi. Tab'i xo'b voqe' bo'lubtur… (matla')»[5] deb yuqori baho bergan va yosh Safiyning nafaqat ilmiy salohiyati, balki insoniyligi, samimiyligiga ham e'tibor qaratilgan.

Shuningdek, Abdulhay ibn Abdulfath al-Husayniy «Nasabnomai Xoja Ubaydulloh Ahror (q.s.)» asarida Abdurahmon Jomiyning Ali Safiy haqidagi «Hazrati Maxdumi Mavlono Abdurahmon Jomiy Xojaning sha'nida (Xoja Ahrorning o'g'li Xoja Qutbiddin Yah'yo) Mavlono Faxruddin Ali xizmatini nazarda tutib, «Qanday latofat va husni iste'dodki, Xojaning xizmatini qiladi», Yana «Uning suhbatiga etishganimda,-deb davom etadi Jomiy, - unga nisbatan lutfona moil bo'ldim. Hayratdan faryod qilishimga oz qoldi»[6] degan ta'rifining bayoni uning 1490-1492 yillardayoq juda katta e'tibor qozonganligidan dalolat beradi.

Shuningdek, Nisoriy Buxoriy «Muzakkiri ahbob» asarining «Mavlono Faxriddin Ali Voiz»ga bag'ishlangan bobida uning faoliyatiga yuksak baho bergan bo'lsa, 1494 yilda Voiz Koshifiy o'g'li Alining iste'dod, salohiyat va insoniyligiga «Pok vujudi va sof qalbi zavol topmasin, arjumand farzandimiz bu varaqlar tugallanishi ta'rixida ruboiy insho qilibdi, mana o'sha ruboiy ...», - deb e'tirof etgan.

Ali Safiy hayoti va merosini o'rganar ekanmiz, uning merosi hozirgi davrgacha tizimli tahlil etilmagani, nomini ko'pchilik bilmasligini guvohi bo'ldik. Masalan, «O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti «Qomuslar bosh tahririyati» 2004 yilda nashr etgan «Islom» ensiklopediyasining 317-betidagi «Husayn Voiz Koshifiy» nomli maqolada «Rashahotu aynil hayot»ni Husayn Voiz

Koshifiyning qalamiga mansub deb noto'g'ri ma'lumot berilishi fikrimizning dalilidir.

Ali Safiy «Rashahotu aynil-hayot» asarining XVI-XIX asrning I yarmida qo'lyozma nusxalarda keng tarqalganligi, qo'lyozmalar xazinalarida saqlanayotganligi, toshbosma-litografiya nashrlarining ko'pligi, nufuzli bibliografiyalarda tavsiflanganligi uning O'rta va Yaqin Sharq xalqlarida, shuningdek, G'arbiy Evropa sharqshunos olimlari tomonidan foydalanib kelinayotganligi asarning ahamiyati yuqoriligidan dalolat beradi.

Hozirgi yangi tadqiqotlar (P.Yurgen, De Vin di Vis, B.Bobojonov, A.Zohidiy va b.) Movarounnahrdagi yassaviya, kubroviya va xojagon-naqshbandiya tariqatlari taraqqiyotini o'rganishda Ali Safiy va uning «Rashahotu aynil-hayot» tazkirasining birlamchi manba sifatidagi o'rni va ahamiyati borasida fanda mavjud qarashlar, tasavvurlarni qaytadan ko'rib chiqishga majbur qilayotgan bo'lsa-da, bizning fikrimizcha, bu manba qator jihatlariga ko'ra, mintaqada tasavvuf tariqatlari, ularning piri-murshidlari faoliyati, merosi, dunyoqarashini, xususan, Xoja Ahrorni ijtimoiy-siyosiy faoliyati, irfoniy dunyoqarashi, merosi va tariqat amaliyotini tadqiq etishda o'zining birlamchi va ishonchli ilmiy-falsafiy, tasavvufiy, tarixiy manbaviy ahamiyatini saqlab qolmoqda.

Bu esa falsafa, xususan, Markaziy Osiyo xalqlari diniy-falsafiy, irfoniy tafakkuri taraqqiyotida muhim o'rin tutadigan Xoja Ahror shaxsiyati, merosi, dunyoqarashi, amaliy-siyosiy faoliyatining u yoki bu jihatlarini bir-biridan uzib olib emas, balki yaxlit holda, muntazam va mantiqiy izchillikda, gnoseologik va metodologik asoslariga ko'ra tadqiq etish imkonini beradi. Shuningdek, Xoja Ahror va u yashab o'tgan davr milliy, umuminsoniy, diniy-irfoniy hamda axloqiy qadriyatlariga ko'ra baho berish, diniy-irfoniy, ilmiy-falsafiy, axloqiy, siyosiy fikr taraqqiyotidagi o'rni, ta'siri va ahamiyatini ilmiy va tarixiy xolis ochib berish uchun yetarli va kifoya qiladigan asos vazifasini o'taydi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, birinchidan, Ali Safiy yashagan davrdagi notinch shart-sharoit o'z navbatida allomaning shaxsiy hayoti, ilmiy, ijtimoiy-siyosiy faoliyatida, dunyoqarashi, tasavvufiy-ilmiy merosida o'zining bevosita aksini topdi. Shu bilan birga, Faxruddin Ali Safiyni davrining etuk allomasi bo'lib shakllanishida Hirotdagi ma'naviy muhit, otasi va ustozlarining ta'siri kuchli bo'lgan.

Ikkinchidan, alloma o'z davrining zabardast olimi sifatida din, tasavvuf, axloq, ritorika kabi sohalarda ijod qilgan va asarlar qoldirgan. Uning asarlari Markaziy Osiyo ilmiy-falsafiy, diniy-tasavvufiy merosini o'rganish bo'yicha birlamchi, asosiy manbalar vazifasini o'taydi. Ali Safiyning asarlari davr ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-madaniy va diniy-ma'rifiy hayoti, tarixiy shaxslar haqida betakror ma'lumotlar jamlanganligi bilan xalqimiz ma'naviy madaniyatining ildizlarini tadqiq etish va

tegishli, xolis va adolatli baho berish imkoniyati sifatida, ayniqsa muhim ahamiyat kasb etadi.

Alloma asarlarini tadqiq etish, tasniflash, qo'lyozmalarini topish va zamonaviy tillarga tarjima qilib, nashr etish hozirgi kundagi sharqshunos, faylasuf, tasavvufshunos, tarixchi, filolog, adabiyotshunos olimlarning oldida turgan dolzarb vazifalardan hisoblanadi.

## REFERENCES

1. Mahmudov R. Husayn Voiz Koshifiy – axloqshunos olim. – Guliston, 1990. –B. 5-13;
2. Миклухо-Маклай А.Д. Описание персидских и таджикских рукописей ИВ АН. Вып.3. –М.: Наука, ГРВЛ. 1975. -С. 115.
3. Mahmud Hasaniy, Bahriddin Umrzoq. Faxruddin Ali Safiy va uning «Rashahot» kitobi haqida. - Faxruddin Ali Safiy. Rashahotu aynil hayot. –T.: Abu Ali ibn Sino, 2004. –B. 8.
4. Faxruddin Ali Safiy. Rashahotu aynil hayot (Obihayot tomchilari). –Toshkent: Abu Ali ibn Sino, 2004. –B. 212.
5. Nuriddinov Sh., Ahmadov M. Faxriddin Alii Safy. // Dundonahoi nasr. Namunahoi nasri forsu tochik. Asrhoi XV to avvali asri XVIII. Childi savvo'm. –Dushanbe: Adib, 1991. –S. 239.
6. Navoiy Alisher. Majolis un-nafois. Mukammal asarlar to'plami. 13-jild. Toshkent: –B. 128.
7. Гафуров, Б. А., & Холназарова, Д. М. (2016). Отражение социальной и религиозной политики Бабура в его завещании. *Наука и образование сегодня*, (4 (5)), 59-60.
8. Mamatmuratovna, K. D., & Gapparovich, T. S. (2021, April). SYSTEM OF PREPARATION OF YOUNG PEOPLE FOR SPIRITUAL, LEGAL AND LEGAL EDUCATION. In *Archive of Conferences* (Vol. 23, No. 1, pp. 168-171).
9. Mamatmuratovna, K. D., & Gapparovich, T. S. (2021, April). SYSTEM OF PREPARATION OF YOUNG PEOPLE FOR SPIRITUAL, LEGAL AND LEGAL EDUCATION. In *Archive of Conferences* (Vol. 23, No. 1, pp. 168-171).
10. Xolnazarova, D., & Tangirberdiyev, S. (2021). TALABALAR HUQUQIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA HUQUQIY TA'LIM-TARBIYANING ROLI. *Academic research in educational sciences*, *2*(3), 1313-1317.
11. Kholnazarova, M. (2023). THE DEVELOPMENT STAGES OF TEACHING KUBROVIA IN PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL INTERPRETATION. *Science and innovation*, *2*(C11), 86-92.

12. Kholnazarova, M. (2023). THE DEVELOPMENT STAGES OF TEACHING KUBROVIA IN PEDAGOGICAL-PSYCHOLOGICAL INTERPRETATION. *Science and innovation*, *2*(C11), 86-92.
13. Мавлянов, У. Н. (2020). ПРОБЛЕМЫ ОНТОЛОГИИВ НАСЛЕДИИ АЛИ САФИ. *Вестник Российского философского общества*, (1-2), 200-209.
14. Мавлянов, У. Н. (2018). Жизнь и творчество Али Сафи. *Наука и образование сегодня*, (1 (24)), 42-44.

# "QUVIB YETUVCHI MODERNIZATSIYA" NAZARIYALARINING INQIROZI

**Tunis Nurkosimovich Xojiyev**
O'zbekiston Milliy universiteti
Huquqiy fanlar kafedrasi dotsenti, falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori,
O'zbekiston Respublikasi Toshkent shahri

**Annotatsiya**

Mazkur maqolada ijtimoiy rivojlanishga oid modernizatsiya nazariyalarining tarixiy modellari tahlil qilingan. Jumladan, ijtimoiy rivojlanishning modernizatsion nazariyasiga oid kategorial apparat uning tarixiy-siyosiy, metodologik jihatlari ochib berilgan. Shuningdek, modernizatsion yondashuvga ko'ra, jamiyat taraqqiyotining ma'lum bosqichlarida shakllangan modellarning xususiyatlari ochib berilgan. XX asrning ohirida "quvib yetuvchi modernizatsiya" nazariyalarining inqiroziga sabab bo'lgan omillar tahlil etiladi.

**Kalit so'zlar:** modernizatsiya, ijtimoiy rivojlanish, modernizatsiya modellari, quvib yetuvchi modernizatsiya modeli, kechikkan modernizatsiya.

**Аннотация**

В данной статье анализируются исторические модели теорий модернизации, связанных с социальным развитием. В частности, раскрывается категориальный аппарат модернизационной теории общественного развития, её историко-политические и методологические аспекты. Также, согласно модернизационному подходу, описываются особенности моделей, сформировавшихся на определенных этапах развития общества. Анализируются факторы, вызвавшие кризис теорий "догоняющей модернизации" в конце XX века.

**Ключевые слова:** модернизация, социальное развитие, модели модернизации, модель догоняющей модернизации, отсроченная модернизация.

**Resume**

This article analyzes historical models of modernization theories related to social development. Specifically, it explores the categorical apparatus of the modernization theory of social development, revealing its historical, political, and methodological aspects. Furthermore, following the modernization approach, the features of models formed at certain stages of societal development are elucidated. The factors that led to the crisis of "catch-up modernization" theories at the end of the 20th century are also examined.

**Keywords:** modernization, social development, modernization models, overtaking modernization model, delayed modernization.

Jamiyat taraqqiyotini tushuntrish bilan bog'liq bo'lgan bir qancha nazariyalar mavjud bo'lsa-da, ular orasida eng ko'p muhokama etiladigani shubhasiz modernizatsiya nazariyalari hisoblanadi. XX asrning o'rtalarida shakllangan ushbu nazariya insoniyat tarxidagi ijtimoiy rivojlanishga oid umumiy qonuniyatlarni ishlab chiqish va tushuntirishni maqsad qilgan edi. Modernizaiya nazariyalari evolyusiyasi shakllanishi bilan birgalikda uning qancha nazariy modellari ham shakllangan edi. "Quvib yetuvchi modernizatsiya" nazariyalari ham XX asr so'ngida ko'plab davlatlarning taraqqiyotini tushuntirishga qaratilgan tahlillarni keltirgan bo'lsada, asr ohiriga kelib, keskin tanqidlarga uchradi.

Jamiyatni modernizatsiyalash nazariyasining rivojlanishi va ommalashuvi davri metodologiyaning keskin inqirozi bilan yakunlandi. Bunga ijtimoiy modernizatsiya paradigmasi elementlari o'rtasidagi ziddiyatlar, determinizmning turli ko'rinishlarining eklektik birlashuvi guvohlik berardi. Shu bilan birga, amaliy jihatdan, modernizatsiya muvaffaqiyatli bo'ldi, chunki uning natijasida ko'plab "uchinchi dunyo" davlatlari sanoatlashdi. Ayni paytda, XX asrning 70 yillarida sanoatchilik texnogen sivilizatsiyaning yetakchi paradigmasi sifatida insoniyatning yangi davrga o'tganini ko'rsatuvchi ijtimoiy o'zgarishlarni aks ettira olmay qoldi.

XX asrning ohirgi o'ttiz yili G'arbning rivojlangan mamlakatlarida ijtimoiy tuzilma va institutlarning tubdan o'zgarishi bilan tavsiflanadi. 1960 yillarning ikkinchi yarmidan boshlab jamiyat, madaniyat va fanda uning hozirgi holati bilan oldingi holati o'rtasidagi chuqur farqni ko'rsatuvchi vaziyat yuzaga keldi. Agar oldingi bosqich "modern" yoki zamonaviylik deb atalgan bo'lsa, keyingi bosqichni "postmodern" yoki postzamonaviylik deb atash boshlandi. Buning natijasida rivojlanayotgan mamlakatlar va butun dunyo uchun modernizatsiyaning yangi maqsadlarini shakllantirgan bir qator "tarixiy chaqiriqlar" vujudga keldi. Masalan, E.Toffler o'zining "Futuroshok" (1970) asarida shunday yozgan edi: "Hozirgi kunda sodir bo'layotgan voqealar sanoat inqilobiga o'xshash bo'lsa-da, undan ko'ra kengroq, chuqurroq va muhimroqdir... Ayni payt insoniyat tarixidagi ikkinchi buyuk burilish nuqtasini ifoda etadi"[125].

XX asrning so'nggi choragida ijtimoiy tuzilma, hokimiyat institutlari va ma'naviy madaniyatdagi o'zgarishlar endi sanoat tizimining alohida unsurlarigagina emas, balki ijtimoiy munosabatlarning butun majmuasiga ta'sir ko'rsata boshladi.

[125] Гидденс Э. Социология / Пер. с англ. - М.: Эдиториал УРСС, 1999. – Б-704.

N.A.Maslov[126] ta'kidlaganidek, ijtimoiy voqelikning sifat jihatidan o'zgarganini quyidagi ob'ektiv holatlar ko'rsatardi: past maoshli va kam malakali mehnatga asoslangan ommaviy ishlab chiqarishning samarasizligi; transmilliy korporatsiyalarning ilmiy-tadqiqot bo'linmalari strategiya ishlab chiqish va qaror qabul qilish markaziga aylanishi; an'anaviy proletariat (ya'ni "ko'k yoqalilar") sonining kamayishi; ishchi sinfining turli ijtimoiy maqomga ega bo'lgan ijtimoiy-kasbiy guruhlarga bo'linishi; ziyoli xodimlarning jamiyat ongidagi ta'siri va obro'sining oshishi hamda ularning ijtimoiy ishlab chiqarishning "asosiy" sektoriga ajralib chiqishi; fundamental ilmiy bilimlarni ishlab chiqish va rivojlantirish bilan shug'ullanuvchi institutlar va boshqa tashkilotlarning faoliyati kengayishi va ijtimoiy ahamiyatining ortishi; kommunikatsiyalarning, shu jumladan ishlab chiqarishni tashkil etish va boshqarish sohasidagi aloqalarning jadal rivojlanishi; innovatsiyalarning tezlashishi; mohiyatan xalqaro ma'naviy madaniyatning shakllanishi.

Ijtimoiy voqelikning industrial jamiyat "ijtimoiy chegaralari"dan tashqariga chiqishi g'arb olimlarini shakllanayotgan jamiyatni tasvirlash uchun "post" old qo'shimchali ko'plab atamalarni joriy etishga undadi: postmodernistik, postindustrial, postiqtisodiy, postkapitalistik, postbiznes va boshqalar. Bu atamalarning mualliflari iqtisodiyot va ijtimoiy tuzilmadagi o'zgarishlarga olib keladigan ilm-fan yo'nalishidagi texnologiyalarning hal qiluvchi rolidan kelib chiqishgan.

D.Bellning "Kelajakdagi postindustrial jamiyat" (1973) kitobida taklif etilgan paradigma eng keng tarqalgan bo'lib, u quyidagi asosiy xususiyatlarni o'z ichiga oladi: texnologik innovatsiyalarning asosi sifatida nazariy bilimning hal qiluvchi roli; ilm-fan yutuqlari negizida intellektual texnologiyaning yaratilishi; bilim sohiblari hisoblangan texnik mutaxassislar va kasb egalari sinfining shakllanishi hamda son jihatdan o'sishi; tovar ishlab chiqarishdan xizmat ko'rsatish sohasiga o'tish; ijtimoiy birliklar - situslar asosida gorizontal tabaqalanishdan vertikal tabaqalanishga o'tish; siyosat sohasidagi meritokratiya; axborotning xususiy emas, balki jamoaviy mahsulot ekanligini nazarda tutuvchi axborot mulkiyati nazariyasi[127].

Umuman olganda, postindustrial paradigma "iqtisodiy o'sish bosqichlari" va "industrial jamiyat" nazariyalarini qayta ko'rib chiqishni o'z ichiga olib, modernizatsiya nazariyasi kabi, jamiyatning tarixiy rivojlanishini tavsiflashga intiladi[128]. Jahon tarixini sanoatgacha (agrar), sanoat va postsanoat (D.Bell),

[126] Маслов Н. А. Идея индустриализма: философско-методологические аспекты интерпретации социального организма в западных теориях XIX – XX веков. - М.: РАГС, 1996. – Б-110.
[127] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / Пер. с англ. - М.: Academia, 1999. - . CLIV - CLIX с.
[128] Маслов Н. А. Идея индустриализма: философско-методологические аспекты интерпретации социального организма в западных теориях XIX – XX веков. - М.: РАГС, 1996. - 172 с.

texnotron (Z.Bjezinskiy), o'ta sanoatlashgan (O.Toffler) jamiyat bosqichlariga bo'lishning asosida texnika darajasi, mehnatning tarmoq va kasbiy taqsimlanishi yotadi. D.Bellning fikricha, bu omillarga ko'ra jamiyatning moddiy-iqtisodiy sohasida "birlamchi sektor" - qishloq xo'jaligi, "ikkilamchi sektor" - sanoat yoki "uchlamchi sektor" - xizmat ko'rsatish sohasi ustunlik qiladi. An'anaviy jamiyatni industrial jamiyatdan ajratuvchi chegara sifatida zamonaviy sivilizatsiyaga asos solgan Yangi davrdagi sanoat inqilobi hamda moddiy ishlab chiqarishda fan rolining o'zgarishi bilan bog'liq ilmiy-texnika inqilobi e'tirof etiladi. "Quvib yetuvchi modernizatsiya" inqirozi bilan bir vaqtga to'g'ri kelgan postindustrial paradigma shakllanishi ijtimoiy modernizatsiya nazariyalari rivojlanishiga sezilarli ta'sir ko'rsatmay qolmadi. Bir tomondan, modernizatsiya paradigmasi metodologiyaning chuqur inqirozini boshdan kechirgan bo'lsa, boshqa tomondan esa, inqirozni boshidan o'tkazayotgan nazariya qoidalariga asoslangan modernizatsiya amaliyoti, mohiyatan, o'z maqsadlarini yo'qotgan edi. Boshqacha aytganda, "quvib yetuvchi modernizatsiya" nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham istiqbolsiz bo'lib qoldi.

O'z taraqqiyotining cho'qqisida bo'lgan AQShni o'ziga mo'ljal qilib olgan industrial "genotip" uchun poygaga qo'shilgan rivojlanayotgan mamlakatlarning chorak asrlik uzluksiz sa'y-harakatlari ular o'rtasidagi farqni kamaytirmadi. Urushdan keyingi o'ttiz yil davomida "uchinchi dunyo"ning umumjahon sanoat ishlab chiqarishidagi hissasi oshganiga qaramay, 1970 yilga kelib rivojlanayotgan mamlakatlarning yalpi ichki mahsuloti jahon kapitalistik xo'jaligining yalpi ichki mahsulotiga nisbatan o'zgarishsiz qoldi, uning aholi jon boshiga to'g'ri keladigan ulushi esa (G'arbga nisbatan) pasaydi. Bu davrga kelib, modernizatsiyalashayotgan mamlakatlarning jahon iqtisodiyotiga integratsiyalashuvining asosiy manbai ilgarigidek agrar sektor bo'lib qolmoqda. Rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyoti sezilarli tarmoq nomutanosibliklari bilan ajralib turardi. Sanoatning qazib olish va qayta ishlash sektorlari boshqa sohalarga nisbatan tezroq sur'atlarda rivojlanayotgan edi. Xususan, Afrika mamlakatlarida iqtisodiy o'sishning asosiy manbai mineral va uglevodorod xom ashyosi eksportining ko'payishi bo'ldi. Bu xom ashyolarni qazib olish hajmi muntazam ravishda ortib bordi: 1960 yildan 1970 yilgacha mineral xom ashyo qazib olish 2,5 barobar, uglevodorod xom ashyosi esa 20 barobardan ko'proq oshdi.

Bundan tashqari, sanoat va qishloq xo'jaligida mehnat unumdorligi bo'yicha AQSh va rivojlanayotgan mamlakatlar o'rtasidagi farq shunchalik kengaydiki, uni "quvib yetuvchi" modernizatsiya orqali bartaraf etish imkonsiz bo'lib qoldi. Bu holat rivojlanayotgan mamlakatlarda texnologiyalar rivojlanishining past darajasi bilan keskin tafovutni kuchaytirdi. Ushbu mamlakatlarda endigina konveer va ishlab chiqarishni to'liq mexanizatsiyalashtirish joriy etilayotgan bir paytda, "birinchi

dunyo"dagi G'arb mamlakatlari sanoatni avtomatlashtirish va axborotlashtirish bilan bog'liq bo'lgan ilmiy-texnik taraqqiyotning yangi bosqichini boshdan kechirayotgan edi.

"Quvib yetuvchi" modernizatsiyaning samarasizligi nafaqat "uchinchi dunyo" iqtisodiyotining, balki ma'naviy madaniyatning, xususan, xalq ta'limining rivojlanish natijalarida ham o'z aksini topdi. 1970 yilda modernizatsiya qilinayotgan mamlakatlar aholisining 70 foizdan ortig'i boshlang'ich va o'rta ma'lumotga ega bo'lgan bo'lsa, oliy ma'lumot olganlar atigi 4 foizni tashkil etgan. Shunday qilib, modernizatsiya qilinayotgan mamlakatlarda sanoatning moddiy infratuzilmasi va moddiy ne'matlar ishlab chiqarish bilan bevosita bog'liq bo'lgan sohalar ustuvor tarzda rivojlandi, ijtimoiy tuzilmada esa postindustrial voqelikka xos qatlamlar deyarli shakllanmadi. Bu esa postindustrial jamiyat bosqichiga o'tgan texnogen sivilizatsiyaning ob'ektiv mantig'iga zid edi.

Natijada, dastlabki "quvib yetuvchi" modernizatsiya nazariyasi o'zining progressiv imkoniyatlarini yo'qotdi va uning maqsadi – milliy madaniyat negizida G'arb zamonaviyligining namunalariga o'xshash sanoat "genotipi"ning tuzilishi va vazifalarini qayta yaratish – amalga oshirib bo'lmaydigan bo'lib qoldi.

"Quvib yetuvchi" modernizatsiyaning amalda samarasizligini hal etilmagan muammolar majmui ko'rsatib turardi. Xususan, demografik, ijtimoiy-madaniy va boshqa muammolar ijtimoiy keskinlikni kuchaytirardi. Shu bilan birga, G'arbda "umumiy farovonlik", kafolatlangan turmush darajasi, o'rta sinf va iste'molchilar jamiyati haqidagi sotsial-demokratik g'oyalar tobora ko'proq ta'sir kuchiga ega bo'lib bordi. Ilgarigi qarama-qarshi sinfiy tuzilma jiddiy o'zgarishlarga uchradi, tabaqalashdi, mulkiy ahvoli va ijtimoiy mavqei bilan farqlanuvchi yangi ijtimoiy qatlamlar shakllandi.

1980 yillar boshiga kelib, modernizatsiya markazi yangi industrial mamlakatlarga - Janubiy Koreya, Tayvan, Gonkong va Singapurga ko'chdi. Bu mamlakatlar "quvib yetuvchi" modernizatsiyaga muqobil yo'lni namoyish etdilar. 1980 yillarda ularning iqtisodiy o'sish sur'atlari dunyoda eng yuqori bo'ldi: o'n yillikning birinchi yarmida yalpi milliy mahsulot yiliga 6-8 foizga, 1980 yillarning oxirida esa 8-10 foizga oshdi. Bu esa, ushbu to'rtta mamlakatlarga aholi jon boshiga to'g'ri keladigan yalpi milliy mahsulotning o'rtacha jahon darajasidan oshib ketish va G'arbning rivojlangan mamlakatlariga yaqinlashish imkonini berdi.

Yangi industrial mamlakatlarning jadal rivojlanishi modernizatsiya strategiyasini o'zgartirgan davlat chora-tadbirlari majmuasi tufayli amalga oshdi. Bu chora-tadbirlarga quyidagilarni kiritish mumkin:

-eksport ishlab chiqarishni rag'batlantirish;

-eksport tarmoqlari uchun xomashyo importiga bojxona tariflarini pasaytirish;

-eksportdan olinadigan daromad soliqlarini kamaytirish;

-xomashyo va uskunalarni bojsiz olib kirishga ruhsat berish;

-tayyor mahsulotlarni eksport qilish imkoniyatini beruvchi erkin savdo zonalarini tashkil etish.

Yangi industrial mamlakatlarni modernizatsiya qilish strategiyasi tahlili V.V.Mixeevning "Muqobil izlanish: Osiyo taraqqiyot modellari: sotsialistik va "yangi sanoatlashgan mamlakatlar" asarida batafsil keltirilgan[129]. 1970 yillargacha sanoatni rivojlantirishda ustuvorlik qishloq xo'jaligi singari mehnat talab qiladigan tarmoqlarga, keyinchalik esa po'lat, kema, avtomobil va kimyoviy moddalar ishlab chiqarish kabi kapital talab qiladigan sohalarga berilgan bo'lsa, 1980 yillarning oxirida postindustrial jamiyat mantig'iga muvofiq, ilm-fanga asoslangan ishlab chiqarish ustuvor ahamiyat kasb eta boshlagan edi. 1980 yillarda sanoatning jadal rivojlanishi bilan birga xizmat ko'rsatish sohasi yanada tezroq o'sdi. Bu esa iqtisodiy faol aholining tarkibini o'zgartirdi va ularning asosiy qismi noishlab chiqarish tarmoqlarida band bo'lishiga olib keldi. Xususan, bugungi kunda ham rivojlangan G'arb davlatlarida YaIMda xizmat ko'rsatish va servis sohasida aholining katta qismi bandligi fikrimizni tasdiqlaydi. Yana bir faktga diqqat qaratish lozimki, yangi sanoatlashgan davlatlar eksporti tarkibida mashinasozlik mahsulotlari yetakchilik qilgan. 1965 yildan 1985 yilgacha bu mamlakatlarda (Tayvan, Gonkong va Singapur) sanoat eksportining umumiy hajmi 30 barobardan ziyod, Janubiy Koreyada esa 266 barobarga oshdi[130]. Ilg'or texnologiyalar asosida sanoatni jadal texnologik qayta jihozlash AQSh, Yaponiya va G'arbiy Yevropa bozorlarida mahsulotning raqobatbardoshligini ta'minlovchi yuqori sifat darajasiga erishish imkonini berdi. Shu tariqa, yangi industrial mamlakatlarning ishlab chiqaruvchi kuchlari postindustrial jamiyat ishlab chiqaruvchi kuchlarining tuzilishiga mos keldi. Buni rivojlanayotgan mamlakatlar va hududlarga sanoat eksporti ulushining kamayib borishi ham tasdiqlaydi.

Yangi sanoatlashgan mamlakatlar iqtisodiyotining shiddat bilan rivojlanishi modernizatsiyaning asosiy tashabbuskori bo'lgan davlat faoliyatining natijasidir. Davlat sanoatning shakllanishi va taraqqiyotida yetakchi o'rin egallagan. Masalan, Singapurda mamlakatning yalpi milliy mahsulotining to'rtdan birini ishlab chiqaradigan 450 ta kompaniya aksiyalarining nazorat paketi davlatga tegishli edi[131]. Shunday qilib, "yangi industrial mamlakatlar" klassik "quvib yetuvchi" usuldan farqli

[129] Михеев В. В. В поисках альтернативы. Азиатские модели развития: социалистические и «новые индустриальные страны» - М.: Международные отношения, 1990. -132 с.
[130] Арефьева Е. Б. Развиваюшиеся страны Азии в мировой промышленности. - М.: Наука, 1989. - 178 с.
[131] Михеев В. В. В поисках альтернативы. Азиатские модели развития: социалистические и «новые индустриальные страны» - М.: Международные отношения, 1990. -108 с.

bo'lgan va postindustrial jamiyat talablariga javob beradigan modernizatsiyaning sifat jihatidan yangi metodologiyasini namoyish etdilar. 1980 yillarda Tayvanda "ilmiy-sanoat parklari" tashkil etildi. Ular olingan foydaning 10 foizini robototexnika, optika va boshqa sohalardagi ilmiy-tadqiqot hamda tajriba-konstruktorlik ishlariga sarfladilar. Bu parklarda davlat nazorat paketiga ega bo'lgan aksiyadorlik jamiyatlari tuzildi. Bunday jamiyatlarda iste'dod va g'oyaning mavjudligi aksiyadorga ustav kapitalining 25 foizini ta'minlab, keyinchalik aksiyalarni sotib olish imkoniyatini berardi[132].

Bu ma'naviy ijod va muhandislik yechimlari shaklida ifodalangan bilimlar kapitalga aylantirilishi mumkin bo'lgan intellektual mulkka aylanishini ta'kidlashga imkon beradi. Iqtisodiyotning harakatlantiruvchi kuchi sifatida kapital va ishlab chiqarish vositalariga egalik, ya'ni moddiy boyliklar bilan bir qatorda bilimlar ham muhim ahamiyat kasb eta boshladi. Bu postindustrial jamiyat mantiqiga to'la mos keladi. D. Bell bashorat qilgan intellektual sinfning ustuvorligi bugun haqiqatga aylanmoqda. Iste'dod va uni muhandislik yechimiga aylantirish qobiliyatiga ega bo'lgan shaxs ishlab chiqarish vositalari egasi bo'lgan kapitalistdan kam bo'lmagan ta'sirga ega bo'ladi. U sanoat jamiyati elitasiga kirib, uni butunlay o'zgartiradi.

Janubi-Sharqiy Osiyo mamlakatlarida milliy bozorning tezkor shakllanishi va sanoatning eksport tarmoqlarini rag'batlantirish davlat-byurokratik apparatining siyosiy-iqtisodiy qarorlar qabul qilishdagi yakkahokimligi tufayli amalga oshdi. Bu jarayon milliy-madaniy o'ziga xoslik siyosati bilan to'ldirildi va "jamiyat-korporatsiya" g'oyasida o'z aksini topdi. Ushbu g'oyada konfutsiychilik axloq me'yorlari keng qo'llanilib, obro'-e'tibor va kattalarga so'zsiz bo'ysunish, tadbirkorlik, tejamkorlik va jamoaviylik kabi fazilatlar ulug'landi. Osiyo mamlakatlari o'z milliy-madaniy qadriyatlarini saqlab qolgan holda, izolyatsionizmga yo'l qo'ymadi. Aksincha, G'arb axborot texnologiyalarini o'zlashtirib, jahon xo'jaligiga faol kirib bordi. Bu esa ishlab chiqarish kuchlarini fundamental fan va axborot ustuvor bo'lgan axborot jamiyati mezonlariga muvofiq tashkil etishga imkon yaratdi. Shu bilan birga, M.Veber, E.Dyurkgeym va R.Aronning industrializmidan keyin ijtimoiy determinatsiyaning ma'naviy (masalan, ilmiy va axloqiy) vositachi bo'g'inlari g'oyasini rivojlantirgan postindustrial paradigma, o'zining dastlabki shakli - D. Bell nazariyasida metodologik ziddiyatlardan xoli emas edi. Xususan, D.Bellning fikricha, postindustrializmning paydo bo'lish sababi hamon iqtisodiy sektorlar dinamikasi bo'lib, bu K.Klark, U.Rostou va boshqa iqtisodiy determinizm vakillari davridan beri ijtimoiy o'zgarishlarning asosiy harakatlantiruvchi kuchi hisoblanar edi. Biroq, ulardan farqli

[132] Сычева В. А. Труженики четырех «маленьких драконов» - М.: Наука, 1991. - 135 с.

ravishda, "postmodern jamiyat"da iqtisodiyotning asosi sifatida sanoat ikkinchi o'ringa tushib qoladi, "asosiy tamoyil" esa nazariy bilimga, yetakchi sinf intellektual sinfga, "asosiy" texnologiyalar esa intellektual texnologiyalarga aylanadi. D.Bell ta'kidlaganidek, fan jamiyatning ijtimoiy tuzilishini o'zgartiradi.

Bugungi kunda ham sanoatlashtirishning ilmiy illyuziyasi saqlanib qolmoqda, biroq iqtisodiy determinizmdan farqli o'laroq, postindustrializm ilmiy-texnik taraqqiyotning ijtimoiy oqibatlariga ko'proq e'tibor qaratadi. Garchi XIX va XX asrlardagi fanning rasmiy ratsionallikka asoslangan, oliy maqsaddan mahrum bo'lgan jamiyatning ma'naviy ruhini ko'tara olmaydigan an'anaviy obrazi o'z mavqeini yo'qotmagan bo'lsa-da, bu holat yangi institutsional tuzilmaning tayanch nuqtasi yo'qligi, beqarorligi va turli-tumanligida o'z aksini topdi. D.Bell ta'kidlaganidek, "postindustrial o'zgarishlar javoblarni bermaydi. U faqatgina yangi umidlarni paydo qiladi... yangi cheklovlarni o'rnatadi va ilgari tasavvur ham qilib bo'lmaydigan miqyosda yangi savollarni ko'taradi"[133].

Shunday qilib, D.Bellning "Kapitalizmning madaniy qarama-qarshiliklari" (1976) kitobining paydo bo'lishi postindustrial jamiyatga o'tish davrida ma'naviy madaniyat muammosi markaziy o'rinni egallashining natijasi bo'ldi. Bu esa uning postindustrial jamiyat haqidagi birinchi asarida taklif qilingan ijtimoiy determinatsiya "mexanizmi"ning nomukammalligini anglash oqibati edi. U, aslida, axborot asri haqida so'z yuritishga imkon beradigan fanning deterministik tasviri transgressiya va reduksionizm bilan mos kelmasligini, balki faqat iqtisodiy va bilish amaliyotini ma'naviy-axloqiy tartibga solish natijasidagina shakllantirilishi mumkinligi haqida xulosa chiqardi.

Jamiyatning ma'naviy-axloqiy vositachiligi g'oyasini V.L.Inozemsev rivojlantirib, shunday ta'kidlaydi: "G'arb jamiyatlari shunday o'zgarishlarga duch keldiki, bu XX asr 60 yillarning o'rtalariga kelib ularni kapitalistik tuzum doirasidan tashqariga olib chiqdi"[134]. Uning fikricha, XIX asr kapitalizmi ijtimoiy aloqalarini belgilovchi iqtisodiy munosabatlar qadriyatlar bilan almashmoqda. Tashqi motiv - begonalashtirilgan va takror ishlab chiqariladigan mahsulotga xos bo'lgan mehnat ijodga aylanmoqda. Iqtisodiy motivatsiya shaxsiy motivatsiya bilan o'rin almashmoqda, mehnat mahsuloti esa tasniflanmaydigan va begonalashtirilmaydigan axborotga aylanmoqda. Buyumlashgan mehnat sifatidagi qiymat va u bilan birga ekspluatatsiya ham sifat jihatidan yangi ijtimoiy tuzilmada shaxsning o'zini anglashi asosida yo'qolmoqda. V.L.Inozemsev "postiqtisodiy jamiyat"da ijodkor ziyolilarning ustun ahamiyatini ta'kidlaydi. Bu esa iqtisodiy reduksionizmdan katta ijtimoiy

[133] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / Пер. с англ. - М.: Academia, 1999. - с. CLXII.

[134] Иноземцев В. Л. К теории постэкономической общественной формации. - М.: Таурус. век, 1995. - 13 с.

guruhlarning (masalan, ontagonistik sinflarning) o'zgarishi orqali emas, balki insonning ma'naviy va aqliy taraqqiyoti orqali voz kechishni nazarda tutadi.

# TURKIY TILLAR HARBIY LEKSIKASIDA SINONIMLAR
## (O'zbek tili harbiy vatanparvarlik nutqi misolida)

**Murodova Firuza Jalolovna**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Gumanitar fanlar fakulteti O'zbek tilshunosligi kafedrasi o'qituvchisi
**e-mail:** firuzamj1984@gmail.com

**ANNOTATSIYA.**

Dunyo tilshunosligida so'zning semantikasi, so'z va muayyan nutq o'rtasidagi bog'liqlik, pragmatik munosabat, tilning milliy-madaniy jihatlari asosiy masalalardir. Shu boisdan til va tafakkur, so'z ma'nosi, semik munosabatlar muammolarni konsepsiyalashtirish orqali bilimning turli strukturalarini shakllantirish va ularni namoyon qilishga keng imkoniyatlar paydo bo'ladi. Til vositalaridan amaliy foydalanish samaradorligini ta'minlashda sinonimlarning roli beqiyosdir. Bugungi kunda sinonim leksemalar o'rtasidagi semantik hamda pragmatik munosabatlarni tadqiq etish tilshunoslikning dolzarb vazifalaridan biriga aylanib bormoqda. Har qanday nutqning boyligi, ta'sirchanligi, jo'yaliligi undagi so'zlarning ko'p ma'noliligi, sinonimlarga egaligi, so'zning o'z o'rnida qo'llanganligi bilan xarakterlanadi. Sinonimlar –mazmun jihatidan bir-biriga yaqin, denotativ ma'noga ega bo'lishi asosidagi guruhlanishidir. Sinonimlar –tilimizning leksik boyligi. Undan o'rinli foydalanish fikrni ravon, go'zal, lo'nda, aniq-tiniq ifodalash imkonini beradi. Soha tillarida sinonimlarning o'rni, ulardan foydalanish, semalarning farqli va yaqin tomonlari tadqiqiga bag'ishlangan ishlar talaygina. Chunki har qanday soha tili maxsus leksik maydon so'zlaridan tarkib topganligi bilan ahamiyatlidir. Harbiy vatanparvarlik nutqida ham sinonimlardan foydalanish muhim hisoblanadi. Maqolada harbiy vatanparvarlik nutqida faol qo'llaniladigan ayrim sinonimik leksemalar: s*arhad, chegara; ulug' ayyom, qutlug' bayram, ulkan bayram; o'lka, ona diyor, ona zamin, vatan, mamlakat, yurt; hudud, zamin, yer; vatandosh, yurtdosh; mustaqillik, suverenitet; mustaqil, suveren; obro'li va nufuzli; ogoh, sergak, hushyor* kabi so'zlarning uslubiyati, ularning umumiyligi, farqli jihatlari haqida ma'lumot keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** sinonimlar, ma'nodoshlik, denotat, konnotativ ma'no, ekspressiv bo'yoq, emotsional ma'no, harbiy terminologiya, semik tahlil, semantik munosabat, paradigmatik munosabat, sintagmatik munosabat.

O'zbek tili qadimdan o'zining so'zga boyligi, serjiloligi, rang-barangligi, turli ma'no bo'yoqlariga egaligi bilan boshqa tillardan ajralib turadi. So'z mulkining sultoni Alisher Navoiy turkiy tilning nufuzi boshqa tillardan kam emasligini o'zining qator asarlari, minglab g'azallari orqali ko'rsatib beradi. Shoir o'zining "Muhokamatul tug'atayn" asarida o'zbek tilining boy tillardan bo'lib, g'oyaviy-badiiy asarlar yaratishda u katta imkoniyatga ega ekanligini amaliy va ilmiy jihatdan asoslaydi. Tilning boy va rang-barang bo'lishi undagi polisemiyalar, ma'nodosh so'zlar bilan belgilanadi. Tilshunoslarning fikricha, qaysi tilda sinonim – "ma'nodosh" so'zlar ko'p bo'lsa, o'sha til eng boy til hisoblanadi. Istiqlol davrida o'zbek tili davlat tili vazifasini ado eta olishini amalda isbotladi, shu yillar ichida tilimiz yanada rivojlandi, yangi iboralar, terminlar bilan boyidi. Til doimo taraqqiy etib, boyib bormog'i uchun til siyosati zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni, integratsiya jarayonlarini hisobga olgan holda yuritilmog'i, milliylik bilan birga baynalmilallik va ilmiylik prinsiplariga ham amal qilinmog'i kerak.

Nutqning ta'sirchan, mazmundor bo'lishida sinonimlarning o'rni beqiyos. Har bir nutq maqsadini bayon etar ekan, albatta ma'nodosh so'zlarga suyanadi. Jumladan, harbiy vatanparvarlik nutqida ham sinonimlarga murojaatni tez- tez uchratamiz. *"Ta'kidlash kerakki, milliy armiyamizning kuch-qudrati azmu shijoatli va har ishda yetuk salohiyatli harbiy xizmatchilarimizning, bag'rikeng va olijanob xalqimizning birligi va hamjihatligidadir".*[135] "S*o'nggi nafasim qolguncha o'z Vatanimning sadoqatli farzandi bo'lib qolishga, harbiy xizmatning butun mashaqqati va qiyinchiliklarini sabot bilan yengishga, davlat sirini va harbiy sirni saqlashga ajdodlarim ruhi oldida qasamyod qilaman"*[136].

Sinonimlar – ma'nodosh so'zlar (qadimgi yunoncha: σύν va ὄνυμα — bir nomli) — bir umumiy ma'noga ega bo'lgan (denotativ ma'nosi bir xil), qo'shimcha (konnotativ) ma'nosi (ekspressiv,) uslubiy va boshqa munosabat kabilarni ifodalovchi xususiyatlari) bilan o'zaro farqlanadigan til birliklari — so'z, ibora, sintaktik birlik va boshqalar. Til birliklarining bir xil ma'noga ega bo'lish hodisasiga sinonimiya deyiladi. Bu hodisa qanday til birliklariga xos ekanligiga qarab, lug'aviy (leksik) sinonimiya, frazeologik sinonimiya, sintaktik sinonimiya kabilarga bo'linadi. Sinonimik qatordagi birinchi so'z bosh so'z (asosiy so'z, denotat) hisoblanadi. Bosh so'z, odatda, hozirgi adabiy tilga mansubligi, emotsional bo'yoq, uslubga ko'ra betarafligi va shu kabi xususiyatlari bilan shu qatordagi boshqa so'zlardan farqlanadi,

[135] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 29 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan bayram tabrigi. "Xalq so'zi" gazetasi. 2022 yil 18-aprel, 9-son. 1-sahifa.

[136] **«**O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari rezervidagi xizmat to'g'risida**»gi qonun. 2018 yil. 18-aprel. www.lex.uz**

hamda, xuddi shu xususiyatlariga ko'ra tilda boshqalariga nisbatan keng qo'llaniladi. O'zbek tili leksik sathida sinonimlarga "...odatda, bir xil ma'noli so'zlar", "bir-biriga yaqin ma'noli so'zlar", "bir-biriga yaqin yoki bir xil tushunchani bildiruvchi so'zlar[137]", "ma'nosi bir-biriga yaqin, ammo uslubiy bo'yog'i, qo'llanish sathi bilan farqlanuvchi so'zlar[138]" kabi turlicha ta'riflar keltiriladi. Sinonimik qatorlarni belgilashda ulardagi ma'no yaqinligi, bir tushuncha atrofida birlashishi asos sifatida qabul qilinadi. Ammo shuni ham nazarda tutish kerakki, biror leksik birlik ikkinchi bir leksik ma'noni to'liq qoplash imkoniyatiga ega emas. Ular bir tushuncha atrofida birlashishiga ko'ra umumiy ma'no ostida ma'nodoshlikni hosil qiladi.
*Sarhad, chegara; ulug' ayyom, qutlug' bayram, ulkan bayram; o'lka, ona diyor, ona zamin, vatan, mamlakat, yurt; hudud, zamin, yer; vatandosh, yurtdosh; mustaqillik, suverenitet; mustaqil, suveren; obro'li va nufuzli; ogoh, sergak, hushyor.*

Biroq sinonimik qatorlar turli sohalarda ishlatilishiga, qo'llanish uslubiyatiga ko'ra farqlanadi. Bu tipdagi sinonimlardan qay biri harbiy terminologiyada asosiy bo'lib qolishi lozim, degan savol tug'iladi. Mazkur masalani shu xildagi barcha sinonim harbiy terminlar misolida ko'rib chiqish maqolamizning anchagina sahifasini band etgan bo'lardi. Shuning uchun bu masaladagi munosabatimizni bir-ikkita sinonimik qatorlarni tahlil etish, bildirib o'tish bilan cheklandik.

**Armiya, qo'shin, lashkar, cherik.** "O'zbek tilining izohli lug'ati"da (keyingi o'rinlarda qisqartirilgan O'TIL shaklda berilgan) sinonim qatordagi barcha so'zlar uchun umumiy tushuncha – "davlatning barcha qurolli kuchlari majmui yoki uning biror qismi[139]" ma'nosi keltirilgan. Ammo leksemalarning semik tahlili ularning ma'nolaridagi aynanlik, umumiylik va farqlilikni aniqlashga imkon beradi:

Sinonimik qatordagi leksemalar o'ziga xos uslubiy bo'yoqni, turli semalarni ifodalaydi:

**Armiya** so'zi, asosan, qurolli kuchlarning barchasi ma'nosida qo'llanadi va mamlakatning tayanch qo'rg'oni, himoya to'g'oni semalarin ifodalaydi. *Prezidentimiz tashabbusi bilan "Milliy armiyamiz — bizning iftixorimiz va g'ururimiz" tamoyili asosida hududlarda mudofaa sohasida yagona davlat siyosatini yuritish, armiya va xalqning birligini ta'minlash maqsadida harbiy-ma'muriy sektorlar tashkil etildi. (https://parliament.gov.uz/oz/articles/1368) Ona Vatanimiz osmonining musaffoligi, xalq osoyishtaligi, mamlakatimiz sarhadlari va yurtimiz tinchligi bevosita armiyamiz qudrati, vatan posbonlarining shijoati hamda ogohligiga bog'liq.("Vatanparvar" gazetasi).*

[137] Hojiev A., Ahmedov A. O'zbek tili leksikologiyasi.T: O'zbekiston. "Fan". 1981 yil. 235-bet
[138] Orifjonova Sh. Lug'aviy sinonimiya va graduonimiya munosabati xususida. // o'zbek tili va adabiyoti, 2007 yil, 6-son, 109-bet.
[139] O'zbek tilining izohli lug'ati. (A.Madvaliev tahriri ostida) T: O'zbekiston. 1-5-jildlar.

**Qo'shin** so'zi, ko'pincha, armiya tarkibidagi muayyan qism ma'nosida ishlatilib, asosan jangga shay yoki jangga kirgan, turli qurol-yarog'lar bilan ta'minlangan katta harbiy guruh ma'nosini ifodalash uchun ishlatiladi. Bu so'zda Urush ottenkalari yaqqol sezilib turadi. *Piyoda qo'shinlarining oddiy askari Kimsan Husanov Kaluga ostonalarida bo'lgan jangda beda rak yo'qoldi.(O'.Hoshimov "Ikki eshik orasi"). Janubny front qo'shinlari shiddatli janglardan keyin Rostov-Don shahrini ozod qildilar.(S.Ahmad. "Ufq")*

**Lashkar, cherik** – eskirgan so'z, asosan, tarixiy asarlarda uchraydi. Bu leksemalar ko'pincha piyodalar, o'q-yoyli kamonchilar, otlar, fillar qurshovidagi son jihatidan juda katta jangchilar to'dasi ma'nosini anglatadi. *Bobur, shartga muvofiq, Axsida. Tanbalning yirik lashkar bilan kelishi kutilmoqda.(Bobur. "Boburnoma"). "... Olibmen taxti farmonimg'a oson,Cherik chekmay Xitodin to Xuroson" (A.Navoiy).*

Sinonimik qatordagi barcha so'zlar turli tillarga mansubligi bilan farqlanadi:
**armiya** – lotincha "armare - qurolantirmoq",
**qo'shin** –o'zbekcha "askarlar, armiya",
**lashkar** –forsiy "qo'shin, armiya",
**cherik** – mo'g'ulcha "sereg – askar, jangchi";
Qo'llanish uslubiyatiga ko'ra ular biri biridan farq qiladi:

**Armiya** – Terminologiyada harbiy termin sifatida ishlatiladi. 1) davlat qurolli kuchlarining majmui; 2) qurolli kuchlarning bir qismi, birinchi navbatda quruqlikdagi qo'shinlar; shu ma'noda "Armiya" atamasi harbiy-dengiz flotidan farq qilish uchun ishlatiladi; 3) urush davridagi jangovar harakatlarda ishtirok etayotgan qo'shinlar, operativ birlashmalar; 4) turli qo'shin turlarining bir necha birlashmalari va ayrim qismlaridan tashkil topgan operativ qo'shilma. *Umumqo'shin armiya, tank armiyasi, havo armiyasi* kabi[140]. Bundan tashqari o'zbek tili tizimida **armiya** umumiste'molda ishlatiladigan, faol so'z: *milliy armiyamiz, armiyaga bormoq, armiyada xizmat qilmoq* kabi qo'llanadi.

**Qo'shin** – bugungi kunda umumiste'molda passiv so'z bo'lib, faqat soha vakillari nutqida harbiy atama sifatida ishlatiladi. "Harbiy atamalarning qichqacha izohli lug'ati"da tarkibida harbiy qismlar, faqat o'ziga xos qurol-yarog', jangovar texnika va ularni jangovor jihatdan qo'llash usullariga ega – qurolli kuchlar turining tarkibiy qismi ma'nosida keladi. *Qo'shin turi, qo'shinlar artilleriyasi, qo'shinlar guruhi* kabi.

**Lashkar, cherik** so'zlari, asosan, badiiy uslubga xos bo'lib, tarixiy asarlarda uchraydi. *Samarqanddan Boysunqur mirzo ham katta, yaxshi qurollangan lashkar*

[140] Dolimov Sh.Z. Harbiy atamalarning qichqacha izohli lug'ati. Toshkent. 2007-yil. 20-bet

*bilan chiqib, Kanboy mavzesida saf tortib urushdilar.(Bobur. Boburnoma). Cheriklar o'tadi janggohlar tomon. (X.Davron).*

Sinonimiya (ma'nodoshlik) hodisasi kontekstual xarakterga ega bo'lib, ulardan foydalanish semantik maydonni boyitadi. Ularning ifoda imkoniyatlarini kengaytiradi. Sinonimlardan foydalanishda denotatning boshqa bir leksema bilan sintaktik munosabati sinonimik qatordagi boshqa leksemalar bilan birikishidagi holati ularning paradigmatik munosabatiga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Masalan, *Yangi O'zbekiston armiyasi* birikmasini *Yangi O'zbekiston qo'shini* tarzida qo'llash yoki *armiya xizmatiga jo'namoq* birikmasini *qo'shin xizmatiga jo'namoq* birikmasini bilan almashtirish mumkin emas. *Lashkar va cherik* leksemalarini esa bugungi kun nutqida qo'llab bo'lmaydi. Tarixiy asarlar tarkibida kelgan holatini esa armiya va qo'shin leksemasida ifodalash mumkin emas. Masalan, *Bobur bir necha marotaba Samarqand ustiga lashkar* (bu o'rinda *armiya* so'zni qo'llash mumkin emas.)*tortdi. (Bobur. Boburnoma)*

**Bayroq, yalov, alam, tug', baydoq**. Ushbu sinonimik qator "dastaga o'rnatilgan, davlat, tashkilot, uyushma, harbiy qism va sh.k.larga qarashlilikni ramziy ifodalovchi muayyan o'lchamdagi mato"[141] umumiy ma'nosi ostida birlashgan. Ammo ushbu so'zlar semantikasini tahlil qilish jarayonida ular orasidagi tafovutlar, farqlar yaqqol namoyon bo'ladi. Sinonimik qatorda dominant so'z bayroq so'zi bo'lib, u uslubiy betaraf so'z hisoblanadi. "O'TIL"da **bayroq** so'ziga quyidagicha ta'rif beriladi: "Yog'och yoki metall dastaga, sim yoki chilvirga mahkamlangan, bir yoki bir necha rangli, davlat, tashkilot, uyushma, harbiy qism va sh.k.larga qarashlilikni ifodalovchi gerb, emblema va boshqa ramziy belgilar, bezaklar tasviri tushirilgan muayyan o'lchamdagi mato[142]". Demak, bayroq har bir davlatning ramzi bo'lib, unda shu yurtning milliy, ma'naviy qadriyati o'z askini topadi. Bugungi kunda faol bu so'z millatning ramzinigina emas, uning mustaqilligi, g'ururi va nufuzini ham ifodalovchi leksema sifatida baholanadi. ...***Hilpirab turar mag'rur,O'zbekiston bayrog'i.*(Iqbol Mirzo)**

**Yalov** – tug', bayroq. Bu ot qadimgi turkiy tildagi *"zichla, birkit"* ma'nosini anglatgan ***yala-*** fe'lidan ***–v*** qo'shimchasini qo'shish bilan yasalgan. Bu ot dastlab nimaningdir belgisi sifatida tayoq uchiga bog'langan narsa ma'nosini anglatgan, tug', bayroq ma'nosi shu ma'nodan o'sib chiqqan[143]. Bu so'z kitobiy so'z bo'lib, jangu – jadallarda g'oliblik belgisi sifatida ko'tarilgan. Asarlarda qo'llanishini o'rganishimiz jarayonida shu ayon bo'ldiki, yalov leksemasi faqat ma'lum bir qo'shinning,

[141] O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati. (N. Mahmudov tahriri ostida). T: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2023 yil. 66-bet.
[142] O'zbek tilining izohli lug'ati. (A.Madvaliev tahriri ostida) T: O'zbekiston. 1-jild, 143-bet.
[143] Rahmatullaev Sh. O'zbek tilining etimologik lug'ati. (turkiy so'zlar). T: "Universitet". 2000 yil. 134-bet.

lashkarlarning ramziy belgisi sifatida ishlatilgan. Jangda g'olib tomon muvoffaqiyat belgisi sifatida shu yalovni yuqoriga ko'tarib dushman tomonga ma'lum qilgan.

**Alam** – "O'TIL" da arabcha – 1) bayroq, tug'; 2) aziz avliyolar dafn etilgan mozorga sig'inuvchilar tomonidan shu mozor daraxtlariga bog'langan latta[144] izohi keltirilgan. Bu so'z kitobiy nutqqa xos leksema bo'lib, eskirgan so'z sifatida bugungi kun nutqida umuman ishlatilmaydi. *Er Hubbiga borib, astoydil sig'inib, shayxlarga to'n kiygizdi, keksa chinorlarga alam bog'ladi, bo'lmadi. (S.Ahmad. Hukm)*

**Tug'** - "O'TIL" da 1) musulmonlarning yog'och dastaga o'rnatilgan qo'tos, ho'kiz yoki otning dumidan va yarim oy tasviridan iborat bayroqsimon belgisi. 2) bayroq, alam[145] kabi izoh beriladi. *U ko'chaning naryog'idagi bir avliyoning sog'onasi ustiga o'rnatilgan tug'ni ko'rdi*. Biroq tug'da shakl va mazmun tor doirada ifodalanadi. Nazarimizda, tug' –asosan, diniy belgi bo'lib, avliyolarning qabrlari tepasida yoki qabriston bo'lmagan joyda "qabr bor" tushunchasini anglatadigan, yog'och tepasiga uchburchak shaklda o'rnatilgan kichik hajmli mato degan qarashimiz bor. Tug'da bayroqda ifodalangani kabi mamlakat ramzi deyarli sezilmaydi. *Bu inoyatlardan keyin Muhammad Ali jang-jangga maxsus qora baxmal bosh kiyim, qalmoqi sovut berib, tug' ham sovga qildim.(Bobur. Boburnoma)*

**Baydoq** so'zi, asosan, folklor, xalq og'zasi ijodi asarlari tilida uchraydi. Adabiy tilda bu so'z deyarli uchramaydi. *Qistab yetdi tug'–baydoqning ostiga, Yusufman Ahmadning otin Ashirbek...("Yusuf va Ahmad")*[146].

E'tibor qiladigan bo'lsak, bu sinonimik qatordagi so'zlarning biri o'rnida ikkinchisini aslo qo'llab bo'lmaydi. Chunki har bir so'zning bir-birini zidlashtiradigan semalari mavjud. Ayrim sintaktik qoliplar buni qabul qilishi mumkin, lekin bu degani har doim ham sinonim bo'ladi degani emas. Masalan, *mustaqillik bayrog'i* birikmasini *mustaqillik tug'i* shaklida badiiy uslubda qabul qilish mumkin. Biroq *mustaqillik alami, mustaqillik yalovi* bu paradigmatik qator uchun nomunosib.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bugungi kunda harbiy soha tili, uning terminologiyasiga bo'lgan qiziqishning ortib borishi soha tilining bir qancha tadqiqotchilar uchun tadqiq manbai ekanligidan dalolat beradi. Harbiy vatanparvarlik nutqida sinonimlardan foydalanish, ma'nodosh so'zlar qatorini tuzish o'ziga xos va mos bo'lishi shart. Chunki bu nutq shunchaki oddiy nutq emas. U butun xalqqa, millatga qaratilgan nutq hisoblanadi. Shu boisdan aytilayotgan fikrni tinglovchiga tiniq va ta'sirchan yetkazish uchun so'zlarni o'z o'rnida qo'llash bu nutqning muhim vazifasidir. Sinonim so'zlar shunchaki hashamdorlik emas, balki tilning chinakam

[144] O'zbek tilining izohli lug'ati. (A.Madvaliev tahriri ostida). T: O'zbekiston. 1-jild, 66-bet.
[145] O'zbek tilining izohli lug'ati. (A.Madvaliev tahriri ostida). T: O'zbekiston. 4-jild, 224-bet
[146] O'zbek tilining izohli lug'ati. (A.Madvaliev tahriri ostida). T: O'zbekiston. 1-jild, 143-bet.

boyligidir. Ular so'zning ma'noli shakllari bo'lib, qo'shimcha ma'no nozikligi, emotsional ma'nosiga ko'ra farqlanadi. Shunday ekan har bir nutqda sinonimlarning ifodalanishiga e'tibor berish, ularning semalaridagi farqni ilg'ay olish, har bir so'zning o'z o'rnida qo'llanishini e'tiborga olish nutqning jo'yaliligi va teranligini oshirishga xizmat qiladi.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganining 29 yilligi va Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan bayram tabrigi. "Xalq so'zi" gazetasi. 2022 yil 18-aprel, 9-son.
2. **«**O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari rezervidagi xizmat to'g'risida**»gi qonun. 2018 yil. 18-aprel. www.lex.uz**
3. Hojiev A., Ahmedov A. O'zbek tili leksikologiyasi.T: O'zbekiston. "Fan". 1981 yil.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. (A.Madvaliev tahriri ostida) T: O'zbekiston. 1-5-jildlar.
5. Dolimov Sh.Z. Harbiy atamalarning qichqacha izohli lug'ati. Toshkent. 2007-yil.
6. O'zbek tili sinonimlarining izohli lug'ati. (N. Mahmudov tahriri ostida). T: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2023 yil.
7. Rahmatullaev Sh. O'zbek tilining etimologik lug'ati. (turkiy so'zlar). T: "Universitet". 2000 yil.
8. Orifjonova Sh. Lug'aviy sinonimiya va graduonimiya munosabati xususida. // o'zbek tili va adabiyoti, 2007 yil, 6-son, 109-bet.
9. Sayfullaeva R., Mengliev B. Va boshq. Hozirgi o'zbek adabiy tili. T: "Fan va texnologiya". 2009 yil
10. Sobirov A. O'zbek tili leksikasining sistem-struktur tadqiqi. T: "BOOKMANY PRINT". 2022 yil.

# MAISHIY KORRUPSIYA KO'RSATKICHLARI

**Tursunov Axmad Kamilxanovich**
O'zbekiston Milliy universiteti Huquqiy fanlar kafedrasi tadqiqotchisi
O'zbekiston Respublikasi Toshkent shahri

## ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada maishiy korrupsiya ko'rsatkichlari va uning o'lchov metodikasi haqida batafsil tahlil olib borilgan. Korrupsiyani o'lchashda keng tarqalgan xatolar va uning murakkab tabiatini hisobga olgan holda, yangi ko'rsatkichlar tizimi taklif qilinadi. Mazkur metodika korrupsiyani diagnostika qilishda yanada aniq va tizimli yondashuvni taklif etadi.

**Kalit so'zlar:** maishiy korrupsiya, korrupsiya ko'rsatkichlari, o'lchash metodikasi, subyektiv baholash, korrupsiya xavfi.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье проведен детальный анализ показателей бытовой коррупции и методики ее измерения. Учитывая распространенные ошибки при измерении коррупции и ее сложную природу, предлагается новая система показателей. Данная методика предлагает более точный и системный подход к диагностике коррупции.

**Ключевые слова:** бытовая коррупция, показатели коррупции, методика измерения, субъективная оценка, коррупционный риск.

## Resume

This article provides a detailed analysis of indicators of everyday corruption and the methodology for measuring it. Taking into account common errors in measuring corruption and its complex nature, a new system of indicators is proposed. This methodology offers a more precise and systematic approach to diagnosing corruption.

**Keywords:** domestic corruption, corruption indicators, measurement methodology, subjective assessment, corruption risk.

Korrupsiyaga qarshi samarali kurashni ta'minlash uchun faqat siyosiy iroda va tegishli qonunchilik asoslari yetarli emas, balki bu jarayonni ilmiy ravishda tahlil qiluvchi va prognoz qilish imkonini beruvchi tizimli tadqiqotlar ham zarurdir. Hozirgi kunda O'zbekistonning ayrim hududlarida korrupsiya monitoringi faol amalga oshirilmayapti, ba'zi joylarda esa bu jarayonlar tasodifiy va tartibsiz shaklda olib borilmoqda.

Maxsus nashrlar tahlili shuni ko'rsatadiki, korrupsiyani o'lchashda ko'plab

tadqiqotchilar ushbu hodisaning yashirin jihatlari va uning murakkab, ko'p qirrali strukturasini hisobga olmaydi. Ba'zi tadqiqotlarda korrupsiya tasodifiy va ikkinchi darajali ko'rsatkichlar orqali, alohida va tarqoq tarzda qayd etiladi. Biroq, korrupsiyaning murakkab tabiati, uning turli jihatlari va qirralarini to'liq aks ettiruvchi, puxta tanlangan va tizimli nazariy hamda amaliy ko'rsatkichlar tizimini qo'llashni talab qiladi.

Maishiy korrupsiya bozorini baholash uchun zarur bo'lgan bunday tizimning eng aniq va batafsil ishlab chiqilgan variantlaridan birini o'z vaqtida G.A. Satarov rahbarligidagi INDEM[147] mutaxassislari guruhi taklif etgan edi. Tahlil davomida Jamg'arma tadqiqotchilari tomonidan shakllantirilib berilgan konseptual ko'rsatkichlarning mazmunini yanada aniqlashtirdik va ularni operatsion ta'riflar hamda aniq empirik ko'rsatkichlar (so'rovnoma savollari) darajasiga yetkazilgan bo'lib, shu yo'l bilan ushbu metodikani takomillashtirish ustida ishlangan. Unga ko'ra:

Korrupsiyani tushunish - bu ko'rsatkich respondentlarning korrupsiya tushunchasini qanday talqin qilishini, ushbu hodisaning sabablarini qanday izohlashini hamda aholining unga nisbatan munosabatini tavsiflab beradi.

Korrupsiya darajasining subyektiv baholanishi - jamiyat hayotining turli sohalaridagi korrupsiya darajasi bo'lib, respondentlar tomonidan u yoki bu sohadagi mavjud ahvol haqidagi tasavvurlari asosida ballarda baholanadi. Korrupsion vaziyatlarga duch kelgan respondentlar uchun bunday baho, avvalo, ularning davlat xizmatchilari bilan muloqotidagi shaxsiy tajribasi bilan belgilanadi. Poraxo'rlik holatlari bilan shaxsan to'qnash kelmagan kishilarning nuqtai nazarini qarindoshlari, tanishlari, hamkasblari, ommaviy axborot vositalari va boshqalarning fikrlari shakllantirishga ta'sir qilishi mumkin. Korrupsiya ko'lamini subyektiv idrok etishni o'lchashda 5 ballik shkaladan foydalanish mumkin. Bunda 1 ball respondentning u yoki bu sohada korrupsiya ko'rinishlarining past darajasi (yoki ularning umuman yo'qligi) haqidagi tasavvuriga, 5 ball esa o'rganilayotgan sohaning poraxo'rlik bilan zararlanishining yuqori (doimiy, keng tarqalgan) darajasi haqidagi fikriga mos keladi. Shunday qilib, respondentda ma'lum bir sohadagi korrupsiya amaliyotlari haqida oz bo'lsa-da aniq tasavvur (barqaror fikr) mavjud bo'lsa, uning bahosi qayd etiladi. Bunday bahoni og'zaki ifodalashda qiyinchiliklar yuzaga kelganda, qiyinchiliklar mavjudligi holati qayd etiladi.

Korrupsiya qamrovi - hayotida kamida bir marta korrupsiya holatiga duch kelgan fuqarolar ulushidir. Bu ko'rsatkichni o'lchash uchun quyidagi yopiq savoldan foydalanishni taklif etamiz: «Siz yoki oila a'zolaringiz hayotingizda hech bo'lmasa

[147] *Сатаров Г.* Измерение бытовой коррупции в массовых социологических опросах. С. 25-32.

bir marta pora berishga majbur bo'lganmisiz?» Ushbu ko'rsatkich poraxo'rlik kabi murakkab va ko'p qirrali hodisaning faqat yuza qismini aks ettiradi. U fuqarolarda nafaqat hozirgi ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda, balki uzoq o'tmishda ham korrupsiya tajribasi bor-yo'qligini ko'rsatadi.

Korrupsiya xavfi - fuqarolarning korrupsiyaviy vaziyatga tushib qolish holatlari ulushi bo'lib, bu holat natijasidan qat'i nazar (ya'ni, pora berilgan yoki berilmaganidan qat'i nazar) hisoblanadi. Ushbu ko'rsatkich hokimiyatning fuqarolarga nisbatan korrupsion bosim darajasi sifatida ham qaraladi. «Iltimos, eslab ko'ring, sizni pora berishga majbur qilishgan vaziyatga duch kelganmisiz?» degan yopiq savol orqali ijtimoiy hayotning turli sohalarida tovlamachilik holatlarini aniqlash mumkin. Chunki bu ko'rsatkich korrupsion munosabatlarning bir tomonini - hokimiyatni tavsiflaydi. Bizningcha, ushbu ko'rsatkichni nafaqat umumiy ma'lumotlar bo'yicha, balki har bir ijtimoiy soha uchun alohida (so'rovda qatnashuvchilarga qo'shimcha savollar berish orqali) qayd etish maqsadga muvofiq. Bu esa sohalarni korrupsiyaga chalinganlik darajasi bo'yicha tartiblash imkonini beradi.

Korrupsiyaga bo'lgan talab - respondentlarning pora berishga tayyorligini, fuqaro korrupsion vaziyatga duch kelganda pora bergan holatlari ulushini anglatadi. Bu ko'rsatkich fuqarolarning haqiqiy korrupsiya tajribasini aks ettiruvchi indikator sifatida ham qaralishi mumkin. Ushbu komponent korrupsion munosabatlarning ikkinchi tomoni - oddiy fuqaroni tavsiflaydi. Uni aniqlash uchun respondentlardan o'tgan yili pora berishga majbur bo'lgan-bo'lmaganliklarini eslashlari so'raladi. «Korrupsiyaga talab» indikatori ma'lum vaqt oralig'ida poraxo'rlikning haqiqiy ko'lamini baholash, jamiyat hayotining turli sohalaridagi korrupsion xizmatlar bozorining ulushini aniqlash imkonini beradi. Buning uchun respondentlarga ular pora bergan aniq soha bo'yicha qo'shimcha savollar beriladi.

Korrupsiya intensivligi - bir potensial pora beruvchiga to'g'ri keladigan yillik o'rtacha poralar soni. Ushbu ko'rsatkichni o'lchash uchun biz quyidagi savollardan foydalanishni taklif etdik: «O'tgan yili taxminan necha marta pora berishingizga to'g'ri keldi?» va «Oxirgi marta qachon pora berishingizga to'g'ri keldi?» Mazkur ko'rsatkich fuqarolarning davlat tuzilmalari bilan korrupsiyaviy to'qnashuvlari sonini aniqlash imkonini beradi. Bundan tashqari, u ushbu amaliyotlarni muayyan vaqt oralig'ida qayd etib, vaziyatni dinamikada kuzatish imkoniyatini yaratadi.

Pora miqdorining o'rtacha ko'rsatkichi - bir kalendar yilda bitta shartli korrupsion bitimga to'g'ri keladigan pul ifodasidagi o'rtacha pora miqdori. Pora miqdorining o'rtacha ko'rsatkichini aniqlash uchun so'rovnoma ishtirokchilariga quyidagi savolni berish mumkin: «Iltimos, pora uchun taxminan qancha so'm sarflaganingizni eslang.» Yakuniy ko'rsatkichni hisoblash uchun eng yuqori va eng

past pora miqdorlariga oid javoblarni chiqarib tashlab, barqaror o'rtacha qiymatdan foydalanish lozim. Qolgan qiymatlar asosida o'rtacha arifmetik miqdorni hisoblash mumkin. Pora miqdorining o'rtacha ko'rsatkichi barcha korrupsion xizmatlar bo'yicha umumiy tarzda, shuningdek, ijtimoiy hayotning alohida sohalari (mahalliy korrupsiya bozorlari) bo'yicha alohida hisoblanadi. Buning uchun so'rovnoma ishtirokchilariga pora berish holati qayd etilgan aniq soha va pora miqdorining so'mdagi ekvivalenti haqida aniqlashtiruvchi savollar beriladi.

O'rtacha yillik badal – bir potensial pora beruvchining taqvim yili davomidagi o'rtacha yillik xarajatlari. Ushbu ko'rsatkich biz tomonidan korrupsiya darajasi bilan o'rtacha pora miqdorining ko'paytmasi sifatida quyidagi formula orqali aniqlandi: bunda y – o'rtacha yillik badal;

$$y = b \quad m, \tag{1}$$

b - bir yilda bir shartli pora beruvchiga to'g'ri keladigan o'rtacha poralar soni;
m - bir yil davomida shartli pora beruvchi tomonidan to'langan o'rtacha pora miqdorining puldagi ifodasi.

Bozorning yillik hajmi - korrupsion bozorning bir kalendar yil davomidagi umumiy aylanmasini pul ko'rinishida baholashdir. Ushbu ko'rsatkich quyidagi formula asosida hisoblanadi: barcha potensial pora beruvchilar tomonidan yil davomida to'langan barcha poralarning umumiy summasi.

M=P - q-y,: (2)

bu yerda M - bozorning yillik hajmi;

P — 16 yoshdan 65 yoshgacha bo'lgan katta yoshdagi aholi soni;

q — mazkur kalendar yilda pora berishga to'g'ri kelgan deb javob bergan respondentlarning ulushi;

y - o'rtacha yillik badal.

Korrupsiya bozorining yillik hajmi butun mamlakat, mintaqa va hokazo uchun ham, ijtimoiy hayotning alohida sohalari (mahalliy korrupsiya bozorlari) uchun ham hisoblanishi mumkin.

Maqolada taklif etilgan maishiy korrupsiyani o'lchash metodikasi, korrupsiyaning turli tomonlarini puxta tahlil qilishni ta'minlab, aniq va ishonchli ko'rsatkichlar orqali ijtimoiy va iqtisodiy tahlilni osonlashtiradi. Ushbu yondashuv korrupsiyaga qarshi kurashishda samarali vosita sifatida xizmat qilishi mumkin.

## REFERENCES

1. *Сатаров Г.* Измерение бытовой коррупции в массовых социологических опросах. С. 25-32.

# HADISLARDA YOSHLAR TARBIYASI MASALASI

*(Imom Buxoriyning "Al-adab al-mufrad" asari misolida)*

**Xaitov Bahodir Tursunovich**
Chirchiq OTQMBY Gumanitar fanlar kafedrasi katta o'qituvchisi, dotsent
+99897 616-62-41

**ANNOTATSIYA.**

Ushbu maqolada yurtimizda so'nggi yillarda amalga oshirilayotgan diniy-ma'rifiy sohadagi islohotlar, ularning mazmun-mohiyati haqida so'z yuritiladi. Hadislarning inson kamolotidagi o'rni, yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati haqida fikrlar bildirilgan. Islom olamida yuqori nufuzga ega bo'lgan Imom Buxoriyning "Al-adab al-mufrad" asaridan namunalar keltirilagan.

**Kalit so'zlar:** din, islom, diniy-ma'rifiy islohotlar, hadis, hadisshunos allomalar, yaxshilik, mehr-oqibat.

**Аннотации.**

В статье рассматриваются реформы в религиозно-образовательной сфере, реализованные в нашей стране за последние годы, и их содержание. Были высказаны мысли о роли хадисов в развитии человека и их значении в воспитании молодежи. Приводились примеры из произведения «Аль-Адаб аль-Муфрад» имама Бухари, пользовавшегося большим влиянием в исламском мире.

**Ключевые слова:** религия, ислам, религиозные и образовательные реформы, хадисы, хадисоведы, доброта, благость.

**Annotation.**

This article discusses the reforms in the religious and educational sphere that have been carried out in our country in recent years, their content and essence. Opinions are expressed about the role of hadiths in human development and the importance of youth education. Examples are given from the work of Imam Bukhari, who has a high reputation in the Islamic world, "Al-adab al-mufrad".

**Keywords:** religion, Islam, religious and educational reforms, hadith, hadith scholars, goodness, kindness.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar to'lqini diniy sohani ham chetlab o'tayotgani yo'q. Ko'p asrlik milliy va diniy qadriyatlarimizni asrab-avaylash, dunyo ilm-fani va madaniyati rivojiga ulkan hissa qo'shgan ajdodlarimizning bebaho merosini o'rganish, uning asosida yoshlarni komil inson

etib tarbiyalash jamiyatda barqaror ijtimoiy-ma'naviy muhitni ta'minlashning muhim shartlaridan biri hisoblanadi.

So'nggi yillarda mamlakatimizda tashkil etilgan Islom sivilizatsiyasi markazi, Islom akademiyasi, Mir Arab oliy madrasasi, Imom Buxoriy va Imom Termiziy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazlari boy ilmiy-tarixiy merosimizni o'rganish va targ'ib qilishga xizmat qilmoqda.

Shu bilan birga, dunyoda ro'y berayotgan voqea-hodisalar va ijtimoiy-siyosiy vaziyatning tahlili diniy-ma'rifiy sohadagi faoliyat samaradorligini oshirishni va malakali kadrlar tayyorlashning yaxlit tizimini yaratishni taqozo etmoqda.

Xalqimizga azal-azaldan xos bo'lgan ma'rifatparvarlik, bag'rikenglik, mehr-muruvvat, bunyodkorlik kabi ezgu fazilatlar va qadriyatlarimizni keng targ'ib qilish, jamiyatda ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlashda diniy-ma'rifiy soha vakillarining o'rni va ishtirokini oshirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan bri hisoblanadi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng ko'mli islohotlar zamirida "jaholatga qarshi ma'rifat" nomli ulug'vor g'oya asosida dinning asl insonparvarlik mohiyatini, ezgulik, tinchlik va insoniylik kabi fazilatlar azaliy qadriyatlarimiz ifodasi ekanligini keng yoritishga aalohida e'tibor berilmoqda.

Shu bilan birgalikda islom va jahon sivilizatsiyasiga bebaho hissa qo'shgan ajdodlarimizning boy ma'naviy va madaniy merosini chuqur o'rganish asosida yoshlarning ongu tafakkurini to'g'ri shakllantirish eng muhim masalalardan biridir.

Yoshlar o'rtasida diniy bag'rikenglik, millatlararo totuvlik g'oyalarini shakllantirishda: "Yurtimizda 16 ta konfessiyaga mansub diniy tashkilotlar va 150 ta milliy madaniy markaz katta rol o'ynamoqda" [1-21].

Bizning zaminimizda yetishib chiqqan buyuk allomalarning ilm-fan, din, san'at va harbiy sohalardagi erishgan yutuqlari asrlar davomida butun dunyo ma'naviyatiga katta ta'sir o'tkazib kelgan. Butun dunyoga "ikkinchi muallim" nomi bilan tanilgan Abu Nasr Forobiy, yerning shar shaklida ekanligini nazariy asoslagan, globusni yaratgan, Amerika qit'asi haqidagi ilmiy farazni ilgari surgan Abu Rayhon Beruniy, "Avitsenna", "Shayx ur-rais" nomlari bilan tanilgan Abu Ali ibn Sino, "algebra" fani asoschisi, "algoritm" atamasi bilan o'z nomini mangulikka muhrlagan Muso al-Xorazmiy, "Alfraganus" taxallusi bilan mashhurlikka erishgan Ahmad Farg'oniy, "hadis ilmining sultoni" Imom al-Buxoriy va yana bir mashhur hadisshunos alloma Imom at-Termiziy, "Musulmonlarning e'tiqodini tuzatuvchi" degan yuksak sharafga ega bo'lgan Abu Mansur al-Moturidiy, "Din va millatning hujjati" nomi bilan ulug'langan Burhoniddin Marg'inoniy, "Allohning qo'shnisi", "Arab va g'ayriarablar ustozi" degan maqomga ega bo'lgan Mahmud az-Zamaxshariy, umr bo'yi "Diling Allohda, qo'ling mehnatda bo'lsin" degan shiorga

amal qilib yashagan Bahouddin Naqshband va boshqa ko'plab alloma va mutafakkirlarning ilmiy-ijodiy merosi bugungi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotgan emas.

Bugungi kunda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan diniy-ma'rifiy islohotlar xalqaro tashkilotlar tomonidan ham e'tirof etilmoqda. "Islom hamkorlik tashkiloti tomonidan Xiva shahrining 2024-yilda "Islom dunyosining turizm poytaxti" deb e'lon qilinishi bu sohadagi islohotlarimizning munosib e'tirofi bo'ldi" [2-72].

Yurtimizda yoshlarni har taraflama chuqur bilim olishi, ularning salohiyatini yuzaga chiqarish uchun keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. Muhtaram Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek: "Bugun buyuk ajdodlarimiz an'analarini davom ettirgan holda, biz islom olami bilan mushtarak qadriyatlarimizni asrab-avaylash va yanada rivojlantirish borasida katta ishlarni amalga oshirmoqdamiz. Jumladan, so'nggi yillarda Imon Buxoriy nomidagi Xalqaro hadisshunoslik markazi, Islom sivilizatsiyasi markazi va Xalqaro islom akademiyasini tashkil etdik. Shuningdek, yangi turdagi ta'lim maskanlari, xususan, Prezident maktablari, ijod maktablari, ixtisoslashgan maktablar faoliyati yo'lga qo'yilmoqda" [1-148].

Yoshlarni har taraflama barkamol insonlar qilib tarbiyalashda diniy ta'lim-tarbiyaning o'rni beqiyos ahamiyatga ega. Islom dini ta'limotida Muhammad (s.a.v) payg'ambar hayoti, faoliyati hamda diniy, axloqiy ko'rsatmalarini o'z ichiga olgan hadislar musulmonlarning muqaddas kitobi Qur'oni karimdan keyin turuvchi manba hisoblanadi.

Hadis o'zi arabcha so'zdan olingan bo'lib, "xabar, gap, yangilik" degan ma'noni bildiradi. Hadis Muhammad (s.a.v.) payg'ambarning aytgan so'zlari, qilgan ishlari haqidagi rivoyatlar.

Qur'on oyatlarini yozib olish payg'ambar hayotlik davrlarida boshlangan bo'lsa, hadislarni to'plash sahoba va tobeinlar davridan boshlangan. Hadis ilmi bilan shug'ullanish eng faxrli, zarur ish hisoblangan. Musulmon Sharqining turli o'lkalarida to'rt yuzdan ortiq mualliflar bu ilm bilan shug'ullanishgan.

VIII-XI asrlar hadis ilmining eng sermahsul davri bo'lgan. Chunki, shu davrda sunnatning asosiy manbasi bo'lmish "olti sahih to'plami" vujudga kelgan. Shunisi e'tiborga sazovorki, ushbu hadislar to'plamini yozgan muhaddislarning aksari Markaziy Osiyolik bo'lib, ular: Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy (810-870), Muslim ibn al-Hajjoj (819-874), Abu Dovud as-Sijistoniy (817-880), Abu Iso at-Termiziy (824-892), Ahmad an-Nasoiy (830-915), Abu Abdulloh Muhammad ibn Mojja (824-886) kabilar hadis ilmi peshvolaridir.

Ular ichida "hadis ilmida amir al-mo'minin" degan laqabga sazovor bo'lgan Imom al-Buxoriy alohida o'rin tutadi. Uning "Al-jome' as-sahih" to'plami ishonchliligi jihatidan Qur'ondan keyingi o'rinda turadi, xolos.

Bu mo'tabar zot merosining gultoji bo'lmish eng ishonchli hadislar to'plami – "Al-jome' as-sahih" kitobi islom dinida Qur'oni karimdan keyingi ikkinchi muqaddas manba bo'lib, ahli islom e'tiqodiga ko'ra, u bashariyat tomonidan bitilgan kitoblarning eng ulug'i hisoblanadi. Mana, o'n ikki asrdirki, bu kitob millionlab insonlar qalbini iymon nuri bilan munavvar etib, haq va diyonat yo'liga chorlab kelmoqda [3-38].

Imom al-Buxoriyning yana bir mashhur asari "Al-adab al-mufrad" ("Adab durdonalari") bo'lib, unda 1322 ta hadis 644 bobda jam qilingan. Ushbu asarda insonlarni o'zaro mehr-oqibatli bo'lishga, bir-birlariga nisbatan yaxshi munosabatda bo'lishga, shuningdek, qushlar va hayvonlarga nisbatan ham marhamatli bo'lish lozimligi alohida uqtiriladi.

Asar, avvalombor, ota-onaga e'tibor, onani rozi qilish, ota-onaga yaxshilik qilish, ularga muloyim gapirish, haqlarini ado qilish haqidagi hadislar bilan boshlanadi.

Bahz ibn Hakim (r.a.) otasi va bobosidan rivoyat qildi, bobosi aytdi: "Rasulullohdan: "Ey, Rasulullo, men yaxshiligimni kimga qilsam bo'ladi?" – deb so'radim. "Onangga", dedilar. Men shu savolimni uch marotaba qaytarsam ham, Rasulullo: "Onangga", deyaverdilar. To'rtinchi marotaba so'raganimda: "Otangga va yaqin bo'lgan qarindoshlaringga", dedilar [4-48]. Ushbu hadisdan ko'rinib turibdiki, farzand avvalombor, yaxshilikni onasidan boshlashi lozim. Ota-ona, albatta, har bir farzand uchun ulug' zotlar. Lekin onaning tutgan o'rni alohida ekanligini ko'rishimiz mumkin.

Ona farzandga homilador bo'lgan davrdan boshlab, uni dunyoga keltirgunga qadar qator qiyinchiliklarga duch keladi. Farzandni dunyoga keltirish jarayonida esa ona o'lim bilan yuzma-yuz keladi.

Abu Muso Ash'ariy (r.a)ning o'g'li Abu Burda (r.a.)ning aytishlaricha, Abdulloh ibn Umar (r.a.) bir yamanlik odam o'z onasini opichlab, xonai Ka'bani tavof qildirib yurganini ko'rdilar. U odam quyidagi baytni ohang bilan o'qirdi:

*Onai zorim uchun bo'ynimni eggan tevaman,*

*Tevaga mingan onam horsalar ham men charchamam.*

U shuni o'qib turib Abdullohga qaradi-da, ey, Abdulloh ibn Umar, mana shu xizmatim bilan men onamning haqini ado qila olmadimmi, deb so'radi. "Yo'q, bu xizmating seni tug'ish vaqtida onangni qiynab turgan to'lg'oqlarining bittasiga ham barobar emas" dedi [4-50].

Imom al-Buxoriyning "Al-adab al-mufrad" asarida shuningdek, ota-ona oldida farzandlik burchlari, ota-onani rozi qilish, ularning haqini ado qilish, ota-ona amriga itoat qilish, ota-ona mushrik bo'lsa ham ularga yaxshilik qilish, ularning dilini og'ritmaslik, ota-ona duosi, qarindosh-urug'larga mehr-shafqat, rahmdillik, yosh bolalarga, ayollarga mehr-muruvvatli bo'lish, silai rahm qilish, qo'shnilar bilan samimiy munosabatda bo'lib, ularga yaxshilik qilish, ota-onasiz bolalarga yaxshilik qilish hamda yer yuzidagi maxluqlarga marhamatli bo'lishlari haqida ibratli hadislar keltiriladi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, Imom al-Buxoriy to'plamlariga kiritilgan hadislar faqat islom ta'limotiga oid umumiy qoidalarni aks ettirish bilan cheklanib qolmaydi. Ular mehr-muhabbat, saxiylik, ochiq ko'ngillik, ota-ona, ayollar va kattalarga hurmat, yetim-yesirlarga muruvvat, faqir bechoralarga himmat, vatanga muhabbat, mehnatsevarlik va halollikka da'vat etish kabi haqiqiy insoniy fazilatlar va namunali tartibotlar majmuasidir. Unda nima yaxshi, nima yomon, nimani qilish kerak, nimadan o'zni tiyish lozimligi haqida hozirgi jamiyatimiz ahli, ayniqsa, yosh avlod uchun katta tarbiyaviy ahamiyatga ega yo'l-yo'riqlar, pand-nasihat va o'gitlar aks ettirilganligi yoshlarimizni barkamol avlod sifatida tarbiyalashda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Bugungi kunda dunyoda kechayotgan voqea-hodisalar har birimizni ogohlikka chorlab, ta'lim muassasalarida tahsil olayotgan yoshlarimizga har tomonlama chuqur bilim berish kerakligini ko'rsatib turibdi. Shu jarayonda ularga berilayotgan dunyoviy bilimlar bilan birgalikda diniy bilimlar ham ularning jamiyatda o'z o'rinlarini topishda muhim ahamiyatga ega.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 16-apreldagi PF-5416-sonli "Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmonida belgilangan vazifalarni bajarish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Jumladan; dinni zo'ravonlik va qon to'kish bilan bir qatorga qo'yadigan buzg'unchi yot g'oyalarning asl mohiyati va maqsadlari haqida aholining, ayniqsa, yoshlarning xabardorlik darajasini oshirish;

jamiyatda milliy va diniy qadriyatlarimizga yot bo'lgan g'oyalarga nisbatan toqatsizlik muhitini shakllantirish;

jamiyatda bag'rikenglik, o'zaro hurmat, mehr-oqibat, tinchlik va totuvlikni, ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligini ta'minlashda diniy-ma'rifiy soha vakillarining daxldorlik hissi va ishtirokini yanada oshirish;

diniy-ma'rifiy tashkilotlarning moddiy-texnika ta'minotini mustahkamlash, soha vakillari mehnatini munosib rag'batlantirish va ijtimoiy himoyasini kuchaytirish;

globallashuv sharoitida jamiyatimizdagi ijtimoiy-ma'naviy muhit barqarorligi va e'tiqod erkinligiga tahdid tug'dirishi mumkin bo'lgan omillarni barvaqt aniqlash va oldini olishga qaratilgan axborot-tahliliy faoliyatni kuchaytirish;

diniy va dunyoviy bilimlar uyg'unligini rivojlantirish asosida ta'lim sifatini oshirish, diniy-ma'rifiy sohada malakali kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirishning yaxlit tizimini yaratish [6].

Xulosa qilib aytganda, yoshlarga hadislarning mazmun-mohiyatini anglatish, ularning ishonchi, e'tiqodini mustahkamlaydi, shu bilan insonni ma'naviy kamolotga yetaklaydi. Islom dini ma'rifatga asoslangani uchun ham har bir shaxsni aqliy, jismoniy jihatdan kamolga yetkazishga oid e'tiqod va iymondan iborat bo'lib, faqat ezgulikka xizmat qilish, oliyjanob bo'lish, pokiza yurish, har bir luqmani halol qilib yeyish, jaholatga yo'l qo'ymaslik, o'z birodarining, qarindosh-urug'larining, millatining va vatanining qadriyatlarini asrashga undaydi. Shunday ekan, hadislar komil insonni shakllantirishda muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

## REFERENCES

1. Sh.M.Mirziyoyev. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida demokratik islohotlar yo'lini qat'iy davom ettiramiz. 6-jild. –T.: "O'zbekiston", 2023.
2. Sh.M.Mirziyoyev. Xalqchil islohotlar xalqimiz manfaatlariga xizmat qiladi. 7-jild. –T.: O'zbekiston", 2023.
3. I.A.Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –T.: "Ma'naviyat", 2016.
4. Imom Buxoriy. Al-adab al-mufrad. –T.: "Movarounnahr", 2006.
5. Falsafa: qomusiy lug'at. Tuzuvchi va mas'ul muharrir Q.Nazarov. –T.: "O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti", 2004.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 16-apreldagi PF-5416-sonli "Diniy-ma'rifiy soha faoliyatini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Farmoni. https://lex.uz/docs/-3686277

# TARIXIY TARAQQIYOT VA UNING G'OYAVIY-MAFKURAVIY MEZONLARINI O'RGANISH DAVR TAQOZOSI

**Tashmetov Tuxtasin Xudayberganovich**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti dotsenti
falsafa doktori (PhD) E-mail:toshmetovtuxtasin@gmail.com

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada, tarixiy taraqqiyotning mavjudlik belgisi uning g'oyaviy-mafkuraviy mazmunida namoyon bo'lishi, mustaqillik sharoitida boy o'tmishimiz, milliy madaniyatimiz xolisona, ilmiy asosda o'rganish, tarixiy taraqqiyot bilan g'oya, mafkuralarning uyg'unligi insoniyat rivojlanishining muhim sharidan biri ekanligi, har qanday g'oya, mafkura xalq, millatning tub manfaatlari asosidagina real kuchga aylanishi, insoniyatning taraqqiyoti, uning kelajagi mavjud mintaqaviy, irqiy, diniy manfaatlarni o'zida aks ettiruchi g'oya, mafkuralarning mutanosibligini ta'minlashga bog'liqligi, jamiyatda fuqarolarni birlashtiruvchi yagona umumiy g'oya va mafkura bo'lmasa, parokandalik yuzaga kelishiga oid masalalar tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** Jamiyat, xalq, millat, din, g'oya, mafkura, demokratiya, milliy g'oya, sivilizatsiya, ma'rifat, insonparvarlik, madaniyat, umuminsoniy qadriyatlar, tahdid, fundamentalizm, ekstremizm, xalqaro terrorizm.

Insoniyat ijtimoiy taraqqiyoti uzoq davom etgan tarixiy jarayon bo'lib, unda kishilarning erishgan moddiy va madaniy merosi o'z aksini topgan. Tarixiy taraqqiyot jamiyatning ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ma'rifiy, g'oyaviy-mafkuraviy rivojlanishi bilan uzviy bog'liq holda yuz beradi.

O'z navbatida, har bir davlat va jamiyat qurilishi bir-biridan shakl va mazmun jihatdan farq qilib, bu ularning rivojlanish xususiyatlaridagi o'ziga xoslikni belgilaydi. Ayni paytda, dunyodagi barcha davlatlar va jamiyatlarning paydo bo'lishi va rivojlanishida umumiylik ham mavjud bo'ladi. Bunday umumiylik real ijtimoiy asoslarga ega bo'lib, u insoniyatning umumiy manfaat va maqsadlarini ifoda qiluvchi g'oya va mafkuralarda yaqqol ko'rinadi. Xususan, ijtimoiy - tarixiy taraqqiyotdagi umumiylik, mutanosiblik tamoyillari insoniyatni birlashtirish, uyushtirish, jipslashtirish, yagona ezgu maqsadga safarbar etish jarayonida namoyon bo'ladi. Shunday qilib, har bir davlat va jamiyat rivojlanishida umumiylik, mutanosiblik bilan birga o'ziga xoslik ham bor. Bunday o'ziga xoslikning yuzaga kelishiga o'sha davrdagi siyosiy tuzum, iqtisodiy hayot, madaniy turmush, ma'naviy muhit ta'sir ko'rsatadi. Bu haqda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev quydagicha ta'kidlaydi: "Boshqacha aytganda, ma'naviyat - jamiyatdagi barcha siyosiy-ijtimoiy

munosabatlarning mazmuni va sifatini belgilaydigan poydevordir. Bu poydevor qancha mustahkam bo'lsa, xalq ham, davlat ham shuncha kuchli bo'ladi"[1].

Bundan shunday xulosa chiqarish mumkinki, har qanday jamiyatning u yoki bu davrdagi ijtimoiy-siyosiy taraqqiyoti vorislik tamoyiliga ega bo'lsagina u konkretlik xususiyatiga ega bo'ladi. Konkretlik xususiyati o'z navbatida taraqqiyotning har bir ijtimoiy-siyosiy bosqichining mazmun, mohiyatini belgilab beradi. Boshqacha aytganda, tarixiy taraqqiyotning mavjudlik belgisi uning g'oyaviy-mafkuraviy mazmunida namoyon bo'ladi. Shu nuqtai nazardan, tarixiy taraqqiyot bilan g'oya va mafkuralarning uyg'unligi insoniyat rivojlanishining muhim shartidir. Shu jihatdan, har qanday g'oya va mafkura xalq, millatning tub manfaatlari asosidagina real kuchga aylanishi mumkin. Zero, O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlar va yangilanishlar jarayonida milliy g'oya va mafkurani rivojlantirish kun tartibidagi dolzarb vazifalardan biriga aylandi. Ayniqsa, 2017-yildan boshlab O'zbekiston o'z taraqqiyotining yangi – Milliy yuksalish fazasiga kirdi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tomonidan "Oldimizga qo'ygan ulkan vazifalarni amalga oshirishda biz uchun kuch-qudrat manbai bo'ladigan milliy g'oyani rivojlantirishimiz zarur"[2] ligi alohida ta'kidlandi. Darhaqiqat, milliy g'oya xalqimiz hayotiga chuqur kirib boradigan ta'sirchan omil sifatida jamiyatning asosiy maqsadini ifoda etar ekan, O'zbekiston taraqqiyotining hozirgi bosqichida "Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari!" degan ustuvor maqsad bosh g'oya sifatida qaror topmoqda.

Ushbu g'oya mazmun-mohiyat jihatdan bir-birini to'ldiradigan hamda mantiqan egiz g'oyalar sifatida baholanishi mumkin. Shu ma'noda, g'oya va mafkuralar hukmron siyosiy kuchning vaqtinchalik va xato maqsadlarini bajarishga qaratilgandagina ularning ijtimoiy nufuzi yo'qoladi. Masalan, sovet mustabid tuzumi davrida xalqimiz o'tmishi faqat urushlardan iborat tarix sifatida talqin etildi. Milliy ozodlik harakatlari, erk, vatan ravnaqi uchun olib borilgan har qanday kurash sinfiy kurash sifatida bayon etildi.

Mustaqillik sharoitida boy o'tmishimiz va milliy madaniyatimiz xolisona, ilmiy asosda o'rganila boshladi, ularga to'g'ri yondashuv va munosabatlar yuzaga keldi Chunonchi, Eron ahmoniylariga qarshi Shiroqning, Iskandar Zulqarnaynga qarshi Spetamenning, arab fotihlariga qarshi Abu Muslim va Muqannalarning, mo'g'ul istilosiga qarshi Jaloliddin Manguberdi, Temur Malik, Najmiddin Kubro, Mahmud Tarobiy va boshqalarning, ayniqsa adolatparvar, ma'rifatparvar hukmdor Amir Temurning sa'i-harakatlari, shuningdek, Po'latxon, Dukchi Eshon qo'zg'olonlari – bularning bari hech qanday "sinfiy kurash"ga aloqasi yo'q edi. Bunday harakatlarni yuzaga keltirgan, unga kuch bag'ishlagan asosiy omil milliy g'oya va mafkura bo'lib,

uning mohiyatini yurt ozodligi, tinchligi, vatan ravnaqi va xalq farovonligi tashkil etardi.

Ko'rib turganimizdek, milliy mafkura asosida o'z oldiga buyuk maqsad va vazifalarni qo'yib, istiqbol sari muttasil rivojlanib, ilgarilab borayotgan O'zbekistonda yashayotgan barcha xalqlar va millatlarni jipslashtiruvchi, ularning kuch-qudratlarini birlashtirib, yagona maqsadga yo'naltiruvchi kuchdir. Jamiyatda fuqarolarni birlashtiruvchi yagona umumiy g'oya va mafkura bo'lmasa, parokandalik yuzaga keladi. Mafkuraning birlashtirish, uyushtirish imkoniyatlariga alohida e'tibor qaratilishi ham shundan.

Shuni aytib o'tish zarurki, g'oya va mafkuralar milliy, umuminsoniy, mintaqaviy, irqiy, diniy va boshqa turli shakllarda namoyon bo'ladi. Shuningdek, ularning afsona va rivoyatlar vositasida ifoda etilgan mifologik, ilohiy qadriyatlar majmuasi bo'lgan diniy, olamga ilmiy yondashuv asosida vujudga kelgan dunyoviy ko'rinishlari ham bor. G'oyalar tizimida mifologik asosning o'rni kattadir, zero, ibtidoiy hayot davrida mifologiyaga asoslangan diniy-ilohiy qarashlar asosida, totemizm, animizm, fetishizm kabi g'oyaviy tizimlar - mafkura shakllari bo'lgan. Taraqqiyotning keyingi bosqichlarida milliy asosdagi hinduizm, iudaizm, konfutsiylik singari diniy mafkuralar shakllangan. Yaponlar esa o'zlarining milliy dini - sintoizmni yaratganlar[3].

G'oyalar tizimi, ta'kidlash lozimki, o'zgarmas emas. Uning tarkibi dunyodagi hamda u yoki bu mintaqa, davlatdagi ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy-mafkuraviy holatlarga bog'liq holda o'zgarish va yangilanish tamoyiliga amal qiladi. Ayniqsa, g'oyalar tizimidagi ayrim sifatlar muammoning hal etilishi darajasiga muvofiq ba'zan ko'tarilib, keskinlashishi ba'zi hollarda esa, uning hal etilgan muammo sifatida pasayishi yoki tamomila yo'q bo'lishini kuzatish mumkin. Xususan, irqiy manfaatlarni o'zida aks ettirgan g'oyalar insoniyat tarixida doimo dolzarb bo'lib kelgan. Irqiy kamsitishlar, ularga ijtimoiy-siyosiy imkoniyatlarning berilmasligi, jumladan, qora tanlilarni qul qilib sotish yoki sotib olish bilan bog'liq muammolar doimo bo'lgan. Irqiy cheklashlar bilan bog'liq muammolar XX asrning 60-yillarida o'ta keskinlashdi.

Ammo, dunyodagi erkparvar jamoatchilikning talabi, ayniqsa G'arb mamlakatlari hukumatlarining rasmiy siyosati, demokratik tartiblarning har tomonlama joriy etilishi oqibatida irqiy tafovutlar yo'qolib bordi. Qora tanlilarning huquqlari tiklana boshlab, ularni kamsitish o'rniga o'zaro hamkorlik, hamjihatlik g'oya va mafkurasi shakllandi. Bularning bari hozirgi kunga kelib muayyan irqiy manfaatlarni o'zida ifoda etuvchi g'oya va mafkuralarning ahamiyatini pasaytira boshladi.

Aynan shunday fikrlarni, mintaqaviy manfaatlarni o'zida aks ettiruvchi g'oyalar to'g'risida ham aytish mumkin. Jumladan, jahon hamjamiyatiga umumiy tahdid solib turgan ayrim konkret holatlarda mintaqaviy manfaatlarni ifoda etuvchi g'oya va mafkuralarning ta'siri ma'lum darajada pasayishi mumkin. Aytaylik, ikkinchi jaxon urushi davrida barcha mintaqaviy ahamiyatga molik g'oyalar fashizmni tor-mor etishga qaratilgan vayronkor g'oya va buzg'unchi mafkuralarga bo'ysundirildi. Umuminsoniyatga daxldor g'oyalar ijtimoiy taraqqiyotning barcha davrlarida ustuvor ahamiyat kasb etaveradi. Bu hol, jumladan, XX asrning oxiri, XXI asr boshlarida yanada muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Gap shundaki, diniy fundamentalizm, ekstremizm hamda undan kelib chiqadigan xalqaro terrorizm bu davrda ancha avj oldi. Ushbu salbiy holatlar, shubhasiz, jahon hamjamiyatining birlashishiga, yagona maqsad yo'lida imkoniyatlarni jipslashtirishga sabab bo'ldi. Natijada, mintaqaviy manfaatlarni himoya etuvchi g'oya va mafkuralar ijtimoiy rivojlanishning mazkur davrida o'z ustuvorligini ma'lum darajada pasaytirib, umuminsoniy qadriyatlarni himoya etuvchi hamda hududiy cheklanishlarni istisno qiluvchi g'oya va mafkuralarning dolzarbligi yanada ortdi.

Shu nuqtayi nazardan qaraganda, g'oya va mafkuralar tizimida diniy manfaatlarni o'zida aks ettiruvchi g'oyalar alohida ahamiyatga ega. Bunday g'oyalar ham inson ongi, ruhiyati bilan bevosita bog'liq. Diniy manfaatlarni o'zida ifoda etgan g'oya va mafkuralar "Tavrot", "Zabur", "Injil", "Qur'on" kabi ilohiy kitoblarda zikr etilgan.

Umuman, xalqlar, millatlar va davlatlar mavjud ekan, ularning borligini anglatib turuvchi g'oya va mafkuralarning amal qilishi tabiiydir. Insoniyatning taraqqiyoti, uning kelajagi mavjud mintaqaviy, irqiy va diniy manfaatlarni o'zida aks ettiruchi g'oya va mafkuralarning mutanosibligini ta'minlashga bog'liq. Bunday mutanosiblikning buzilishi esa dunyoda ko'plab muammolarning yuzaga kelishiga sabab bo'lmoqda.

Milliy g'oyalar va mafkuraviy qarashlar har bir davlatning mavjudlik belgisi hisoblanadi. Ayni paytda, ushbu qadriyatlar o'sha davlat va xalqning ijtimoiy mo'ljali hamdir. Yana shu narsaga e'tibor berish lozimki, davlatlarning ijtimoiy-siyosiy tuzumlari o'zgargan paytlarda g'oyaviy-mafkuraviy qarashlar ham o'zgaradi. Umuman, g'oyaviy-mafkuraviy qarashlar, ular tomonidan himoya qilinadigan qadriyatlar har bir davlat va xalqning ijtimoiy taraqqiyotida katta ahamiyat kasb etadi. Zero, milliy taraqqiyot konsepsiyasida xalqimizning g'oyaviy-mafkuraviy merosini ijodiy rivojlantirish masalalariga alohida e'tibor qaratilgan. G'oyaviy-mafkuraviy meros har bir xalq hayotida tarixan shakllangan fenomenal hodisa

hisoblanadi. Bunday meros o'zgarmas va qotib qolgan (dogma) emas. U doimo ijodiy rivojlanib boradigan, yangi sifat va mazmun bilan boyiydigan hodisadir.

Milliy g'oyaning tub mazmun-mohiyatini aniqlashda g'oya va mafkuralar shakllanib, rivojlanishining tarixiy davr va bosqichlarini tahlil qilish muhimdir. Gap shundaki, sovet mustabid tizimi davrida g'oya va mafkuralar rivojlanish tarixini davrlashtirish tarixni davrlashtirish bilan bir xil amalga oshirildi. Bunda formatsion yondashuvga amal qilindi.

Formatsion yondashuv asosida insoniyat tarixi: ibtidoiy jamoa, quldorlik, feodalizm, kapitalizm va kommunizm formatsiyalaridan iborat, degan aqidaga amal qilindi. Bu yondashuvning xato jihatlari esa quyidagilardan iborat edi:

1. Har bir davrni o'rganish sinfiylik, partiyaviylik tamoyillari asosida olib borildi.
2. Sivilizatsion yondashuv mutlaqo inkor etildi.
3. Tarixni davrlashtirishda hukmron siyosiy-mafkuraviy kuch manfaatlari himoya qilindi. Mazkur holatga binoan sovet mafkurasi formatsion yondashuv asosidagina o'zining yashovchanligini ta'minlashi mumkin edi.

Umuman tarixni, shu jumladan g'oya va mafkuralar tarixini davlatlashtirishda umumiylik mavjud. Hozirgi kunda tarixni sinfiylik, partiyaviylik kabi tamoyillar asosida o'rganish va davrlashtirish inkor etilgani kabi, ularni sivilizatsion yondashuv asosida o'rganish ham aniq bo'lib qoldi. Sivilizatsion hodisalarni kopleks ya'ni tizimli yondashuv asosida o'rganish bizga g'oya va mafkuralarning rivojlanish tarixini davrlashtirishda to'g'ri yo'l tanlashga imkon bermoqda.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, insoniyat tarixiy taraqqiyoti tajribalari shuni ko'rsatmoqdaki, milliy g'oya va mafkura jamiyatdagi ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy va huquqiy munosabatlar tizimiga mutanosib shakllangandagina real kuchga aylanishi mumkin. Ijtimoiy hayot, iqtisodiy turmush, siyosat, ma'naviyat va ma'rifat, huquqiy munosabatlar, hech shubhasiz, g'oyaviy-mafkuraviy jarayonlarga ta'sir ko'rsatadi. Shunday ekan, O'zbekistonning o'tmish tarixi – gumanizm g'oyalarining shakllanishi tarixi hamdir. Bu jihat jadidchilik va ma'rifatparvarlik harakatida ham o'z aksini topgan. Masalan, Abdulla Avloniy insonni ulug'laydigan, bezaydigan yaxshi xulqlardan hisoblangan odamgarchilik, insonparvarlik tufayli olamga madaniyat, ma'rifat, adolat urug'lari yoyiladi, deydi. "Odamgarchilikka, insoniylikka putur yetsa, - deydi Abdulla Avloniy, - musulmonlarning diliga ittifoq o'rniga nifoq, adolat o'rniga zulm, muhabbat o'rniga adovat, g'ayrat o'rniga murtadlik, muruvvat o'rniga g'azab, saxovat o'rniga buxl (baxillik), tavoze o'rniga kibr, sadoqat o'rniga iftiro (bo'hton, tuhmat), shafqat o'rniga hasad, hurmat o'rniga husumat, qanoat o'rniga tama, sabr o'rniga g'urur,

iqtisod o'rniga isrof, avf o'rniga dahshat, sa'y o'rniga safohat (nodonlik), g'ayrat o'rniga xurofot aralashadi"[4] deb fikr bildiradi.

## REFERENCES

1. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O'zbekiston strategiyasi. –Toshkent: O'zbekiston, 2021. – B 267.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi // Xalq so'zi, 2018-yil 29-dekabr.
3. Milliy istiqlol g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. –Toshkent: O'zbekiston, 2000. –B. 12.
4. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – Toshkent: 1967. – B. 31.

# HUQUQIY DAVLAT VA FUQAROLIK JAMIYATINI SHAKLLANTIRISHDA HUQUQIY ONGNING O'RNI: KORRELYATSION-FUNKSIONAL TAHLIL

**Ismayilov Akmal Ziyadillayevich**
O'zbekiston Milliy universiteti mustaqil tadqiqotchisi
e-mail: akmalismailov1979@gmail.com
+998993003283

**Annotatsiya:** Maqolada O'zbekistonda shakllanayotgan huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini rivojlantirishda huquqiy ongning va qonunlarning o'ziga xos o'ringa ega ekanligi atroflicha tahlil qilingan. Shuningdek, huquqiy ong huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatlari sub'ektlarining faoliyatlarining huquqiy g'oyaviy gnoseologik zamini, tartibga soluvchilik va tarbiyalab turuvchilik manbai ekanligiga e'tibor qaratilgan.

**Kalit so'zlar:** Huquqiy davlat, fuqarolik jamiyati, huquqiy ong, inson huquqlari, huquqiy tafakkur, demokratik huquqiy davlat, korrelyatsion-funksional qonunlar, fuqaro, qonunning ustunligi, hokimiyat.

**Аннотатсия:** В стате дается комплексный анализ уникалной роли правосознания и законов в развитии формирующегося в Узбекистане правового государства и гражданского общества. Также обращается внимание на то, что правосознание является правовой идейно-гносеологической основой деятелности субъектов правового государства и гражданского общества, источником регулирования и воспитания.

**Ключевые слова:** Правовое государство, гражданское общество, правосознание, права человека, правовое мышление, демократическое правовое государство, соотносительно-функсионалные законы, гражданин, верховенство права, власт.

**Abstract:** The article provides a comprehensive analysis of the unique role of legal consciousness and laws in the development of the legal state and civil society being formed in Uzbekistan. It also draws attention to the fact that legal consciousness is the legal ideological epistemological basis, a source of regulation and education for the activities of subjects of the legal state and civil society.

**Key words:** Legal state, civil society, legal consciousness, human rights, legal thinking, democratic legal state, correlative-functional laws, citizen, rule of law, power.

Har bir inson, sub'ekt ayni vaqtda bir butun huquqiy mavjudlikdir ham. Shunday ekan, ijtimoiy hayotning biron-bir sohasi inson faoliyatisiz yuz bermaydi.

Inson o'zining ontoholatiga ko'ra jamiyatning sotsial hayoti sohasida joylashgan. Ammo sotsial sohada ham bu sohaning o'ziga xosligiga bog'liq holda insonlarning oilaviy, maishiy-madaniy, jumladan uy-joy xo'jaliklariga xos faoliyatlari ham kelib chiqadi. Jamiyatning moddiy hayoti sohasi va uning asosi – moddiy madaniyat xo'jalik va ekologik faoliyatlarsiz mavjud bo'la olmaydi. Jamiyatning siyosiy hayotining asosi – siyosiy madaniyat, jumladan huquqiy davlat siyosiy faoliyatsiz, huquqiy hayotining asosi – huquqiy madaniyat huquqiy faoliyatsiz, ma'naviy hayotining asosi – ma'naviy madaniyat ham ma'naviy faoliyatsiz mavjud bo'la olmaydi. Demak, inson faoliyati yaratuvchilik va yaratuvchanlik faoliyati natijalarini o'zlashtiruvchilik faoliyatlari bosqichlaridan iborat. Misol sifatida, u moddiy ne'matlarni ishlab chiqarish sohalarida moddiy ne'matlarni ishlab chiqarish va ularning natijalarini o'zlashtirish, iste'mol qilish faoliyatlari ko'rinishlarida yuz beradi. Barcha, jumladan moddiy ne'matlarni ishlab chiqarish faoliyatining o'zi ham huquqiylikni, yuridik tartibga solinishini taqozo qiladi va u xo'jalikka oid va boshqa shu kabi yuridik normalar bilan kafolatlanadi va tartibga solib turiladi. Yuridik normalar deputatning qonun ijodkorligi natijasi, deputatlarning hamma uchun qonun kuchiga kiritilgan rasmiy ongidir. Demak, huquqiy ong nafaqat jamiyatning korrelyatsion-funksional qonunlari tizimida gnoseologik asos vazifasini, balki shu bilan birga ijtimoiy hayotning barcha sohalarida tartibga solib turuvchilik funksiyalarini bajaradi.

Biz o'z mamlakatimizda 1991-yil 31-avgustdan boshlab demokratik fuqarolik jamiyatini shakllantirish sari ketmoqdamiz. "Demokratiya" lotinchadan "xalq hokimiyatchiligi" demakdir. Ammo u keng ma'noda manfaatlar uyg'unligi va uning boshqarilishidir. Boshqarish hokimiyatni ham qamrab oladi. Asosiy manfaat esa ko'pchilikning manfaati hisoblanadi. Ularni uyg'unlashtirish boshqarishsiz va xalq hokimiyatchiligisiz yuz bermaydi. Bu manfaatlarni uyg'unlashtirish negizida ham huquqning sifat belgilari – tenglik, adolat va erkinlik yotadi. Demokratiya, ya'ni manfaatlar uyg'unligi ijtimoiy hayotning barcha sohalari – sotsial, moddiy, siyosiy-huquqiy va ma'naviy hayotlarda taqozo qilinadigan munosabatlardir. Ularni ta'minlaydigan yuridik normalar, ya'ni rasmiy huquqiy ong asosiy manba vazifasini o'taydi. Demak, huquqiy ong, jumladan yuridik normalar mamlakatlardagi demokratiya ko'rsatgichlari hamdir.

Demokratik fuqarolik jamiyati siyosiy va huquqiy ma'noda huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatining birligidan iborat. Huquqiy davlat tashqaridan zo'rlik yo'li bilan kiritilmaydi. Balki shu mavjud xalqning huquqlari asosida uning ichidan shu xalqning ifodasi sifatida shakllantiriladi [1]. U ontoholatiga ko'ra jamiyat, mamlakatning siyosiy- huquqiy hayotlari sohasida joylashgan. Fuqarolik jamiyati esa tor ma'noda ishlatilganda, fuqarolar va ular manfaatlaridan kelib chiqadigan

tuzilmalarni o'z ichiga oladi. Bu tuzilmalar, yuqorida ta'kidlaganimizdek, jamiyatning sotsial hayot sohasida oila, hamda ularning manfaatlarini ifodalovchi maxsus tashkilotlar, maishiy xizmat ko'rsatish, sog'liqni saqlash, sport sohalari va ulardagi uyushmalar, jamiyatning moddiy hayoti sohasida xususiy mulk asosida faoliyat yuritadigan nodavlat tashkilotlari, shirkat, ijara, hissadorlik, moliya uyushmalari, korporatsiya, konsern, ekologik harakat va boshqalardir. Bu tuzilmalar boshqaruv sohasida siyosiy partiyalar, harakatlar, inson huquqlarini himoya qiluvchi institutlar, turli ijtimoiy muammolarni adolatli hal etuvchi tuzilmalar va boshqalar, ma'naviy hayot sohasida ta'lim-tarbiya muassasalari, diniy tashkilotlar, milliy ma'naviy-madaniy markazlar, mustaqil ommaviy axborot vositalari uyushmalari va boshqalardir. Fuqarolik jamiyatining bu tuzulmalarining kelib chiqishi qonuniy ekan, ularning huquqlarining ularning o'z davlati – huquqiy davlat kafolatlaydi. Demak, huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatlarining shakllanishining o'ziyoq ularning ongli, maqsadli harakatlar natijalari ekanliklaridan dalolat beradi. Kishilar va ular vakillarining ongli, maqsadli harakatlarida esa huquqiy ong belgilovchilik xususiyatiga ega bo'ladi. Bunda huquqiy ong huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatlari sub'ektlarining faoliyatlarining huquqiy g'oyaviy gnoseologik zamini, tartibga soluvchilik va tarbiyalab turuvchilik manbai hisoblanadi. Jamiyatning korrelyatsion-funksional qonunlari tizimida huquqiy madaniyatning ijtimoiy hayotning boshqa sohalariga nisbatan tartibga solib turuvchilik qonuni o'z maqomiga ega bo'lib, unda huquqiy ongning roli beqiyosdir. Huquqiy ong huquqiy davlatning shakllanishida davlatchilik – huquqiy ongi, xususan konstitutsiyaviy huquqiy ong va fuqarolik jamiyatining shakllanishi sohalarida fuqarolik, xo'jalik va boshqa shu kabi huquqiy ong formalari ko'rinishlarida namoyon bo'ladi. Jamiyatning mana shu korrelyatsion – funksional holati va unda huquqiy ongning ontologik va funksional o'rnini bilmaslik tadqiqot ishlari va amaliy harakatlarda huquqiy infantalizmga olib boradi.

Endi e'tiborni huquqiy davlat va fuqarolik jamiyati korrelyatsion-funksional dialektikasining konstitutsion negizlariga qaratamiz. Mamlakat muayyan tarixiy makon va zamondagi jamiyat - kishilar va ular o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlar yig'indisini tashkil etadi. Rus tilidagi "община" so'zi ham muayyan hududda yashovchi aholining o'z-o'zini boshqaruvchi tashkiloti ma'nosini, "общество" so'zi esa kishilik taraqqiyotining muayyan bosqichida birlashgan kishilarning munosabatlaridir. Kishilarning munosabatlari yig'indisi mexanik bo'lmasdan, balki dialektik xarakterga ega jarayon sifatida kechadi. Bunda huquqiy ong, jumladan konstitutsion ong va so'ngra konstitutsiya, qonunlar va qonunosti hujjatlarining tartiblovchilik omillari sifatida o'rni kattadir. Chunki ushbu qonunlarda mamlakat aholisining umumiy, xususiy va alohida manfaatlari kafolatlangan.

Jamiyat davriy jihatdan ijtimoiy formatsiyalardan, ijtimoiy formatsiyalar esa mustaqil sivilizatsiyalar, ya'ni mamlakatlardan, mamlakatlar esa tarixiy davlatlardan iborat. sivilizatsiya o'z fuqarolari va davlatiga ega mamlakatdir [2]. Fuqarolik individ, jismoniy shaxslarning davlat bilan aloqasini ta'minlaydiki, bu o'zaro huquqlar va burch, majburiyatlar ko'rinishida ifodalanadi. Fuqarolik jamiyatida ustivor yo'nalish inson huquqlarini, xususiy huquqlarni anglash va ularni ta'minlash hisoblanadi. Uni esa demokratik davlat – huquqiy davlat ta'minlaydi. Bu o'zaro aloqadorlikda huquqiy davlatchilik g'oyasi qonun ustivorligiga, hokimiyatning bo'linishiga, davlat va fuqarolarning o'zaro majburiyatlar bilan bog'langanligi tamoyillariga asoslanadi.

Fuqarolarsiz davlat va davlatsiz fuqarolik, fuqarolar ham bo'lmaydi. Ular bir-birlarini taqozo etadilar. Demak, fuqarolik jamiyati keng ma'noda mamlakatda inson birliklariga tegishli nimaiki bo'lsa, o'sha narsalarning barchasini o'z ichiga oladi [3]. Fuqarolik jamiyati tor ma'noda esa huquqiy davlat tarkibiga kirmaydigan insonlar jamiyatlari, jamoat va nodavlat institutlarini o'z ichiga oladi. Va bunda ularning bir-birini taqozo etgan holda ta'sir etishlari ularning korrelyatsion-funksional dialektikasini tashkil etadi.

Huquqiy davlat yuzaga kelishi ob'ektiv holatdir. Chunki huquqlarning kafolatlanishi, insonlar, jamoaning jamiyat darajasida boshqarilishi davlat hokimiyatini taqozo etadi. Bunda, birinchidan, agar davlat hokimiyatlari tashqaridan keltirilmasdan (ilgari "Moskva hokimiyati" singari), balki xalqning o'z ichidan, uning manfaatlari negizida shakllantirilgan bo'lsa, u huquqiy davlat, mavjud bo'lishga va amal qilishga haq-huquqi bor davlat hisoblanadi. Ikkinchidan, davlat huquqiy davlat bo'lishi uchun huquqlarga asoslanishi va qonun qonun ustivorliklarini ta'minlay berishi lozim. Shuning uchun ham O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 7-moddasida shunday deyilgan: "Xalq davlat hokimiyatining birdan-bir manbaidir". Biz demokratik fuqarolik jamiyatini shakllantirish sari ketayapmiz. Demokratiya keng ma'noda manfaatlar uyg'unligi va uning boshqarilishidir. Demokratiyaning negizini huquqning sifat belgilari – tenglik, adolat va erkinlik tashkil etadi. Huquq hokimiyatlar orqali amalga oshadi. Huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatlarining bir-birlariga mos kelishlari va bir-birlarini taqozo etishlari demokratik fuqarolik jamiyatining birligini ta'minlaydi. Bu jarayon Konstitutsiyaning uchinchi bo'limida kafolatlangan. Aksincha, demokratik fuqarolik jamiyati qurilayotgan mamlakatda bu ikkala qutbiy tomon – huquqiy davlat va fuqarolik jamiyati institutlarining bir-birlaridan mavjudlik va amal qilish holatlari o'rtasidagi tafovutlar ular o'rtasidagi kurashni keltirib chiqaradi. Bu o'zaro ta'sir tufayli demokratik fuqarolik jamiyatining ilgarilama harakati kelib chiqadi. Bu haqda huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini sistema sifatida tashkil etuvchi substansional elementlar va ularning bog'lanishlarini

aks ettirgan paragraf – 3-bobning ikkinchi va uchinchi paragrafida alohida fikr yuritilgan. Ularning negizida substansional qonunlardan biri - huquqiy davlatchilik va fuqarolik jamiyatlarini shakllantirishga bo'lgan ehtiyojlarning oshib borishi qonuni yotadi. Bu holat fuqarolar va nodavlat uyushmalarning faoliyatlari kafolatlarini amalga oshishi bilan huquqiy davlatchilikka bo'lgan ehtiyojlarining qondirilishi o'rtasidagi muvofiqlik ko'rinishida yuz beradi. Agar bu muvofiqlik buzilsa ijtimoiy, jumladan yuridik nizolar kelib chiqadi. Bu holatdan mamlakatning u yoki bu sohalarida isloh qilishlar, yoki bir sifatdan ikkinchi sifat holatiga o'tishlari kelib chiqadi. "Eski sifatdan yangisiga o'tish jarayonidagi, - deydi Shtaylmann Klaus, - o'z elementlari, ularning soni va turli-tumanliklarining o'zgarishi, bitta o'zaro ta'sir va o'zaro aloqadorliklar munosabatlarining kelib chiqishi va boshqalarining yo'qolishini o'z ichiga olgan vorisiylik va inkorning mazkur borlig'i eski tizimni qayta tashkil etish mexanizmi vositasida amalga oshadi. Bitta strukturadan ikkinchisiga, bitta ob'ektning "borlig'i"ga o'tish yuz beradi" [4]. Bu holat normal, evolyusion yo'l bilan yuz berishi uchun birinchi navbatda davlat hokimiyatlari suveren bo'lishlari kerak (qarang: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi I-bo'lim), Konstitutsiya va qonunlar ustivor bo'lishlari (qarang: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi I-bo'lim 3-bob) uchun esa xalqning ehtiyojlariga mos kelishlari, ularning qonunchilik hokimiyati tomonidan ishlab chiqilishida xalq va uning ehtiyojlari manbaa vazifasini o'tashlari lozim (qarang: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi I-bo'lim 2-bob). Inson va fuqarolarning huquqlari, jumladan shaxsiy, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy huquqlari va burchlari kafolatlanishi lozim (qarang: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi II-bo'lim). Shuning uchun ham konstitutsion normalarda jamiyat va shaxs dialektikasida uning iqtisodiy negizlari, oila va boshqa ijtimoiy institutlar, jamoat birlashmalari (qarang: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi III-bo'lim) va davlat hokimiyatining asosiy huquqiy asoslari (qarang: O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi V-bo'lim) kafolatlangan. Bu konstitutsion ong, jumladan normalarsiz huquqiy davlat va fuvarolik jamiyati dialektikasi bir-birlarini ta'minlashlari yuz bermaydi.

Demak, konstitutsion normalar konstitutsion huquqiy ongning ob'ektivlashishi sifatida to'rtta korrelyatsion-funksional qonunlar tizimida jamiyat huquqiy madaniyatining tartibga solib turuvchilik qonuni vazifasini bajarishi tizimida joylashgan. Zamonaviy davlatlarda bu huquqiy ongning bir ko'rinishi - konstitutsion huquqiy normalarsiz jamiyatning boshqarilishi va tartibga solinishi normal kechmaydi.

## REFERENCES

1. Ismayilov A.Z. Xolmuminov G.B. (2020) HISTORICAL AND THEORETICAL ROOTS OF ESTABLISHING A DEMOCRATIC LAW IN UZBEKISTAN // Proceedings of Global Technovation- An International Multidisciplinary Conference. Hosted from Samsun, Turkey 31 October 2020.
2. Ikramov R.A. Ismayilov A.Z. (2020). Historical and theoretical roots of establishing a democratic law in Uzbekistan. //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) 6(10).
3. Qarang: Islomov Z.M. Davlat va huquq nazariyasi. – T.: "Adolat", 2007. 60-bet; Tadjixanov U., Odilqoriev X., Saidov A. O'zbekiston Respublikasining konstitutsiyaviy huquqi. – T.: "Sharq", 2001. 399-bet.
4. Shtaylmann Klaus. Novaya filosofiya biznesa. Tom 1. – Moskva-Berlin: «Rossiyskoe psixologicheskoe общestva», 1998. 154-bet.

# ТАСАВВУФ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА НАЖМИДДИН КОМИЛОВНИНГ ҚИЁСИЙ МЕТОДИ

**Бобомурод Адилов**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбек илмий тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси, таниқли тасаввуфшунос, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов (1937-2012)нинг Тасаввуф тарихига оид тадқиқотларида қўллаган компаративистик методнинг ўзига хос хусусиятлари, мазкур методнинг тасаввуфшунос олим илмий ишларида намоён бўлиши хусусида фикр юритилади.

Компаративистик метод Ислом олами диний-фалсафий ва бадиий-эстетик тафаккурининг ривожида муҳим рол ўйнаган Тасаввуф таълимотининг тарихи, унинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, Тасаввуфнинг буюк намояндалари ҳаёти ва қарашлари билан боғлиқ фактларни илмий-объектив тарзда ўрганиш учун энг оптимал методлардан бири ҳисобланади. Мақола муаллифининг фикрича, профессор Нажмиддин Комилов ушбу илмий методдан унумли фойдаланиш билан бирга ундан фойдаланиш усулларини ўз шогирдларига мерос қолдирган.

**Калит сўзлар:** *Тасаввуф, Тасаввуф тарихи, Нажмиддин Комилов, таълимот, тариқат, қиёс, компаративистика, компаративистик метод, тадқиқот.*

В данной статье рассматриваются особенности компаративистского метода, использованного основателем узбекской научной школы суфиеведение, известным суфиеведом, литературоведом, доктором филологических наук, профессором Наджмиддином Комиловым (1937-2012) в его исследованиях по истории Суфизма, и его проявление в научных трудах учёного-суфииста.

Компаративистский метод считается одним из наиболее оптимальных методов для научно-объективного изучения фактов, связанных с историей суфийского учения, которое сыграло важную роль в развитии религиозно-философского и художественно-эстетического мышления исламского мира, этапами его формирования и развития, жизнью и взглядами великих представителей суфизма. По мнению автора статьи, профессор Нажмиддин Комилов, наряду с эффективным использованием этого научного метода, оставил в наследство своим ученикам методы его применения.

**Ключевые слова:** *Суфизм, История Суфизма, Наджмиддин Комилов, учение, тарикат, сравнение, компаративистика, компаративистский метод, исследования.*

This article examines the features of the comparative method used by the founder of the Uzbek scientific school of Sufi studies, renowned Sufi scholar and literary critic, Doctor of Philological Sciences, Professor Najmiddin Komilov (1937-2012), in his research on the history of Sufism, and its manifestation in the Sufi scholar's scholarly works.

The comparative method is considered one of the most optimal methods for the scientific and objective study of facts related to the history of Sufi teachings, which played an important role in the development of religious-philosophical and artistic-aesthetic thinking in the Islamic world, its stages of formation and development, the life and views of great representatives of Sufism. According to the author of the article, Professor Najmiddin Komilov, along with effectively using this scientific method, left his students a method of applying it as an inheritance.

**Keywords:** *Sufism, History of Sufism, Najmiddin Komilov, doctrine, tariqa, comparison, Comparative method, research.*

Нажмиддин Комилов тасаввуфнинг вужудга келиш тарихи, шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, тариқатлар ва ирфоний мактаблар тарихини ўрганиш жараёнида тариқатлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни қиёслайди, буюк мутасаввифлар, тарихчи ва файласуф олимларнинг қарашларини таққослайди, Шарқ ва Ғарб тасаввуфшунос олимларининг тасаввуф тарихига оид фикрларни қиёсий ўрганади, кези келганда тасаввуф таълимотини бошқа диний ва фалсафий таълимотлар билан солиштириш орқали улар ўртасидаги ўхшашликлар ва тафовутларни ўрганиб чиқади. Бу метод тасаввуф тарихига оид мавҳум жиҳатларга ойдинлик киритиш учун хизмат қилади.

Нажмиддин Комилов тасаввуф тарихи, шаклланиш ва тараққиёт босқичлари, тариқатлар ва ирфоний мактаблар тарихи ҳамда тасаввуф таълимоти намояндалари ҳаёти, илмий-адабий мероси ва тафаккур тарзини ўрганиш жараёнида улар ўртасидаги алоқадорлик ва ўхшаш жиҳатлар билан бирга фарқли жиҳатларни компаративистик метод – қиёсий усул орқали таҳлил ва тадқиқ этади, Шарқ ва Ғарб тасаввуфшунос олимларининг тасаввуф тарихига оид фикрларни қиёсий ўрганади, зарурат туғилганда тасаввуфни бошқа диний ва фалсафий таълимотлар билан ҳам солиштиради. Бу метод ўз навбатида комплекс таҳлилни янада чуқурлаштиради. Олимнинг айниқса, тасаввуфни таълимотини вужудга келиши жараёнида таъсир кўрсатган

сарчашмалар ёхуд таълимотлар хусусидаги қиёсий таҳлили ва мулоҳазалари диққатга сазовор. Муаллиф ушбу масалани компаравистик метод воситасида қуйидагича таҳлил қилади: "Тасаввуф тарихига назар ташлар эканмиз, ислом динидаги мазҳаблар, қарашлар хилма хиллиги сўфийлар ҳаёти ва дунёқарашига ҳам инчунун таъсир этиб турганини кўрамиз. Хусусан, сунний ва шиа мазҳаблари орасидаги кураш сезиларли из қолдирган. Эрон олимлари, жумладан, "Тасаввуф истилоҳлари шарҳи" (Теҳрон, 1347 ҳижрий йили) номли қомус муаллифи Саййид Содиқ Гуҳарин тасаввуфнинг пайдо бўлиши ва қарор топишида шиа мазҳаби қарашларининг таъсири борлигини таъкидлайди. Бошқа бир қатор олимлар юнон фалсафаси, қадимги зардуштийлар, ҳинд фалсафий-асотирий қарашларининг ролини кўрсатадилар".[4:15-16] Муаллиф қиёс учун важҳ (сабаб) топади, сўнг илмий-мантиқий далиллар асосида ўз нуқтаи назарини баён этади: "Тасаввуф амалиёти ва фалсафасида бу булоқларнинг самарали таъсири бўлиши мумкин. Лекин шуни таъкидламоқчимизки, исломий тасаввуф ўзи ўзлаштирган жамики нарсаларни ислом руҳида қайта ишлаб, шариатга мувофиқлаштирган. Яна шуни ҳам айтмоқчимизки, шиа ва сунний мазҳаблари орасидаги кураш тасаввуф силсилаларининг йўналишларини бнлгилаган. Чунончи, тайфурия, суҳравардия, ҳулулия, фирдавсия каби силсилалар кўпроқ шиачиликка мойил бўлса, яссавия, нақшбандия сулуклари сунний мазҳабида мустаҳкам турган тариқатлар эди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг асосий жидду жаҳди ҳам тасаввуф ва тариқатни сунний мазҳабига мослаштириш, уни шиачиликка хос жаҳру самоълардан тозалашдан иборат бўлган. Натижада, нақшбандия сунний мазҳаби аҳоли орасида чуқур ёйилган".[4:16] Бу ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, муаллиф сунний ва шиа йўналишлари ўртасидаги ихтилофларнинг тасаввуф таълимотига таъсири масаласида баъзи бир чалкашликларга ҳам йўл қўйган. Бу чалкашликларни қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

Биринчидан: Хуросон ва Мовароуннаҳрда Шиа ва сунний йўналишлари ўртасидаги ихтилофларнинг кучайиши даври – XIV-XVI асрларгача тасаввуф бутун бир таълимот сифатида шаклланган ва унинг таркибида 300 га яқин тариқатлар, мактаблар ва силсилалар вужудга келиб бўлган эди. Тасаввуф то XIV асргача сунний ақидалар асосида шаклланган, моҳиятан сунний характерга эга бўлган таълимот эди. Шу нуқтаи назардан, шиа эътиқодининг тасаввуфга таъсири XIV асрдан сўнг кузатилади. Ана шу таъсир натижасида тасаввуфнинг баъзи бир янги тариқатлари шиа эътиқоди асосида шаклланади. Жумладан, XV асрнинг 30-40 йилларида Хуросонда Сайид Шаҳобиддин Абдуллоҳ Барзишободий Машҳадий томонидан ташкил топган Заҳабия тариқати "Кубравия тариқатининг бир шохобчаси сифатида юзага келиб, қисқа бир

муддат ичида мустақил тариқат даражасига кўтарилади. Тариқат шаклида шуҳрат топган пайтидан бошлаб шиа мазҳаби фақеҳларининг қаттиқ қаршилигига учрашига қарамай, ушбу мазҳаб эътиқоди доирасида фаолият юритади.

Албатта, бунинг тарихий-ижтимоий сабаблари бор эди. IX асрдан Аҳли суннат вал-жамоат эътиқодида мустаҳкам бўлиб келган Тасаввуф таълимоти XIV асрга келиб Шайх Сафийиддин Ардабилий туфайли шиа эътиқодига ҳам мойиллик билдира бошлайди. Айнан ана шу даврда шиаликка асосланган "Сафавия" тариқати вужудга келади. Сафавия тариқати Ғарбий Эронда (Эроннинг Озарбойжон қисмида) вужудга келиб тарқалган бўлса-да, XV асрга келиб Сафавийлар давлати барпо этилгач, янада кучаяди ва таъсир доирасини Хуросонгача кенгайтиради. Ана шундай вазиятда шиа эътиқодида бўлган баъзи сўфийлар Заҳабия силсиласига қўшиладилар. Уларнинг ушбу силсилага кириши Заҳабиянинг шиалашишига сабаб бўлади. Заҳабиядан сўнг кетма-кет Нурия, Нурбахшия ва Неъматуллоҳия каби шиа тариқатлари шаклланадилар. Бу тарикатларнинг вужудга келиши Заҳабиянинг шиа эътиқодида қолиб кетишини таъминлайди".[6:36] Нажмиддин Комилов шиа тариқатларнинг Кубравия тариқатидан келиб чиқиши сабабини тўғри изоҳлайди: "Аммо Нажмиддин Кубро асослаган кубравия силсиласида шиа ва сунний мазҳабидаги кишилар бирга таълим олардилар. Чунки улуғ шайхнинг ўзлари мазҳаб ва маслакларга эътибор қилмаган. Нажмиддин Кубро вафотидан кейин эса шогирдларнинг бир қисми сунний тариқатига (Сайфиддин Бохарзий каби), бир қисми эса шиа асосидаги тариқатларга (Саъидиддин Ҳамавий каби) қўшилиб кетганлар".[4:16] Муаллиф ўз тадқиқотида компаративистик методни нафақат узлуксиз давом эттиради, балки баъзи ўринларда кучайришга ҳам эришади. Масалан, худди юқоридаги масалани қуйидаги факт билан янада кучайтиради:

"Шу каби Жалолиддин Румий асос солган мавлавия мазҳаби ҳам сунний йўналишдаги тариқат бўлса-да, лекин диний ва мазҳабий айирмалар уларда у қадар аҳамиятли бўлмаган. Бугина эмас, Румий умуман динларнинг ўзини ҳам бир-биридан устун қўймай, уларни Тангри сари олиб борадиган турли йўллар, деб қараган".[4:16]

Иккинчидан: Мансур Ҳаллож асос солган "Ҳулулия" (Ҳулул ва иттиҳод ғояси асосида) сулуки (ёхуд тариқати) ҳам шиалик ва ҳам суннийлик эътиқодига мутлақо зид бўлган. Шунинг учун ҳам Ҳулулия сулуки ҳам аҳли суннат вал-жамоат ва ҳам шиа уламолари томонидан нафақат қаттиқ танқидга учраган, балки мутлақо рад этилган ва ботил саналган. Жумладан, XII асрда яшаб ижод этган шиа мазҳабидаги машҳур тасаввуф олим Саййид Муртазо бин Доъий Ҳасаний Розий ўзининг "Табсират ул-авом фи маърифат ил-аном"

асарида "Ҳулул ва иттиҳод" ғосяси асосчиси Мансур Ҳалложни қуйидагича тавсифлайди:

اول ایشان که دعوی اتحاد کنند ریس ایشان حسین بن منصور حلاج باشد و این حسین بن منصور حلاج ساحر بود و در آن مهارتی داشت و در سحر شاگرد عبدالله بن هلال الکوفی بود. [7:122]

Мазмуни: *"Иттиҳод" даъво қилгувчиларнинг раиси (бошлиғи, раҳбари) Ҳусайн бин Мансур Ҳаллождир ва бу Ҳусайн бин Мансур Ҳаллож сеҳргар (жодугар) эди ва бу ишда маҳорати бор эди, сеҳр-жодуда Абдуллоҳ бин Ҳалол ал-Кўфийнинг шогирди" эди.*

Кўриниб турганидек, шиа олими Доъий Ҳасаний Розий Мансур Ҳалложни "сеҳргар" (жодугар) деб атайди. Сўнг унинг ҳаёти ва фаолиятлари билан боғлиқ маълумотларни келтиришдан олдин унинг худолик даъво қилгани ("Анал-Ҳақ" дейиши – Б.А.)ни таъкидлайди:

...حلاج دعوی خدایی کرد و در سال سیصد و نه از هجرت معلوم وزیر حامد بن عباس کردند که حلاج خواهم دعوی خدایی می کند و می گوید مرده زنده می کنم و جن خدمت من می کنند و هر چه از ایشان می پیش من می آورند و من توانم که همه معجزات انبیا کنم.

[7:122]

Мазмуни: *"Ҳаллож худолик даъво қилди ва ҳижратдан 309 йил штганда вазир (Халифа вазири – Б.А.) Ҳомид бин Аббосга маълум қилдиларки, Ҳаллож худоман, деб даъво қиляпти ва айтаяптики "мен ўликни тирилтираман ва жинлар менга хизмат қиладилар, нимаики улардан (жинллардан – Б.А.) истасам, олдимга олиб келадилар. Мен пайғамбарларнинг барча муъжизаларини содир этишга қодирман".*

Кейинги ўринларда Доъий Ҳасаний Розий Мансур Ҳалложни "кофир", "зиндиқа" каби номлар билан атайди.

Учинчидан: "Жаҳр (зикрни баланд овозда айтиш – Б.А.) ва самоъ" каби амаллар фақат "шиаликка хос" амаллар эмас. Бу амаллар шиа мазҳабидаги "Тосувои Ҳусайний" – Имом Ҳусайн азасидаги ҳаракатлардан тасаввуфга ўтган бўлиши мумкин, аммо табиатан сунний бўлган тариқатларда, жумладан, Қодирия, Яссавия ва Мавлавия каби тариқатларда ҳам кенг қўлланилган.

Нажмиддин Комилов ўзининг тасаввуф тарихи, фалсафаси ва адабиётига оид тадқиқотларида кенг қўллаган қиёсий таҳлилларда воқейликнинг сабаб ва оқибатларини аниқлаш билан бирга улар ўртасидаги алоқадорликни ҳам тадқиқ этишга эришади. Жумладан, шариат ва тариқат ўртасидаги ихтилофларнинг асосий сабабларидан бирини қуйидагича изоҳлайди: "Аммо мухолифатнинг бош сабаби бу эмас эди, зоҳидлар, "осойишта" сўфийлар шариат аҳлини унчалик безовта қилмаганлар. Шариат аҳлига ташвиш келтирган нарса – бу

тасаввуфнинг фано, тавҳид, ишқ ва васл каби ғоялари эди. Чунки мазкур тушунчалар ҳурфикрликни, ҳақиқатни излаш йўлидаги мантиқий-тафаккурий жиҳатни кучайтирар, ваҳдат, руҳ, Илоҳ ва инсон ҳақида теранроқ билим берар, олам асрорини англашга йўл очарди. Бу эса зоҳирий билим билангина чекланган одамларга ёқмасди. Боз устига, Ҳақ таоло ишқида бехуду девона бўлган валийларнинг "шатаҳот"лари, яъни зоҳирда "куфр" бўлиб кўринган гаплари (чунончи, Ҳалложнинг "Анал-Ҳаққ" дейиши, Боязиднинг "Шарафланганман, шарафланганман, шаъну шараф менга", деган гапи, Машрабнинг "Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак, Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай" дейиши), табиийки, ақидапараст кишиларни ташвишга солар ва улар буни имондан чекиниш, деб баҳолардилар".[4: 72] Муаллиф, масала ёки воқеанинг сабабини келтиргач, унинг оқибатини ҳам топишга ҳаракат қилади ва буни қуйидагича шарҳлайди: "Шунинг сабаби ўлароқ, тасаввуф маслагининг энг ёрқин фикрли фарзандлари Мансур Ҳаллож, Яҳё Суҳравардий, Айн ул-қуззот Ҳамадоний, Имомиддин Насимий, Бадриддин Ҳилолий, Бобораҳим Машраб муқаллид (тақлидчи; динга кўр-кўрона амал қилгувчи – Б.О.) уламолар фатвоси билан расмий равишда қатл этилдилар. Шу каби Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Абдуллоҳ Ансорий, Фаридиддин Аттор, Ибн ал-Арабий, Жалолиддин Румий каби машҳур мутафаккир шайхлар умр бўйи шариат аҳли билан келишолмай, баъзан эса жоҳил ҳокимлар, амирларнинг тазйиқи остида умр ўтказганлар".[4:72]

Бошқа бир ўринда Н.Комилов Шайх Фаридиддин Аттор ва Низомиддин Ҳайдар Борбуний ўртасидаги алоқадорлик ва бу икки тасаввуф вакили ҳаётидаги ўхшаш тақдирларни рус тасаввуфшунос олим Е.Э.Бертелс маълумоти асосида [1: 372-373] қуйидагича тавсифлайди: "Улуғ шайх ва шоир Фаридиддин Атторни "Жавҳар уз-зот" (Зот жавҳари) асари учун рофизийлик (шиалик)да айблаган Нишопур уламолари уни Мансур каби қатл этмоқчи бўладилар. Бироқ шоир қочиб жон сақлайди, лекин мол-мулкидан буткул ажралади. Яна қизиғи шундаки, XV асрда, худди шу достонни кўчирган Низомиддин Ҳайдар Борбуний деган котиб ҳам Самарқандда муллаларнинг ғазабига дучор бўлган ва қаттиқ жазога ҳукм этилган. Хайриятки, Ҳирот олимлари бундан хабар топиб, Низомиддинни қутқариб қоладилар".[4: 73]

Нажмиддин Комиловнинг тасаввуф таълимоти тарихидаги тараққиёт босқичлари борасида қиёсий усул орқали олиб борган тадқиқотлари ва фикр-мулоҳазалари катта илмий аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Мустақиллигининг илк йилларида ёзган "Тасаввуф тараққиётидаги янги йўналиш" номли мақоласида тасаввуф тарихида муҳим ўрин тутган икки асосий йўналиш – "Сукр" (мастлик, бехудлик) "Саҳв" (ҳушёрлик) нинг

уйғунлашуви ҳодисасини Нажмиддин Кубро номи билан боғлаган тадқиқотчиларнинг фикрини қўллаб-қувватлайди: "Тадқиқотчилар Нажмиддин Куброни Боязид Бистомийнинг, Жунайд Бағдодийнинг йўлидан борди, дейдилар. Улар қандай йўл? Боязид Бистомийнинг йўли бехуд бўлиб худо васлига етиш йўлидир. Яъни девона бўлиб, бехуд бўлиб Аллоҳ васлига етиш йўли, демак супра (суфра?) йўли. Жунайд Бағдодийнинг йўли саҳв, яъни ҳушёрлик билан Аллоҳни супрадан кейин, бехудликдан кейин ҳушёр бўлиб, маърифатни, ирфонни эгаллаш билан билиш йўлидир. Шу икки йўлни бирлаштиришга ҳам Нажмиддин Кубро катта ҳисса қўшган. Бу кишининг хизматларидан бири шуки, табиатларида баҳсу мунозарага ўчлик борлиги учун ўзлари, гарчи Жунайд Бағдодийнинг йўлини эгаллаган бўлсалар-да, барибир, каромат йўлига ўтган, Боязид Бистомий йўли билан Жунайд йўлини қўшиш тасаввуфда жуда катта янги бир босқич ҳисобланади".[3: 29-30]

Ўзбекистон тасаввуфшунослик мактаби тарихида Нажмиддин Комилов бошлаб берган бу метод йиллар ўтиб унинг сермаҳсул шогирди – файласуф ва тасаввуфшунос олим Жаъфар Холмўминовнинг узоқ йиллар давомида олиб борган тадқиқотлари натижаси ўлароқ Нажмиддин Комилов хотирасига бағишланган "Қиёсий тасаввуфшунослик"[5] номли монография яратиши ва шу ном билан янги фанга асос солишига сабаб бўлди. Монографияга ёзган сўзбошисида таниқли сиёсатшунос ва жамиятшунос олим, профессор Нарзулла Жўраев тадқиқотга жумладан, шундай баҳо беради: "Жаҳон динларининг тарихи, уларнинг ривожланиш босқичлари эволюцияси ва айни ана шу ривожланишлар оқимида уларнинг ғоявий асослари тасаввуф фалсафаси асосида қиёсий таҳлил ва тадқиқ этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу ўта мураккаб ва зиддиятли вазифани забардаст тасаввуфшунос олим, фалсафа фанлари доктори Жаъфар Холмўминов катта илмий ирода ва қатъият билан ўз зиммасига олди ва тасаввуфшунослик соҳасида "Қиёсий тасаввуфшунослик" номли янги фаннинг методологик асосларини яратишга муваффақ бўлди. Соддароқ тарзда айтганда, XX-асрнинг иккинчи яримида "Қиёсий грамматика" ва "Қиёсий адабиётшунослик" фанлари, XXI-асрнинг бошида эса "Қиёсий диншунослик" фани илм-фан майдонига кириб келган эди. Жаъфар Холмўминов эса илк маротиба бизга "Қиёсий тасаввуфшунослик" номли фан ҳам бўлиши мумкинлигини, бу фаннинг илк унсурлари эса X-асрда Абу Райҳон Беруний, Абў Бакр Калободий ва Мустамлий Бухорий, кейинги даврларда Имом Абў Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий, Шайх ул-акбар Муҳйиддин Ибн ал-Арабий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий каби улуғ мутафаккирларнинг фалсафий ва ирфоний асарларида кузатилишини илмий далиллар билан исботлаб берди ҳамда ўз навбатида "Қиёсий тасаввуфшунослик"нинг қиёсий

таҳлил ва герменевтик усулларга таянган янги методологиясини ишлаб чиқди. Шу тариқа, "Қиёсий тасаввуфшунослик" номли фалсафа, диншунослик, исломшунослик, манбашунослик ва адабиётшунослик фанларининг қоришмасидан ҳосил бўлган янги фан дунёга келди".[2: 4]

**Хулоса**

Юқоридаги мисоллар ва таҳлиллардан шундай хулоса келиб чиқадики, компаративстик метод Нажмиддин Комиловнинг адабиётшуносликка оид қимматли тадқиқотлари сингари тасаввуфшуносликка оид тадқиқотларида ҳам кенг ва ўринли қўлланилган. Барча ижтимоий фанларда қўлланиладиган ушбу методнинг тасаввуф тарихини тадқиқ этиш жараёнида ишлатиш Нажмиддин Комиловга тасаввуф тарихига оид баҳсли масалалар, ҳолатлар ва фактларни турли маълумотлар ва илмий далиллар асосида ўзаро солиштиришган ҳолда самарали натижаларга эришиш имконини яратган.

## REFERENCES

1. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. . – Москва, 1965.
2. Жўраев Н. Тасаввуфшуносликда янги йўналиш. / Холмўминов Ж. Қиёсий тасаввуфшунослик (Монография). – Тошкент: "Тошкент давлат шарқшунослик университети", "Yosh avlod matbaa", 2021.
3. Комилов Н. Тасаввуф тараққиётидаги янги йўналиш. / "Шайх Нажмиддин Кубро". Мақолалар. – Тошкент: "Ёзувчи", 1995.
4. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: "Movarounnahr", "O`zbekiston", 2009.
5. Холмўминов Ж. Қиёсий тасаввуфшунослик (Монография). – Тошкент: "Тошкент давлат шарқшунослик университети", "Yosh avlod matbaa", 2021.
6. Холмўминов Ж, Раҳимов К. Тасаввуф тарихи ва ва фалсафасида Заҳабия тариқати. /"AMERICAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE". (USA) Researchbib Impact Factor (IF) = 9.674 Scienc Volume of the 3, March, 2025. ISSN Online: 2984-6714.
7. سپید مرتضی بن داعی حسنی رازی. تبصره العوام فی معرفه مقالات الا نام. / تصحیح عباس اقبال. – تهران: انتشارات اساطیر. 1364.

# ИНТЕГРАЛ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БИЛИМ ВА ЭЪТИҚОД УЙҒУНЛИГИ

**Файзиходжаева Дилбар Иргашевна**
ф.ф.д., доцент
ЎзМУ Фалсафа кафедраси
dilbarfayzihodja@gmail.com

**Аннотация**. Мақолада Кен Уилбернинг интеграл ёндашуви асосида интеграл дунёқараш тушунчасининг моҳияти, унинг шаклланишида билим ва эътиқоднинг уйғунлиги ва шахс тушунчалар оламининг ўзгаришига таъсири тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар**: дунёқараш, интеграл дунёқараш, билим, эътиқод, тушунчалар олами.

**Аннотация.** В статье рассматривается суть концепции интегрального мировоззрения на основе интегрального подхода Кена Уилбера, сочетание знаний и убеждений в его формировании а также его влияние на изменение мировоззрения личности.

**Ключевые слова:** мировоззрение, интегральное мировоззрение, знания, убеждения, мир понятий.

**Annotation.** The article examines the essence of the concept of an integral worldview based on Ken Wilber's integral approach, the combination of knowledge and beliefs in its formation, as well as its impact on changing a person's worldview.

**Keywords:** worldview, integral worldview, knowledge, beliefs, the world of concepts.

Ахборот маконининг глобаллашуви, ижтимоий тармоқлардан эркин фойдаланиш ва СИнинг ҳар бир инсон ҳаётига кириб келиши ва таъсири натижасида виртуал воқелик баъзан реал воқеликни қабул қилишни мураккаблаштирмоқда. Шахснинг хулқ атвор норма ва қоидалари воқеликни одатий бўлган тушуниш ва ҳаракат қилиш усулларини шубҳа остига олмоқда, индивидуал идентификация усулларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Замонавий фалсафий концепцияларда ўтмиш, келажак ва бугунги кун ўртасидаги диалектик алоқадорлик асосида турли маданий оламларга хос ғояларни бирлаштириш тенденцияси яққол намоён бўлмоқда. Аввал бир бирига зид деб қаралган фан ва дин, билим ва эътиқоднинг бугунги кунда ўзаро алоқадорлиги ва бир бирини тўлдириши эътирозсиз қабул қилинмоқда. Бугунги куннинг долзарб муаммоларининг ечимини излашда турли ижтимоий маданий парадигмаларга бўлган муносабат долзарблашмоқда. Замонавий

тараққиёт тинчлик, гуманизм, мулоқот ва толерантлик, олам ва инсон экологияси каби ғояларга асосланган, глобал таназзулга қарши тура оладиган янги интеграл дунёқарашни шакллантиришни талаб қилмоқда.

Интеграл дунёқараш нима? Замонавий фалсафий тадқиқотларда бу тушунчанинг уч хил талқини берилади. Биринчи талқинга кўра интеграл дунёқараш деганда Шарқ ва Ғарб ғояларининг синтези тушунилади. Иккинчи талқинга кўра жамият ва инсон маънавий маданияти барча соҳаларининг интеграцияси тушунилади. Учинчи талқинга кўра интеграл дунёқараш умумий универсал, умуминсоний дунёқараш бўлиб, унда табиий ва гуманитар фанлар бирлашади. [3.23-24]

Сўнгги вақтда бу масалада америкалик файласуф ва ёзувчи Кен Уилбернинг индивидуал ва космик онгнинг бирлигига асосланган интеграл ёндашуви етакчилик қилмоқда. Бу ёндашувда онг, инсон ва коинотга оид турли соҳаларнинг ўхшаш томонлари умумлаштирилиб, дунёқарашни ташкил этувчи элементлар янги ракурсда берилади. Уилбер ўз интеграл назариясида бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатни тушунтиришда "бўлакнинг ўзи ҳам бутундир" деган постулатга асосланади. У ўзаро боғланган тўртта фундаментал оламни тўртга бўлинган квадрат шаклида тасвирлайди. Квадратнинг чап юқори қисми "мен"ни – алохида инсоннинг интроспектив оламини,мақсадини; квадратнинг чап пастки қисми "биз"ни – инсон мансуб бўлган маданият – муносабат, коммуникация, тушуниш, талқин қилиш оламини билдиради. Квадратнинг ўнг юқори қисми "у" – менни объект сифатида ўрганувчилар оламини, квадратнинг ўнг пастки қисми "улар" – ташқи коллектив оламни ифодалайди. Уилбернинг таъкидлашича, бу оламлар инсон билимларининг табиий тараққиёти натижасида шаклланган бўлиб, ҳар бир инсоннинг дунёқараши шу квадрантларнинг бирлигида ва эволюциясида шаклланади.[5.56] Айтиш мумкинки, Уилбер интеграл дунёқарашни бир бутун яхлит тизим сифатида талқин қилади. Биз унинг интеграл ёндашувига асосланиб, интеграл дунёқарашни ўз ўзидан ўзининг қисмларини пайдо қилувчи ва ҳар бир қисмининг ўзи бутундан иборат бўлган феномен сифатида таърифлашимиз мумкин. Бундай дунёқарашда Шарқ ва Ғарб, билим ва эътиқод, фан ва дин, анъана ва инновация бир бирига қарши қўйилмайди, уларга бирликда, бир бутуннинг алоҳида томонларини ташкил этувчи бутун сифатида қаралади.

Интеграл дунёқараш бугунги кунда замон талабларига мос фикр юритиш парадигмасидир. Маълумки, фикрлаш парадигмаси инсоннинг маълум бир мавзу ёки вазиятга ёндашиши ва тушуниши учун қабул қилган тузилма ёки андозани англатади. Бу инсоннинг фикрларини шакллантирадиган ва маълумотни қандай қабул қилиниши ва қайта ишланишига таъсир қилувчи

тушунчалар ёки тахминлар тўпламидир. Турли хил фикрлаш парадигмалари ҳар хил хулосалар ва натижаларга олиб келиши мумкин. Фикрлаш парадигмалари муаммоларнинг самарали ечимини топиш ва қарор қабул қилиш учун жуда муҳимдир.

Интеграл дунёқараш қандай шаклланади? Интеграл дунёқарашни шакллантиришда биринчи навбатда билим ва эътиқоднинг уйғунлиги зарур шарт ҳисобланади. Билим воқеликни билиш жараёнида олинган натижаларнинг амалиётда тасдиқланиши оқибатида, инсон онгида тасаввур, тушунча, ҳукм, назариялар шаклида айнан инъикос этишидир. Мавзуимиз доирасида интеграл дунёқарашни шакллантиришда дунёвий ва диний илмларни бир ном – билим тушунчасида ифодалаймиз.

Эътиқод субъектнинг энг юқори даражадаги ишончини ифодаловчи ҳолатдир. Эътиқод узоқ вақт давомида шаклланади ва рационал асослашни талаб қилмайди. Эътиқод исботсиз қабул қилинади. Шунингдек, эътиқод шахснинг дунёни қабул қилишини ташкил этувчи энг асосий восита ҳисобланади. Эътиқод инсонга ташқи оламни кўришни, унда ўз йўлини топишни ва келажакка оид режалар тузиши учун асос ҳисобланади. Шунинг учун эътиқоддан воз кечиш инсон учун дунёқарашини ўзгартириш билан баробардир. Билим бўлмаса эътиқод ҳам бўлмайди.

Интеграл дунёқарашни шакллантиришда билим ва эътиқоднинг уйғунлиги қуйидаги холатларда намоён бўлади:

Интеграл дунёқараш билимнинг турли соҳалари, маданият ва маънавиятга ҳос анъаналарни ўрганиш, диний ва дунёвий илмларни эгаллаш орқали шаклланади. Бундай билим инсонга одатий тасаввурлар доирасидан чиқиб, оламни турли нуқтаи назарлардан кўришга имкон беради. Бу борада ўтмиш мутафаккирларидан Абу Наср Форобий,Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ахмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби алломаларимизнинг ҳаётлари ва илмий фаолиятлари биз учун андоза бўлиб хизмат қилади. Улар динийлик ва дунёвийликни ўзларида бирдек мужассамлаштирган, прогрессив дунёқарашга эга бўлишган.

Интеграл дунёқарашни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири танқидий тафаккурни ривожлантиришдир. Бу инсонга ахборотни тахлил қилиш, юзаки ва зиддиятли жиҳатларини аниқлаш, эмпирик маълумотлар ва рационал аргументлар асосида ўз нуқтаи назарини шакллантириш, илмий фаразларни текшириш, далилларни баҳолаш имконини беради. Танқидий тафаккурни шакллантириш учун мантиқ илмини, унинг замонавий йўналишларидан кўп қийматли мантиқ ва савол жавоб мантиғи (интеррогатив мантиқ) ни ўрганиш зарур. Кўп қийматли мантиқ масаланинг фақат иккита эмас

балки кўплаб ечимларга эгалигини ва уларни аниқлаш усулларини ўргатса, интеррогатив мантиқ диалог, яъни савол жавобни ташкил қилиш, савол ва жавобнинг турлари ва қўллаш усуллари ҳақида билим беради.

Ибодат қилиш, йога ёки медитация билан шуғулланиш ҳам интеграл дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим воситаларидандир. Бу амалиётлар инсонга ўз онгини кенгайтириш, ўзининг олам ва бошқа одамлар билан алоқадорлигини ҳис қилиш билан бирга ҳаётнинг, мавжудликнинг мақсади ва мазмунини англашга ёрдам беради.

Шахсий ҳаётий тажриба, одатийлик қобиғидан чиққан ҳиссий кечинмалар интеграл дунёқарашнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шахсий ҳаётдаги ўзгаришлар инсонни ўз эътиқод ва қадриятларини қайта кўриб чиқишга, ўзи учун воқеликнинг тушунишнинг янги қирраларини кашф этишга мажбур қилади.

Мулоқот ва ўзаро таъсир интеграл дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилади. Мулоқот нафақат билиш, балки ижтимоий қимматга ҳам эга. [7.] Турли дунёқарашга эга бўлган инсонлар билан мулоқот қилиш билим доирасининг кенгайишига, ўзгаларга сабр ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишга таъсир кўрсатади. Мунозараларда қатнашиш, фикр алмашиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаш, инсонга оламни турли нуқтаи назарлардан кўришга, ўз дунёқарашини бойитишга, кенгайтиришга ёрдам беради.

Интеграл дунёқарашни шакллантириш таълим тарбия соҳасида қандай натижаларга олиб келади? Интеграл дунёқарашни шакллантириш инсоннинг тушунчалар оламининг кенгайишига, воқеликни адекват акс эттиришга, воқеа ва ходисаларга зиддиятлар тўқнашуви сифатида эмас, ҳамкорликнинг ўзига хос кўриниши сифатида ёндашишга ўргатади. Ўқитувчи ва ўқувчи таълим жараёнида ўзаро муносабатларини бир бирига қарама қарши томонлар сифатида эмас, мақсадлари бир бўлган инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги сифатида қабул қилишлари бунга мисол бўлади.

Ҳар бир шахснинг тушунчалар олами унинг шахсини идентификация қилишга, яъни шахсининг асл моҳиятини тушунишга имкон беради. Шахс идентиклиги (лот. identicus – айнанлик, бир хиллик) тушунчаси шахс томонидан ўзининг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги ҳамда шу ижтимоий гуруҳ доирасида қандай ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стреотипларга амал қилишини билдиради. Ушбу тушунча ижтимоий психологик нуқтаи назардан ҳар бир инсоннинг ҳаётий фаолиятини бошқарувчи императивдир. У инсонда " мен кимман?", "мени бошқалардан фарқим нима?"деган саволлар асосида вужудга келади ва идентикликнинг ўзи

доимий изланишлар, ўз-ўзини англаш йўлидаги мураккаб жараённи босиб ўтади. [2.41-42.] Интеграл дунёқарашни шакллантириш - шахс идентиклигини сақлаган холда ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стреотиплар доирасини кенгайтириш, уни бошқалар билан ўзи ўртасидаги фарқ қилувчи ёки зиддиятли томонларга эмас, уларни бирлаштириб турувчи томонларга эътиборини қаратиш, атрофидагиларига қарши эмас, ҳамкор деб қарашга ўргатишдир. Бу ёшларда ўзига хос фикрлаш услубини тарбиялашни тақазо қилади.

Маълумки, фикрлаш услуби-бу маълумотни қайта ишлашнинг ўзига хос усули бўлиб, у одамнинг билимга эга бўлишини, фикрларни тартибга солишини, қарашлар ва фикрларни шакллантиришини, шахсий қадриятларни қўллашини, муаммоларни ҳал қилишини, қарорлар қабул қилишини ва режалаштиришини белгилайди. Фикрлаш услубида одатда қуйидаги таркибий элементлар ажратилади: дунё тасвири; воқеликни билиш усуллари; ақлий фаолиятнинг усуллари ва стандартлари; қадриятлар; анъаналар; олинган билимларнинг ҳақиқат мезонлари; маълум бир одамнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган жиҳатлар. Интеграл дунёқарашда дунё тасвири мен ва у, биз ва уларнинг бирлигида, умумий томонларининг бирламчи ўринга қўйилишида, табиат ва инсоннинг бир бутун яхлитлигида олинади. Муносабатлар "ҳукмрон ва тобе", "кучли ва кучсиз" нуқтаи назаридан баҳоланмайди.

Воқеликни билиш усулларида бир чизиқлик эмас, кўпчизиқликка урғу берилади. Эмпирик, рационал ва иррационал билиш усуллари бирлашиб кетади, улар ўртасига тўсиқ қўйилмайди.[4.17] Интеграл дунёқарашда диний, миллий ва дунёвий қадриятларнинг уйғунлашуви амалга ошади. Натижада қадриятлар инсонларни бирлаштирувчи васитага айланади.Инсоннинг шахсий қадриятлари фикрлаш усулида акс этади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз аъзоларининг интеграл дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муҳим шартлардан биридир.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021.
2. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент: "Noshir" нашриёти. 2015.
3. Наследие ал-Фараби и формирование нового интегрального мировоззрения. Коллективная монография./ Под общ.ред. З.К.Шаукеновой. – Алматы: ИФПР

КН МОН РК, 2012.

4. Тураев Б.О. Маънавий меросни ўрганишда синергетик методологиянинг ўрни // Синергетика-3: маънавий мерос. Илмий тўплам. Т.: "FAN ZIYOSI" нашриёти, 2024.
5. Уилбер К. Краткая история всего /пер.с анг. С.В.Зубкова. Москва:Аст: Астрель, 2006.

# НАУЧНЫЕ ДЕБАТЫ МЕЖДУ ФИЛОСОФИЕЙ И СУФИЗМОМ

**Холмуминов Джафар Мухаммадиевич,**
доктор философских наук (DSc),
профессор кафедры «Гуманитарных и естественных наук»
Института ISFT (Ташкент, Узбекистан)

**Аннотация:**

В данной статье размышляется история длительных научных дискуссий между Суфизмом и философией – религиозно-философским учением, возникшим в недрах ислама. В этом процессе будет обсуждаться роль таких великих философов, как Аль-Кинди, Фараби, Ибн Сина, Ибн Рушд а также великих представителей Суфизма, таких как Имам Мухаммад Газали, Ибн аль-Араби и Маулана Джалал ад-дин Руми.

**Ключевые слова:** Ислам, Суфизм, Суфий, Философия, философ, учение, научная дискуссия, опровержение, дискуссия, вопрос, Фараби, Ибн Сина, Газали, Ибн аль-Араби.

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада Ислом бағрида вужудга келиб шаклланган диний-фалсафий таълимот – Тасаввуф ва Фалсафа илми ўртасида узоқ давом этган илмий баҳс-мунозаралар тарихи хусусида фикр юритилади. Бу жараёнда Ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд  каби улуғ файласуфлар ҳамда Имом Муҳаммад Ғазолий, Ибн ал-Арабий ва Мавлоно Жалолиддин Румий каби Тасаввуфнинг улуғ намояндалари ўрни ҳақида тўхталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** *Ислом, Тасаввуф, сўфий, Фалсафа, файласуф, таълимот, илмий баҳс, раддия, муҳокама, масала, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн ал-Арабий.*

**Abstract:**

This article reflects on the history of the long scholarly debates between Sufism and philosophy, a religious and philosophical doctrine that arose within Islam. In this process, the role of such great philosophers as Al-Kindi, Farabi, Ibn Sina, Ibn Rushd as well as great representatives of Sufism such as Imam Muhammad Ghazali, Ibn al-Arabi and Maulana Jalaluddin Rumi will be discussed.

**Key words:** *Islam, Sufism, Sufi, Philosophy, philosopher, teaching, scientific discussion, refutation, debate, question, Farabi, Ibn Sina, Ghazali, Ibn al-Arabi.*

## Основная часть

Несмотря на общие точки соприкосновения, между философией и Суфизмом есть и фундаментальные противоречия. Эти противоречия связаны как с методами познания, так и с природой реальности и божественного.

Движение, связанное с переводом литературы, которое началось в 932 г., одновременно с созданием Аббасидским халифом Ма`муном научного центра Байт ал-Хикма («Дом мудрости»), и в годы молодости Фараби достигло апогея своей славы. В процессе этого культурного движения «было переведено на арабский язык большинство сочинений Аристотеля, александрийских ученых, многие книги Галена и большая часть высказываний Платона». [5: 350]

В этот период в результате переводческого движения наука в исламском халифате стала развиваться большими темпами. В частности, перевод философских трудов Аристотеля и Платона дал толчок к формированию и развитию философской мысли в исламской религиозной среде.

Следует также отметить, что религия Ислам всегда был сторонником приобретения не только религиозных знаний, но и светских знаний. Среди этих светских знаний особое место занимает Философия – наука о мышлении и познании. Именно положительное отношение Ислама к наукам, в частности, к светским наукам привело к тому, что мусульмане, под воздействием религиозного учения направили острие своих усилий на изучение и развитие различных наук. Именно поэтому история наук, в частности, теология, свидетельствует, что исламское общество представляло собой идеальную среду для развития различных научных дисциплин. И эпоха Средневековья, считающаяся мрачным периодом для Запада, в исламской истории известна как «золотая эра» науки: нам прекрасно известно о бурном расцвете науки в исламском обществе того периода. В принципе, в исламской истории невозможно найти ни одного периода, в котором по причине господства исламского мировоззрения какие-либо науки пришли в состаяние упадка.[2: 12]

Конечно, среди исламских сект есть и такие, которые не слишком симпатизируют светским наукам и воспринимают их только в силу необходимости. Но подобные воззрения никогда не господствовали в исламском обществе и никогда не играли там действенной, практической роли. Поэтому ни в одном временном интервале истории исламская среда не препятсвовала развитию наук. Наоборот, Ислам всегда считался фактором, благоприятствующим расцвету науки. Именно поэтому среди научных книг по общей истории, востоковедению и истории цивилизаций редко можно найти такую, в которой не говорилось юы о развитии науки в исламской среде и об эффективности подобного развития. Европеейские востоковеды и знатоки истории цивилизации, говоря о различных факторах, спасобствовавших

развитию науки в исламском обществе, в качестве важной причины называли и учение Ислама. Конечно, некоторые из этих учених при упоминании о развитии наук в исламском обществе обозначали их обобщающим термином "арабская наука", уделяя внимание лишь арабской среде. Вместе с тем они уточняли, что под словосочетанием "арабская наука" фактически подразумевается исламская наука или научная система, значителью часть которой составляют именно исламские науки.[3: 281]

Выдающейся личностью в истории исламской философий этого приода был Якуб ибн Исхак аль-Кинди. Этот известный философ, астроном и врачеватель IX века был родом из знатного арабской семьи, пирнадлежашей правшей династии Кинди. Аль-Кинди приписывают авторство более чем 200 книг. Это количества до нашего времени не сохранилась даже десятая часть. Некоторые из его трудов в период средневекоья были переведены на латынь, и часть его работ сохранилась только в латинском переводе. В этих книгах явно просеживается влияние неоплатонизма. Благодаря этому влиянию арабский философ в своих произведениях предпринял попытку примирить философские учения Аристотеля и Платона.[1: 136-137]

Аль-Фараби (874-950) с энтузиазмом продолжил научных традиций аль-Кинди в области философии и мог максимально эффиктивно воспользоваться возможностями этих культурных течений. Он комментировал философские работы Аристотелья в духе неоплатонизма, проводил разработку концепций разума и души, рассуждал о счастье и цельях метафизики. Подобно Кинди, в своих произведениях он предпринял попытку примирить философские учения Аристотеля и Платона. Вместе с тем он написал фундаментальные труды, опровергая взгляды аль-Кинди, Рази и Раванди.[1: 138]

Мусульманские философы были уверены в том, что рассуждения Аристотеля не противоречат идеям Платона, поэтому, подобно александрийским философам, они приложили значительные усилия для установления соответствия между двумя мыслительями.

Однако это были не самые большие достижения в области философии мусульманского Востока в этот период. Наибольшие достижения были связаны с именами Абу Насра Фараби и Ибн Сины. Величайшей заслугой Абу Насра Фараби в истории исламской философии было то, что он в определенной степени примирил философию с религией и религию с философией. Ибн Сина сделал следующий шаг в этом отношении. Ибн Сина был первым, кто познакомил исламизированный аристотелизм и неоплатонизм с идеями Суфизма – нового теологического движения в исламе.

Философское учение Ибн Сины не является подражением или заимствованием. Его талант раскрывается особенно ярко при анализе философии неоплатонизма. Его книги «Китаб аш-Шифа» («Книга исцеления») и «Китаб ан-Наджат» («Книга спасения») и поныне считаются энциклопедией мусульманского неоплатонизма. Другая его книга «Аль-Инсаф» («Справидедливость»), не сохранившаяся до наших дней, была посвящена анализу и сопоставлению взглядов александрийской и багдадской школ неоплатонизма. В этой книге Ибн Сина выступает как третейский судья между этими двумя весьма известными философсими школами. Его книга «Хикмат аль-Машрикия» («Восточная мудрость»), по-видимому, также была посвящена оценке трудов восточных комментаторов неоплатонизма с учетом мнений александрийских ученых. Другая книга Ибн Сины «Ишарат» («Указания»), которая, по преданию, является последним трудом мыслителя, представляет суфийские взгляды автора.

Среди трудов Ибн Сины есть ещё несколько работ, по которым можно судит о приверженности ученого к вопросам Суфизма и мистического символизма.[1: 141]

Но как бы ни старались Ибн Сина и другие философы, различия и противоречия между философией и Суфизмом все же не исчезли полностью. Напротив, после опровержений Имама Мухаммада Газали, таких как «Макасид аль-фаласифа» («Цели философов»), «Аль-Мункиз мин аз-залал» («Спасение от заблуждений») и «Тахафат аль-фаласифа» («Неспособность философов»), различия между ними усилились.

Различия и противоречия между философией и мистицизмом в основном проявляются в следующих вопросах:

- *Рационализм против мистицизма.* Главное противоречие заключается в том, что Философия, особенно в традиции аристотелизма и рационализма, ценит разум, логику и аргументацию как основное средство познания. В то время как Суфизм ориентирован на мистическое восприятие реальности, интуитивное постижение Бога, что, по сути, не поддается рациональному объяснению.

Философия ориентирована на использование разума и логики как основных инструментов познания. Большинство философских школ, например, аристотелизм, эпикурейство или даже неоплатонизм, акцентируют внимание на разуме и логических построениях как средствах объяснения мира.

Суфизм, напротив, акцентирует внимание на интуитивном и мистическом познании, которое невозможно выразить словами или логическими схемами. Суфийское знание постигается не через рациональные размышления, а через

непосредственное переживание Божества (например, через поклонение, молитвы, музыку, танец и другие мистические практики). Суфий, по сути, «знает» Бога не через рациональное осмысление, а через опыт соединения с Ним.

- *Рациональная истина и трансцендентная истина.* Философы стремятся к установлению объективных законов и понятий, объясняющих мир. Эти законы можно изложить логически и доказать. Например, в философии Ибн Рушда или Ибн Сины мы видим подробные метафизические системы, где каждая идея логически вытекает из другой.

В Суфизме «истина» может быть скрыта и недоступна для обычного человеческого разума. Суфий утверждает, что знания, полученные через мистическое переживание (например, через Тахаджуд – ночные молитвы (намаз), или Зикр – повторение имени Бога), являются глубже и важнее, чем теоретическое знание, основанное на разуме. Суфий считает, что для постижения Бога и истинной реальности необходим опыт «пробуждения» или «освобождения» от иллюзорного восприятия мира.

Философия часто рассматривает мир и Бога как нечто объективное и существующее в пределах естественных законов. Метафизика философов стремится понять, как устроена реальность и какова её связь с Богом через логические и причинно-следственные связи.

В Суфизме, наоборот, мир и материя могут быть расценены как иллюзорные проявления божественного. Суфии верят, что мир – это лишь тень реальности, скрытой в Боге. Суфийское учение о «сознании» и «освобождении» подразумевает, что человек должен «освободиться» от материальной реальности, чтобы достичь божественного единства.

По преданию, однажды великий суфи Шейх Абу Саид Абулхейр и великий философ Абу Али ибн Сина встретились и долгл бесседовали. После этой бесседы, отвечая на вопрос «Как вы оцениваете своего собеседника?» Шейх Абу Саид ответил: «Всё, что я вижу, он знает». Ответ Ибн Сины был противоположным по своему содержанию, но не по сущности: «Все, что я знаю, он видит».

Как говорил Маулана Джалал ад-дин Руми:

Дафтари суфи саводу харф нест,
Ҷуз дили испед ҳамчун барф нест.

По убеждение Руми, «книга суфи не является грамотность и слова, а сердце белое, как снег. Тетрад (книга; наследия) суфия не нуждается в буквах и словах.

Потому что, для суфия сердце, очищенное путем покаяния и зикра, является место озарением Бога.

Философия считает, что истину можно познать только посредством интеллектуальных, логических и экспериментальных методов, в то время как Суфизм считает, что истину можно познать посредством одухотворенного и внутреннего наблюдения. В данном случае предпочтение отдается не «уму», а «сердцу». Согласно интерпретации суфийской философии, «сердце» является не только центром человеческого существования, но и сущностью человечества. Ведь в нем заключена бесконечная божественная любовь к Творцу. Теория «Божественной любви» в философии Суфизма основана на этом аяте Священного Корана:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ

«Если вы любите Аллаха, следуйте за мной, и Аллах полюбит вас!» (Коран, 3:31.).

В толковании аята (в комментарии к толкованию Газали) Али аль-Кари приводит слова Хасана аль-Басри, сказавшего следующее: «Тот, кто (истинно) знает своего Господа, любит Его, а кто (истинно) знает мир, обходится без него». Аль-Кари говорит, что различные духовные состояния любви к Аллаху, описанные суфиями в их терминах, происходят все из одного и того же коранического источника, и непозволительно отрицать их, если не отрицаешь сам источник: «Махабба» и «сулук» (любовь и прохождение пути) означают путь любви и страстного желания, и любой, кто не черпает для своего питья из океана познания, не ведает истину любви, даже если род (сорт), примеры и терминология различны, любовь не имеет никакого другого значения, кроме как побуждения к повиновению; и кто отрицает любовь, - отрицает близость (унс) и страсть (шаук), и вкушение (заук) и стирание (отмена) (маху), и исчезновение (фана) и пребывание (бака) и сжатие (кабд) и расширение (баст) и все остальное из необходимых свойств любви и устремленности и остальные стоянки людей познания».

Основанием Любви Аллаха к Своему рабу и любви раба к Аллаху являются Слова Всевышнего:

يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَه

«…любимых Им и любящих Его» (Коран, 5:54.).

Взаимосвязь между философией и Суфизмом не исключает также определённых противоречий:

- *Богословие и Философия.* В рамках исламской философии разрабатываются различные логические системы и метафизические концепции,

которые иногда вступают в противоречие с суфийской доктриной. Например, философы, такие как Ибн Рушд, акцентировали внимание на философской интерпретации откровений, в то время как суфии подчеркивают важность прямого общения с Богом, отрицающего посредников.

На средневековом мусульманском Востоке стало наблюдаться превосходство антифилософской тенденции, которая была направлена против всего «немусульманского». Философия стала приравниваться к зиндикизму, дахритскому учению и подвергаться различным недоброжелательным упрекам и критическим замечаниям.

Великим героем этого антифилософского движения был Имам Абу Хамид Мухаммад Газали (1058-1111). Несомненно, он с особым рвением опровергал всякое философское мышление и нанес ощутимый урон автортитету философии неоплатонизма. Тем не менее упадок рационалистического мышления в эпоху после Газали нельзя отнести на его счет, поскольку, несмотря на отрицание филофии, сам он был признанным философом. Высказывания таких западных авторов, как Эдвард Захау, утверждавшего: «…без Аш`ари и Газали арабы (т.е.мусульмане) стали бы народом со своими Галилеем, Кеплером и Ньютоном», не имеют под собой реальной почвы.[1: 145]

Великий ашаритский теолог (мутакаллим) и суфи Газали был критически настроен к философским школам своего времени, в частности, к перипатетической философии, которая была представлена исламскими философами, такими как Ибн Сина и Ибн Рушд. Он видел в философии определенные опасности для религиозной ортодоксии и беспокойство по поводу философского рационализма, который игнорировал духовное измерение жизни.

Газали был особенно критичен к философским подходам, которые пытались использовать рациональный разум для объяснения Божественного. В своей знаменитой работе «Тахафут аль-Фаласифа» («Несоответствие философов») он подверг жесткой критике идеи философов, таких как Ибн Сина и Ибн Рушд, обвиняя их в неверности исламу, поскольку, по его мнению, они пытались рационализировать религиозные учения и разрывали их с прямым откровением. В частности, Газали отвергал философские концепции о вечности мира и о божественном плане, которые философы пытались объяснить логически.

Такие личности, как Закария ар-Рази, Абуль-Ваха, Ибн Хайшам, Ибн Сина (Авиценна) и Бируни, у мусульман не многим уступали Галилею, Кеплеру и Ньютону. Но для появления гениев нужны определенные предпосылки. Если эти предпосылки существуют, ничто не может воспрепятствовать появлению

гениев. Реальность такова, что после Газали на Ближнем Востоке, несмотря на деятельность Мухйи ад-Дина ибн аль-Араби, Хаджи Насир ад-Дина Туси и Гияс ад-Дина Джамшида Кашани, необходимых предпосилок для появления великих личностей науки не было. Обвинят в этом Газали, разумеется, бессмысленно. Тем более что критические замечания Газали в адрес философии неоплатонизма прославили его как мыслитея и философа. Действительно, критика Газали в адрес философии неоплатонизма имела важное значение в анализе греческой философии. Именно в процессе критического анализа этот гениальный мыслитель из Хорасана, считаясь противником философского мышление, продемонстрировал уникальные знания и спасобности в области философии. Его философские исследования в книгах «Тахафат аль-фаласифа» («Неспособность философов») и «Аль-Мункиз мин аз-залал» («Спасение от заблуждений») сильно напоминают «методические сомнения». В этом плане Газали можно считать пионером теории познания в исламском мире.

Ранее европейцы знали Газали в основном по его книге «Макасид аль-фаласифа» («Цели философов»). Следовательно, для них он, как Авиценна, был философом. На основе этого недоразумения автор антифилософской книги «Тахафат аль-фаласифа» у европейских схоластиков прославился как носитель тех же идей, против которых он непримиримо боролся. Вместе с тем Газали оказал заметное влияние на европейсое мировоззрение. Его идеи, по-видимому, посредством одной из книг Раймона Мартина стали проникать в философские воззрения Фомы Аквинского и даже Паскаля.[1: 145-147]

Действительно, Газали был строгим критиком философии, особенно философии перипатетиков, таких как Ибн Сина и Ибн Рушд, которые стремились рационализировать религию с помощью философии. Его работы, такие как «Тахафат аль-фаласифа» («Несоответствие философов») и «Макасид аль-фаласифа» («Цели философов»), содержат резкую критику философии, которую Газзали воспринимал как угрозу истинному исламскому знанию. В этих работах Газзали стремился разоблачить философов, доказав, что их учения противоречат основам исламской веры.

Герменевтика, как теория интерпретации, особенно в контексте религиозных текстов, позволяет нам рассмотреть, как Газали воспринимал философию и как он интерпретировал тексты философов. Газали понимал философию как способ истолкования мира через разум, но считал, что она недостаточно обращается к внутреннему духовному опыту и откровению. Его критика философии была не только против рационализма, но и против того, как философы интерпретировали религиозные истины.

Газали считал, что философы, такие как ар-Рози и Ибн Сина, неверно трактуют исламские учения, особенно в вопросах о *Боге и мире.* Например, философы утверждали, что мир вечен и не был сотворен, что противоречит основным принципам исламского вероучения, которое учит, что Бог сотворил мир из ничего. Газзали был убежден, что такие идеи представляют собой псевдонаучные интерпретации, которые противоречат чистоте откровения.

В «Тахафат аль-фаласифа» Газали использует герменевтический метод, чтобы разоблачить философов, анализируя их логические ошибки и нестыковки с исламским учением. Он подвергал философию серьезной интерпретации через призму откровения, отвергая теорию, что разум сам по себе может познать абсолютные истины без божественного откровения. Герменевтически Газали ставит под сомнение интерпретацию философами Божественного и мира, утверждая, что только через откровение и мистическое переживание можно достичь настоящего знания.

Герменевтическая интерпретация Газали также заключалась в том, чтобы продемонстрировать, что Философия и её методы (включая логику и метафизику) не могут объяснить религиозные истины. Для Газали только суфийский путь, ориентированный на духовное очищение и мистическое единение с Богом, является подлинным способом интерпретации божественного откровения. Философия, по его мнению, ограничена своим рациональным аппаратом и неспособна проникнуть в глубину духовного опыта, который возможен только через прямое общение с Богом.

Газали и философы двигались в разных направлениях в поисках истины. Философы искали универсальные законы, которые могли бы объяснить мир с помощью разума, а Газали считал, что истинное познание доступно только через духовное очищение и мистическое восприятие Бога. Таким образом, его критику можно рассматривать как реакцию на философский рационализм, который он воспринимал как угрозу истинному духовному знанию и вере.

Деятельность Газали имела большое значение в истории философской мысли мусульманского мира. Он подверг критике идеи Аристотеля и двух его великих мусульманских последователей аль-Фараби и Ибн Сины. Около двадцати критических замечаний по поводу неоплатонизма нанесли огромный урон авторитету как физики, так и метафизики перипатетиков, которые, по его мнению, содержали еретические идеи.

Традиция Газали, основанная на протесте против философии и ее опровержения, на востоке мусульманских областей продалжалась и в последующие периоды. Основоположник движения ишрак Йахйа ас-Сухраварди (549-587 гг.л.х./ 1154-1191 гг.) своими критическими выступлениями в адрес

ученых-перипатетиков способствовал значительному ослаблению позиции их учения на мусульманском Востоке.[1: 147]

Но критику философии Газали не следует интерпретировать как позицию Суфизма. Ведь в этом месте Газали написал опровержение науки философии не как представитель Суфизма, а как ашаритский мутакаллим (теолог). Потому что в то время научные дебаты между мутакаллимами (исламские теологи – Ашариты – Дж.Х.) и философами стали очень интенсивными. Например, «спор о воникновении и извечности мира («худус и кидам» – Дж.Х.) породил острую борьбу между философами и мутакаллимами. Газзали, склонный по многим вопросам к мистицизму и Суфизму, а в незначительных из них – к каламу, обвиняет Ибн сину в неверии по нескольким вопросам, один из которых – вопрос о вечности мира. У Газзали есть известная книга под названием «Опровержение философов». В этой книге он подвергал философов критике по двадцати проблемам и, по своему мнению, раскрыл противоречивость их суждений. Ибн Рушд Андалуси ответил Газзали и назвал свою книгу «Опровержение опровержения».[4: 50]

Известный шафиитский богослов и факих, авторитетнейший мусульманский историк религий и религиозно-философских систем Мухаммад ибн Абдуль Карим Шахрестани (1075-1153) в своих известных книгах «Китаб аль-Милал ва-н-Нихал» («Книга о религиозных общинах и направлениях»), «Нихаят аль-икдам» («Конец усилий») и других сочинениях наряду с важными богословско-мировоззренческими проблемами выступил с резкой критикой философского учения Авиценны. При встрече с Абуль Хасаном Байхаки (умер в 1170 г.) Шахрестани прочел ему целую главу одной из своих книг, посвященную этому вопросу. В другой своей книге «Масаре аль-фаласифа» («Состязание философов»), подобно Имаму Газали, Шахрестани попровергал воззрения Авицены по ряду вопросов. Написанная позднее Хаджой Насир ад-Дином Туси (1202-1274) является своего рода ответом этой книге Шахрестани. В ней приводится анализ высказываний Шахрестани и Авиценны относительно учения перипатетиков и указывается на неубедительность аргументации Шахрестани по этому вопросу.[1: 148]

Мухаммад Газали, как теолог и суфий, не просто критиковал философию, но и предлагал альтернативу – путь, основанный на духовном очищении и мистическом опыте. Его компаративистическая и герменевтическая критика философии была не столько направлена против разума как такового, сколько против того, чтобы разум заменял собой истинное познание Бога, которое, по его мнению, может быть достигнуто только через духовное преобразование.

Ответ Ибн Рушда (Аверроэса) сводился к тому, что философию следует защитить от посягательства тех, кто не в состоянии постичь ее. Между философией и религией нет противоречий; противоречия существуют лишь в понимании тех людей, которые неспособны постичь мудрость философии. С этой позиции Ибн Рушд выступает в зашиту философии от нападок имама Газали в своей книге «Тахафат ат-тахафа» («Несостоятельность несостотятельных»). Методы его защиты в данном случае были успешно использованы европейскими философами-схоластиками против своих оппонентов. Действительно, европейские философы средневековья по многим фундаментальным мировоззренческим вопросам были убежденными последователями Ибн Рушда.[1: 148]

- *Природа человеческого существования.* Суфизм часто утверждает, что высшая цель человека – это отречение от материального мира и стремление к Богу, что включает в себя мистическое слияние с Абсолютом (Ахад). Это утверждение противоречит более «мирским» философским течениям, которые нацелены на изучение и усовершенствование человеческого бытия в земных реалиях, а не на стремление к божественному через самоотречение.

Ибн Сина (Авиценна) – великий философ, который развивал аристотелевскую философию, но в конце своей короткой жизни, проявил интерес к идеям Суфизма, иррационального образа мышления, через серию написанных им работ. Он придерживая принципов логического анализа и понимания мира через разум, не отрецал иррационального образа мышления.

В отличие от Ибн Сины, Ибн аль-Араби был одним из великих теоретиков философского Суфизма, который использовал философские понятия для объяснения мистического опыта, утверждая, что Философия и Суфизм могут идти рука об руку. Однако его взгляды иногда воспринимались как противоречащие чисто рациональным подходам.

Дебаты и споры между **Суфизмом** и **Философией** в исламском мире, особенно в эпоху Газали и его предшественников, не привели к окончательному победу одной из этих традиций, но создали пространство для их взаимодействия и взаимного обогащения. Эти дебаты оказали долговременное влияние на развитие исламской мысли, и их последствия можно рассмотреть в нескольких ключевых аспектах.

После критики философии Газали и других исламских теологов Философия и Суфизм в исламском мире не стали противниками. Вместо этого, в ряде случаев, они стали развиваться вместе, встраиваясь в более гибкие и синкретические подходы. Газали сам стал примером такого синкретизма, сочетая элементы философии и Суфизма. В своих трудах, таких как «Ихйа

улум ад-дин» («Воскрешение наук религии»), он пытался синтезировать философию, калам и Суфизм, подчеркивая важность духовного очищения, внутреннего познания и рационального анализа, который не противоречит откровению.

Важным следствием этих дебатов стало развитие **суфийской философии**, где Философия и Суфизм начали сосуществовать и дополнять друг друга. Работы философов, таких как Мухйиддин **Ибн аль-Араби**, который развивал концепцию **Вахдат аль-вуджуд** («Единство бытия»), показали, как Философия может быть интегрирована в суфийское восприятие реальности. Ибн Араби использовал философские идеи для объяснения своих мистических переживаний, что стало важным этапом в формировании теоретической базы для синтеза философии и Суфизма.

Несмотря на попытки синтеза, дебаты не привели к полному признанию философии как главного пути познания истины в исламском мире. Газали и его последователи настаивали на том, что Философия имеет свои ограничения, и что она не может быть полноценным способом познания Бога, так как она ориентируется на рациональный разум, который не может проникнуть в мистические глубины реальности. Философия была признана как важный инструмент для анализа мира, но не как универсальный путь к знанию Бога. Это направление стало выражением осмотрительности в отношении философского подхода в исламском богословии.

Философия в глазах Газали представляет собой слишком абстрактную дисциплину, которая пытается объяснить Божественное через земные рассуждения. Он же акцентировал внимание на том, что вера и духовное познание, как средства приближения к истине, не могут быть подчинены только логическому анализу.

## Заключение

Влияние Газали и его критики философии также укрепило Суфизм как важную часть исламской теологии. После Газали Суфизм стал признанным и уважаемым направлением в исламе, развивая свои практики и философию. С одной стороны, философы продолжали свои работы в рамках разумных и рациональных дискуссий (например, Ибн Рушд, который пытался доказать, что Философия и религия не противоречат друг другу), с другой – суфии продолжали свою мистическую практику и развивали философию, ориентированную на переживание Бога.

Это привело к тому, что в исламской мысли начали вырабатываться различные подходы, в которых Философия и Суфизм нашли свои места. Например, **Ибн Рушд** (Аверроэс), несмотря на свою философскую

приверженность, не отказывался от веры и подчеркивал, что Философия и религия могут сосуществовать. В то же время, суфии, такие как **Руми**, продолжали развивать мистическую традицию, которая не ограничивалась рациональными размышлениями, а акцентировала внимание на опыте божественного присутствия.

Однако важно заметить, что Газали совсем не был против философии как таковой. Он стремился очистить философию от тех элементов, которые могли бы противоречить исламскому учению, но при этом признавал важность рациональных размышлений и стремился найти пути для их гармонизации с религиозными истинами. Он был сторонником разумного подхода, но ограничивал его сферу, где логика не противоречит откровению.

Компаративистический подход позволяет нам исследовать сходства и различия между двумя областями знаний: **Философией** и **Теологией** (в данном случае, исламской). Газали, как теолог (мутакаллим), пытался сохранить религиозную целостность и традицию, отвергая философию как чуждую её ценностям. Его критика философии, в частности, философии Ибн Сины, основывалась на следующих различиях между этими дисциплинами:

- *Рационализм философии:* Философы, как Ибн Сина и Ибн Рушд, использовали логическое и рациональное мышление, чтобы объяснить и систематизировать религиозные истины. Это включало в себя теории о вечности мира, независимости разума от Божественного откровения, а также попытки объединить философию с исламским богословием. Для Газали такой подход был неприемлем, так как он считал, что Философия, стремясь к универсальным рациональным истинам, нарушает принципы откровения и исламского вероучения.

- *Исламская теология и откровение:* В отличие от философии, теология (или калам), и в особенности исламский Суфизм, утверждали важность личного опыта и духовного очищения. Газали был приверженцем именно этого пути познания, ориентированного на откровение и внутреннее, мистическое переживание Бога. Он считал, что Философия упускает важнейший аспект религиозной истины – связь с Богом через внутреннюю духовность, а не через логические рассуждения.

Таким образом, Философия и Суфизм находятся в постоянном диалоге, где каждое из направлений предлагает свои уникальные подходы к познанию и истине, но иногда возникает конфликт между рациональностью и мистицизмом.

## REFERENCES

1. Зарринкуб, Абдол Хосейн. Исламская цивилизация. – Пер. М.Махшулов. – Москва: «Андалус», 2004.
2. История социальной мысли в исламе. Организация по исследованиям и составлению книг по гумантирным наукам для университета «SAMT». – Москва: «Вече», 2012.
3. Калайн, Ренан. Таърихи илми Кембридж. («Кембриджская история науки»). / Пер. Хасана Афшара. – Тегеран: «Марказ», 1992.
4. Мотаххари, Мортаза. Философия и калам. / Перевод и редакция академика М.Диноршоева. – Алматы: «Уш Қиян», 2004.
5. Та`рихи фалсафа дар джахани ислами («История философии в исламском мире»). / Перевод на фарси Абд ал-Мухаммада Аяти. – Тегеран, 1990.

# ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

**Илмуродова Феруза Шакировна**
ЧДПУ, Факультетлараро ижтимоий фанлар кафедраси
тарих фани ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада ривожланган давлатларда тарих фанини ўқитишда қўлланилаётган илғор тажрибаларга назар ташланади. Тарих фанини ўқитишда турли хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари таҳлил қилинган. АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатлар таълим тизимида тарих фанининг ўрни, уни ўқитишдаги замонавий ёндашувлар, интерактив методлар, таълим технологияларидан фойдаланиш усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантириш, танқидий фикрлашни ривожлантириш ва ватанпарварлик руҳини оширишда халқаро тажрибанинг аҳамияти алоҳида таъкидланган.

**Калит сўзлар:** таълим, инновацион, ёндашув, интерактив, методлар, кейс стади, (Case study), таълимда рақамли технологиялар, илмий тадқиқот, ўқитиш, танқидий фикрлаш, ривожлантириш, халқаро таълим стандартлари, тарихий манбалар, проект, ўқитиш (Project-based learning), амалий машғулотлар, таълимда мулоқот, мунозара маданияти, музейлар, тарихий объектлар.

Бугунги кунда глобаллашув жараёни туфайли дунёда туб ўзгаришлар юз берди. Инсонлар ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан таълим соҳасида чуқур маданиятлараро интеграция ҳақиқатга айланди. Таълим оламида таълимнинг моҳияти ва ўзига хос мақсадлари ҳақидаги ғоялар ўзгармоқда. Бу ўқитувчиларни ўқув жараёнини ташкил этишда янги ёндашувларни излашга олиб келади. Ҳар бир давлатнинг тараққиётида тарих фанини тўғри ва самарали ўқитиш муҳим ўрин тутади. Айниқса, олий таълим тизимида тарих фанини ўқитиш нафақат билим бериш, балки талабаларда миллий ва инсоний қадриятларни шакллантириш, танқидий фикрлаш, манбалар билан ишлаш каби кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Тарих фанини самарали ўқитишда дунё мамлакатлари тажрибаси катта аҳамиятга эга. Ривожланган давлатларда ушбу фанни ўқитишда интерфаол усуллар, танқидий фикрлашни ривожлантириш, тарихий манбалар билан мустақил ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, АҚШда талабалар тарихий ҳужжатлар асосида таҳлил юритадилар, Буюк Британияда талабалар билан шахсий мулоқот ("tutorial") орқали машғулотлар ўтказилади, Германияда тарих таълими амалиёт билан боғланган ҳолда олиб борилади, Японияда эса ахборот технологиялари ва визуал воситалар кенг қўлланилади. Шундай қилиб, мактаб ривожланишининг

ҳозирги босқичида, хусусан, тарихни ўқитиш бўйича хорижий тажрибани ва умуман таълим тизимини ўрганиш муҳим ва долзарбдир.

Табиийки, барча жаҳон мамлакатларининг хорижий тажрибасини тўлиқ ўрганиш мумкин эмас, чунки бу мавзу жуда кенг. Америка Қўшма Штатларида тарих таълими фанлараро ёндашув асосида амалга оширилади. Университетларда талабалар нафақат миллий тарих, балки жаҳон тарихи, сиёсий тарих, маданий ва иқтисодий тарих бўйича ҳам билим оладилар. Таълим жараёнида манба таҳлили, тарихий ҳужжатлар билан ишлаш, очиқ муҳокамалар ва эссе ёзиш каби усуллар кенг қўлланилади. Талабалар мустақил тадқиқот олиб боришга рағбатлантирилади.

Америка таълим тизими ҳақидаги маълумотлар Е. Й. Кучеренконинг "Америка мактаби рус ўқитувчиси нигоҳида" мақоласида мактаб ўқувчиларининг барча таълим босқичларини бевосита кузатган ва мақсадли таққослаган, шунингдек, Қўшма Штатлардаги таълим тузилишига оид бошқа қўллаб-қувватловчи мақолаларни таҳлил қилган. Америка мактабида тарихни ўқитиш муаммолари унинг китобининг ажралмас қисми бўлган Joanna Petra Мрачковскийнинг "Amerika мактабида тарихни ўқитиш муаммолари" нашрида бевосита муҳокама қилинади. Amerika мактаблари тарихи таълимининг кўплаб муаммоли масалалари, масалан, дарсликлар бўйича зиддият, тарихий фактларнинг бузилиши, афросентризм тушунчасининг тарқалиши, тарих дастурлари атрофидаги тортишувлар ва бошқалар тасвирланган. Тарих ўқитиш ўрта мактабда (яъни 6 ёки 7-синфдан) бошланади. Талабалар математика, инглиз тили, табиий фанлар ва жисмоний тарбия, шунингдек, ижтимоий фанлар (кўпинча жаҳон тарихини ўз ичига олади) дарсларида қатнашишлари шарт.

Ўрта мактабда 2-4 йиллик ижтимоий фанлар, масалан, Amerika қўшма Штатларининг тарихи киритилган. Агар мактабда тарихни ўқитиш вақти ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар бир мактаб тумани маъмурияти ўқув режаси, ўқув материаллари ва бошқалар тўғрисида ўз қарорларини қабул қилади. Тарих учун ҳафтасига 5 академик соат ажратилади (яъни кунига 1 дарс). Соатлар сони мактаб ўқув дастурига ва давлатнинг ижтимоий тартибига қараб фарқ қилиши мумкин. Мактаб дарсликларига берилган номлар диққатга сазовордир. Ўқитиш усулларига келсак, фақат саналар, исмлар, фактлар ва турли жангларнинг номлари ўргатилади. "Болалар ҳикояни ўрганиш ўрнига, маълумотни ёдлаб олишади ва имтиҳонларни топширгандан сўнг, уни унутишади. Уларнинг ўтмишда содир бўлган воқеалар билан шахсий муносабатлари йўқ. Multimedia ускуналари, хариталар, фотосуратлар, Internet ресурслари, video материаллар, махсус ўқув дастурлари ва бошқалар. тарихни ўрганишда ҳам фаол

фойдаланилади, бу Amerika мактабларида қўшимча таълим муассасалари билан яхши таъминланганлигининг кўрсаткичидир.

Amerika мактабларида тарих ва бошқа ижтимоий фанлар бўйича имтиҳонлар кўпинча ёзма равишда олинади.

Ўқитиш жамият томонидан қўйилган мақсадларга жавоб беради. Ўқитиш натижалари бевосита мактаб даражасига, ўқитувчининг малакасига, ўқитиш усулларига ва ўқувчиларнинг мавзуни идрок этишга тайёрлигига боғлиқ. Британия мактабининг тарихий таълими C. V. Фоменконинг "Буюк Британияда мактаб тарихий таълимининг замонавий концепциясини шакллантириш тўғрисида" мақоласида тавсифланган бўлиб, унда инглиз методистларининг ишларига асосланиб, буюк Британияда мактаб тарихини ўрганишдаги асосий мақсад ва вазифалар, усуллар ва муаммолар ҳисобланади. Замонавий Британия мактаблари тарихини ўқитиш тизими XX аср давомида ривожланди.

Буюк Британиядаги замонавий тарихий мактаб жуда бағрикенг ва объективдир. Британия мактаблари тарихи таълими курси, методистлар таъкидлаганидек, фуқаролик руҳини, жамиятга дахлдорлик туйғусини ва бу масъулиятни тарбиялаши керак.

Британия мактабларида асосий билим манбаи ва синфда ишлаш воситаси дарслик эмас, балки ҳужжат ёки бошқа тарихий манба, кўпинча тасвирий (расмлар, чизмалар, расмларнинг репродукциялари ва бошқалар.). Британия мактабида тарихни ўрганиш сиёсат ва урушларга эътибор бермайди. Дарслар, айниқса қуйи синфларда, кўпинча суҳбатлардан иборат бўлиб, улар давомида одамлар қандай яшаганлиги ҳақида фикр юритади. Буюк Британияда тарих фанини ўқитиш анъанавий ва замонавий усулларнинг уйғунлашуви асосида ташкил этилган. Оксфорд ва Кембриж университетларида "tutorial" деб аталувчи шахсий машғулотлар орқали талабаларнинг тарихий фикрлаши чуқурлаштирилади. Ўқув режаларида тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш, эссе ёзиш ва мулоҳаза юритиш марказий ўрин эгаллайди. "**Tutorial**" — бу атама, айниқса Буюк Британиядаги Оксфорд ва Кембриж университетларида, таълимнинг махсус шаклини англатади. Уни ўзбек тилига қуйидагича таржима қилиш мумкин:

Tutorial — шахсий машғулот / индивидуал дарс

Бу таълим шаклида:

- ҳар бир талаба 1–2 киши бўлиб,
- профессор ёки ўқитувчи билан бевосита, юзма-юз (ёки онлайн) машғулот ўтади,
- талаба олдиндан эссе ёки тадқиқот ишини тайёрлаб келади,

- дарсда шу иш юзасидан баҳс, таҳлил ва фикр алмашув амалга оширилади. Ўзбек таълим тизимидаги одатий маърузалардан фарқли равишда, **tutorial** машғулотлари талабаларнинг мустақил фикрлаши, таҳлил қилиш қобилияти ва нутқ маданиятини ривожлантиришга қаратилган. Германия олий таълим муассасаларида тарих фанини ўқитишда таълим ва илмий тадқиқот узвий боғланган. Университетларда талабаларга ўзларининг илмий ишланмалари устида мустақил ишлаш имкони берилади. Шунингдек, тарихий билимни жамият эҳтиёжларига мослаштириш, амалиёт билан боғлашга катта эътибор қаратилади. Мисол учун, музейлар, архивлар ва тарихий мерос объектлари билан ҳамкорликда амалий машғулотлар ўтказилади.

Табиийки, болалар учун тўғридан–тўғри улар билан боғлиқ бўлган тарихни ўрганиш анча қизиқроқ, яъни болалар катта қизиқиш билан микро тарих деб аталадиган нарсаларни - ўз қишлоғи, шаҳри, кўчаси ёки оиласи тарихини ўрганадилар.

Жаҳон тарихи бўлимидаги модуллардан қадимги Рим, Франция инқилоби ёки Америкaнинг қора танли халқлари ҳақидаги модулларни танлаши мумкин. Баҳолар ўқитувчининг маърузада айтганларини шунчаки такрорлаш учун эмас, балки ўз ғояларини ишлаб чиқиш, ўз лойиҳасини ишлаб чиқиш учун ресурслардан (Internet, кутубхона) фойдаланиш учун, энг муҳими - мавзу бўйича мазмунли, ҳар томонлама хабардор ва асосли жавоб учун берилади. Немис мактабларида тарихни ўқитиш биринчи босқичда бутун тарих курси ўрганилади, иккинчи босқичда такрорланади, лекин мураккаброқ, муаммоли даражада. Германияда жамиятнинг турли мақсадларига жавоб берадиган ҳар хил турдаги мактаблар мавжуд ва шунга мос равишда турли мактаблар тарихни ўрганишга ҳар хил вақт сарфлашади. Тарих ўқув дастурларида турли фанлараро муносабатларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Японияда тарих фанини ўқитиш миллий ва минтақавий қадриятларни сақлаб қолишга, талабаларда ватансеварликни оширишга қаратилган. Шу билан бирга, замонавий ахборот технологиялари, интерактив дарслар, визуал воситалар – хариталар, графиклар, видеоматериаллардан кенг фойдаланилади. Таълим жараёнида муаммоларни таҳлил қилиш ва уларга ечим топиш қобилияти ривожлантирилади.

Умумий таълим тизимларини ва хусусан, юқори сифатли таълим билан машҳур бўлган 3 та ривожланган хорижий мамлакатларда (Amerika Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Германия) тарихни ўқитишда уларда таълимнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилиш ва ўз тажрибаларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Биринчидан, тарихий синфларни барча турдаги ўқув воситалари: multimedia ва компютер ускуналари,

хариталар, дарсликлар, барча турдаги қўлланмалар ва ёрдамчи материаллар билан таъминлашга эътибор қаратиш лозим. Америкадаги дарсликлар талабаларнинг ўз мамлакати, ватанпарварлиги ва фуқаролиги билан фахрланишини шакллантириш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, болалар ўзларининг қизиқишларига мувофиқ маълум бир тор мавзу бўйича қўшимча тарихий курсларни мустақил равишда танлашлари мумкинлиги жуда диққатга сазовордир. Ўз фикрини баҳолаш, ўз ғояларини ишлаб чиқиш, ўз лойиҳасини ишлаб чиқиш ва мавзу бўйича мазмунли, ҳар томонлама хабардор ва асосли жавоб бериш Британия мактаблари тарихи таълимининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Тарих дарсларида ўқитувчининг фикрига тўғри келмаса ҳам, у ерда ўз фикри қабул қилинади. Бундай амалиётни жорий этиш керак. Шундай қилиб, тарихни ўқитишнинг хорижий тажрибаси шуни кўрсатадики, тарих фанини самарали ўқитиш учун интерфаол усуллар, манба таҳлили, мустақил изланиш, мулоҳаза ва баҳслар ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳам ушбу тажрибалардан фойдаланиш, миллий моделни ривожлантириш тарих таълими сифатини оширишга хизмат қилади.

## REFERENCES

1. Большакова О. Разноцветные картинки//Итоги. 2000. № 17. URL: http://www.itogi.ru/archive/2000/17/111920.html (Дата обращения 13.12.2011)
2. Германская система образования //Отечественные записки. 2002. № 2. URL: http://www.strana-oz.ru/?numid=3&article=182
3. Кучеренко Е.Ю. Американская школа глазами российского педагога// Директор школы . 2003. № 4. С. 56-62. URL:http://pravo33.wordpress.com/2010/10/28/ (Дата обращения 09.12.2011)
4. Ленц М.В. Содержание школьного исторического образования в Германии// Молодежь и наука – третье тысячелетие: Материалы студенческой науч.-практ. конф. Тула: Изд-во Тул. гос. пед. ун-та им. Л.Н. Толстого, 2006. С. 140-146.
5. Мифы и реальность американского школьного образования//Жизнь в США *[сайт]* URL: http://qwester.ru/2011/05/mify-i-realnost-amerikanskogo-shkolnogo-obrazovaniya/
6. Михайлова Н., Кипнис Д., Кипнис А. Школьное образование в Германии. 1999. URL:http://lib.ru/TEXTBOOKS/GERMAN/schule.txt
7. Мрачковска И. Проблемы преподавания истории в американской школе//История. 2001. № 7. URL: http://his.1september.ru/2001/07/3.htm

8. Обзор системы образования Великобритании//Тринити Трэвел (Обучение в Англии) *[сайт]*. URL: http://www.trinity-travel.ru/education/secondary-education/

9. Образование в Великобритании//Отечественные записки. 2002. № 1. URL:http://www.strana-oz.ru/?article=145&numid=2

10. Олевич В. Преподавание истории в американской школе в сравнении с российской: интервью//

# МАНТИҚ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

**Абдурахим Абдувахидович Мавлянов**
фалсафа фанлари номзоди,доцент,
ИИВ Академияси доценти,

**Аннотация.** Мақолада мантиқ илмининг конкрет тарихий шароит давомида шаклланиши, юксалиши ва ҳозирги инқирозий даврлари таҳлил қилинган. Бу ҳолатдан чиқишнинг йўли сифатида мамлакатимиз олий ўқув юртларида мантиқ фани ўқитилишининг долзарблиги тавсия қилинади.

**Таянч сўзлар:** Арасту мантиғи, Марказий Осиё перипатетикаси, мантиқнинг ҳозирги замон йўналишлари, Олий таълимда мантиқ, фикрлаш маданияти.

**Аннотация.** В статье анализируются периоды становления, расцвета и современное кризисное состояния науки логики. В качестве выхода из этой ситуации обосновывается и рекомендуется необходимость преподавания логики в высших учебных заведениях страны.

**Ключевые слова:** Логика Аристотеля, Центральноазиатская перипатетика, направлении в современной логике, логика в высшем образовании, культура мышления.

**Annotation.** The article analyzes the periods of formation, heyday and the current crisis state of the science of logic. As a way out of this situation, the necessity of teaching logic in higher educational institutions, including other levels of the education system, is justified and recommended.

**Keywords:** Aristotle's logic, Central Asian peripatetics, direction in modern logic, logic in higher education, culture of thinking.

Мантиқ фанининг ҳозирги куни, фандаги мавжуд инқирозий ҳолатлар, улардан чиқиш ва юксалишга эришишнинг омиллари сифатида энг аввало фан ички ривожланишининг зарурий қонуниятлари ва ташқи таъсир кучлар кўрсатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Биз ҳам мақоламиздаги таҳлилларни айнан шу йўсинда олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало мантиқ фани ривожланишининг ички зарурий қонуниятлари сифатида унинг узоқ тарихий йўли давомида мақсад ва вазифаларнинг қўйилишига кўра ўрганиш предмети йўналишларининг ўзгариб бориши кесимида тўпланган бой маданий мероси олинса, ташқи омиллар сифатида конкрет ижтимий-тарихий даврда мавжуд ижтимоий онгнинг умумий муҳитини акс этувчи дунёқараш, илмий билиш, ахлоқ ва қадриятлар каби мажмуаларда намоён бўлувчи тизимларнинг таъсир кучлари таҳлил қилинади.

Мантиқ бой илмий меросга эга бўлган энг қадимий фундаментал фанлардан бири ҳисобланади. Мантиқ фани ўзининг шаклланиш ва ривожланиш даврида кўп инқилобий сакрашларни амалга ошириш билан бирга инқирозий ҳолатларни ҳам бошидан кечирган.

Манбаларда келтирилган маълумотларга кўра мантиқ илми икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлиб, мантиқшунос олимлар бу даврларни энг умумий таснифга биноан асосан икки босқичга бўлишади. Биринчи босқич қадимги ҳинд мантиғи ва Аристотель мантиғидан бошланиб, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларига қадар бўлган даврни ўз ичига олса, иккинчи босқич XX асрнинг бошларидан то ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда[1].

Мантиқнинг фан сифатида шаклланиши Аристотель номи билан боғлиқ бўлиб, унда тафаккур шакллари, қонунлари, силлогистик хулосалар ҳамда далиллаш каби назариялар тизимлаштирилишга эришилган бўлса-да, лекин мантиқ тарихида Аристотель мантиғи энг аввало фикрни, унда акс этаётган предметларидан мавҳумлаштириб олинган ва уларнинг барчалари учун тўғри ифодаланиш мезонини таъминловчи тафаккур шакллари ҳамда силлогистик хулосалар ҳақидаги таълимотлар кесимида ўрганилиб келинган.

Ўзининг мантиқ илми тарихига оид машҳур китоблари билан илмий жамоатчиликка кенг танилган А.О.Маковельский (История логики.–М.1967.), П.С.Попов, Н.И.Стяжкин (Развитие логических идей от Античности до эпохи возрождения. – М.1974.) ва А.К.Закуев (Из истории арабоязычной логики средних веков. – Баку, 1971) каби бир қатор мантиқшунос олимларнинг таъкидлашларича Арасту мантиқ илмининг Шарққа, қолаверса Ўрта асрларда янги билимлар билан бойитилган ҳолда яна қайта Ғарбга кенг тарқалишида Хунайн ибн Исҳоқ (809–873), Абу Юсуф ал Киндий (801– 867), Абу Башар Маттоий (туғилган йили маълум эмас – 939-йилда вафот этган), Исо ибн Зурро (1000 – йиллар), Абу Бакр ар-Розий (865 – 925), Форобий (873 – 950), Ибн Сино (980 – 1037), Ибн Рушд (1126 –1198) каби буюк Шарқ ва Марказий Осиё мутафаккирларнинг хизмати беқиёсдир[2].

Бунда бир жиҳатдан, Мовароуннахр ва Хуросоннинг 813-833 йиллардаги ҳукмдори халифа ал-Маъмун томонидан Боғдодда асос солинган "Байт ал ҳикма"("Ҳикматлар уйи")нинг юқорида қайт этилган машҳур таржимон олими Хунайн Ибн Исхак (809-873) ва унинг шогирдлари томонидан Аристотель асарларини олдин сурийга ва сўнг араб тилига ўгирилиши бўлган бўлса, иккинчи томондан, Испаниянинг Толедо шаҳрида архиепископ Раймонд Толедский (1125 -1152) йилларда асос солган ва бошқарган Толедо таржимонлар мактабининг Иоанн Севильский (1090-1170), Жерар Кремонский

(1114-1187) каби таржимонлари томонидан Араб мантиғининг Форобий, Ибн Рушд каби машҳур олимлари асарларининг арабдан лотинга таржима қилинганлиги ўта муҳим роль ўйнади[3]. Чунки, Ўрта аср Ғарбий Европа илм аҳлига Аристотелнинг асарларини янги сифатда мутолаа қилишга ва шу орқали уни ўзлари учун янгитдан кашф қилишга имкон берди. Бу эса ўз навбатида, Аристотель таълимотини янада кенг тарғиботи учун муҳим асос бўлди.

Янги давр (XVII–XIX асрлар) мантиғи Рене Декарт (1569–1650), Блез Паскал (1623–1662), Френсис Бекон (1588–1679), Томас Гоббс (1588–1679), Жон Локк (1632–1704) ва Исаак Ньютон (1642–1727) каби машҳур мутафаккирлар илмий мероси билан боғлиқ бўлиб, бу даврнинг энг муҳим жиҳати Ф. Беконнинг «Янги Органон» асари орқали майдонга Аристотель дедуктив усилига қарши билишнинг янги индуктив усули кириб келади.

Кейинчалик машҳур немис математиги Г.Ф.Лейбниц (1646–1716) мантиқнинг формал аппаратини математикага қўллаш орқали математик (символик) мантиқ фани билан боғлиқ бўлган янги даврни очади. Яна бир машҳур немис мутафаккири Гегель (1770–1831) мантиқнинг «диалектик мантиқ» деб ном олган янги йўналишини кашф қилади. Немис олими И. Кантдан (1724-1804) бошлаб, Аристотель мантиғи ҳақида унинг реал фикрлар ва мулоҳаза жараёнларидан ажралган мавҳум формаллашган образи шакллана бошланади. И. Кант Аристотель мантиқ илмини фикрнинг мазмунидан мавҳумлашган, унинг объектидан ажралган умумий оприоралар (*асос ҳукмлардан тўғри хулоса чиқаришнинг қонун-қоидалари*) асосида қурилган формаллашган тузилмавий бирликлар деб баҳолайди[4]. Шу тариқа Аристотель мантиғини "Формал мантиқ" деб юритиш урфга қатъий кириб боради.

Мантиқ илмининг кейинги даврларида Аристотель мантиғи негизида мантиқнинг диалектик мантиқ (В.Ф.Гегель.1770-1831), математик мантиқ (Г.В.Лейбниц.1646-1716), интуиционистик мантиқ (Л.Брауэр. 1881-1966), конструктив мантиқ (А. А. Марков.1903-1979; А. Н. Колмогоров.1903-1987), эҳмда математик мантиқни қўлланишининги йўлга қўйилиши (Клод Шенон. 1916-2001) ва ноформал мантиқ (С.Э.Тулмин. 1922-2009) каби янги йўналишлари пайдо бўла борди.

Математик мантиқда ўз аксини топган мантиқнинг формаллашган тили XX аср охири ва XXI асрга келиб, лингвистика, информатика, кибернетика, нейропсихология, психофизиология, дифференциал психология, эмбриология, молекуляр биохимия, нейрогенетика, сунъий интелект назарияси каби фанлар ва тез суръатлар билан ривожланиб келаётган соҳа – компьютерлаштиришнинг муҳим ўзагига айланиб бўлди. Бу эса кўпгина мантиқшунос олимлар таъкидига

кўра, Аристотель асос солган мантиқ илмининг турли фанлар кесишмалари орасида қолиб кетишига, ўз моҳиятидан узоқлашишига олиб келди.

Аристотель мантиғнинг ўз моҳиятидан узоқлашган ва кўпроқ назарий қоидавийликлар қобиғига ўралиб қолган фан сифатида жамоатчилик эътиборидан қолиб кетаётганлиги ва бу инқироздан чиқиш XXI асрга келиб долзарб масалага айланлигини С. И. Поварнин, Ю.В.Ивлев, Кулик Б.А., Грифцова И.Н., Брюшинкин В.Н., Светлов В.А. каби кўпгина машҳур рус мантиқшунос олимлари ўзларининг китоблари ва илмий мақолаларида кўрсатиб боришди [5].

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб асрлар давомида мантиқий тафаккурни шаклланишининг инструментал асоси сифатида инсон тафаккурининг шакллари, қонунлари, усуллари ва қоидаларини ўрганишга йўналтирилиб келинган "Мантиқ" фани бакалавриат таълим йўналиши муассасаларидан асоссиз олиб ташланиши, кўп ҳолларда ҳали мантиқий фикрлаш кўникмаларига эга бўлмаган талабаларни фаннинг қоида ва тамойилларини, уларнинг ўз мазмун моҳиятидан ажралган ҳамда амалий фаолиятда қўлланиш механизмларидан узоқлашган, кўр-кўрона механик ёдлаш орқали ўзлаштирилган "ўлик" билимлар билан чекланиб қолишига олиб келмоқда.

Олий таълимда бундай инқирозий ҳолатга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847- сон Фармонида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг стратегик йўналишлари сифатида билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор таълим технологиялари асосида модернизация қилиш каби вазифалар белгилаб берилган[6].

Олий таълим олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқадики, олий мактаб ўз битирувчиларида фақат тайёр маълумотларни ўзлаштиришни эмас, балки энг аввало фикрлашга, янгича ёндашувга, билимларни мустақил янгилашга ва доимий тўлдириб боришга, турли амалий вазифаларни ҳал этишда улардан онгли равишда фойдаланишга олиб борувчи мантиқий фикрлаш кўникмасини шакллантириши лозим.

Мантиқий тафаккур инсонинг туғма қобилияти эмас, унга фақат ўрганиш мумкин; у таълимда фойдаланиладиган махсус мантиқий воситалар асосида тизимли равишда ривожлантирилади. Мантиқ фанини ўрганиш давомида олий талимда таҳсил олувчи ёшлар мантиқий фикрлаш кўникмаларини изчил эгаллашга ва тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилишга кўпроқ эътибор

беришни, мавжуд маълумотларни фаол тинглашни ва танқидий тушунишни ўргана боришади. Мантиқий фикрлаш керакли маълумотларни излаш, тўплаш, ўрганиш ва тизимлаштириш, фактларни тахминлардан ажратиш, бошқа нуқтаи назар ва билимларни таҳлил қилиш, хатолардан ўрганиш, мавжуд маълумотлардан қандай ва нима учун фойдаланиш мумкинлигини тушуниш, асосли хулосалар чиқариш, юзага келадиган муаммоларга тўғри ечимларни топиш имконини беради.

Мантиқий фикрлаш кўникмасини ривожлантириш учун энг аввало тайёр материалларни беришга асосланган маърузалардан қочиш ва ўйлашга, мустақил изланишга ўргатувчи методикани йўлга қўйиш; семинар машғулотларида ҳуқуқ амалиётида кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар(*казус*)ларнинг ечимини топишда баҳс мунозаралар ўтказиш; мавзуга оид турли хил ребуслар, кроссвордлар ва жумбоқларни ҳал қилиш; муаммоли вазиятларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш; қўшимча материалларни ўрганиш; муқобил ечимларни излаш; баҳс ва мунозараларда иштирок этишни фаоллаштириш каби амалиётларни йўлга қўйиш лозим.

Олий таълим муассасалари талабаларида мантиқан изчил фикрлашнинг илмий асосларини шакллантириш учун олий таълим муассасалари ўқув жакраёнидан асоссиз чиқариб ташланган "Мантиқ"ни мажбурий фан сифатида қайта тиклаш зарур ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, мазкур мақола доирасида биз мантиқ илмининг конкрет тарихий шароит давомида шаклланиши, юксалиши ва ҳозирги инқирозий даврлари таҳлил қилиб, бу ҳолатдан чиқишнинг йўли сифатида мамлакатимиз олий ўқув юртларида мантиқ фани ўқитилишининг долзарблиги тавсия қилнади.

## REFERENCES

1. Баркова В.В. История становления логики как науки. – Челябинск, 2018.– С. – 7-22, 31-109; Mavlyanov A.A. Mantiq: O'guv qo'llanma.– T., 2013. – Б. –14-35; Маковельский А.О. История логики. – М.: Кучково поле, 2004. – С. 86-163, 210-257, 400-418,451-473; Хайруллаев М.М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. – Т. 1993. – Б.– 40-72; Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ: Ўқув қўлланма. – Т.,2004. – Б.- 16 – 44.

2. Маковельский А.О. История логики. М.: Наука, 1967. – С.- 265-267, 271-280.; Закуев А.К. Из истории арабоязычной логики средних веков. – Баку, 1971. – С. – 3-7; П.С.Попов Н.И.Стяжкин. Развитие логических идей от Античности до эпохи Возрождения.М.:Издательство Московского университета, 1974. . – С. – 203.

3. Маковельский А.О. История логики. – М.: Кучково поле, 2004. – С. 210-257; Закуев А.К. Из истории арабоязычной логики средних веков. – Баку, 1971. – С. – 3-7, 13-15.
4. Кант И. Критика чистого разума / Пер. с нем. Н.О. Лосского с вариантами пер. на рус. и европ. языки. - М.: Наука, 1999. – С. 103-104.
5. Брюшинкин В.Н. Практический курс логики для гуманитариев. М.: Новая школа, 1996.; Грифцова И.Н. Логика как теоретическая и практическая дисциплина К вопросу о соотношении формальной и неформальной логики. М.: Эдиториад УРСС, 1998.; Кулик Б.А. С чем идет современная логика в XXI век? //"Вестник РФФИ", № 3(21), сентябрь 2000 г. http://193.233.79.157/pub/vestnik/V3_00/3_1.htm; Ивлев Ю.В. Логика и реальность. / Философия и общество, № 4, октябрь – декабрь 2007. С. – 165–174.; Ивлев Ю.В. Предмет и перспективы развития логики. / Логические исследования. 2018. №1. – С. 115-128.; Поварнин С.И. Искусство спора. О теории и практике спора / С. И. Поварнин – М.: Книга по Требованию, 2013.; Светлов В.А. Практичаская логика. М.: Нобель Пресс, 2013.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8.10.2019 йилдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони https://lex.uz/docs/4545884.

# BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING NUTQIY IMKONIYATLARINI OSHIRISH USULLARI.

**Joldasova Umida Turganaliyevna**
Toshkent viloyati Yuqori Chirchiq tumani №28 umumiy o'rta ta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi

**Annotatsiya:**Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutqiy savodxonlikni rivojlantirish va oshirish yo'llari va usullari ko'rib chiqilib, nutq aspektlari keltirib o'tilgan. Nutq faoliyati uchun, shuningdek, boshlang'ich sinf o'quvchilari nutqini o'stirish uchun bir nechta shartlar ko'rib chiqildi va boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqiy savodxonlik darajasini aniqlash hamda rivojlantirish haqida fikrlar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** Boshlang'ich sinf,so'zlar,nutq,nutq madaniyati, fikr, til.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются пути и методы развития и совершенствования речевой грамотности у учащихся младших классов, а также затрагиваются аспекты речи. Рассмотрены некоторые условия речевой деятельности, а также развития речи учащихся младших классов, даны идеи по определению и развитию уровня речевой грамотности учащихся младших классов.

**Ключевые слова:** Начальный класс, слова: речь, культура речи, мышление, язык.

**Abstract:** In this article, the ways and methods of developing and improving speech literacy in elementary school students are considered, and the aspects of speech are mentioned. Several conditions for speech activity, as well as for the development of the speech of elementary school students, are considered, and ideas are given about determining and developing the level of speech literacy of elementary school students.

**Key words:** Elementary class, words: speech, speech culture, thought, language.

Nutq bu kishi faoliyatining turi, til vositalari (so'z, so'z birikmasi, gap) asosida tafakkurni ishga solishdir. Nutq o'zaro aloqa va xabar funksiyasini, o'zaro fikrni his-hayajon bilan ifodalash va ta'sir etish vazifasini bajaradi. Yaxshi rivojlangan nutq, jamiyatda kishining aktiv faoliyatining muhim vositalaridan biri sifatida xizmat qiladi. O'quvchi uchun esa nutq maktabda muvaffaqiyatli ta'lim olish qurolidir. Nutq faoliyati uchun, shuningdek, boshlang'ich sinf o'quvchilari nutqini o'stirish uchun bir necha shartga rioya qilish zarur: Masalan,

1. Kishi nutqining yuzaga chiqishi uchun talab bo'lishi kerak. O'quvchilar nutqini o'stirishning metodik talabi o'quvchi o'z fikrini va nimanidir og'zaki yoki yozma bayon xohishi va zaruriyatni yuzaga keltiradigan vaziyat yaratish hisoblanadi,

2. Har qanday nutqning mazmuni, materiali, bo'lishi lozim. Bu material qanchalik to'liq, boy, qimmatli bo'lsa, uning bayoni shunchalik mazmunli bo'ladi.

Xususan, boshlang'ich sinflarda nutq madaniyatini shakllantirish bugungi kunda dolzarb masala hisoblanadi.Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutq madaniyatini takomillashtirish, o'qituvchining o'quv-uslubiy faoliyatidagi asosiy yo'nalishlardan biri sanaladi. Nutq madaniyatini shakllantirish masalasi uzoq o'tmish yani Sharq mutafakkirlari ijodida ham asosiy o'rin egallagan. Masalan: Forobiy har bir inson,to'g'ri so'zlash, mantiqiy xulosalar chiqarish, mazmundor va go'zal nutq sohibi bo'lish haqida oz fikrini bayon etgan.[1]

Aslida umumiy o'rta ta'limdagi boshlang'ich ta'limning asosiy vazifalaridan biri o'quvchilar nutqini o'stirishdir. O'qituvchi o'quvchilarning nutqiy imkoniyatlarini oshirishda, quyidagi uch yo'nalishda amalga oshirilishi metodik adabiyotlarda qayd etilgan:

1.So'z ustida ishlash;

2.So'z birikmasi va gap ustida ishlash;

3.Bog'lanishli nutq ustida ishlash;

Bular orqali nutq fikrni bayon etish vositasi bo'libgina qolmay, uni shakllantirish quroli hamdir. Fikr nutqning psixologik asosi vazifasini bajaradi, uni o'stirish sharti esa fikrni boyitish hisoblanadi.

Aqliy faoliyat tizimini egallash asosidagina nutqni muvaffaqiyatli o'stirish mumkin. Shuning uchun o'quvchilar nutqini o'stirishda materialni tayyorlash, takomillashtirish, mavzuga tegishlisini tanlash, joylashtirish va mantiqiy fikrlashga yo'naltiradigan ish turlariga katta ahamiyat beriladi. Tafakkur til materiali yordamida nutq shakllantirilsa va bayon etilsagina, muvaffaqiyatli o'sadi. Tushuncha so'zlar yoki so'z birikmalari bilan ifodalanadi, shunday ekan, u til vositasi bo'lgan so'zda muhim aloqa materialiga aylanadi. Kishi tushuncha ifodalaydigan so'z (so'z birikmasi)ni bilsagina, shu tushunchaga asoslangan holda tashqi nutqda fikrlash imkoniyatiga ega bo'ladi.Shu bilan birga, fikr nutqni yaratadi. Nutq bo'lmasa, tafakkur ham bo'lmaydi, til materiali bo'lmasa, fikrni ifodalab berib bo'lmaydi». Bunga qo'shimcha yana aytadigan bo'lsak, boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqiy imkoniyatlarini oshirish uchun, bolalarning tevarak-atrof obyektlari (kishilarning hayoti va mehnati, daryolar, hayvonlar,o'simliklar olami, suv osti dunyosi) to'g'risidagi tasavvurlarini rejali tarzda kengaytira borish talab etiladi. Nutq madaniyati, inson ma'naviy madaniyatining tarkibiy qismi bo'lib hisoblanadi.Endi

tinish belgilari bu bolalarning nutqini uzlashtirishda tinish belgilarini qo'llash, o'quvchilarda eslab qolish qobiliyatini shakllantirishda muhim o'rin tutadi.[2]

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutqini rivojlantirishda, hikoya qilish usuli,o'quvchilarning jumlalarini gramatik jihatdan t'o'gri tuzish,tovushlarni,qo'shimchalarni to'g'ri talaffuz etish,yoshiga mos darajada tasviriy vositalardan to'g'ri foydalana olishga yordam beradi.O'quvchilarning nutqini oshirishda ertaklar ham o'z foydasini beradi,masalan; Ertaklarda bolalarning yosh xususiyatlari alohida e'tiborga olinadi. Voqealar qiziqarli, sodda, ixcham, izchil, qisqa bayon etilishi talab qilinadi. Ertaklar juda katta tarixiy, ta`limiy-estetik ahamiyatga egadir. Chunki ertaklar juda qadim zamonlarda mavjud bo`lgan dunyoqarashlarning davomidir yoki aytish mumkinki, zamonaviylashgan shaklidir. Ayni kunlarimizda ertak tinglamagan va ertakni yoqtirmaydigan bolajonlarni uchratish qiyin. Ayniqsa, hayvonlar haqidagi va sehrli ertaklarni sevib tinglaydigan, o`qiydigan bolalar har bir xonadonda bor, desak mubolag`a emas. Ertaklar ayni kunlarda kattayu kichikda qiziqish bilan tomosha qiladigan mult'fil'mlar zamin bo`lib xizmat qilmoqda: Masalan; «Senimi, shoshmay tur, quyon!», «Tom va Jerri», «Oloviddinning sehrli chirog`i», «Qirol Sher» va hokazolar ertaklar asosida yaratilganligini ta`kidlash lozim. Demak, ertaklar yangi-yangi shakllarda yashashni davom ettiradi. Bolalarga ertak aytib berishda va uni qayta hikoya qilib berish jarayonida o'quvchilarning nutqi oshadi.[3.]

O'quvchilar nutqini o'stirish boshqa o'quv predmetlaridan o'tkaziladigan mashg'ulotlar bilan ham uzviy ravishda bog'lanadi. Ona tili darslarida o'quvchilar til yordamida tabiat va kishilar hayoti haqida bilim oladilar; ular kuzatishni, o'ylashni va ko'rganlari, eshitganlari, o'qiganlari haqida to'g'ri bayon qilishni o'rganadilar. Ona tili darslari bolalar lug'atini boyitishga samarali yordam beradi, nutqni to'g'ri tuzishni o'rgatadi.

Xulosa qilib aytganda, Og'zaki nutq eshituvchiga, yozma nutq esa uni o'quvchiga tushunarli bo'lishi zarur. So'zlovchi yoki yozuvchi nutqini eshituvchining yoki o'quvchining imkoniyatini, qiziqishini hisobga olgan holda tuzsa, uni hamma birdek, hech qiyinchiliksiz tushunadi.O'zi nutqni tafakkurdan ajratib bo'lmaydi, nutq tafakkur asosida rivojlanadi; fikr nutq yordamida pishib etiladi, yuzaga chiqadi. Ikkinchi tomondan, nutqning o'sishi fikrni shakllantirishga yordam beradi, takomillashtiradi.

## REFERENCES

1.X.Q Muhammadiyeva. "Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutq madaniyatini shakllantirish metodikasi", Central Asian research journal for interdisciplinary studies (CARJIS). 2021 yil.

2.D.P.Babayeva. "Nutq o'stirish metodikasi" o'quv qo'llanma.Toshkent .2009 yil.
3.M.Z.Eshonqulova. "Bolalar nutqini o'stirishning vosita va usullari". Inter education global study.2024 yil.
4. S.T.Qodirova. "Ona tili o'qitish metodikasi" o'quv qo'llanma.Buxoro .2002 yil.
5. Joldasov I.S. Talabalarda amaliy kompetensiyani shakllantirishning axborot-loyiha texnologiyalari// Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў Илимий-методикалық журнал. – 2024. – № 3/3. – Б. 767-771.
6. Joldasov I.S. Methodology for the formation of professional competence of future teachers // Western European Journal of Modern Experiments and Scientific Methods. Volume 2, Issue 4, 2024..
7. Joldasov I.S. Tasks Implemented in Professional Schools to Send Students to Professions // International Interdisciplinary Research Journal:Vol 2. Issue 2. 2023.
8. Joldasov I.S. "Elektron ta'lim muhitida ta'lim oluvchilarning mustaqil ishlarini tashkil etish imkoniyatlari" // Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў Илимий-методикалық журнал. – 2024. – № 5/3. – Б. 129-134

# ВИРТУАЛИЗАЦИЯ РЕЛИГИИ

**Межевникова Ольга Петровна**
Доктор философии по философским наукам (PhD), доцент кафедры «Философия и национальная идея» Ташкентского государственного технического университета (Узбекистан)

**Аннотация:** В статье прослеживается включение в религиозные практики элементов виртуализации и ценностное отношение верующих к ним. Можно предположить, что виртуальная среда становится сегодня проводником распространения религиозного мировоззрения и культуры, а также средой для формирования различных религиозных групп, имеющих собственные ценности, часть из которых может стать внутренними ценностями цифрового пространства как формирующегося виртуального мира. Возможность появления религиозных конструктов, существующих исключительно в виртуальной среде, позволяет говорить о возникновении новых религиозных действий, ценностей, структур, которые становятся виртуальными не только по названию, но и по самому факту места существования.

**Ключевые слова:** религия, онлайн религия, цифровая религия, интернет, религиозные ценности, виртуальное пространство, духовные практики, религиозные сообщества

**Annotatsiya:** Maqolada diniy amaliyotlarga virtualizatsiya elementlarining kiritilishi va imondorlarning ularga bo'lgan qadriyatli baho munosabati kuzatilgan. Hozirgi kunda virtual muhitning diniy qarashlar va madaniyatni tarqatishda, shuningdek, turli diniy guruhlarning shakllanishi uchun muhitga aylanishini taxmin qilish mumkin, ularning har biri o'z qadriyatlarga ega, ayrimlari esa raqamli makonning, ya'ni shakllanayotgan virtual olamning ichki qimmatlariga aylanishi mumkin. Faqat virtual muhitda mavjud bo'lgan diniy konstruktsiyalar paydo bo'lishi mumkinligi ularning yangi diniy harakatlar, qadriyatlar va strukturalarning paydo bo'lishi haqida gapirishga imkon beradi, bu strukturalar virtual nomda emas, balki mavjudlik joyi bilan ham virtual bo'lib qoladi.

**Kalit so'zlar:** religiya, onlayn religiýa, raqamli religiýa, internet, diniy qadriyatlar, virtual makon, ruhiy amaliyotlar, diniy jamiyatlar.

***Abstract:*** The article traces the inclusion of virtualization elements in religious practices and the value-based attitude of believers towards them. It can be assumed

that the virtual environment today becomes a medium for spreading religious worldview and culture, environment for forming various religious groups with their own values, some of which may become internal values of the digital space as a forming virtual world. The possibility of the emergence of religious constructs existing exclusively in the virtual environment allows for the discussion of new religious actions, values, and structures, which become virtual not only by name but also by the very fact of their place of existence.
***Keywords:*** religion, online religion, digital religion, internet, religious values, virtual space, spiritual practices, religious communities.

Социальное воздействие виртуальной реальности, как правило, сосредоточено на светской деятельности, такой как розничная торговля, развлечения и туризм. Пока технические компании активно поддерживают развитие интернета и киберпространства, религиозные сообщества также начинают играть ключевую роль в цифровом будущем. Независимо от того, верит человек в истинность религии или нет, ее широкое влияние на поведение человека неоспоримо и значительно. Примерно для 84 процентов населения земного шара религия влияет на важные психологические конструкты, такие как мотивация, ценности, самооценка, мораль и многое другое [1]. Неудивительно, что при таком разнообразии психологических аспектов религия также играет решающую роль в эмоциональном благополучии, жизнестойкости и психическом здоровье. И, конечно же, интернет-пространство не может игнорировать этот вопрос. Есть ли место для религии в виртуальной реальности?

Религия и интернет соприкоснулись в начале 1980-х годов, когда религиозные общины начали объединяться в чаты, группы и форумы, где обсуждались различные вопросы вероучения. В конце 1980-х годов ученые ввели термин «киберцерковь» (cyberchurch), под которым понимали «группу верующих, связанных электронными связями, стремящихся воспроизвести в киберпространстве некоторые аспекты обычной церковной жизни» [2].

С 2000-х годов понятие «киберрелигия» стали употреблять не только применительно к возникшим в сети религиозным верованиям, но и в более широком контексте — в том числе в отношении традиционных верований, которые отражают «религиозную организацию и религиозную деятельность в киберпространстве» [3].

Впоследствии для определения религии в интернете К. Хелланд ввела еще два термина — «религия онлайн» и «онлайн-религия» [4]:

1) в случае «религии онлайн» интернет используется для осуществления привычных форм коммуникации традиционных религиозных институтов, базирующихся на идее статусной иерархии, власти и авторитета, благодаря которому эти институты получают более широкие средства трансляции своего вероучения. Данный способ может рассматриваться в качестве одной из разновидностей масс-медиа или канала односторонней коммуникации, осуществляемой из единого центра по отношению к широкой массе адресатов без возможности поддержания обратной связи. В этом случае интернет-пространство служит дополнением официальных коммуникаций в офлайн-пространстве. «Религия онлайн» связана с созданием новых образов виртуальной религиозности;
2) концепт онлайн-религии предполагает совершенно иной тип открытого полицентрического пространства, где свободное обсуждение различных доктринальных вопросов становится условием порождения нового коллективного опыта в ходе диалога верующих. В результате этого сфера онлайн-коммуникации не просто становится функциональным дополнением иерархически центрированных социальных взаимодействий внутри централизованно управляемых религиозных организаций, а превращается в самостоятельное пространство. Онлайн-религия отражает воздействие сети на религию и демонстрирует, как «гибкая природа интернета позволяет создавать новые формы религиозности и жить религиозными практиками онлайн».

В последнее десятилетие сложилось понятие «цифровая религия». Можно рассматривать цифровую религию как мост, который соединяет и расширяет религиозные практики и пространства в интернете в различных религиозных контекстах. Это слияние новых и устоявшихся представлений о религиозной практике означает, что цифровая религия имеет черты как онлайн-культуры (такие как интерактивность, конвергенция и контент, создаваемый аудиторией), так и традиционной религии (включая образцы верований и ритуалы, связанные с исторически сложившимися сообществами). Большинство священников сегодня выбирают онлайн-коммуникацию для приобщения новых сторонников, видят в интернете удобную площадку для продолжения миссионерской деятельности.

Феномен цифровой религии можно интерпретировать в качестве самостоятельного символического пространства, возникающего на границе пересечения традиционной культуры и коммуникационной среды цифрового социума. Весь вопрос заключается в том, какова степень взаимопроникновения и взаимовлияния этих сфер. Очевидно, если анализировать представленные концепции с учетом современных тенденций, их не следует рассматривать как

взаимно исключающие. Формирование цифровой религии является неотъемлемой составляющей развития постиндустриального общества, в ходе которого религиозная сфера, ее символические структуры, освобождаясь от власти прежних авторитетов и догм, становятся объектом активного конструирования со стороны общностей, испытывающих потребность в новом духовном опыте, выходящем за рамки прежних институциональных норм.

Религиозная теория и практика, веками занимавшая все пространство материального и идеального миров, по своей сути должна была распространиться на виртуальное пространство сети. Виртуализация не чужда религии, однако раньше именно религиозные структуры были акторами проявления виртуального, теперь же объективная реальность виртуализации сама диктует религии необходимость участия в данном пространстве.

Вот несколько примеров того, как религия может существовать в виртуальном пространстве:

1. Виртуальные храмы: в виртуальных мирах, таких как Second Life[148] или различные MMORPG[149], создаются виртуальные храмы и другие места поклонения, где люди могут собираться, проводить службы или обсуждать духовные вопросы.
2. Цифровые религиозные сообщества: в социальных сетях, форумах и чатах существуют сообщества, основанные на религиозных учениях, где люди могут делиться своей верой, практиками и философскими взглядами. Это становится новой формой религиозной общины.
3. Духовные практики через виртуальные миры: виртуальные миры могут стать пространством для медитации, молитвы или других духовных практик. Например, есть проекты, где можно участвовать в виртуальных медитациях или тренажерах для духовного роста.
4. Новые формы богослужения: некоторые религиозные организации начинают использовать цифровые платформы для проведения онлайн-служб, трансляций месс или проповедей. Это может быть использовано для распространения религиозных учений в виртуальном пространстве.
5. Философия и мораль в цифровом контексте: виртуальные миры поднимают вопросы этики и морали, связанные с поведением людей в цифровом пространстве. Эти вопросы могут быть связаны с религиозными убеждениями и практиками, и их обсуждение становится частью виртуальных сообществ.

[148] Second Life (с англ. — «втора́я жи́знь») — видеоигра, трёхмерный виртуальный мир с элементами социальной сети, который насчитывает свыше 1 млн активных пользователей.

[149] Массовая многопользовательская ролевая онлайн-игра или ММОРПГ — компьютерная игра, в которой жанр ролевых игр совмещается с жанром массовых онлайн-игр.

Тем не менее, в этом процессе есть и вызовы. Например, виртуальное пространство может ослабить связь между людьми и традиционными практиками религиозных общин, такими как физическое общение или участие в сакральных действиях. Виртуальная реальность также может создавать новые формы анонимности, что может повлиять на восприятие духовной искренности.

Включаясь в социальные сети и адаптируя свои богослужебные процессы под интернет-технологии, религиозные группы пытаются защитить те канонические ценности, что не вписываются в процесс виртуализации. Можно предположить, что в процессе дальнейшей трансформации религиозных практик часть религиозных структур, не сумевших адекватно адаптироваться к новой реальности, просто уступят место для новых массовых религиозных учений, которые своими практиками и ценностями будут более приближены к человеку информационного общества. Возможно, появятся полностью виртуальные религии, включающие и обожествление (сакрализацию) определенных виртуальных действий.

Таким образом, религия в виртуальном пространстве — это уже реальность, и она продолжает развиваться, предлагая новые формы и возможности для людей, ищущих духовную практику в цифровом мире.

## REFERENCES

1. Большинство жителей планеты считают себя религиозными. Электронный адрес: https://romir.ru/studies/pribavilos-very (Дата обращения: 02.04.2025).
2. Garner S. Theology and the new media // Digital Religion. Understanding Religious Practice in New Media Worlds. New York; London: Routledge, 2013. P. 251-265.
3. Campbell H. A. Making Space for Religion in Internet Studies // The Information Society. 2005. № 21 (4). P. 309-315.
4. Helland C. Ritual // Digital Religion. Understanding Religious Practice in New Media Worlds. New York; London: Routledge, 2013. P. 25-40.
5. Иванов А. В. Цифровая религия // Изв. Сарат. ун-та. Нов. сер. Сер. Философия. Психология. Педагогика. 2018. Т. 18, вып. 4. С. 377–381.

# МИР ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ

**Жузжасарова Ахмарал Аймаханбетовна**
м.и.н., Магистр, старший преподаватель кафедры истории и географии
Университет имени Ж.А. Тәшенева, г. Шымкент

## АННОТАЦИЯ

Мир исламской культуры — это богатая и многогранная цивилизация, охватывающая историю, искусство, традиции и обычаи множества народов. Исламская культура сформировалась под влиянием религиозных и философских принципов ислама, оставив значительный след в архитектуре, литературе, науке и повседневной жизни. В данной работе рассматриваются ключевые аспекты исламской культуры, её исторические корни, художественное наследие, роль в развитии науки и образования, а также влияние на современные общества. Особое внимание уделяется архитектурным шедеврам, арабской каллиграфии, традиционной музыке и ремёслам, которые отражают глубину и уникальность исламской цивилизации.

## Annotation

The world of Islamic culture is a rich and multifaceted civilization, encompassing the history, art, traditions, and customs of numerous peoples. Islamic culture was shaped by the religious and philosophical principles of Islam, leaving a significant mark on architecture, literature, science, and daily life. This work examines key aspects of Islamic culture, its historical roots, artistic heritage, role in the development of science and education, and its influence on modern societies. Special attention is given to architectural masterpieces, Arabic calligraphy, traditional music, and crafts, which reflect the depth and uniqueness of Islamic civilization.

## *Izoh*

Islom madaniyati olami ko'plab xalqlarning tarixi, san'ati, an'ana va urf-odatlarini o'z ichiga olgan boy va ko'p qirrali sivilizatsiyadir. Islom madaniyati islom dinining diniy-falsafiy tamoyillari asosida shakllanib, arxitektura, adabiyot, ilm-fan va kundalik hayotda sezilarli iz qoldirdi. Ushbu maqolada islom madaniyatining asosiy jihatlari, uning tarixiy ildizlari, badiiy merosi, fan va ta'lim rivojidagi o'rni va zamonaviy jamiyatlarga ta'siri ko'rib chiqiladi. Islom sivilizatsiyasining teranligi va o'ziga xosligini aks ettiruvchi me'morchilik durdonalari, arab xattotligi, an'anaviy musiqa va hunarmandchilik namunalariga alohida e'tibor qaratilmoqda.

**Ключевые слова**

При изучении темы «Мир исламской культуры» можно выделить следующие ключевые слова и понятия:

**Keywords**

When studying the topic "The World of Islamic Culture," the following key terms and concepts can be identified:

**Kalit so'zlar**

"Islom madaniyati olami" mavzusini o'rganishda quyidagi tayanch so'z va tushunchalarni ajratib ko'rsatish mumkin:

**Исламская цивилизация**

Совокупность культурных и социальных достижений народов, исповедующих ислам.

Священная книга ислама, являющаяся основным источником вероучения и мировоззренческим ядром исламской культуры.

**Шариат**

Система религиозных норм и предписаний, регулирующих различные аспекты жизни мусульман.

**Сунна**

Собрание преданий о словах и поступках пророка Мухаммеда, служащее руководством для мусульман.

**Медресе**

Исламские учебные заведения, в которых изучаются религиозные и светские науки.

**Мечеть**

Место поклонения и молитвы мусульман, часто являющееся центром общественной и культурной жизни.

**Каллиграфия**

Искусство красивого письма, высоко ценимое в исламской культуре и часто используемое для украшения религиозных текстов и архитектуры.

**Арабеска**

Декоративный орнамент, состоящий из сложных геометрических и растительных узоров, распространенный в исламском искусстве.

**Мусульманское искусство**

Совокупность художественных традиций и стилей, развившихся в странах исламского мира, включая архитектуру, живопись, музыку и литературу.

**Исламская философия**

Философские учения и концепции, сформировавшиеся в рамках исламской цивилизации, включающие в себя размышления о природе Бога, мироздании и человеке.

**Золотой век ислама**

Период с VIII по XIII века, когда исламская культура достигла значительных успехов в науке, философии, медицине и искусстве.

**Халифат**

Форма государственного правления в исламском мире, при которой власть принадлежит халифу — религиозному и политическому лидеру мусульман.

**Суфизм**

Мистическое направление в исламе, стремление к постижению Бога через внутренний духовный опыт и аскезу.

**Фикх**

Исламская юриспруденция, наука о понимании и толковании шариата.

**Умма**

Общность всех мусульман, объединенных общей верой и религиозными обязанностями.

Эти термины помогут глубже понять различные аспекты исламской культуры и её влияние на мировую цивилизацию.

**Введение**

Философия и религия

Философия и религия — это два способа познания мира и осмысления человеческого существования. Оба явления играют важную роль в культуре и истории человечества, влияя на мировоззрение людей, систему ценностей и общественные нормы. Однако, несмотря на определенные сходства, философия и религия различаются по своим методам, целям и подходам к пониманию реальности.

Понятие философии и религии

Философия — это область человеческого знания, изучающая фундаментальные вопросы бытия, познания, морали, сознания и общества. Она стремится к рациональному осмыслению мира, используя логику, анализ и критику. Философия не опирается на догмы, а предлагает различные теоретические модели и концепции, которые могут быть пересмотрены или уточнены.

Религия, в свою очередь, представляет собой систему верований и практик, основанную на вере в высшие силы, духовные начала или божественное откровение. Религиозные учения часто основываются на священных текстах и

традициях, а их главной целью является не только объяснение мира, но и руководство для морального поведения, нравственных норм и духовного самосовершенствования.

Философия и религия имеют несколько общие понятия:

1. Поиск смысла жизни — обе дисциплины задаются вопросами о предназначении человека, его роли во Вселенной и моральных принципах.
2. Исследование истины — философия и религия стремятся к познанию истины, хотя их методы различны.
3. Влияние на общество — как философия, так и религия формируют моральные ценности, социальные институты и культуру.

Исламская культура является одной из самых значимых и влиятельных цивилизаций в истории человечества. Она сформировалась на основе религии ислама, распространившись с VII века по всему Ближнему Востоку, Северной Африке, Центральной Азии, а также частично в Европе и Индии. Исламская культура объединила различные народы и традиции, внесла огромный вклад в науку, искусство, философию и архитектуру.

Ислам – в арабском языке означает «*предание себя Богу*».

Основа ислама – вера в одного, единственного Бога – Аллаха, милостивого и милосердного.

Основные черты исламской культуры

Исламская культура основана на учении ислама, изложенном в Коране и хадисах (изречениях пророка Мухаммеда). Главными принципами этой культуры являются единобожие, справедливость, милосердие, уважение к знаниям и духовному развитию.

Основные черты исламской культуры включают:

1. Религиозное мировоззрение – исламская культура пронизана религиозными нормами, которые определяют все сферы жизни: политику, науку, искусство и повседневное поведение.
2. Единство духовного и материального – ислам рассматривает жизнь как единое целое, где духовные ценности гармонично сочетаются с материальным миром.
3. Письменность и образование – Коран стал основой для развития арабской письменности, а знание и наука всегда занимали важное место в исламской цивилизации.
4. Толерантность к другим культурам – исламская культура впитала в себя элементы греческой, персидской, индийской и других традиций, создавая уникальный синтез знаний и искусства.

Развитие науки и образования

В эпоху Золотого века ислама (VIII–XIV века) мусульманские учёные внесли огромный вклад в мировую науку. В исламском мире появились крупнейшие центры знаний, такие как Багдад, Дамаск, Кордова и Самарканд.
Основные достижения исламской цивилизации:

- Медицина – великие учёные, такие как Авиценна (Ибн Сина), написали фундаментальные труды, использовавшиеся в Европе вплоть до Нового времени.
- Математика – Аль-Хорезми развил основы алгебры и ввёл понятие «алгоритм».
- Астрономия – мусульманские астрономы внесли большой вклад в изучение движения планет и разработали точные астрономические таблицы.
- Философия и литература – труды Аль-Фараби, Ибн Рушда и Аль-Газали оказали влияние на западную философию.

Архитектура и искусство

Архитектура исламского мира поражает своим величием и изяществом. Великие мечети, дворцы и крепости отражают гармонию и духовность исламской культуры.
Особенности исламской архитектуры:

- Минареты и купола – символы исламских храмов, украшающие мечети по всему миру.
- Арабески и каллиграфия – вместо изображений людей и животных мусульманские художники создавали сложные орнаменты и каллиграфические надписи.
- Мозаика и резьба по камню – сложные узоры украшают дворцы, мечети и мавзолеи.

Примеры знаменитых архитектурных памятников исламской культуры:

- Мечеть Аль-Харам в Мекке – главная святыня ислама.
- Альхамбра в Испании – великолепный образец исламского искусства.
- Голубая мечеть в Стамбуле – один из шедевров османской архитектуры.

Влияние исламской культуры на мир

Исламская культура оказала огромное влияние на развитие Европы, особенно во времена Средневековья. Через мусульманскую Испанию и Сицилию европейцы познакомились с трудами античных философов, математиков и врачей, переведёнными на арабский язык.

Сегодня исламская культура продолжает оказывать влияние на мировую цивилизацию. Мусульманские традиции, литература, искусство и философия остаются важной частью глобального культурного наследия.

Жизнь мусульманина определяется пятью типами действий, которые он совершает, все действия мусульманина должны быть основаны на религиозной традиции, закрепленной Кораном, сунной, шариатом. В крайнем случае, действия мусульманина подчиняются коллективному мнению уммы. Первый тип действий – действия, которые обязательны для исполнения каждым мусульманином, иначе их называют ***Столпы ислама***:

1. Признание Аллаха единственным Богом, а Мухаммеда его посланником. Формула принятия ислама «Нет божества кроме Аллаха, и Мухаммед – посланник божий» - проста. После произнесения этой формулы на арабском языке при свидетелях договор между человеком и Богом считается заключенным. Вероотступничество, сопряженное с глумлением над верой может наказываться смертью (кроме этого наказывается смертью только преднамеренное убийство и демонстративная супружеская измена).
2. Система молитв («***намаз***») 5 раз в день (на рассвете, в полдень, во второй половине дня, после захода солнца, в начале ночи) является обязательной, может осуществляться в любом месте, после омоновения, если воды нет, то можно использовать песок, пыль. Молитву чаще совершают индивидуально, реже группами. Перед молитвой следует заявить намерение вслух или про себя. Молитва предполагает полное подчинение воле Аллаха и сосредоточение душевных сил.
3. Пост ***рамазан*** в девятый месяц по лунному календарю установленному Мухаммедом (мусульмане ведут летоисчисление, основываясь на лунный годичный календарь, который на 11 дней меньше солнечного, поэтому пост наступает каждый год в разное время) заключается в том, что нельзя есть и пить, веселится, курить при свете дня. После заката и пред восходом солнца мусульмане умеренно едят и пьют, очищают мысли и настраиваются на благочестивый лад. Пост служит для укрепления веры «***нийя***». Соблюдение поста необязательно для больных, детей и путешествующих, они могут и должны держать пост в другое время.
4. Паломничество «***хадж***» в Мекку, по местам, где жил и проповедовал пророк Мухаммед, посещение храма Каабы (черный камень) по возможности хотя бы раз в жизни мусульманин должен осуществить. Паломник, осуществивший обряд полностью получает почетное звание «ходжи».
5. Налог в пользу бедных «***закят***» (очищение богатства). Каждый мусульманин должен пожертвовать часть своего дохода в пользу бедных, это может быть еда,

одежда, деньги. В некоторых мусульманских странах на деньги верующих поддерживается здравоохранение и образование. «Вам не достичь благочестия, покуда не будете делать пожертвований из того, что любите».

**Заключение**

Мир исламской культуры — это уникальное сочетание религиозных, научных, художественных и философских достижений. За свою долгую историю исламская цивилизация внесла неоценимый вклад в развитие человечества, создав богатое наследие, которое продолжает вдохновлять людей по всему миру.

Исламская культура остаётся живой и динамичной, соединяя традиции прошлого с вызовами современности, что делает её одной из важнейших культурных сил современного мира.

## REFERENCES

1. Васильев Л. С. История религий Востока. М., 1988.
2. Ерасов Б.С. Культура, религии и цивилизации на Востоке. М., 1990.
3. Еремеев Д.Е. Ислам: образ жизни и стиль мышления. М., 1990.
4. Ислам традиции и новации / Под ред. А.В.Малешенко. М.,1991.
5. Ислам: Энциклопедический словарь. М.,1991.
6. Коран
7. Максуд Р. Ислам. М., 2001.
8.Бернард Льюис – *"Ислам и Запад"*
Исследование взаимоотношений между исламским миром и Европой, включая культурные, политические и религиозные аспекты.
9.Карен Армстронг – *"История ислама. От зарождения до современности"*
Популярное изложение истории и философии ислама, а также его роли в мировой культуре.
10. Дмитрий Михайлович Братьенков – *"Культура арабо-мусульманского Средневековья"* Глубокий анализ науки, искусства и быта мусульманского мира в Средние века. Литература по исламскому искусству и архитектуре
11.Олег Грачев – *"Искусство ислама"* Рассматривает живопись, архитектуру и декоративное искусство мусульманских стран.
12.Тим Стэнли – *"Исламское искусство: единство и разнообразие"*
Анализ уникальных особенностей исламского искусства в разных регионах мира. Исламская философия и наука

# HUQUQIY IJTIMOILASHUV SHAXS HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHNING MUHIM OMILI

**Saitxodjaev Xusan Bekjanovich**
falsafa fanlar nomzodi, dotsent
Chirchiq OTQMBY Gumanitar fanlar kafedrasi professori

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada huquqiy ijtimoiylashuv ijtimoiylashuv jarayonining alohida shakli sifatida tahlil qilinadi. Unda huquqiy ijtimoiylashuvning o'ziga xos xususiyatlari, unga ta'sir etuvchi ob'ektiv va sub'ektiv omillar hamda uning yoshlarning huquqiy ong va huquqiy madaniyatini shakllantirish va rivojlantirishdagi o'rni ochib beriladi.

**Tayanch iboralar:** ijtimoiylashuv, huquqiy ijtimoiylashuv, ob'ektiv va sub'ektiv omillar, yoshlar, qonun, huquqiy norma, huquqiy ong, huquqiy madaniyat.

**Annotatsiya.** V dannoy state rassmatrivaetsya pravovaya sotsializatsiya kak osobaya forma protsessa sotsializatsii. Analiziruyutsya yeyo osobennosti, ob'ektivnыe i sub'ektivnыe faktorы, vliyayuщie na etot protsess, a takje yeyo rol v formirovanii i razvitii pravosoznaniya i pravovoy kulturы molodeji.

Bugun Yangi O'zbekiston **"Inson qadri ustuvor bo'lgan jamiyat va xalqparvar davlat"** degan muhim g'oya negizida barpo etilmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev belgilab bergan bu ulug'vor maqsad asosida xalqimiz yangidan-yangi islohotlarning haqiqiy muallifiga aylanib bormoqda. Mustaqil O'zbekistonning barcha sohalarida tub islohotlar amalga oshirilib kelinmoqda. Uning natijasi o'laroq, boshqa sohalar qatori huquqiy tizimda ham sezilarli o'zgarishlar amalga oshirildi. Jumladan, 2023-yil 1-maydan kuchga kirgan O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 65 foizga yangilanganligi va unga 10 ta asosiy o'zgartirish kiritilganligi buning yaqqol dalilidir. Yangi tahrirdagi Konstitutsiyaga muvofiq barcha qonun hujjatlari yangilandi, inson va fuqarolarning huquq hamda erkinliklari eng yuqori qadriyat sifatida tasdiqlandi. Jamiyatni demokratlashtirish va bozor iqtisodiyotini rivojlantirish sharoitida o'z haqiqiy manfaatlarini tushunadigan, o'z huquq va majburiyatlarini biladigan, ularni qonuniy vositalar bilan himoya qila oladigan hamda boshqa shaxslarning huquq va qonuniy manfaatlarini hurmat qiladigan ijtimoiy yetuk shaxsni shakllantirish muhim maqsad sifatida belgilab olingan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqida shunday ta'kidlagan edi: "Biz jamiyatimizda shunday huquqiy madaniyatni shakllantirishimiz kerakki, unga muvofiq Konstitutsiya va qonunlarga

amal qilish, boshqalarning huquq va erkinliklari, sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilish majburiyat emas, balki kundalik qoida va odatga aylanishi shart. Muxtasar qilib aytganda, fuqarolarimiz qonunlarni buzishdan ko'ra, ularga amal qilishdan manfaatdor bo'lishlari lozim" [1].

Yoshlarimizda qonun asosida yashash va mehnat qilish, qonun orqali o'z huquq va erkinliklarini himoya qilish, shuningdek, o'z huquq va majburiyatlarini og'ishmay bajarish bo'yicha huquqiy ko'nikma va odatlarni shakllantirish bugungi kunning dolzarb masalalaridandir. Farzandlarimizga atrofdagilarning huquqlari, erkinliklari va manfaatlariga hurmat bilan qarashni o'rgatishimiz lozim. Boshqacha aytganda, qonun hukmronligi hamma joyda tantana qilishi shart.

Bizning jamiyatimizda yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini shakllantirish hamda yuksaltirishga qaratilgan turli ta'sir etuvchi omil va vositalar mavjud. Bu jarayon o'tmishdan ota-bobolarimiz tomonidan meros sifatida o'tib kelayotgan azaliy qadriyatlar, urf-odatlar hamda bugungi kun fan-texnika yutuqlariga asoslanadi. Shuningdek, yoshlarga o'z iqtidor va qobiliyatlarini har tomonlama ro'yobga chiqarish uchun keng imkoniyatlar yaratilganligini alohida ta'kidlash mumkin. Bugungi kunda yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishda ular uchun yaratilgan barcha imkoniyatlardan to'g'ri va unumli foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuni alohida qayd etish joizki, yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatining yuksalishida jamiyatdagi barcha ijtimoiy, huquqiy, siyosiy, axloqiy, mafkuraviy va boshqa ijtimoiylashuv turlari o'ziga xos o'ringa ega. Shunga qaramay, shaxs huquqiy madaniyatini yuksaltirishda ushbu ijtimoiylashuv turlarining ichida aynan huquqiy ijtimoiylashuv muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki huquqiy ijtimoiylashuv shaxsning huquqiy ongi va huquqiy madaniyati shakllanishi hamda rivojlanishining asosini tashkil etadi. Huquqiy ijtimoiylashuvsiz shaxsning huquqiy madaniyatini tasavvur etib bo'lmaydi.

Xo'sh, huquqiy ijtimoiylashuv nima va unga ta'sir etuvchi omillar nimalardan iborat?!

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuv jarayonlariga ta'sir etuvchi omillarni tahlil qilishdan avval, "ijtimoiylashuv" tushunchasining mazmun-mohiyatini anglab olish maqsadga muvofiqdir. Inson bolasi biologik organizm sifatida dunyoga keladi. Ma'lum vaqt o'tgach, u o'z manfaatlari, intilishlari, yo'nalishlari, qadriyatlari va maqsadlariga ega bo'lgan hamda o'zga insonlarga nisbatan munosabatlarini shakllantirgan shaxsga aylanadi. Inson bu holatga ijtimoiylashuv jarayoni orqali erishadi. Ijtimoiylashuv – individning jamiyatda to'la huquqli faoliyat ko'rsatishi uchun ijtimoiy normalar, qadriyatlar va bilimlar tizimini o'zlashtirish jarayoni bo'lib, shu jarayonda u shaxs sifatida shakllanib boradi [2.211.b]. Ijtimoiylashuv jarayoni

individning butun umri davomida sodir bo'ladi. Biror inson boshqalarning ta'sirisiz yashay olmaydi, chunki bu uning xulq-atvorida hayotining turli davrlarida aks etadi. Ijtimoiylashuv – shunday hodisaki, bunda o'z "men"ini shakllantirayotgan individ o'ziga tegishli bo'lgan guruh normalarini o'zlashtirgan holda, o'ziga xos betakror shaxsga aylanadi. Insonning ijtimoiylashuvi murakkab va serqirra jarayon bo'lib, tashqi muhit ta'siri hamda maxsus tashkil qilingan va ongli ravishda yo'naltiriladigan tarbiyaviy ishlar natijasida amalga oshiriladi.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi – ijtimoiylashuv jarayonining ajralmas tarkibiy qismi bo'lib, inson hayotida muhim ahamiyat kasb etadi. Inson hayoti tabiiy va pozitiv (insonlar tomonidan yaratilgan) qonunlarga bo'ysunadi. Kishilarning xatti-harakatlarini belgilaydigan qonunlar, huquqiy bilim va tajribalarni o'zlashtirish, zarur sotsial malakalarni bosqichma-bosqich egallash, o'z huquqlarini anglab borish va ularga amal qilish, shuningdek, kishilar o'rtasidagi murakkab munosabatlar hamda sotsial institutlar bilan bo'ladigan aloqalarni tushunib borish jarayonlari huquqiy ijtimoiylashuv deb ataladi. Demak, huquqiy ijtimoiylashuv – huquqiy jihatdan himoya qilinadigan qadriyatlarning shaxs qadriyatlari normasiga qo'shilib borishidir.

Huquqiy ijtimoiylashuv jarayoni quyidagilarni o'z ichiga oladi: *birinchidan,* yuridik ahamiyatga ega bo'lgan vaziyatlarga baho berish mezonlarini o'zlashtirish; *ikkinchidan,* kishining o'ziga hamda butun jamiyatga daxldor bo'lgan qonun va qoidalarni bilib borishi; uchinchidan, bu qonun va qoidalardan qanday darajada foydalanish lozimligini o'rganishni o'z ichiga oladi.

Inson jamiyatda o'rnatilgan qonun va qoidalarni faqat tushunibgina qolmay, balki ularning o'z hayotiga ham bevosita daxldor ekanligini anglab borishi lozim. U shu qonunlar orqali nimalarga ruxsat etilishi va nimalarga ruxsat etilmasligini, shuningdek, qonunlarga itoat qilmasa, qanday jazolar belgilanishi va qanday qonunlar orqali o'zini himoya qilishi mumkinligini bilib boradi.

Huquqiy ijtimoiylashuv shaxsning turli ijtimoiy guruhlarda o'zining sotsial rollarini tushunib va takomillashtirib borishi bilan bog'liq. Inson jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlarda rasmiy va norasmiy rollarni bajaradi. Rasmiy rollar qonun va qonun osti hujjatlarida belgilab qo'yilgan bo'lsa, norasmiy rollar bevosita ijtimoiy muhit bilan bog'liq bo'ladi. Huquqiy ijtimoiylashuv jarayonida asosiy e'tibor rasmiy rollarga qaratiladi.

Huquqiy ijtimoiylashuv shaxs ijtimoiylashuvining boshqa turlaridan quyidagi jihatlari bilan ajralib turadi: *birinchidan,* o'zining aniqligi; *ikkinchidan,* oldindan belgilangan maqsadga yo'naltirilganligi; *uchinchidan,* harakatlar mazmuni va mohiyatining aniq belgilanganligi. Bajarilishi lozim bo'lgan rollar oldindan ma'lum qonun va qoidalar asosida belgilanadi. Uzoq vaqt davomida saqlanib qoladigan barqaror ijtimoiy munosabatlar o'ziga xos huquqiy munosabatlarni vujudga keltiradi.

Natijada turli kasb egalari o'zlarining qonunlarda belgilangan huquq va majburiyatlari to'g'risida yaxlit tasavvurga ega bo'ladilar. Qonunlar shaxsning u yoki bu guruhdagi rasmiy maqomini ham belgilaydi.

Inson o'zining kasbiy faoliyati yoki lavozimini o'zgartirganda, bir sotsial-demografik guruhdan boshqasiga o'tganda (balog'at yoshiga yetishi, turmush qurishi, pensiya yoshiga yetishi va boshqa holatlarda) mazkur tizimda qonun hujjatlarida belgilangan huquq va majburiyatlarning ijrochisiga aylanadi.

Kishilar o'rtasidagi huquqiy munosabatlar ularning kundalik turmushdagi munosabatlari bilan chambarchas bog'liq bo'lsa-da, bu munosabatlar ba'zan urf-odat va axloqiy normalar ta'sirida shakllanadi. Ko'p hollarda ushbu munosabatlarga turli ijtimoiy guruhlardagi o'zaro aloqa usullari ham ta'sir ko'rsatishi mumkin. Shuningdek, shaxsning huquqiy ijtimoiylashuvi jarayoniga jamoa boshqaruvi uslubi va guruh boshqaruvchisining shaxsiy fazilatlari ham sezilarli darajada ta'sir etadi. Bu va boshqa omillar jamoadagi ijtimoiy munosabatlar tizimini shakllantiradi.

Ba'zi hollarda guruh ichida qonunlarda belgilangan talablarga zid bo'lgan o'zaro munosabatlar, shuningdek, noqonuniy va hatto kriminal munosabatlar ham yuzaga kelishi mumkin. Bunday huquqiy og'ishlar, odatda, guruh manfaatlari yoki rahbar shaxslarning shaxsiy manfaatlari yo'lida amalga oshiriladi. Ayniqsa, sobiq sovet tuzumidan keyingi o'tish davrida kuchini yo'qotgan eski qonunlarning ommaviy ravishda rad etilishi, yangi qonunlarning esa to'liq shakllanib ulgurmaganligi sababli bunday holatlar keng tarqaldi. Alohida korxona va tashkilotlarga mustaqil xo'jalik yuritish imkoniyatlarining berilishi hamda davlat mulkini xususiylashtirish jarayoni ba'zi rahbar shaxslarga davlat mulkini noqonuniy o'zlashtirishga imkoniyat yaratib berdi.

Mustaqillikka erishilgandan so'ng, tarixiy vaziyat shuni ko'rsatdiki, shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining eski qolipdagi shakllari o'zini oqlamadi, yangilari esa hali to'liq ishlab chiqilmaganligi sababli, huquqiy ijtimoiylashuv jarayonida qonun va qonunchilik hujjatlariga bo'lgan ishonchning muayyan darajada yo'qolishiga hamda ularning obro'sizlanishiga olib keldi. Sotsiologiyada bu hodisa "sotsial anomiya nazariyasi" deb yuritiladi. Ushbu nazariya jamiyatda shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi jarayonlari umumiy sotsial tuzilish bilan uzviy bog'liq ekanligini tushunishga yordam beradi. Ya'ni, jamiyatdagi sotsial normalar va hayot qadriyatlari shaxsning hayot faoliyatida ilg'or yo'nalish va qadriyatlarga aylangandagina, shaxsda muayyan ong va xatti-harakatlar shakllanadi. Natijada, u mavjud tarixiy sharoitda jamiyat uchun nima yaxshi-yu, nima yomon, nima foydali-yu, nima foydasiz ekanligini anglay boshlaydi. Bu esa o'z navbatida, shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining fundamental asosiga aylanadi.

Barkamol avlod turli ijtimoiy munosabatlar tizimi va ma'lum sotsial guruhlar ta'sirida ulg'ayib borar ekan, u jamiyatning sotsial-siyosiy, madaniy, huquqiy va iqtisodiy tuzilishini tashkil etuvchi qadriyatlar bilan muloqotda bo'ladi va ularga moslashadi. Ushbu qadriyatlarning asosida qonuniylashtirilgan sotsial-psixologik va axloqiy normalar yotadi. Shu sababli, huquqiy va ijtimoiy munosabatlar shaxs tomonidan tabiiy va odatiy zarurat sifatida qabul qilinadi.

Shaxsning huquqiy ijtimoiylashuvi, avvalo, mehnat jamoalari, kichik guruhlar va turli ijtimoiy institutlar bilan barqaror munosabatlar natijasida shakllanadi. Bu jarayon, odatda, tarixan tarkib topgan siyosiy tuzum ostida kechadi va ko'p hollarda qonun kuchi bilan mustahkamlanadi. Shaxsning barqaror huquqiy munosabatlarni o'zlashtirib borishi uning jamiyat va hokimiyat ishlarida faol ishtirok etishini kafolatlaydi. Shu bilan birga, jamiyatda qabul qilingan ijtimoiy-siyosiy qonunlar va sotsial normalarga rioya qiluvchi shaxslar mavjud siyosiy tuzumning barqarorligiga ishonch hosil qilib, uning asosini mustahkamlashga hissa qo'shadilar.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi uzoq davom etadigan jarayon bo'lib, unga bevosita va bilvosita omillar ta'sir ko'rsatadi. Bevosita omillarga, birinchi navbatda, ta'lim tizimi orqali maqsadli huquqiy munosabatlarni o'zlashtirish, huquqiy madaniyatni uzluksiz targ'ib va tashviq qilish kiradi. Ushbu omillar to'rtta asosiy turga ajratilishi mumkin:

Huquqiy ijtimoiylashuvning *birinchi* turiga huquqiy ta'lim va tashviqot kiradi. Huquqiy ta'lim boshqa ta'lim yo'nalishlari singari uzoq davom etadigan jarayon bo'lib, tarbiya usullari hamda pedagogika va psixologiya fanlarining barcha imkoniyatlaridan foydalangan holda uzluksiz ravishda amalga oshiriladi. Huquqiy tashviqot ommaviy ma'ruzalar o'qish, plakatlardan foydalanish, reklama hamda OAV orqali amalga oshirib boriladi. Zaruriy ashyo puxta ishlab chiqilishi, ravon tilda yozilishi hamda estetik jihatdan o'ziga tortadigan bo'lishi lozim. Bu vazifalarning barchasi huquqiy munosabatlarni shakllantirish va targ'ib qilish bilan shug'ullanadigan ijtimoiy va yuridik institutlarning zimmasiga yuklatiladi.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining *ikkinchi* turiga kishilarning qonunlarda belgilab qo'yilgan huquqlarni himoya qilish uchun qonunchilik organlariga murojaat qilib, uning natijasidan imkon boricha qoniqish hosil qilishlarini kiritish mumkin.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining *uchinchi* turiga qabul qilinayotgan qonunchilik hujjatlarining ochiq-oydinligi va legitimligi hamda barcha yuridik institutlar va davlat organlarining ushbu qonunlarga qat'iy itoat etishini kiritish joizdir. Har qanday qaror sharoitga qarab tayyorlanish bosqichida har bir shaxs va fuqaro uchun tushunarli bo'lishi kerak. Shu o'rinda ta'kidlash joizki, qabul qilinayotgan qaror yoki uning amalga oshirilishi mansabdor shaxsning individual xususiyatlari, kayfiyati va g'arazli manfaatlariga bog'liq bo'lmasligi lozim.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining *to'rtinchi* turiga ijtimoiy guruhlarning qadriyatlari, axloqiy normalari va urf-odatlariga yaqin bo'lgan o'zaro ishonch munosabatlari kiradi.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining bilvosita omillariga jamiyatda moddiy ishlab chiqarish, ma'naviy va madaniy sohalarning to'g'ri yo'lga qo'yilganligi kiradi. Jamiyatning ijtimoiy turmush sohalari to'g'ri yo'lga qo'yilgan taqdirda, bu shaxsning huquqiy ijtimoiylashuviga bevosita ta'sir etmasa ham, davlat qonunchilik hujjatlariga ishonch hissini uyg'otadi hamda uning xulq-atvoriga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Jamiyatdagi ijtimoiy munosabatlarni tartibga solib turadigan konstitutsiyaviy qonunlar ham shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining bilvosita omillaridan biri hisoblanadi. Shu bilan birga, shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining nisbatan keng tarqalgan omillaridan biri – atrofdagilarning qonunlarning legitimligiga ijobiy yoki salbiy munosabatda bo'lishidir.

Shunday qilib, shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi jamiyat huquqiy tizimi to'g'risidagi mexanik tarzdagi axborotlar yig'indisidan iborat bo'lib qolmay, balki mazmunan o'ta murakkab jarayondir. U yuridik tashkilotlar faoliyatiga mas'uliyat va majburiyat bilan yondashishni hamda chuqur ilmiy nuqtai nazardan tahlil qilishni talab qiladi.

Shaxs huquqiy *ijtimoiylashuvining obyektiv omillari*. Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining obyektiv omillariga aholi asosiy qismining turmush tarzi va farovonligi, jamiyatda olib borilayotgan siyosiy-huquqiy amaliyot, ya'ni joriy qonunlarning amaliyotga qanday darajada tatbiq etilishi va fuqarolarning ushbu qonunlarga amal qilishi kiradi. Agar jamiyatda olib borilayotgan davlat siyosati huquqiy davlat qurishga yo'naltirilgan bo'lib, unda demokratik prinsiplarga asoslangan boshqaruv qaror topayotgan bo'lsa, jamiyatning huquqiy tizimida umuman ijobiy muhit shakllanadi. Bunday siyosat shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi jarayoniga shubhasiz ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Aks holda, jamiyat huquqiy tizimida qonunlarga bo'lgan munosabat salbiy bo'ladi.

Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvida mafkuraviy tarbiya muhim rol o'ynaydi. Faylasuf olim A. Ochildiyevning ta'kidlashicha: "Mafkura shaxsning ijtimoiy tasavvurlari, bilimlari, qadriyatlar tizimi, hayotiy yo'nalishlarining shakllanishiga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Shunday ekan, mafkuraviy tarbiya, ya'ni shaxsning jamiyat hayoti, uning taraqqiyot qonunlari, kuzatilayotgan hodisa va jarayonlarni qay darajada to'g'ri va aniq tushunishi, o'rinli va adolatli baholashi, qanday maqsadlarni ko'zlab faoliyat olib borishi masalasi har doim hayotiy ahamiyatga ega bo'lib qolaveradi." [4.123.b] Mafkuraga ega bo'lmagan va unga asoslangan tarbiya tizimini yaratmagan jamiyat umuman mavjud bo'lolmaydi.

Shaxs huquqiy *ijtimoiylashuvining subyektiv omillari.* Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining subyektiv omiliga birinchi navbatda shaxsning o'zi kiradi. Avvalo, insonning o'zini o'zi tarbiyalashi, o'zini shaxs sifatida shakllantirishga yo'naltirishi huquqiy ijtimoiylashuvning asosiy belgilovchisi hisoblanadi. Ikkinchidan, ota-onalar, qarindosh-urug'lar, yaqin tanishlar, jamoa a'zolari va boshqa yaqin atrofdagilar shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining muhim omillari hisoblanadi. Uchinchidan, jamiyatning yuridik institutlari va boshqa ta'lim-tarbiya muassasalari shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining alohida subyektiv omillarini tashkil qiladi. Ijtimoiy institutlar esa shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining subyektiv omillari sifatida uning aniq maqsadlarini, mazmunini va metodikasini belgilab beradi. Bunda shaxsning huquqiy ijtimoiylashuvi uchun o'z ehtiyojlarini qondirishga yordam beruvchi shart-sharoitlar yaratilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Madaniyat yaxlit holda shaxs huquqiy ijtimoiylashuvining obyektiv va subyektiv omillari sifatida namoyon bo'ladi hamda uning huquqiy ijtimoiylashuv yo'nalishlarini belgilab beradi. Shaxs huquqiy ijtimoiylashuvi insonning ichki dunyosida amalga oshadigan murakkab va bir butun jarayon bo'lib, yoshlarning shaxs sifatida shakllanishida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu jarayon davomida insonning huquqiy ongi va madaniyati yuksalib boradi.

Bugungi kunda jamiyatimizda yoshlarning huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Chunki biz Yangi O'zbekiston kelajagini barpo etmoqdamiz va bu faqat yuksak huquqiy ong va madaniyatga ega bo'lgan yoshlar bilan amalga oshirilishi mumkin. Shu sababli, o'zini ushbu yurtda fuqaro deb bilgan har bir inson yuksak huquqiy ong va madaniyat sohibi bo'lishi lozim.

Hozirgi kunda jamiyatimizning barcha sohalarida olib borilayotgan tub islohotlar shuni taqozo etadiki, huquqiy masalalarni keng tushunib, chuqur tahlil qila oladigan va amaliyotga tatbiq eta biladigan mutaxassislar jamiyatimiz uchun juda zarur. Ta'kidlash joizki, bunday mas'uliyatli kasbni egallash uchun chuqur huquqiy bilimga ega bo'lish, chidam, iroda va halollik talab qilinadi. Bunday faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun har bir inson yuksak mas'uliyat va sabr-toqatga ega bo'lishi kerak.

Yuqorida keltirilgan fikrlardan kelib chiqqan holda quyidagi takliflarni ilgari suramiz:

-yoshlar huquqiy madaniyatini yuksaltirish maqsadida huquqiy ta'lim va tarbiya borasidagi ishlarni tizimli va uzluksiz olib borish, buning uchun puxta ishlab chiqilgan dasturlarni joriy etish;

-yoshlarning huquqiy tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatadigan omillarga qarshi huquqiy immunitetni shakllantirish;

-yoshlar huquqiy madaniyatini shakllantirishda o'zbek xalqining tarixi, urf-odatlari va qadriyatlariga asoslangan yondashuvni tatbiq etish;

-huquqiy targ'ibotda innovatsion usullardan, xususan, veb-texnologiyalardan keng foydalanish;

-huquqiy bilimlarni yuksaltirish maqsadida huquqiy adabiyotlarni chop etish va keng tarqatish.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, yoshlarning huquqiy ongi va madaniyatini shakllantirish va rivojlantirish uchun ularning faoliyatining barcha yo'nalishlarini qamrab oladigan aniq konseptual ilmiy dastur ishlab chiqish zarur. Huquqiy tarbiya borasidagi barcha ishlar aynan ushbu ilmiy dastur asosida olib borilishi lozim, deb hisoblaymiz.

## REFERENCES

1.Mirziyoev Sh. Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. Xalq so'zi. 2019 yil 9 dekabr.

2. Saitxodjaev X.B. Sotsiologiya. Darslik. – T; O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi. 2020 yil. 211 bet.

3. Kovalyov A.D.. Bolshaya rossiyskaya ensiklopediya. – M; 2005. – S. 15

4. Ochildiev A. S. Milliy g'oya va millatlararo munosabatlar. – T., 2004. – B. 123.

# JAZONING MAQSAD VA VAZIFALARI: FALSAFIY TAHLIL

**Saitxodjaev Xusan Bekjanovich**
falsafa fanlar nomzodi, dotsent
Chirchiq OTQMBY Gumanitar fanlar kafedrasi professori

**Annotatsiya.** Maqolada jazo tushunchasining mazmun-mohiyati, uning ijtimoiy hodisa sifatida vujudga kelish sabablari hamda maqsad va vazifalari falsafiy jihatdan tahlil qilinadi. Hozirgi kunda jazoga bo'lgan huquqiy yondashuvlar bilan bir qatorda, uni falsafiy tahlil qilishning muhimligi alohida ta'kidlanadi. Jazo hodisasining yangi jinoyatlarning oldini olish, jamiyatda ijtimoiy adolatni tiklash hamda mahkumlarni qayta tarbiyalashdagi o'rni tahlil qilinadi. Shuningdek, muallif jinoyatlarga jazo tayinlash masalalari bo'yicha o'z fikr-mulohazalari va takliflarini bildiradi.

**Tayanch tushunchalar:** jazo, ijtimoiy hodisa, jazoning mohiyati, jazoning maqsadi, jazoning xususiyatlari, jazoning belgilari, jazo falsafasi, qayta tarbiyalash.

**Анотация.** В статье с философской точки зрения анализируется сущность понятия наказания, причины его возникновения как социального явления, а также его цели и задачи. В нстоящее время, наряду с правовыми подходами к наказанию, особо подчеркивается важность философского анализа. Анализируется роль уголовно-исполнительной системы в предупреждении новых преступлений, восстановлении социальной справедливости в обществе и перевоспитании осужденных. Также автор высказывает свои мнения и предложения по вопросам назначения наказания за преступления.

**Основные понятия:** наказание, социальное явление, сущность наказания, цель наказания, особенности наказания, признаки наказания, философия наказания, перевоспитание.

## The Purpose and Objectives of Punishment: A Philosophical Analysis

**Annotation.** This article provides a philosophical analysis of the essence of the concept of punishment, the reasons for its emergence as a social phenomenon, and its goals and objectives. In contemporary discourse, alongside legal approaches to punishment, the significance of philosophical analysis is increasingly emphasized. The role of the penal system in preventing new crimes, restoring social justice, and rehabilitating offenders is examined. The author also presents personal views and proposals regarding sentencing practices.

**Key concepts:** punishment, social phenomenon, essence of punishment, purpose of punishment, characteristics of punishment, indicators of punishment, philosophy of punishment, rehabilitation.

Bugungi kunda O'zbekistonda "Jinoyat va jazo falsafasi" muhim dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanadi. Chunki, O'zbekiston mustaqillikka erishganiga 33 yildan oshganligiga qaramasdan, bu mavzu bo'yicha ayrim chop etilgan ilmiy maqolalar hamda M. Rustamboev, S. Abduxalikovlar tomonidan "Jinoyat huquqi falsafasi predmeti va prinsiplari"i nomli monografiyalarini hisobga olmaganda biron-bir ilmiy adabiyot, o'quv qo'llanma chop etilmagan va ilmiy-tadqiqot ishlari ham sust darajada olib borilmoqda. To'g'ri, Rossiya Federatsiyasi, Qozog'iston, Ozorboyjan va boshqa davlatlar olimlari tomonidan bu sohada talaygina ishlar amalga oshirilgan bo'lib, kitoblar, monografiya, o'quv qo'llanma, maqolalar chop etib kelinmoqda. Jinoyat va jazo masalasiga har bir xalq, millat o'z mentaliteti, urf-odati, qadriyatlari asosida yondashishi – bu zaruriyatdir. Shuning uchun ham bu borada huquqshunos va faylasuf olimlarimiz hamkorlikda ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishsa maqsadga muvofiqdir.

Mazkur maqolada jinoyat va jazo masalalari va ularning maqsad va vazifalariga nafaqt huquqiy hodisa sifatida, balki unga falsafiy jihatdan yondashish bugungi kunning dolzarb muammolaridan ekanligi to'g'risida so'z yuritiladi.

Jinoyat va jazo masalalari o'ta murakkab va serqirra hodisa bo'lib, qadim zamonlardan boshlab va hozirgi kunda ham jamiyatning ajralmas tarkibiy qismi sifatida o'zining dolzarbligi bilan ajralib turadi. Jamiyatda sodir etilgan jinoyatga qarshi har doim kurashib kelingan va uning og'ir va yengilligiga qarab jazo turlari belgilangan.

Jinoyat va jazo biri-birlari bilan chambarchas bog'liq bo'lgan, biri-ikkinchisini taqozo etuvchi hodisalardir. Agar jinoyatlar sodir etilmasa, jazoga o'rin qolmaydi. Jazo – sodir etilgan jinoyatga nisbatan davlatning munosabati muqarrardir. Agar ijtimoiy xavfli qilmish jazolanmas ekan, uni jinoyat deb bo'lmaydi. Jazo jinoyat sodir etgan shaxsga tayinlanadi. Jamiyat va davlat tuzilishining qanday bo'lishidan qat'iy nazar, jamiyatning o'zini o'zi himoya qilish vositasi sifatida jinoyatga qarshi jazo qo'llanib kelinadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Respublika Ma'naviyat va ma'rifat kengashining kengaytirilgan yig'ilishida "Ko'chalarimiz, mahallalarimiz, hayotimiz tom ma'noda tinch va toza, jinoyatdan xoli bo'lishi kerak. Yangi O'zbekistonda qonun ustuvor, jinoyatga jazo muqarrar bo'lishi shart va albatta, shunday bo'ladi", [1.91] – deb alohida ta'kidlaydi.

Jazo institutining paydo bo'lishi davlatning paydo bo'lishi bilan uzviy bog'liqdir. Har qanday hodisa oqibat sifatida o'zining vujudga kelish sababiga ega. Tabiiyki, jazo jamiyat taraqqiyotining davlat paydo bo'lishidan avvalgi davrining qaysi hodisasidan kelib chiqqan degan savol tug'iladi? Jazo jamiyat rivojlanishining davlatgacha bo'lgan bosqichlarida mavjud bo'lgan "qonli qasos" olish hodisasining

o'zgarishi oqibatidir. Ya'ni, davlat paydo bo'lgunga qadar sodir etilgan jinoyat uchun "qonli qasos" olingan.

способность изменить восприятие неудачи или ошибки, превращая их в возможность для роста и обучения: с**аморегуляция через дыхание или медитацию**: Методики, которые помогают игрокам расслабиться и вернуть контроль над своими эмоциями.

**Мотивация**. Мотивация является движущей силой для спортсменов, которая помогает им преодолевать трудности. Гаппаров З.Г. акцентирует внимание на внутренней мотивации, которая возникает из любви к самому виду спорта и стремлению к личностному росту. Это важнее для долгосрочного успеха, чем внешняя мотивация, такая как награды или признание. Он выделяет несколько типов мотивации: **внутренняя мотивация**: Желание игрока самосовершенствоваться и достигать успеха в своем деле: в**нешняя мотивация**: стремление к признанию, денежным вознаграждениям или уважению со стороны окружающих.

**Стратегии совладения**: В условиях стресса и давления на поле футболисты часто используют различные стратегии совладения, чтобы справиться с трудными ситуациями. Гаппаров З.Г выделяет два основных типа стратегий: п**роблемно-ориентированное совладение**: направлено на решение проблемы, анализ ошибок и выработка плана для предотвращения повторных ошибок: э**моционально-ориентированное совладение**: включает в себя стратегии управления эмоциями, такие как медитация, расслабление или визуализация.[8.205-226],

«Для достижения высоких спортивных результатов психическая устойчивость является неотъемлемой частью подготовки спортсменов, требующей комплексного подхода. Этот подход должен включать не только физическую подготовку, но и внимательную работу с психологической устойчивостью, которая развивается через взаимодействие тренеров, спортивных психологов и команды. Использование международных методик, адаптированных к местным условиям, а также поддержка со стороны социальных факторов, таких как семья и коллеги по команде, играют ключевую роль в успешном преодолении стресса и неопределенности, возникающих в условиях профессионального спорта. Индивидуализированные программы психологической подготовки, направленные на развитие мотивации, эмоциональной регуляции и концентрации, позволяют футболистам сохранять уверенность и сосредоточенность даже в самых сложных ситуациях на поле. Исследования зарубежных ученых, таких как Джонс, Хэнтон и Конногтон (2007), выделяют важность уверенности, контроля над эмоциями, мотивации и концентрации для психической устойчивости в спорте, что подтверждается практическим опытом спортсменов по всему миру. Внедрение таких практик и

формирование психологической устойчивости должны стать важной частью спортивной культуры в Узбекистане, способствуя не только успехам на международной арене, но и созданию условий для долгосрочного роста и развития спортивной сферы в стране.»

**Заключение:**

Психическая устойчивость футболистов является ключевым фактором, определяющим их успех на поле, особенно в условиях стресса, давления и неопределенности, характерных для профессионального спорта. Зарубежные исследования, такие как работы Jones, Hanton и Connaughton (2007), Gross (1998), Lazarus и Folkman (1984), Deci и Ryan (1985), подчеркивают важность таких компонентов, как эмоциональная регуляция, мотивация, когнитивные навыки, социальная поддержка и стратегии совладания. Эти элементы помогают игрокам сохранять концентрацию, уверенность и мотивацию, справляться с неудачами и восстанавливаться после них. Например, модели эмоциональной регуляции (Gross) и теории самодетерминации (Deci и Ryan) показывают, как управление эмоциями и поддержка со стороны тренеров и команды способствуют повышению психической устойчивости.

В контексте Узбекистана вклад местных ученых, таких как Гаппаров З.Г., дополняет зарубежные подходы с учетом национальной специфики спортивной подготовки. В его книге «Психология спорта» акцентируется внимание на значении внутренней мотивации, самообладания и концентрации, что особенно важно для молодых футболистов. Гаппаров подчеркивает, что психическая устойчивость — это не только способность преодолевать внешние трудности, но и умение управлять внутренними состояниями, что перекликается с зарубежными концепциями mental toughness.

Государственные инициативы, такие как Постановления Президента Республики Узбекистан № ПП-3031, № ПП-3131 и Указ № УП-5597, также подтверждают приоритет развития психологической подготовки спортсменов в стране. Эти документы направлены на создание условий для формирования устойчивости, воли и командных качеств у молодежи, что согласуется с научными выводами о роли психологических факторов в спорте.

Таким образом, интеграция зарубежных и узбекских подходов к изучению психической устойчивости позволяет создать комплексную систему подготовки футболистов. Эмоциональная регуляция, мотивация и социальная поддержка, подкрепленные целенаправленной психологической работой, способствуют повышению их резилентности и эффективности на поле, что имеет как научное, так и практическое значение для развития футбола в Узбекистане и за его пределами.

## REFERENCES

1. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3031 от 3 июня 2017 года**.**
2. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5597 от 27 декабря 2018 года**.**
3. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-3131 от 19 декабря 2018 года**.**
4. Jones, G., Hanton, S., & Connaughton, D. (2007). A framework of mental toughness in the world's best performers. *The Sport Psychologist*, 21(2), 243-264.
5. Gross, J. J. (1998). The emerging field of emotion regulation: An integrative review. *Review of General Psychology*, 2(3), 271-299.
6. Lazarus, R. S., & Folkman, S. (1984). *Stress, appraisal, and coping*. Springer.
7. Deci, E. L., & Ryan, R. M. (1985). *Intrinsic motivation and self-determination in human behavior*. Plenum.
8. Rees, T., Hardy, L., & Freeman, P. (2007). Stressors, social support, and tests of the buffering hypothesis: Effects on psychological responses of injured athletes. *British Journal of Health Psychology*, 12(2), 179-196.
9. Fletcher, D., & Sarkar, M. (2012). A grounded theory of psychological resilience in Olympic champions. *Psychology of Sport and Exercise*, 13(5), 669-678.
10. Vestberg, T., Gustafson, R., Maurex, L., Ingvar, M., & Petrovic, P. (2012). Executive functions predict the success of top-soccer players. *PLoS ONE*, 7(4), e34731.
11. Гаппаров З.Г (2009). Спортивная психология (205-226)

# РЕЛИГИОЗНАЯ СИСТЕМА СКИФОВ: ПАНТЕОН, ЖРЕЧЕСТВО И ЦАРСКАЯ ВЛАСТЬ

**Юсупов Мирюсуф Мирсоатович**
Преподаватель кафедры «Межфакультетские социальные науки»,
Чирчикский государственный педагогический университет
*+998 (93) 121-61-71* *xxxxccss1@gmail.com*

**Аннотация.** Скифская религиозная система представляла собой политеистическое мировоззрение, характерное для ранних общественно-государственных образований. Она основывалась на индоевропейских корнях, особенно связанных с древними верованиями дозороастрийского Ирана. В рамках этой религиозной системы существовал обширный пантеон божеств, каждое из которых символизировало важнейшие аспекты природных и социальных сил, такие как небесные явления, земля, огонь, плодородие, а также военные силы.

**Ключевые слова.** Религия, скифы, пантеон богов, жертвоприношения, Геродот, природные стихии, греческие боги, жречество, политеизм, мифология.

**Annotatsiya.** Skif diniy tizimi politeistik dunyoqarashni ifodalagan bo'lib, bu erta jamiyat va davlat tuzilmalariga xos bo'lgan. U indoevropa ildizlariga asoslangan bo'lib, ayniqsa zardushtiylikdan oldingi Eronning qadimgi e'tiqodlari bilan bog'liq. Ushbu diniy tizim doirasida ko'plab xudolar panteoni mavjud bo'lib, har bir xudo tabiiy va ijtimoiy kuchlarning muhim jihatlarini, masalan, osmon hodisalari, yer, olov, unumdorlik, shuningdek, harbiy kuchlarni ifodalagan.

**Kalit so'zlar.** Din, skiflar, panteon xudolar, qurbonliklar, Gerodot, tabiat kuchlari, yunon xudolari, ruhoniylik, politeizm, mifologiya.

**Abstract.** The Scythian religious system represented a polytheistic worldview characteristic of early societal and state structures. It was based on Indo-European roots, particularly related to the ancient beliefs of pre-Zoroastrian Iran. Within this religious system, there existed an extensive pantheon of deities, each of which symbolized key aspects of natural and social forces, such as celestial phenomena, the earth, fire, fertility, and also military power.

**Keywords:** Religion, Scythians, pantheon of gods, sacrifices, Herodotus, natural elements, Greek gods, priesthood, polytheism, mythology.

Скифская религия относится к индоиранским корням. По своему характеру и уровню развития она соответствовало типу политеистических верований, характерных для ранних государственных образований. В рамках

данной религиозной модели существовал пантеон божеств, среди которых одно божество занимало центральное, доминирующее положение.

Реконструкция скифской религии основывается на кратких упоминаниях античных авторов, включая сведения о скифской мифологии, погребальных традициях и культовых предметах.

Наиболее значимые сведения о скифской религиозной системе верований, включая данные о пантеоне и ритуальной практике, содержатся в сочинениях Геродота[150]. В этот период прослеживается формирование общескифского пантеона высших божеств: Табити, Папай и Апи. Как утверждает Геродот, наивысшим почитанием пользовалась Табити — богиня огня, отождествляемая с греческой богиней Гестией. Культ огня, рассматриваемого как сакральная стихия, является характерной чертой индоевропейской, в частности индоиранской, религиозной традиции.

Согласно сохранившимся источникам, скифский царь Иданфирс, отвечая на вызов персидского царя Дария, называет своими владыками «Зевса, моего предка, и Гестию — царицу скифов», тем самым указывая на особую религиозность и легитимацию своей власти.

Царь в скифском обществе выполнял религиозную функцию и рассматривался как посредник между людьми и божествами, что придавало культовому царскому центру статус важнейшего религиозного института. Как отмечает Геродот, особое значение имела клятва «царскими гестиями» — божествами царского очага, которая считалась наивысшей формой священного обязательства, нарушение которого влекло за собой смертную казнь.

Эти сведения позволяют сделать вывод о важности культа богини огня (Гестии, отождествляемой с Табити) в системе скифской религии. Особенно значимым представляется царская власть, что указывает на ритуализированное обоснование легитимности правителя через религиозные институты и божественное покровительство.

Папай, интерпретируемый как аналог греческого Зевса, в скифской мифологической системе выступал супругом богини Апи, представляющая землю, и воспринимался как родоначальник скифского народа. Согласно выводам В. И. Абаева и Д. С. Раевского, данное божество, по всей видимости, олицетворяло небесное начало. В рамках мифологической концепции мира Папаю приписывали роль высшего существа, ответственного за сотворение

[150] Геродот. История в девяти книгах / Пер. и примеч. Г. А. Стратановского ; Под общ. ред. С. Л. Утченко ; Ред. пер. Н. А. Мещерский. — Ленинград. Из. Наука, 1972. — С. 201-203

мира и происхождение человека. Как сообщают иранисты, его имя иранского происхождения и означает «отец», «защитник».

Изображение Папая можно увидеть в известном навершии из урочища Лысая гора близ Днепропетровска. Фрагмент такого же навершия найден в насыпи разрушенного кургана у с. Марьянское Днепропетровской области в 1963 году [151].

Апи, отождествляемая с греческой богиней Геей, рассматривается как богиня земли и воды, выступающей в качестве одного из фундаментальных творящих начал. Брачный союз Апи и Папая (небо и земля) отражается почти во всех индоевропейских мифах, характеризующая единении неба и земли как источников мироздания.

Аргимпаса (Артимпаса) — скифская богиня, олицетворявшая любовь и плодородие; в греческой мифологии её аналогом считается Афродита.

Скифскому божеству войны Арею, отождествляемому с Аресом, воздвигались масштабные культовые сооружения в виде жертвенников, выполненных из древесного хвороста. На вершине такого сооружения помещался древний железный меч-акинак, символизировавший данное божество. В рамках ритуальной практики ему приносили жертвы в виде лошадей, крупного рогатого скота, а также, по словам Геродота, военнопленных. Акинак, в данном контексте, выступал не только как культовый предмет, но и как эмблема небесного божества, связанного с военной властью.

Гойтосир (Аполлон) представляет собой наименее изученное и наименее ясно интерпретируемое божество в скифском пантеоне. Согласно В. И. Абаеву, исходя из анализа этимологии имени, данное божество следует отождествлять с божеством ветра, бури и грозы. В то же время Н. П. Кондаков и М. И. Артамонов, опираясь на параллели с культами иранского Митры и греческого Аполлона, реконструируют образ Гойтосира как солнечное божество.

Помимо семи верховных божеств, общепочитаемых всеми скифскими племенами, у дарских скифов отмечается особое почитание Тагимасада (Посейдона), который являлся покровителем рода или племени. Вероятнее всего, данное божество олицетворяло плодородную водную стихию и одновременно выполняло функции покровителя лошадей.

Аналогично индоиранским народа, у скифов существовал культ жречества. Социальное положение жрецов довольно было высоким. Геродот

[151] Археология СССР Свод археологических источников / Под общ. ред. акад. Б.А. Рыбакова. — Москва. Из. Наука, 1989. – С. 120

описывает их как Энареи – жрецы Афродиты-Аргимпасы. Они выполняли роль предсказателей. Скифы верили в колдовство, волшебство и силу амулетов. Энареи предсказывали будущее при помощи пучка прутьев, а также посредством разорванных лубяных волокон почти так же, как это делали некоторые группы германцев в Средние века. Их профессия не была лишена серьезного риска, так как неправильно предсказавший будущее не мог ждать снисхождения. Оказавшегося неправым предсказателя и его родственников мужчин сажали в повозку, нагруженную хворостом, и предавали смерти через сожжение. Однако родственниц обычно щадили [152].

Наиболее точную характеристику скифской религии дал В. И. Абаев, определив её как культы родоплеменного общества, характерных для дозороастрийского Ирана. Основной чертой этих верований являлось олицетворение природных явлений (таких как небо и земля) и социальных элементов (например, домашнего очага или войны). Особенность скифского пантеона — значительная роль женских божеств — Абаев объясняет как результат компромисса между архаическими матриархальными представлениями и формирующейся патриархальной идеологией [153].

Таким образов, Скифская религиозная система представляет собой яркий пример политеистического мировоззрения, основанного на индоевропейских и индоиранских религиозных традициях. Система скифских верований, включая пантеон высших божеств и разнообразие культов, отражала важнейшие аспекты природных и социальных явлений, таких как огонь, плодородие, война и власть. Религиозная практика скифов, включая жертвоприношения и культ жречества, играла центральную роль в политической и социальной жизни, где цари исполняли функции религиозных посредников. Культ жречества у скифов был важным элементом их религиозной системы, где роль жрецов выходила за рамки обычных церемоний и включала в себя функции магии, гадания и пророчества. Они были не только духовными лидерами, но и важными политическими фигурами, поддерживающими и легитимирующими власть царей.

[152] Тамара Т. Райс Скифы. Строители степных пирамид. – Москва. Из. Центрполиграф, 2004. – С. 38
[153] Бессонова С. С. Религиозные представления скифов. – Киев. Из. Наукова думка, 1983. –С. 26

## REFERENCES

1. Археология СССР Свод археологических источников / Под общ. ред. акад. Б.А. Рыбакова. — Москва. Из. Наука, 1989.
2. Абаев В. И. Культ семи богов у скифов // Древний мир. - Москва, 1962.
3. Бессонова С. С. Религиозные представления скифов. – Киев. Из. Наукова думка, 1983.
4. Геродот. История в девяти книгах / Пер. и примеч. Г. А. Стратановского; Под общ. ред. С. Л. Утченко; Ред. пер. Н. А. Мещерский. — Ленинград. Из. Наука, 1972.
5. Раевский Д. С. Мир скифской культуры. – Москва. Из. Языки славянских культур, 2006.
6. Тамара Т. Райс Скифы. Строители степных пирамид. – Москва. Из. Центрполиграф, 2004.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СИЁСИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ТАЪСИРИ

**Эргашев Ибодулла**
сиёсий фанлар докиори, профеессор,
Ўзбекистон Миллий университети "Сиёсатшунослик" кафедраси мудири в.б.
**Сафаров Мухлис Махмудович**–
Чирчиқ давлат педагогика университети "Факультетлараро ижтимоий фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:**

Мақолада ёшлар сиёсий онги ва маданиятини шаклланишига глобаллашувнинг таъсири ўрганилган. Ёшлар сиёсий онги ва маданияти глобаллашув натижасида модернизациялашиб бориши, уларнинг ёшлар сиёсий онги ва маданиятини шаклланиши ва ривожланишида тутган ўрни таҳлил этилган. Мақола ёшлар сиёсий онги ва маданиятини шаклланишига глобаллашувнинг таъсири, ёшлар сиёсий онги ва маданиятини модернизациялашишини илмий ўрганиш имкониятини беради.

**Калит сўзлар:** сиёсий онг, сиёсий маданият, интеграциялашиш, глобаллашув, жамият, модернизм, постмодернизм.

**Аннотация:**

В статье рассматривается влияние глобализации на формирование политического сознания и культуры молодежи. Политическое сознание и культура молодежи модернизируются в результате глобализации, анализируется их роль в формировании и развитии политического сознания и культуры молодежи. Статья дает возможность научно изучить влияние глобализации на формирование политического сознания и культуры молодежи, модернизацию политического сознания и культуры молодежи.

**Ключевые слова:** политическое сознание, политическая культура, интеграция, глобализация, общество, модернизм, постмодернизм.

**Annotation:**

The article examines the impact of globalization on the formation of political consciousness and culture of young people. The political consciousness and culture of young people are being modernized as a result of globalization, their role in the formation and development of political consciousness and culture of young people is analyzed. The article provides an opportunity to scientifically study the influence of globalization on the formation of political consciousness and culture of youth, the modernization of political consciousness and culture of youth.

**Key words:** political consciousness, political culture, integration, globalization, society, modernism, postmodernism.

Ёшлар сиёсий онги ва маданияти жамиятнинг ривожланган босқичларида шаклланиб, давлат, ҳукумат, ҳокимият ва ижтимоий адолат каби масалалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бугунги глобал дунёда сиёсий онг ва маданият нафақат миллий доирада, балки халқаро масалалар контекстида ҳам кенгайиб бормоқда. Жаҳон сиёсий майдонида ёшлар сиёсий онгини маданиятлараро мулоқот билан параллел ривожланиш мезонларини халқаро ҳуқуқий меъёрларда ифодалаш, жамиятнинг тараққиёт динамикасини сиёсатда кўтариш ижобий натижалар беради[154]. Шу ўринда, ёшлар замонавий ахборот технологиялари орқали глобал жараёнлардан бохабар бўлиб, дунёқарашларини бойититиб бораётганини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Бугунги кунда глобаллашув натижасида ёшлар турли маданиятлар, сиёсий тизимлар ва ғоялар билан яқиндан танишмоқда. "Ёш авлоднинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар, етук мутахассислар етиб тарбиялаш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бормоқдамиз"[155]. Бу жараён ёшлар онгида жаҳон сиёсатининг ўзаро боғлиқлигини тушунишга ёрдам беради. Масалан, экологик муаммолар, инсон ҳуқуқлари, демократия ва адолат каби глобал масалаларда ёшларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун миллий қадриятларга суянган ҳолда уларни умумбашарий ғоялар билан уйғунлаштириш зарур. Ёшлар замонавий билимлар орқали дунёқарашини кенгайтиради. Интернет ёшларнинг глобал жараёнларга мослашувида асосий ўрин тутади. Миллий ва маданий анъаналар орқали ёшлар ўзлигини англайди. Ёшлар халқаро масалалардаги фаоллиги орқали сиёсий онги ва маданиятини шакллантиради. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган инқилобий ўзгаришлар фуқароларнинг сиёсий маданияти билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий маданият шахснинг ижтимоий тузумга, ҳокимиятга, давлат амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатга муносабатини акс эттирибгина қолмай, балки шахснинг сиёсий онги билан сиёсий фаолияти бирлигини ҳам ифодалайди. Шахс сиёсий

[154] Abdiyev G'ayrat Ergashevich "O'zbekistonda yoshlar siyosiy ongini rivojlantirishning ijtimoiy-falsafiy masalalari" 09.00.04 – ijtimoiy falsafa falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati Toshkent – 2024. B-17.

[155] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 54.

маданиятининг ҳолати, даражаси қанча баланд бўлса, унинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки шунча юқори бўлади[156].

Глобаллашув натижасида ёшлар сиёсий онги ва маданияти ривожланиши жамиятнинг умумий тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда миллий ғояларнинг инсонпарварлик ва умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашуви катта ўрин тутади. Замонавий ёшлар ўзлари истиқомат қилаётган мамлакат манфаатларини халқаро майдонда ҳам ҳимоя қила оладиган баркамол шахслар сифатида шаклланиши лозим. Шунга кўра, ёшлар сиёсий онги ва маданияти, биринчидан, ўзининг моделлари асосида жамиятда тартибга солинадиган сиёсий фаолият билан субъектлар ўртасидаги алоқаларни йўлга қўйса, иккинчидан, ёшлар сиёсий онги ва маданиятида креатив ҳолатлар мужассамлашади ва воқеликда субъектлар ўртасидаги алоқаларда намоён бўлади.

Глобал жараёнлар натижасида ёшлар сиёсий онги ва маданиятининг кенг миқёсда жамият ривожида сиёсий, маданий ва технологик трансформацияларнинг ўзаро таъсирини ўрганишни тақозо қилади. Бу жараёнларда интернетлашув, виртуал мулоқот шакллари, ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) ривожланиши ҳамда ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки ҳал қилувчи ўрин тутади. Сиёсий интернетлашув – сиёсий муҳитнинг интернет орқали кенгайиши ва барча расмий ташкилотлар томонидан ўз веб-саҳифаларида маълумотларни етказиб бериш билан боғлиқ жараёндир.

Ёшлар сиёсий онги ва маданиятининг глобал жараёнлар билан уйғунлашуви масаласи сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, бир қанча ўзига хос жиҳатлар намоён бўлади. Сиёсий онг ёшлар учун жамиятдаги воқеликни тушуниш, сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва ўз позицияларини шакллантириш воситасидир. Глобал тенденциялар, масалан, рақамлаштириш, глобал иқтисодий-сиёсий интеграция, ижтимоий тармоқлар ва замонавий медиа, ёшларнинг сиёсий онгига катта таъсир кўрсатади. Ёшлар сиёсий ахборотнинг асосий қисмини ижтимоий тармоқлар орқали олади. Бу жараён ахборотни тез тарқатиш, айни вақтда унинг ҳақиқийлигини текшириш муаммоларини келтириб чиқаради. Рақамли платформалардаги трендлар ёшларнинг сиёсий қарашлари ва онгини глобал миқёсда бир-бирига яқинлаштириши мумкин. Глобаллашув ёшлар орасида умуминсоний қадриятларни тарғиб қилади, бу уларнинг ўз миллий сиёсатлари билан бўлган муносабатларига таъсир кўрсатади. Масалан, инсон ҳуқуқлари, демократик

[156] Тўйчиев Б., Омонов Б. Сиёсий маданият. Монография. Тошкент, Tafsir Books, 2024. – 139 бет.

бошқарув ва тенглик ғоялари аксар ёшлар учун устувор бўлади. Шу билан бирга, миллий қадриятлар ва глобал таъсир ўртасидаги қарама-қаршиликлар баъзан сиёсий онгнинг қарама-қарши тарзда шаклланишига олиб келиши мумкин.

Глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнлари ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ахборотнинг тез тарқалиши, жаҳон миқёсидаги муаммоларнинг муҳокама қилиниши ва турли маданиятларнинг уйғунлашуви ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятида қуйидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради:

- Иқлим ўзгариши, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги каби глобал муаммолар ёшларнинг сиёсий дунёқарашининг марказида бўлиб, уларнинг фаоллигини оширмоқда.
- Миллий сиёсий қарашлар глобал тенденциялар билан янги мазмун касб этмоқда. Бу жараён ёшлар ўртасида баъзан қарама-қаршиликлар келтириб чиқариши мумкин.
- Сиёсий онг ва маданиятни шакллантирувчи асосий омиллар қуйидагилар:
- Ахборот манбалари ёшлар учун сиёсий маълумотларнинг асосий тарқатувчиси бўлиб, манипуляция ва маълумотнинг нотўғри талқин қилиниши хавфини оширади.
- Сиёсий фанларни ўқитишнинг сифатли ташкил этилиши ёшларнинг танқидий фикрлаш қобилиятини оширишда муҳимдир.
- Миллий сиёсатга нисбатан қарашлар кўпинча оила ва жамоатчиликнинг таъсири остида шаклланади.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ёшлар кўп ҳолларда сиёсий жараёнларда иштирок этишга паст даражада қизиқиш билдиришади. Бунинг сабаблари қуйидагилар:

- Сиёсий тизимга ишончнинг пастлиги ёшларнинг фаоллигини пасайтиради.
- Ёшлар учун қўллаб-қувватловчи платформаларнинг етишмаслиги уларни пассивликка олиб келади.
- Ёшлар кўпроқ виртуал муҳитда сиёсий фикр билдиришга мойил, аммо бу оффлайн иштирокни камайтириши мумкин.

Ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятини глобал жараёнлар билан уйғунлаштириш мақсадида қуйидаги чораларни тавсия қилиш мумкин:

- Таълим тизимида сиёсий фанларни тарғиб қилиш орқали ёшларнинг сиёсий дунёқарашини бойитиш.

- Ёшлар учун сиёсий жараёнларда иштирок этишга йўналтирилган махсус дастурларни жорий этиш.
- Ёшларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш:
- Сиёсий жараёнларда иштирокни замонавий технологиялар ва ижтимоий тармоқлар орқали рағбатлантириш.
- Ёшлар жамоаларини маҳаллий сиёсий жараёнларга жалб қилиш.
- Давлат ва ёшлар ўртасида ишончни ошириш учун очиқ мулоқот платформаларини ташкил этиш.
- Миллий қадриятларни ҳурмат қилиш билан бирга, ёшларни глобал муаммолар ҳақида хабардор қилиш.

Ёшларнинг сиёсий онги ва фаоллигидаги глобал жараёнлар уларнинг келажакдаги сиёсий жараёнларга таъсирини белгилаб беради. Миллий ва глобал жараёнларни уйғунлаштириш орқали ёшларнинг сиёсий дунёқарашини бойитиш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш мумкин. Бу жараёнда давлат, таълим тизими ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий онг ва маданият жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у сиёсий муносабатларни инъикос этади ва уларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Ёшлар сиёсий онги, ўз навбатида, жамиятнинг умумий сиёсий онгининг бир қисмини ташкил этади. Бу жараёнда глобаллашув ёшлар онги ва маданиятига таъсир қилиб, унинг бойитади, сиёсий фаоллик ва иштирок даражасини оширади.

Ёшларнинг глобал муаммолар, масалан, иқлим ўзгариши ёки халқаро тинчлик, ҳақида маълумотга эга бўлиши уларни глобал сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди. Ёшлар сиёсий онги ва маданиятида умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар ва толерантлик каби консепсияларни шакллантиради. Бу жараёнда, айниқса, ахборот воситалари ва таълим тизимининг таъсири каттадир. Интернет ва ижтимоий тармоқлар ёшларга турли сиёсий воқеликлардан хабардор бўлиш имконини беради. Ёшлар турли маданиятлар ва сиёсий ғояларни тушуниб, уларни қабул қила оладиган даражага етади. Ёшлар иқлим ўзгариши, глобал адолат, инсон ҳуқуқлари ва бошқа умумбашарий масалаларда фаол иштирок этишни мақсад қилиб қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларнинг сиёсий онги ва маданиятида нейтраллик ва мустақил фикрлашни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистондаги демократик жараёнлар ёшларга сиёсий плюрализм шароитида турли сиёсий қарашларни танлаш имконини беради. Бу жараёнда ёшларнинг

сиёсий қарашлари миллий қадриятлар ва умумбашарий ғоялар билан уйғунлашган бўлиши лозим.

Ёшлар сиёсий онги ва маданиятининг ривожланишида миллий қадриятлар асосида мафкуравий иммунитет шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда миллий истиқлол ғоялари, тарихий мерос ва миллий маданият ёшларнинг сиёсий қарашлари учун асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Ёшлар сиёсий онги ва маданияти глобал ва миллий тенденцияларни уйғунлаштирган ҳолда ривожланиши мумкин. Бу жараёнда таълим, ахборот, ва миллий қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Сиёсий фанларнинг вазифаси ёшларга мустақил фикрлай оладиган, жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётига масъулият билан ёндошадиган шахслар сифатида етишишга ёрдам беришдир.

## REFERENCES

1. Abdiyev G'ayrat Ergashevich "O'zbekistonda yoshlar siyosiy ongini rivojlantirishning ijtimoiy-falsafiy masalalari" 09.00.04 – ijtimoiy falsafa falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati Toshkent – 2024. B-17.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – Б. 54.
3. Тўйчиев Б., Омонов Б. Сиёсий маданият. Монография. Тошкент, Tafsir Books, 2024. – 139 бет.

# ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

**Meryem Karlik (PhD)-**
International Burch University
Email: drmeryemk@gmail.com
**Илмуродова Феруза Шакировна**
Ўзбекистон, Чирчиқ

**Аннотация:** Мақолада тарих фанини умумий ўрта таълим мактабларида ўқитишда методларнинг классификацияси қолаверса кўргазмали воситалар тарихий билимларнинг ўқувчилар онгига етказиш ва сингдиришда муҳим манба эканлиги тўғрисида баён этилди.

***Таянч сўзлар:*** *тарих, кўргазмали воситалар, қуроллар, тарихий ёдгорликлар*

Ўқитиш методлари ва усуллари орқали ўқитувчининг ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганиши ёки билиш фаолияти ташкил этилади.

Аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш йўлларининг йиғиндисидир. Шунингдек, мақсадга эришишнинг аниқ, қисқа ва мақбул йўли ҳисобланади. Метод-тарихий тадқиқотлар жараёнида аниқ мақсадга олиб борувчи усуллар ва жараёнлар йиғиндисидан иборат. Ўқитиш методи эса таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг маълум мақсадга эришишга қаратилган биргаликдаги фаолият усуллари ёки таълимда мақсадга эришиш, масалаларни ҳал қилиш йўллари, усуллари тушунилади. Ўқитиш методи таркибида усуллар алоҳида ажралиб туради[1].

Усул – методнинг таркибий қисми, методни амалга оширишда бир мартагина қўлланиладиган ва алоҳида қадам ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ўқитиш методлари ҳар иккала фаолиятнинг, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан ўша назарда тутилган илмий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган усулларни ўз ичига олади.

Тарих ўқитиш методлари классификацияси ҳақида педагоглар турли фикрларни билдирганлар. Бир-бири билан боғланган ўқитиш методларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) оғзаки ўқитиш методи, (ҳикоя, монолог, диалог, суҳбат, сюжетли ҳикоя, таҳлил қилиб тушунтириш, тарихий манбалар билан ишлаш; тарихий

адабиётлар, тарихий ҳужжатларни изоҳлаш) бу метод ўз навбатида икки турга бўлинади:

2) кўрсатмали таълим методи (жадваллар, шартли-график иллюстрациятив кўргазмалилик, сурат таҳлили, расм, тарихий хариталар билан ишлаш);

3) таълимнинг амалий методи (контур харита тўлдириш, машқ бажариш, ўқув топшириқларини ёзма тайёрлаш).

**Оғзаки баён методи** – ўқитувчининг хотирасига мўлжаллаб ташкил этилади, тузилиш жиҳатидан уларнинг таркиби бир хил: ўқитувчи тушунтиради, ўқувчилар тинглайдилар.

**Ҳикоя.** Баён шаклидаги ҳикояда ўқитувчи ўқув материали мазмунини турлича айтади, унинг асосий ва иккинчи даражали хусусиятларини изоҳлайди.

**Маъруза.** Маъруза ўрта умумтаълим мактабларининг юқори синфларида, олий ўқув юртларида фойдаланадиган таълим усули бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчининг баёни ва болаларнинг тинглаши, айрим омиллар, асосий ғоя ва боғланишларни ёзиб олиш шаклида амал қилади. Маъруза учун вақт ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, ўқув материали ҳажмига кўра белгиланади.

**Суҳбат.** Суҳбат ўқитувчи ўқувчининг ўзаро таъсири диалог шаклидаги таълим методидир. Унда мавзу мазмунига хос, атрофлича ўйланган, бир-бирига боғлиқ саволларни қўйиш ва саволларга жавоб излаш ҳамда жавоб қайтариш йўллари билан ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти ўзаро мувофиқлашади. Суҳбат эвристик ҳам бўлади. Яъни, бунда ўқувчиларнинг тафаккурига мўлжалланган усул бўлиб, унда ўзаро таъсир ўқитувчи саволлари ўқувчиларнинг жавоблари шаклида амалга оширилади. Эвристик суҳбат узоқ тарихга эга бўлиб, ундан қадимги Юнонистонда Сукрот моҳирона фойдаланган. У ҳозирги илмий-дидактик тадқиқотларда "изланиш суҳбати" деб ҳам юритилади. Эвристик суҳбатнинг қатор ижобий томонлари бўлиб, ижодий йўл билан ўқув материалини ўрганиш, ўзлаштиришнинг индивидуал характер касб этиши.

**Кўрсатмали метод.** "Минг марта эшитгандан кўра бир марта кўрган яхши", - деган нақлга амал қилган ҳолда фақат оғзаки баён методли дарсда материалларни ўзлаштириш кўрсаткичи 10%, бўлган шароитда дарс ўтиш самарасиз бўлади. Машғулотларда ўқув материални кўргазмали шаклда тақдим этиш лозим. Кўрсатмалилик дидактикада энг асосий қоида бўлиб, унинг ёрдамида кўрув ўқуви ва тафаккур ўзаро уйғунлашади. Кўрсатмали методлар эшитиш ва кўришни ўзаро уйғунлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу туфайли ундан билимларни оғзаки баён қилиш методлари билан ёнма-ён фойдаланиш тарих таълимининг самарадорлигини оширади.

Кўрсатмали методнинг қуйидаги турлари мавжуд:

***Иллюстрация методи*** – (матндан бошқа барча компонентлар) хариталар, расмлар, чизмалар, жадваллар, схемалар, диаграммалар, доскадаги ёзувларга диққатни тортиш.

***Намойиш (демонстрация) методи*** – киноаппарат, АКТ ва бошқа видеотасвирлардан фойдаланиб турли тасвирларни намойиш қилиш.

***Табиий кўрсатмали қуроллар*** – нарсаларнинг ўзи, предметлар, муляжлар, одамлар томонидан тайёрланган иш қуроллари, макет, муляж ва бошқаларни кўрсатиш. Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг тарихий тасаввурларига аниқлик киритиш ва бу тасаввурларни аниқлаштиришга ёрдам беради. Кўрсатмали тасвирлар тарихий факт ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишинигина эмас, балки уларнинг ички моҳиятини ҳам очиб беради. Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларнинг мураккаб тарихий ҳодисаларни, тарихий тушунчаларнинг маъносини осонроқ тушуниб олишларига ёрдам беради.

Кўрсатмали қуроллар ўқувчиларда тарихий тушунчаларни шакллантиришга, уларнинг назарий хулосалаш ва умумлаштиришга, якунларини, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонуниятларини, ўзаро алоқаларни яхшироқ тушуниб олишларига ёрдам беради, шунингдек, ўқувчиларни эстетик жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади[2].

Шундай қилиб, кўрсатмали методи:

1) тарихий билимларнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади;

2) ўқув материалининг таълим-тарбия вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради;

3) ўқитувчи баёнининг аниқ, образли ва таъсирчан бўлишига ёрдам беради;

4) ўқувчиларнинг ўқув материалини ўрганишга қизиқишини оширади ва уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради;

5) ўқитувчининг баёнини ва унинг дарсда қўлланган бошқа ўқув усулларини ўқувчиларнинг тушуниб олишини енгиллаштиради;

6) ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини ва ижодий қобилиятини ўстиради;

7) ўқувчилар билимининг аниқ, чуқур ва мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

Тарих дарсларида таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш дарснинг самарадорлигини оширади. Таълимнинг техника воситалари ўқитиш ва ўрганиш сифатини кўтаришга ўқувчиларнинг ўқув материалини қизиқиб ўрганишига ва пухта ўзлаштиришига хизмат қилади[3].

**Амалий метод.** Таълимнинг амалий методида ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро таъсири болалар олдига қўйиладиган топшириқлар ҳамда уларни қабул қилиш шаклида амал қилади:

Амалий методнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**1. Лаборатория** – тажрибасида турли ўқув топшириқларни амалда бажариш. Ўқувчилар турли меҳнат қуролларидан қайчи, чизгич, циркуль ва бошқалардан фойдаланиб, чизиш, қирқиш, елимлаш,ўлчаш каби ишларни бажарадилар.

**2. Машқ –** ўрганилган билимларни турли ўқув шароитларига татбиқ этиш йўлидир. Машқ воситасида турли малакалар – интеллектуал ва ақлий малакалар таркиб топтирилади.

Кейинги йилларда, таълим тизими амалиётида ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, тарихий тушунчаларни, жумладан ижтимоий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги тушунчаларни чуқур ўзлаштиришни таъминлайдиган ўқитиш ва ўрганишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди. Мутахассисларнинг тадқиқотлари натижаларига кўра, интерфаол методлар ўзлаштириш фоизини кенгайтиради, таълим самарадорлигини оширади. Интерфаол методлар нафақат ўқувчилар онгини фаоллаштиради, балки уларнинг ҳиссиёти ва иродасини ҳам ривожлантиради.

## REFERENCES

1. Бабанский Ю.К. «Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари» Тошкент. «Ўзбекистон», 1990.
2. Саъдиев А. Мактабда тарих ўқитиш методикаси Тошкент. «Ўқитувчи», 1988
3. Саъдиев А. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш Тошкент. «Ўқитувчи», 1993
6. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури Тошкент. «Шарқ», 1999 и. 2-сон
4. Shakirovna, Feruza. "The Role of English Fictional Literature in Developing Students' Socio-Cultural Competence." International Journal of New Approaches in Social Studies 6.2 (2022): 235-243.
5. Shakirovna, Feruza. "Developing Students Socio-Cultural Competence By Reading English Fictional Literature." Journal of Education and New Approaches 5.2 (2022): 213-220.
6. 6. Shokirovna, Ilmurodova Feruza. "World of Science: Journal on Modern Research Methodologies." (2023).

# ФАХРИДДИН РОЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МУТАФАККИР ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Эшпулатов Иноят Сапарович**
*Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик*
*билим юрти катта илмий ходими,*
*Фалсафа доктори (PhD)*

**КИРИШ.** Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али Фахриддин Розий Рай шаҳрида туғилган. Отаси шу ердаги масжиднинг имом-хатиби бўлгани учун уни "Розий ибн Хатиб" ҳам дейишган. Фахриддин Розийнинг туғилган йили хусусида баъзи тарихчилар ҳижрий 543, баъзилари 544 (милодий 1148) йилни кўрсатишади. Аллома ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини чуқур ўрганган араб олими Муҳаммад Солиҳ Зарконнинг фикрича, у 544 йилда туғилган.

Ёшлигидан турли илмларга қизиққан Фахриддин Хуросон ва Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳарларида бўлиб, кўплаб олим, шоир, файласуф ва давлат арбоблари билан мулоқотда бўлади. У таълим олишни Хуросоннинг Мароға шаҳрида бошлаган бўлса-да, ҳаётининг кўп қисми Бухоро, Самарқанд, Насаф, Хоразм, Банокат ва Марвда ўтади. Жумладан, Бухорода буюк мутафаккирлар Абу Али ибн Сино ва Абу Наср Форобий таълимотларидан таҳсил олади, илмий баҳсларда қатнашади.

Олим қайси шаҳарга бормасин, унга ҳурмат кўрсатилган. Хоразмда шоҳ Алоуддин Такаш иззат-икром эҳтиром билан кутиб олган. Фарзандларига устозлик қилишини сўраган. Отаси вафотидан кейин тахтга ўтирган Муҳаммад устози Фахриддин Розийга алоҳида илтифот кўрсатиб, мартабасини оширган.

Фахриддин Розийнинг вафоти ҳақида ҳам олимлар орасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилари Хоразмда, баъзилари Рай шаҳрида, яна бошқалари Ҳиротда вафот этган дейишади. Аммо кўпчилиги унинг Хоразмда оғир касаликка чалинганини эътироф этиб, у ерда вафот қилганига гувоҳлик беради. Шунга кўра, Фахриддин Розий ҳижрий 606 (милодий 1209) йили рамазон ойининг 15 кунида боқий дунёга кўчгани айтилади.

Тафсир, фиқҳ, калом, усул, тарих, адабиёт, фалсафа фанлари бўйича даврининг қомусий олими ҳисобланган Фахриддин Розий бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Алломанинг биргина "Жомеъул улум" асари ақида, фиқҳ, фароиз, васият, тафсир, тарих, грамматика, тиб, табиат, ов қилиш, деҳқончилик ҳақида батафсил маълумотлар беради. Тафсир илмига оид "Мафотиҳул ғайб" асари чуқур мазмун-моҳияти ва кенгқамровли билан бошқа тафсирлардан

ажралиб туради. Розий тафсирида оят ва сураларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати тўғрисида бир эмас, бир неча далил келтиради. Олим Ибн Халликон бу ҳақда: "Розий ўз тафсирида кўп ажойиб ва ноёб маълумотларни жамлаган", дейди.

**НАТИЖА ВА МУҲОКАМА.** Алломанинг энг таъсирли асарларидан "Мабоҳис ал-машриқийя фи илм ал-илоҳийят ва-л-таби'ийят" дир. Бу унинг асосий фалсафий ҳиссаси ҳисобланади. Бу асарлар метафизик саволларга, илоҳий ва дунёвий борлиқ табиатига чуқур кириб боради, бунда мутафаккир фалсафий масалалар билан чуқур алоқадорлигини намойиш этади. Розийнинг яна бир танқидий асари "ат-Тафсир ал-кабир" ("Буюк тафсир") бўлиб, у "Мафатиҳ ал-ғайб" ("Номаълум калитлар") номи билан ҳам машҳур. Қуръоннинг ушбу кенг қамровли тафсири ўзининг кенг қамровли таҳлили, илоҳиёт тушунчаларини фалсафий изланишлар билан уйғунлаштириши билан машҳур бўлиб, унинг ҳаёти давомида ривожланаётган фикрлаш жараёнларига бир ойна беради.

Бундан ташқари, Розий "Муҳассал афкар ал-мутақаддимин ва-л-мутаъаххирин" ("Қадимгилар ва замонавийлар тафаккурлари йиғими") асарини ёзган бўлиб, у ўз асарида илгариги фалсафий ва теологик ғоялар синтезини таклиф қилади ва уларга танқидий муносабатда бўлади. Унинг руҳ ҳақидаги "Китоб ан-нафс ва-л-руҳ ва шарҳ қува-ҳума" асари инсон табиатининг психологик ва фалсафий жиҳатларини ўрганиб, унинг фанлараро ёндашувини янада ёритади.

Фахриддин Розийнинг фалсафий мероси турли маданий ва лингвистик контекстларда кенг тадқиқ этилган бўлиб, унинг ғоялари ислом фалсафасига глобал таъсир кўрсатган. Унинг ҳиссалари метафизика, ахлоқ ва илоҳиётни ўз ичига олган кенг кўламли фанларни қамраб олган бўлиб, унинг классик ислом тафаккури ва кейинги тараққиёт ўртасидаги кўприк ролини бажарган.

Розийнинг фалсафий асарлари, хусусан, "Мабоҳис ал-машриқийя" ва монументал "ат-Тафсир ал-Кабир" асари пост-классик ислом фалсафасини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Унинг оқилона изланишни анъанавий ислом илоҳиёти билан уйғунлаштиришга бўлган ёндашуви уни Аристотель фалсафасининг ислом нутқига интегратсиялашувида асосий шахс сифатида белгилаб берди. Бу синтез шунчаки олдинги фалсафаларнинг давоми эмас, балки метафизик ва теологик тушунчаларни ислом доирасидаги инновацион қайта қуришдир.

Олимлар Розийнинг моҳият, ирода эркинлиги ва илоҳий илм муаммоси каби турли фалсафий масалаларни қайта талқин қилишини таҳлил қилдилар. Унинг ғоялари кўпинча ҳукмрон қарашларга қарши чиқди, масалан,

неоплатонистлар орасида кенг тарқалган эманация назариясига қарши аргументлари, ратционалликка асосланган изчил теологик тизимни ишлаб чиқиш учун белгиланган меъёрлардан воз кечишга тайёрлигини кўрсатди. Сўнгги тадқиқотларда Розий нафақат назарий ишлари, балки ислом тафаккурига қўшган услубий ҳиссаси билан ҳам эътиборга олинади. Унинг ратционал фалсафани ислом илоҳиёти билан уйғунлаштиришга уринишлари замонавий илмий ишларда қизиқиш мавзуси бўлиб, унинг ақл ва ваҳийга икки томонлама урғу беришини таъкидлайди.

Умуман олганда, Розийнинг турли тиллар ва маданиятлардаги ижоди билан илмий шуғулланиши унинг тарихий ва замонавий ислом тафаккуридаги доимий аҳамиятини кўрсатади. Унинг фалсафий ва теологик рисолалари ислом фалсафасидаги академик тадқиқотлар учун асос бўлиб қолмоқда ва ислом интеллектуал тарихида ақл ва эътиқод ўртасидаги динамик ўзаро боғлиқлик ҳақида тушунча беради.

Фахриддин Розий фалсафа тарихида алоҳида мавқега эга бўлиб, постклассик даврда ислом оламининг энг нуфузли мутафаккирларидан бири сифатида тан олинган. Унинг иши Ибн Синонинг фалсафий ғояларини ислом илоҳиётшунослиги билан муваффақиятли бирлаштириб, Худо, руҳ, вақт ва ахлоқ ҳақидаги мураккаб саволларга жавоб берди. Розийнинг таъсири фақат унинг фалсафий асарларидан ташқари у ўзининг тажовузкор интеллектуал услуби ва ўз даврининг бошқа олимлари билан мулоқот қилиш ва баҳслашиш қобилияти билан ҳам машҳур эди.

**ХУЛОСА.**

Олимлар Розийни услубий янгиликлари ва мавжуд фалсафий ва теологик парадигмаларга қарши чиқиш ва кенгайтириш қобилияти учун қадрлашади. Унинг оқилона фалсафани ислом илоҳиёти билан уйғунлаштиришга бўлган сай-ҳаракатлари уни ислом тафаккурининг ривожланишида муҳим шахс сифатида кўрсатди ва кейинги ислом илмларининг кенг доирасига таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, Фахриддин Розий нафақат ислом фалсафаси ва илоҳиётига қўшган бевосита ҳиссаси, балки ўз даврининг кейинги авлодларга абадий мерос қолдирган интеллектуал анъаналарини бирлаштириш ва уларга қарши курашишдаги роли учун ҳам қадрланади. Алломанинг инсонларни ҳамиша имон-эътиқодли, ҳалол, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар, раҳм-шафқатли, мурувватли бўлишга чорлаб келган асарлари ҳозирги кунда ҳам илм-фан ва маданиятнинг ноёб дурдоналари сифатида жамият аъзоларининг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшмоқда.

# НОСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ

**Музаффаров Фируз Давронович**
БухДУ "Ижтимоий-сиёсий фанлар" кафедраси мудири
Фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ.

Қадимги юнон мутафаккири Арасту ва унинг издоши Бухоролик қомусий олим Абу Али Ибн Сино Носириддин Тусий учун фалсафа оламида кўзга кўринган олимлар ҳисобланган[157]. Тусий ўзининг бир қатор асарларида бу мутафаккирларнинг ишларини тилга олади ва уларнинг фалсафий ғоялар ривожидаги хизматларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Гарчи у бу файласуфлар назариясининг пассив издоши ва оддий шарҳловчиси бўлмасада, ўз асарларида ўзидан олдинги олимларнинг кўплаб илғор фалсафий фикрларини, жумладан, Арасту ва Ибн Синонинг баъзи фалсафий ғояларини ривожлантирган буюк шахсият ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, "Тусий Ибн Синони ортда қолдиришга интилган зўр олим даражасига кўтарилган"[158].

Тусий ўзи яшаган даврнинг ҳар қанча мақтовга лойиқ порлоқ вакили бўлишига қарамай, унинг ҳаёт йўли зиддиятли жиҳатлари билан ажралиб турган. У XIII асрнинг ўттизинчи йилларида Кўҳистонга келади. Бу вақтда у Исмоилийлар давлати саройида хизмат қилади ва ҳукмдор Муҳташамнинг энг яқин маслаҳатчиси ва маслакдошларидан бирига айланади. Алломанинг истеъдоди, давлатчилик соҳасидаги дунёқараши ҳамда ноёб, ўзига хос воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра олиш қобилияти саройда юксак қадрланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маркази Аъламут қалъаси бўлган Исмоилийлар давлати 1090 йилда пайдо бўлган эди. Салжуқийлар сулоласига қарши ҳаракат сифатида вужудга келган Исмоилийлар давлати Суриядаги бир қанча ҳудудларни ўз таркибига олган ва ушбу давлатнинг фаолияти асосан исён ва сиёсий террорга асосланган эди. Исмоилийлар фаолиятига сўнги нуқтани 1256 йилда Хулагухон қўяди ва шу тариқа у Элхонийлар давлатига асос солади. Хулагухон илм аҳлига ўзгача муносабатда бўлган. Мўғул хонига бўлган чексиз ҳурмати туфайли Тусий мўғул босқинчиларининг ваҳший ҳаракатларига бефарқ бўлмайди.

[157] Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 279.
[158] Arberry, A.I. Classical Persian literature. - London. 1958. – P. 258

Ушбу тарихий даврнинг ўзига хос жиҳати шундаки, масжидлар, хонақоҳлар ва Дар ул – Қуръон номли ўқув юртларида асосан шариат, дин арконлари ва Қуръон ўқитиб борилар эди. Илмнинг бошқа фанлар соҳасида эса қисқа ва асосий деб ҳисобланган маълумотлар берилар эди. Тарихий манбаларда таълимнинг ушбу шакли "Мазҳар" деб номлангани айтилади. Таълимнинг бундай шаклида устоз ўз шогирди билан мустақил шуғулланган ҳамда ўз шогирдининг камолоти учун изланишда бўлган[159].

**НАТИЖА ВА МУҲОКАМА.**

Аллома Муҳаммад бин Муҳаммад бин Ҳасан, куняси Абу Жаъфар[160] эканлиги таъкидланади. Носириддин Тусий 1201 йилда Тусда Фирузшох Жеҳрудий номи билан танилган Шайх Важҳиддин ибн Ҳасан оиласида туғилган[161]. Дастлабки таълимни отаси Муҳаммад ибн Ҳасандан олган Тусий болаликдан ўз истеъдоди билан илм аҳлларини ҳайратлантирган. Ноёб қобилияти билан фарқланиб турувчи мутафаккир кейинчалик Фаридиддин Дамадин ёнида ҳам таҳсил олади[162]. Шариатга доир билимларни отасидан, кейинчалик эса таҳсилни давом эттириб риёзиётчи ва мантиқшунос Носириддин Муҳаммад Шаидан, фиқҳ, ҳадис ва ҳандасага доир илмларни эса Насриддин Абдуллоҳ Ҳамзадан ўрганган. Ислом динининг ўзига хос жиҳатларини ўргатиш билан бўлган Носриддин Абдуллоҳ ибн Ҳамза ўз шогирдига "Носириддин"[163] лақабини берган[164]. Эронлик олим Муҳаммад Занжоний Носириддин Тусий таҳсил олган олимлар ҳақида фикр юритар экан, уларни қуйидагича кўрсатади: Важҳиддин Муҳаммад бин ал-Ҳасан ат-Тусий, Зиёуддин абу Ризо Фазлуллоҳ бин Али бин Абдуллоҳ бин ал-Ҳасан ар-Рованди ал-Кошоний, Саййид Муртазо Илмул-Худо, Камолиддин бин Юнус Мусулий, Салим бин Бадрон ал-Мисирий ал-Мазаний, Шайх Бурхониддин ал-Ҳамадоний ал-Қазвиний, Қутбиддин ал-Мисири, Ҳожа Абдусаодат Исфаҳоний, Фаридуддин Дамад Нишопурий, Саййид Садриддин Али бин Наср Ҳусайний Сарахсий[165] ва бошқалар.

Тусий нафақат илмий фаолиятда, балки ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. У ўзининг бутун умри давомида илмнинг деярли барча соҳаларида сермаҳсул ижод қилган. Нажмиддин Қазвиний (1203-

[159] Abbasov Namiq, Həsənov Rəhim. Nəsirəddin Tusinin müdriklik fəlsəfəsi. - Bakı: 2012. – Б. 19.
[160] Абдуламир ал-Асом. Ал-Файласуф Носириддин ат-Тусий. - Байрут, 1980. – Б. 23.
[161]Бу ҳақда қаран: İslam Ansiklopedisi (MEB), - İstanbul, 1988, c.12, s.130.
[162] Gafarov Anar. Bilime Adanmış Ömür Nasiruddin Tusi. - Ankara, Gece Kitaplığı. 2017. – Б. 7.
[163]Носириддин сўзи арабчадан диннинг мудофаачиси, диннинг кўмакчиси.
[164] Demirkol Murat. Tusi'nin İbn Sina Savunması. - Ankara: FECR YAYINLAR, 2010. s.15.
[165]Занжоний Муҳаммад. Мударриси, Саргузашт-и ва Ақоид-и фалсафайи Хожа Насриддин Туси. -Теҳрон. 1379. – Б. 29-35.

1277 йй), Маҳмуд ибн Маъсуд ибн Муслиҳ Шерозий (1236-1311 йй), Ҳасан ибн Каммуна Исроилий, Саййид Рукниддин Астрободий аллома издошлари ва ғоявий давомчилари бўлиб унинг асарларига шарҳлар ёзди[166].

Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар тадқиқотчилар орасида турлича талқин қилиниши айтилади. Алломанинг форс ва қисман араб тилида ёзилган асарлар сонини Озарбайжон олими Агабала Рзаев йирик ҳажмли "Носириддин Тусий" номли монографик тадқиқотида 206 тасини номини санаб ўтади. Булардан 14 таси ҳақида қисқача маълумот беради[167]. Манбаларда Тусий ҳақида берилган маълумотларнинг ранг-баранглиги унинг илмий дунёқараши турлича бўлганлигини тасдиқлайди. Кенг илмий-фалсафий идрокка эга бўлган мутафаккир барча илм соҳалари билан яқиндан таниш бўлган. Унинг асарларини немис шарқшуноси Карл Броккельман 8 гуруҳга бўлади. Улар фиқҳ, калом, фалсафа, риёзиёт, астрономия, табобат, минералогия, мусиқа[168].

Тусий перипатетик фалсафа мактаби вакилларига ҳаммаслак қарашдаги олим бўлганлиги учун илмий дунёқараши тадрижатида нафақат Шарқ, балки қадимги юнон тафаккурининг ҳам таъсири яққол сезилиб туриши айтилади. У ижтимоий соҳа, мусиқашунослик, минералогия ва тиббиёт ҳақида бир қанча асарлар яратган энциклопедик олим ҳисобланиб, унингча, илмий билимлар инсонларни бахтга чорловчи маёқдир.

Фалсафанинг назарий ва амалий фаолиятдан иборат бўлганини тушунган Тусий бу илм соҳасини аввало назарий ва амалий қисмларга ажратади. Аслида бундай бир таснифнинг ўзига хос онтологик асослари бор. Балки, фалсафани бутун борлиқлар моҳиятларини очиб берадиган илм бўлганини тушунган Тусий бу илмни борлиқ қисмларига мувофиқ ҳолда тасниф этади. Назарий фалсафа асос ўлароқ метафизика, риёзат ва табиат илмларидан иборат. Бу ерда ҳар бир илм соҳасининг олдида бир нечта илм қисмлари мавжуд бўлиб, илоҳиёт ва фалсафа илмлари метафизика илмининг асосларини ташкил этган илм соҳаларидир.

Носириддин Тусий берган фанлар таснифи Аристотель ва Ибн Сино фанлар таснифига яқин бўлганлиги асослаб берилади. Тусийнинг салафи Мискавейх ҳам шундай таснифга амал қилган[169]. Файласуф Тусийн ҳатто "Ақсам ул-Ҳикмат" (Фалсафанинг соҳалари) номли рисоласида метафизикани

[166] Abbasov Namiq, Həsənov Rəhim. Nəsirəddin Tusinin müdriklik fəlsəfəsi. - Bakı: 2012. – Б. 38.

[167]Рзаев А. Насирэддин Туси. Баку: Элм, 1863. – Б. 71-79.

[168]Воспитание и обучение с точки зрения мусульманских мыслителей Том 2. -Москва: Фонд исследований исламской культуры, 2018. - С. 18.

[169] Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. - Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 308.

Ибн Синонинг "Ақсам ал-улум ал-ақлиййа" номли асарининг таъсирида қолиб, "Илоҳий илм" деб номлаши ҳам аҳамиятлидир. Чунки, бу илм соҳасида Тусий Аллоҳнинг борлиғи ва бирлигининг исботи, маънавий субстанцияларнинг исботи, мумкин борлиқлар системаси ва уларнинг мутлақ борлиққа (Аллоҳга) нисбати ва бошқа мавзуларни муҳокама объектига айлантиради.

Тусийнинг метафизика илмига доир таснифини унинг фалсафий каломга доир асосий асари ҳисобланган "Тажрид ал-эътиқод" номли асарида кўриш мумкин. Амалий фалсафага келганда Тусий фалсафанинг бу соҳасида ахлоқ тарбияси, оила ва сиёсат фалсафаси каби қисмларга ажратади. Унинг бу уч соҳа билан алоқадор фалсафий қарашлари ўз аксини "Ахлоқи Носирий"да топган.

Тусийнинг фикрича, саодат уч хил бўлади: Руҳ бахти, тан бахти, жамоат саодати. Агар инсон ўз хоҳишига кўра, меҳрибон бўлса ва катта билимга эга бўлса, у чин дилдан бахтли одамдир. Аммо инсон руҳи тананинг жисмоний саломатлиги ҳолатига боғлиқ. Соғлом танада соғлом ақл бўлади, дей таъкидлайди мутафаккир. Демак, жисмоний жиҳатдан, жисмонан соғлом танага эга бўлган киши бахтлидир. Ҳиссий бахт ҳақиқий билим ва маънавий-ахлоқий тарбия натижасида эришилади. Эзгулик ва саодат хислатларига эга бўлган киши комил ҳисобланади. Ахлоқ одамларнинг хулқ-атворида намоён бўладиган руҳий ҳолат сифатида ўзгармас эмас.

Носириддин Тусий одоб-ахлоққа доир "Адаб ул – мута'аллимун" ("Талабалик маданияти") деб номланган махсус рисоласида илм ўрганиш остонасида турган талабаларга таҳсил олишнинг ўзига хос нозик жиҳатлари яъни, илм илоҳий сифатларнинг энг хоси ва комилликнинг энг юқори чегараси эканлигини, талаба бунда аввало нима фойда-ю ва нима зарарли экангини назардан қочирмаслиги, иллатлардан қочиб, фазилатлар касб этиб бориши, бу йўлда ақли, илми унга маёқ вазифасини бажариши лозимлигини уқтиради.

Аллома илмни ўрганаётган талаба ўзининг бор куч-қуввати билан қилиши, фоний ва маъносиз дунёда ўз умрини фойдасиз ишлар билан сарф этмаслиги, очкўзликдан ўзини тийиши, гина-кудрат ва такаббурликдан узоқ бўлиши лозимлиги таъкидланиб, талабага илм ўрганишда қуйидаги тавсияларни алоҳида кўрсатгани: илмларнинг энг яхшисини, диний ишларда эҳтиёж туйганини, сўнгра мол-давлат тўплаш учун керак бўладиган илмларни танлаши лозимлиги кўрсатилди. Талаба ўзига йўлдош танлаган вақтда биринчи навбатда хайрхоҳ, диндор ва ҳақиқатпараст, хосиятли инсонлардан дўст танлаши лозимлиги, танбалдан, манмандан, кўп гапирадигандан узоқ бўлиш кераклигини таъкидланади.

Мутафаккир илм ўрганаётган талабани ёмон ахлоқий сифатлардан узоқ бўлишга чақиради, чунки ёмон ахлоқ, унинг наздида,"маънавий ит"дир. Илмни

ўрганишда талабага тиришқоқ бўлишни таклиф этади. Унингча, таълим олишда уч кишига эҳтиёж туғилади: талабага, муаллимга ва отанинг соясига. Тусий талаба ўз устида ишласа, ўзини заифлантириб илмини ривожлантирса, бу ўзига нисбатан марҳамат кўрсатиш, деб ҳисоблайди. Илмнинг фазилат эканлигини таҳлил эта туриб, Тусий уни қуйидагича изоҳлайди: "Дунёда илм қолади, ундан бошқалари эса пуч бўлиб кетади. Илм абадий ҳолда жонлидир. Олимлар ўлсалар ҳам, жонлидирлар. Ақл учун илмнинг лаззати таҳсилни чақиришдан иборатдир".

Тусий илм олиш масаласида таваккул масаласига алоҳида эътибор қаратганлиги таъкидланади. Илм ўрганадиган талаба таваккул этмоғи керак. Ризқ билан боғлиқ ишлар унга роҳат беради, унинг қалбини машғул этади ва сабрли қилади. Аллома таълим олиш муддатлари ҳақида фикр юритар экан, айтади: "Ўқиб-ўрганиш даври бешикдан то қабрга қадардир. Бу даврнинг таҳсили учун энг яхши вақтлар эса йилнинг бошланғич даврлари, икки оқшом намози орасидир".

Тусий таъбирича, илм ўрганадиган киши ҳеч бир кимса билан тортишмаслиги ва адоват қилмаслиги лозим, чунки бу ҳол вақтни кетказади. Хайрихоҳ одам ўз яхши амаллари билан мукофотланади, бадхулқ одамнинг амаллари ўзига кифоят этади. Шу ўринда Тусий: "Агар сен ўз маънавиятингни таъмин этиш учун ҳаракат қилсанг, душманлик қилишдан сақлан, чунки душманлик сени расво этади ва вақт йўқотилади", - деб ёзади.

Демак, Тусий илмга инсонийликнинг асосий мезони сифатида караб, талабанинг мукаммалликка эришувида мазкур фазилат муҳим ўринга эга эканлигини таъкид этади. У ўз қарашларида талаба илм ўрганиш орқали мукаммаллашиб боришини ва бу жараён узоқ ва оғир эканлигини, талабанинг бунда ўзига танқидий ёндашиши, устоз ёрдамига таяниб, шариатга қатъий амал қилиши лозимлигини уқтиради. Унингча, ҳар қандай мукаммалликка фақат ва фақат илм ўрганиш воситаси билан эришилади.

**ХУЛОСА.**

Хулоса қилиб айтганда, Носириддин Тусийнинг илмий-ижодий услуби мавжуд турли таълимотлардан синтез йўли билан янги назарияни ишлаб чиқишнинг ўзига хос намунаси бўлиб, ўз давридаги аниқ ва табиий фанлар тараққиётида бурилиш нуқтасини белгилаб берди. Бу эса, XII – XIII асрларда Хуросондаги маънавий муҳит ва у билан боғлиқ муаммолар, баҳс-мунозараларнинг назарий асослари ҳамда ривожини, даврнинг маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Носириддин Тусий яратган йирик тасаввуфий, фалсафий, маънавий меросни у яшаган тарихий даврнинг ютуқларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Бу улкан мерос ўзидан кейинги ижтимоий-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурга фавқулодда сезиларли таъсир кўрсатган. Мутафаккир ўзининг тасаввуфий қарашлари марказига ўзликни англаш масаласини қўйиб, тасаввуф аҳли вакилларининг мақом ва ҳолларидан кенг баҳс юритган. Унинг мулоҳазаларига кўра, инсон маънавий-руҳий чўққиси бевосита мақомларнинг босиб ўтилишига боғлиқ бўлиб, бу жараён ўзига хос мураккабликларга эгадир.

# AXBOROTLASHGAN JAMIYATDA AXLOQIY QADRIYATLAR

**Primov Baxriddin Abdiraxmonovich**
falsafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Falsafa kafedrasi v.b. dossenti

**Annotatsiya.** Bugungi kunda axborotlashish sohasi shuqadar jadal suratlarda rivojlanmoqdaki, bu orqali ma'lum bir davlat va jamiatlarning axloqiy qadriyatlar tizimiga ham kuchli ta'sir etayotgani ushbu maqolada yoritilgsan.

**Kalit so'zlar.** Axborotlashgan davr, axborot asri, axborotlashuv sohasi, axloqiy qadriyatlar, axloqiy tizim, axloqiy jamiyat, axloqiy me'yorlar, relyativ axloq, yaxshilik va yomonlik.

**Аннотация.** Сегодня сфера информации развивается настолько стремительно, что оказывает сильное влияние на систему моральных ценностей некоторых стран и обществ.

**Ключевые слова.** Информационный век, информационный век, поле информации, моральные ценности, моральная система, моральное общество, моральные нормы, относительная мораль, добро и зло.

**Annotation.** Today, the sphere of information is developing so rapidly that it has a strong influence on the system of moral values of some countries and societies.

Key words. Information age, information age, field of information, moral values, moral system, moral society, moral standards, relative morality, good and evil.

Insoniyat ijtimoiylashuvi ya'ni dastlabki jamiyatlar paydo bo'lishi bilan, ushbu jamiyatlar o'zining alohida qadriyatlarini shakllantirishni boshlagan. Ushbu qadriyatlar va normalar ularning ehtiyojlari va qiziqishlari bilan bog'liq edi. Ehtiyoj va qiziqishlar zamirida shakllangan axloqiy normalar, jamiyatning saqlanib qolishi, shakllanishi va rivojlanishi mexanizmi vazifasini bajarishi bilan birga, alohida munosabatlarni o'rnatish va ularni tartibga solish vazifasini ham bajargan. Bundan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, jamiyatning barqarorligi undagi o'rnatilgan axloqiy parametrlar bilan chambarchas bog'liq.

"Axloqiy qadriyatlar tizimi qanchalik rivojlanganligiga nafaqat shaxsning, balki butun dunyoning taqdiri bog'liq".[1]

Axloqiy qadriyatlar jamiyat rivojlanishining asosiy tamoillaridan biri sifatida, undagi munosabatlarni tartibga solib turadi. Tartibga solish bilan birga umumiy dunyoqarash, umumiy tamoillar orqali identlik va mentalitetni ham shakllantiradi.

Axloqning asosiy tushunchalarini jamiyatda qabul qilingan: "yaxshilik va yomonlik, adolat, vijdon, mardlik, muhabbat kabi tamoillari tashkil qiladi".[2]

Axloqiy qadriyatlarning o'zgaruvchan, moslashuvchan tamoillarini esa jamiyat tomonidan normal qaralgan va legitimlashgan odatlar tashkil qiladi. Masalan: jamiyat taraqqiyotining dastlabki bosqichlarida, quldorlikka nisbatan normal qaralgan bo'lsa, ijtimoiy fikr taraqqiyoti davrida ushbu norma qoralandi va axloqsizlik sifatida baxolandi.

Axloqning umumiy shakllanishi universal va relyativ, ya'ni bir – biriga qarama qarshi tarzda kechgani bilan, ular, barcha davrlarda jamiyat taraqqiyotiga, inson ravnaqiga va ijtimoiylashuvga xizmat qilishi zarur.

Axloqiy qadriyatlar jamiyatning tajribalari yig'indisini ham tashkil qiladi, ular: foydali odatlar, optimal harakatlar, hissiy - emotsional protseduralar, kundalik turmushning aks etishini tashkil qiladi. Agar jamiyatning geografik joylashuvi, iqlimi, qazilma boyliklari uning moddiy pozitsiyasi hisoblansa, axloq jamiyatning ma'naviy uyi hisoblanadi.

Axloqni jamiyat tajribasi evaziga amalga oshgan, umumiy belgilarga ega bo'lgan, evolyutsion ma'lumotlar yig'indisi ham deyish mumkin. Ya'ni jamiyatning eksperimental informatsion arsenali hisoblanadi. Ushbu informatsion jamlanma jamiyatning ma'naviy immuniteti vazifasini bajargan holatda, ba'zan kuchayishi, ba'zan esa zaiflashishi ham mumkin. Shuningdek jamiyatning ma'naviy barqarorligi uning axloqiy qadriyatlariga proporsional hisoblanadi.

Dastlabki ijtimoiylashuv davrlardagi axloqiy qadriyatlarni, shu davrdagi jamiyatning ijtimoiy ongi ham deyish mumkin. Ushbu jamiyat ongining rivojlanishi jamiyatning barqarorligi va uning rivojlanishini belgilab bergan.

"Jamiyatning asosiy axloqiy me'yorlarining o'zgarishi natijasida jamiyatning ma'naviy birligi buziladi, yoshlarning hayoti va axloqiy ustuvorliklari o'zgaradi, bu avlodning qadriyatlari, shu jumladan ish va kasbning qadriyatlari shakllanmaydi; jamiyat uchun an'anaviy axloqiy me'yorlar va axloqiy ko'rsatmalar deformatsiyalanadi va ko'pincha oddiygina yo'q qilinadi".[3]

Jamiyatda axloqning shakllanishi jamiyat hayotidagi barcha faoliyat sohalarni o'z ichiga oladi, chunki jamiyat a'zolari bir – biri bilan munosabatga kirishar ekan, faoliyat yuritar ekan ularda manfaatlarning to'qnashuvi va turli nizolarning shakllanishi tabiiy holat hisoblanadi. Aynan manfaatlar to'qnashuvi, ziddiyatlarni barataraf etish, keskinlikni oldini olish va normal muloqot qilish va hayot kechirish tartibga solish uchun optimal munosabatlar protseduralari ya'ni axloqiy tizimlar ishlab chiqiladi.

Axloqdan maqsad – yuritilayotgan xo'jalikni saqlash va rivojlantirish, munosabatlardagi nizolar va keskinlikni bartaraf etish, jamiyatning tizim sifatida

ishlashini ta'minlash, o'zaro qulay va ixcham shuningdek, umumiy munosabatlar parametrini tashkil qilish hamda dunyoqarashni belgilovchi hayotiy tamoillarni (adolat, insoniylik, erkinlik va maqsadlilik) shakllantirishga olib keladi .

Jamiyat hayotidagi ma'lumotlarning eksperimental va ratsional (mantiqiy) yig'indisi sifatida axloq ruxsat etilgan harakatlar (normalar) va taqiqlangan harakatlardan (tabu) tashkil topgan.

Axloqiy ma'lumotlar o'z davrida odatlarga aylanadi, rivojlanib madaniyatga o'tadi va keyingi avlodlar uchun an'ana va qadriyat sifatida o'tishi mumkin.

Xulosa qilib aytganda, axloqning ko'pchilik e'tibor qilmaydigan jihati shundaki, u xuddi til kabi muloqot vositasi ham hisoblanadi. Ya'ni u dastlabki individual tamoillar orqali jamiyatga ta'sir qilsa, keyinchalik jamiyat tamoillari orqali individga ta'sir o'tqazadi. Axloq bu yerda til kabi aloqa vosita sifatida shifrator va deshifrator vazifalarini bajarayotganligini ko'rishimiz mumkin. Unda harakat mexanizmi bilan birga asosiy siklik talablar ham bor ya'ni, agar individ ijtimoiylashishni hohlasa jamiyat axloqiga va normalariga bo'ysunadi, agar jamiyat mavjud bo'lishni hohlasa individlarning hohish istaklarini ham hisobga olishi zarur. Bu yerda ikki tomonlama aloqa mavjudligini ko'rishimiz mumkin ya'ni ular bir – birini tashkil etadi va to'ldiradi. Lekin jamiyat mavjud bo'lishi uchun doimiy o'zaro aloqa o'ta muhim hisoblanadi. Buda axloq axborotni boyitishi va adolatni ta'minlashi zarur.

## REFERENCES

**1.** О природе возникновения морали (источники формирования нравственности). И.С. Пасешниченко. Известия вузов. Северо-кавказский регион. Общественные науки. 2010. № 4

2. О природе возникновения морали (источники формирования нравственности). И.С. Пасешниченко. Известия вузов. Северо-кавказский регион. Общественные науки. 2010. № 4

**3.** Мораль и нравственность человека как основа жизнеспособности общества. Л.Г. Дикая, А.Л. Журавлёв. Личность профессионала в современном мире. Publisher: "Институт психологии РАН"Editors. 2013 г.

4. B.Primov "Axborotlashgan davrda axloqiy qadriyatlar" International journal of philosophical studies and social sciences issn-e: 2181-2047, issn-p: 2181-2039 http://ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss Vol 4, Issue 4 (2024)

5. B.Primov "Axborotlashgan davrda axloqiy qadriyatarning yemirilishi" Oriental Journal of History, Politics and Law. Pages: 286-292 ISSN: 2181-2780 https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl

6. B.Primov "Axborotlashgan davrda global jarayonlar va madaniyatlar o'zgarishi". O'zMU xabarlari. Toshkent -2024. B-187-191

# O'ZBEKISTON VA BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI HAMKORLIGI AHAMIYATI

**Toshtemirov Rustam Abdurashidovich**
CHDPU "Fakultetlararo ijtimoiy fanlar" kafedrasi o'qituvchisi
E-mail: rustambek22091985@gmail.com

***Annotatsiya.*** Ushbu maqolada Mustaqil O'zbekiston Respublikasining Birlashgan Millatlat Tashkilotiga a'zo bo'lishi hamga dunyo hamjamiyati bilan o'zaro ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy aloqalari haqida fikr yuritilgan.

***Kalit so'zlar:*** mustqaillik, YUNISEF, YUNESKO, YUNIDO, xalqaro, xavfsizlik, sammit, forum, hamkorlik.

***Аннотация.*** В статье рассматривается членство Независимой Республики Узбекистан в Организации Объединенных Наций и ее социальные, экономические и политические связи с мировым сообществом.

***Ключевые слова:*** независимость, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЮНИДО, международный, безопасность, саммит, форум, сотрудничество.

***Abstract.*** The article examines the membership of the Independent Republic of Uzbekistan in the United Nations and its social, economic and political ties with the world community.

***Keywords:*** independence, UNICEF, UNESCO, UNIDO, international, security, summit, forum, cooperation.

1991 yil 31 avgustda O'zbekiston Respublikasining mustaqilligi rasman e'lon qilinganligidan e'tiboran xalqaro munosabatlarning to'la huquqli subyekti bo'ldi. "O'zbekiston Respublikasining davlat mustaqilligini asoslari to'g'risida"gi Qonun bu hodisaning asosiy prinsiplarini yuridik mustahkamladi.

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasi 53 ta nufuzli xalqaro tashkilotlarning to'laqonli a'zosi bo'lib ularning 20 tasining vakolotxonalari Toshkentda faoliyat yuritmoqda. 1992 yil 2 martda Hozirgi zamonning unversial xalqaro tashkiloti hisoblandigan Birlashgan Millatlar Tashkilotiga teng huquqli subyekt sifatida a'zo bo'ldi. 1993 yil 24 avgust kuni Toshkentda BMTning vakolotxonasi ochidi. Bugungi kunda yurtimizda uning qator tarkibiy tuzilmalari-Taraqiyot dasturi, Giyohvantlikka qarshi kurash dasturi, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti, Bolalar jamg'armasi (YUNISEF), Ta'lim, fan va madaniyat masalalari bilan shug'ullanuvchi organ (YUNESKO), Sanoatni rivojlantirish tashkiloti (YUNIDO) vakolotxonalari faoliyat ko'rsatmoqda.O'zbekiston va BMT a'loqalari bugungi kunda yanada mustahkamlanmoqda. Bunga misol qilib BMT bosh kotibi Pan Gi Munning 2010 yil 5 aprel kuni O'zbekiston Respublikasiga rasmiy tashrifini aytish joiz.

O'zbekistonning BMT bilan hamkorligi doirasida hozirgi havf-xatar va tahdidlarning oldini olish, ekologik muomolarni bartaraf etish, Orol dengizi xalokati oqibatlarni yengillashtirish masalalari, shuningdek zamonaviy xalqaro munosobatlarning boshqa ko'plab yo'nalishlarida dolzarb vazifalar sifatida belgilangan. Mamlakatimiz qo'shni Afg'onistondagi vaziyatni barqarorlashtirish bo'yicha muhim tashabbuslarni ilgari surdi va BMTning Afg'onistonni ijtimoiy-iqtisodiy tiklash bo'yicha turli dasturlarini amalga oshirishda samarali yordam ko'rsatib kelmoqda.

BMT bosh Assambleyasining 2000 yil sentyar oyida o'tgan "Ming yillik sammiti"da davlatimiz rahbari I.A.Karimov ishtirok etib, xalqaro terrorchilik va giyohvant moddalarning noqonuniy savdosiga qarshi kurashga mitaqaviy havfsizlikni mustahkamlashga, BMT faoliyati va uning tarkibiy tuzilishini isloh qilishga doir ko'plab takliflarni bildirdi. Xalaro jamoachilik e'tiborini yana bir bor Orol muamosiga qaratdi. Takitlamoq joizki Oroldagi vaziyat nafaqat Markazi Osiyo mintaqasi, balki butun dunyo mamlakatlarining muamosidir. Shundan kelib chiqqan holda davlatimiz rahbari "Ming yillik samiti"da ekologik havfsizlik sohasidagi xalqaro hamkorlikni qo'llab-quvvatlash ushbu hayirli ishlarga xalqaro tashkilot va donor mamlakatlardan moliyaviy vositalar jalb etish maqsadida BMTning Atrof – muhit muhofazasi bo'yicha xalqaro dasturi huzurida Orol va Orol bo'yi muamolari kengashi tuzishni taklif qildi.

"Orol bo'yi ekologik vaziyatni ko'zdan kechirib axvol o'ta murakkab ekanligiga amin bo'ldim"-dedi Pan Gi Mun- butun insoniyatni ogohlikka chorlaydi. Bu global muammoni mintaqadagi barcha davlatlar ham hamjixatlikda xal etish lozim deb takitlaganligi yuqori dagi fikrni tasdiqlaydi.

Yevropada Xavfsizlik va Hamkorlik Tashkilotining 1999 yilgi Istambul Sammitida Prezident I. A. Karimov BMT huzurida terrorchilikka qarshi kurash bo'yicha xalqaro markaz tashkil etish g'oyasini ilgari surdi. 2001 yil 28 sentabrda BMT Xavfsizlik kengashi doirasida terrorchilikka qarshi kurash qo'mitasining tashkil etilishi bu g'oyaning amaliy natijasi bo'ldi. Hozirgi kunda O'zbekiston BMTning mavjud 12 ta aksilterror konvensiyasiga hamda narkotik moddalar savdosiga qarshi kurashga oid konvensiyalariga qo'shilgan.

Bugungi kunda O'zbekiston BMTning barcha dasturlari hamda maxsus mussasalari (ihtisoslashgan organlar) faoliyatida faol ishtirok etib kelayapdi. Ular orasida eng salmoqlisi YUNESKOdir. 1946 yilning 4 noyabrida tashkil etilgan YUNESKO BMTning eng yirik tayanchi va qanoti desak mubalog'a bo'lmaydi. tashkil topgan vaqtda unga 23 ta davlat a'zo bo'lgan. M.Xoshimovning ma'lumotiga ko'ra 2008 yilda YUNESKOga a'zo davlatlar 191 tadan ziyodni tashkil etadi.

YUNESKO faoliyati besh ustivor yo'nalishni o'z ichiga oladi: Ta'lim, tabbiy fanlar, ijtimoiy fanlar, madaniyat va kommunikatsiya, oltinchi yo'nalishi sektorlararo yo'nalish bo'lib u ikki sohani qamrab oladi masalan, madaniyat va tabiiy merosi, bu yo'nalishda fan va madaniyat vakillari birgalikda ish olib boradi. tomonidan xozirda 70 dan ortiq xalvaro hujjatlar konvensiya va kelishuvlar, tavsiyalar, dekloratsiyalar tayyorlangan hamda qabul qilingan. Mamlakatimiz 1993 yil oktabrda YUNESKO bilan diplomatik aloqalar o'rnatdi. 1996 yilda Toshkentda uning vakolotxonasi ish boshladi. Bugunda O'zbekiston bilan YUNESKO o'rtasidagi munosabatlar izchil rivojlanib kelayotganligini, hamkorlikda ko'plab samarali loyihalar amalga oshirilganligini alohida takitlash joiz.

YUNESKO rahbarligida va u bilan yaqin hamkorlikda Respublikamizda ko'blab madaniy-ma'rifiy, ilmiy-amaliy tadbirlar o'tkazilib, samarali islohatlar olib borilmoqda.

Amir Temurning 660 yilligi, Mirzo Ulug'bek 600 yilligi, Muhammad Ismoil al-Buxoriy, Ahmad al- Farg'oniy, Burhoniddin Marg'uloniy, Imom Abu Mansur Motrudiy kabi buyuk bobokolonlarimiz, Samarqandning 2750 yilligi, Toshkent shahrining 2200 yilligi, Qarshi shahrining 2700 yilligi hamda Buxoro va Xivaning 2500 yilligi, Termiz shahrining 2500 yilligi, Shahrisabzning 2700 yilligi, Marg'ulon shaxarlarining 2000 yilligi hamda "Alpomish" dostonining 1000 yilligi, "Avesto"ning 2700 yilligi , Xorazm Ma'mun akdemiyasining (ming yilligi) yubileylari YUNESKO ishtirokida keng nishonlanganligini alohida aytish joizdir. YUNESKO yurtimizda o'tadigan ko'plab madaniy tadbirlarning mehmoni faol tashkilotchisi va ishtirokchisidir. Tashkilot har ikki yilda bir marta Samarqandda o'tkaziladigan "Sharq taronalari" xalqaro musiqa festivalida muntazam qatnashib keladi. 2000 yili O'zbekiston Hukumati bilan YUNESKO o'rtasida YUNESKO ning "Sharq taronalari" mukofotini ta'sis etish to'g'risidagi bitim imzolandi. Bundan tashqari "O'zbekiston Madaniyati va San'ati forumu" jamg'armasi mazkur tashkilot bilan samarali hamkorlik qilib kelmoqda.

2000 yilda e'lon qilingan Xalqaro tinchlik madaniyati dasturining amalga oshirilishida O'zbekistonning munosib xissasi bor. Yurtboshimiz takliflariga ko'ra O'zbekistonda 1998 yilning 6-7-noyabr kunlari YUNESKO Ijroiya kengashi 155-sessiyasining yakuniy yig'ilishida "Tinchlik madaniyati va a'zo davlatlarda YUNESKO faoliyati" nomli Toshkent Dekloratsiyasi qabul qilindi. Dekloratsiyada: "Bag'rikenglik – urush madaniyatidan tinchlik madaniyatiga va tinchlikka erishishga imkoniyat yaratuvchi tamoyldir", deb ta'kidlagan. 2000 yildagi Tinchlik madaniyati yiliga asos solgan xujjatlar orasida Toshkent dekloratsiyasi munosib o'rin tutudi.

YUNESKO yurtimizdagi qadimiy yodgorliklarni tiklash va targ'ib etishda faollik ko'rsatmoqda, uning jag'on merosi durdonalari ro'yxatiga qadimiy Samarqand

va Shahrisabz, Buxoro shahrining tarixiy markazi, Xivadagi Ichan Qal'a majmui kabi noyob obidalar kiritilgan. Boysun milliy folklor an'analari YUNESKO tomonidan insoniyatning og'zaki va nomoddiy durdonasi sifatida e'tirof etilgan. Shuningdek, ayrim bayramlar O'zbekiston bilan birga YUNESKOning bosh qarorgohi joylashgan Parij shahrida ham o'tkaziladi. Masalan Amir Temurning 660 yilligi, Toshkentning 2200 yilligi ken nishonlangan. YUNESKO bilan O'zbekiston aloqalari yildan yilga rivojlanib kengayib bormoqda. Bu borada BMT bosh kotibi Pan Gi Munning takitlashicha O'zbekistonning BMT bilan aloqalari izchil rivojlanib borayotganligi, tashkilotning YUNESEF, YUNESKO singari qator tuzilmalari bilan yaqindan hamkorlik mamlakatimizni jahondagi nufuzini yanada oshirishga xizmat qilayotganligini alohida takitladi.

## REFERENCES

1. Tuganova L. D., Toshtemirov R. A. AXBOROT MADANIYATINING JAMIYATDAGI AHAMIYATI //Academic research in educational sciences. – 2024. – T. 5. – №. 5. – C. 361-365.
2. Rustam Abdurashidovich Toshtemirov 2024. MEDIA CULTURE AND INNOVATIVE PEDOGICAL TECHNOLOGIES AND THEIR USE. *European Science Methodical Journal*. 2, 6 (Jun. 2024), 203–206.
3. Toshtemirov R. A. MEDIA SAVODXONLIK TUSHUNCHASI VA UNING ILMIY NAZARIY TAHLILI //Academic research in educational sciences. – 2024. – T. 5. – №. 2. – C. 692-701.
4. Toshtemirov R. A. Virtual haqiqat va uning insonga ta'siri, Ta'lim va innovatsion tadqiqotlar, Xalqaro ilmiy-metodik jurnal, 2-qism, 2023, 306-309 B.
5. Toshtemirov R. A. Media education is an important factor in protecting young people from negative information //SCHOLAR, Multidisciplinary Scientific Journal. – 2023. – T. 1. – №. 29. – C. 187-195.
6. Toshtemirov R. A. MAKTAB TA'LIM JARAYONINING OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI BILAN UZVIYLIGI //SCHOLAR. – 2023. – T. 1. – №. 34. – C. 569-573.
7. Toshtemirov R. A. VIRTUAL OLAM //SCHOLAR. – 2023. – T. 1. – №. 34. – C. 138-143.
8. Toshtemirov R. A. YANGI O 'ZBEKISTON FUQAROLARINING FAOLLASHUVIDA MEDIA VA AXBOROTNI AHAMIYATI //SCHOLAR. – 2023. – T. 1. – №. 34. – C. 539-543.

# МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ПРИМЕНЕНИЮ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИСТОРИИ

**Чолпон Идирисовна Сааданбекова**
доктор философских наук, профессор
Кыргызского национального университета им. Ж. Баласагына
**Илмуродова Феруза Шакировна**
ЧГПУ Узбекистан, Чирчик

**Аннотация:** в статье описаны методические рекомендации по применению методики преподавания истории, идея организации лекционного занятия на основе современного дидактического конспекта.

**Ключевые слова:** технология, лекция, образовательный модуль, базовое образование, современная дидактика, студент, читатель, интеллектуальное мышление**.**

При подготовке кабинетов истории в средних школах под лекционный зал следует обратить внимание на то, чтобы учащиеся проводили занятия в небольших или больших группах. Для учащихся должны быть созданы физически комфортные условия. У учащихся должны быть непринужденные отношения с небольшой группой. Материалы для творческой работы, если их подготовить заранее, способствуют повышению качества образования. На уроках истории следует серьезно подходить к процессу и регулированию. Об этом необходимо договориться с самого начала и не портить его.

Например, все читатели должны терпеливо относиться к каждой точке зрения, уважая свободу слова, ее ценность[1]. Строить его нужно по собственному усмотрению, серьезно относясь к разделению учащихся на группы. Тогда целесообразно использовать принцип случайного отбора. Психологическая подготовка учащихся должна быть облегчена. Дело в том, что далеко не каждый, кто приходит на тренинг, психологически готов непосредственно приступить к тому или иному виду работы. На это в какой-то степени влияет традиционность его поведения. Упражнения в этом плане, постоянные стимулы для активного участия учащихся в работе, полезно будет создавать возможности для проявления самого учащегося. При использовании различных методик на занятиях по истории в группе не должно быть большого количества учащихся[2]. Количество участников и качество обучения будут напрямую зависеть друг от друга. Работа обычно эффективна, если количество

сотрудников не превышает 30 человек. Только при соблюдении этого условия, при оптимальном составе из 4-6 человек, продуктивная работа может вестись в небольших группах[3]. При организации уроков истории учителям рекомендуется ставить перед собой следующие образовательные цели:

- В конце каждой отдельной части обучения необходимо точно определить, чему именно вы хотите обучить участников;
- К определению существующих образовательных целей следует подходить творчески;
- Необходимо говорить на понятном для участников языке;
- Образовательные цели должны служить "этапами на пути" вашей программы.
- Необходимо быть готовым ответить на вопрос "зачем;
- "Какая мне от этого польза?", вам нужно подготовить ответы;
- Не следует обещать то, чего вы не можете выполнить. Важно связывать каждую цель с какой-либо работой или заданием, которые можно измерить;
- Критерии оценки должны быть продуманы заранее. Когда станет легко понять, как можно измерить, можно приступать к описанию целей;
- Ожидания должны быть краткими. важно, чтобы участники могли понять, в чем заключается содержание каждой цели, без необходимости перечитывать или обдумывать ее несколько раз;
- Во время урока педагог может выразить свои цели с помощью примеров.
- Предварительная проверка определения целей. Вы объяснили цели достаточно ясно, чтобы убедиться в этом, задайте участникам группы следующий вопрос: "О чем здесь идет речь?". Также попробуйте определить свои цели на примере ваших коллег;

Любое задание или вопрос для оценки не должны разрабатываться, если они не связаны с заявленными целями. когда есть достаточные основания для выставления оценки за задание, участники имеют право проверить, соответствует ли оно учебной программе.

Нельзя допускать, чтобы цели, поставленные на начальном этапе обучения, не были реализованы, после чего ситуация вообще не будет рассматриваться. В конце каждого этапа обучения важно повторять возвращение к ним. Эффективное преподавание истории важно для повышения качества образования, формирования национальной идентичности, исторического сознания и патриотических чувств у подрастающего поколения. В соответствии с требованиями современного образования необходимо эффективно применять интерактивные, инновационные методы в преподавании истории, не полагаясь только на традиционные методы. В частности, такие

подходы, как кейс-стади, дебаты, история через образы личностей, образование, проектная деятельность, работа с историческими источниками, развивают самостоятельное мышление студента, помогают глубже усваивать знания.В преподавании истории важны методические подходы, направленные на содержательную насыщенность занятий, непредвзятый подход к историческим событиям, формирование у учащихся навыков анализа, сравнения, составления плана урока. Решающим фактором в этом является высокий уровень знаний преподавателя, методические навыки и умение использовать современные технологии.

Таким образом, адаптивное использование различных методик в преподавании истории, создание активной образовательной среды и внедрение личностно-ориентированного подхода к учащимся еще больше повысят эффективность образования.

## REFERENCES

1. Юлдашев Х.Ф. Основы педагогической технологии. - Т.: "Хрестоматия", 2001.

2. Юлдашев Х.Ф., Хасанов С. Педагогические технологии. - Т.: "Финансы", 2009.

СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ / SOVREMENNOE OBRAZOVANIE 2015,

3. А.Садиев В. Преподавание истории народов Узбекистана.- Ташкент: Учитель, 1993. -С.3-44.

4. Shakirovna, Feruza. "The Role of English Fictional Literature in Developing Students' Socio-Cultural Competence." International Journal of New Approaches in Social Studies 6.2 (2022): 235-243.

5. Shakirovna, Feruza. "Developing Students Socio-Cultural Competence By Reading English Fictional Literature." Journal of Education and New Approaches 5.2 (2022): 213-220.6. Shokirovna, Ilmurodova Feruza. "World of Science: Journal on Modern Research Methodologies." (2023).

# МАИШИЙ СОҲАДА АЁЛЛАР ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Жамшид Камолович Раҳмонов**
хуқуқшунос, тадқиқоти
**Феруза Шакировна Илмуродова**
ЧДПУ, Факультетлараро ижтимоий фанлар кафедраси
тарих фани ўқитувчиси
тел: +998 97 136 10 72

**Аннотаия:** Мақолада аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан оиладаги зўравонликнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳар томонлама таҳлил қилинган. Ушбу муаммони ўрганишнинг методологик асоси илмий билимларнинг умумий тамойиллари ва усуллари, шу жумладан синтез ва таҳлил, статистик, қиёсий ҳуқуқий усуллардан фойдаланадиган тизимли ёндашувдир. Мақолада аёллар ва болалар ҳуқуқларини оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган профилактика чораларининг хусусиятларини ўрганиш натижалари келтирилган. Ушбу тоифадаги фуқароларга нисбатан оиладаги зўравонлик фактларини минималлаштириш бўйича амалдаги чора-тадбирларни самарали амалга ошириш зарурлигида, шунингдек аниқланган муаммо доирасида қонунчилик базасини такомиллаштиришда ўз аксини топмоқда.

**Калит сўзлар:** оиладаги зўравонлик, оилавий ва маиший муносабатлар, вояга етмаганлар, олдини олиш, зўравонлик ҳаракатлари, ҳимоя қилиш, чора-тадбирлар, ижтимоий реабилитация.

**Аннотация:** в статье представлен всесторонний анализ социально-правовых аспектов бытового насилия в отношении женщин и несовершеннолетних. Методологической основой изучения данной проблемы является системный подход, использующий общие принципы и методы научного познания, включая синтез и анализ, статистические, сравнительно-правовые методы. В статье представлены результаты исследования особенностей профилактических мер, направленных на защиту прав женщин и детей от бытового насилия.

**Ключевые слова:** бытовое насилие, семейно-бытовые отношения, несовершеннолетние, профилактика, акты насилия, защита, меры, социальная реабилитация.

**Annotation:** the article provides a comprehensive analysis of the socio-legal aspects of domestic violence against women and minors. The methodological basis for the study of this problem is a systematic approach that uses general principles and methods of scientific knowledge, including synthesis and analysis, statistical, comparative legal methods.

**Keywords:** domestic violence, domestic and domestic relations, minors, Prevention, Acts of violence, protection, measures, social rehabilitation.

Аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш масаласи жиддий ижтимоий муаммодир ва унинг ечимига дунё миқёсида эътибор қаратиш талаб этилади. Жамият тараққиёти билан оиладаги зўравонлик эндиликда фақат эр-хотин муносабатларининг шахсий масаласи эмас, балки баъзи ҳолатларда давлат ва жамият аралашувини талаб қиладиган муаммога айланди. Ҳозирги кунда, бир қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири туфайли, Ўзбекистонда оилавий зўравонлик хавфли даражада кенг тарқалган бўлиб, мустақил экспертларнинг баҳолашича, 2024 йилнинг биринчи чорагида оилавий зўравонлик моддалари бўйича 4 477 нафар шахс жавобгарликка тортилган. 2023 йилнинг ўтган олти ойида оилавий зўравонликдан 20 мингга яқин аёл жабр кўрган. Бу рақамлар оилавий зўравонликнинг жиддий муаммо эканлигини кўрсатади.

Оиладаги зўравонлик ҳаракатларининг моҳиятини таҳлил қилганда, унинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Жисмоний зўравонлик – аёллар ва болаларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, ўлдириш, турли даражада тан жароҳати етказиш, калтаклаш, азоб бериш, жисмоний қўрқитиш, мажбурий ҳаракатларга ундаш ва ҳоказолар;
2. Психологик зўравонлик – ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, назорат қилиш ва жабрланувчини бошқариш;
3. Иқтисодий зўравонлик – молиявий манбалардан маҳрум қилиш, даромад ва харажатларни назорат қилиш ва ҳоказо.

Оиладаги зўравонликнинг жиноий хусусияти унинг яширинлиги ва жиноятчи билан жабрланувчи ўртасидаги алоҳида муносабатлар сабабли янада кучаяди. Кўп ҳолларда бундай жиноятлардан жабрланувчилар аёллар ва вояга етмаганлар бўлади.

Оилавий муносабатларда содир этиладиган мазкур жиноятларнинг ижтимоий хавфи юқори даражада эканлиги бу соҳани ўрганишнинг муҳимлигини кўрсатади. Шунинг учун аёллар ва болаларга нисбатан оиладаги зўравонликни олдини олиш тизимини тадқиқ қилиш ва профилактика чораларининг самарадорлигини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Оиладаги зўравонликка қарши курашда профилактика асосий элемент ҳисобланади. Бу борада қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилади:

- Давлат сиёсатида ўзгаришлар киритиш, уни миллий манфаатларга мослаштириш;
- Ижтимоий тартибсизликка қарши курашиш;
- Оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- Мактаб таълим тизимини такомиллаштириш;
- Бўш вақтни самарали ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш;
- Давлатнинг маданий ва ахборот сиёсатига ўзгартиришлар киритиш;
- Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, алкогол ва наркотик моддалар истеъмолининг олдини олиш;
- Жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш тизимини ривожлантириш;
- Жамоатчиликни оилавий зўравонликка қарши курашга жалб қилиш;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш;
- Оммавий ахборот воситалари орқали оилавий зўравонликка қарши тарғибот ишларини олиб бориш;
- Зўравонликка сабаб бўлувчи руҳий муаммоларнинг олдини олиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш.

Жиноятларнинг олдини олиш ҳақида сўз борганда, кўпинча иқтисодий чоралар биринчи ўринга чиқади. Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чоралар зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар сонини камайтиришга ёрдам бериши мумкин. Чунки иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолган одамлар жиноят содир этиш эҳтимолига эга бўлади. Шунинг учун қуйидаги иқтисодий тадбирлар муҳим аҳамиятга эга:

- Миллий саноат ва қишлоқ хўжалигини тиклаш;
- Молия тизимини мустаҳкамлаш, инфляцияни пасайтириш;
- Аҳоли даромадлари орасидаги тафовутни қисқартириш;
- Кам таъминланган оилаларни, айниқса аёллар ва болаларни моддий қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодий барқарорлик жамият аъзоларининг руҳий ҳолатини яхшилайди, ташвиш ва стрессни камайтиради ҳамда оиладаги зўравонлик келиб чиқиши эҳтимолини пасайтиради. Бироқ, фақат иқтисодий чоралар билан бу муаммони ҳал қилиш мумкин эмас. Чунки иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда ҳам оилавий зўравонлик ҳолатлари кам эмас. Масалан, Японияда 1990-йилдан буён болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари мавжуд ва йиллик статистика 60 000 та ҳолатдан ошиқлигича қолмоқда. Бу шундан далолат беради, фақат моддий фаровонлик бу муаммони ҳал қилиш учун етарли эмас.

Ушбу муаммони ўрганишда тизимли ёндашув қўлланилди, у бир қатор умумий илмий тамойиллар ва усулларни ўз ичига олади. Жумладан:

- Синтез ва таҳлил;
- Статистик таҳлил;
- Солиштирма-ҳуқуқий методлар.

Оилавий зўравонликни камайтиришнинг асосий йўли – давлат томонидан оилаларга ғамхўрлик қилишдир. Оилада содир этиладиган жиноятларнинг кўплигига қарамай, оила ўзи зўравонликка қарши профилактиканинг асосий иштирокчиси ҳисобланади. Бу борада давлат сиёсатининг икки асосий жиҳати мавжуд:

1. Оиладаги зўравонликни аниқлаш ва унинг олдини олиш, оилаларда жиноий мойилликни шакллантиришга йўл қўймаслик;
2. Болаларни тўғри тарбиялаш учун қулай муҳит яратиш, ота-оналарга таълимий ёрдам кўрсатиш, мактаб ўқитувчилари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва алкоголизмни камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Одамлар бошқа йўллар билан стрессдан халос бўлиш имкониятига эга бўлиши керак.

Қонунчиликни кучайтириш ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу йўналишда зўравонлик жиноятларини фош этиш ва олдини олиш бўйича юқори даражали мутахассисларни тайёрлаш, уларни керакли воситалар билан таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини ҳал қилиниши лозим бўлган мураккаб вазифаларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, маҳаллий ҳуқуқ-тартибот тузилмаларини ривожлантириш, бўлимларни оптималлаштириш, уларнинг фаолият шаклларини такомиллаштириш ва тарбиявий ишларда фаол иштирокини таъминлаш зарур. Бу органлар аҳолига яқин бўлиши ва зўравонлик жиноятларини эрта босқичда олдини олишга қодир бўлиши керак.

Жамиятимизда ислоҳотни талаб қилувчи навбатдаги омил – бу содир бўлаётган ҳодисаларга онгли муносабатдир. Ҳар бир фуқаро бошқаларнинг салбий таъсирига қарши тура олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. "Блогерлик" йўналишининг ривожланиши билан кўплаб одамлар оиладаги зўравонлик ҳақида ўз фикрларини билдиришни бошлади. Жамиятнинг муносабати ижобий натижаларни кўрсатди ва ушбу жиноят турининг яширинлиги камайгани аниқланди. Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида оилавий зўравонлик танқид қилиниши жамиятда унинг ижтимоий

хавфли ҳодиса эканлигини англашга ва унга қарши курашиш зарурлигини шакллантиришга ёрдам берди.

Бу жараён доирасида турли таълим дастурларини яратиш мақсадга мувофиқ. Улар болалар ва катталарни жамиятдаги хулқ-атвор қоидалари, оилавий муносабатларни тартибга солувчи асосий қонунлар, зўравонликнинг турли кўринишлари ва унинг олдини олиш усуллари билан таништиришга қаратилган бўлиши лозим. Хотин-қизлар ва вояга етмаганларга нисбатан жиноятларнинг олдини олишда профилактика муҳим ўрин тутади. Оилавий (маиший) зўравонлик қурбонларининг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил этади. Ш.У. Степаняннинг таъкидлашича, аёллар ва болалар оиладаги оғир зўравонлик қурбонларининг 70 фоизини ташкил этади. Объектив ўз-ўзини таҳлил қилиш хусусиятларини аниқлаш жиноят қурбонига айланиш эҳтимолини камайтиришда биринчи қадамдир. Жуда тортишувчанлик ҳам, зиддиятдан қўрқиш ва ўзини ишончсиз тутиш ҳам хавфли ҳисобланади. Оилавий зўравонлик бўйича 2024 йилда умумий жиноятлар сони 132,298 таснифланган бўлиб, бу 2023 йилга нисбатан 27.1% га кўп. Жабрланувчилар жамиятнинг барча қатламлари орасида бир хил тақсимланмаган. Шунинг учун профилактика тадбирларини ишлаб чиқишда турли аҳоли қатламларига индивидуал ёндашиш муҳим.

Жиноят қурбонларини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас[1].

Оилавий-маиший зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Давлат вазифаси барча фуқаролар, айниқса аёллар ва болалар учун хавфсизликни таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва зўравонликдан чиқиб кетиш имкониятини яратишдир.

Ўзбекистонда зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ уч хил муассаса фаолият кўрсатади:

1. Ижтимоий реабилитация марказлари — ушбу марказлар аёллар ва болаларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни муаммоларидан чиқаришга ёрдам бериш, психологик ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида фаолият юритади.

2. Ижтимоий бошпаналар — зўравонликдан жабр кўрган аёллар ва болалар учун вақтинча паноҳ бериш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ёрдам бериш учун махсус муассасалар.

3. Васийликсиз қолган болаларга ёрдам марказлари — аёллар ва болалар учун ижтимоий ёрдам ва муҳофаза ташкил этиш, болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва уларга ёрдам бериш учун ташкил этилган марказлар[2].

Ижтимоий реабилитация маркази маҳаллий ижтимоий ҳимоя органлари тизимида ташкил этилади. Унинг асосий вазифалари: қарамоғисиз қолган болаларнинг олдини олиш, хотин-қизлар ва болаларнинг ижтимоий реабилитациясини таъминлаш. Шунингдек, марказ жабрланувчилар учун вақтинчалик яшаш жойи, ижтимоий ва психологик ёрдам, ҳуқуқий ҳимоя хизматларини тақдим этади. Ижтимоий бошпаналар эса оғир вазиятга тушиб қолган вояга етмаган болаларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган. Улар жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, бошқа давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда уларни аниқлайди, муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради[3]. Васийликсиз қолган болаларга ёрдам марказлари эса ижтимоий хавфга учраган оилалар, аёллар ва болаларга ёрдам кўрсатиш, руҳий, ижтимоий ва ҳуқуқий кўмак бериш учун ташкил этилган. Улар зўравонлик қурбонлари, хусусан, аёллар ва болалар билан ишлашни йўлга қўяди. Шунингдек, бу марказлар психологик ёрдам ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш учун маслаҳатлар беради. Шу сабабли, оилавий зўравонликка қарши кураш ва унинг олдини олиш учун давлат ва жамият биргаликда иш олиб бориши зарур.

Кўплаб марказлар ўз-ўзини ёрдам сўраб мурожаат қилган аёллар ва вояга етмаганларни, шунингдек, ота-оналар (қонуний вакиллар) ташаббуси билан келган вояга етмаганларни, Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ бошқа асослар бўйича йўналтирилган шахсларни куну-тун қабул қилади. Оилавий зўравонлик қурбонлари марказда ижтимоий ёрдам ва ижтимоий реабилитация олиш ҳамда келгусидаги турмуш тарзига оид масалалар ҳал бўлгунга қадар қолишлари мумкин. Шунингдек, ижтимоий-реабилитация марказларида вояга етмаган шахсларнинг шахс сифатида ривожланиши, уларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш, аёллар ва вояга етмаганларга психологик ёрдам бериш, ҳуқуқий онгни ривожлантириш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тадбирлар ўтказилади. Болалар учун ижтимоий бошпаналар эса Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ҳимоя органлари ёки маҳаллий ҳокимият тизимида ташкил этиладиган махсус муассасалар ҳисобланади[4]. Уларнинг асосий вазифаси оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган вояга етмаганларга тезкор ижтимоий ёрдам кўрсатишдир. Бу муассасалар шунингдек, аёллар ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, таълим, соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ижтимоий ёрдамга муҳтож аёллар ва болаларни аниқлаш бўйича

тадбирларни амалга оширади. Шунингдек, оғир вазиятга тушган аёллар ва болалар учун вақтинчалик бошпана таъминлайди, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади, болаларни оилаларга қайтаришга кўмаклашади.

Оилавий зўравонликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан шуғулланувчи яна бир муассаса ижтимоий ҳимоя марказларидир. Уларнинг мақсади оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар ва болалар учун реабилитация, ижтимоий, психологик (шу жумладан, тезкор), ҳуқуқий, тиббий ва бошқа ёрдамларни кўрсатишдан иборат[5]. Бу марказлар шунингдек, қийин вазиятга тушган болаларни қайта жамиятга мослаштириш ва оиладаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш билан шуғулланади. Ижтимоий марказлар ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг муҳим шакли ҳисобланади. Улар ижтимоий хавфли вазиятда қолган оилалар, аёллар ва болаларга кўмаклашиш, уларнинг руҳий, ижтимоий ва ҳуқуқий реабилитациясини таъминлаш, жамиятдаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш билан шуғулланади. Шу билан бирга, бу марказлар зўравонлик қурбонлари – аёллар ва болалар билан ишлашни олиб боради, уларга экстрен психологик ёрдам кўрсатади, ишга жойлашиш ва таълим масалалари бўйича маслаҳат беради, мавжуд муаммоларни ҳал этишда ёрдам беради.

Шунингдек, оиладаги жиноятчиликнинг олдини олиш – бу давлат томонидан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, идеологик, таълимий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олган комплекс жараён ҳисобланади. Профилактика тадбирларининг асосий вазифаси – жиноятчиликка сабаб бўлувчи ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатиш, уларни йўқ қилиш ёки кучини пасайтиришдир. Жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, у жиноят содир этилишининг олдини олиш ёки унинг эрта босқичда тўхтатилишига имкон беради. Бу жараён жиноятчиликка қарши курашишда фақат ҳуқуқий чоралар билан чекланмай, иқтисодий, маданий, таълимий, ижтимоий, психологик, тиббий, техник ва бошқа усуллардан ҳам самарали фойдаланиш имконини беради.

## REFERENCES

1. Степанова И. Б., Явчуновская Т. М. Криминологические аспекты насилия в семье // Вестник Ивановского государственного университета. — 2014. — № 4. — С. 15-25.
2. Авсеенко Е. В. Криминология. — М., 2008. С. 202-205.
3. Степанян Ш. У. Криминогенные факторы в семье — катализатор женской преступности // Гражданин и право. — 2018. — № 8. — С. 60-65.

4. Бураков В. Н., Кропачев Н. М. Криминология: Учеб. пос. — СПб., 2023. С. 98.
5. Ханова З. Р. Проблемы предупреждения преступлений против несовершеннолетних // 2009. — № 3. С. 238.

# OLIY TA`LIM TIZIMIDA INOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

**Nurmanov Sherzod**
Chirchiq davlat Pedagogika universiteti Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasi o`qituvchisi:

**Annotatsiya:** Oliy ta'lim tizimida innovatsion texnologiyalarni qo'llash ta'lim jarayonining samaradorligini oshirishda muhim rol o'ynaydi. Zamonaviy texnologiyalar, xususan, onlayn ta'lim platformalari, raqamli vositalar va virtual sinflar o'quvchilarga o'z bilimlarini kengaytirish, o'qituvchilar bilan samarali muloqot qilish imkonini beradi. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim jarayoni yanada interaktiv va moslashuvchan bo'lib, talabalarni zamonaviy mehnat bozorida muvaffaqiyatli faoliyat yuritish uchun zarur ko'nikmalar bilan ta'minlaydi.

**Kalit so'zlar:** Innovatsion texnologiyalar, Oliy ta'lim tizimi, Onlayn ta'lim, Virtual sinflar, Raqamli ta'lim, Ta'lim jarayoni, Interaktiv ta'lim, Aralash ta'lim, Ta'lim sifatini oshirish

**Аннотация:** Внедрение инновационных технологий в систему высшего образования играет важную роль в повышении эффективности образовательного процесса. Современные технологии, такие как онлайн-платформы, цифровые инструменты и виртуальные классы, дают студентам возможность расширять свои знания и эффективно взаимодействовать с преподавателями. Применение инновационных технологий делает учебный процесс более интерактивным и адаптивным, обеспечивая студентов необходимыми навыками для успешной профессиональной деятельности в условиях современного рынка труда.

**Ключевые слова:** Инновационные технологии, Система высшего образования, Онлайн обучение, Виртуальные классы, Цифровое обучение, Образовательный процесс, Интерактивное обучение, Смешанное обучение, Повышение качества образования

**Annotation:** The integration of innovative technologies in higher education plays a crucial role in enhancing the effectiveness of the educational process. Modern technologies, such as online learning platforms, digital tools, and virtual classrooms, provide students with the opportunity to expand their knowledge and interact effectively with instructors. The use of innovative technologies makes the learning process more interactive and adaptive, equipping students with the essential skills needed for successful professional engagement in the modern labor market.

**Keywords:** Innovative technologies, Higher education system, Online learning, Virtual classrooms, Digital education, Educational process, Interactive learning, Blended learning, Improving educational quality.

**Ta'limdagi innovatsion texnologiyalar** - bu ta'lim jarayonini samarali va interaktiv tarzda tashkil etish uchun joriy etilgan zamonaviy texnologik vositalar va metodlardir. Innovatsion texnologiyalar o'qituvchilar va talabalar o'rtasidagi aloqani yaxshilash, bilimlarni o'zlashtirish jarayonini optimallashtirish va ta'limni zamonaviy mehnat bozorining talablariga moslashtirishga yordam beradi. Bu texnologiyalar o'quvchilarga yanada kengroq imkoniyatlar yaratadi, o'quv jarayonini qiziqarli va samarali qiladi.[170]

Ta'limdagi innovatsion texnologiyalarni qo'llashning asosiy yo'nalishlari:

**Onlayn ta'lim platformalari**

- **Masalan**, Coursera, edX, Moodle kabi platformalar talabalar uchun turli kurslar va resurslarni taklif etadi. Bu platformalar vaqt va joyga bog'lanmasdan o'qish imkonini yaratadi.

**Interaktiv dars materiallari**

- **Masalan**, raqamli ta'lim dasturlari, simulyatsiyalar, animatsiyalar va interaktiv video darslar. Bular talabalar uchun o'zlashtirishni osonlashtiradi va diqqatni jalb etadi.

**Virtual va aralash ta'lim**

- **Masalan**, Zoom yoki Google Meet orqali o'qituvchilar talabalar bilan videokonferensiyalar o'tkazadilar. Bu turdagi ta'lim onlayn va an'anaviy darslarni birlashtiradi, ta'lim jarayonini individuallashtirish imkonini beradi.

6. Al-Ghazali, *A*. (2002). *Ihya' ulum ad-din.* Al-maktaba al-Asriya.
7. Khwaja Moinuddin Chishti, (2000). *Sufizm: Tasavvufning tarixi va ahamiyati*. Delhi: Rumi publishing.
8. Komilov N. (1996). Tasavvuf. Birinchi kitob. - T.: Yozuvchi.
9. Mahmud As'ad Jo'shon. (2004). Tasavvuf va go'zallik. – T.: Adolat.

[8] Mahmud As'ad Jo'shon. (2004). Tasavvuf va go'zallik. – T.: Adolat.B.34.

# 16-YUZYILLIK BOSHLARIDA TURON VA ERON O'RTASIDA DINIY ZIDDIYATLARNING KUCHAYISHI

**A. S. Usmonov**
FA Tarix instituti tayanch doktoranti
Elektron pochta manzili: abdullajonusmonov0@gmail.com

**ANNOTATSIYA:**

Ushbu maqolada 16-yuzyillik boshlarida Turon va Eron o'rtasida diniy ziddiyatlarning paydo bo'lishi sabablari hamda bu ziddiyatlarning ikki mintaqa o'rtasidagi aloqlalarga ta'siri yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** Turon, Eron, Shayboniylar, Safaviylar, Muhammad Shayboniyxon, Shoh Ismoil Safaviy, sunniy, shia, diniy ziddiyatlar.

**АННОТАЦИЯ:**

В данной статье освещаются причины возникновения религиозных противоречий между Тураном и Ираном в начале XVI века, а также влияние этих противоречий на взаимоотношения между двумя регионами.

**Ключевые слова:** Туран, Иран, Шейбаниды, Сефевиды, Мухаммад Шейбани-хан, Шах Исмаил Сефеви, сунниты, шииты, религиозные конфликты.

**ABSTRACT:**

This article examines the causes of religious conflicts that emerged between Turan and Iran at the beginning of the 16th century, as well as the impact of these conflicts on the relations between the two regions.

**Keywords:** Turan, Iran, Shaybanids, Safavids, Muhammad Shaybani Khan, Shah Ismail Safavi, Sunni, Shia, religious conflicts.

Shayboniylar hokimiyat tepasiga kelgan davrdan boshlab butun 16-yuzyillik mobaynida faol tashqi siyosat olib borishga harakat qildilar. Hukmronliklarining dastlabki davridayoq ular bilan oldinma-keyin, Eronda safaviylar, Hindistonda boburiylar hukmronligining o'rnatilishi natijasida mintaqada uch siyosiy kuchning manfaatlari to'qnashdi. Manfaatlar kesishgan asosiy nuqta siyosiy, harbiy va iqtisodiy jihatdan muhim ahamiyatga ega bo'lgan Xuroson edi. Bu masalani hal qilishga qaratilgan harakatlarni amalga oshirishda shayboniylar va safaviylar faollik ko'rsatdilar.

Shayboniylar ham, safaviylar ham musulmon sulolalar bo'lsa ham, shayboniylar islom dinining sunniylik, safaviylar esa shialik oqimiga e'tiqod

qilganlar. Bu esa ular o'rtasida faqat hudud uchun kurash ketmay, diniy ziddiyatlar ham vujudga kelishiga sabab bo'ldi. Butun 16-yuzyillik davomida Xurosonni nazorat qilishshda Muhammad Shayboniyxon, Ubaydullaxon va Abdullaxon II davrida shayboniylar ustun turganlar. Qolgan paytlarda safaviylar tashabbusni qo'lga olishga erishganlar. Xuroson uchun kurashda safaviylar yo'liga g'ov bo'ladigan bir to'siq bor edi. U ham bo'lsa, ularning shimoli-garbidagi qo'shnilari va ashaddiy raqiblari usmonliylar saltanati hisoblangan. Safaviylarning ikki tomondan bosimga uchrashidan shayboniylar ustalik bilan foydalanib kelganlar[9].

Muhammad Shayboniyxon 1507-yili Xurosonning katta qismini egallagach, davlatininng chegaralari Safaviy davlati chegaralariga tutashdi. Bu davlatlarning chegaralari tutashgach, ular o'rtasida siyosiy aloqlar ham boshlanib, bir-birlariga maktublar jo'natishdi. Birinchi bo'lib Muhammad Shayboniyxon maktub yo'lladi. Ammo bu maktub saqlanib qolmagan. Maktub mazmunini esa Shoh Ismoilning javob maktubi orqali bilishimiz mumkin. Bu maktubning asosiy maqsadi Shayboniyxonning Xuroson yurishidagi muvaffaqqiyatlarini va Shoh Ismoil saroyidan Badiuzzamon mirzoning panoh topganidan noroziligi bildirish maqsadida yuborgan. Shoh Ismoil Safaviy 1508-yil 30-iyulida bu maktubga javob yuboradi. Muhammad Shayboniyxon ilk maktubida qo'lga kiritgan yerlari ajdodlaridan unga o'tganini, shu sababli maqsadi bu yerlarda farovonlik va adaolatni ta'minlash ekanligini aytadi[10].

Bu maktubi orqali Muhammad Shayboniyxon ochiqchasiga Xuroson uning mulki ekanligini bildirib, Ismoil Safaviyning bu o'lkaga bo'lgan da'volaridan voz kechishini talab qiladi. Bundan tashqari Muhammad Shayboniyxon o'zi hukmronlik qilayotgan hududlarda masjid, madrasa va boshqa imoratlarni ta'mirlash maqsadida Shoh Ismoildan mohir muhandis va ustalarni yuborishni va haj ziyoratini qulaylashtirish uchun Makka va Madinaga boradigan yo'llarni tartibga keltirishni ham talab qiladi.

Shoh Ismoil javob maktubida avvalo xonning maktubini qabul qilgani va xonning istaklaridan voqif bo'lganini ma'lum qilish bilan boshlab, ikki o'lka orasida kelib ketayotgan yo'lovchilardan Muhammad Shayboniyxonning unga nisbatan dushmanona kayfiyatda ekanligini eshitganini yozadi. Bu ma'lumotlarga ishonmasa-da, xonga o'tmishdagi do'stliklarini eslatib, ayni bir Allohga va Payg'ambarga e'tiqod qilishlarini qo'shimcha qiladi.

Shohning bunday bosiqlik bilan javob maktubini yozishdan maqsadi ayni damda Shayboniyxon bilan urishga kirishni istamayotganida edi. Chunkli bu vaqtda

[9] Azamat Ziyo. O'zbek davlatchiligi tarixi. T. 2001. B 253
[10] SAFEVİ–ÖZBEK SİYASİ İLİŞKİLERİ VE OSMANLI'NIN TESİRİ (1524–1630). Gülay KARADAĞ ÇINAR. Doktora Tezi, Nisan, 2011 Afyonkarahisar. S. 27

Shoh Ismoil Eron hududini to'liq birlashtirish va ko'chmanchi turkman qabilalarini o'ziga bo'ysundirish bilan band edi.

Shoh Ismoil maktubi davomida maqsadi islom dini dushmanlariga qarshi kurashish ekanligini ta'kidlab, bu kurashda Muhammad Shayboniyxonni o'ziga ittifoqchi bo'lishini taklif qiladi. Ammo maktubda Shoh Ismoil shiallikka bo'lgan e'tiqodini ham qayd etadi. U Ali va uning oilasiga bo'lgan muhabbatini ushbu jumlalarda keltiradi:

- Sharqdan g'arbga qadar har yerda imomlar bo'lsa,
- Biz uchun Ali va oilasi yetarlidir.

Bu maktubda yana Ismoil Safaviy yo'lovchi va savdogarlarning o'zbeklarning dushmanona harakatlar qilayotgani haqidagi fitna va fasodlarga ishonmaganini va tez orada bu fitnachilarni yo'q qilib, eski do'stlik rishtalarini davom ettirishini ham ta'kidlaydi.

Muhammad Shayboniyxon Hirotni egallaganidan so'ng Xuroson hududlarini o'ziga bo'ysundirish uchun kurashni davom ettirishi o'rtadagi munosabatlarni keskinlashtiradi. Ayniqsa, o'zbeklar tomonidan safaviylar tasarrufi doirasida bo'lgan Kirmon talon-taroj qilingach Ismoil Safaviy Xuroson uchun qurolli kurashga kirishadi. Xon va shoh o'rtasidagi bir-birlariga maktub yuborish ham to'xtamaydi. Ammo maktublar mazmuni o'zgarib, endi birbirlariga tahdid va po'pisa ko'rinishiga o'tadi. Muhammad Shayboniyxon Ismoil Safaviyga quyidagi baytni o'z ichiga olgan maktub yubordi:

- Bizning harob Iroq mulkiga tamohimiz yo'qdur
- Makka va Madinani qo'lga olgandan so'ng bir ahamiyati yo'qdur

Ammo Muhammad Shayboniyxonning bu maktubi ham bizgacha yetib kelmagan.

Bu maktubga javoban Shoh Ismoil Muhammad Shayboniyxonga bu baytli maktubni yuboradi:

Har kim Alining quli bo'lmasa,

Yuz marta Makka va Madinani qo'lga kiritsa ham ahamiyati yo'qdur[11].

Ismoil Safaviy bu maktubini elchisi Qozi Ziyovuddin Nurulloh orqali yuboradi. Shoh Ismoil ushbu maktubida Mashhaddagi Imom Rizoning maqbarasini ziyorat qilish istagini bildirib, bunga hech kim monelik qilolmasligini urg'ulaydi.

Ikki o'rtada yozilgan maktublarning oxirgisini Muhammad Shayboniyxon yozadi. Bu maktub 1510-yilda yozilgan bo'lib, maktubda Ismoil Safaviyni Eron hududlarining dorug'asi deb ataydi. Shu sababli Shoh Ismoil Muhammad Shayboniyxonga qarshi harakatlar qilmasligini va sunniylik mazahabini qabul

[11] Həsən bəy Rumlu. Əhsənüt-təvarix (Tarixlərin ən yaxşısı). Kastamonu: Uzanlar, 2017, s.403

qilishini ochiqchasiga talab qiladi. Hukmronlik otadan o'g'ilga meros ekanligini aytib, Turkiston, Xuroson va hatto Eron unga ajdodlaridan meros qolganini va bu hududlarga Muhammad Shayboniyxon haqli ekanligini ta'kidlaydi. Muhammad Shayboniyxon bu maktubni yetkazish uchun Kamoliddin Muhammad Obivardiyni tayinlaydi[12]. Bu elchi orqali Muhammad Shayboniyxon Safaviy saroyidan panoh topgan temuriy sultonlarni ham unga topshirishini talab qiladi.

1510-yil kuzida Shoh Ismoil katta qo'shin bilan Xuroson yurishiga otlandi. Ismoil Safaviy dastlab Tabrizdan Rayga keldi va bu yerdan shayboniylar qo'l ostida bo'lgan Damg'on viloyatiga yo'naldi. Damg'on hokimi bo'lgan Muhammad Shayboniyxonning kuyovi Ahmad Sulton Ismoil Safaviyning katta qo'shin bilan kelayotgani xabarini eshitgach, qal'ani tark etib Hirotga, Shayboniyxon huzuriga ketadi. Bu vaqtda Muhammad Shayboniyxon isyonchi hazoralarni o'ziga bo'ysundirish maqsadida ularga qarshi yurish qilgan va ulardan mag'lubiyatga uchrab Hirotda qo'nim topgan edi. Kuyovi Ahmad Sulton Shoh Ismoilning katta qo'shin bilan kelayotgani haqidagi xabarni aytgach, Turkistonga xabarchilar yuborib, Temur Sulton va Ubaydulla Bahodirxonni o'z qo'shinlari bilan Marvga kelishini buyuradi va o'zi ham Marvga otlanadi.[13] Muhammad Shayboniyxon Marvga kelgach, qal'a devorlari va burchlarini ta'mirlashni buyurdi. Shoh Ismoil Muhammad Shayboniyxonning Hirotdan Marvga ketganini eshitgach, Mashhaddan Saraxs orqali Marvga kelib, Marvni qamal qilishni boshlaydi. Ikki o'rtadagi dastlabki jang Marv yaqinidagi Tohirobod qishlog'ida ro'y beradi. Shoh Ismoil Dono Muhammad boshchiligidagi qizilbosh qo'shinining manqiloy(qo'shinning bosh qismida joylashgan alohida harbiy bo'linma)ini yuboradi. Muhammadxon Shayboniy ham qizilboshlarning manqiloy qismi yetib kelganini eshitgach, Jonvafobiy do'rmon va Qanbarbiyni o'zbek qo'shinining bir qismiga bosh qilib qizilboshlarga qarshi jo'natadi. Toxirobodda bo'lgan jangda qizilbosh sardori Dono Muhammad o'ldiriladi va dastlabki jangda o'zbeklarning qo'li baland keldi. Shoh Ismoil boshchiligidagi qizilbosh qo'shini qancha harakat qilmasin, Marv mustahkam qal'a bo'lgani uchun bosib ololmaydi. Shundan so'ng, Ismoil Safaviy qo'shinini yolg'ondan chekingandek ko'rsatib, Marvdan uch farsax uzoqlikdagi Mahmudiy qishlog'ida pistirmada kutib turadi. Muhammad Shayboniyxon qal'ada bir kun kutgach, ertasi kun qizilbosh qo'shinini taqib qilishni boshlaydi va Mahmudiy anhoridan o'tgach, Shoh Ismoil qoldirgan 300 nafar askari anhorning ko'prigini buzib yuboradi[14].

[12] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Ҳондамир. Ҳабиб ус-сияр фи аҳбори афроди башар. Тошкент, 2013. 1098-б.
[13] SAFEVİ–ÖZBEK SİYASİ İLİŞKİLERİ VE OSMANLI'NIN TESİRİ (1524–1630). Gülay KARADAĞ ÇINAR Doktora Tezi, Nisan, 2011 Afyonkarahisar. S. 38
[14] Tarix-i alam ara-yi Abbasi. İSGƏNDƏR BƏY MÜNŞİ. BAKI 2009, s.107

Qizilbosh qo'shini jangga shay holatda Shayboniyxon va uning qo'shini kutib oladi va ikki o'rtada qattiq jang boshlanadi. Shoh Ismoil uch-to'rt ming otliq sara qo'rchilardan iborat soqchi qo'shinini tuyalar qatoridan yasagan pistirmada yashirib qo'yib, o'zi esa lashkar qalbidan joy oldi. Muhammadxon Shayboniy qo'shini qanotlarini Jon Vafobiy va Qanbarbiy bilan mustahkamladi[15]. Bu jangda Shayboniyxon mag'lubiyatga uchrab, uning qo'shini tarqalib ketib chekinishni boshlaydi. Qo'shinning katta qismi jangda o'ldiriladi, bir qismi esa Mahmudiy anhorida cho'kib o'ladi. Muhammad Shayboniyxon ham o'lgan askarlari jasadlari va otlarning ostida qolib halok bo'ladi[16].

Shoh Ismoil Xuroson shaharlarini qo'lga olgach sunniy aholiga tazyiq kuchayib, aholini shialikka o'tkazish ishlarini boshlandi. Kim shialikni qabul qilmasa qattiq jazolanadi. Xususan, Marv shahri egallangach sunniy bo'lgan musulmon aholi qatliom qilindi. Bundan tashqari, Hirot shayxulislomi Sayiddin Ahmad ibn Qutbiddin Yahyo ibn Muhammad ibn Masud at-Taftazoniy shialikni qabul qilmagani uchun Shoh Ismoil tomonidan qatl etildi. Sayiddin Ahmad Taftazoniy tafsir, hadis va fiqh ilmida asrning yagona shayxullohi bo'lib, Sulton Husayn Mirzo davrida Xurosonda o'ttiz yilga yaqin shayxulislomlik qilgan[17].

Xulosa qilib aytganda, 16-yuzyillik boshlarida Eronda safaviylar hokimiyatni egallab, aholini majburan shiallikka o'tkazishi Turon va Eron xaqllari o'rtasida diniy adovatning kuchayishiga sabab bo'ldi. Vaholanki, 16-yuzyillik boshlarigacha Eron aholisining 2/3 qismi islom dinining sunniyliuk oqimiga e'tiqod qilgan edi. Eron, Xuroson, Janubiy Kavkaz, Iroq va Suriyaning bir qismida safaviylar hokimiyatining o'rnatilishi va bu yerda istiqomat qilgan aholining majburan shiallikka o'tkazilishi keyinfi davrlarda sunniy va shialar o'rtasida diniy ziddiyatlarning saqlanib qolishiga sabab bo'ldi. Ayniqsa, turonlik musulmonlar haj ziyoratini amalga oshirish maqsadida foydalangan eng qulay haj yo'lining safaviylar nazorat qilgan hududlar o'tishi turonliklar uchun haj amalini ham murakkablashtiradi.

## REFERENCES

1. Azamat Ziyo. O'zbek davlatchiligi tarixi. T. 2001
2. Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Ҳондамир. Ҳабиб ус-сияр фи аҳбори афроди башар. Тошкент, 2013
3. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Т. 2009
4. Həsən bəy Rumlu. Əhsənüt-təvarix (Tarixlərin ən yaxşısı). Kastamonu: Uzanlar, 2017

[15] Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод Т. 2009. Б 120-б
[16] Həsən bəy Rumlu. Əhsənüt-təvarix (Tarixlərin ən yaxşısı). Kastamonu: Uzanlar, 2017, s.408-410
[17] Həsən bəy Rumlu. Əhsənüt-təvarix (Tarixlərin ən yaxşısı). Kastamonu: Uzanlar, 2017, s.412

5. Tarix-i alam ara-yi Abbasi. İSGƏNDƏR BƏY MÜNŞİ. BAKI 2009
6. SAFEVİ−ÖZBEK SİYASİ İLİŞKİLERİ VE OSMANLI'NIN TESİRİ (1524−1630). Gülay KARADAĞ ÇINAR. Doktora Tezi, Nisan, 2011 Afyonkarahisar.

# MIGRATSIYA RAQOBATBARDOSHLIK VA IMKONIYATLAR

**Iroda Daronovna Abdullayeva**
"Oila ava gender" ilmiy-tadqiqot instituti tadqiqotchisi Toshkent shahar Yangi hayot tumani hokimi o'rinbosari
**Telefon +99890-324-78-22**

## ANNOTASIYA

Migratsiya Raqobatbardoshlik va imkoniyatlarda qolish asosan qabul qiluvchi mamlakatning qonunlariga bog'liq. Bunda asosan ishsizlik soni ko'p bo'lgan mamlakatdan ko'chib o'tadigan mavsumiy xarakterga ega odamlarga bog'liq.

**Kalit so'zlar** muhojir, Rossiy, mamlakat, sayohat, moliyaviy, masofa, qonuniy, shartnoma.

# THE COMPETITIVENESS AND OPPORTUNITIES OF MIGRATION.

## ANNOTATION

Migration The laws of the receiving nation have a significant impact on competitiveness and retaining opportunities. The primary cause of this is seasonal migration from a nation with high unemployment rates.

Key words: financial, distance, legal, contract, country, trip, Russian, migrant.

# КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ И ВОЗМОЖНОСТИ МИГРАЦИИ.

## АННОТАЦИЯ

Миграция Законы принимающей страны оказывают значительное влияние на конкурентоспособность и возможности удержания персонала. Основной причиной этого является сезонная миграция из страны с высоким уровнем безработицы.

**Ключевые слова:** финансовый, дистанционный, юридический, контракт, страна, поездка, русский, мигрант.

Raqobatbardoshlik va imkoniyatlarni oshirishga qaratilgan islohotlar, moliyalashtirish va davlat korxonalarini tanlab xususiylashtirish va qayta qurish davom etmoqda. Shunga qaramay, o'tish vaqt va vaqt talab etadi xususiy sektor hali ham juda kichik, ayniqsa xizmat ko'rsatish sohasida.

Biz qishloq va shahar investitsion muhitini tan olamiz. Me'yoriy-huquqiy bazalar, soliq tizimlari, umumiy makroiqtisodiy asoslar va inson kapitali (ta'lim va

o'qitish siyosati sog'liq) talab tomonida ko'plab aralashuvlar mehnat bozorining muvaffaqiyatli bo'lishi uchun zarur shartlardir.[18]

So'nggi besh yil davomida O'zbekistonda yoshlar masalalari kun tartibiga birinchi o'ringa qo'yildi. Yoshlar hisobi mamlakat aholisining qariyb 60 foizini tashkil etadi, bu esa yoshlar masalalarini davlat siyosati darajasida hal etish imkonini beradi. Ustida oxirgi 5 yil davomida 77 ta qonunchilik va me'yoriy-huquqiy hujjatlar samaradorligini baholash bo'yicha qabul qilingan. yoshlarga oid butun siyosat, shu jumladan, O'zbekiston Respublikasining sentabrdagi "Yoshlarga oid siyosat to'g'risida"gi qonuni 14, 2016. 2017-yil 30-iyun kuni O'zbekiston yoshlar ittifoqi tuzildi, uning asosiy maqsadi qo'llab-quvvatlashdan iborat va yoshlarning barcha tashabbuslarini amalga oshirish. 2021-yil O'zbekistonda Yoshlarni qo'llab-quvvatlash yili deb e'lon qilindi. Bunda aholi salomatligini mustahkamlash va tegishli davlat dasturi amalga oshirildi 4yil. Yuqorida sanab o'tilgan qonun hujjatlari bir qator tuzilmalarni yaratishga asos bo'ldi,

Bundan ko'zlangan maqsad yoshlarni har tomonlama barkamol, yuksak insonlar bo'lib yetishishga rag'batlantirish va qo'llab-quvvatlashdan iborat bilimli fuqarolar va o'z mamlakatining vatanparvarlari. Ular orasida: Yoshlar ishlari, madaniyat va Oliy Majlis Senatining Sport, Qonunchilik palatasi huzuridagi Yoshlar ishlari bo'yicha komissiyasi, quyi va yuqori palatalar huzuridagi Yoshlar parlamentlari, Yoshlar masalalari agentligi, Yoshlar ittifoqi, Yoshlar muammolarini o'rganish va istiqbolli kadrlarni tayyorlash instituti, Yoshlar akademiyasi Innovatsion rivojlanish vazirligi qoshida va boshqalar.

O'zbekiston mehnat bozorida sezilarli bosimni boshdan kechirayotgan bozor iqtisodiyoti yo'lida bormoqda va ish etishmasligi. So'nggi o'ttiz yillik mehnatga layoqatli yoshdagi aholi sonining ko'payishi va o'tish davri bilan tavsiflanadi bandlik tarkibida qishloq xo'jaligidan tashqari iqtisodiy faoliyat. Ish o'rinlarini yaratish ko'rsatkichlari yuqori darajada emas mehnatga layoqatli aholining o'sishi. Ko'nikmalarning mos kelmasligi va past ta'lim darajasi muammo bo'lib qolmoqda professional ishchi kuchini talab qiladigan ish beruvchilar. O'zbekistonning ishchi kuchi ishtiroki qoniqarli darajada, ammo tashvishli gender farqlari va eksklyuziv tabiat bilan. Buning uchun imkoniyatlar kam nogironlarni ish bilan ta'minlash. Yoshlar muntazam ravishda mehnat bozorida kam namoyon bo'lmoqda turli xil ijtimoiy-iqtisodiy va madaniy omillarga, shu jumladan ish o'rinlarining etishmasligi, qishloq joylarida ishchi kuchiga talabning pastligi; past ish haqi, past malaka va ko'nikmalar, zaif mehnat bozori ma'lumotlari, past xabardorlik va kichik miqyos faol mehnat bozori dasturlari, yoshlar qarorlarini qabul qilish va ayollarning mehnatdagi

[18] World Bank. Uzbekistan Country Economic Memorandum and Systematic Country Diagnostic, forthcoming

ishtiroki bo'yicha madaniy me'yorlar bozor va boshqa omillar. Madaniy stereotiplar tufayli ayollarning mehnatdagi ishtiroki to'sqinlik qilmoqda.

Yoshlarning rasmiy ta'lim jarayonida olgan ko'nikmalari ish beruvchilar talablariga javob bermaydi va TKT amalda rivojlanmagan. Ish beruvchilarning yosh xodimlarni ishga olishdan manfaatdorligiga qaramasdan, ular yoshlar o'rtasida ko'nikma va bilimlarning past darajada rivojlanishi bilan bog'liq muammolarga duch kelish,shuningdek, ularning ish boshlashga tayyor emasligi. Shu bilan birga, olmagan yoshlardir.

O'zbekistonda so'nggi yigirma yil ichida jadal iqtisodiy o'sish kuzatildi1. 1990-yillarning o'rtalaridan boshlab YaIM o'sishi asosan mehnat unumdorligini oshirish hisobiga turdi. Iqtisodiyotning barcha tarmoqlari ijobiy hissa qo'shdi.

O'zbekistonda aholi jon boshiga qo'shilgan qiymatning o'sishi: xizmat ko'rsatish sohasi umumiy ko'rsatkichning 37 foizini tashkil etdi. Iqtisodiyotda bir ishchiga to'g'ri keladigan qo'shilgan qiymatning o'sishi, undan keyin qishloq xo'jaligi (31 foiz), sanoat va qurilish (21 foiz).

O‘zbekistonda yalpi ichki mahsulotning (qo‘shilgan qiymat) jami 165 foizga o‘sishi qayd etildi. 1996 yildan 2016 yilgacha bo'lgan davrda aholi jon boshiga, bu yiliga o'rtacha 5 foiz o'sish sur'atiga teng.

Bir ishchiga to'g'ri keladigan umumiy mahsulot (yoki mehnat unumdorligi) bu davrda taxminan 150 foizga oshdi.

Bu davrda aholi jon boshiga qo'shilgan qiymatning o'sishi mahsuldorlikning o'sishi va demografik ko'rsatkichlarga bog'liq bandlik darajasining oshishi bilan emas, balki o'zgarishi. Jami o'zgarishlarning deyarli barchasi (91 foiz).

Demak, ushbu davrdagi aholi jon boshiga qo'shilgan qiymat mehnat unumdorligining o'zgarishi bilan bog'liq bo'lishi mumkin, 22 aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulotning umumiy o'zgarishi foizi demografiyadagi o'zgarishlar bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Uchuvchi hududga ko'ra, 2017-2020 yillarda viloyat yalpi ichki mahsuloti (YaHM) 14 foizga oshib, 37,6 trillion so‘mni tashkil etdi. 2021 yilda, Farg‘ona viloyatining milliy yalpi ichki mahsulotdagi ulushi 6,4 foizni tashkil etdi.

Iqtisodiyotning jadal o'sishiga qaramay, ish o'rinlarining yaratilishi mehnatga layoqatli yoshdagi o'sish sur'atlariga mos kelmaydi[19]. Demografik tendentsiyalar mamlakatda mehnatga layoqatli aholi ulushining oshishiga olib keldi 1990-2020-yillarda: Bu davrda mehnatga layoqatli aholining umumiy ulushi aholi 55% dan 66% gacha o'sdi, bu esa mehnat bozoriga bosimni oshirdi. O'rtacha 600.

[19] Growth and Job Creation in Uzbekistan: An In-depth Diagnostic (2018) https://openknowledge. worldbank.org/bitstream /handle/10986/31935/Growth-and-Job-Creation-in-Uzbekistan-A-In-depthDiagnostic.pdf?sequence=1&isAllowed=y

2016-2020-yillarda har yili ming kishi ishchi kuchiga kiradi, shu bilan birga ish o'rinlarini yaratishning o'rtacha ko'rsatkichi so'nggi o'n yil ichida yiliga 200 000 ish o'rni.

Mehnat migratsiyasi yoshlarning mehnat bozoridagi natijalarini shakllantirishda, ayniqsa, tushkunlikda bo'lib turgan mehnat bozorida muhim rol o'ynaydi. Yoshlar bilan fokus-guruh muhokamalari orqali to'plangan sifatli dalillar shuni ko'rsatadiki, asosan past maoshli va norasmiy ishdan iborat bo'lgan mahalliy mehnat sharoitlari ishsiz yoshlarni xalqaro migratsiyani ishlash va munosib maosh olishning deyarli yagona yo'li deb hisoblashga undaydi. 16 va undan katta yoshdagilarning taxminan 5,5 foizi xalqaro mehnat muhojirlaridir. Mehnat muhojirlarining asosiy qismini 25-34 yoshdagilar tashkil etadi va migrantlarning katta qismini (qariyb 90 foizi) erkaklar tashkil qiladi. Rossiya - O'zbekistonlik mehnat muhojirlari uchun asosiy manzil. Qozog'iston umumiy aholi soni va erkaklar uchun ikkinchi joy; uchinchi manzil - Turkiya. Ichki migratsiya darajasi ancha past, chunki Toshkentda to'lanadigan ish haqlari chet elnikiga solishtirganda pastroq va yashash narxi viloyatlarga qaraganda yuqoriroq.

# SUN'IY INTELLEKTNING ZAMONAVIY JAMIYATDAGI O'RNI VA BOSHQA SOHALARDA QO'LLANILISHI

**Madraximov Azamat Adilovich**
Namangan davlat pedagogika instituti
mustaqil tadqiqotchi
azamatmadrakhimov80@mail.ru
ORCID:0009-0007-8845-5905

## ANNOTATSIYA

Ushbu ilmiy maqolada sun'iy intellektning zamonaviy jamiyatdagi o'rni va uning turli sohalarga bo'lgan chuqur ta'siri ko'rib chiqiladi. XXI asrda raqamli texnologiyalar taraqqiyoti natijasida sun'iy intellekt inson faoliyatining ko'plab jabhalariga jadal kirib kelmoqda. Ayniqsa, iqtisodiyot sohasida SI ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, xarajatlarni kamaytirish va bozor tahlilini avtomatlashtirish imkonini bermoqda. Tibbiyotda esa ushbu texnologiyalar diagnostika jarayonlarini aniqlashtirish, kasalliklarni erta bosqichda aniqlash va individual davolash uslublarini taklif qilishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ta'lim sohasida sun'iy intellekt raqamli o'quv resurslarini yaratish, talabalarga moslashtirilgan ta'lim dasturlarini ishlab chiqish hamda bilimlarni baholashda keng qo'llanilmoqda. Bundan tashqari, sun'iy intellekt transport, huquq, qishloq xo'jaligi va ekologiya kabi boshqa yo'nalishlarda ham samarali natijalar bermoqda. Shu bilan birga, maqolada sun'iy intellekt bilan bog'liq etik masalalar, inson mehnat bozoriga ta'siri, xavfsizlik va shaxsiy ma'lumotlarni himoya qilish bilan bog'liq muammolar ham yoritilgan. Tadqiqotning asosiy maqsadi – sun'iy intellekt texnologiyalarining imkoniyatlari va xavf-xatarlarini tahlil qilish orqali ularning jamiyat taraqqiyotidagi o'rnini aniqlashdir.

## KIRISH

So'nggi yillarda sun'iy intellekt texnologiyalari global miqyosda jamiyat taraqqiyotining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Raqamli transformatsiya jarayonlari, ma'lumotlar hajmining keskin ortishi va hisoblash quvvatlarining rivojlanishi sun'iy intellektning keng qo'llanilishiga zamin yaratdi. Bugungi kunda sun'iy intellekt nafaqat texnologik yangilik sifatida, balki iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy hayotda tub o'zgarishlar qilayotgan kuchli vosita sifatida e'tirof etilmoqda.

Sun'iy intellekt dastlab faqat texnik sohalarda qo'llanilgan bo'lsa, bugungi kunda u tibbiyotda aniq diagnostika, ta'limda individual o'quv yondashuvlari, iqtisodiyotda tezkor va chuqur tahlillar, huquq sohasida hujjatlarni avtomatik tahlil

qilish, qishloq xo'jaligida hosildorlikni oshirish kabi turli yo'nalishlarda muvaffaqiyatli tatbiq etilmoqda. Shuningdek, sun'iy intellekt inson mehnatini yengillashtiribgina qolmay, qaror qabul qilish jarayonlarini ham optimallashtirishga xizmat qilmoqda.

Shu bilan birga, sun'iy intellekt texnologiyalarining keng tarqalishi bir qator yangi ijtimoiy, huquqiy va axloqiy muammolarni ham yuzaga chiqarmoqda. Xususan, ish o'rinlarining qisqarishi, axborot xavfsizligi, shaxsiy ma'lumotlarning himoyasi va algoritmik adolat masalalari dolzarb bo'lib bormoqda. Ushbu maqolada sun'iy intellektning zamonaviy jamiyatdagi o'rni va uning iqtisodiyot, tibbiyot, ta'lim hamda boshqa sohalardagi qo'llanilishi chuqur tahlil qilinadi.

## ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODLAR

Sun'iy intellektning jamiyatdagi o'rnini o'rganishda so'nggi yillarda nashr etilgan ko'plab ilmiy tadqiqotlar, monografiyalar va maqolalar muhim manba bo'lib xizmat qilmoqda. Jumladan, Russell va Norvig (2021) tomonidan yozilgan *Artificial Intelligence: A Modern Approach* nomli asar sun'iy intellekt nazariyasi va amaliyoti bo'yicha asosiy qo'llanmalardan biri hisoblanadi. Unda sun'iy intellektning algoritmik asoslari, mashinali o'rganish, bilimlar bazasi va axborot tahlili bilan bog'liq jihatlar batafsil yoritilgan.

Iqtisodiy sohada Brynjolfsson va McAfee (2017) o'zlarining *The Second Machine Age* asarida sun'iy intellekt va avtomatlashtirishning mehnat bozori, ishlab chiqarish va iqtisodiy tenglikka ta'sirini tahlil qilgan. Tadqiqotlarga ko'ra, sun'iy intellekt nafaqat unumdorlikni oshiradi, balki malaka talab qilinmaydigan ish o'rinlarining qisqarishiga ham olib keladi.

Tibbiyot yo'nalishida Obermeyer va Emanuel (2016) sun'iy intellekt yordamida kasalliklarni erta aniqlash, davolash takliflari va tibbiy qaror qabul qilish tizimlarini samarali deb baholagan. Ularning tadqiqoti tibbiy diagnostikada algoritmlarning rolini ishonchli dalillar bilan asoslaydi.

Ta'lim sohasida Luckin va hamkorlari (2016) tomonidan olib borilgan izlanishlarda sun'iy intellekt texnologiyalari o'quvchilarning individual ehtiyojlariga moslashtirilgan ta'limni yaratishdagi imkoniyatlari va cheklovlari tahlil qilingan. Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, sun'iy intellekt o'qituvchining ishini to'liq almashtira olmaydi, biroq uni samarali qo'llab-quvvatlashi mumkin.

Shuningdek, sun'iy intellekt bilan bog'liq etik masalalar Floridi va Cowls (2019) tomonidan ishlab chiqilgan "Sun'iy intellekt axloqiy tamoyillari" orqali ko'rib chiqiladi. Unda sun'iy intellekt tizimlarining adolatliligi, hisobdorligi va shaffofligi asosiy mezon sifatida belgilanadi.

Yuqoridagi adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, sun'iy intellekt turli sohalarda ijobiy imkoniyatlar yaratish bilan birga, chuqur ilmiy va ijtimoiy tahlilni talab qiluvchi muammolarni ham yuzaga keltirmoqda.

Ushbu tadqiqotda sun'iy intellektning turli sohalarda qo'llanilishi va uning jamiyatga ta'sirini kompleks tahlil qilish maqsadida bir nechta ilmiy-uslubiy yondashuvlar qo'llanildi. Asosiy tadqiqot metodlari quyidagilardan iborat:

**Tahliliy metod (analiz):** Sun'iy intellekt texnologiyalarining iqtisodiyot, tibbiyot, ta'lim va boshqa sohalardagi mavjud holati va rivojlanish tendensiyalari ilmiy manbalar asosida chuqur tahlil qilindi. Turli ilmiy maqolalar, hisobotlar va texnologik sharhlar asosida mavjud muammolar va yutuqlar o'rganildi.

**Taqqoslash metodi:** Turli mamlakatlarda sun'iy intellektni joriy etish amaliyoti solishtirilib, ilg'or tajribalar o'rganildi. Xususan, AQSh, Xitoy va Yevropa Ittifoqi mamlakatlarining siyosatlari va yondashuvlari O'zbekiston va boshqa rivojlanayotgan davlatlar bilan solishtirildi.

**Sotsiologik yondashuv:** Sun'iy intellektning ijtimoiy hayotga, mehnat bozori va kasbiy o'zgarishlarga ta'siri borasida mavjud so'rovnomalar va ijtimoiy fikrlar tahlil qilindi.

**SWOT tahlil:** Sun'iy intellekt texnologiyalarining kuchli va zaif tomonlari, imkoniyatlari va xavflari tahlil qilindi. Bu yondashuv sun'iy intellektning barqaror joriy etilishi uchun strategik yo'nalishlarni belgilashda yordam berdi.

**Empirik misollar asosida izlanish:** Maqolada sun'iy intellektning real hayotdagi qo'llanilishiga doir konkret misollar (masalan, tibbiy diagnostikada IBM Watson, ta'limda Duolingo, iqtisodiyotda Google Analytics) orqali nazariy jihatlar amaliy misollar bilan boyitildi.

Mazkur metodlar orqali sun'iy intellektning turli jabhalardagi ta'siri va istiqbollari ilmiy asosda kompleks tahlil qilindi.

## NATIJALAR VA MUHOKAMALAR

Tadqiqot doirasida sun'iy intellekt texnologiyalarining amaliy qo'llanilishi va foydalanuvchilarga ta'sirini o'rganish maqsadida so'rovnoma va ochiq manbalar asosidagi tahliliy tadqiqotlar o'tkazildi. So'rovnoma Toshkent shahri va viloyatlaridagi oliy o'quv yurtlari, sog'liqni saqlash muassasalari hamda kichik va o'rta biznes vakillari orasida tashkil etildi. Unda jami 150 nafar respondent ishtirok etdi.

**Ta'lim sohasidagi natijalar:** Respondentlarning 78% i sun'iy intellekt asosidagi o'quv platformalaridan (masalan, Duolingo, Khan Academy, ChatGPT) foydalanib ko'rganini bildirdi. 65% respondent sun'iy intellekt texnologiyalari ta'lim

sifatini oshirishiga ishonishini ta'kidladi, ammo 30% inson omilining muhimligini yo'qotishdan xavotir bildirgan.

**Tibbiyotdagi misollar:** Toshkentdagi xususiy klinikalardan biri (anonimlik saqlangan holda) tomonidan joriy etilgan diagnostik sun'iy intellekt tizimi yordamida 6 oy davomida yurak xastaligi bilan bog'liq 20% dan ortiq aniqlik oshgani qayd etildi. Shifokorlarning 72% i bu tizimlarning yordamchi vosita sifatida foydali ekanini tasdiqladi.

**Iqtisodiyot va biznesda:** So'rovda qatnashgan tadbirkorlarning 60% i sun'iy intellekt asosidagi mijozlarga xizmat ko'rsatish tizimlaridan (chatbotlar, CRM tizimlari) foydalanayotganini aytib o'tdi. Ular xaridorlar bilan tezkor aloqa, xarid tendensiyalarini kuzatish va sotuvlarni optimallashtirishda ijobiy natijalarga erishgan.

**Tahlil:** Olingan natijalar sun'iy intellekt texnologiyalarining nafaqat global miqyosda, balki mahalliy sharoitda ham sezilarli ijobiy natija berayotganini ko'rsatadi. Biroq, sun'iy intellekt tizimlariga bo'lgan ishonch darajasi va ularga moslashuv hali hamma sohalarda bir xil emas. Shuningdek, etik va huquqiy muammolarni hal qilish sun'iy intellektning keng joriy etilishi uchun asosiy shartlardan biri ekanligi aniqlangan.

**Doira diagrammasi (Pie chart): Ta'lim sohasida sun'iy intellektdan foydalanish**

**Diagramma nomi:** *Talabalar orasida sun'iy intellektdan foydalanish foizi*

**Bo'limlar:**

78% – Sun'iy intellekt platformalaridan foydalangan

22% – Foydalanmagan

**Izoh:** Bu diagramma talaba va o'qituvchilar orasida sun'iy intellektga qiziqish darajasini ko'rsatadi. Raqamli ta'lim vositalarining keng tarqalayotganini ko'rsatish uchun yaxshi misol.

**Ustun diagrammasi (Bar chart): Tibbiyotda sun'iy intellekt joriy etilishi natijalari**

**Diagramma nomi:** *Sun'iy intellekt asosida yurak kasalliklarini aniqlashdagi aniqlik darajasi*

**Ustunlar:**

Diagnostika aniqligi (Sun'iy intellekt joriy etilmasdan oldin): 65%

Diagnostika aniqligi (Sun'iy intellekt joriy etilgandan so'ng): 85%

**Izoh:** Bu diagramma sun'iy intellekt tibbiyotda real samaradorlikni qanday oshirayotganini aniq ifodalaydi.

**Gistogramma (Stacked bar chart): Soha bo'yicha s**un'iy intellekt**dan foydalanish**

**Diagramma nomi:** *Turli sohalarda sun'iy intellektdan foydalanish darajasi (so'rovnoma asosida)*

**Yo'nalishlar va foizlar:**

Ta'lim – 78%
Tibbiyot – 72%
Biznes – 60%

**Izoh:** Bu diagramma sun'iy intellekt texnologiyalari qay sohada qanday darajada joriy etilayotganini solishtirish imkonini beradi.

Yuqoridagi tahlillar va tajriba natijalari shuni ko'rsatadiki, sun'iy intellekt texnologiyalari zamonaviy jamiyatda keng ko'lamda qo'llanilmoqda va turli sohalarda sezilarli natijalar bermoqda. So'rovnoma va amaliy tahlillar asosida aniqlanishicha, ayniqsa ta'lim, tibbiyot va biznes sohalarida sun'iy intellektning joriy etilishi jarayonni optimallashtirish, aniqlikni oshirish va inson mehnatini yengillashtirishga xizmat qilmoqda. Ta'limda sun'iy intellekt o'quvchilarning ehtiyojiga moslashtirilgan yondashuvni ta'minlasa, tibbiyotda esa diagnostik xatoliklarni kamaytirishga yordam bermoqda.

Shu bilan birga, adabiyotlar tahlili va xalqaro tajriba asosida sun'iy intellekt bilan bog'liq muhim muammolar ham aniqlanmoqda. Eng avvalo, sun'iy intellekt tizimlarining adolatliligi, shaffofligi va inson mehnati o'rnini bosish darajasi jiddiy muhokamalarga sabab bo'lmoqda. Ayrim hollarda sun'iy intellektning qaror qabul qilish jarayonlarida noto'g'ri algoritmlarga asoslanishi yoki ma'lumotlar noto'g'ri talqin qilinishi xavf tug'diradi. Shuningdek, O'zbekiston sharoitida sun'iy intellektni keng joriy etishda texnologik infratuzilma, malakali kadrlar va qonunchilik bazasi hali yetarli darajada shakllanmagan.

Tajriba natijalari sun'iy intellektning imkoniyatlari katta ekanini ko'rsatadi, ammo uning barqaror va mas'uliyatli joriy etilishi uchun davlat siyosati, axloqiy normalar va ijtimoiy muvozanat muhim rol o'ynaydi. Kelgusida sun'iy intellektni rivojlantirishda xalqaro tajriba asosida mahalliy ehtiyojlarga mos yondashuvlar ishlab chiqilishi zarur.

## XULOSA

Yuqoridagi tahlillar asosida xulosa qilish mumkinki, sun'iy intellekt texnologiyalari zamonaviy jamiyatning barcha asosiy sohalarida tub o'zgarishlar qilishga qodir kuchli vositadir. Tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki, sun'iy intellekt yordamida ta'lim jarayonlari yanada moslashuvchan va samarali bo'lmoqda, tibbiyotda esa diagnostika aniqligi oshib, inson salomatligini himoya qilishning yangi usullari paydo bo'lmoqda. Iqtisodiy sohada esa biznes jarayonlarining

avtomatlashtirilishi, tezkor tahlil va mijozlarga xizmat ko'rsatish sifati oshib borayotgani kuzatilmoqda.

Shuningdek, sun'iy intellekt texnologiyalarining rivojlanishi bilan birga yangi muammolar, jumladan, axloqiy tamoyillar, axborot xavfsizligi, ish o'rinlarining qisqarishi va qonunchilikdagi bo'shliqlar yuzaga chiqmoqda. Bu esa ushbu texnologiyani joriy etishda ehtiyotkorlik va mas'uliyatni talab etadi.

O'zbekiston sharoitida ham sun'iy intellektdan foydalanish istiqbollari mavjud bo'lib, bu yo'nalishda hukumat tomonidan qator chora-tadbirlar ko'rilmoqda. Biroq to'liq samaraga erishish uchun sun'iy intellekt sohasida mutaxassislar tayyorlash, ilmiy tadqiqotlarni qo'llab-quvvatlash va xalqaro tajribalarni moslashtirish muhim ahamiyatga ega.

Umuman olganda, sun'iy intellekt insoniyat taraqqiyotining muhim omili sifatida shakllanmoqda va uning to'g'ri yo'naltirilgan rivoji jamiyat barqarorligiga xizmat qilishi mumkin.

## REFERENCES

1. Russell, S., & Norvig, P. (2021). *Artificial Intelligence: A Modern Approach* (4th ed.). Pearson Education.
2. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2017). *The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies*. W. W. Norton & Company.
3. Obermeyer, Z., & Emanuel, E. J. (2016). Predicting the Future — Big Data, Machine Learning, and Clinical Medicine. *The New England Journal of Medicine*, 375(13), 1216–1219.
4. Luckin, R., Holmes, W., Griffiths, M., & Forcier, L. B. (2016). *Intelligence Unleashed: An Argument for AI in Education*. Pearson.
5. Floridi, L., & Cowls, J. (2019). A Unified Framework of Five Principles for AI in Society. *Harvard Data Science Review*, 1(1).
6. European Commission. (2020). *White Paper on Artificial Intelligence – A European Approach to Excellence and Trust*. Brussels.
7. World Economic Forum. (2018). *The Future of Jobs Report*. Geneva: WEF.
8. "Sun'iy intellekt va raqamli texnologiyalar rivoji" – O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, PQ–4996-son, 2021-yil 7-oktabr.
9. Karimov, D. (2022). Sun'iy intellekt texnologiyalarining O'zbekiston iqtisodiyotidagi qo'llanilishi. *Innovatsion taraqqiyot jurnali*, 4(2), 45–52.
10. Xodjayev, M., Tursunova, G. (2023). Ta'limda sun'iy intellektdan foydalanishning afzalliklari va muammolari. *Pedagogik izlanishlar jurnali*, 6(1), 22–28.

# YANGILANAYOTGAN JAMIYATDA TALABA YOSHLARNING FUQAROLIK POZITSIYALARINI YAXSHILASHNING DOLZARBLIGI

**U. I. Imamova**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi

## ABSTRACT

This article discusses the issues of raising legal awareness and legal culture in society, especially the development of the concept of citizenship, a sense of citizenship and civic position in academic lyceum students on the basis of legal education and legal culture.

**Key words:** citizen, citizenship, civic stand, values, law, civic education, legal nurturing.

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish masalalari, ayniqsa akademik litsey o'quvchilarining huquqiy ta'lim-tarbiyasi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish asosida ularda fuqarolik tushunchasini, fuqarolik tuyg'usini va fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish haqida so'z etiladi.

**Tayanch so'zlar:** fuqaro, fuqarolik, fuqarolik pozitsiyasi, qadriyatlar, huquq, fuqarolik ta'lim, huquqiy tarbiya.

## РЕЗЮМЕ:

В статье рассматриваются вопросы повышения правосознания и правовой культуры в обществе, особенности развития понятия гражданства, чувства гражданственности и гражданской позиции у учащихся академических лицеев на основе правового образования и правовой культуры.

**Ключевые слова:** гражданин, гражданственность, гражданская позиция, ценности, право, гражданское образование, юридическое воспитание.

Fuqarolik ta'limining mohiyati fuqaro va jamiyat birligini qaror toptirish, davlatning buguni va istiqbolini fuqaro va jamiyat manfaatlarining o'zaro uyg'unligi, bir butunligi asosida yaratish, qonun ustuvorligiga erishishdan iborat. Shu yo'lda harakat qilayotgan Yevropa davlatlarida shaxsning fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirishda milliy mental xususiyatlar ham inobatga olinadi. Yoshlar tomonidan fuqarolik sifatlarining o'zlashtirilishida muammoli, rivojlantiruvchi va loyiha ta'limi texnologiyalarining didaktik imkoniyati yuqori baholanadi.


Bugungi kunda yoshlarning jamiyat va davlat hayotida faol ishtirok etishini davlatning o'zi asosiy qonunda kafolatlaydi [1]. Demak, yoshlar jamiyat va davlat hayotida faol ishtirok etish uchun faol fuqarolik pozitsiyaga ega bo'lishlari kerak.

O'quvchi yoshlarning fuqarolik pozitsiyaga egaliklarining asosiy ko'rsatkichlari va darajalarini aniqlashdan oldin "fuqaroviylik", "fuqarolik pozitsiya" tushunchalarini aniqlab olish zarur.

Zamonaviy ilmiy adabiyotlarda "fuqarolik pozitsiya" tushunchalariga berilgan ta'riflarning xilma-xil bo'lishiga qaramasdan ikki yondashuvni ajratib ko'rsatish mumkin. Ularning birinchisida fuqarolik pozitsiya shaxsning integrativ xususiyati sifatida ta'rifllanadi va u o'z ichiga vatanparvarlik, siyosiy madaniyat, qonunlarga itoatkorlik, odob-axloq, mehnatsevarlik, ijtimoiy faollik (I.V.Molodsova [2], A.S.Nayazov, S.V.Mitrosenko, E.P.Strelnikova [3] va boshqalar)ni qamrab oladi. Ikkinchi yondashuv ushbu tushunchani axloqiy, huquqiy, ma'naviy kabi munosabatlarning turli xil jihatlarini o'zida ifoda etadi (N.F.Kriskaya [4], T.I.Kobeleva [5], G.T.Sukolenkova va boshqalar).

Bugungi kunda o'smir yoshdagi o'quvchilarning fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi. Shu nuqtai nazardan, akademik litsey o'quvchilarining fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish jarayoni alohida e'tiborni jalb etadigan masala hisoblanadi. Chunki XXI asr jamiyat va shaxs, jamoaviylik va individuallik, globallik va lokal(mahalliy)lik o'rtasidagi qaramaqarshiliklarning keskinlashuvi bilan tavsiflanadi. Bu keskinlashuv shaxs identifikatsiyasi, uning ushbu jamiyatning to'laqonli a'zosi, o'z mamlakatining fuqarosi, dunyo fuqarosi sifatida ijtimoiylashuvi jarayonida ham yaqqol namoyon bo'ladi.

O'quvchining fuqarolik pozitsiyasining shakllanishi muhit, jumladan uzoq va yaqin ijtimoiy muhit bilan o'zaro ta'sir jarayonida shakllanadi va bunda o'quvchi shaxs sifatida namoyon bo'ladi. Bu o'zaro ta'sirning xarakteri uning fuqarolik pozitsiyasi bilan aniqlanadi, uning asosiga shaxs qadriyatlari qo'yilgan bo'lib, ular jamiyat qadriyatlari bilan nisbatlanadi. Fuqarolik-huquqiy me'yorlarga mos ravishda jamiyat bilan munosabat qurar ekan, o'quvchi umuman inson, boshqa inson, o'z "Men"i to'g'risidagi bilimlar tizimiga tayanadi. "Inson – mutlaq qadriyat, oliy substansiya", "barcha narsalar o'lchami". Inson dunyosi – bul odamlarning o'zaro ta'siri. O'zingning har bir xatti-harakatingda boshqa insonga munosabatni ko'rishga va ifodalashga o'rganish



kerak» (V.A.Karakovskiy) [6]. Inson mutlaq qadriyat sifatida universal, u kishining millati bilan aniqlanmaydi va millatidan mustaqildir. Insonga oliy qadriyat sifatida munosabat qilish Vatan fuqarosiga ham, Dunyo fuqarosiga ham bir xil muhimdir. Vatan – inson uchun yagona, unga taqdir inom etgan, ajdodlardan meros qolgan maskandir. Oila, xalq, til, madaniyat, tarix – Vatanning tarkibiy qismlari va ular Insonning milliy individualligini belgilab beradi. Shu bilan birga o'zini Dunyo fuqarosi sifatida his etish o'z milliy fuqaroligidan bosh tortishini anglatmaydi. Inson o'z Vatanining fuqarosi sifatida, o'z xalqining ma'naviyaxloqiy negizlariga ega bo'lgan holda insoniyatga kirib keladi va bunda boshqa xalqlarning milliy individualligini mustasno qilmaydi, balki ularni o'ziniki kabi hurmat qiladi. Insonning Vatanga oliy qadriyat sifatida munosabati uning jamiyat bilan hamkorlik, hamdo'stlik, qayg'udoshlik va qo'llab-quvvatlash tamoyillariga asoslangan o'zaro munosabatlarini qurishining negizidir. Jamiyat bilan o'zaro ta'sirga kirishar ekan, inson dunyo, uni bilish yo'llari to'g'risidagi bilimlarga tayanadi.

Bilimlar – xilma-xil, birinchi navbatda, ijodiy mehnat samarasidir. Keng ma'noda bilim umumiy turdagi o'zlashtirilgan rang-barang ijtimoiy tajriba. Bilimlar tashqi dunyoni bilishga xizmat qiladi, o'z-o'zini anglash va shaxsning faoliyat sub'ekti sifatidagi pozitsiyasini rivojlantirishda foydalaniladi. Bilimlar o'quvchiga o'zini ham Vatan, ham Dunyo fuqarosi sifatida anglashga yordam beradi. Ushbu jihatdan bilimlar o'z Vatani, Dunyo fuqarosi uchun ham birdek muhim universal qadriyat sifatida yuzaga chiqadi.

Yuqorida bayon qilinganlar Inson, Vatan, Bilim kabi qadriyatlarni o'quvchiyoshlarning fuqarolik pozitsiyasining qadriyatli yadrosi sifatida qayd etishga imkoniyat beradi. Shunday qilib, falsafiy, psixologik va pedagogik adabiyotlar tahlilidan kelib chiqib, biz fuqarolik pozitsiyani shaxsning Insonga, Vatanga, Bilimga bo'lgan ijobiy munosabatini aks ettiruvchi integrativ xarakteristikasi; insonning atrof voqelik bilan sub'ektiv shaxsiy his qilinadigan va bilish, ijtimoiy, ijtimoiy-pedagogik faolligida namoyon bo'ladigan aloqasi deb qarashni ma'qul topdik. Ilmiy manbalarning tahlil natijasida biz o'quvchilarda fuqarolik pozitsiyani rivojlantirishning tuzilmasi quyidagi komponentlardan tarkib topishini ilmiy asoslashga muvaffaq bo'ldik: kognitiv, faoliyatli, qadriyatli.

Fuqarolik pozitsiyaning mezonlari va ko'rsatkichlari "O'quvchi shaxsi + Vatanga sadoqat + ijtimoiy faol fuqaro" qadriyatlar tizimiga muvofiq keladigan barqaror-ijobiy munosabatlarga asoslanib aniqlashtirildi (1-rasmga qarang).

Fuqarolik pozitsiyaning bayon qilingan strukturasidan kelib chiqib faol fuqarolik pozitsiyasi rivojlanganligi natijalariga quyiladigan quyidagi talablarni aniqlashimiz mumkin:

– O'zbekistonning tarixiy-geografik obrazini yaratish, jumladan uning hududlari va chegaralari, geografik xususiyatlari to'g'risida tasavvur; davlatchilik va jamiyatning rivojlanishining asosiy tarixiy voqealarini bilish; o'lka tarixi va geografiyasini, uning yutuqlari va madaniy an'analarini bilish;

– ijtimoiy-siyosiy tuzilish to'g'risida obrazni shakllantirish – O'zbekistonning davlat tuzilishi to'g'risida tasavvur, davlat ramzlarini (gerb, bayroq, madhiya) bilish, davlat bayramlarini bilish;

– O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi, fuqarolarning asosiy huquq va majburiyatlarini bilish, davlat-ijtimoiy munosabatlar makonida mo'ljal ola bilish, huquqiy ongning shakllanganligi;

– o'zining etnik mansubligi to'g'risida bilish, milliy qadriyatlarni, an'analarni, madaniyatni o'zlashtirish, yurtimizda yashovchi xalq, millat va elatlar to'g'risida bilish;

– O'zbekistonning umummadaniy merosini va umumjahon madaniy merosni o'zlashtirish; – axloqiy me'yorlar va qadriyatlar tizimida mo'ljal ola bilish va ularni ierarxiyalashtiruv, axloqning konvensional xarakterini tushinish;

– vatanparvarlik va o'z mamlakatidan g'ururlanish tuyg'usi, tarixni, madaniy va tarixiy yodgorliklarni hurmat qilish;

– o'z etnik o'xshashligini emotsional ijobiy qabul qilish;

– O'zbekistonda va dunyoda yashovchi boshqa xalqlarni hurmat qilish va qabul qilish; millatlararo bag'rikenglik va teng huquqli hamkorlikka tayyor bo'lish;

– shaxsga va uning qadr-qimmatiga hurmat, atrofdagilarga xayrixohlik, zo'rovonlikning har qanday turiga murosasizlik va ularga qarshi kurashga tayyorlik;

– oila qadriyatlariga hurmat, tabiatga muhabbat, sog'liqning, o'zi va boshka odamlarning qadriyatligini e'tirof etish, dunyoni idrok etishda optimizm;

– axloqiy o'z-o'zini baholash va axloqiy tuyg'ularning – axloqiy me'yorlarga amal qilganda fahrlanish, ularni buzganda esa uyalish va aybni his etishning – shakllanganligi.

Ushbu kontekstda faoliyatli yondashish shaxsning fuqarolik pozitsiyasini rivojlantirish sharoitlarini aniqlab beradi va shaxsning fuqarolik tarbiyasida psixologik-pedagogik tavsiyalar tizimi sifatida qaralishi mumkin:

– o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarishida ishtirok etish (yoshlarning ijtimoiy tashkilotlarida, litseydagi va litseydan tashqari prosotsial xarakterdagi tadbirlarda ishtirok etish);

– o'quvchilik hayotining me'yor va talablarini, o'quvchilarnig huquq va majburiyatlarini bajarish; – teng huquqli munosabatlar va o'zaro hurmat asosida dialog olib borish ko'nikmasi; mojarolarni konstruktiv yechish ko'nikmasi;

– kattalar va tengdoshlariga nisbatan o'qishda, uyda va darsdan tashqari faoliyat turlarida axloqiy me'yorlarni bajarish;

– jamoa ishlarida ishirok etish (xayriya aksiyalari, mamlakatda va jahonda ro'y berayotgan voqealarda mo'ljal olish, madaniy tadbirlarda – muzeylarda, teatrlarda, kutubxonalarda qatnashish, sog'lom hayot tarzi ko'rsatmalarini amalga oshirish).

Fuqarolik umumiylikka mansublikni bilish, garchi doimo adekvat bo'lmasa ham ushbu birlashmaning (hududiy, madaniy, siyosiy va h.k.) aynanlashtiruvchi belgilari, tamoyillari, asoslari to'g'risida, fuqarolik va fuqaro bilan davlatning, fuqaro bilan fuqaroning munosabatlari to'g'risida tasavvur faol fuqarolik pozitsiyaning shakllanganligi natijasidir. Ularga u yoki bu hududni egallagan, ijtimoiy munosabatlar xarakterini, qadriyatlar tizimini aniqlovchi davlat obrazi, shuningdek o'z madaniyati, tili va an'analariga ega bo'lgan ushbu hududda yashovchi xalq (yoki xalqlar) kiradi. O'zining qadriyatli afzalliklar tizimida muayyan umumiylikka mansubligi faktining shaxsiy ma'nosi emotsionalqadriyatli komponent aniqlab beradi. Ushbu komponentning muhim tarkibiy qismlaridan biri o'z mamlakati uchun iftixor tuyg'usidir va u fuqarolik mansublikka qadriyat sifatida munosabat qilishning indikatori bo'lib topiladi.

Zamonaviy sharoitlarda muhim fuqarolik sifatlar sirasiga nafaqat insonga erkinlik vam mas'uliyat sharoitlarida oqilona yashashga imkonini beradigan hayotda va kasb tanglashda o'z o'rnini aniqlashga qobiliyatlilik, balki milliydiniy bag'rikenglikning yo'qligida, alkogol va narkotiklarni iste'mol qilishda, zo'rovonlik va uni targ'ib qilishda namoyon bo'ladigan aksilijtimoiy xulqatvorni tanqid qilishga qobiliyatlilik, shuningdek aksilijtimoiy xulq-atvorning ko'rinishlariga qarshi tura olishga tayyorgarlik ham kiradi. Bugungi kunda yangilanayotgan O'zbekiston jamiyatining taqdiri o'quvchi-yoshlarnig faol fuqarolik pozitsiyasidan, uning ijtimoiy-siyosiy va ma'naviy-axloqiy mo'ljallari bilan bevosita bog'liqdir. Jamiyatning yashashga qodirligining va uning progressiv rivojlanishining shart-sharoiti yoshlarning bugungi va kelajaktagi pozitsiyasi va faoliyatidir. Zamonaviy yoshlarning qaysi qadriyatlarni qabul qilishi, qaysilaridan esa yuz ugurishi, ularning katta avlod qadriyatlari bilan nechog'lik mutanosibligi, an'analar vorisiyligining amalga oshirilishi – bularning barchasi o'ta muhim savollar bo'lib, ularga javob topmasdan nafaqat o'quvchi-yoshlarning faol fuqarolik pozitsiyasini, balki umumiy fuqarolik madaniyati shakllantirish muammolariga yechim topolmaysiz.

## REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: 2023. 79-m

2. Молодцова И. В. Становление гражданской позиции старших подростков: дис. ... канд. пед. наук. Красноярск, 2007. 224 с.

3. Стрельникова Э. П. Формирование гражданской позиции старшеклассников во внеклассной работе школы: дис. ... канд. пед. наук. Липецк, 2001. 267 с.

4. Крицкая Н .Ф. Формирование гражданской позиции подростка на основе рефлексии в процессе изучения общественных дисциплин: дис .. . . канд . пед . наук. Киров, 2005. 214 с

5. Кобелева Т. И. Формирование гражданской позиции учащихся старших классов средствами социального проектирования: дис. ... канд. пед. наук. Самара, 2006. 186 с

6. Караковский В.А. Стать человеком. Общечеловеческие ценности - основа целостного учебно-воспитательного процесса. - М.: Новая школа, 1993.

7. Mehrojidin o'g'li Y. J. BUXORO AMIRLIGINING TASHKIL TOPISHI VA XVIII ASRDA SIYOSIY HAYOT //E Conference Zone. – 2022. 68-70 betlar.

8. Mehrojidin og'li Y. J. TARIXIY MATERIALLARDAN INTEGRATIV ASOSDA FOYDALANISH ORQALI OQUVCHILARDA MUSTAQIL FIKRLASHNI RIVOJLANTIRISH //E Conference Zone. – 2022. – С. 97-100.

# XORIJIY DAVLATLARDA MEDIA TA'LIMNI O'RGANISH VA ILMIY-NAZARIY TAHLILI

**Shoxida Nusratilloyevna Miraxmedova**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Gumanitar fanlar fakulteti "Fakultetlararo ijtimoiy fanlar"
kafedrasi o'qituvchisi

**ANNOTATSIYA.**

Ushbu maqolada Xorijiy davlatlarda media ta'limni o'rganish va ilmiy-nazariy tahlillari yoritilgan bo'lib, taniqli olimlarning ushbu tushunchaga bergan ta'riflari qiyosiy tahlil etilgan. Qolaversa, media savodxonlikning jamiyatdagi zaruriyati va ahamiyati haqida ilmiy nazariy qarashlar berilgan. Shuningdek mediaresurslar vositasida talabalar kognitiv faoliyatdagi faolligini va mustaqilligini ta'minlash,kasbiy ko'nikmalarini shakllantirish, kreativlik va tanqidiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishda talabalarning media axborot kompetensiyalarini shakllantirish metodikalari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** media, OAV, mediamadaniyat, mediamatn, mediaresurs, media matn, media ta'lim, media o'rganish, media savodxonlik, media makon.

## KIRISH.

XXI – asr zamonaviy raqamli texnologiyalar va axborot oqimi asri deya bejizga nom olmadi. Bugungi axborotlashgan jamiyat asrida "Axborotga egamisan, demak sen qurollangansan" deya axborotni – eng kuchli qurol sifatida talqin etilayotgani barchamizga ma'lum. Shiddat bilan rivojlanib borayotgan axborot oqimidan nafaqat to'g'ri va unumli foydalana olish, balki ularni yaratish, saqlash, qayta ishlash ham talab etilmoqda.

Media savodxonlik iste'molchilarga axborot va ommaviy dasturlarda tashviqot, senzura yoki biron vaziyatni faqat bir tomondan ko'rsatish kabi holatlarga ommaviy axborot vositalarini nima majbur qilayotganligini tahlil qilish, shuningdek, ommaviy axborot vositalarining egasi, ularning moliyalashtirish modeli kabi tarkibiy elementlarni tushunish imkonini beradi.

Boshqacha qilib aytganda, media savodxonlik - bu tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini ommaviy axborot vositalari orqali uzatiladigan xabarlar va belgilarga qo'llay olish qobiliyatidir. Ta'limga, xususan mustaqil ta'lim jarayoniga mediaresurslar integratsiyasi bir tomondan talabalarning dunyoqarashi, axborot va mediamadaniyatini rivojlantirib,ularning ijtimoiylashuv hamda kasbga moslashuv darajasini oshiradi. Shuningdek, ular bilimlarni va o'quv materiallarini yaxshiroq

idrok etishni hamda interfaol aloqani ta'minlaydigan o'quv vositasi sifatida ta'limni samarali tashkil etish imkoniyatini yaratadi.

Media savodxonligi ko'nikmalarini o'rganishning ushbu jarayoni media ta'lim deb ataladi. Tashkiloti tomonidan XXI asrda media ta'limni targ'ib qilish madaniy-ma'rifiy rivojlanishning ustuvor yo'nalishi sifatida e'tirof etildi hamda aynan shu yo'l bilan media savodxonlikni oshirish mumkinligi takidlandi.

UNESCO odamlarning tanqidiy fikrlash va to'g'ri qaror qabul qilish darajasini yaxshilash uchun ommaviy axborot vositalari va media savodxonlikni rivojlantirishni qo'llab-quvvatlaydi. Tashkilot, ayniqsa, siyosatchilar, o'qituvchilar, ommaviy axborot vositalari mutaxassislari, yoshlar tashkilotlari va ushbu sohadagi nochor aholi qatlamlarining salohiyatini oshirishga intiladi, a'zo davlatlarga milliy ommaviy axborot vositalari va axborot savodxonligi siyosati va strategiyalarini shakllantirishda yordam beradi. Media savodxonlikni o'rganadigan eng qadimgi tashkilot bu National Telemedia Council (Milliy Telemedia Kengashi) Viskonsin shtatining Madison shahrida joylashgan va Marieli Rou 50 yildan ortiq rahbarlik qilgan. Tashkilot dastlab "Telemedium" deb nomlanuvchi media savodxonlik jurnalini nashr ettirgan. Bugungi kunda Media savodxonlik bo'yicha butun dunyo mamlakatlarida keng targ'ibot va tashqivot olib borilmoqda.

O'z qadriyat va ananalariga ega bo'lgan Osiyo mamlakatlarida media savodxonlik va uning ta'limga kirib kelishi jarayoni G'arb mamlakatlarinikidan biroz farq qiladi. O'tgan asrning 90-yillaridan boshlab Sharqiy Osiyoda media savodxonlik tomon siljish kuzatildi. So'nggi yillarda Osiyoda media savodxonlik darajasi o'sib bormoqda va Osiyo-tinch okeani mintaqasida media savodxonlik bo'yicha bir nechta dasturlar ham amalga oshirilmoqda.

Mediata'lim masalasi ko'plab xorijiy tadqiqotchilar, jumladan A.Fedorov, Y.Usova, I.Chelisheva, E.Bondarenko, L.Masterman va boshqalar tomonidan tadqiq qilingan.

"Mediata'lim medianing barcha turlari (bosma va grafik, ovoz, ekranli va boshqalar) va turli xil texnologiyalar bilan bog'liq;

U odamlarga o'z jamiyatlarida ommaviy kommunikatsiyadan qanday foydalanilishini tushunish, boshqa odamlar bilan muloqotda mediadan foydalanish ko'nikmalarini egallashga imkon beradi;

1) mediamatnlarni tahlil qilish, tanqidiy talqin qilish va yaratish;
2) mediamatnlarning manbaalarini, ularning kontekstini ularning siyosiy, ijtimoiy, tijoriy va madaniy manfaatlarini aniqlash;
3) tarqatilayotgan medianing mediamatn va qadriyatlarini tatbiq etish;
4) o'zlarining shaxsiy mediamatnlarini yaratish va tarqatish va ularga qiziqqan auditoriyani jalb qilish uchun tegishli mediani tanlash;

5) idrok qilish uchun ham, ishlab chiqish uchun ham mediadan erkin foydalanish imkoniyatiga ega bo'lishga yo'naltiradi"[20].

Mediapedagog A.V.Fedorov mediata'limni «media bilan aloqa qilish madaniyatini, ijodiy, kommunikativ va tanqidiy fikrlash qobiliyatlarni shakllantirish, mediamatnlarini talqin etish, tahlil qilish va baholash, mediatexnologiyalaridan foydalangan holda o'zini ifoda etishning turli shakllarida o'qitish maqsadida ommaviy aloqa vositalari (media) materiallari orqali ta'lim berish va shaxsni rivojlantirish jarayoni"[21], L.S.Zaznobina esa mediata'limni:-"Ta'lim oluvchilarni turli xil o'quv fanlarni o'rganishda media ta'limiy jihatlarni kuchaytirish orqali axborotlashgan makonda yashashga tayyorlov"[22] sifatida ta'riflaydi.

Mediata'lim talabalarga dunyo mediamadaniyatiga moslashish, ommaviy axborot vositalari tilini o'zlashtirish, mediamadaniyat asarlarini tahlil qilish va yordam berishga mo'ljallangan.

A.V.Sharikov[23] mediata'limni "Pedagogik nazariya va amaliyotda bilimlar sohasining maxsus va avtonom bir qismi sifatida qaraladigan zamonaviy ommaviy axborot vositalarini o'zlashtirish uchun amaliy ko'nikmalar va nazariyani o'qitish" sifatida, professor Y.N.Usov[24] o'z tadqiqotlari davomida mediata'limni ta'lim oluvchi shaxsini rivojlantirishda "ommaviy axborot va kommunikatsiya vositalari (bosma, radio, kino, televideniye, video, kompyuter texnologiyalari, fotosuratlar) dan foydalanish tizimi sifatida ko'rib chiqadi. Rivojlanish tizimining o'zi, bilimlarni to'playdigan an'anaviy o'quv fanlaridan farqli o'laroq, avvalambor, ta'lim oluvchining hissiy va intellektual rivojlanish jarayonini, uning imkoniyatlarini simulyatsiya qiladigan badiiy-ijodiy faoliyat amaliyotini nazarda tutadi".

Bugungi kunga kelib universitetlarda mediata'limni joriy etish muammosi tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Mediata'limni barcha davlatlarning milliy o'quv dasturlariga, qo'shimcha, noformal va "umr bo'yi" ta'lim

[20]Educating for the Media and the Digital Age// International Conference. - Vienna: UNESCO, 1999, p.273-274

[21] Федоров А.В. Медиаобразование: история, теория и методика. - Ростов н/Д.: ЦВВР, 2001. - С. 19.

[22]Федоров А.В., Челышева И.В. Сравнительный анализ медиаобразовательных моделей // Медиаобразование. 2007. №2. – С. 64. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/sravnitelnyy-analiz-mediaobrazovatelnyh-modeley

[23]Шариков А.В. Экспериментальные программы медиаобразования для старших классов школ гуманитарной ориентации [Текст] / А. В. Шариков, Е. А. Черкашин. - М.: Академия педагогических наук, НИИ средств обучения, 1991.- 43 с.

[24]Усов Ю.Н. Экранные искусства — новый вид мышления//Искусство и образования. 2000. - №3. – С. 48-69.

tizimlariga joriy etish uchun tavsiya etilmoqda. Chelisheva[25]-"Zamonaviy pedagogning mediakompetensiyasini rivojlantirishning nazariyasi,metodikasi va amaliyoti" nomli ilmiy asarida zamonaviy maktab va universitet o'qituvchisi faoliyatida mediata'limbir necha (integratsiyalashgan,maxsus yoki fakultativ) yo'nalishlarda amalga oshirilishi mumkinligini aytib o'tgan.

Integratsiyalashgan yo'nalish media ta'lim tarkibiy qismlarini o'quv blokining turli fanlariga kiritishni o'z ichiga oladi. Agar bir necha yil oldin mediata'lim elementlari asosan adabiyot, tarix kabi gumanitar blok fanlariga kiritilgan bo'lsa, so'nggi yillarda o'qituvchilar kimyo, biologiya, fizika va boshqalarni o'rganishda media ta'limni integratsiyalash, mediata'lim komponentlarini integratsiyasi media ta'limning eng istiqbolli yo'nalishlaridan biri sifatida, dars jarayoni yoki ma'ruzalarga media madaniyat ishlanmalari parchalaridan foydalangan holda interfaol elementlarni kiritish imkonini beradi.

AQShning Jamiyat xususidagi xalqaro entsiklopediyasida qayd etilishicha, "Media savodxonlik" (media literacy) inson jamiyatdagi fuqaro sifatidagi mas'uliyatini his qilgan holda faol va savodli bo'lishi, mediamatnlarni qabul qila olishi, yaratishi, tahlil eta olishi va baholashi, zamonaviy mediani ijtimoiy-madaniy va siyosiy mazmunini tushuna olishi demakdir.

Londonning Qirollik universiteti professori S.Fayrstounning fikriga ko'ra esa, media savodxonlik harakat bo'lib, uning asosiy vazifasi insonlarni audiovizual va bosma matnlarning madaniy ahamiyatini tushunish, yaratish va baholashga undashdan iborat.

Ingliz siyosatshunosi R.Kibey esa media savodxonlikni turli xil shakllarda ma'lumotlarni uzatish, ularni tahlil etish va baholash deb tushunadi. M.Guetterz esa multimedia savodxonligi o'z ichiga multimedia hujjatlarini shakllantirishga qaratilgan tillarni bilish, axborotni qayta ishlashga qaratilgan qurilma va usullardan foydalana olish, yangi multimedia texnologiyalarini bilish va ularni baholay olish, mediamatnlarni tanqidiy qabul qilishni oladi, deydi.

Fikrimizcha, media savodxonlik yuqorida bildirilgan fikrlar bilan birgalikda ommaviy axborot vositalari orqali uzatiladigan barcha axborotga tanqidiy qarash, ularga xolis yondoshish va har bir uzatilayotgan axborotni saralashda ongli ravishda yondashish hamdir. Media savodxonlikning maqsadi har bir medianing ustuvorliklari va kamchiliklarini tushungan holda ular tomonidan tarqatilayotgan axborotni saralay bilish va zarurini qabul qilish ko'nikmalarini shakllantirish bo'lsa, asosiy vazifasi insonlar tomonidan iste'mol qilinadigan har qanday axborotning manipulyativ

[25]Челышева И.В. Теория, методика и практика развития медиакомпетентности современного педагога : монография / И. В. Челышева. —Москва ; Берлин : ДиректМедиа, 2019. – 149 с.

kuchini anglagan holda undan chegaralanishdir. Shuningdek, odamlarga OAV hamda fuqarolik jurnalistika rolini tushunishga yordam berishdir.

Taniqli hind fotojurnalisti Pabak Sarkarning fikriga ko'ra, mediasavodxonlik sari tashlangan ilk qadam, bu to'g'ri savol bera olishdir. Bugungi kunda Internet orqali amalga oshirilayotgan axboriy xurujlar dunyodagi har bir mamlakat milliy xavfsizligi strategiyasining bir qismiga aylandi va u kiberxavfsizlik nomini oldi. Zero, virtual va haqiqiy dunyoning qo'shilishi, aynan virtual dunyo orqali yoshlar tomonidan haqiqiy dunyoni noto'g'ri tushunilishi, turli xil salbiy kuchlar va oqimlar tomonidan bir qarashda ijobiy ko'ringan, ammo mohiyatan inson ongiga salbiy ta'sir qiluvchi axborotning tarqatilishi ko'payib borayotganligi hech kimga sir emas. Aynan jamiyat hayotiga ta'sir etuvchi mazkur salbiy jihatlarning oldini olishda aholini mediasavodli qilish zarur, degan fikrlar ko'paymoqda.

Media savodxonlik (media literacy) mediani o'rganish bo'lib, media ta'limning quyidagi natijalariga asoslanadi va o'z oldiga:

- medianing shaxs va jamiyatga ta'sirini tushunish;
- ommaviy kommunikatsiya jarayonini anglash;
- mediamatnlarni tushunish va tahlil eta olish;
- media kontekstini tushunish;
- mediamatnlarni yaratish va ularni tahlil etish;
- mediamatnlarni baholashga va ularni saralash vazifalarini qo'yadi.

Bugungi kunda media, ya'ni ommaviy axborot vositalari, kino, teatr, san'atning turlari, madaniyat sarchashmalari, internet orqali uzatilayotgan har qanday ma'lumot inson ongiga o'zining ma'lum bir ta'sirini o'tkazib, uning dunyoqarashini o'zgartirishga sabab bo'lmoqda. Yuqorida tilga olingan tushunchalarning qo'llanilishi va bugungi kunda mediata'lim, mediasavodxonlik, mediatanqid va mediani o'rganishga bo'lgan intilishning asosiy maqsadi ham axborotning yaratilishi, uning tarqalish jarayonini tushunib yetish, tijorat, siyosiy, iqtisodiy, ma'naviy va madaniy maqsadlarda tarqatilayotgan axborotning mohiyatini anglagan holda uni baholay olishdir.

**XULOSA.**

So'nggi yillarda axborot oqimining bir necha barobar tezlashishi, ijobiy ma'lumotlar bilan bir qatorda salbiy xarakterdagi axborotning ko'payishi media savodxonlikka ega bo'lish zaruratini yanada oshirdi. An'anaviy tarzda media savodxonlik shaxsning adabiy asarlarni tahlil eta olish va sifatli matnlarni yaratishidan iborat bo'lgan. Bugun media savodxonlik - axborotning nega va nima uchun uzatilayotganligini bilish demakdir. Media savodxon inson o'ziga bu axborotni kim va nima maqsadda yaratgan? Ushbu xabar men uchun zarurmi? degan

savolni bera olishi va to'g'ri xulosa chiqarishi, unga nisbatan tanqidiy yondoshishi lozim.

Shunday qilib, media ta'limning asosiy uslubiy prinsiplari va metodlari talabalarning ijodiy va intellektual salohiyatni rivojlantirishga, dunyoqarashini kengaytirishga, bilim jarayonlarini va o'z-o'zini anglashga qaratilgan.

Shuningdek, media resurslar vositasida talabalar mustaqil ta'limini tashkil etilishi zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari, xususan raqamli texnologiyalardan foydalanishni taqozo etadi. Bu esa o'z navbatida talabalarning axborot–media va raqamli kompetensiyalarini shakllantirish, hamda fanga doir mustaqil ta'lim olishga bo'lgan qiziqishini oshirishga xizmat qiladi.

## REFERENCES

1. Educating for the Media and the Digital Age//International Conference. - Vienna: UNESCO, 1999, p.273- 274
2. Cynthia Vinney. „Very well mind". What Is Media Literacy? 2022
3. Kastels M. Informatsionnaya epoxa: ekonomika, obshestvo i kultura. M.: GU VSHE, 2000.
4. Kirillova N. Mediakultura: ot moderna k postmodernu. M., 2005.
5. Ponimaniye media. M.; Jukovskiy, 2003.
6. Sadikovich, H. M. Theoretical foundations for the formation of professional competence of future military specialists in the university.
7. Umarova Z.A. Raqamli mediata'lim muhiti: mediaresurslar va ularning roli /
8. Markaziy osiyo ijtimoiy tadqiqotlar jurnali, №1, 2020. – 65-72 b.
9. Usov Y.N. Ekranniye iskusstva — noviy vid mishleniya // Iskusstvo i obrazovaniye. 2000. - №3. – S. 48-69.
10. Fedorov A. V., Chelisheva I. V. Sravnitelniy analiz mediaobrazovatelnix modeley // Mediaobrazovaniye. 2007. №2. – S. 64. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/ sravnitelnyy-analiz-mediaobrazovatelnyh-modeley
11. Fedorov A.V. Mediaobrazovaniye: istoriya, teoriya i metodika. - Rostov n/D.: SVVR, 2001 –S. 19 - 65
12. Chelisheva I. V. Teoriya, metodika i praktika razvitiya mediakompetentnosti sovremennogo pedagoga : monografiya / I. V. Chelisheva. — Moskva; Berlin: DirektMedia, 2019. – 149 s.

# SAYFIDDIN QUTUZ MEROSINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI VA VATANPARVARLIK QADRIYATLARI TIZIMIDA TUTGAN O'RNI

**Nurmatov Bobir Abdusattorovich**
Farg'ona davlat universiteti tadqiqotchisi

**АННОТАЦИЯ**

Insoniyat tarixida shunday shaxslar bo'lganki, ularning faoliyati nafaqat o'z davrining geosiyosiy muhitiga, balki keyingi avlodlarning dunyoqarashi, ijtimoiy ong va milliy xotirasiga ham bevosita ta'sir ko'rsatgan.

**Kalit so'zlar.** Istilo, himoya, murakkab, mas'uliyat, safarbar, liderlik, kulminatsiya, mo'g'ul, mag'lubiyat.

# НАСЛЕДИЕ САЙФУДДИНА КУТУЗА И ЕГО МЕСТО В СИСТЕМЕ ПАТРИОТИЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ: СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ.

**АННОТАЦИЯ**

На протяжении всей истории человечества были личности, чьи действия напрямую влияли не только на геополитический климат того времени, но и на мировоззрение, общественное сознание и национальную память последующих поколений.

**Ключевые слова:** монголы, поражение, оборона, комплекс, ответственность, мобилизация, лидерство и кульминация.

# THE HERITAGE OF SAYFIDIN KUTUZ AND ITS POSITION WITHIN THE SYSTEM OF PATRIOTIC VALUES: A SOCIAL-PHILOSOPHICAL ANALYSIS.

**Annotation**

Throughout human history, there have been individuals whose actions directly influenced not only the geopolitical climate of their day but also the worldview, social consciousness, and national memory of succeeding generations.

**Keywords:** mongol, defeat, defence, complex, responsibility, mobilisation, leadership, and culmination.

Insoniyat tarixida shunday shaxslar bo'lganki, ularning faoliyati nafaqat o'z davrining geosiyosiy muhitiga, balki keyingi avlodlarning dunyoqarashi, ijtimoiy ong va milliy xotirasiga ham bevosita ta'sir ko'rsatgan. Sayfiddin Qutuz ana shunday tarixiy shaxslardan biridir. U Misrni mo'g'ullar istilosidan himoya qilishdek murakkab va mas'uliyatli vazifani zimmasiga olib, o'zining liderlik fazilatlari, harbiy-diplomatik iste'dodi va yuksak axloqiy qarashlari bilan nafaqat zamonasida, balki keyingi tarixiy bosqichlarda ham kuchli ijtimoiy rezonans uyg'otgan. Mazkur maqolada Sayfiddin Qutuz merosi ijtimoiy-falsafiy tahlil asosida avvalo, vatanparvarlikning mohiyati, uning qadriyatlar tizimidagi epistemologik o'rni, ya'ni bilish va idrok qilish jarayonidagi ahamiyati Qutuz faoliyati orqali tahlil qilinadi. Zero, uning jasorati va fidoyiligi xalq, yurt va din manfaatlarini mutlaq ustun qo'ygan ijtimoiy-falsafiy pozitsiyaning yorqin namunasidir.

Shuningdek, Qutuz liderligining aksiologik talqini – qadriyatlar haqidagi bilimlar doirasida – tarixiy ong, ijtimoiy xotira va milliy identitet bilan uzviy bog'liq holda ochib beriladi. Bunday yondashuv Qutuz shaxsiyatini zamonaviy falsafiy va ijtimoiy tafakkur doirasida anglashga imkon beradi. U boshqargan jamiyatda axloqiy barqarorlik, intizom va ijtimoiy birlik tamoyillarining qay darajada muhim bo'lganini o'rganish orqali, bugungi davr uchun ham dolzarb xulosalar chiqarish mumkin. Bundan tashqari, Qutuzning harbiy va diplomatik faoliyatida aks etgan ijtimoiy birlik, intizom va axloqiy qat'iyat prinsiplari jamiyat barqarorligini ta'minlashda hal qiluvchi omil bo'lib xizmat qiladi. Qutuz faoliyatining tarixiy dalillari asosida bu prinsiplarning amaliy natijalari va ularning hozirgi davr uchun ibratli jihatlari yoritiladi.

Umuman olganda, Sayfiddin Qutuz merosini ijtimoiy-falsafa nuqtayi nazaridan o'rganish nafaqat tarixiy xotirani jonlantirish, balki vatanparvarlik qadriyatlarining shakllanishi, jamiyatda ijtimoiy birdamlik, axloqiy meyorlar va yetakchilik madaniyatini chuqur anglashga xizmat qiladi. Shu asosda Qutuz faoliyatining har bir jihati ijtimoiy-falsafiy tafakkur kontekstida tahlil etiladi.

Vataparvarlik insoniyat ongining qadimiy va uzviy shakllaridan biridir. Bu tushuncha nafaqat ijtimoiy hissiyot yoki siyosiy g'oya, balki jamiyatning tarixiy xotirasi, ma'naviy barqarorligi va o'zligini anglashidagi falsafiy epistemologik asosdir. Vataparvarlikni ijtimoiy-falsafiy jihatdan tahlil qilganimizda, biz uni milliy ongning shakllanishi, axloqiy dunyoqarashning yuksalishi va epistemologik haqiqatni izlash jarayoni sifatida ko'ramiz. Ayniqsa, tarixiy shaxslar faoliyati bu tushunchaning amaliy namunasini

ifodalaydi. Sulton Qutuzning qisqa, ammo mazmunli faoliyati buning yorqin ifodasi bo'la oladi. Sulton Qutuz XIII asrda Misrda hukmronlik qilgan va ayni paytda Yaqin Sharqdagi musulmon jamiyatini mo'g'ullar tahdididan asragan tarixiy shaxsdir. Uning nomi ayni damda vataparvarlik, haqiqat va sadoqatning timsoli sifatida tarixiy xotirada saqlanadi.

Vatanparvarlik insoniyat tarixiy ongining eng qadimiy va doimiy mezonlaridan biri bo'lib, u shaxsiy fidoyilik, ijtimoiy birdamlik va tarixiy xotiraning yagona ifodasi sifatida qaraladi. Falsafiy nuqtai nazardan vatanparvarlik bu — insonning o'z milliy mavjudotini anglash, uni muqaddas deb tan olish va bu yo'lda aqliy, ma'naviy, jismoniy jihatdan harakat qilishidir. U shunchaki hissiyot emas, balki ijtimoiy ongning muayyan bosqichida shakllanadigan tafakkur jarayonidir. Bu jarayonni eng yorqin misollardan biri sifatida Memluk sultoni Seyfiddin Qutuz faoliyatini tahlil qilish mumkin.

Qutuz hayoti zamonaviy ijtimoiy falsafa nuqtai nazaridan vatanparvarlikning epistomologik tabiati — ya'ni u qanday shakllanadi, qanday bilimlar orqali ijtimoiy ongda paydo bo'ladi va qanday institutlar orqali mustahkamlanadi — kabi savollarga javob izlashda muhim dalildir. Qutuz tarix sahnasiga 13-asrda, Islom dunyosi eng og'ir sinovlarga duch kelgan bir davrda chiqqan. Mo'g'ullar tomonidan xalifalik markazi Bag'dodning vayron qilinishi, xalifa o'ldirilishi va musulmonlarning ijtimoiy-madaniy ruhiyati barbod bo'lishi — bu davrning murakkab fonini tashkil etgan. Aynan shu kontekstda Qutuzning siyosiy-harbiy harakati, ayni vaqtda ijtimoiy-axloqiy uyg'onish harakati sifatida talqin qilinadi.

Qutuzning harbiy g'alabasi — Ayn Jalutdagi mo'g'ullarga qarshi zafar — bu oddiy strategik muvaffaqiyat emas, balki ijtimoiy ontologik yuksalishdir. U bu g'alaba orqali Islom ummatining ruhiy va falsafiy o'zligini qayta tikladi. U milliy g'urur, dinga sadoqat va ijtimoiy adolat timsoli sifatida vujudga keldi. Ijtimoiy falsafa nuqtai nazaridan olganda, Qutuz vatanparvarlikni uch darajada ifoda etgan.

Tarixiy ongni aktual holga keltirdi. U musulmon jamiyatining madaniy xotirasini jonlantirib, uni harakatga keltirishga muvaffaq bo'ldi. Bu, Fukoning "diskursiv ong" nazariyasiga ko'ra, jamiyat ongidagi quvvatlanayotgan voqelikni ijtimoiy harakatga aylantirish demakdir. Qutuz voqelikni diskursga, diskursni esa mobilizatsiyaga aylantira oldi.

Qadriyatlarni institutlashtirdi. Uning davrida vatanparvarlik nafaqat shaxsiy fidoyilik darajasida, balki davlat siyosati, soliq siyosati, harbiy safarbarlik va diniy legitimatsiya orqali tizimlashtirildi. Masalan, u qozilardan

qonuniy fatvo olib, xalqqa soliq yukini og'irlashtirdi, biroq bu og'irlik "vatan himoyasi" kabi yuksak maqsadlar orqali asoslantirilgan edi[26].

Memorativ mexanizmlar orqali qadriyatlarni mustahkamladi. Keyingi Mamluk hukmdorlari tomonidan Qutuz siymosi qadrlanib, masjidlar, madrasalar, vaqflar orqali yodga olinib bordi. Bu esa vatanparvarlikni shaxsiy tajriba emas, balki jamiyatga xos bilim va axloqiy mezon sifatida mustahkamladi[27].

Qutuz fenomenida falsafa, siyosat, din va tarix bir-biri bilan uyg'unlashgan. Bu uyg'unlikda vatanparvarlik — bu hissiy yoki instinktiv javob emas, balki bilimga asoslangan, ijtimoiy ongda shakllangan va tarixiy haqiqatga tayanuvchi amaliy faoliyatdir. U bu qadriyatni epistomologik mustahkamlikka ega fenomen sifatida tarix sahnasiga olib chiqdi. Shu nuqtai nazardan qaralganda, vatanparvarlik ijtimoiy-falsafiy tushuncha sifatida to'liq faoliyatni o'z ichiga oladi: bu — bilish (qayerda yashayotganini tushunish), tan olish (uning qadriyatlarini qabul qilish) va harakat qilish (uni himoya qilish). Qutuz bularning uchalasini ham uyg'unlashtirdi. U mamlakatni tanitdi, xalqni birdamlikka chaqirdi va unga yetakchilik qildi. Qutuz faoliyati bugungi kunda vatanparvarlikni yangicha talqin qilishda misol bo'la oladi. U bizga o'rgatadiki, vatanparvarlik — bu qahramonlik emas, balki ongli tanlov, bilimga tayangan harakat va tarixiy mas'uliyatdir. Bu qadriyatni institutlashtirish, xotirada saqlash va ongda jonlantirish esa ijtimoiy falsafa zimmasidagi eng muhim vazifadir.

[26] Ali, H. (2022). Aynicâlût Savaşı: Moğollarni to'xtatgan jang. APJIR, 6(2), 292–308.
[27] Flinterman, W. (2017). The Cult of Qalāwūn: Waqf, Commemoration, and Dynasty. Amsterdam University.

# ODAM SAVDOSI - ASR MUAMMOSI

**Husniddin Muxitdinovich Yakubov**
CHDPU "Fakultetlararo ijtimoiy fanlar" kafedrasi o'qituvchisi

*Afsuski bugungi kunda ko'pchilik qonunga bo'ysunmaydigan fuqarolar qullar mehnatidan foydalangan holda juda arzon ishchi kuchi xizmatidan foydalanmoqda.*
**BMT narkotik va jinoyatchilik bo'limi direktori**
**Antonio Mario Kosta**

Bugungi kunda jahon bo'yicha narkobiznes va qurol savdosidan keyingi o'rinni egalagan **odam savdosi** ayni paytda butun dunyoni larzaga solayotgan global muammolardan biri desak mubolag'a bo'lmaydi. Chunki bugungi kunda ko'plab davlatlar, asosan rivojlanmagan va rivojlanayotgan mamlakatlar, bu odam savdosi muammosining qurboni bo'lmoqda. Odam savdosi jinoyati bilan bog'liq holatlar asosan siyosiy va iqtisodiy o'zgarishlar amalga oshirilayotgan yoki nizolardan keyingi davrni boshdan kechirayotgan davlatlarni "**Jonli tovar" y**etkazib beruvchi mamlakatlarga, iqtisodiy jihatdan rivojlangan davlatlarni esa tranzit, yoki shunday "Jonli tovarga" talab mavjud mamlakatlarga aylantirmoqda, bir qancha jinoiy qilmishlarni yagona bir jinoyatga birlashtirmoqda.

Hususan hozirgi paytda Moldaviyadan ayollar va bolalar Bosniya va Gersegovina, Albaniya, Serbiya va Chernogoriya, Kosovo, Italiya, Fransiya, Kipr, Turkiya, Livan, Isroil, Gretsiya, Birlashgan Arab Amirliklari, Suriya, Pokistonga foxishalik va inson ichki azolaridan foydalanish uchun olib chiqib ketilmoqda.[28] BMTning bergan so'ngi malumotlariga ko'ra chet davlatlardan olib kelingan odam savdosining qurbonlaridan 137ta davlatlarda foydalanilmoqda.[29]

Shu bilan bir qatorda bugungi insoniyat Amerika qit'asining, Gaiti Respublikasida ana shunday razilliklarga qo'l urayotganliklariga guvoh bo'la boshladi. Malumki, 2010-yilning 12-yanvar kuni qit'aning eng qashshoq mamlakatida yuz bergan kuchli yer osti silkinishlari oqibatida o'n minglab gaitiliklar qurbon bo'lib, yuzmininglab fuqarolalar boshpanasiz qoldilar. Eng hayratlanarlisi, zilziladan vayron bo'lgan mamlakatning bolalarini qutqarish bahonasida 30 nafar bolani hech qanday hujjatlarsiz olib ketishga uringanliklari kuzatilgan. Ushbu hodisa esa AQSH prezidenti Barak Obamaning 2010-yilning yanvar oyini qullik va odam savdosiga qarshi kurash oyi deb elon qilgan bir paytda sodir bo'layotgani ajablanarli

[28] Rustamov.M.X Odam savdosi. –T.:TDYUI nashriyoti,2009.5-bet
[29] Rustamov.M.X Odam savdosi. –T.:TDYUI nashriyoti,2009.5-bet

holat. Shu o'rinda odam savdosi bo'yicha statistik ma'lumotlarga etibor qaratadigan bo'lsak, ushbu jinoiy harakat ortidan yiliga to'rt miliondan ortiq inson sotilib, undan tushayotgan daromad o'n ikki milliard dollarni tashkil qilmoqda[30]. Yana bitta achinarli holat bu muammo bizning yurtimizda ham o'zining asoratlarini ko'rsatmoqda ekanligidir. Kezi kelganda chet davlatlarga, shu jumladan, Rossiya va Qozog'istonga borib ishlash istagidagida bo'layotgan fuqarolarimizga quydagilarni eslatib qo'yishni lozim topdim: Fag'onalik 1985-yilda tug'ilgan Anvar hamda Jizzah viloyatida istiqomat qiluvchi 55yoshni qarshilaganYoqubjon akalarning ko'p pul ishlash maqsadida Rassiya Fediratsiyasiga tovlamachilar tomonidan olib ketilib, sotib yuboriladi. Baxtli tasodif tufayli bu yurdoshlarimiz Ukraina orqali yurtimizga qaytib kelishadi. Bundan tashqari qanchadan-qancha qizlarimiz aldov yo'li bilan chet davlatlarga olib chiqilmoqda. Yurtimizda bunday nohush voqeyalarning oldini olish, yani odam savdosiga qarshi kurashish uchun qator chora-tadbirlar, kerakli va zarur qonunlar qabul qilinmoqda. Jumladan Oliy Majlisning Qonunchilik palatasi tomonidan 2008-yil 18-martda qabul qilingan "Odam savdosiga qarshi kurash to'g'risida " qonun Senat tomonidan maqullangan. Ushbu qonunning :

1-bobi Umumiy qoidalar

2-bobi Odam savdosiga qarshi kurashni tashkil etish

3-bobi Odam savdosidan jabirlangalarni himoya qilish va ularga yordam berish

4-bobi Yakuniy qoidalarga bag'ishlanadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov 2008-yil 8-iyundagi PQ-911-sonli qarori bilan tuzilgan Odam savdosiga qarshi kurash bo'yicha Respublika idoralararo qo'mitasi hamda hududiy komissiyalar tomonidan odam savdosi holatlarining oldini olish, aniqlash va ularga chek qo'yish uning oqibatlarini minimallashtirish va odam savdosida jabrlanganlarga yordam ko'rsatishga qaratilgan bir qator tashkiliy va profilaktik tadbirlar o'tkazildi. Shu bilan bir qatorda hozirda faoliyat ko'rsatayotgan davlat hokimyat o'rganlari ham odam savdosi bo'yicha aniq dasturlar ishlab chiqib shu bo'yicha o'z faolyatini amalga oshirmoqda.

Misol qilib quydagi davlat organlarini ko'rsatishimiz mumkin:

-O'zbekiston Respublikasi Milliy xavfsizlik xizmati odam savdosiga qarshi kurashish sohasida: xalqaro terrorchilik tashkilotlari va uyushgan jinoiy guruhlarning odam savdosi bilan shug'ullanuvchi shaxslar bilan aloqalarini aniqlaydi. Xalqaro terrorchilik tashkilotlari va uyushgan jinoiy guruhlar tomonidan amalga oshirilgan odam savdosi bilan bog'liq jinoiy ishlar bo'yicha surishtiruv hamda dastlabki tergov o'tkazadi. Odam savdosi bilan shug'ullanuvchi shaxslar va odam savdosidan jabrlanganlar tomonidan O'zbekiston Respublikasining Davlat chegarasini kesib

[30]Soyibnazarov. A. XXI asr gazetasi 2010 yil 25-fevral 08(328)-son 7bet

o'tishga urinishlarning oldini olish, ularni aniqlash va ularga chek qo'yish choralarini ko'radi.

- O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi odan savdosiga kurashish sohasida. Odam savdosi bilan bog'liq jinoyatlarni ochish bo'yicha tezkor qidiruv faoliyatini tashkil etadi hamda amalga oshiradi, jinoyat ishlari bo'yicha surishtiruv va dastlabki tergov o'tkazilishini ta'minlaydi. Odam savdosi bilan bog'liq jinoyatlarning statistika hisobini tashkil etadi va amalga oshiradi. Odam savdosi bilan shug'ullangan shaxslar, uyushgan guruhlar va jinoiy uyushmalarning faoliyatiga chek qo'yish bo'yicha xalqaro tashkilotlar hamda boshqa davlatlarning huquqini muhofaza qiluvchi organlari bilan hamkorligini amalga oshiradi.

- O'zbekiston Republikasi Tashqi ishlar vazirligi, O'zbekiston Respublikasining diplomatik vakolatxonalari va konsullik muassasalari odam savdosiga qarshi kurashish sohasida:

Odam savdosidan jabrlangan, O'zbekiston Respublikasi hududidan tashqarida turgan O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish faoliyatini amalga oshiradi. Odam savdosidan jabrlanganlarni O'zbekiston Respublikasiga qaytarishga ko'maklashadi, ularda O'zbekiston Respublikasi fuqarolarining shaxsini tasdiqlovchi hujjatlar bo'lmagan taqdirda esa, belgilangan tartibda ularning shaxsini aniqlash choralarini ko'radi, hamda ularga konsullik yig'imlari va boshqa yig'imlarni undirmasdan O'zbekiston Respublikasiga qaytish huquqini beruvchi hujjatlarni rasmiylashtiradi. Zarur bo'lgan hollarda chet davlatning tegishli vakolatli organlarga O'zbekiston Respublikasiga odam savdosiga kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlari haqida ma'lumotlar taqdim etadi;

Odam savdosidan jabrlanganlarga ularning huquqlari va qonuniy manfaatlari haqida axborot taqdim etadi.

- O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi odam savdosiga qarshi kurashish sohasida:

Odam savdosidan jabrlanganlarga tibbiy va psixologik yordam ko'rsatishni belgilangan tartibda tashkil etadi. Odam savdosiga kurashish bo'yicha faoliyatni bevosita amalga oshiruvchi davlat organlariga qonun hujjatlariga muvofiq boshqa vakolatlar ham berilishi mumkin.

- Ixtisoslashtirilgan muassasalarning asosiy vazifalari quyiodagilardan iborat:

Odam savdosidan jabrlanganlarning qarindoshlari bilan aloqa o'rnatishga ko'maklashish;

Odam savdosidan jabrlanganlarga shoshilinch tibbiy, psixologik, ijtimoiy, yuridik va boshqa hil yordam berish;

Odam savdosidan jabrlanganlarni ijtimoiy riobilitatsiya qilishga ko'maklashish.

Odam savdosidan jabrlangalarga yordam ko'rsatish va ularni himoya qilish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan odam savdosidan jabrlanganlarga yordam ko'rsatuvchi va ularni himoya qiluvchi ixtisoslashtirilgan muassalar tashkil etiladi. Shu bilan birga bugungi kunda odam savdosiga qarshi kurashishning institutsional tizimini yaratish eng asosiy vazifa hisoblanadi. Bunda biz avvalo odam savdosiga qarshi kurashish sohasida NDT mavjud bo'lmagan holatda yoki ular jabrlanuvchilarni himoya qilish va qo'llab quvvatlash bo'yicha xizmatlarni taqdim qilish masalasida kuchsiz bo'lganda jabrlanuvchilarni qo'llashda ushbu ro'lni o'z bo'yniga oladigan fuqarolik jamiyati tashkilotlarini ruvojlantirishga ko'maklashish uchun harakatlarni yo'naltirish muxumdir. Potensioal hamkorlarga o'zlari ushbu ishga bel bog'lay oladigan, yangi tashkilotlar yoki yangi bo'linmalar, bo'limlar yohud loyihalar yarata oladigan huquqni himoya qiluvchi yoki ayollar tashkilotlarini kiritish zarur, hamda hukumat vakillari nodavlat sohadagi o'z kasbdoshlarini ishga amaliy tarzda jalb qilgan holda jabrlanganlarga yordam berish mehanizimini yaratishda yoki mustahkamlashda etakchi o'rinni o'zlariga olishlari kerak. Dastlabki qadam avvalambor odam savdosi muammosi bilan shug'ullanuvchi barcha asosiy ishtirokchilarni o'z ichiga olgan odam savdosiga qarshi kurashish bo'yicha davra suhbatini yaratishdan iborat bo'lishi zarur. Davra suhbati ishida muv'ofiq fediral, ijtimoiy-siyosiy va hududiy vazirliklar vakillari ishtirok etishi lozim, masalan ichki ishlar, tashqi ishlar, ijtimoiy himoya, sog'liqni saqlash vazirligi, shuningdek, ushbu sohada faoliyat yuritayotgan barcha boshqa hukumat tuzilmalari, mahalliy va xalqaro NDT lar va xalqaro tashkilotlar. Odam savdosiga qarshi kurashishning inistitutsiyaviy tuzilmasi hukumat subektlarini ham, fuqarolik jamiyti subektlarini ham o'z ichiga olgan sohalararo tuzilma bo'lishi shart. Shundagina biz ko'zlangan va etarli natijaga erishishimiz mumkin.

# O'ZBEKISTONDA TRANSPORT SOHASINING RIVOJLANISHI (1945-1990 yillar Toshkent viloyati misolida)

**Baxrom Abduganievich Saidusmanov**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti, tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori(PhD)
Email:baxrom.said@mail.ru

**ANNOTASIYA:**

Ma'lumki, O'zbekistonda ikkinchi jaxon urushidan keyin sonoat, ishlab chiqarish, transport tizimi va yo'llar birmuncha og'ir axvolda edi. 20 asrning 70-80 yillariga kelib ushbu tizimda ancha rivojlanish bo'lgan. Ayniqsa, Toshkent viloyatida transport tizimidagi taraqqiyot va uning jamiyatga ta'siri ancha samarali bo'lgan. Ushbu maqolada ushbu yillardagi transport tizimidagi ijobiy o'zgarishlar xaqida ma'lumot beriladi.

**Kalit so'zi:** Avtomabil transporti, Avtomobil yo'llari, Avtokorxonalar, yuk avtokorxonalari, yuk tashish, sanoat korxonalari, aloqa punktlari, yo'lovchilar va yuk tashish hajmlari, yangi avtoxo'jaliklar.

**ABSTRACT:**

It is known that after the Second World War in Uzbekistan, production, transport system and roads were in a somewhat difficult situation. By the 70s and 80s of the 20th century, this system had received significant development. Especially in the Tashkent region, progress in the transport system and its impact on society were much more effective. This article will tell you about the positive changes in the transport system over the years.

**Keywords:** Automobile transport, Highways, parking lots, freight car parking, freight transport, industrial enterprises, communication points, passenger and freight traffic volumes, new auto repair shops.

Avtomobil transporti xalq xo'jaligining murakkab tarmog'i bo'lib, mehnat unumdorligi va avtomobil xo'jaliklarining rentabel ishlashiga juda ko'p faktorlar ta'sir ko'rsatgan. Avtomobil qatnovidan, prisep va priseplardan keng ko'lamda, avtomashinalarning yuk ko'tarish quvvatidan to'g'ri foydalanish, moddiy vositalarni tejab ishlatish, avtomashinalarning joriy ta'miri sifati, mashinalarning liniyalarida ishlash muddati, mehnat va ish haqining to'g'ri tashkil qilish avtomobil transportida mehnat unumdorligiga bevosita ta'sir ko'rsatdi. 1960-1980 yillarda umum foydalanadigan avtomobil transporti korxonalari butun avtomobil transportida oldingi o'rinlarni mustahkamlab oldi. Bu korxonalari harakatidagi tarkiblardan

unumli foydalanish maqsadida ilg'or usullarni joriy etib, yuk va yo'lovchilar tashish jarayoni oqilona tashkil qilingan yirik korxonalarga aylandi.

Toshkent viloyati aholi zichligi jihatidan etakchi o'rinni egallaydi. Bu hududda joylashgan sanoat shaharlari hamda qishloqlarida yashovchi ko'p millionli yo'lovchilarning avtotransportlarga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish, hizmat sifati va madaniyatini oshirish, yo'lovchilarni ibelgilangan qisqa muddatlarda, aniq harakatlanish jadvali asosida manzillarga etkazish g'oyat muhim va dolzarb vazifadir. Shu jihatdan korporasiyaning yirik tizimlaridan hisoblangan "Toshviloyatyo'lovchitrans" konserni korxonalarida qanday chora-tadbirlari ko'rilayaati, konsern tizimlarida ayniqsa bozor munosabatlari va isloh qilinayapti.

Avtobuslarda yo'lovchilar tashish ham yildan yilga o'sdi. Bunda respublikada avtobus marshrutkalarining ko'payishi va avtobus qatnaydigan yo'llar uzayishi asosiy sabablardan biri bo'ldi. Agar 1953 yilda respublikada hammasi 325 avtobus, 126 avtobus marshruti va uning uzunligi 3044 kilometr bo'lib, 42,6 million yo'lovchi tashilgan bo'lsa, 1965 yilga kelib avtobuslarningsoni 32564 kilometr, tashilgan yo'lovchilar soni 629,7 million kishini tashkil qildi, shundan 163,4 million yo'lovchi shaharlararo avtobuslarda tashildi. Shu yillarda engil taksi va yuk mashinalariko'paydi. Yo'lovchilar tashish oshdi. 1965 yilda engil taksi mashinalarining umumiy yo'l bosishi 188,5 million kilometrni, shunday pulli yo'l bosishi 154,5 million kilometrni tashkil etdi. [1]

Bu yillarda avtomobil transportida yo'lovchilar tashish ham to'xtovsiz oshib bordi.1979 yilda yo'lovchilar oboroti 1960 yilga nisbatan 6,2 marta oshib, 1 pasajirning o'rtacha yo'l bosishi shaarlar ichida 5,6 km ni va shaharlararo -41,2 km ni tashkil etdi. 1968 yilning 1 dekabrida yo'lovchi tashaiga ixtisoslashtirilgan Toshkent viloyat avtotresti tashkil etilganida, uning tarkibida 10 ta avtobus taksomotor saroyi va xo'jalik hisbidagi "Toshkent" avtovokzali bor edi, jami 10 avtobus, 112 ta engil taksimotorlar viloyat yo'lovchilari xizmatiga jalb qilingan edi. Yangi trestga katta ishlab chiqarish tajribasiga ega mutaxssislar V.A.Podkovirin, V.P. Skvorsov rahbar qilib tayinlandi. Bo'ka, Yangibozor, Oqqo'rg'on, Yangiyo'l, To'ytepa, Bo'stonlik, Keles va Angren avtosaroylarida ishlab chiqarish korpuslari qurilib, texnika jihozlari bilan ta'minlandi, avtobus va engil avtomobillarni yuvish, agregatlarni ta'miralsh va diagnostika postlari ishga tushirildi, atrof muhitni muxofaza qilish choralari ko'rildi.[2]

1970 yil oxiriga kelib avtotrest xo'jaliklarida jami avtobuslar soni 1250 ta, engil taksomotorlar soni esa 235 taga etkazildi, va yakunlari bo'yicha 174,3 million yo'lovchi tashailib 23 mln. so'mdan ziyod daromad olindi. Jami 256 ta yo'nalishda avtobuslar uzluksiz harakat qildilar. Bulardan tashqari 115 ta shaharlarda, 158 tasi shahar atrofi va 68 tasi shaharlararo yo'nalishlarda xizmat ko'rsatdilar. [3]

70-yillarda avtoboshbekat va avtoshohbekatlarlar qurish avj oldirilib To'ytepa avtobus taqsimotlar saroyi tashkil topdi. 2200 ta yo'lovchiga xizmat ko'rsatishga mo'ljallangan va O'rta Osiyoda eng yirik "Toshkent" avtoboshbekati qurib bitkazildi va poytaxtnining go'zal binolaridan biriga aylandi. Bu bekat Respublikaning barcha viloyatlari markazlari, qo'shni respublikalar poytaxtlari va yirik shaharlariga har kuni 45 ta yo'nalish bo'yicha 225 ta avtobus jo'natib turdi. Uning perronlarida 52 ta yo'lovchi jo'natish maydonchalari joylashtirildi. Toshkent viloyati bo'yicha 96 ta yangi yo'nalishlar tashkil etildi.[4]

Shu jumladan 12 ta yangi yo'nalish ochilib, aholi yashash manzillari yirik ishlab chiqarish korxonalari bilan bog'landi. Chirchiqda "Korpolaktam" va "Elektroximprom" bilan, Bekobodda "UMZ"bilan, Angren va Yangiobozor korxonalari bilan, Olmaliqda "Tog' metallurgiya kombinati" va "Ximprom zavodi" bilantransport qatnovi yo'lga qo'yildi. Shahar atrofi yo'nalishlari "Toshkent - Chirchiq", "Toshkent-Yangi yo'l", "Toshkent-To'ytepa" oralig'ida avtobus qatnay boshladi. Vengriyada ishlab chiqarilgan "Ikarus" rusumli avtobuslar harakat tarkibiga kelib qo'shildi. To'ytepa, Angren, Pskent, Oqqo'rg'on va Yangibozor avtobosh va avtoshohbekatlari qurilib ishga tushirildi.

Bu usul boshqa avtosaroylarda ham qo'llanib, yil oxiriga ularning soni 52taga etkazildi va ular 733 avtobus bilan 63 ta yo'nalishda xizmat ko'rsatdilar. Chirchiq avtosaroyiga qarashli G.Veys, va F.Abdullaev boshliq brigadalar "Toshkent -Chirchiq" tezyurar yo'nalishini namunali yo'nalish darajasiga ko'tarildi.[5]

Mamlakatimiz mustaqillikni qo'lga kiritish arafasida "Toshviloyatyo'lovchitrans" qoshida 17 ta avtosaroy, 6 ta avtoshohbekat va avtoboshbekatlar, avtochiptaxonalar faoliyat olib borardi. Keyingi yigirma yil davomida viloyat tizimida quyidagi texnik-iqtisodiy ko'rsatkichlarga erishildi,jumladan: avtobuslar soni 840 tadan 899 taga, engil avtomobillar soni 170 tadan 468 taga, avtobuslarning umumiy sig'imi 32485 yo'lovchidan 83300ga etkazildi, avtobuslardan foydalanish darajasi 0,71 dan 0,736ga etdi, avtobus yo'nalishlari soni 680tadan1598 taga, jami tashilgan yo'lovchilar soni 138,7 nafardan 377,4 mln nafarga etkazildi.

So'nggi yillarda mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar va ular doirasida qabul qilinayotgan davlat dasturlarida respublikamizning transport-logistika sohasini rivojlantirish hamda mamlakatning tranzit salohiyatini oshirish masalasiga alohida ahamiyat qaratilmoqda. Zero, har tomonlama rivojlangan transport tizimi ichki va tashqi iqtisodiy aloqalarni rivojlantirishda muhim rol o'ynaydi.

Shu nuqtai nazardan, davlatimiz rahbari tomonidan olib borilayotgan islohotlardan ko'zlangan asosiy maqsad mamlakatimiz transport-logistika tizimini jahon standartlariga moslashtirish, xalqaro ahamiyatdagi transport koridorlarining

o'tkazish qobiliyatini oshirish, yangi arzon va qisqa transkontinental tranzit koridorlarini shakllantirish, shuningdek, mintaqa mamlakatlarining jahon transport tizimi bilan o'zaro uyg'unlikdagi rivojlanishi ta'minlashdan iboratdir.

Prezidentimiz tomonidan 2021 yilning 9 avgust kuni "Transport to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonunning imzolanishi bilan avtomobil, havo, temir yo'l, suv va shahar yo'lovchi transporti faoliyati va hamkorligining huquqiy, iqtisodiy hamda tashkiliy asoslari va tamoyillari belgilab berildi.

Shu nuqtai nazardan, mazkur qonun mamlakatimiz transport tizimining holati va rivojlanishi uchun juda muhim ahamiyat kasb etib, uning boshqa infratuzilma tarmoqlari bilan birga jamiyat faoliyati uchun asosiy sharoitlarni ta'minlashi, ijtimoiy-iqtisodiy va tashqi siyosat maqsadlariga erishishda muhim element sifatida xizmat qilishi shubhasizdir.

## REFERENCES

1. Ubaydullaev I, Abrorov Z, Zahriddiov G'. O'zbekiston transporti . O'zbekiston SSR "Bilim" jamiyati. 1968. -B.13.
2. *Xazratkulov A.* Reshenie sosialnix voprosov v Uzbekistane. –Tashkent, 1991. – S. 24.
3. Xodjaev B.A. Avtomobil transporti iqtisodi. Darslik.-T.: O'qituvchi. 1982. –B.21.
4. Xaydarov M. Kommentariy k nekotorim pervoistochnikam po istorii Uzbekistana // Tarixning noma'lum sahifalari. Ilmiy maqolalar. Hujjat va materiallar. Xotiralar. To'rtinchi kitob. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2013. –B. 218-233.
5. Sosialno-ekonomicheskoe razvitie Uzbekistana za godi Sovetskoy vlasti. Otvetstvenniy redaktor akademik AN Uz SSR, doktor ekonomicheskix nauk, professor I.Iskanderov. –Tashkent: Uzbekistan, 1984. – S. 207.
6. Abduganievich S.B. DEVELOPMENT OF THE RAILWAY AND AUTOMOBILE NETWORK OF UZBEKISTAN IN THE SECOND HALF OF THE 20TH CENTURY (1945-1990) // Web of Scientists and Scholars: Journal of Multidisciplinary Research. – 2025. – Т. 3. – №. 2. – С. 276-280.
7. Саидусманов Б. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШ ТАРИХИ (1945-1990) //TAMADDUN NURI JURNALI. – 2025. – Т. 1. – №. 64. – С. 337-339.
8. Саидусманов Б. А. ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ТИЗИМИ ТАРИХИ (XX-АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА) //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. Special Issue 7. – С. 72-74.

# SOMONIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY-MADANIY MUHIT VA DINGA MUNOSABAT

**Jo'rayev Muxriddin Xasanovich**
Katta o'qituvchi
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti
**Email:** muxriddin241992@gmail.com
**Tel: +998909247681**

**ANNOTATSIYA:**

Maqolada Somoniylar davrida (X–XI asrlar) Hanafiylik mazhabining Movarounnahr va Xuroson hududlarida tarqalishi, shakllanishi va davlat siyosatidagi o'rni tadqiq qilinadi. Buxoro, Samarqand va Balkh shaharlaridagi ilmiy markazlar, ulamolar (Abu Mansur al-Moturidiy, al-Hakim ash-Shahid) va ularning asarlarining Hanafiy fiqhiga qo'shgan hissasi tahlil etiladi. Mazhablararo nizolar (Hanafiylar, Shofeiylar, Karromiylar), Moturidiylik aqidasining rivoji hamda Somoniylarning keyingi turk davlatlari (Qoraxoniylar, Saljuqiylar)ga bo'lgan ta'siri ko'rib chiqiladi.

**Kalit so'zlar:** Somoniylar, Hanafiylik, Movarounnahr, Moturidiylik, Abu Mansur al-Moturidiy, al-Hakim ash-Shahid, Qoraxoniylar, Saljuqiylar, Mazhablararo nizolar

**ABSTRACT:**

The article examines the spread, formation, and political role of the Hanafi school of thought in Transoxiana and Khorasan during the Samanid era (10th–11th centuries). It analyzes the contributions of scholarly centers (Bukhara, Samarkand, Balkh) and prominent scholars (Abu Mansur al-Maturidi, al-Hakim ash-Shahid) to Hanafi jurisprudence. The study also explores inter-madhhab conflicts (Hanafis, Shafi'is, Karramis), the development of Maturidi theology, and the Samanids' influence on subsequent Turkic states (Karakhanids, Seljuks).

**Keywords:** Samanids, Hanafism, Transoxiana, Maturidism, Abu Mansur al-Maturidi, al-Hakim ash-Shahid, Karakhanids, Seljuks, Inter-madhhab conflicts

**АННОТАЦИЯ:**

В статье исследуется распространение, формирование и политическая роль ханафитского мазхаба в Мавераннахре и Хорасане в эпоху Саманидов (X–XI вв.). Анализируется вклад научных центров (Бухара, Самарканд, Балх) и видных учёных (Абу Мансур аль-Матуриди, аль-Хаким аш-Шахид) в развитие ханафитского фикха. Рассматриваются межмазхабные конфликты (ханафиты,

шафииты, каррамиты), эволюция матуридитской теологии, а также влияние Саманидов на тюркские государства (Караханиды, Сельджукиды).

**Ключевые слова:** Саманиды, Ханафитский мазхаб, Мавераннахр, Матуридизм, Абу Мансур аль-Матуриди, аль-Хаким аш-Шахид, Караханиды, Сельджукиды, Межмазхабные конфликты

Diniy e'tiqod, harbiy va iqtisodiy qudrat bilan bir qatorda davlatlar tayanadigan asosiy tamoyillardan biridir. Din va unga e'tiqod qiluvchilarning ba'zi farqlar bilan bir-biridan ajralib turadigan mazhablari har doim davlatlararo va davlat ichki siyosatida muhim o'rin tutgan. Buning idrokida bo'lgan davlatlar o'zlarining amal qiladigan din/mazhabni himoya qilish va tarqatish uchun harakat qilganlar. Islom dunyosining markaziy hududlarida rasmiy mazhabni qabul qilish masalasida bosim yoki shaharlardagi mazhablararo nizolar shaklida o'zini ko'rsatgan bu holat chegaralarda xavfsizlik faoliyatining kuchayishi bilan namoyon bo'lgan.

Bu doirada X asrda Musulmon dunyosini sharqida Hanafiylik va Somoniylar davlatining yetakchi o'rinda ekanligi ko'rinadi. Turklar o'rtasida Islom dinining keng tarqalganligi aynan shu asrda Hanafiylik yangi din qabul qilganlar uchun muammo tug'dirgan iymon-amal munosabati masalasidagi bag'rikenglik pozitsiyasi tufayli har doim ustuvor tanlov bo'lib kelgan. Yana bir muhim sabab shundaki, Hanafiylik urf-odatga beradigan ahamiyat va Islomning asosiy qoidalariga zid kelmasa, qadimiy an'analarning davom etishiga yo'l qo'yishidir. Imomi A'zamning shogirdlaridan bo'lgan birinchi qozi-quzzot Abu Yusufning sa'y-harakatlari bilan Abbosiylarning rasmiy mazhabiga aylantirilganligi Hanafiylikga Islom dunyosida keng tarqalish imkonini bergan. Biroq, bu ustunlik Abbosiy xalifalari (813-847) ham qabul qilgan Mu'taziliylarning keltirib chiqargan ijtimoiy tartibsizliklari tufayli jiddiy zarba yegan. Qur'on maxluq ekanligini da'vo qilgan Mu'taziliy tushunchasining tuzgan Mihna harakatining din ulamolari ustidan o'rnatgan og'ir bosimi bir muncha vaqt o'tib homiylarini yo'qotishi bilan aksincha oqibatga olib kelgan. Natijada, Mu'taziliy asoschilarining Hanafiy mazhabining g'arbda Shofeiylik bilan raqobatda orqaga chekinishiga sabab bo'lgan.

Boshqa tomondan, turli geografik va ijtimoiy-madaniy dinamikalar bilan birga Somoniylarning mavjudligi Islom dunyosining sharqida Hanafiylikning ustunligining saqlanib qolishiga imkon yaratgan. Bundan tashqari, Hanafiylik mintaqada Islomga qarshi pozitsiya olgan gnostik e'tiqod egalarining tizimli qarshiliklariga qarshi musulmonlar tomonining tayanch nuqtasi sifatida Moturidiylik bilan birga yetakchi rol o'ynagan. Shuningdek, Hanafiylik ularning samarali targ'ibot usullaridan ham foydalangan holda Islomning mintaqada tarqalishida muhim vazifalarni o'z

zimmasiga olgan. Shunday qilib, Hanafiylik bu jihatlari bilan Islom dinining mintaqada yoyilishida muhim rol o'ynagan.

Somoniylarning Hanafiylikni tanlashini ularning etnik (identiklik )kimligi bilan bog'liq deb tushunish mumkin. O'z davrining boshqa turk davlatlari singari, Somoniylar ham fikr va amaliy jihatdan o'zlariga mos keladigan Hanafiylik mazhabini qabul qilganlar. Shu bilan birga, ular boshqa ahli-sunna mazhablariga mansub kishilarga nisbatan adolat va tenglikni qo'llashdan ham chetlanmaganlar. Masalan, ular hukmronlik qilgan hududlarda Hanafiylikdan keyin ikkinchi o'rinda turgan Shofeiylik mazhabi vakillariga ham lavozimlar berishgan, davrning taniqli Shofeiy ulamolari uchun madrasalar qurishdan ham qaytmaganlar. Abu Abdulloh Muhammad ibn Nasr al-Marvarziy, Ibn Hibbon al-Bustiy, al-Hakim al-Kabir, al-Hakim an-Nisoburiy kabi ulamolar shular jumlasidandir.

Biroq, barcha narsaga qaramay, Somoniylar huzurida Hanafiylik boshqalarga nisbatan har doim bir qadam oldinda bo'lgan. Ayniqsa, huquq sohasidagi tayinlarda ular ko'proq Hanafiy qozilarni afzal ko'rganlar. Bu esa, mazhablar o'rtasidagi ta'sir nisbatan muvozanatli bo'lgan Nishopur kabi shaharlarda vaqti-vaqti bilan nizolarga sabab bo'lgan. Hattoki, Somoniylarning so'nggi davrida tez-tez uchraydigan isyon harakatlarida qo'zg'olonchilar aynan bunday voqealardan foydalanishga harakat qilishgan. Nuh II davrida Hurosonda isyon ko'targan Abu Ali as-Simjuriy misolida buni aniq ko'rish mumkin. Abu Ali as-Simjuriy o'zining sarkardaga qarshi boshlagan qo'zg'oloni oldidan harbiy va iqtisodiy tayyorgarliklar bilan birga, ayniqsa, Nishopurdagi Shofeiylarning qo'llab-quvvatlashini qozonishga intilgan va Abu Bakr Ahmad al-Hiriy al-Harashiyni shahar qozi etib tayinlagan edi. Biroq, bir muncha vaqt o'tgach, markazning bosimi tufayli Hanafiy Abu al-A'lo Said ibn Muhammadni Nishopur qoziligiga qaytarishga majbur bo'lgan[31].

Abu Ali as-Simjuriy Somoniylar hukmdori Nuh II ga qarshi isyoni davom ettirar bir vaqtda ittifoqchisi Sabuktekinning bosimi tufayli Jurjonga qochib ketishga majbur bo'lgan. Shu vaqt ichida Nishopur hokimligi Sabukteginning o'g'li Mahmudga topshirilgan edi. Biroq, 995 yilda Foiq al-Xossa bilan birga yana Nishopurga yurish qilganda, u yerda sobiq ittifoqchilari bo'lgan Shofeiylar tomonidan quvonch bilan kutib olingan[32].

Hanafiy-Shofeiy nizolaridan tashqari, Somoniylar ahlus-sunna aqidasini himoya qilish uchun ham katta harakat qilganlar. Masalan, Nasr II davrida uning kasalligidan foydalangan holda tarqala boshlagan Ismoiliya ta'limoti, uning o'g'li Nuh I tomonidan boshlangan ta'qiblar natijasida tugatilgan (943)[33]. Ibn an-Nadim va

[31] Richard Bulliet, *The Patricians of Nishapur*, Cambridge 1972, s.63, 201-205;
[32] Abu'l-Fazl al-Bayhaqiy, *Tarix-i Bayhaqiy*, Yahyo al-Hashshab-Sadiq Nashat, Bayrut 1982. B.221
[33] Aydın Usta, *Türklerin İslamlaşma Serüveni, Sâmânîler*, İstanbul 2013, s.137-145.

Nizomulmulk asarlarida Nasr II ning ahli-sunna va Hanafiylikni tark etib, botiniy bo'lgani haqida rivoyatlar mavjud bo'lsa-da, boshqa manbalarda bunday ma'lumot yo'q[34]. Hattoki, Ibn al-Asir yozishicha, Nasr II o'limiga olib kelgan kasalligi davrida 13 oy davomida xilvatga tortilib, ibodat bilan mashg'ul bo'lgan, vafot etgunga qadar har qanday yomonlik va man etilgan ishlardan uzoq turgan[35].

Shu bilan birga, bir voqeaning mazhabiy bog'liqligi aniq bo'lmasa-da, Nasr II ning vaziri Abu al-Fazl al-Bal'amiyning o'limidan so'ng davrning mashhur shoiri va shia e'tiqodiga ega bo'lgan Rudakiyni saroyidan haydab yuborgani ham qayd etilishi kerak. Bu voqea uning mazhabiy pozitsiyasiga nisbatan savollar tug'dirishi mumkin.

Somoniylar davrida Hanafiylik nafaqat rasmiy mazhab sifatida, balki turk an'analari va mintaqaviy ehtiyojlarga mos kelganligi sababli ham ustunlik qilgan. Biroq, ular boshqa sunniy mazhablarga nisbatan bag'rikenglikni saqlab qolishgan. Shofeiylarga nisbatan ba'zi imtiyozlar berilgan bo'lsa-da, davlat tizimida Hanafiylik asosiy o'rinni egallagan. Mazhablar o'rtasidagi nizolar va siyosiy raqobatlar Somoniylarning so'nggi davrida kuchaygan, bu esa ularning zaiflashuviga hissa qo'shgan.

Movarounnahrdagi g'oziylar harakati ham Somoniylarning ko'magida faoliyat olib borgan. Somoniylar sharqda musulmon bo'lmagan turk qabilalariga qarshi uyushtirgan yurishlariga qatnashgan g'oziylar, bu yurishlarning muvaffaqiyatidan foydalangan savdogarlar va sufiylarning hissasi bilan X asr davomida Islom mintaqa dashtlarida tez sur'atlar bilan tarqalishda davom etgan. Tabiiyki, bu davrning natijasi sifatida turklar orasida eng keng tarqalgan mazhab Somoniylarning ham amal qilgan Hanafiylik bo'lgan.

Somoniylarning sharqda turklar orasida Islomni yoyishdagi vazifasini Qoraxoniylar davom ettirgan va ular ham aynan Somoniylar orqali bu dinni qabul qilganlar. Xuddi shunday, Hanafiylikka qattiq sodiq bo'lgan Saljuqiylar ham bu merosdan bahramand bo'lishgan.

Somoniylar shahzodalarining ta'limi masalasida ham Hanafiy ulamolar ustunlik qilgan. Masalan, Nasr II o'g'li va vorisi Nuhning ta'limini davrning mashhur faqihi va Buxoro qozisi Abu-l-Fazl Muhammad as-Sulamiy al-Marvarziyga topshirgan. Nuh hokimiyatga kelgach, vazirlik lavozimini ham ustoziga ishonib topshirgan. Biroq, Somoniylar vazirlarini boshqa turk davlatlarida bo'lgani kabi Shofeiy ulamolari orasidan ham tanlashgan.

O'rta asrlarda mazhab tarafdorlari o'rtasidagi nizolarni Somoniylar hududida ham kuzatish mumkin. Masalan, Nishopurda Manashak mahallasi aholisi (asosan

[34] Ibn al-Nadim, *al-Fihrist*, nshr. Shayh Ibrohim Ramazan, Bayrut 1997. B. 234
[35] Ibn al-Asir, *al-Kamil fi't-tarix*, VIII, nshr. C.J. Tornberg, Bayrut 1979. B.402-403

Hanafiylar) bilan Hira mahallasi aholisi (asosan Shofeiylar) o'rtasida keskin raqobat va dushmanlik mavjud bo'lgan. Bu nizo Sijiston va Saraxsdagi mazhab tarafdorlari o'rtasida ham kuzatilgan[36]. Shaharda yashovchi Hanafiy-Karromiylar ham juda faol va janjalkash guruh sifatida ajralib turgan. Ularning soni Nishopurda 20,000 kishiga yetgan. Muhammad ibn Karrom asos solgan bu mazhab tarafdorlari Nishopurda Hanafiy-Murji'a yo'nalishiga yaqin bo'lsa-da, boshqa mintaqalarda turli e'tiqodiy o'ziga xosliklarga ega bo'lgan. Karromiylar Farg'ona, Xuttal, Marv, Samarqand va Juzjonda ham ko'p sonli tarafdorlarga ega edi.

Karromiylar ahli-sunnaga qarshi qattiq munosabatda bo'lishlari va "imon faqat til bilan iqror qilishdir" degan qarashlari bilan ajralib turgan. Bundan tashqari, ularning "imomat haqidagi qarashlari" Somoniylarning siyosiy mavqeini qonuniylashtirishga xizmat qilgani uchun hukmdorlar tomonidan nisbatan yaxshi qarshilangan. Biroq, ba'zi radikal qarashlari ularni ba'zan haddan tashqari qattiq harakatlar qilishga undagan.

Karromiylar bilan shialar va shofeiylar o'rtasida keskin dushmanlik mavjud edi. Nishopurdagi Karromiy-Shofeiy nizosining ildizi Somoniylar davridagi Huroson hokimi Abu-l-Hasan as-Simjuriy huzurida bo'lib o'tgan munozaraga borib taqaladi. Bu munozarada Abdulqohir al-Bag'dodiy (Shofeiy) bilan Karromiy olimi Ibrohim ibn Muhojir (Hanafiy-Karromiy) "Xudoga jism deb qarash kerakmi yoki yo'qmi?" degan masalada bahslashganlar va Karromiy olim mag'lub bo'lgan[37].

Davrning mashhur olimi Abu-l-Abbos as-Sarroj an-Nisoburiy ham Karromiylarni zindiq deb hisoblab, ularga dars bermagan[38]. Shu bilan birga, shahardagi mo'tadil Hanafiylar bilan as-Sarroj o'rtasida ham doimiy tortishuvlar bo'lib turgan. Xuddi shunday nizolar Sijiston va Saraxsda ham keng tarqalgan edi.
Somoniylar davrida Hanafiylik nafaqat rasmiy mazhab, balki turklar orasida Islomning asosiy targ'ibot vositasiga aylangan.

Somoniylar davrida Hanafiylikning eng muhim markazlari davlat poytaxti Buxoro, shuningdek Balx va Samarqand bo'lgan. Aynan shu shaharlardagi madrasalar orqali Islom diniy bilimlari va kitobiy tushunchalar keyingi avlodlarga yetib bordi. Somoniylar hukmronligi davrida Hanafiylik nafaqat rasmiy mazhab sifatida, balki ilmiy jihatdan ham rivojlandi. Bu davrda yetishib chiqqan ulamolar va ularning asarlari Hanafiy fiqhining shakllanishiga katta hissa qo'shdi: Abu-l-Fazl Muhammad as-Sulamiy al-Marvarziy (al-Hakim ash-Shahid) tomonidan yozilgan "al-Kofiy" asari Hanafiy fiqhining asosiy manbalaridan biri hisoblanadi.

[36] Maqdisiy, *Ahsanu'-t-taqasim fi ma'rifat al-aqalim*, Fuat Sezgin, Frankfurt 1992. B.336
[37] el-Bağdâdî, *Mezhepler Arasındaki Farklar*, trk. trc. Ethem Ruhi Fığlalı, Ankara 1991.B. 162-168
[38] az-Zahabiy, *Siyaru a'lomi'n-nubala*, XIV, thq. Shuayb al-Arnavud-Husayn al-Asad, Bayrut 1990. B.395

Abu-l-Lays as-Samarqandiy ("Imom al-Hudo") kabi fozillar Hanafiy fiqhining yetuk namoyandalari bo'lishgan.

Aqoid sohasida esa Abu Mansur Moturidiy (vaf. 944) Moturidiylik mazhabini asos solgan va u Abu-l-Hasan Ash'ariy bilan birga ahli-sunna kalomining asoschisi sifatida tanilgan. Keyinchalik bu mazhab Abu-l-Muin Nasafiy (vaf. 1114) tomonidan tizimlashtirildi va bugungi kunda turklar orasida eng keng tarqalgan itiqodiy mazhabga aylandi.

Al-Hakim as-Samarqandiy (vaf. 953) ning "Savod al-a'zam" asari Somoniylar davlatining rasmiy aqidasiga aylangan va bid'atchilikka qarshi sunniy e'tiqodning asoslarini mustahkamlagan. Somoniylar boshqa mazhablarga nisbatan adolatli munosabatda bo'lishgan bo'lsa-da, Hanafiylik ular uchun har doim ustunlik qilgan. Bu davrda Islom dinining turklar orasida tarqalishi savdogarlar va sufiylar orqali amalga oshirilgan va yangi musulmon bo'lganlar tabiiy ravishda davlatning rasmiy mazhabi – Hanafiylikni qabul qilishgan.

Somoniylarning Hanafiy an'analari keyingi turk-musulmon davlatlari – Qoraxoniylar, G'aznaviylar va Saljuqiylar tomonidan davom ettirildi. Xususan: Qoraxoniylar Somoniylar orqali Islomni qabul qilib, Hanafiylikni rasmiy mazhab qilib oldilar. Saljuqiylar ham Hanafiy fiqhiga sodiq bo'lib, uni keng tarqatdilar.

**Xulosa:** Somoniylar davri Hanafiylikning nafaqat keng tarqalishi, balki ilmiy jihatdan rivojlanishi uchun ham hal qiluvchi ahamiyatga ega bo'lgan. Huroson va Movarounnahrda ularning hukmronligi ostida o'tgan davr:

✓ Hanafiy fiqhining asosiy manbalari shakllandi.

✓ Moturidiylik aqidasi tizimlashtirildi.

✓ Keyingi turk davlatlarining diniy siyosatiga asos bo'ldi.

Shu sababli, Somoniylar nafaqat siyosiy, balki madaniy va diniy meros jihatidan ham turk-islam dunyosiga beqiyos hissa qo'shgan.

## REFERENCES

1. el-Bağdâdî, *Mezhepler Arasındaki Farklar*, trk. trc. Ethem Ruhi Fığlalı, Ankara 1991.
2. Abu'l-Fazl al-Bayhaqiy, *Tarix-i Bayhaqiy*, Yahyo al-Hashshab-Sadiq Nashat, Bayrut 1982.
3. Bosworth, C.E. "The Rise of Karramiyyah in Khurasan", *Muslim World*, sayı:50, 1960, s.5-14.
4. Bulliet, Richard, *The Patricians of Nishapur*, Cambridge 1972.
5. Demir, Hilmi, "Maveraünnehir'in Dinî-Politiği ve Mâtûrîdî'nin Yeri; Maniheizm ve Gnostikler", *Uluğ Bir Çınar, İmam Mâtûrîdî Uluslararası Sempozyum*

*Tebliğler Kitabı,* Ahmet Kartal, haz. 28-30 Nisan 2014 Eskişehir, İstanbul 2014, s.433-450.

**6.** Ibn al-Asir, *al-Kamil fi't-tarix*, VIII, nshr. C.J. Tornberg, Bayrut 1979.

**7.** Ibn al-Nadim, *al-Fihrist*, nshr. Shayh Ibrohim Ramazan, Bayrut 1997.

**8.** Isnaviy, *Tabaqatu'sh-Shofiy*ya, II, nshr., Abdulloh Muhammad al-Juburiy, Riyod 1981.

**9.** Kutlu, Sönmez, *Türklerin İslamlaşma Sürecinde Mürcie ve Tesirleri,* Ankara 2000.

**10.** Maqdisiy, *Ahsanu'-t-taqasim fi ma'rifat al-aqalim*, Fuat Sezgin, Frankfurt 1992.

**11.** Margoliouth, D.S., "Kerramiyye", *İA*, VI, 594-596.

**12.** Merçil, Erdoğan, "Simcurîler, IV, Ebu Ali b. Ebu'l-Hasan Simcurî", *Belleten*, sayı:195, Ankara1985, s.547-567.

**13.** Nizamülmülk, *Siyasetnâme*, trk. trc. Nurettin Bayburtlugil, İstanbul 1987.

**14.** Usta, Aydın, *Türklerin İslamlaşma Serüveni, Sâmânîler*, İstanbul 2013.

**15.** az-Zahabiy, *Siyaru a'lomi'n-nubala,* XIV, thq. Shuayb al-Arnavud-Husayn al-Asad, Bayrut 1990.

# UMMAVIYLAR DAVRIDA QOZILIK TIZIMINING RIVOJI

**Husniddin Muxitdinovich Yakubov**
CHirchiq davlat pedagogika universiteti
"Fakultetlararo ijtimoiy fanlar" kafedrasi o'qituvchisi

Islomda qozilik tizimi ilk islom davlatchiligi davrida va keyingi davrlarda davlat apparatining muhim va ajralmas qismi hisoblangan.

Manbalarda islomdagi qozilik tizimining ilk rivojlanish bosqichi sifatida Muhammad alayhissalomning Payg'ambarlik davri (610-631), ikkinchi bosqichi sifatida al-xulafo ar-roshidun davri (632-661) deb ko'rsatilsa, umaviylar davri (661-750) uchinchi bosqichi sifatida qayd etiladi.

Bu davrdagi qozilik tizimini mantiqiy jihatdan Xulafoi roshidin davrining davomi deyish mumkin. Shuningdek, bu davr kuchli davlatchilik sari qadam qo'yilishi bilan xarakterlanadi. Davlat chegaralarining kengayishi, G'arb va Sharqda musulmon aholisi sonining ortishi, ijtihodiy hukmlarning rivojlanishiga omil bo'ldi.

Xulafoi roshidin davrida poytaxtda qozilik vazifasini xalifalarning o'zi bajargan. Viloyatlarda esa, voliylar bir vaqtning o'zida ham voliy, ham qozi vazifasini qo'shib bajarishgan[39]. Bu davrda qozilik alohida mustaqil tizim sifatida ajralib chiqmadi. Davlatning aksariyat shaharlarida voliy etib tayinlangan shaxslarga qozilik qilish vakolati topshirilgan. Natijada har bir viloyat rahbari ham voliy, ham qozi bo'lgan.

Xalifa Umar ibn Xattob davridan boshlab esa, qozilikka alohida shaxs tayinlana boshlagan. Lekin bu islohot davlatning barcha shaharlarida to'liq tatbiq etildi deb bo'lmaydi.

Umaviy davlatning ilk xalifasi Muoviya ibn Abi Sufyon davridan boshlab qozilik alohida mansab darajasiga ko'tarildi. Poytaxt Damashqda xalifa qozilarni shaxsan o'zi tayinlagan. Shu sababli Damashq qozisi xalifaning qozisi deb yuritilgan[40].

Ta'kidlash joizki, xalifa Umar ibn Xattob davrida boshlangan bu islohot umaviylar davrida to'liq tatbiq etildi.

Umaviylar davrida qozilik tizimi mustaqil davlat apparati sifatida ajralib chiqdi. Bu davrga kelib, sud ishlarida taqsimotlar amalga oshirildi, ya'ni fuqarolik (oilaviy va mulkiy), hamda jinoyat (had, qasos va ta'zir) kabi ishlar bir-biridan ajratildi.

[39] Муҳаммад Зуҳайлий: Тариҳ ал қазо фил ислам-Дор ал-маърифа. Дамашқ. 1995.- Б 156.
[40] Ўша асар.Б. 166-167

Muoviya ibn Abi Sufyon davrida ilk marotaba Misr qozisi Sulaym ibn Itr (Anz)ga jarohatlar, qatl, qasos kabi ishlarni ko'rib chiqish vazifasi yuklatilgan[41].

Muhammad ibn Yusuf al-Kindiyning yozishicha, Abdurahmon ibn Muoviya ibn Huzayj (hijriy 86 yil vafot etgan) vasiylik ishlarini ko'ruvchi ilk qozi bo'lgan[42]. Yana bir ma'lumotda u : "Xalifa ibn Hishom davrida Misr qozisi Tavba ibn Namr axbos[43] mulklarini nazorat qiluvchi birinchi qozi edi"[44] deb yozadi. Axbos mulklari undan avval vasiyat qiluvchilarning qo'lida bo'lgan. Hijriy 118 yilda axbos mulklarini Tavba ibn Namr devon shakliga keltirgan va bu tajriba abbosiylar davriga kelib o'zining yuksak cho'qqisiga chiqqanini ko'rish mumkin.

Umaviylar davriga kelib, qozilarning vazifa va vakolatlari yanada kengaydi. Ular qozilik ishi bilan bir qatorda, vaqf va vasiylik, shurta (polisiya), baytul-mol[45] kabi muassasalarning ishlarini nazorat qila boshladilar. Shuningdek, xalifa yoki voliy davlat tashqarisida bo'lganida, boshqaruv vazifasini ham bajarishgan. Bu holatga manbalarda "istixlof" deb ta'rif berilgan.

"Axbor al-quzot li Vaki'" nomli asarda muallif bu haqida ko'plab ma'lumotlarni bayon etgan. Jumladan: "Abdulloh ibn Abdulmalik ibn Marvon qozisi Imron ibn Abdurahmon al-Husniyga qozilik ishi bilan birga mirshablikni ham qo'shib topshirgan"[46].

Baytul-molni boshqarish vazifasi esa ilk marotaba Umar ibn Xattob davrida Abdulloh ibn Mas'udga topshirilgan. Bu ish umaviylar davrida ham davom etdi. Muhammad ibn Yusuf al-Kindiy: "Abdurahmon ibn Hujayra baytul-molning ishlarini nazorat qilgan. U Abdulaziz ibn Marvonning qozisi edi", deb yozadi[47].

Umaviylar davrida ilk marotaba qozi chiqargan hukmlarni yozish, qayd etish boshlandi. Muhammad ibn Yusuf al-Kindiy "Misr voliylari" nomli kitobida keltirishicha, Muoviya ibn Abi Sufyonning qozisi Sulaym ibn Itr at-Tijliy birinchi bo'lib meros yuzasidan chiqargan hukmini yozadi va guvoh sifatida qo'shin boshliqlarini kiritadi[48].

Shu tariqa qozilik mahkamalarida ko'rilgan ishlarni qayd qilish, guvohlar va ularning ko'rsatmalari yozilgan hujjatlar paydo bo'la boshlagan.

---

[41] Муҳаммад Зуҳайлий: Тарих ал-қазо фил-ислам-дор ал-маърифа. Дамашқ 1995. –Б. 167
[42] Ўша асар
[43] Ахбос – ҳайрия сифатида тақдим қилинадиган мулк.
[44] Зофир ал-Қосимий: Низом ал –хукм фи шариъа ват-тарих ал-исламий. Дор ан-нафаис. Байрут 1992.-Б.277
[45] Байтулмол арабча - "мол-мулк уйи" маъносини англатади. Ислом мамлакатларида давлатга қарашли мол-мулк .
[46] Муҳаммад Зуҳайлий: Тарих ал-қазо фил-ислам-дор ал-маърифа. Дамашқ 1995. –Б.
[47] Ўша асар
[48] М.Ҳазарий: ад-давлату ал-умавия. Дор ал-фикр. Дамашқ, 1995.- Б.403

Shuningdek, qozilik sudlarida ilk marotaba qozilarning yangi noiblari, jumladan, munadiy[49], hojib[50] va tarjimon hamda polisiya (shurta) xodimlarining ishtiroki kuzatilgan.

Ta'kidlash joizki, qozilar tarjimonlardan islomga kirgan, arab bo'lmagan kishilarning ishlarini ko'rib chiqish uchun foydalanganlar. G'ayridinlar o'rtasida vujudga kelgan nizolar esa o'z diniy arboblari tomonidan hal qilinavergan.

Umaviylar davrida ijtihodga keng yo'l ochib berildi. Qozilar hukm chiqarishda Qur'on va Sunnada bo'lmagan masalalar yuzasidan o'z ray'lariga ko'ra ijtihod qilganlar. Qozilarga bu borada berilgan erkinlik, shariatga va adolatga xilof bo'lmagan holda, bir-biriga o'xshash masalalardagi hukmlar o'rtasida ixtiloflarni paydo bo'lishiga olib keldi. Bu esa o'z navbatida, keyingi, abbosiylar davrida fiqhiy mazhablarning shakllanishida ijobiy rol o'ynadi.

Umaviylar davriga kelib qozilar mustaqil bo'ldilar. Bu davrda Mazolim (shikoyat) sudining faoliyati ham bir muncha takomillashdi. Unda asosan xalifaning boshqaruvi ostida rasmiy va asosiy ishlar ko'rilgan. Umaviy xalifasi Abdulmalik ibn Marvon (685/705) birinchi bo'lib mazolim mahkamasini boshqargan. Shuningdek, ilk marotaba da'volarni ko'rib chiqish uchun muayyan kun tayin qilgan[51]. Shu tariqa davlatdagi xuquqiy me'yorlarni tartibga solgan va adolatli ish yuritishni ta'minlagan.

Qozilarning aksariyat qismi masjidda o'tirgan. Ishlar asosan masjidlarda ko'rilgan. Chunki masjid barcha shaharlarda hamma biladigan, hatto musofirlar uchun ham topishi qiyin bo'lmagan yagona markaz hisoblangan. Shuningdek, qozi o'z uyida, ko'chalarda yoki ayrim uzrli sabablarga ko'ra masjid eshigi oldida nizolarni hal qilgan[52].

Qayd etish joizki, bu davrda sud ishlari uchun alohida bino ajratilgan bo'lib, faqatgina rasmiy ishlar ko'rilgan.

Umaviylar davridagi qozilarning faoliyatiga nazar solar ekanmiz, unda qozilarning odilona harakat qilib, har bir ish yuzasidan adolatli qaror qabul qilganliklarining guvohi bo'lamiz. Quyida Umaviy davlatining adolatli xalifasi Umar ibn Abdilazizning qozisi Maymun ibn Mihronga yozgan risolasini keltirishni joiz deb topdik:

"Biror narsadan siqilgan yoki g'amgin bo'lgan paytlaringda hech bir da'vo yuzasidan hukm chiqarma va albatta tomonlarga nisbatan teng muomalada bo'l. Da'voga aloqador bo'lgan ma'lumotlarni yaxshilab o'rganib chiqmasdan va diqqatlik

[49] Мунадий-бу лавозим соҳиби ваколатига қозининг келганини ҳабар бериш, хусуматчиларни чақириш каби вазифалар кирган

[50] Ҳожиб- бу қози ҳузурига кириш, унинг олдида ўтириш каби ҳолатларда даъвогарларни тартибга риоя қилишини таъминлаган

[51] Мовардий: ал-Аҳкам ас-Султания. Дор ибн ал-Кутайба, Кувайт.- Б.78

[52] Муҳаммад Зуҳайлий: Тарих ал-қазо фил-ислам-дор ал-маърифа. Дамашқ 1995. –Б. 215

bilan eshitmasdan turib, humk chiqarishingda hech qanday ma'no yo'q va haqqini egasiga qaytarmasdan qaror chiqarishing adolatdan emas.

Odilona harakat qilmasdan hukm chiqarish va uni ijro etish hech bir mantiqqa to'g'ri kelmasligini bilib qo'y!"[53].

Bundan xulosa qilish mumkinki, xalifa qozi chiqarayotgan xukmlarning adolatli bo'lishi va inson xuquqlqrinig buzilishiga yo'l qo'ymaslik hamda sud jarayonlarida taraflar tengligini ta'minlash kabi dolzarb masalalarga alohida e'tibor qaratgan.

Bugungi kunda davlat va huquq borasida odil sudlovni amalga oshirish, mamlakatimizda adolatli davlat barpo etish va bu sohada islohotlarni amalga tatbiq etish alohida ahamiyat kasb etadi. Bunda ayniqsa qozilarning adolatli bo'lishi, ularning ijtimoiy adolatni tantana qilishida qonuniy yondoshuvi beqiyos ahamiyatga ega. "Xalq ochlikka, yo'qchilikka, hamma narsaga chidashi mumkin, ammo adolatsizlikka chiday olmaydi" deydi Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev. Shunday ekan, bu borada islom tarixida ilgari surilgan g'oyalarni o'rganish ayni muddaodir.

[53] Islam ansiklopedisi - Б.78-79 (турк тилида)

# O'QUVCHILARDA TA'LIM-TARBIYA JARAYONLARINI RAQAMLI VOSITALAR YORDAMIDA O'RGATISH - RAQAMLI SAVODXONLIKNI SHAKLLANTIRISH MEZONIDIR.

**Zilola Normurodovna Xaydarova**
Chirchiq Davlat pedagogika universiteti katta o'qituvchisi

## ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada ta'lim tizimini, ayniqsa, maktab ta'limini zamonaviy yutuqlarga moslashtirish, o'quvchining qiziqishlari, imkoniyatlaridan ijobiy maqsadlarda foydalanish, globallashuv davri va texnika asrida, nafaqat vaqtning samarali o'tishini ta'minlash, balki o'quvchining hayotiy ko'nikmalarini oshirishga, umumiy bilish darajasini, o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini shakllantirishga, hamda raqamlashtirish jarayonida hozirgi zamon o'quvchilarida raqamli savodxonlikni shakllantirish mexanizmlari haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** raqamlashtirish, raqamli o'qitish, raqamli ta'lim, raqamli savodxonlik, raqamli texnologiya, konstruktiv, ijodiy fikrlash, individual ta'lim, mobil ta'lim, raqamli manbalar, kreativlik, komunikativlik, hard skills, Soft sikll, ijtimoiylashuvlik, emotsiya, stress, liderlik, refleksiv munosabat.

Ta'lim sohasi eng tez rivojlanayotgan, mamlakat taraqqiyotida muhim ahamiyat kasb etadigan, zamonaviy axborot texnologiyalari, hamda raqamli resurslarni talab qiladigan istiqbolli tarmoqlardan biri hisoblanadi. Bugungi kunda ta'lim sohasida innovatsion texnologiyalar hamda raqamlashtirilgan resurslardan keng foydalanib kelinmoqda. Bu esa ta'lim sifatini, o'qitish samaradorligini yanada oshirishning ustuvor yo'nalishlaridandir. Ta'lim o'qituvchi va o'quvchilarning aqliy mehnati, faollik va ijodiy fikrlashidan iborat bo'lgan ko'pqirrali va murakkab jarayon hisoblanadi[1].

Dars samaradorligini oshirish ta'lim-tarbiya jarayonini ilmiy asosda yo'lga qo'yish va yangi pedagogik texnologiyalarni amalda qo'llash bilan uzviy bog'liq. Ta'lim muassasalarida innovatsion faoliyatni tashkil etishdan asosiy maqsad o'qituvchilar va ta'lim oluvchilar jamoasi hamkorligi izchilligini ta'minlash hamda uni aniq maqsadga yo'naltirilgan holda yo'lga qo'yishdan iboratdir. Bu ishda ham pedagogik, ham boshqaruv masalalari hal etiladi.

Raqamli vositalar va resurslardan xabardor bo'lgan va kundalik hayotda bu imkoniyatlardan foydalana oladigan o'quvchilarni fanga, sohaga qiziqtirish pedagogdan katta tajriba va bilimni talab etadi. Bunday sharoitda o'qituvchi o'quvchidan bir qadam oldinda yurishi, raqamli texnologiyalardan xabardor bo'lishi

va dars jarayonida foydalana olishi o'quvchilar jamoasini nazorat qilish hamda o'quvchilarni maqsadli yo'naltirish imkoniyatini oshiradi.

Raqamli texnologiyalardan xabardorlik XXI-asr ko'nikmalari – Soft sikll tarkibiga kirib, raqamli texnologiyalardan kundalik turmush tarzida foydalana olishi o'quvchining shaxs sifatida ijtimoiylashuvini oshiradi.

Soft sikll bu: "Qattiq ko'nikmalar (hard skills) — kasbiy, texnik ko'nikmalar. Har bir kasb egasi muayyan ko'nikmalariga ega bo'ladi. Ularni namoyish qilish, tekshirish va baholash oson. Tarjimon uchun tillarni bilish, haydovchi uchun mashinani boshqara olish, sartarosh uchun soch va soqolni ola bilish qattiq ko'nikmalar hisoblanadi. Inson qaysi jamoa yoki kompaniyada ishlamasin, bu ko'nikmalar o'zgarmay qolaveradi" [2].

Yumshoq ko'nikmalar (Soft skills) — qo'shimcha, universal ijtimoiy-psixologik ko'nikmalar. Ular kasbga bog'liq bo'lmaydi, lekin insonning hayotdagi muvaffaqiyatiga ta'sir ko'rsatadi. Odamlar bilan muomala qilish madaniyati, nizolarni hal qilish qobiliyati, odamlarni ishontirish mahorati, moslashuvchanlik, mas'uliyatlilik, puxtalik, har ishni o'z vaqtida bajarish, tanqidiy fikrlash, kreativlik kabi xususiyatlar "yumshoq ko'nikmalar"ga misol bo'ladi. Bunday ko'nikmalar nafaqat ishda, balki hayotning barcha jabhalarida kerak bo'ladi.

"Qattiq ko'nikmalarni faqatgina aniq belgilangan ko'rsatmalar yordamida egallash mumkin bo'lsa, yumshoq ko'nikmalar odamda yo tug'ma bo'ladi, yo hayotiy tajriba bilan rivojlanib boradi"[3].

SOFT SKILLS tushunchasining kelib chiqishi AQShda 1959 yilda harbiy sohaning rivojlantirish doir masalalariga borib taqaladi. Unga ko'ra, harbiy xizmatchilar kompetentsiyalari borasida olimlar tadqiqot olib borgan chog'larida ko'nikmalarni 2 turga bo'lish maqsadga muvofiq deb hisobladilar. Bunda ular kasbiy ko'nikmalar (hard skills) va shaxsiy sifatlar (soft skills)ga ajratadilar. Bunga sabab urushdagi muvaffaqiyatning ko'pgina qismini jangdagi askarlarni qanday boshqarilishiga qarab ta'minlashini aniqlashganligidandir. O'quv dasturlarda esa buni amalga oshirish uchun o'rgatilmagan. U paytda fizik jismlar bilan bog'liq ishlash ko'nikmalari shakllantirilgan edi. Inson tafakkurida mavjud bo'lgan o'lchash murakkab bo'lgan, mohiyati tushunarsiz - soft skillsga borib taqalavergan [4].

Soft Skills bu inson hayoti va faoliyatida kerak bo'ladigan universal ko'nikmalar jamlanmasi bo'lib:

- Insonlarni to'g'ri muloqot qilish
- Jamoaviy ishlash
- Emotsiya va stressni boshqara olish
- Liderlik qobiliyati
- TIME MENEGMENT-vaqtni boshqarish

- Tizimli va strategik fikrlash qobiliyati
- Muzokara olib borish
- Konstruktiv tandiqidiy fikrlash
- Muammolarni hal qilish
- Kreativlik
- Qaror qabul qila olish kabi ko'nikmalardan iborat.

Bugungi kunga kelib raqamli texnologiyalar yordamida o'rganish, ta'lim olish hamda raqamli vositalar yordamida o'z imkoniyatlarini oshirish zamonaviy ko'nikmalar sirasiga kirmoqda.

Raqamli vositalar yordamida o'rganish o'quvchiga qulaylik va qo'shimcha imkoniyatlarni beradi. O'quvchini raqamli vositalardan maqsadli foydalanish ko'nikmasini shakllantirishga o'qituvchi va ota-ona hamda o'quvchini qamrab olayotgan ijtimoiy muhit katta ta'sir o'tkazadi. O'quvchi sinfdan sinfga o'tgani sari, yoshi ulg'aygani sari ota-ona va boshqa yaqinlar o'quvchiga bosim o'tkazmasdan do'stona munosabatda bo'lishi kerak, farzand bilan oila kattalri suhbatlashish jarayonida "Face to face" tarzida muloqot qilishi, ya'ni ota-ona farzandi bilan suhbatlashishdan avval suhbat mavzusini aniqlab olishi, suhbat jarayonida suhbatlashish uchun ijobiy emotsional muhitni shakllantirishi, farzand bu suhbatni kutishi, suhbat yakunida berilgan tavsiyalarga amal qilishni samimiy va do'stona aytilishi, ota-onaning farzandigan bildirilgan ishonchni oqlashiga ishonishi kabi farzandni mas'uliyatni o'zida qoldiradigan motivlarga tayanib suhbatni tashkil etish kerak.

Globallashuv davri va texnika asri imkoniyatlaridan ijobiy maqsadlarda foydalanish, nafaqat vaqtning samarali o'tishini ta'minlaydi, balki o'quvchining hayotiy ko'nikmalarini oshiradi, umumiy bilish darajasini oshiradi, o'rganishga bo'lgan qiziqishlarini oshiradi. Zamonaviylik belgisi bo'lgan raqamli vosita va resurslar o'quvchi imkoniyatdarini oshirishga xizmat qilishi kerak. Raqamli resurs va vositalar o'quvchini fikrini buzuvchi, vaqtini o'g'irlovchi, dangasalik va boqmandilik, vayronkorlik kabi regressiv ko'nikmalarni shakllantirishga emas, aksincha quyidagi progressiv ko'nikmalarni shakllantirishi kerak:

- o'z vaqtini o'zi nazorat qila oladigan;
- mustaqil o'rgana oladigan;
- bilishdan bilmasliklarini aniqlay oladigan;
- refleksiv munosabatni kirishish;
- kreativlik;
-kommunikativlik;
-tanqidiy mulohaza qilish;
-raqamli resurs va raqamli vositalardan to'g'ri foydalanish;

O`quvchilarda raqamli vositalardan foydalanish, raqamli resursalar yordamida o'rganish, ta'lim olish ko'nikmalarini shakllantirish zarurati tobora ortib bormoqda.

Maktab o'quvchisi maqsadsiz, shunchaki vaqt o'tkazish, zerikmaslik, fanatlik va xobbilari ta'sirida raqamli texnologiyalardan foydalansa, hamda bu foydalanish jarayonida o'zini o'zi idrok qilomasa, o'z harakatlariga refleksiya berolmaslig natijasida dastlab bolada loqaydlik, keyinchalik, jizzakilik, asabiylik, dangasalik, urushqoqlik, boqsandilik kayfiyati shakllanadi. Bu illatlar qurshovida qolgan bola ta'limdan sovib, hatto jamiyatdan ham ayro tarzda yashashni ma'qul ko'radi. Bu kabi holatlar vaqtida oldi olinmasa turli bezorilik va jinoyat ko'chasiga kirib qolishi mumkin. Raqamli texnologiyalar, internet saytlari va ijtimoiy tarmoqlardan maqsadli foydalanishni o'rganish jamiyat uchun ijtimoiy zaruratga aylanmoqda. Raqamli texnologiya va raqamli resurslardan to'g'ri foydalanmaslik jamiyat uchun ijtimoiy xavfni keltirib chiqarayotgani dunyo tajribasida o'z isbotini topmoqda.

## REFERENCES

1. Nasirova Sh.N., Makhmudova M.A., Abdullaeva D.A. Efficiency of computer technology in teaching foreign languages ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13, p 1443-1450
2. Jack Cohen. So You Want To Work at a Startup? Hone These 11 Soft Skills First. - Electronic resource: https://medium.com/the-ascent/so-you-want-to-work-at-a-startuphone-these-11-soft-skills-first-377e9f27dc45 Date of the application: April 5, 2020.
3. Measuring soft skills & life skills in international youth development programs.URL:https://www.fhi360.org/sites/default/files/media/documents/resource-yp-measuring-softskills.pdf. (дата обращения: 09.10.2019).
4. Акрамова Ш.А. Ўқув жараёнида замонавий педагогик технологиялар ва уларни қўллашнинг амалий масалалари. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: ОҲБИ, 2016. - 82 б
5. Haydarova, Z. N. (2023). Ta'lim sohasida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish zarurati. UzMU xabarlari, 1(10), 225-227.
6. Haydarova, Z. N. (2023). Innovative Methods of Forming Students' Digital Learning Skills. International Journal on Integrated Education, 6(12), 37-42.
7. Normurodovna, H. Z. (2024). Building Digital Literacy As An Editorial Problem. *Pedagogical Cluster-Journal of Pedagogical Developments*, 2(4), 56-64
8. Haydarova, Z. N. (2023). MAKTAB O 'QUVCHILARIGA RAQAMLI O 'RGANISH KO 'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK

IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, 4(CSPU Conference 1), 1008-1013.

9. Haydarova, Z. N. (2024). INNOVATIVE METHODS AND PEDAGOGICAL–PSYCHOLOGICAL APPROACH TO THE FORMATION OF DIGITAL LITERACY IN MODERN STUDENTS. Western European Journal of Historical Events and Social Science, 2(10), 27-31
10. Haydarova, Z. N. (2024). MOTIV VA MOTIVATSIYA - O„QUVCHINING QIZIQISHLARI, BILISH DARAJASI HAMDA IJTIMOIY MUHIT TA'SIRIDA SHAKLLANADIGAN OMIL SIFATIDA. SOHIBQIRON YULDUZI Ijtimoiy-tarixiy, tarixiy va ommabop jurnal, № 1-Maxsus son 2024 yil, 29-36.
11. Haydarova, Z. N., Husaynova, O.O'. (2024). RAQAMLI O'RGANISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHDA FAN O'QITUVCHILARIGA QO'YILADIGAN TALABLAR. Zamonaviy ta'lim va ma'naviy-axloqiy tarbiyaning dolzarb masalalari mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyasi. 2024 yil. 17-oktyabr.,
12. Haydarova, Z. N. (2024). Individual yondashuv asosida hozirgi zamon o'quvchilarida raqamli savodxonlikni shakllantirish. Mug'allim, 3(3), 199-206.
13. Haydarova, Z.N.(2024). Ta'limda raqamli savodxonlikni shakllantirishning pedagogik imkoniyatlari. Raqamli transformatsiya, 1(1), 502-512.
14. Haydarova, Z. N. (2023). Innovative Methods of Forming Students' Digital Learning Skills. International Journal on Integrated Education, 6(12), 37-42.

# ДОВРУЛ ҲИКМА ВА МАОРИФ ТАРИХИ

**Жўраев Ҳамза Атоевич**
т.ф.ф.д. (PhD)
Чирчиқ давлат педагогика университети

**АННОТАЦИЯ:**

Мақолада Мовароуннаҳр ўлкасида мураккаб ижтимоий- сиёсий вазият ҳукм сурган даврда, Хоразм тупроғида ташкил топган илмий академия тарихи ҳақида кенгроқ маълумотлар берилгани, Шоҳ Маъмун фан ва маданиятга ҳомийлик бобида ўрта асрлардаги энг донгдор ҳукмдорлардан бири эканлиги, буни бугун бутун маърифатпарвар дунё тан олганлиги, орадан минг йил ўтиб тарихий адолат қарор топганлиги ва бу ҳол, шубҳасиз, ўзбек давлатчилиги, ўзбек фани ва маърифатини тиклаш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этганлиги далиллар асосида исботланган. Ўзбекистон Республикасида янги авлодни вояга етказиш, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларга асосий эътиборни қаратганлиги, Республикада иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари мавжуд бўлиб, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шакилланиб, Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилиниб, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** Хоразм, Маъмун, Абу Раҳхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Бакр Муҳаммад Хоразмий, Абу Саид Шошибий, Абулҳасан Хоразмий, мактаб-интернати, олимпиада, математика, иқтидор, жаҳон, олимпиадаси, билим, тафаккур, педагогик, технология, интерфаол.

**АННОТАЦИЯ:**

В то время, когда в Мавараунахре царила сложная социально - политическая ситуация, более подробная информация об истории созданной в Хорезмской научной академии, Что Шах Мамун был одним из самых мудрых правителей Средневековья в области науки и культуры, Сегодня это признает весь просвещенный мир, и спустя тысячу лет установилась историческая справедливость, несомненно, на основе доказательств что узбекская государственность имеет большое значение в восстановлении и развитии узбекской науки и образования. В Республике Узбекистан имеется методика выявления и обучения, психолого-педагогическия и организационныя условий для одаренных детей и талантливой молодежи, для формируется

республиканский банк и мониторинг информации о таких детях и молодежи привлечения лучших педагогов и ученых для разработки учебных программ и прогрессивных педагогических технологий.

**Ключевые слова:** Хорезм, Мамун, Абу Райхан Беруни, Абу Али ибн Сино, Абу Сахл Масихи, Абу Наср ибн Ирак, Абу Бакр Мухаммад Хорезми, Абу Саид Шошиби, Абулхасан Хорезми, школа-интернат, олимпиада, математика, талант, мир, олимпиада, знания, мышление, педагогика, технология, интерактивность

Ўзбекистон Республикасида 1997 йилдан бошлаб илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори интеллектуал муҳит яратишдаги миллий анъаналарни ривожлантириш, қадимда фан, маърифат ва маданият олимининг маркази ҳисобланган, одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этишга киришилди[1].

Маъмун академияси чуқур тарихий илдизлар ва сержило ўтмишга эга Хоразмда - жаҳон тамаддунинг илк бешикларидан бири саналган. Шунинг учун Хоразм воҳаси ва унинг пойтахти Хива кўҳна маданият, илм ва маърифат, нодир санъат ғоят ривож топган маскандир. Хоразм Ўзбекистон тарихида Бухоро Самарқанд билан биргаликда такрорланмас тақдир соҳиби ҳисобланади. Ўрта асрларнинг ҳалокатли йилларида жуғрофий жиҳатдан четда жойлашгани туфайли Қорахонийлар давлати таркибига ҳам Ғазнавийлар давлати таркибига ҳам кирмай, ихтиёри ўзида бўлган. Хоразм иқтисодий ва маънавий тараққиёт учун жуда қулай шароитларга эга эди. X асрнинг иккинчи ярмида Шимолий Хоразм ва унинг пойтахти Урганч (Гурганж) тараққий этди. 996 йилда Шимолий Хоразм подшоси Маъмун ибн Муҳаммад бу кичик аммо бой ва маданий мамлакатни бир давлатга бирлаштирди, у Хоразмшоҳ унвонини олди ва Урганчни мамлакатнинг пойтахти қилди.

Маъмун ибн Муҳаммад ва унинг ўғли Али ибн Маъмун вафотидан кейин унинг укаси Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун (999-1017 йиллар) Хоразм тахтига ўтирди. У ўз мамлакатини кучли ва мустақил давлатга айлантириш учун ҳаракат қилган ақлли, маданиятли киши эди. Айнан унинг даврида Хоразмда илм-фан ва маданият юксак поғоналарга кўтарилди, унинг саройи бугун Маъмун академияси деб аталган. Мажлиси Уламо очилиб, унда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Бакр Муҳаммад Хоразимий, Абу Саид Шошибий, Абулҳасан Хоразмий каби йирик олимлар фаолият кўрсатдилар.

Гурганжда ташкил этилган бу академия "Дорул Ҳикма ва маориф" номи билан юритилиб, у Юнонистон пойтахти Афинада Платон академияси, Бағдоддаги "Байтул ҳикма" (Донишмадлар уйи) каби илмий марказлар қаторида Машриқу Мағрибда машҳур эди.

Маъмуншоҳ академияси қошида бой кутубхона, ўқув хоналари, расадхона ҳам бўлиб, уларда қизғин баҳс-мунозаралар олиб бориларди, юнон, эрон ва ҳинд тилларидан илмий рисолалар араб тилига ўгириларди. Академиядаги бу "Дор-ул илм"-да алоҳида "Дор-ул хат" номи билан бўлим очилиб, таржима қилинган китоблар хаттотлар томонидан оққа кўчирилган. Шоҳ Маъмун фан ва маданиятга ҳомийлик бобида ўрта асрлардаги энг донгдор ҳукмдорлардан бири саналар экан, буни бугун бутун маърифатпарвар дунё тан олади. Орадан минг йил ўтиб тарихий адолат қарор топди ва бу ҳол, шубҳасиз, ўзбек давлатчилиги, ўзбек фани ва маърифатини тиклаш ва ривожлантиришда катта аҳамият касб этади[2].

Ўзбекистон Республикасида янги авлодни вояга етказиш, иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларга асосий эътиборни қаратди. Республикада иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш услубияти, психологик-педагогик ва ташкилий шароитлари яратилди, бундай болалар ва ёшларга оид маълумотларнинг республика банки ва мониторинги шаклланди. Махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологиялар ишлаб чиқиш учун энг яхши педагог ва олимлар жалб қилинади, ўқув-тарбия жараёнида уларнинг фаол иштироки таъминланади. Фан ва техникани, сиёсат ва иқтисодиётни, маданият ва санъатни ўргатиш марказлари қабилидаги ҳамда миллий таълим муассасалари ташкил этилади.

Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни чет элларда умумий ва касбий жиҳатдан тайёргарликдан ўтказишга қаратилган собит қадам фаолият амалга оширилди. Академик лицейларнинг ўқувчиларига, биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеъдод соҳибларига билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратилади[3].

Хулоса қилиб айтганда, Оддий умумтаълим мактабларида ўқитувчиларга қандай ҳақ тўланса, лицейда ҳам шундай ҳақ тўланган. Бу эса ўз навбатида тажрибали ўқитувчиларни танлаб олишга, олий ўқув юрти мутахассисларини лицейдаги машғулотларига жалб этишда қийинчилик туғдира эди. Биз ўтмишни эмас, келажакни ўзгартиришмиз мумкин. Келажак бугунги амалларимизга боғлиқ. Лекин илғор тажрибалардан фойдаланиш сифатли таълим омили ҳисобланади.

## REFERENCES

1..Бухоронома 2006 йил 27 сентябр
2. Бухоро ҳақиқати 1997 йил 15 ноябр №92
3. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т:.1997 й.55 бет.

# 13–14-YUZYILLIKLAR O'ZBEK DAVLATCHILIGI TARIXI FORS TILLI MANBALARIDA TURONDA TA'LIM TIZIMI

**Zafar Shamsidinov**
tayanch doktorant Fanlar akademiyasi Tarix instituti
+998 99 439 72 64
zafarshams_94@umail.uz

**ANNOTATSIYA:**

Ushbu maqolada fors tilli manbalar ham boshqa adabiyotlar doirasida 13–14-yuzyilliklarda O'zbek davlatchiligi mo'g'ullarga qaramlik davrining madaniy sohasining ajralmas qismi bo'lmish ta'limi tizimi to'g'risida ma'lumotlar keltirildi.

**Kalit so'zlar:** Turon, o'zbek davlatchiligi, fors tili, ta'lim tizimi, mo'g'ullarga qaramlik davri.

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье, в рамках персидских источников и другой литературы, представлена информация о системе образования, которая была неотъемлемой частью культурной сферы периода зависимости от монголов в узбекской государственности в XIII–XIV веках.

**Ключевые слова:** Туран, узбекская государственность, персидский язык, система образования, период зависимости от монголов.

**ABSTRACT:**

This article, within the framework of Persian sources and other literature, provides information on the education system, which was an integral part of the cultural sphere of Uzbek statehood during the period of Mongol dependence in the 13th–14th centuries.

**Keywords:** Turan, Uzbek statehood, Persian language, education system, period of Mongol dependence.

13 – 14-yuzyilliklarda o'zbek davlatchiligi mo'g'ullar hukmronligi bilan bog'liq ziddiyatli va murakkab jarayonlarni boshidan kechirgan. Tabiiyki, ilm-fan, madaniyat rivoji bir muddat orqaga ketgan.

O'sha ziddiyatlar pallasida mo'g'ullar tomonidan o't qo'yishlar hamda qirg'inlar asosan Turon va Eronga nisbatan bo'ldi. Ularning shiddatli hujumlari natijasida hamma yer ostin-ustun bo'ldi, ko'plab aybsiz insonlar o'ldirildi, qishloqu shaharlar batamom yo'q qilindi, ayniqsa ilm va adabiyot markazlari, saroylar

tashlandiq holga kelib qoldi hamda olim va fozillarning ayrimlari mo'g'ul qilichlari tig'ida jon berdilar, kutubxonalar kitoblari bilan birga yo'q qilindi[54].

Birinchi uyg'onish davrida qo'lga kiritilgan ilm-fan katta yo'qotishga uchradi. Olimu fozillar, shoirlar chingiziylar bosqini yillari panoh izlab tinch o'lkalarga, masalan, Shimoliy Hindistonga ketib qolgan edilar[55]. Biroq azaldan qonida zehniy salohiyati kuchli bo'lgan turonliklar asta-sekin o'z madaniyatini yana qayta tiklay boshladilar. Shu bilan birga turkiy madaniyat mo'g'ullarga ham o'z ta'sirini o'tkazib, ularni bu madaniyatni qabul qilishiga, turkiylashuviga olib keldi.

13-yuzyillik ikkinchi yarmi hamda 14-yuzyillik boshlarida shahar va qishloqlarda xo'jalik hayotining jonlanishi natijasida mo'g'ullar bosqini davrida inqirozga yuz tutgan fan, adabiyot, san'at va madaniyatning boshqa tarmoqlari ham tiklana boradi[56].

Mo'g'ullarga qaramlik davridagi boshlang'ich ta'lim biror o'zgarishga uchraganligi to'g'risida ma'lumotlar yo'qligi uchun bosqinga qadar O'zbek davlatini boshqargan sulolalarda bor bo'lgan boshlang'ich ta'lim tizimi saqlanib qolgan. O'sha davrlarda yashagan ko'plab olimlarning tarjimai holiga qaralsa, boshlang'ich ta'limni o'z ona shahrida olganligi aytiladi.

Madrasa ta'limi borasida mo'g'ul bosqiniga qadar anushteginiylar sulolasi ilm-fanga katta e'tibor bilan qaraganlar. Manbalarda anushteginiylar davrida 12 mingdan ziyod masjid, ular qoshida shuncha maktab, 4440 ta madrasa bo'lganligi qayd etiladi. Faqat Urganchdagi madrasalar soni 700 ga yaqin edi. 1219-yilga qadar Samarqand markazi Afrosiyobning o'zida 20 ta madrasa faoliyat ko'rsatgan[57]. Bundan ko'rinadiki, mo'g'ul bosqini natijasida yuqorida soni aytilgan madrasalarning bir qismi saqlanib qolgan.

Mo'g'ullarning istilochilik siyosati turonliklarning ilm-fanga bo'lgan qiziqishini so'ndira olmagan. Fors tilli manbalarda keltirilishicha, qaramlik davrida ham bir necha yangi madrasalar, jumladan Buxoroda Mas'ud Yalavoch[58] tomonidan 1234-yili qurdirilgan "tartiboti tengsiz bo'lgan" hamda mingga yaqin tolibi ilm tahsil

[54] Мирзо Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Қазвинийнинг Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонгушой" асарига ёзган сўз бошиси: Таърихи Жаҳонгушой. Алоуддин Атомалик Муҳаммад Жувайнӣ; тасҳиҳ Муҳаммад Қазвинӣ. Теҳрон: Муассасаи интишороти Нигоҳ. 1387/2008. С. 34 (*форс тилида*); Тарихи жаҳонгушо (Жаҳон фотиҳи тарихи). 12-бет.

[55] Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2001. 151-бет.

[56] Алоуддин Бухорий "Ҳайрату-л-фуқаҳо" асарининг Ислом манбашунослигида тутган ўрни. Тарих фан. фалсафа доктори дис.: 24.00.01. тошкент. 2019. 21-бет.

[57] Ziyo Buniyotov. Anushteginiy-Xorazmshohlar Davlati (1097-1231). Toshkent. 2023.

[58] Mas'ud Yalavoch (1289 yili o'lgan) — Turonni mo'g'ullar nomidan 1239–1289-yillari idora etgan amaldor. Mahmud Yalavochning o'g'li. O'qtoy xoqon tomonidan Mahmud Torobiy qo'zg'olonini o'z vaqtida bostira olmagan otasi o'rniga tayinlangan.

olgan "Mas'udiya"[59] madrasasi bo'lgan bo'lib, madrasada ko'plab qimmatbaho kitoblar jamlangan bo'lib, kutubxonasi ham bor bo'lgan[60]. Bundan tashqari o'sha davrda Mangu xoqonning onasi So'rquqtani Begi[61] ham nasroniy bo'lishiga qaramay Buxoroda "Xoniya" madrasasini qurdirib, uni boshqarishni Sayfiddin Boxarziyga ishonib topshiradi va daromadlarini vaqf qilib berib turadi[62]. Samarqandda ham yirik madrasa faoliyat yuritgan bo'lib, mo'g'ullarga qaramlik davrining so'nggi pallalarida o'sha madrasaning bosh mudarrisi "Sarbadorlar harakati"ning yetakchisi Mavlonozoda Samarqandiy (asli buxorolik) bo'lgan edi[63].

Bu davrda ham barcha musulmon mamlakatlarida bo'lganidek ta'lim-tarbiya tizimi uch bosqichdan: boshlang'ich ta'lim, umumta'lim va oliy ta'lim bosqichlaridan iborat bo'lgan deya chamalash mumkin. Boshlang'ich ta'lim masjidlar qoshidagi maktablarda berilgan. Boshlang'ich maktablarda xat-savod hamda o'qish, Qur'oni karim va hadisdan olingan namunalar, abjad hisobi, she'riy kitoblar, pandnoma, axloq-odob o'qitilgan.

Ta'lim-tarbiyaning ikkinchi va uchinchi bosqichi madrasalarda berilgan. Umumta'lim madrasalari asosan shaharlarda bo'lgan. O'sha madrasalarda maktab domalalari, masjid imomlari va qozixona xizmatchilari tayyorlangan. Ta'limning yuqori, oliy bosqichi *madrasai oliya* yoxud *madrasat al-ulum* deb atalib, ular hozirgi universitet maqomiga ega bo'lgan. Bunday madrasalar Marv, Buxoro, Samarqand, Gurganj, Olmaliq kabi olimu fozillar ko'p bo'lgan markaziy shaharlarida faoliyat ko'rsatgan.

Madrasai oliyalar islomiy ilmlarning yetuk bilimdonlarini, ulamo, shayxlarni, fiqx-huquqshunoslarni, mudarrislar va davlat xizmatchilarini tayyorlagan. Har bir madrasa qoshida kutubxonalar ham bo'lgan[64].

Madrasalarda asosan qaramlikkacha bitilgan Nizomiy Aruziy Samarqandiyning (o'limi 1160) "Chahor maqola" (Nodir hikoyatlar) kabi asarlari, shuningdek qaramlik davrida yozilgan fiqh va fiqh al-usulga oid sharh va asarlar o'qitilgan. Jumladan fiqh ilmiga oid maxsus Toju shar'ia qalamiga mansub "Viqoyat ar-rivoya fi masoili al-Hidoya" (Hidoya masalalarida rivoyatlarni saqlash), usulul fiqh[65] hamda furu'ul

[59] Шарафиддин Абдуллоҳ Шерозий: "Вассоф". Таърихи Вассоф ҳазрат. Абдулмуҳаммад Оятий таҳрири остида. Теҳрон: Бунёди фарҳанги Эрон. 1346/1967. 45-бет; Бомбей тошбосма нусхаси. 77-варақ. (*форс тилида*)

[60] А.Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент: Akademnashr. 2017. 328-бет.

[61] So'rquqtani Begi (1252-yili o'lgan) — Chingizxonning kenja o'g'li To'luyning katta xotini; mo'g'ul xonlari Munka, Qubilay, Ariqbuqa hamda elxon Hulokularning onasi.

[62] О.Д. Чехович. Бухарские документы XIV века. Ташкент. 1966. С. 9; Алоуддин Бухорий "Ҳайрату-л-фуқаҳо" асарининг Ислом манбашунослигида тутган ўрни. 21-бет.

[63] Л.Д. Бойматов. Сарбадорони Самарқанд. Душанбек. 2006. С. 20.

[64] Хива мадрасаларида таълим тизими ва ўқитиш услублари // https://madrasa.uz/madrasa-darslik/480-

[65] Usul al-fiqh – ilmi shar'iy ahkomlarni chiqarib olish qoidalarini o'rgatuvchi mo'tabar ilm bo'lib, eng nozik va ahamiyatli ilmlardan biridir. Bundan xabardor kishilar shar'iy hukmlarning qaysi manbalardan olinganini biladilar.

fiqhning[66] bilimdoni Abdulaziz ibn Ahmad ibn Muhammad Buxoriyning "Kashf al-asror" (Sirlarning yechilishi), fors tilida bitilgan Alouddin Buxoriyning "Hayrat al-fuqaho va xijlat al-fuzalo" (Faqihlarning hayrati va fozillarni uyaltiruvchi), Lutfulloh Nasafiyning (o'limi 1349) "Fiqh al-Kaydoniy" kabi asarlarni keltirib o'tish joiz.

Xulosa qilib aytganda, mo'g'ullarning asoratli bosqini mintaqamiz hayotida salbiy ta'sir qoldirgan bo'lsa-da, Turon mintaqasi aholisining asrlar osha qo'lga kiritgan ijtimoiy hayotning bir bo'lagi bo'lmish ta'lim tizimini butkul yo'qqa chiqara olmaganini fors tilli manbalarida guvohliklar borligi, aksincha Turon madaniyati mo'g'ullarni o'z madaniy muhitlaridan voz kelib shu madaniyatni qabul qilishiga undadi.

## REFERENCES

1. Ziyo Buniyotov. Anushteginiy-Xorazmshohlar Davlati (1097-1231). Toshkent. 2023.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Тошкент. 2001. 151-бет.
3. Алоуддин Бухорий "Ҳайрату-л-фуқаҳо" асарининг Ислом манбашунослигида тутган ўрни. Тарих фан. фалсафа доктори дис.: 24.00.01. тошкент. 2019.
4. Л.Д. Бойматов. Сарбадорони Самарқанд. Душанбек. 2006.
5. О.Д. Чехович. Бухарские документы XIV века. Ташкент. 1966. С. 9
6. Шарафиддин Абдуллоҳ Шерозий: "Вассоф". Таърихи Вассоф ҳазрат. Абдулмуҳаммад Оятий таҳрири остида. Теҳрон: Бунёди фарҳанги Эрон. 1346/1967.
7. Таърихи Жаҳонгушой. Алоуддин Атомалик Муҳаммад Жувайнӣ; тасҳиҳ Муҳаммад Қазвинӣ. Теҳрон: Муассасаи интишороти Нигоҳ. 1387/2008.
8. Хива мадрасаларида таълим тизими ва ўқитиш услублари // https://madrasa.uz/madrasa-darslik/480-

[66] Furu' al-fiqh – fiqhiy nazariyalarning amaliy hayot bilan uyg'unlashuvi.

# ИДЕНТИКЛИК ТАНАЗЗУЛИ ДАВРИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ВА ЭЪТИҚОДНИНГ ЎРНИ

**Шаҳноза Омониллаевна Мадаева**
ЎзМУ Фалсафа кафедраси профессори, ф.ф.д.

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола замонавий ўзбек идентиклигининг минг йиллар давомида шаклланган қадрият тизими ва бугунги кундаги глобал жараёнлар таъсирида ўзгараётган жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Ушбу илмий ёндашувдан асосий мақсад, идентиклик миллат, миллий тафаккур ва фалсафани, фуқаро ва давлатни ижтимоий борлиқнинг қандай ўзаро алоқадорлик тамойилларида боғлайди, деган масалага ойдинлик киритишдир.

**Калит сўзлар:** Миллат, идентиклик, глобал, қадрият, давлатчилик, симулякр, симуляция.

## ANNOTATION

This article aims to analyze various aspects of modern Uzbek identity that have been shaped over the course of millennia, and are undergoing changes under the influence of contemporary global processes. The primary objective of this research is to examine how identity ties a nation, national philosophy, citizen, and state through principles and patterns in social processes.

**Key words:** Nation, identity, global, value, statehood, simulacrum, simulation.

## АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена анализу аспектов современной узбекской идентичности, сформировавшейся на протяжении тысячелетий и которые меняются под влиянием сегодняшних глобальных процессов. Основная цель этого научного подхода – проанализировать вопрос о том, как идентичность связывает нацию, национальное сознание, философию, гражданина и государство через принципы и закономерности социальных процессов.

**Ключевые слова:** Нация, идентичность, глобальность, ценность, государственность, симулякр, симуляция.

Биз XXI асрда – Майкл Хардт ва Антонио Негри таъбири билан айтганда урушлар ва демократиялар хилма-хиллиги даврида яшаяпмиз[3. 17]. Бир томондан Ўзбекистон ўттиз йилдан ошиқ вақт давомида мустақил давлат сифатида ўз тараққиёт йўлини кетма-кет тизимлаштираётган, ушбу мавқеъни сақлаб қолишда турли усул ва методларни қўллаб бутун потенциал

имкониятларни ишга солаётган бўлишига қарамасдан бутун дунё хаос ва империал тортишувлар жараёни миллий давлатлари каби Ўзбекистонни ҳам ўз муаммолари домига тортаётган бир даврда яшамоқдамиз.

Замонавий глобал дунёнинг тараққиёт тамойиллари аслида секин асталик билан миллат, миллий давлатчилик, миллийлик каби тушунчаларни парчалаш, уларнинг маданий, сиёсий, маънавий аҳамиятини йўқотиш, уларнинг ўрнига трансмиллий корпорациялар сиёсати йўлида глобал тараққиёт учун қулай бўлган идентиклик стереотипларини аста секинлик билан шакллантириш оқимида кечмоқда. Ер юзи тобора торлашиб, чегаралар ювилиб, ижтимоий муаммолар умумийлашиб бориши дунё халқларининг миллий идентикликларининг ўзгариши, идентиклик таназзули жараёнида халқ, миллат, инсоннинг ўзини англаш контентини ўзгартириш ҳисобига юз бермоқда.

Бундай шароитда миллатнинг ўзликни англаши, идентиклик ҳодисасини такомиллаштириш, уни ана шундай хавф-хатардан ҳимоя қилиш миллатни ўзига қайтарувчи миллий онг, миллий бирлик, ватанга бўлган эътиқод ва фалсафа, аксиологиянинг ролини ошиб бораётганлиги мазкур йўналишда тадқиқотларни ривожлантиришни тақозо этади.

Дунё институтларида глобаллашувнинг авж олаётган шароитида "замонавийлик" билан "анъанавийлик" ўртасидаги мувозанатни йўқолиб бориши жараёнининг юзага келиши, айниқса замонавийликни миллий заминлар асосига эмас, балки ташқи таъсирлар асосида шаклланаётганлиги оқибатида миллий маданиятимизда юзага келаётган "оммавий маданият"га хос салбий кўринишлар: тақлидга ўчлик, фикрда саёзлик, манфаат асосида енгил-елпи мақсадлар йўлида яшаш каби стереотипларнинг олдини олиш эҳтиёжини ошиб бораётганлиги идентикликда қадрият тизими мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда миллий идентикликнинг мураккаб шаклланиш жараёни кечаётган бир даврда аксиологик жиҳатдан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий йўналишларда институционал тизимларда перманент вазият кузатилсада, ижтимоий онгнинг давлатчилик асослари бўлмиш, илм-фан, оила, Ватан ва миллий қадриятларига бўлган муносабатида муайян деструктив силжишлар рўй бераётгани кузатилмоқда. Миллий тараққиётнинг туб илдизларида мустаҳкам ментал сегментлар ҳосил қилган Зардуштийлик, Ислом, тасаввуф, Илк ўрта аср Ренессанси давридаги илм-фан ва билимнинг кучли феноменал асоси ва Ўрта аср ўйғониш давридаги Алишер Навоий гуманизми ва ватанпарварлик фалсафаси каби ноёб маданий ҳодисалар ўзбек халқи менталитетида қандай кучли ҳодиса бўлган бўлса, ҳозирда эса замонавий оқим ва таъсирлар натижасида идентиклик контенти ўз сифат моҳиятини сезиларли

йўқотиб бормоқда. Ушбу хатарли жараён аслида миллатни келажаги билан боғлиқ сиёсий моҳият касб этади. Шунинг учун ҳам миллий идентикликнинг янги парадигмал шаклини яратиш учун давлат миқёсида кучли ғояга таянган мафкуравий тизим, миллий фалсафанинг замонавий салбий оқимларга дош берувчи кучли ядроси ва механизми вужудга келиши тақозо этилмоқда. Инновацион фаолиятнинг социал, институционал ва миллий механизмлари жамиятнинг идентиклашуви жараёни ва аксиологик тамойилларининг шаклланишига ҳам татбиқ этилиши зарурий ҳодиса сифатида юзага чиқяпти.

Идентиклик назариясида бу жараённинг ўзак асоси бўлган ядро ички интилиш руҳи ёки кучидир. Ички ривожлантирувчи куч оддий индивиддан миллий феноменгача ўсиб ўтади. Эмерсон "Табиат ҳақида" ("Nature", 1836) номли биринчи китобида, "Ўзингга ишонч" (Self-Reliance, 1841) номли эссесида ва илмий ва публицистик ишларида - "биз барча бизга тегишли бўлмаган даҳшатларга қарши тура оладиган ички кучимизга, "мен"имизга, ўз "мен"имизга ишонишни бошлаганимиздагина яшашни бошлаймиз. Инсон табиати деб аталган нарса табиий инсон кучини нотабиий борлиққа буркаб ташлайдиган – ташқи қобиқ, хулқ-атворлар қопламасидир"[4], дейди. Эмерсон фалсафасида учта бир бирига боғлиқ жиҳат бор: 1) руҳ ягона реаль нарса, унда илоҳиёт ҳақидаги имманент фикр табиатда бўлгани каби жонда ҳам бор; 2) жоннинг марказий метафизик моҳияти қадрият ва ҳақиқатнинг манбаси эканлигидир; фалсафа эса инсон руҳида вужудга келадиган дунёнинг тузулиши ҳақидаги қарашдир; 3) бутун табиатни жонли ёки унинг руҳий абсолют эканлигини англаш: барча нарса табиат ва табиат барча нарсадир, шунингдек, жон ҳам, руҳ эса жоннинг олий кўриниши. Шахснинг репрезентетивлигининг юқорилиги унинг руҳан кучли бўлишига боғлиқдир. Бу дегани унинг абсалют ҳақиқатга етишиши осон бўлади. Эмерсон бу таълимоти туб моҳияти билан Шарқ фалсафаси илдизларидаги яқинлаша борди. Эмерсон қарашлари Ғарб жамиятини тубанликка торта бошлаган прагматизм соясида янги ва умид берувчи таълимот сифатида океан орти мамлакати философларининг назарига туша бошлади. Улар уни ўзларига маънавий раҳнамо сифатида қарай бошладилар. Бу жараён XX аср Америка фалсафасига тамал тоши қўйди. Америка фалсафасидаги бу руҳият тезлик билан немис философлари Ф.Ницше ва А.Бергсонлар таълимотига катта таъсир кўрсатди. Эмерсон Бенжамин Франклин ўлимидан кейин миллатнинг маънавий отаси сифатида эътироф этилган. Унга ҳатто рус прозасининг отаси бўлмиш Л.Н.Толстой "христиан диний фалсафаси"нинг алломаси, деган юқори баҳони беради. Таҳлилнинг марказида турган ички йўналтирувчи куч миллий идентикликнинг минг йиллик ривожида тарихий йўл, қадриятлар, миллий ментал онгнинг ўз-ўзини ташкил

этиш ва ўзлигини топишдаги ирода қуввати, контентининг сифат даражасидир. Идентикликнинг контент асоси эса миллатнинг иқтисодий, илмий, маданий, диний, сиёсий қадрият тизимидир. Унда француз олими Ж.Бодрияр назариясида кўрсатилган симулякр ва симуляция[1] - жараён ва контентнинг: сохталиги, ясамалиги, саёзлиги, ўз функциясини бажара олмаслиги каби ҳолатлар мавжуд бўлса, бу система кўринишидан миллийликни намоён этсада, аслида ўз илдизларининг кушандасига айланади.

Идентиклик – миллий, этник, касбий, ҳудудий, диний-конфессионал, гендер ва бошқа турларга бўлиниб, ушбу турлар ўз қамровидаги инсонларни иқтисодий, сиёсий, маиший, маънавий, маданий, ментал жиҳатдан ҳаёт тарзида маълум стереотиплар ҳосил қилиши, фикрлаш, хулқ-атвор, психологик холатлар ўхшашлиги натижасида ижтимоий гуруҳ ёки қатламларни яратиши билан характерлидир. Идентикликнинг қандай характер ёки хусусиятга эгалиги ёки қайси тургa мансублигидан қатъий назар шу идентикликка мансуб индивид ўзининг функционал ёки визуал амалиётида бирор бир гуруҳга мансублигини намоён этади. Ижтимоий антропологияда идентиклик турларга бўлинишидан қатъий назар табиий ва сунъий идентикликларга ҳам бўлинади. Табиий идентикликка миллий, диний, гендер идентикликлари мансуб бўлиб, улар инсон фаолияти ва истакларидан қатъий назар мавжуд ва уларни ўзгартириш мумкин бўлмаган ҳолатлар билан асосланади. Сунъий ёки нотабиий идентикликларга эса касбий, маданий идентикликларни мисол қилиш мумкин. Бу каби идентикликлар инсоннинг истаги ва фаолияти заруратидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Уларнинг мавжудлик шарти инсон ёки идентиклик гуруҳидан шу идентикликни ушлаб туришга алоҳида боғлиқлик, мадад ва истакни талаб этади .

"Идентиклик қадриятий мезонларни, этник, миллий, диний қарашлар симбиозлашган фикрларни шакллантиради. Қадриятий муносабат ва идентиклик асосидаги стереотип фикрлар идентиклик гуруҳларининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳаётининг бошқа соҳалари тизимлаштирувчи, уларнинг сифати ва даражасини белгиловчи кучга эгадир" [2, 3.].

«Идентиклик ўзида мифологик дунёқарашдан тортиб замонавий онгни намоён этган, индивидуаль, коллектив, онтогенетик, социогенетик асосларни ифодалаган мураккаб феномен, мураккаб психологик реалликдир» [3].

Идентиклик бўйича изланишларнинг илдизлари аксарият тадқиқотларда миллат тушунчаси билан узвий боғланиб кетади. Чунки идентикликнинг марказий когнитив ядросида ўзликни англаш орқали айнанлашув жараёни юзага келади. Миллат ҳақидаги назарияларда ҳам миллат барқарорлиги, унинг абадийлигини таъминлашнинг асосий омили миллатнинг ботиний- маънавий

салоҳиятида деб белгиланади. Миллат ички маънавий-руҳий қобилияти яратувчанлик салоҳияти, тинимсиз меҳнати матонати, ўзига хослиги тарзида тадбиркорлигини ривожлантириш замирида ҳозирги давр цивилизацион тараққиёти юзага келган.

## REFERENCES

1. Бодрияр Дж. Симулякры и симуляция, Тула : Тульский полиграфист, 2013. — ISBN 978-5-88422-506-0.
2. Мадаева Ш.О. Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Фалс.фан.д. дисс. 2009. 92-бет.
3. Мадаева Ш. Идентиклик антропологияси, -Тошкент: Нишон ношир. 2015.
4. Michael Hardt. Antonio Negri. EMPIRE. HARVARD UNIVERSITY PRESS. Cambridge, Massachusetts. London, England. 2000.
5. Ральф Уолд Эмерсон ижодида шахс репрезентативлиги тушунчаси унинг 1849 йилда ёзилган "Инсон репрезентативлиги ҳақида эссе"(«Essays on representative men») асарида тугал шакллантирилган бўлиб, унинг асоси "Табиат" («Nature») асарида (1836), "Эсселар" («Essays») да 1841 – 1844) яратилган.

# YOSHLARDA MILLIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHGA QARATILGAN DAVLAT SIYOSATIDAGI FAOLIYAT (ijtimoiy-falsafiy tahlil)

**Kurbonov Xurshidbek,**
Alfraganus universiteti tadqiqotchisi
g-mail: pozilovich.uz@gmail.com

## ANNOTATSIYA

Madaniyat xalqimiz tomonidan kashf etilib, ko'xna tariximiz qaridan barq urib kelayotgan o'ziga xos xususiyatlardan biri. Xalqimizning izlanuvchanlik, qiziqish, yaratuvchanlik, mehnatsevarlik, aql-shijoati natijasi sifatida yuksak madaniy merosimizning ajralmas qismi bo'lgan bebaho badiiy, tasviriy, amaliy, me'moriy san'at asarlari va yodgorliklari, xalq qo'shiqlari, raqslari, sport o'yinlari va turlarini yaratilib, avloddan-avlodga o'tib, boyib kelayotganiga tarix guvoh. Maqolada ushbu masalalarning ijtimoiy-falsafiy tahlili bayon etiladi.

**Kalit so'zlar:** yoshlar, madaniyat, estrada, musiqiy ta'lim, madaniy markaz, kinematografiya, tasviriy san'at, iste'dod.

# ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ, НАПРАВЛЕННАЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРЫ У МОЛОДЕЖИ (социально-философский анализ)

## АННОТАЦИЯ

Культура — одна из уникальных особенностей, которую открыл для себя наш народ и которую он ценит с древних времен. История свидетельствует о том, что в результате пытливости, любознательности, творчества, трудолюбия и интеллекта нашего народа были созданы, переданы из поколения в поколение и становятся все богаче бесценные произведения искусства и памятники, народные песни, танцы, спортивные игры и формы, являющиеся неотъемлемой частью нашего высокого культурного наследия. В статье представлен социально-философский анализ этих проблем.

**Ключевые слова:** молодежь, культура, эстрада, музыкальное образование, культурный центр, кинематография, изобразительное искусство, талант.

# STATE POLICY ACTIVITIES AIMED AT THE FORMATION OF NATIONAL CULTURE IN YOUTH
## (social and philosophical analysis)

**ABSTRACT**

Culture is one of the unique features that our people have discovered and valued since ancient times. History shows that as a result of inquisitiveness, curiosity, creativity, hard work and intelligence of our people, priceless works of art and monuments, folk songs, dances, sports games and forms, which are an integral part of our high cultural heritage, have been created, passed on from generation to generation and are becoming richer. The article presents a socio-philosophical analysis of these problems.

**Keys words:** youth, culture, pop music, music education, cultural center, cinematography, fine arts, talent.

**KIRISH.**

Respublikada yoshlarni madaniyat va sport sohasida iqtidorlarini namoyon etishlari, barkamol shaxs sifatida kamol topishi uchun shart-sharoitlar yaratildi. Konstitutsiya asosida, – "har kimga ilmiy, texnikaviy va badiiy ijod erkinligi, madaniyat yutuqlaridan foydalanish huquqi kafolatlanadi"[1].

Ta`kidlash joizki, madaniyat hamda sport masalalari ko'lamining kengligi, dolzarbligi, zamon talablari va aholi e'tiyojlarining ortib borishi, shuningdek ularning har biriga tarixiy mas'uliyat bilan yondoshish zarurati ushbu sohalardagi boshqaruvni isloh qilish zaruratini keltirib chiqardi.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Mazkur tadqiqot ishini bajarish davomida ilmiylik, mantiqiylik, analiz va sintez kabi usullardan foydalanildi.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili.** X.Pulatov, D.Yusubov, A.Eshamonov, Z.Kadirova, D.Raximova, M.Melikova, T.Ismoilov kabi olimlar tomonidan yaratilgan tadqiqotlarda qishloq sharoitida tabiatni muhofaza qilish madaniyati, ekologik ongni shakllantirish, yosh kadrlarni madaniy dunyoqarashini o'stirish masalalari, yoshlar intellektual madaniyatini rivojlantirishning ijtimoiy-falsafiy jihatlari tahlili amalga oshirilgan.

**Tahlil va natijalar.**

"O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Madaniyat va sport sohasida boshqaruv tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoniga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari vazirligi negizida O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi hamda O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport davlat qo'mitasi tashkil[2] etildi. Bunday islohotlar

madaniyat va sport sohasida davlat siyosatining innovatsion yondoshuvining mahsuli bo'lib, yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda hamda jismonan sog'lom bo'lib tarbiyalanishida, har ikki sohada ularning iste'dodlarini namoyon etishlariga, xalq madaniyati va sportni dunyo miqyosida targ'ib etishga imkoniyat yaratdi.

Farmonga binoan, «O'zbeknavo» estrada birlashmasi va "O'zbekraqs" milliy raqs birlashmasi negizida Madaniyat vazirligi huzurida "O'zbekkonsert" davlat muassasasi tashkil etilgan. Ushbu muassasa o'zida 2,5 ming ijodiy jamoa va ijrochilarni birlashtirdi. Bu esa o'z navbatida san'atning musiqa, estrada, xoreografiya yo'nalishlarini yanada rivojlantirish O'zbekiston xalqining ma'naviyati, yorqin va o'ziga xos madaniyatini yorituvchi yuksak badiiy va sifatli asarlar yaratishga har tomonlama ko'maklashish imkonini beradi[2].

2017-yilda mamlakatimizda 39 teatr, 175 muzey, mingdan ziyod aholi dam olish va madaniyat markazlari, istirohat bog'lari, 301 bolalar musiqa va san'at maktabi, 296 bolalar va o'smirlar hamda respublika darajasidagi sport maktabi, 51 mingga yaqin sport majmuasi, stadionlar va inshootlar faoliyati ta'minlandi, 2,7 milliondan ortiq bola sport, musiqa va san'at bilan muntazam shug'ullanishiga sharoit yaratildi[2].

Musiqiy ta'lim va kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish maqsadida Xalq ta'limi vazirligiga qarashli R.Glier va V.Uspenskiy nomidagi Respublika ixtisoslashtirilgan akademik musiqa litseylari, Respublika ixtisoslashtirilgan musiqa va san'at akademik litseyi, 301 bolalar musiqa va san'at maktabi Madaniyat vazirligi tizimiga o'tkazildi. Madaniy-ommaviy tadbirlarni yuqori darajada o'tkazishni kengaytirish maqsadida "Istiqlol" va "Turkiston" san'at saroylari Toshkent shahar hokimiyati ixtiyoridan Madaniyat vazirligi tasarrufiga o'tkazildi[2].

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy bog'i mustaqillik yillarida xalqimizning bunyodkorlik salohiyati bilan tobora chiroy ochib bormoqda. Qayd etish lozimki, 1991-yili Milliy bog' hududida buyuk shoir va mutafakkir Alisher Navoiyning muazzam haykali barpo etilib, o'tgan davr mobaynida ulug' ajdodimiz tarannum etgan yuksak gumanistik g'oyalarga hamohang ravishda, aniq me'moriy reja asosida keng ko'lamli qurilish va obodonlashtirish ishlari amalga oshirildi. Ushbu hududda 2007-yili O'zbekiston xalq yozuvchisi Abdulla Qahhor, 2010-yili O'zbekiston xalq yozuvchisi Oybek, 2013-yili O'zbekiston Qahramoni, O'zbekiston xalq yozuvchisi Said Ahmad va taniqli shoira Saida Zunnunova xotiralariga bag'ishlab yodgorlik majmualari o'rnatildi. Ma'naviy hayotimizda o'chmas iz qoldirgan atoqli so'z san'atkorlarining tarixiy xotirasini abadiylashtirish maqsadida O'zbekiston Milliy bog'i hududida Adiblar xiyobonini barpo[3] etildi.

Respublika baynalmilal madaniyat markazi va do'stlik jamiyatlarining Markaz negizida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Millatlararo

munosabatlar va xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik aloqalari qo'mitasi faoliyat yuritdi. Respublika baynalmilal madaniyat markazi, 138 milliy madaniy markaz, O'zbekiston xorijiy mamlakatlar bilan do'stlik va madaniy-ma'rifiy aloqalar jamiyatlari kengashi, shuningdek, 34 do'stlik jamiyati faoliyati O'zbekistondagi barcha millatlar va elatlarning tarixi, madaniyati, ma'naviy qadriyatlari, an'ana hamda urf-odatlarini asrash va har tomonlama rivojlantirish, millatlararo munosabatlarni uyg'unlashtirish, jamiyat va davlatni barqaror rivojlantirishda muhim o'rin tutadi[4].

Yoshlarni iqtidorini namoyon etishida tasviriy san'atning o'rni beqiyos. Ushbu sohani rivojlantirishda "ayniqsa, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 1997-yil 23-yanvarda imzolangan «O'zbekiston Badiiy akademiyasini tashkil etish haqida»gi Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 11-martda qabul qilingan shu yo'nalishdagi qarori muhim ahamiyatga ega bo'ldi. Mazkur tarixiy hujjatlarda belgilab berilgan vazifalar asosida Badiiy akademiya tomonidan o'tgan yigirma yil mobaynida tasviriy san'at sohasidagi davlat siyosatini amalga oshirish, rassomlar faoliyatini muvofiqlashtirish, ularning huquqlarini himoya qilish, moddiy va ma'naviy manfaatlarini ro'yobga chiqarish, yosh rassomlarni tarbiyalash borasida ko'p ishlar qilindi. Badiiy akademiya tarkibida tasviriy san'at sohasi bo'yicha milliy ta'limning ko'p bosqichli tizimi shakllantirilgani, «San'at» jurnali tashkil etilib, u 1998-yildan buyon uch tilda – o'zbek, rus, ingliz tillarida chop etilayotgani, boy badiiy merosimiz va zamonaviy tasviriy san'atimizning rivojlanish tendensiyalarini o'rganishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlarning moddiy, ilmiy-uslubiy bazasi mustahkamlanganini ta'kidlash lozim[5].

Madaniyat sohasini rivojlantirish, yetuk mutaxassislar tayyorlash uchun ta'lim muassasalarini tashkil etish, ularni moddiy-texnik bazasini mustahkamlash maqsadida ijobiy islohotlar amalga oshirildi. "Ayni shu maqsadda 2002-yilda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga binoan Toshkent davlat konservatoriyasi uchun yangi bino qurilib, u zamonaviy talablar asosida jihozlandi. Ushbu oliy o'quv yurtining nufuzi va maqomini oshirish uchun unga «O'zbekiston davlat konservatoriyasi» nomi berildi, konservatoriya qoshida iqtidorli yoshlar uchun akademik musiqa litseyi ham tashkil etildi[6].

Mustaqillik yillarida milliy kinematografiya rivojiga davlatimiz tomonidan qaratilayotgan katta e'tibor natijasida sohada muayyan yutuqlarga erishildi. Mazmun va shakl jihatidan rang-barang kino asarlar yaratilib, ular tomoshabinlar e'tiborini qozondi. Prezidentning "Milliy kinematografiyani yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida xalqimiz, avvalo, yoshlar ongiga milliy istiqlol g'oyalariga sadoqat, milliy va umumbashariy qadriyatlarga hurmat, ona Vatanga muhabbat tuyg'ularini singdirishda katta ta'sir kuchiga ega bo'lgan kino san'atining

rolini oshirish, "O'zbekkino" Milliy agentligining faoliyatini takomillashtirish borasida muhim vazifalar belgilab berilgan.

Prezidentning "O'zbekiston davlat konservatoriyasi faoliyatini yanada rivojlantirish va takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida xalqimiz, xususan, yoshlarimizning dunyoqarashi, ma'naviy saviyasi va estetik tarbiyasini yuksaltirishda g'oyat muhim o'rin va ahamiyatga ega bo'lgan musiqa san'atini har tomonlama rivojlantirish, boy musiqiy merosimizni chuqur o'rganish, yosh avlodni milliy va jahon musiqa san'atining mumtoz namunalariga muhabbat ruhida tarbiyalash, soha uchun yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish maqsadida muhim vazifalar belgilandi[7].

Tasviriy san'at asrlar osha salqallanib, yoshlarga tariximizdan saboq berishda, tasavvurlarini kengayishida, xalqimiz ma'naviyatini yuksaklikka ko'tarishda muhim ahamiyat kasb etdi. Bugungi kunda yoshlarni zamonaviy tasviriy san'at sohasiga qiziqishi, o'zlashtirishi va o'zlarining ijod namunalarini kashf etib, iste'dodlarini namoyon etishlari bu sohaga e'tiborning ortib borayotganidan dalolat beradi.

Prezidentning PQ-3219-son qarori asosida O'zbekiston Badiiy akademiyasi faoliyatini rivojlantirish va yanada takomillashtirish bo'yicha 2017–2021-yillarga mo'ljallangan chora-tadbirlar dasturi va mazkur dasturni amalga oshirish bo'yicha Respublika komissiyasi tarkibi tasdiqlandi. Ijodkorlarni har tomonlama moddiy va ma'naviy rag'batlantirish, iste'dodli yoshlarning ijodiy imkoniyatlarini kengaytirish, rassomlik va dizayn san'ati sohasida ta'lim tizimini tubdan isloh qilish, xalqimizning tasviriy va amaliy san'at sohasidagi badiiy merosini asrash va keyingi avlodlarga yetkazish, yurtdoshlarimizning tasviriy va amaliy san'at sohasidagi estetik ehtiyoj va talablarini qanoatlantirishda bu hujjat keng imkoniyatlar yaratib beradi[8].

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Madaniyat vazirligi huzurida yuridik shaxs maqomiga ega bo'lgan Madaniyat va san'atni rivojlantirish jamg'armasi tashkil etildi.

**Xulosa va tarliflar.** Yoshlarni ma'naviyatini yuksaltirish, milliy va umuminsoniy qadriyatlar, madaniyat durdonalari namunalaridan baxramand qilish, milliy musiqiy merosimizni ongiga singdirish orqali uning vorislariga aylashtirish, madaniyat sohasida yoshlar orasidan yetuk mutaxassislar, san'at fidoyilarini yetishtirish maqsadida islohotlar olib borildi.

Bag'rikenglik, insonparvarlika xalqimizning qon-qoniga singib ketgan o'ziga xos xususiyatlardan hisoblanib, mustaqillik davrida bu hususiyat davlatning innovatsion siyosatida ham o'z ifodasini topdi. Davlatning innovatsion siyosati ko'p millatli O'zbekiston xalqi vakillarini fidokorona mehnatlari va intellektual salohiyati bilan iqtisodiy tarmoqlar va ijtimoiy sohaning barcha yo'nalishlarini rivojlantirishga o'zlarining munosib hissasini qo'shib, bir oila bo'lib yashashga imkoniyat yaratdi.

Mustaqillik yillarida milliy madaniy markazlarning 120 dan ortiq faoli davlat mukofotlariga sazovor bo'ldi, orden va medallar bilan taqdirlandi, jumladan, 14 nafariga "O'zbekiston Qahramoni" yuksak unvoni berildi.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Янги таҳрирда. –Тошкент: Ўзбекистон. 2023. –Б. 13.
2. Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 15.02.2017 йилдаги ПФ-4956-сон. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон.
3. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида. 18.04.2017 йилдаги ПҚ-2894-сон. /"Халқ сўзи" газетасининг 2017 йил 19 апрелдаги 77 (6771)-сон.
4. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 19.05.2017 йилдаги ПФ-5046-сон. /"Халқ сўзи" газетасининг 2017 йил 23 майдаги 101 (6795)-сони.
5. Ўзбекистон бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 16.08.2017 йилдаги ПҚ-3219-сон. /"Халқ сўзи" газетасининг 2017 йил 17 августдаги 162 (6856)-сон.
6. Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 08.08.2017 йилдаги ПҚ-3178-сон. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.02.2022 й., 07/22/112/0099-сон.
7. Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. 07.08.2017 йилдаги ПҚ-3176-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.09.2017 й., 07/17/3292/0029-сон; 08.04.2021 й., 06/21/6202/0342-сон.
8. Ўзбекистон бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 16.08.2017 йилдаги ПҚ-3219-сон. /"Халқ сўзи" газетасининг 2017 йил 17 августдаги 162 (6856)-сон.

# НОВЫЕ ФИЛОСОФСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ В XXI ВЕКЕ

**Шахло Бахтиёровна Умарова**
shahloumarova1986@gmail.com

Чирчикский государственный педагогический университет Факультет гуманитарных наук, Преподаватель кафедры социальных наук среди факультетов

## АННОТАЦИЯ:

В данной статье проводится анализ современных философских тенденций, развивающихся в XXI веке. Подробно рассматриваются такие направления, как постгуманизм, трансгуманизм, экофилософия, цифровая философия, неоэкзистенциализм, философия гендера и идентичности, глобальная философия, а также этические проблемы, связанные с искусственным интеллектом. Особое внимание уделяется тому, как каждое из этих направлений предлагает философские подходы к решению актуальных технологических, экологических, культурных и моральных проблем современного общества. Статья направлена на переосмысление роли философии в повседневной жизни.

**Ключевые слова:** Философия XXI века, постгуманизм, экофилософия, цифровая философия, искусственный интеллект, философия гендера, неоэкзистенциализм, глобальная философия, деколониальный подход, этические проблемы, современные тенденции.

## ANNOTATION:

This article analyzes the emerging philosophical tendencies of the 21st century. It explores posthumanism, transhumanism, environmental philosophy, digital philosophy, neo-existentialism, gender and identity philosophy, global philosophy, and ethical dilemmas related to artificial intelligence. Each trend is examined in the context of contemporary technological, ecological, cultural, and moral challenges. The article highlights how modern philosophy seeks practical solutions to real-world issues, thereby reaffirming its relevance in today's society.

**Keywords:** 21st-century philosophy, posthumanism, environmental philosophy, digital philosophy, artificial intelligence, gender philosophy, neo-existentialism, global philosophy, decolonial approach, ethical dilemmas, modern trends.

**ВВЕДЕНИЕ.** В современную эпоху мир стремительно меняется. Изменения, происходящие в науке, технологиях, обществе, культуре, политике и этике, порождают новые философские направления. Сегодня философия изучает не только теоретические размышления о бытии, сознании и истине, но и стремится найти решения практических проблем, с которыми сталкивается человечество. Философия XXI века побуждает нас глубоко задуматься о том, кто мы такие как люди, как мы живем и как изменяемся под влиянием технологий. Ниже подробно рассматриваются основные философские направления, формирующиеся в этот период.

Постгуманизм критикует антропоцентричное мировоззрение, согласно которому человек является центром природы. Это философское направление утверждает, что кроме человека, другие существа — животные, растения, искусственный интеллект и даже алгоритмы — также обладают значением с точки зрения бытия и прав. По мнению постгуманистов, человек должен признать, что он не является священным или исключительным существом.

Это мировоззрение тесно связано с экологической философией, технофилософией и социальными теориями. В произведении Донны Харауэй *«Манифест киборга»* говорится о том, что границы между человеком и технологией постепенно исчезают. Рози Брайдотти трактует постгуманизм как новое этическое сознание — то есть человек должен жить во взаимном уважении с другими существами.

Появление искусственного интеллекта, киборгов, гуманоидных роботов и алгоритмов побуждает переосмыслить само понятие человечности. Эта тенденция заставляет нас вновь задуматься о том, что значит быть человеком.

С развитием информационных технологий и распространением искусственного интеллекта сформировалась цифровая философия. Это направление философски анализирует такие вопросы, как взаимоотношения между человеком и машиной, цифровые формы сознания, алгоритмическая этика и кибербезопасность.

Сегодня мы рассматриваем понятия виртуальной реальности, метавселенной, искусственного сознания и блокчейна не только в техническом, но и в философском контексте. Например, требуют ли действия в виртуальном мире реальной моральной ответственности? Сохраняется ли свобода человека в обществе, управляемом алгоритмами?

Цифровая философия также обсуждает критерии подлинности информации. Технология deepfake и тексты, написанные ИИ, затрудняют различие между правдой и фальшивкой. Это требует новых подходов к таким понятиям, как истина, доверие и сознание.

Неоэкзистенциализм — это современное продолжение экзистенциалистской философии XX века. Это направление по-прежнему изучает вопросы свободы, смысла, выбора и существования, но делает это в контексте современной реальности — в мире, наполненном глобализмом, интернетом, одиночеством и тревожностью.

Современный человек теряет свою идентичность под напором информации, шума и социального давления. Неоэкзистенциалисты исследуют, как в таких условиях человек может сохранить свою самость, найти смысл в жизни и реализовать возможность свободного выбора.

Неоэкзистенциализм также охватывает вопросы психического здоровья, изоляции, технологического одиночества и самопонимания. Это направление философски осмысляет психологические проблемы молодого поколения в современном мире.

В XXI веке гендер, сексуальность и личная идентичность стали центральными темами философии. Феминистская философия критикует патриархальный строй и вводит в философское пространство голоса женщин и других маргинализированных групп.

Такие мыслители, как Джудит Батлер, подчеркивают, что пол и гендер — это социальные конструкции, и выдвигают необходимость освобождения личности от навязанных обществом ролей. Гендерная философия акцентирует внимание на вопросах личного выбора, идентичности и равенства.

Современные дискуссии о гендерной нейтральности, правах LGBTQ+ и сексуальной свободе являются прямым следствием этих философских тенденций.

На фоне традиционной западной философии формируется движение глобальной философии. Оно стремится возродить мудрость различных народов, древнее культурно-философское наследие и включить его в современный философский дискурс.

Деколониальный подход критикует западноцентричность и развивается в рамках постколониальной философии. На основе местных мировоззрений, устных традиций и древних понятий Латинской Америки, Африки и Азии формируются новые философские теории.

Например, философия «Убунту» основана на принципе: «Я — человек только через других людей». Это направление подчеркивает значение сообщества, солидарности и взаимного уважения.

Искусственный интеллект открыл новую эпоху в истории человечества. Однако одновременно с этим возникли и глубокие этические и философские

вопросы. Например: можно ли считать искусственный разум моральным субъектом? Должны ли роботы обладать правами?

Если автономное транспортное средство (например, беспилотный автомобиль) выбирает, кого спасти при аварии — как это решение можно обосновать с этической точки зрения? И где проходит граница между искусственным разумом и человечностью?

Эти вопросы активно обсуждаются в рамках технофилософии, этики и философии права. В ближайшем будущем они станут неотъемлемой частью жизни человечества.

**ЗАКЛЮЧЕНИЕ.**

Философия XXI века отличается своей сложностью, актуальностью и близостью к реальной жизни. Сегодня философия занимается не только размышлениями о сознании, но и ищет ответы на такие вопросы, как экологический кризис, технологическое развитие, социальное неравенство, моральные противоречия и кризис идентичности. Эти тенденции способствуют переосмыслению человеческой сущности и позволяют сознательно формировать будущее человечества.

## REFERENCES

1. Брайдотти Р. Постчеловек. — Кембридж: Полити Пресс, 2013.
2. Батлер Дж. Гендерное беспокойство: Феминизм и подрыв идентичности. — Нью-Йорк: Рутледж, 1990.
3. Курцвейл Р. Сингулярность близка. — М.: Альпина нон-фикшн, 2016.
4. Мальдонадо-Торрес Н. Против войны: Взгляды с изнанки модерности. — Дарем: Издательство Университета Дьюка, 2008.
5. Массиу Р. Философия искусственного интеллекта. — СПб.: Питер, 2020.
6. Наесс А. Экология, сообщество и образ жизни: Очерк экософии. — Кембридж: Издательство Кембриджского университета, 1989.
7. Тирош-Самуэльсон Х., Мосс Д. Создание лучшего человека? Смена фокуса в дебатах о трансгуманизме. — Берн: Питер Ланг, 2012.
8. Харрауэй Д. Манифест киборга: Наука, технология и социалистический феминизм в 1980-х. — М.: Логос, 2001.
9. Хансен М. Прогнозирование: О будущем медиа XXI века. — Чикаго: Издательство Чикагского университета, 2015.
10. Чанышев А. Н. Курс лекций по древней философии. — М.: Высшая школа, 2001.
11. Феррандо Ф. Философский постгуманизм. — Лондон: Блумсбери Академик, 2019.

# AMIR NASRULLOH VA BOSH QUSHBEGI MUHAMMAD HAKIMBIY MAKTUBLARIDA MANG'ITLAR SULOLASI DAVRI TA'LIM TIZIMIGA OID MA'LUMOTLAR

**Nurilla Axatov**
tayanch doktorant Fanlar akademiyasi Tarix instituti
+998916369650

**ANNOTATSIYA:**

Ushbu maqolada Amir Nasrulloh hamda bosh qushbegi Muhammad Hakimbiy maktublari orqali mang'itlar sulolasi davri ta'lim tizimining bu davrdagi holatini aks ettirilgan.

**АННОТАЦИЯ:**

В данной статье через переписку эмира Насруллы и главного кушбеги Мухаммада Хакимбия отражено состояние системы образования в период правления династии Мангытов

**Ключевые слова:** узбекское государство, мангыты, Амир Насрулла, главный кушбеги, образовательная система.

.

**Abstract:** This article reflects the state of the education system during the Mangit dynasty period through the letters of Amir Nasrullah and chief kushbegi Muhammad Hakimbiy.

**Keywords:** Uzbek state, Mangits, Amir Nasrullah, chief kushbegi, education system.

Mang'itlar sulolasi davrida ham oldingi sulolalar davridagi kabi ta'lim tizimi islom huquqi doirasida qurilgan. An'anaviy ta'lim ikki bosqich: quyi bosqich va yuqori bosqich – madrasa bosqichidan iborat edi. Unda nafaqat diniy bilimlar balki dunyoviy ilmlar ham o'rganilgan.

Shaharlarning ko'p mahallarida maktablar bo'lgan. Bu aholining asosiy qismi boshlang'ich ma'lumotga ega ekanligini ko'rsatdi. Biroq, umuman olganda, savodxonlik darajasi moddiy ahvoliga bog'liq edi.

Bolalar olti yoshdan maktabga borishgan (ba'zan besh yoshdan boshlab) va bilim olish va ota-onalarning ta'lim uchun pul to'lash qobiliyatiga qarab o'n besh yoki o'n olti yilgacha maktabda qolishi mumkin edi. Maktabdagi muallim odatda eng yaqin masjidning imomi edi. Ko'pincha o'rta sinf bolalari maktabga borish imkoniyatiga ega bo'lgan.

Ayniqsa, ilgarigi davrlarda shakllangan maktab va oliy ta'lim beruvchi madrasalar faoliyati bu davrda ancha yuksaladi. Boshlang'ich ta'lim beruvchi maktablar amirlikning barcha yirik qishloqlarida, shaharlarining barcha mahallalarida iavjud bo'lib, bu maktablarda bolalarning dastlabki savodi chiqarilgan. Maktablarda arab alifbosida savod chiqarilib, qur'onning dastlabki oyatlari yodlatilgan. Shariatga oid dastlabki saboqlar berilgan.

Maktablarda bolalar yozishni va o'qishni, hisoblashni va asosiy hisob-kitoblarni o'rganishdi, lekin asosiy e'tibor musulmon dinining asoslarini, asosan Quronni o'qish qobiliyatini o'rganishga qaratildi.

Ayrim ma'lumotlariga ko'ra, Samarqand, Buxoro kabi yirik shaharlarda har mahallada boshlang'ich maktablar bo'lgan. Ularni asosan o'quvchilarning ota-onalari qo'llab-quvvatlagan.

Maktablar odatda mahalla masjidlari va ularning imomlari tasarrufida edi.

19-yuzyillikda ko'plab maktablar mavjud edi. Turkistonning boshqa shaharlarida bo'lgani kabi Buxoroda ham deyarli har bir ko'chada maktablar borligini va ularda o'quvchilar asl kitob, Quron, Chorkitob va boshqa diniy mazmundagi kitoblar bilan bir qatorda Xoja Hofiz, Mirza Bedil asarlarini, albatta, "beshta turkiy kitob", ya'ni Fuzuliy asarlarini, Lison ut-tayr, devonlardan birini o'qiganlar.

Buxoro amirligida bu davrda ya'ni 18 - yuzyillikning birinchi yarmi 19-yuzyillikda ham ta'lim tizimi oldingi asrlardagi nufuzini saqlab qolgan.

Madrasalarda ko'proq diniy bilimlarni o'qitishga e'tibor qaratilgan.

Bu davrda amirlikda faoliyat yuritgan madrasalar soni manbalarda turlicha keltirilgan. Turli ma'lumotlarni umumlashtirgan holda 200 dan va undan ortiq madrasa mavjud bo'lgan[67].

Amir Nasrulloh mashhur alloma Olim Muhammad Samarqandiyni shaxsan o'zi bilan Samarqandga keltirib, Tillakori madrasasiga mudarris va qozi ul-kuzzot etib tayinlagan. Shuningdek, turli davrlarda Ulug'bek madrasasida mavlono Qozi Sodiqi Halvoiy va mavlono Darvesh Muhammad Oxund Turkistoniy, Shayboniyxon madrasasida Amir Ibrohim, Nodir Devonbegi madrasasida Muhammad Sharif muftiy kabi mudarris olimlar faoliyat ko'rsatgan.

[67] Қаранг :Очерки по истории Средней Азии( XVI-середина XIX вв – .).М :. Изд .восточной лит.ры – .1958 ,С ;.107-108. .Иванов П.П .Очерки по истории Средней Азии( XVI-середина XIX вв – .).М :.Изд .восточной лит.ры – .1958 ,С ;.107-108 . Климович Л .Ислам в царской России .Очерки – .М ;.1936 ,.Сафаралиев Б.С .Народное образование как показатель социокультурной ситуации в истории Среднеазиатского общества – .С ;.99, Ғафуров У .XIX аср Тошкент мадрасалари ;.Ремпел Л.И .Далекое и близкое .Бухарские записи – .Т – .1981 :.С.4. Эргашев Б .Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате – .Т :.Фан – .1991 , С.16.

Madrasada mudarrislar uchun maxsus hujralar ajratilgan va mudarrislar bu hujralarda qolib yashashi mumkin bo'lgan. Va mazkur hujralarda yashovchi mudarrislarning ta'minoti uchun vaqf hisobidan mablag'lar ham ajratilgan[68].

19-yuzyillikning birinchi yarmida Samarqandda ta'lm, ilm-fan rivojlanishdan to'xtamadi, shahar amirlikning yirik madaniy markazi sifatida mavqeini saqlab qoldi. Bu davrda Samarqand shahri aholisining qarashlari, madaniy hamda ijtimoiy hayotiga muhim ta'sir o'tkaza olgan ilm va fan vakillari, ziyolilar qatlami an'anaviy ta'lim maskanlari hisoblangan maktab va madrasalarda tarbiyalangan.

O'z o'rnida hukmron tabaqa esa aholi orasida tashviqotlarni olib borishlari uchun ularning tayanch muassasalari bo'lgan masjid va madrasalarni moliyalashtirib borishgan[69].

19-yuzyillik o'rtalarida Samarqand va uning atrofidagi hududlarning o'zida 155 ta masjid va 22 ta madrasa faoliyat olib borgan[70].

Samarqand viloyati va shahar hududida an'aiaviy madrasa, qorixoia, xonaqoh va daloyilxonalar kabi ta'lim maskanlari bo'lib, ular yoshlar va katta avlod vakillari ma'iaviyati va axloqiy tarbiyasini oshiruvchi maskanlar vazifasini bajargan.

Bu davrda madrasalarda xususan, shariat aqidalariga keng o'rin berilgan diniy ilmlar bilan bir qatorda duiyoviy ilmlar ham o'qitilgan.

Madrasa boshlig'i sifatida barcha fanlar o'qitilishini nazorat qiluvchi mudarris tayinlangan.

Mudarris yuqori bosqich talabalariga va uning boshchiligida yordamchilari quyi bosqich talabalariga dars berganlar. Mudarris faqat madrasadagi o'quv jarayoniga mas'ul bo'lib, vaqf mulklarining boshqaruviga aralashish vakolatiga ega bo'lmay, faqat madrasa ehtiyojlari haqida mutavalliyga axborot berishi mumkin edi[71].

19-yuzyillikda mudarrislarni ishga tayinlash va o'qitish ishlari bilan bog'liq boshqa murojaat arizalari ham mamlakat xukmdori nomiga yozilgan.

Ya'ni madrasalarda mudarrislarni tayinlash va mudarrislik yorlig'ini berish amir tomonidan amalga oshirilgan[72]. Masalan, Amir Nasrulloh Sherdor madrasasida Mir Abu Sa'dxojani va Mir Salmonxoja esa Tillakoriy madrasasida mudarris qilib tayinlaydi[73].

---

[68] "Амир Насруллоҳ бош қушбеги Муҳаммад Ҳакимбийга мактублари" ЎзР ФА ШИ қўлёзма, №1989, 35[а] -бет.
[69] Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX - начале XIX веков. ... С. 34.
[70] ЎзМА. Ф. 5. Рўйхат-1. Иш-12. 125-варақ.
[71] Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. - Ташкент, 1907. С. 6.
[72] "Амир Насруллоҳ бош қушбеги Муҳаммад Ҳакимбийга мактублари" ЎзР ФА ШИ қўлёзма, №1989, 29[б] бет.
[73] Мир Салмон Хожа Самарқандӣ. Тафсил ва таърихи давлати чамоаи манғит аз замони Раҳимхон (нусхаи дастхати Институти дастхатҳои Санкт-Петербург, № С.33/XIII). Масъул муҳаррир: Гулпарӣ Шарифова. Панҷакент – 2024. С. 17.

Madrasaga asosan maktabni tugatganlar qabul qilingan. Madrasada ta'lim muddati aniq belgilab qo'yilmagan.

Talabalar madrasaga imtihon asosida qabul qilingan. Ular bilim darajasiga qarab uch bosqichga bo'lingan. A'lo (oliy), avsat (o'rta) va adno (quyi).

Birinchi bosqich sakkiz yil bo'lib, mana shu muddatda adno darajasidagi talaba avsat darajasiga yetmasa yana adnolik vazifasini olgan. Va agar shu muddatda avsat darajasiga erishsa yana sakkiz yil avsat vazifasini olgan. Agar avsat a'lo darajaga erishsa, u sakkiz yil a'lo vazifasini olgan. Agar talaba mana shu bosqichlarni o'zlashtirgach, unga rutba'i fuqi oliy (shahodatnoma) berilgan.

Talabalar madrasa yotoqxonalarida yashash huquqiga ega bo'lgan[74].

Madrasalarda talabalar tarbiyasi alohida e'tiborda turgan. Ayni holda, talabalarning yalqovlik va xususan, axloqsizlik qilishiga yo'l qo'yilmagan.

Madrasalardagi tarbiya jarayonini shartli ravishda ikkiga ajratish mumkin:

1) ta'lim jarayoni samaradorligini ta'minlashga qaratilgan tarbiyaviy choralar;

2) ta'lim bilan uzviy bog'liq bo'lgan axloqiy tarbiyaga yo'naltirilgan choralar.

Madrasalarda o'quv yili 22-sentyabrdan 22-martgacha davom etgan.

Buxoro amirligida madrasalarda haftada to'rt kun (shanba, yakshanba, dushanba, seshanba) dars o'tilgan. Fathulloh qushbegi, Bibi otun, Domulla Sher Muhammad va yana ayrim madrasalar vaqf hujjatlarida haftada to'rt kun dars o'tilishi aniq belgilab qo'yilgan[75].

Amir Nasrulloh davrida haftada dars kunlarini ko'paytirishga urinishlar ham bo'lgan. Uning zamonida hammasi barobar bo'ldi. Chorshanba tahsil kuni qilinib, payshanba va juma ta'til etildi. Biroq keyinroq yana chorshanba ilgarigidek ta'til hisoblangan[76].

Darslar bomdod namozidan keyin boshlangan. Dars ertalab soat 4:00 dan 10:00 gacha davom etgan. 12:00 da tushlik, so'ngra bahs-munozara. 16:00 dan 18:00 gacha dam olingan. Kechki ovqatdan so'ng yana tungacha bahs-munozara davom etgan[77].

Shu tariqa Buxoroda o'qish mavsumi 6 oy davom etgan. Hamal oyi kirishi bilan o'quv ishlari to'xtatilgan. Olimlar yasavuli mavsum yopilishida xuddi o'quv mavsimi boshlanishidagi kabi arznoma bilan oliy hukmdorga murojaat qilgan[78].

[74] "Амир Насруллоҳ бош қушбеги Муҳаммад Ҳакимбийга мактублари" ЎзР ФА ШИ қўлёзма, №1989, 35[а]бет.

[75] ЎзР МДА. И-323. 55-19. Фатҳуллоҳ қушбеги мадрасаси вақф ҳужжати; И-323, 49. Биби отун мадрасаси вақфи ҳужжати; И-323. 51. Домулло Шер мадрасаси вақфи ҳужжати.

[76] Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент: Akademnashr, 2017. – 63-64-бетлар.

[77] Джурабаев Д.Х .Система мусульманского образования в Бухарском ханстве в конце XVIII-начале XIX вв – .С.213 .

[78] ЎзР МДА. И-126. 1-2001 -4.

Madrasalarda ta'lim muddati aniq belgilanmagan. Ayrim talabalar 6-7 yilda marasani bitirgan bo'lsa ayrim talabalar 10-15 yil va undan ham ko'proq madrasada qolib ketgan holatlari bo'lgan.

Madrasalarda chorshanba, payshanba va juma ta'til bo'lgan. Talaba ta'til kunlari o'tiladigan mavzular yuzasidan mustaqil ishlashga berilgan topshiriqlarni bajargan. Oldingi darslarda o'rganganlarini takrorlagan. Odatda juma kuni musulmonlarning dam olish kuni bo'lib, bayram sifatida o'tkazilgan. Juma kuni talabalar olayotgan ilmini mustahkamlaydigan amaliy mashg'ulot sifatida ham qaralgan. O'sha kuni olimlar turli mavzularda ma'ruzalar aytishgan, alohida tushgan savollarga javob berishgan.

Madrasa talabalariga haftalik ta'tildan tashqari mavsimiy ta'tillar ham mavjud edi. Bu davrda tolibi ilmlar dars ȳqimasligi va to ȳqish boshlanguncha talabalar boshqa ishlar bilan shug'ullanishlari mumkin bo'lgan[79].

O'quv mavsumining bu tarzda belgilanishi xalqning iqtisodiy-ijtimoiy turmush tarzi bilan bog'liq bo'lgan. Ya'niki, mart oyi oxirlaridan dalalarda ekin-tikin ishlari boshlangan. Sentyabr oxirlarida esa, hosil yetilib bo'lgan. Oradagi olti oyda talaba dala ishlarida ishtirok etishi va ota-onasi, oilasiga moddiy yordam berishi imkoniyatiga ega bo'lgan.

O'quv dasturga ko'ra fanlar uch qismga bo'lib o'rgatilgan: diniy adabiyotlar, umumta'lim fanlar va maxsus pedagogik fanlar.

O'quv dasturlari asosini islom huquqshunosligi, arab tili grammatikasi[80] tashkil qilgan. Fanlarning ko'p qismi diniy bilimlardan iborat bo'lib, falsafa, tarix[81], geometriya, matematika, geografiya, tibbiyot, kimyo kabi fanlar ham o'qitilgan[82].

Bundan tashqari talabalar qo'shimcha ravishda Rumiy, Mirzo Bedil, Hofiz, Sa'diy, Ismat, Qosim va Navoiy asarlarni ham o'qiganlar[83].

Bundan ko'rinib turibdiki, madrasalarda faqatgina diniy asosdagi fanlarnigina emas balki dunyoviy ilmlar ham o'qitilgan.

Shuningdek, ayrim madrasalar alohida ixtisoslashganligi bois, ularda alohida fanlar tahsili yo'lga qo'yilgan. Masalan, tabiblar tayyorlash uchun "Dorush-shifo"

---

[79] Мунтахаб ат-таворих: (Хӯқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Муҳаммадхакимхон Тӯра; форс-тожик тилидан тарж., муқаддима, изоҳлар ва кӯрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. 100-101-бетлар.

[80] Аҳмад Дониш. Асарҳои мунтахабба, нашрга тайёрловчи Ҳодизода. Нашриёти Давлатии Тоҷикистон, 1959, 185-бет.

[81] А. Муродов. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Ўзбекистон ССР "ФАН" нашриёти. Тошкент -1971. 83-бет.

[82] Шамсутдинов Р., Расулов Б. Туркистон мактаб ва мадрасалари тарихи. – Андижон Мерос, 1994. 60-6.; Исмаилов Ш.Ш. Народное образование в Узбекистане в конце XIX - начале XX века: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Ташкент, 1981. С. 15.

[83] Записки о Бухарском ханстве( Отчёты Демезона П.И .и Виткевича И.В – .). М :.Наука – .1983 , С.45-46.

madrasasida Abu Ali ibn Sino, Roziy, Abu Hasan Ali ibn Rizvon Misriy, Subhonqulixon[84] kabi tabiblarning asarlarini o'qitish joriy etilgan. Bundan tashqari, 1511 yilda yozilgan, 101 sahifadan iborat Muhammad Yusufning "Tibbi Yusufiy" deb nomlangan risolasi tibbiyotga taalluqli ma'lumotlar haqida bo'lib, tabiblarni tayyorlaydigan madrasalarda darslik sifatida o'qitilgan[85]. Bunday madrasalarda tahsil olgan talabalar keyinchalik shu sohaga oid risolalar yozib, mudarrislik qilgan. Masalan, Ja'farxoja ibn Nasriddinxoja Husayniy Xazoraspiy 1823 yilda turli kasalliklar va ularni davolash uslublari hamda dori vositalari xususidagi "Tibbiy ma'lumotlar to'plami"ni yozadi. Junaydulloh ibn Shayxul islom "Hoziq" laqabi bilan tanilgan (vaf. 1843 y.), shoir va tabib bo'lgan. U 1843 yilda Muhammad Sharif ibn Muhammad Niyoz Buxoriy Muhammad Akbar (XVII-yuzyillik)ning "Mezon attib" nomli asariga sharh yozgan. Sharh yozish barobarida unga ko'plab qo'shimchalar kiritgan[86].

Madrasalarda diniy bilimlar bo'lgan Qur'oni Karim, fiqh, shariat asoslari, diniy-axloqiy adabiyotlar bilan birga til, adabiyot tarix, falakiyot, mantiq, falsafa, xandasa(matematika) kabi dunyoviy va aniq fanlardan ham ta'lim olganlar.

Madrasalarning moliyaviy xarajati vaqf daromadi hamda davlat xazinasidan ajratilgan qo'shimcha mablag' hisobiga qoplangan, har bir madrasaning o'z vaqf mulki va vaqfnoma hujjati bo'lgan. Vaqfnomada madrasaning chiqimi, undagi xizmatchilar: mutavalli, mudarris, sadr, naqib, farrosh, oshpaz va boshqalar, shuningdek, talabalar soni, ularga berilgan maosh va nafaqalar aniq ko'rsatilgan.

Har bir madrasaning amir tomonidan tayinlangan o'z mutavallisi bo'lgan. Mutavalli xodim va talabalarga to'lanadigan haq, vaqf yerlarida ishni tashkil etish, mardikorlar yollash, ijarachilar va hissadorlar bilan shartnoma tuzish, do'konlar, tegirmonlar va madrasaning vaqf mulkiga kiruvchi boshqa ob'ektlardan ijara haqini undirish va undan boshqa ishlarga mas'ul bo'lgan. Shuningdek, madrasa

[84] Субҳонқулихон тиббиётга оид "Тибби Субҳоний"дан бошқа форс тилида "Иҳёу тибби Субҳоний" китобини ҳам ёзган . Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Ўз ФА ШҚИ ( инв. 2101) да сақланади .Асар саккиз бобдан иборат бўлиб ,унда турли дорилар ҳақида маълумот берилган .Шунингдек ,Субҳонқулихон даврида тибга оид кўп асарлар араб тилидан форс ва ўзбек тилига таржима қилинади ва қайтадан кўп нусхаларга кўчиртирилади .Тиббиёт соҳасини ривожлантириш мақсадида 1697 йили Бухорода " Буқъаи дор аш-шифо" номли 18 ҳужрали мадраса бино қилинади , бу ерда мутахассислар дарс беради. "Дор аш-шифо" қошида касалхона ,амбулатория ва дорихона ҳамда кутубхоналар бўлган .Дорихонада дори тайёрловчи иккита ходим ишлаган . "Дор аш-шифо" харажатлари вақфдан келадиган даромад ҳисобидан йилига 40 минг танга миқдорида тайин қилинган эди .Тўлиқ маълумот учун қаранг :А.Ирисов ,А.Носиров ,И.Низомиддинов .Ўрта Осиёлик қирқ олим – . Т :.Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти – .1961 ,Б.93 .

[85] Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-кўриқхонаси қўлёзма фонди № 11/13385.

[86] Вильданова А.Б .О состоянии науки в Среднеазиатских городах XVI – первой половины XIX века ( По данным восточных рукописей из фонда ИВ АН УзССР // ) Обществ .науки в Узбекистане – . № 7. 1989. С.36 .

xizmatchilari, mudarrislari va talabalarga beriladigan yillik maosh miqdori naqd pul va ozuqalik don hisobidan ajratilgan.

Madrasa o'qituvchilari-mudarrislar va boshqa xizmatchilar maoshlari, talabalar nafaqalari, kutubxona xarajatlari, ta'mirlash ishlari va boshqalarga ketadigan mablag'lar asosan vaqf yerlaridan keladigan foyda hisobidan qoplangan[87].

1828-29 yili Muhammadxakimxon Tўra hajdan kelib, Amir Nasrullo bilan uchrashgani va amir [88]. ..... Nasrulloh ўrtaga Hakim qushbegini qўyib, uni davlat xizmatiga taklif qildi, ammo Muhammadxakimxon Tўra faqirlik maqomidagi javobini beradi va mullo Muhammadsharif madrasasidan bir hujra olib, ўqishga mashg'ul bўlgan[89].

Xulosa qilib aytganda, azaldan Turon o'z ta'lim tizimiga ega bo'lib, ilmga, ta'limga, tolibi ilm hamda musofirlarga bo'lgan hurmat, ehtirom va e'tiborning yuksak ko'rinishi mavjud ekanligini anglash mumkin. Madrasani bitirgan shaxs jamiyatning turli sohalariga xizmat faoliyatlarini olib borgan.

## REFERENCES

1. "Амир Насруллоҳ бош қушбеги Муҳаммад Ҳакимбийга мактублари" ЎзР ФА ШИ қўлёзма, №1989.
2. Абдусаттор Жуманазар. Бухоро таълим тизими тарихи. Тошкент: Akademnashr, 2017.
3. Записки о Бухарском ханстве( Отчёты Демезона П.И .и Виткевича И.В). М :.Наука – .1983
4. Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края // Туркестанский сборник. Том 418. - Ташкент, 1907.
5. Мир Салмон Хожа Самарқандӣ. Тафсил ва таърихи давлати ҷамоаи манғит аз замони Раҳимхон (нусхаи дастхати Институти дастхатҳои Санкт-Петербург, № С.33/XIII). Масъул муҳаррир: Гулпарӣ Шарифова. Панҷакент – 2024.
6. Мунтахаб ат-таворих: (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Муҳаммадхакимхон Тўра; форс-тожик тилидан тарж., муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. - Т.: Янги аср авлоди, 2010.

[87] "Амир Насруллоҳ бош қушбеги Муҳаммад Ҳакимбийга мактублари" ЎзР ФА ШИ қўлёзма, №1989, 35[а]бет.

[88] Мунтахаб ат-таворих: (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Муҳаммадхакимхон Тўра; форс-тожик тилидан тарж., муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. 80-бет.

[89] Мунтахаб ат-таворих: (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Муҳаммадхакимхон Тўра; форс-тожик тилидан тарж., муқаддима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.Воҳидов. - Т.: Янги аср авлоди, 2010. 84-бет.

# МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

**Анвар Эргашевич Юлдашев**
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси профессори, тарих фанлари доктори, профессор.
тел.:+998 90 3208668, e-mail: anvar_08@mail.ru

**АННОТАЦИЯ:**

Мазкур мақола давлатимиз олдида турган долзарб муамолардан бўлган жамиятимиздаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган бўлиб, унда мазкур сохани таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги қонуний ва норматив-хуқуқий хужжатлар асосида асосланган.

**Калит сўзлар.** Ўзбекистон ахолиси, миллат, миллатлараро тотувлик, дин, диний бағрикенглик, диний конфессия, низо, ислом, христиан, яҳудийлик, буддавийлик, экстремизм.

**АННОТАЦИЯ:**

Данная статья посвящена укреплению межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе, являющейся одной из наиболее актуальных проблем, стоящих перед нашей страной, в ней на основе законодательных и нормативно-правовых обоснована, что обеспечение данной сферы является приоритетным направлением государственной политики Узбекистана

**Ключевые слова.** Население Узбекистана, нация, межнациональное согласие, религия, религиозная толерантность, вероисповедание, конфликт, ислам, христианство, иудаизм, буддизм, экстремизм.

**RESUME:**

This article is devoted to strengthening interethnic harmony and religious tolerance in society, which is one of the most urgent problems facing our country, it is based on legislative and regulatory justification that ensuring this area is a priority of the state policy of Uzbekistan

**Keywords.** Keywords. Population of Uzbekistan, nation, interethnic accord, religion, religious tolerance, confession, conflict, Islam, Christianity, Judaism, Buddhism, extremism.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқига халқига йўллаган Мурожаатномасида давлатимиз олдида турган долзарб муамолар қаторида "жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз", деган фикрни алоҳида таъкидладилар[3].

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибига кўра аҳолиси кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ҳозир Ўзбекистонда 136 та миллат ва элатларнинг вакиллари яшайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади [1], деб таъкидланган. Конституциянинг 13-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади [1]. 4-моддада Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади [1].

Давлатимизнинг ушбу муҳим соҳадаги сиёсати Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қаламига мансуб "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобининг олтинчи ("Хавфсизлик ва ташқи сиёсат) ҳамда еттинчи (Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар") йўналишларида белгилаб берилган [2].

Юртбошимизнинг 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига [4] мувофиқ, Республика байналмилал маданият маркази ҳамда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган. 139 та миллий маданий марказ фаолият олиб бормоқда. Ҳозирда мамлакатимизда давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этади, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда. Шу билан бир қаторда ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятларини етарли даражада таъминлаш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда

турли миллатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Диний бағрикенглик ғояси хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Ўзбекистон азалдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар тинч-тотув яшаган ўлка бўлиб келган. Азал-азалдан она юртимизда ислом, христиан, яҳудийлик, буддавийлик каби дин вакиллари ёнма-ён яшаб келган. Аждодларимиз турли дин вакилларига бағрикенг ҳамда доимо ҳурмат билан муносабатда бўлгани, Ватан тараққиёти йўлида елкадош бўлиб меҳнат қилгани тарихий манбаларда кўп қайд этилган. Асрлар мобайнида йирик шаҳарларда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди", деган норма киритилган [1]. "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда ҳам фуқароларнинг юқорида келтирилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган [5]. Ўзбекистон Республикасида давлат ва дин муносабатлари қадимий анъаналарга суяниб, ушбу соҳага бағишланган қонунлар билан таъминланган қуйидаги тамойиллар асосида олиб борилмоқда:

-диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

-диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний эътиқодга эга фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

-маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш;

-диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик.

2018 йил 16 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари

бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3668-сонли Қарорига мувофиқ Қўмита ҳузурида фаолият юритадиган жамоатчилик-маслаҳат органи ҳисобланмиш Конфессия ишлари бўйича кенгашнинг янги таркиби тасдиқланди. **Кенгаш таркиби 9 тадан 17 та** аъзога – Ўзбекистонда фаолият юритаётган диний конфессиялар вакиллари ҳисобига кенгайди.

2018 йилнинг 16 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5416-сонли Фармонни имзолади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда диний таълим тизимининг узлуксизлигини таъминлашга қаратилган: бошланғич босқичдан (ўрта махсус ислом таълим муассасалари ёки мадрасалар) тортиб, то олий ва ундан кейинги диний таълимгача.

2019 йил 4 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4436-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар Иттифоқи, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан жамиятда виждон эркинлиги ва диний-маърифий муҳит барқарорлиги кафолатларини таъминлаш мақсадида мустаҳкам ва доимий ҳамкорликни назарда тутувчи янги тизим жорий этилди.

Бундан ташқари, Дин ишлари бўйича қўмита таркибида аёллар билан ишлаш бўлими ташкил этилди, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишларни назорат қилувчи раис ўринбосари лавозими ҳам жорий этилди. Хотин-қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш бўйича Республика тарғибот гуруҳи ташкил этилди.

Ўзбекистон Ислом академияси ва Тошкент Ислом университети негизида **Ўзбекистон халқаро Ислом академияси (хозирда Халқаро исломшунослик академияси)** ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида Академия таркибидаги **малака ошириш Маркази ҳудудий филиаллари** ташкил этилди.

Ўзбекистон халқаро Исломшунослик академияси ҳузурида **«Зиё» медиа-маркази** ташкил этилиб, у аждодларимизнинг диний-илмий меросини кенг тарғиб қилиш, диннинг ҳақиқий инсонпарварлик мақсадини ҳамда диний-маърифий ҳаётда содир бўлаётган янгиликлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб боришни таъминловчи асосий медиа-тузилма ҳисобланади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида **«Вақф» хайрия жамоат фонди** ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси масжидлар, зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолар ва шу каби бошқа объектларнинг реконструкциясини молиялаштириш, уларни моддий-техник базасини яхшилаш ҳамда ушбу соҳа ходимларини моддий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Вилоятларда калом, ҳадис, фиқҳ, ақида илми ва тасаввуфни ўрганишга ихтисослашган **бешта илмий мактаб** очилди.

Ислом цивилизацияси маркази томонидан Ўзбекистонда Марказий Осиё мусулмон мутафаккирларининг жаҳон цивилизацияси ривожидаги ролига бағишланган 20 дан ортиқ **китоб ва рисолалар** тайёрланди. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Имом Термизий, Ҳаким Термизий ва термизлик бошқа олимларнинг асарлари ўзбек тилига таржима қилинди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Насафий, Алоуддин Усмондий, Саффар Бухорий ва ҳ.к. каби улуғ алломалар асарларининг аксарияти таржима қилиниб, 50 дан зиёд китоб нашр этилди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳукуматимиз томонидан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенглик анъанаси қўллаб-қувватланиб, янада ривожлантиришга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб бўлган 2276 та диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Улардан 2131 таси исломий, 197 таси ноисломий, шу қаторда 166 та христиан черкови, 8 та яҳудий ибодатхоналари, 6 та бахоий жамоалари ва 1 та кришнани англаш жамияти ва 1 та будда ибодатхонаси мавжуд [6]. 2023 йилда Ангрен шаҳрида католик черкови давлат рўйхатидан ўтказилган. Конфессия вакилларининг 50 дан ортиқ республика ва халқаро тадбирларда иштироки таъминланган. Шунингдек, уларга 14 та диний байрамларини ўтказишда амалий ёрдам кўрсатилган. Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб юқорида қайд қилинган ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик муҳити ўрнатилиши учун барча шароитлар яратилган. **Энг асосийси — бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувликнинг тўла таъминланганлиги.**

Ушбу оқилона сиёсатнинг маҳсули сифатида бугун юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда, турли дин ва миллат вакиллари бир оиладек иноқ

ҳаёт кечирмоқда. Республикамизда турли динларга эътиқод қилувчиларнинг барча ибодат ва маросимларни эмин-эркин бажариб, диний байрамларини кенг кўламда нишонлашларига ҳам ҳар томонлама шароитлар яратилмоқда. Хусусан, мусулмонларнинг Ҳайит байрамлари, насронийларнинг Пасха ва Рождество байрамлари, яҳудийларнинг Пейсах, Пурим ва Ханука байрамлари кўтаринки руҳда тантана этилмоқда. Турли конфессия етакчиларининг диний байрам кунлари бир-бирларини табриклаб, тадбирларда иштирок этишлари анъанага айланган.

Мустақиллик йилларида 320 минг нафар мусулмон Саудия Арабистонига зиёрат учун борган бўлса, шулардан 132 минг киши «Ҳаж», 178 минг киши эса «Умра» амалини бажаришга муваффақ бўлган.

2019 йилдан эътиборан Ўзбекистон фуқаролари учун «Умра» зиёратлари квотаси бекор қилинди.2024 йилда қарийб 461,5 минг нафар ўзбекистонлик Умра амалларини адо этди. Кейинги етти йилда 60 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж амалларини бажаргани юқори баҳоланмоқда. Шу тариқа Ўзбекистон Саудия Арабистонига борувчи зиёратчилар сони бўйича дунё миқёсида 10-ўринни қайд этди. 2,5 минг христиан ва яҳудийлар Исроил, Россия, Туркия, Италия, Грузия ва Юнонистон каби давлатларнинг муқаддас диний қадамжоларига ташриф буюрганлар.

Қайд этилишича, Саудия Арабистони подшоҳлиги Ҳаж ва Умра вазирлиги ўз ишларини Ўзбекистондаги ваколатли томонлар билан мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширади. Бунда Умра ширкатлари зиёратчиларга муносиб тарзда яшаш жойлари ва нақлиёт воситалари каби хизматларни кўрсатиши қатъий назорат қилиб борилади.

Ҳукуматимиз томонидан мусулмонлар сингари бошқа дин вакиллари, хусусан, православ христианлари Исроилнинг Иерусалим – Қуддуси шариф шаҳрига бориб, Пасха байрами муносабати билан муқаддас олов олиб келишларига ҳам имкониятлар яратиб берилган. У ерга замонавий самолётда чартер-рейс билан бориб келишлари учун ҳам Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ва Ўзбекистон епархияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" ва бошқа тегишли ташкилотлар хизмат кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжид, черков, синагога ва ибодат уйлари қурилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги "Ҳазрати Имом" мажмуи, "Минор" масжиди, вилоят марказларидаги жоме масжидлар, Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги православ черковлари, шунингдек, Тошкентдаги католик черкови ва буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сурдилар. Ушбу таклифдан келиб чиқиб, 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг 51-йиғилишида A/Res/73/128-сонли "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияси ташкилотга аъзо 193 мамлакат томонидан якдиллик билан қабул қилинди. БМТга аъзо мамлакатларнинг 50 дан ортиғи бу резолюцияни нафақат қўллаб-қувватлашларини, балки унга ҳаммуаллиф бўлишларини таъкидладилар.

Мамлакатимизда ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган изчил сиёсат жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан 2020 йилнинг 7 декабрь куни АҚШ Давлат департаментининг расмий сайтида Давлат департаменти Ўзбекистонни диний эркинликлар бўйича махсус кузатувлар рўйхатидан чиқарганлиги ҳақида хабар қилинди. АҚШ хукуматининг ўша пайтдаги Давлат котиби М.Помпео диний эркинлик борасида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапирар экан, қисқа муддат ичида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўрилган тезкор ва мақсадли чора-тадбирларнинг натижаси эканини қайд этган. Шунингдек, Давлат котиби махсус рўйхатдан чиқишда Ўзбекистон тажрибаси бошқа давлатларга намуна бўлиб хизмат қилишини ҳам таъкидлади.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида жаҳолатга қарши – жаҳолат билан курашиш оқибатида низоли вазиятлар авж олиб бормоқда. Айниқса Яқин Шарқ мамлакатларида миллий, диний ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар негизида юзага келган қуролли тўқнашувлар оқибатида юзлаб одамларнинг қурбон бўлаётгани, минглаб кишиларнинг ўз бошпаналаридан айрилиб, туғилиб ўсган юртларини ташлаб кетишга мажбур бўлаётгани каби аянчли жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишдаги ёндашувлар концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор аҳоли ўртасида профилактика ва тушунтириш ишларига қаратилди. Ушбу соҳада амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар «Жаҳолатга қарши маърифат» деган эзгу ғояга асосланган.

2018 йилнинг сентябр ойида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб аъзо бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби тасдиқланди. Илгари тўғри йўлдан адашган ва ўз хатти-ҳаракатларига чин

дилдан пушаймон бўлган фуқароларга маънавий-ахлоқий бурчларини адо этиш учун жамият ва ўз оилаларига қайтиш имконияти берилди. Диний экстремистик оқимларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишнинг муҳим қадамларидан бири, бу уларга нисбатан авф этиш актларини қўллаш бўлди.

Ушбу салбий оқибатларни бартараф қилиш амалиётида "Ўзбекистон омили"нинг ўрни, жумладан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқаро миқёсда ўтказилган анжуманларда, масалан БМТ Бош Ассамблеясининг 72, 75 сессияларида, МДҲ, ШҲТ давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги кенгашларида, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учрашувларидаги ташаббускорликлари омил сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг дин сохасидаги сиёсати замирида давлатнинг дунёвийлиги, дин ва давлат бир-биридан ажратилганлиги ҳақидаги тамойил ётади. Ўзбекистоннинг дин сохасидаги сиёсати, ўз навбатида, халқаро шартномаларнинг бу борадаги талабларини тўлиқ эътироф этади ва фуқороларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "O'zbekiston", 2023.
2. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: "O'zbekiston". 2021 -457 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. http://uzlidep.uz/news-of-uzbekistan/7998
4. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. // «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги 2021-йил 5-июлдаги ЎРҚ-699 қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.
6. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. "Тараққиёт Стратегияси" Маркази. 15 Июль 2020 й. https://strategy.uz/index.php?news=1014

# АҚШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**Хумоюнмирзо Нажмиддинович Темиров**
Андижон давлат университети тадқиқотчиси

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Америка Қўшма Штатларида коррупцияга қарши кураш жуда муваффақиятли амалга оширилганлиги ва бу халқаро даражада эътироф этилганлиги ҳамда АҚШ ҳукумати коррупцияга қарши қонунлар халқаро ва ҳукумат сиёсатининг қатаъий амалиётини ўрнатганлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** коррупция, қарши, кураш, муваффақият, халқаро, ҳукумат, қонун, сиёсат, амалиёт.

## ABSTRACT

According to the article, USA government has implemented stringent anti-corruption laws and policies, making it one of the least corrupt nations in the world. The country's effective anti-corruption efforts have also received international recognition.

**Key words:** corruption, opposition, struggle, achievement, global, governance, legislation, policy, and practice.

## АННОТАЦИЯ

Согласно статье, правительство США внедрило строгие антикоррупционные законы и политику, сделав страну одной из наименее коррумпированных стран в мире. Эффективные антикоррупционные усилия страны также получили международное признание.

**Ключевые слова:** коррупция, оппозиция, борьба, достижение, глобальный, управление, законодательство, политика и практика.

Ҳеч кимга сир эмаски инсоният яратилипдики, коррупция қадимги тарихдан жамиятда инсонлар ўз мансаб, ортиқча эҳтиёж учун виждонларини суиистеъмол қилиш муаммоси бўлиб келган.

Америка Қўшма Штатларида коррупцияга қарши кураш тажрибаси катта тажрибага эга бўлиб мамлакатда XVII-асрнинг охиридау бошланган.

Америка Қўшма Штатлари тажрибаси:

1) XIX-аср бошларида коррупциянинг пайдо бўлишига ёрдам берган омиллар;

2) Коррупцияга қарши курашдаги дастлабки чоралар;

3) XIX - асрда қўшма Штатларда коррупция даражасини белгилаш аср ва унга қарши кураш усуллари.

XVIII-XIX аср охирида қўшма Штатлардаги коррупциянинг ривожланиш омиллари ва қарши чоралар.

АҚШ сиёсатчилари қонун устуворлиги устун бўлган республикани қуришга интилди. Ҳукуматга кўра Қўшма Штатларнинг тўртинчи Президенти Жеймс Медисон жамиятда коррупцияга қарши курашнинг кескин чораларини ва давлат хизматчиларини давлат бюджетини шахсий манфаатларга мослаштириб ишлатиш учун эмас, балки давлат учун ишлатган бўлар эди" – деган фикрлари қонун устуворлиги давлат хизматчиларига ҳам дахлдор эканлигини айтган биринчи президент бўлади [1, 14, 48].

Америка Қўшма Штатларда коррупцияга қарши кураш Қонунчилик чораларини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишини, фуқаролик жамиятининг иштирокини ўз ичига олган мураккаб жараёндан бошлайди.

Қўшма Штатлардаги коррупцияга қарши курашни тавсифловчи баъзи асосий жиҳатлар:

Қонунчилик: Қўшма Штатларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган турли қонунлар: энг машҳурларидан бири бу Америка компаниялари ва фуқароларига хорижий амалдорларга пора беришни тақиқловчи хорижий коррупция амалиёти тўғрисидаги қонун (Foreign Corrupt Practices Act, FCPA).

Лоббичилик, давлат хизматчиларининг молиявий манфаатлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш, шунингдек, рақобатга қарши амалиётларни тартибга солувчи қонунларнинг мавжудлиги.

Юқоридагиларда Қўшма Штатларда коррупцияга қарши биринчи чоралар Конституцияда мустаҳкамланган 1787 йил АҚШнинг асосий қонуни. Конституциянинг II моддаси 4-қисмига биноан АҚШ Президенти, вице-Президенти, шунингдек бошқа давлат амалдорлари офисдан олиб ташланиши, оғир жиноятларга ҳукм қилиши белгилаб қўйилган [2].

Қўшма Штатларда коррупцияга қарши кураш коррупциянинг олдини олишга ва коррупция жиноятларини жазолашга қаратилган турли хил Қонунчилик ва ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. АҚШда коррупцияга қарши курашда асосий рол ўйнайдиган асосий қонунлар ва механизмлар мавжуд:

Чет элда коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонун (хорижий коррупция амалиёти тўғрисидаги қонун, Foreign Corrupt Practices Act, FCPA)

Бу коррупцияга қарши курашишга қаратилган енг таниқли ва қатъий қонунлардан биридир. У 1977 йилда қабул қилинган ва Amerika компаниялари ва фуқароларига бизнеснинг афзалликлари евазига чет ел амалдорларига пора беришни тақиқлайди. ФСПА компаниялардан шаффоф бухгалтерия ёзувларини юритишни ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ёки ҳисоботларни манипуляция қилишнинг олдини олиш учун молиявий операцияларни ошкор қилишни талаб қилади.

Эндрю Жексон президентлиги даврида қўшма Штатларда давлат бошқарувида шаффофлик асосида патронаж тизими шаклланди, унинг моҳиятини "ғолиб" шиорига қисқартириш ва давлат лавозимлари берилди ғолиб партия аъзоларига, ютқазган партия тарафдорлари еса ушбу лавозимларга кириш ҳуқуқини йўқотдилар [3, 401-402].

Америка деярли ўзининг иқтисодий ўсишининг гаровига айланди. Бундай сиёсий амалиёт кўпинча баъзи Штатлар ҳукуматлари эса, ушбу инвестицияларнинг узоқ муддатли рентабеллигини баҳоламасдан ўз иттифоқчиларини молиялаштиришга олиб келди. Бу эса, АҚШда тизимли коррупция деб аталадиган нарса ривожланишига олиб келди. Бу эса, кўплаб сиёсатчилар ва маъмурлар давлат аппаратида ўз жойларини сақлаб қолиш учун баъзи барқарорликни йўлини танлашди [4, 107].

Кейинги қабулқилинган қонун бу Давлат хизматчилари тўғрисидаги қонун (ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисидаги қонун - The Ethics in Government Act).

Ушбу қонун 1978 йилда қабул қилинган бўлиб, унинг асосий мақсади давлат хизматчиларининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишдир. Бу давлат амалдорлари ва уларнинг оила аъзолари учун молиявий манфаатларини ошкор қилиш мажбуриятини белгилайди, бу еса манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга ёрдам беради.

Асосий қоидалар:

Давлат хизматчилари томонидан молиявий маълумотларни мажбурий равишда ошкор қилиш.

Мансабдор шахсларнинг қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлган шахслар ёки ташкилотлардан "совға"ларни қабул қилиш каби коррупцион амалиётларни тақиқлайди (Lobbying Disclosure Act, 1995 y).

Ушбу қонун қўшма Штатлардаги лоббистлар фаолиятини тартибга солади ва лобби ташкилотларидан уларнинг ҳаракатлари ва мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишни талаб қилади. Лоббистлар тегишли давлат идораларида рўйхатдан ўтишлари, шахслар ва гуруҳлар ўз

фаолиятини молиялаштириши ҳақида тафсилотларни ошкор қилишларини шартини қўяди.

Лоббистлар Конгрессда рўйхатдан ўтишлари ва ўз мижозлари ҳақидаги маълумотларни ошкор қилишлари керак.

Лоббистлар фаолияти харажатлари тўғрисида ҳисобот бериш мажбурияти.

Сиёсатда коррупциянинг олдини олиш тўғрисидаги қонун (Адолатли бошқарув ва ошкора ҳукумат тўғрисидаги қонун, 2007 - The Honest Leadership and Open Government Act, 2007)

Ушбу қонун, қонун чиқарувчилар ва лоббистлар фаолиятига нисбатан ошкоралик ва ҳисобдорликни ошириш учун қабул қилинган. Бу молиявий манфаатлар ва лоббичилик фаолияти билан боғлиқ ҳисобот ва ошкор қилиш талабларини кучайтиради.

Лоббистлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг совғалари ва хайр-еҳсонларига нисбатан қатъий қоидаларни ўз ичига олади.

Федерал даражада қарор қабул қилиш жараёнида шаффофликни ошириш.

5. Ҳукумат ахлоқини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун (1989) - The Government Ethics Reform Act, 1989)

Ушбу қонун federal амалдорларнинг хулқ-атворини тартибга солади ва давлат хизматчиларига тақдим етилиши мумкин бўлган "совға"лар, "саёҳат"лар ва бошқа имтиёзларга нисбатан қатъий қоидаларни ўрнатади.

Бу амалдорларга ҳукумат билан муомала қилиши мумкин бўлганлардан "совға"лар ёки бошқа шахсий имтиёзлар олишни тақиқлайди.

Давлат идорасида ишлагандан кейин хусусий секторда ишлашга чекловлар қўядаи.

Ахборотчиларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун (1989) - Whistleblower Protection Act, 1989)

Ушбу қонун ташкилотлар ёки давлат идораларида қонунбузарликлар, коррупция ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилади.

Коррупция тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганларни таъқиб қилишдан ҳимоя қилиш.

Коррупция тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганларни таъқиб қилинган тақдирда судга мурожаат қилиш имконияти.

7. Сайловларни молиялаштиришда башорат қилиш тўғрисидаги қонун The Federal Election Campaign Act, 1971)

Ушбу қонун қўшма Штатлардаги сайловлар ва сиёсий кампанияларни молиялаштиришни тартибга солади. Бу маблағ манбаларини ошкор қилиш ва

кампанияни сарфлаш бўйича қатъий қоидалар орқали коррупциянинг олдини олишга қаратилган.

Сайлов кампаниялари пайтида барча хайр-еҳсонлар ва харажатлар тўғрисида мажбурий ҳисоботлар.

Номзодлар ёки партияларга берилиши мумкин бўлган миқдорларни чеклаш.

Пул ювишга қарши дастур (Anti-Money Laundering, AML)

Гарчи бу тўғридан-тўғри коррупцияга қарши қонун бўлмаса-да, АМЛ молиявий жиноятларнинг, шу жумладан коррупциянинг олдини олишга қаратилган. Бу молия институтларидан шубҳали молиявий операцияларни кузатиш ва ҳисобот беришни талаб қилади.

Мижозларни шубҳали активларни текширишга қўйиладиган талаблар.

Federal органларга шубҳали битимлар тўғрисида мунтазам ҳисобот яъни, шубҳали битимлар тўғрисида мунтазам ҳисобот бериш тизими, одатда, молявий фаолиятни назорат қилиш ва коррупционные старые олиш мақсадида жорий этилади. Бу ҳисоботлар турли соҳалардаги фаолиятни кузатиш ва хавф-хатарларни аниқлашга қаратилган.

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш (Рико Қонуни, 1970) - (RICO Act, 1970)

Коррупцион ташкилотлар тўғрисидаги қонун (Рико) ҳукуматни уюшган жиноятчиликка, шу жумладан ҳукумат амалдорлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш учун кучли воситалар билан таъминлайди.

Жиноий ташкилотларга ва ўз мақсадларига еришиш учун коррупцион схемалардан фойдаланадиган шахсларга қарши курашади.

Муҳим жиҳат шундаки, Қўшма Штатлар коррупцияга қарши кураш соҳасида суд амалиётини фаол ривожлантирмоқда. Federal прокуратура ва турли штат прокурорлари каби federal прокурорлар коррупция ишларини очишда ва ҳуқуқбузарларни таъқиб қилишда муҳим рол ўйнайди.

## REFERENCES

1. Nikolaychik V. Compliance with the rules of ethics by officials in the US is controlled by the FBI agents / V. Nikolaychik // Clean hands. – 1999. – №1.
2. The Constitution of the United States of America, As Amended // United States Government Printing Office. – 2007. – № 110–50.
3. Брайс Дж. Американская республика / Дж. Брайс. – Ч. 2. – М., 1890.
4. Рудь Е.С. Коррупция и борьба с нею в социально-экономической истории Соединенных Штатов (сводный реферат) / Е.С. Рудь, А.С. Агафьева, Е.В.

Браславская // Историко-экономические исследования. – 2006. – Т. 7. №3. – С. 89–116.

# BILIM, KUCH VA MANFAATLAR ZIDDIYATI: KORRUPSIYANING GNOSEOLOGIK TAHLILI

**Humoyunmirzo Najmiddinovich Temirov**
Researcher, Andijan State University
E-mail: humoyunmirzo.temirov.82@mail.ru

## ANNOTATSIYA

Zamonaviy ijtimoiy-falsafiy tafakkur kontekstida korrupsiya fenomeni nafaqat siyosiy yoki huquqiy xatti-harakatlarning buzilishi, balki bilim, qudrat va manfaatlar o'rtasidagi ziddiyatlar chorrahasida vujudga kelgan gnoseologik inqirozning ifodasidir.

**Kalit so'zlar**: skeptitsizm, ijtimoiy, munosabat, ishonchsizlik, asos, korrupsiya, boshqaruv, subyekt, hokimiyat, vakolat.

# KNOWLEDGE, INFLUENCE, AND CONFLICT OF INTERESTS: A PHILOSOPHICAL EXAMINATION OF CORRUPT PRACTICES.

## ANNOTATION

According to contemporary socio-philosophical theory, corruption is not just a transgression of the law or political norms, but it also represents an epistemological crisis that emerges when knowledge, power, and interests clash.

**Key words:** governance, subject, authority, scepticism, social, attitude, distrust, base, and corruption.

# ЗНАНИЕ, ВЛИЯНИЕ И КОНФЛИКТ ИНТЕРЕСОВ: ФИЛОСОФСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ КОРРУПЦИОННЫХ ПРАКТИК.

## АННОТАЦИЯ

Согласно современной социально-философской теории, коррупция - это не просто нарушение закона или политических норм, но и эпистемологический кризис, возникающий при столкновении знаний, власти и интересов.

**Ключевые слова:** управление, субъект, власть, скептицизм, социальный, отношение, недоверие, база, коррупция.

Korrupsiya holatlarini faqat huquqiy-me'yoriy doirada tahlil qilish ularning ichki bilimiy asoslari, ya'ni qanday epistemik tuzilmalar orqali korrupsion amaliyotlar ijtimoiy normalikka aylanishini anglab yetishga imkon bermaydi. Aynan shu sababdan, korrupsiya bilim ishlab chiqarish, tarqatish va legimitatsiya qilish

mexanizmlariga qarshi yo'naltirilgan harakatlar tizimi sifatida ko'rilmog'i darkor. Gnoseologik yondashuvda korrupsiya bilimning obyektiv haqiqat sifatida emas, balki hokimiyat bilan o'zaro aloqador ijtimoiy konstrukt sifatida shakllanishini fosh etadi. Fuko ta'kidlaganidek, bilim - bu hokimiyatning ifodasi, u doimo ma'lum ijtimoiy struktura tomonidan shakllanadi[90] (Foucault M., 1980, p. 94). Bu jihatdan qaraganda, korrupsiya ijtimoiy bilimning deformatsiyalangan shakli bo'lib, haqiqatning o'rniga foyda, axloqning o'rniga moslashuvchanlik, qobiliyatning o'rniga vositachilikni qadrlaydigan intellektual muhitni shakllantiradi.

Stephen Heynemanning oliy ta'limdagi korrupsiya tahliliga ko'ra, ta'lim sohasi davlatning eng muhim boyliklaridan biri bo'lishiga qaramay, undagi korrupsion amaliyotlar bilimdan emas, hokimiyat va manfaatlar tarmog'idan kelib chiqadi[91] (Heyneman S., 2004, p. 2). U korrupsiyani faqat moddiy emas, balki nomoddiy manfaatlar orqali ham namoyon bo'ladigan, ya'ni akademik obro', maqom, mansab kabi omillar bilan bog'liq ijtimoiy konstrukt sifatida tahlil qiladi. Bu esa, ta'lim tizimida bilim emas, pozitsiyaga ega bo'lish muhimroq ekani haqidagi ijtimoiy illuziyani mustahkamlaydi. Xuddi shunga o'xshash tarzda, Denisova E. oliy ta'lim tizimidagi korrupsiyani "akademik halollikning yo'qligi" bilan belgilaydi va bunday holatni faqat huquqiy kontekstdan emas, balki axloqiy va epistemik sferadan ham qarash zarurligini ilgari suradi[92] (Denisova E., 2020, p. 2). Bu yondashuvda korrupsiya bilim va haqiqatga nisbatan befarqlik, epistemik relatyivizm va axloqiy skeptitsizm bilan uyg'unlashgan bo'lib, talaba va o'qituvchilar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlarni ishonchsizlik asosida qayta quradi. Komissarov V.S.ning ta'rifiga ko'ra, korrupsiya boshqaruv subyektlarining hokimiyat vakolatlaridan foydalanishda shaxsiy manfaatlarni xizmat manfaatlaridan ustun qo'yishi orqali namoyon bo'ladi[93] (Komissarov V.S., 1993, b. 26). Bu yerda hokimiyat epistemik jarayonni boshqaradigan determinant sifatida paydo bo'ladi. Boshqacha aytganda, korrupsiya - bu hokimiyat va bilim o'rtasidagi strategik manipulyatsiyadir.

Oliy ta'lim tizimida korrupsiya aynan shu manipulyatsiya orqali bilimni qiymatdan mahrum qiladi. O'qituvchining bahosi bilim emas, manfaat evaziga belgilanar ekan, u bilimni emas, ijtimoiy rol va mavqeni sotadi. Natijada, ijtimoiy ongda "bilim" va "samaradorlik" tushunchalari o'z semantik barqarorligini yo'qotadi. Bunday muhitda intellektual mehnat emas, korrupsion vositachilik ijtimoiy

[90] Foucault M. Power/Knowledge: Selected Interviews and Other Writings. – New York: Pantheon Books, 1980. – p. 94.
[91] Heyneman S. Corruption and Academic Performance. World Bank Papers, 2004. – p. 2.
[92] Denisova E. Corruption in Higher Education: Global Challenges and Responses. – London: Routledge, 2020. – p. 2.
[93] Komissarov V.S. Ugolovno-pravovye aspekty bor'by s korruptsiyey. – Vestnik MGU. Seriya 11. – 1993. – № 1. – B. 26.

muvaffaqiyatning mezoniga aylanadi[94] (Isomiddinov Yu.Yu., 2024, b. 5-6). Shunday qilib, korrupsiya faqat axloqiy buzuqlik emas, balki bilimni siyosiy va iqtisodiy manfaatlar ixtiyoriga topshiruvchi gnoseologik inqirozdir. Ushbu inqirozni bartaraf etish uchun huquqiy islohotlar bilan bir qatorda, bilimning axloqiy, ijtimoiy va madaniy asoslarini qayta qurish zarur. Bu esa ijtimoiy ongda haqiqat, halollik va qadr-qimmat mezonlarini tiklash, ta'limni esa ushbu mezonlarga asoslangan bilim maydoniga aylantirishni taqozo etadi.

Globallashuv tufayli davlatlar va xalqlar o'rtasidagi hamkorlikning tezkor, yangidan-yangi ufqlari ochilyapti, milliy iqtisodiyotlar o'zaro chambarchas bog'langan holda yuksalmoqda, taraqqiy etmoqda. Bugun har qanday davlat boshqa davlatlar bilan izchil hamkorlik qilmasdan, oqilona investitsiya va resurslarga tayanmasdan, jahonga chiqmasdan, ayni paytda dunyoga eshiklarini keng ochmasdan, odamlar bemalol ishlaydigan ishonchli makonga aylanmasdan yuqori natijalarga erisholmaydi. Shu nuqtai-nazardan qaraganda, korrupsiyaga qarshi kurashishda rivojlangan davlatlar tajribasidan samarali foylanishimiz maqsadga muvofiq bo'lardi. Bunga misol qilib biz Singapur davlatini keltirib o'tishimiz mumkin. Xalqaro ilmiy tadqiqot markazlari tomonidan o'tkazilgan so'rovlar natijasida Singapurda korrupsiya va jinoyatchilik ko'rsatkichi jahonda eng quyi darajada ekanligi aniqlangan. Singapur respublikasi – qirq yillik milliy suverenitetidan keyin rivojlanayotgan emas, "rivojlangan mamlakat" maqomini olgan Janubiy-Sharqiy Osiyodagi yagona mamlakatlardan biri hisoblanadi[95].

Shu o'rinda korrupsiyaga qarshi kurashish masalasining yana bir jihatiga alohida e'tibor qaratsak. Nobop, «muomala qilish», «kelishish»ga moyil rahbar yoki boshqa bir mas'ul nafaqat tashkilotga, jamiyatga, ishchi-xodimlarga ziyon yetkazadi, balki bunday odam bilan tashkilotning, jamoaning, ayniqsa, yosh kadrlarning vaqti, umri behuda o'tishiga sababchi bo'ladi. Aslida esa rahbar hammaga o'rnak bo'lishi, halol ishlab, fidoyilik ko'rsatishi, yig'ilishlarda bir gapni gapirib, o'zi butunlay teskarisini qilmasligi lozim. Shu boisdan ham G.A.Satarov korrupsiyani "mansab mavqeini tamagirlik niyatida suiiste'mol qilish"[96] deb ta'kidlaydi. Korrupsiyaga qarshi kurashish jarayoni yana shunisi bilan muhimki, mazkur jarayonlarda ishchi-xodimlar, yoshlar halol ishlash, ishonch va vakolatga munosib xizmat bilan javob qaytarish zarur degan tasavvur, bilim va tajriba bilan faoliyat yuritadi. Har qanday vaziyatda ham mard inson o'z e'tiqodida sobit turib doimo halol yashashga intiladi.

[94] Isomiddinov Yu.Yu. Globallashuv sharoitida korrupsiyaga qarshi kurashish madaniyati: islohotlar va asosiy paradigmalar. – Toshkent: O'zMU, 2024. – B. 5–6.
[95] Қаранг: Погадаев В.А. Малайский мир ( Бруней, Индонезия, Малайзия, Сингапур). Лингвострановедческий словарь. – М.: Восточная книга, 2012. - 798с.
[96] Сатаров Г.А. Россия и коррупция: кто кого? // Российская газета. 19.02 1998. – 2 с.

Jamiyat taraqqiyotiga to'sqinlik qiluvchi korrupsiya illatiga qarshi kurashishda elektron xukumat imkoniyatlaridan samarali foydalanish ham muhim ahamiyatga ega. Elektron hukumatni yaratishda Shvetsiya, Norvegiya, AQSH, Buyuk Britaniya, Korea Respublikasi, Singapur, shuningdek, iqtisodiyoti o'tish pallasida turgan davlatlar orasida eng yaxshi natijaga Estoniyada erishilgan[97]. Bu davlatlar tajribasi shuni ko'rsatmoqdaki, elektron hukumatni joriy qilish bu – davlat boshqaruvi organlari faoliyati samaradorligini oshirish, ular faoliyatida oshkoralikni ta'minlash, fuqarolarning hokimiyat organlariga erkin murojaat qila olishi, shuningdek, davlat hokimiyati organlari faoliyati monitoringini amalga oshirish yo'llaridan biridir. Shuningdek, rivojlangan davlatlarning elektron hukumat joriy etishning samarasi boshqaruv unumdorligini oshirish, davlat xarajatlarini kamaytirish, qarorlar qabul qilish jarayoni ustidan jamoatchilik nazoratini o'rnatish orqali korrupsiyaga qarshi kurashish tajribasidan samarali foydalanish dolzarb masalalardan hisoblanadi.

[97]E-Government Readiness Index 2008. 20.02.2009. http://www.unpan.org/egovernment8.asp.

# АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ "ТАРИХДА УСУЛ" АСАРИДА МАНБАЛАР САҚЛАНАДИГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

**Хўжаев Мўминжон Исохонович**
Фалсафа фанлари доктори, профессор в.б.
Алфраганус университети
Алфраганус Халқаро илмий-тадиқот маркази раҳбари
**Телефон: +99890-335-09-30**
**e-mail mumin_81@mail.ru**

## АННОТАЦИЯ

Мақолада Аҳмад Заки Валидиий Тўғоннинг "Тарихда усул" асарида келтирилган манбаларни ўрганиш, сақлаш ва тадқиқ этишга оид фикрлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ёзма, манба, кутубхона, архив, қолдиқ, музей, асар, усул, Европа, маълумот.

## ANNOTATION

The concepts of researching, studying, and conserving the sources offered in Ahmad Zaki Walidii Togon's work "Tarikhda Usul" are covered in the article.

**Key words:** work, technique, Europe, writing, source, library, archive, remnant, museum.

## АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются концепции исследования, изучения и сохранения источников, предложенных Ахмадом Заки Валиди для божьего труда "Тарихда усул".

**Ключевые слова:** работа, техника, Европа, письменность, источник, библиотека, архив, реликвия, музей.

Ёзма манбалар кўпроқ кутубхоналар ва архивларда, қолдиқлар эса айниқса музейларда сақланади. Бироқ, бу асарлардан улар сақланаётган жойларда фойдаланишнинг ҳам ўзига хос усуллари мавжуд. Европа кутубхоналаридан фойдаланиш йўллари ҳақидаги маълумотни Аднан Ўтүкэннинг Библиотек билимлари ва библиография номли асарида топишингиз мумкин. Музейлар ҳақида эса бундай туркий асар ҳали мавжуд эмас. Немис тилида эса О.Ҳомбергернинг Museumskunde 1924 асари тавсия этилади. Библиография ва кутубхоналардан фойдаланиш усулларини билмайдиган киши, масалан, Париж, Берлин ёки Вена миллий кутубхоналарига келса,

керакли китобларни топа олмай жуда кўп вақт йўқотади. Бу кутубхоналардан тўғри фойдаланиш европаликлар учун осон бўлса-да, Шарқ аҳолиси учун бу тизимни дарҳол тушуниш қийин бўлиб, керакли китобни топиш учун албатта чет эллик мутахассисга мурожаат қилишларини кўриш мумкин. Марҳум Ризо Нур бейнинг изланишларида, у Париж Миллий Кутубхонасида мавжуд бўлган кўплаб асарларни айнан ушбу кутубхоналардан фойдаланиш усулини билмагани учун йўқ деб ўйлаганини кўрдим. Кутубхоналарда маълум бир усул бўйича қидириш керак, айниқса журналларда чоп этилган мақолаларни топишда. Демак, ҳар қандай рисола ёки китоб мустақил ҳолда чоп этилганми ёки журналларда мақола сифатида эълон қилинганми – шуни аниқлаш зарур. Кутубхоналарда фойдаланиш учун асарлар рўйхатини тузишда муаллифларнинг исм-шарифларини ва уларнинг инициалларини диққат билан қайд этиш зарур.

Масалан, Шмидт, Смид, Шмид, Шмидт, Шмитҳ ёки Мюллер, Мёллер, Моллер, Миллер, Мюлер, Майер, Ҳаммер каби исмлар жуда кўп тарқалган. Агар уларнинг инициаллари тўғри қайд этилмаса, керакли китобни топиш жуда қийин бўлади. Масалан, фақат Ҳаммер ёки Мюллер деб ёзиш билан муаллиф ёки унинг асарини топиб бўлмайди, балки А.Б. Ҳаммер, В.С. Ҳаммер, Т.К. Мюллер ёки баъзан Ф.В.К. Мюллер деб тўлиқ инициаллар билан ёзиш керак. Муаллифларнинг исмлари алфавит тартибида карточка каталогларидан топилмаса, китоб мазмуни ёки мутахассисликка оид Fachkatalog каталогларидан қидирилади. Шунга қараб, асар журналларда, академиялар нашрларида ёки илмий жамиятлар тўпламларида эълон қилинганми – текшириш зарур. Кўплаб кутубхоналарда китоблар кўпроқ тўпламлар, сериялар ва журналларга қараб рўйхатга олинади. Муаллифлар бўйича каталог тузиш айниқса Германияда кенг ривожланган. Масалан, Истанбул университети нашрларининг Европанинг йирик кутубхоналарига юборилишини биласиз ва улардан бир серияни албатта кўришни хоҳлайсиз. Лекин Истанбул Университети Нашрлари деб аталган бу серия И ҳарфи бўйича ёки Нашрлар сўзига кўра Н ҳарфи бўйича, ёки айрим асарларда унинг Европа тилларига таржимаси асосида бошқа ҳарфлар қаторида жойлаштирилган бўлиши мумкин. Журналлар ва ҳужжатлар тўплами муаллиф, тўпловчи ва нашир бўйича эмас, балки умумий унвонига кўра рўйхатга олинади. Бу рўйхат турли қоидаларга асосланган. Агар журнал айрим йилларда катта форматда in folio шаклида чоп этилган бўлса, бу форматдаги жилдлар кутубхонанинг бир жойига жойлаштирилади; бошқа йилларда in 4°, in 8°, ҳатто in 16° шаклида чоп этилган бўлса, улар кутубхонанинг бошқа жойларига тақсимланади. Демак, журналларни қидираётганда, уларнинг жилдлари ҳар йили турли ҳажмда

чиққанини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки кўп кутубхоналарда жилдларнинг ҳажмлари каталогда кўрсатилмаган бўлиб, улар битта умумий рақам – signatur билан белгиланади. Шу сабабли, журнал жилдлари ҳажмига қараб турли жавонларга тақсимланган бўлади. Биз учун, Турк ва Ислом тарихи бўйича Gibb Memorial Series тўплами муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унинг айрим жилдлари in 4°, айримлари in 8°, Ибн Мискавийҳ факсимилеси эса in 16° ҳажмда босилган бўлиб, улар турли форматларга қараб тақсимланган бўлиши мумкин. Айрим кутубхоналарда бу тўплам Gibb номи остида, айримларида эса унга киритилган муаллифлар номи бўйича ёзилган бўлади.

Баъзи асарлар бир неча марта чоп этилган ва бир нашри иккинчисига мос келмаслиги мумкин. Масалан, агар сиз Птолемей ёки Страбон географиясини, Жалолиддин Румийнинг Маснавийсини, Марко Поло саёҳатномасини, Карл Марксниng Капиталини ёки Ле Бонинг Византия тарихини қидираётган бўлсангиз, уларнинг турли нашрлари ҳажми бир-биридан фарқ қилишини ҳисобга олишингиз керак. Агар бирор жойда ушбу асарлардан иқтибос келтирилган парчани учратсангиз ва унинг аслини текширишни хоҳласангиз, ушбу иқтибос берилган манбанинг айнан қайси нашрдан олинганини аниқ белгилаб қўйишингиз керак. Акс ҳолда, керакли нашрни топа олмайсиз ёки топгунгача жуда кўп вақт сарф қиласиз. Шундай қилиб, кутубхоналардан осон фойдаланиш учун ушбу мураккаб шартлар билан таниш бўлиш лозим.

**Манбаларни кўрсатувчи асарлар**

57. Умуман тарих ва тарих масалаларига оид асарларнинг кенг каталоги Chr. Langlois томонидан "Manuel de bibliographie historique" (1901) китобида берилган. Жаҳон тарихига оид асарлар ва манбалар учун қуйидаги манбаларга мурожаат қилиш мумкин:

-H. Herre, Quellenkunde zur Weltgeschichte

-W. Ritter, Die Entwicklung der Geschichtswissenschaft an den führenden Werken betrachtet (1919)

Алоҳида даврлар бўйича:

Қадимги давр тарихи учун:

1. - W. Strehl & W. Soltan, Grundriss der alten Geschichte und Quellenkunde (2 жилд, 1913–14)
2. - Eduard Meyer, Geschichte des Altertums (5 жилд, 1925–1937)
3. - The Cambridge Ancient History (1924–1934, 10 жилд)
4. Ўрта асрлар тарихи учун:
5. - Ulysse Chevalier, Répertoire des sources historiques du moyen âge (2 жилд, 1905–1907)

- The Cambridge Mediaeval History (9 жилд)

Янги давр тарихи учун:
- Chr. Langlois, Manuel (иккинчи қисм)
- E. Fueter, Geschichte der neueren Historiographie (1911)
- The Cambridge Modern History (1917–1927, 13 жилд)

Алоҳида мамлакатлар бўйича:
Франция тарихи учун:
- G. Monod, Bibliographie de l'histoire de France (1888)
Англия тарихи учун:
- Ch. Gross, The sources and literature of English history (1485 йилгача) (1915)
Германия тарихи учун:
- Dahlmann-Waitz, Quellenkunde der deutschen Geschichte
Ислом мамлакатлари ва халқлари тарихи учун:
- C. Brockelmann, Geschichte der islamischen Völker und Staaten (1939)
Осмонли манбалари учун:
- Бурсали Тоҳир Бей, Осмонли муаллифлари (3 жилд)
- F. Babinger, Geschichte der osmanischen Geschichtsschreiber und Staaten und ihre Werke (GOG қисқартмаси билан)
Умумий турк тарихи учун:
- R. Grousset, L'Empire des Steppes
- *О. Турон, Умумий Турк тарихига кириш (I, 1946)

Туркия тарихи бўйича Европа олимларининг асарлари:
- De la Jonquière, Histoire de l'Empire Ottoman (1914, Париж) II, 714–727-бетлар
- Colonel Lamouche, Histoire de la Turquie (1934)

**Манбалар тўпламлари ҳақида**

Манбаларни тўплаш масаласида энг олдинги ўринда Германия туради. Германия тарихига оид манбалар ва ҳужжатларни жамлаган энг муҳим тўпламлардан бири юқорида ҳам зикр қилинган "Monumenta Germaniae Historica" асаридир. Унинг нашри 1819 йилда тарихчилар ҳайъати томонидан бошланган бўлиб, кейинчалик бу нашр "Германия Эски Тарих Илми Жамияти" номли доимий илмий жамият шаклида давом этган. Бу жамият "Archiv" (1876 йилдан кейин "Neues Archiv der Gesellschaft für die deutsche Geschichtskunde") номли журнални ҳам чоп эта бошлаган. У бир асрдан ортиқ вақт давомида Германия тарихий тадқиқотларининг илмий маркази вазифасини ўтаб келмоқда. "Monumenta Germaniae Historica" дастлаб 500-1500-йиллар оралиғидаги Германиянинг қадимги ва ўрта асрлар тарихига оид ҳужжатларни нашр этишни режалаштирган эди, аммо ҳозирга қадар фақат XIII аср охиригача бўлган даврни қамраб олган ҳужжатлар чоп этилган.

Бу тўплам беш йирик бўлимга бўлинган:

1. Scriptores (ўрта аср Германия тарихчилари асарлари) – 30 том (in folio), 13 том (in 4°)
2. Leges (Қадимги герман қонунлари) – 13 том (in 4°)
3. Diplomata (Фармонлар ва сиёсий ҳужжатлар) – 5 том (in 4°)
4. Epistolae (Расмий мактублар ва ёзишмалар) – 9 том (in 4°)
5. Antiquitates (Қадимий артефактлар ва ёдгорликлар) – 9 том (in 4°)

Бундан ташқари, қуйидаги алоҳида сериялар ҳам мавжуд:

- Auctores Antiquissimi – Германиянинг энг қадимий муаллифлари асарлари (in 4°, 13 том)
- Scriptores rerum Germanicarum, Nova Series (in 8°, 9 том)
- Poetarum Latinarum Medii Aevi – ўрта асрларда лотин тилида ёзган Германиялик шоирлар асарлари (5 том)
- Талабалар учун Scriptores rerum Germanicarum in usum scholarum ва Geschichtsschreiber der deutschen Vorzeit номли немисча таржималар

Биз учун Турк тарихининг қадимги ва ўрта аср ҳужжатларини нашр қилиш учун "Monumenta" тизими жуда мос келар эди. Германияликлар ўрта асрларда лотин тилида ёзган муаллифларини бугунги замонавий немис маданиятининг ажралмас қисми деб ҳисоблашади. Шунингдек, биз ҳам ўрта асрларда асарларини арабча ёки форсча ёзган туркий муаллиф ва шоирларни миллий меросимизга киритишимиз мумкин. Венгрлар ҳам шу йўналишда "Monumenta Hungariae Historica" номли Венгрия тарихий манбаларини нашр қилишни йўлга қўйган бўлиб, бу тўплам XIX асрдан бери давом этмоқда ва ҳозирда 100 дан ортиқ томни ташкил қилади.

Франция эса бу каби ҳужжатларни "Collection de documents inédits sur l'histoire de France" номли тўпламда нашр қила бошлаган бўлиб, 1735 йилдан бери 100 дан ортиқ жилд чоп этилган.

Россия ўз манбаларини қуйидаги тўпламларда нашр қилган:

- "Sobraniye russkikh letopisey" (Рус солномалари тўплами) – 14 том (in folio ва in 4°)
- "Sobraniye gosudarstvennykh gramot" (Цар фармонлари ва уруш ҳужжатлари тўплами) – 100+ том (in folio)
- "Akty istoricheskiye" (Тарихий ҳужжатлар)
- "Akty yuridicheskiye" (Ҳуқуқий ҳужжатлар)
- "Akty arkheograficheskikh ekspeditsiy" (Қадимги ёдгорликлар билан боғлиқ ҳужжатлар)

Германия қадимги манбаларининг баъзиларида ҳунлар ва аварлар ҳақида маълумотлар учрайди, лекин Турк тарихига оид энг бой маълумотлар рус манбаларида жамланган.

Европада черков архивлари ҳам улкан миқдорда нашр этилган.

- Migne томонидан нашр этилган "Patrologia cursus completus" – 382 том (лотин ва юнон муаллифлари асарлари)
- "Patrologia Orientalis" (Францияда Шарқ черков ҳужжатлари тўплами) – бу серияда ислом ва турк тарихига оид муҳим маълумотлар мавжуд. Унда сириялик муаллифларнинг асарлари суриян тилида, насроний араб муаллифларининг асарлари эса араб тилида чоп этилган.

Ислом миллатлари, айниқса, туркларнинг тарихий ҳужжатлари

Another point should be mentioned that the first thoughts in man about the issue of the soul and death helped to form the first moral principles in him - the concepts of good and evil. They now began to worry about the eternal soul. Because his views and actions about this world prepared him for a great question and answer in the next world.

Jack Kevorkian, a physician originally from Armenia, was arrested several times in the mid-20th century for popularizing euthanasia for terminally ill or gerontological conditions in humans. Stanislav Grof, a psychiatrist from Prague, in his book "Man on the brink of death" assessed death as a "social phenomenon". This definition may indicate that pragmatic attitudes towards death have increased.

This science of thanatology, which was initially used in biology and medicine, later began to be studied as a philosophical direction by the beginning of the 20th century. First of all, the issue of studying its history began. This is especially evident in the work of R. Kostenbaum . Its origin goes back to different nations and cultures. However, its development as a science was much later. But no one denies that the idea of death was initially mythological in humans. A mythological approach in thanatology refers to the understanding and study of death through the myths, religious beliefs, and mystical representations of various cultures and societies. Mythology and religion play an important role in shaping the attitude to death. He interprets its essence, consequences and meaning in different ways.

## REFERENCES

1.Tomalin, E. (2024b). Religion, Ecology and Hindu nationalism in India. *Religion & Development/Religion and Development*, *2*(3), 463–482. https://doi.org/10.30965/27507955-20230032

2. Hangel, N., & ChoGlueck, C. (2023b). On the pursuitworthiness of qualitative methods in empirical philosophy of science. *Studies in History and Philosophy of Science. Part a/Studies in History and Philosophy of Science*, *98*, 29–39. https://doi.org/10.1016/j.shpsa.2022.12.009

3. O'Donohue, W. (2023c). The Scientific Status of Acceptance and Commitment therapy: An analysis from the Philosophy of Science. *Behavior Therapy*, *54*(6), 956–970. https://doi.org/10.1016/j.beth.2023.07.006

4.Virmajoki, V. (2022c). Limits of conceivability in the study of the future. Lessons from philosophy of science. *Futures*, *142*, 102993. https://doi.org/10.1016/j.futures.2022.102993

# JAHON TARIXINI O'QITISHDA FALSAFIY YONDASHUV VA ZAMONAVIY AXBOROT MUHITINING INTEGRATSIYASI

**Yo`ldashev Umirzoq Xamza o`g`li**
CHDPU Fakultetlararo ijtimoiy fanlar kafedrasi o`qituvchisi

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada jahon tarixini o'qitishda falsafiy yondashuvning mazmuni va ahamiyati, hamda uni zamonaviy axborot-ta'lim texnologiyalari bilan uyg'unlashtirish imkoniyatlari tahlil etiladi. Tarixiy tafakkur, e'tiqod va madaniy ongni shakllantirishda raqamli resurslarning roli ko'rib chiqiladi. Shuningdek, o'quvchilarning tarixga ongli yondashuvini ta'minlashda falsafiy-metodik asosda tuzilgan ta'lim muhitining o'rni yoritiladi. Maqolada interaktiv platformalar, vizual vositalar va multimedia asosidagi darslar orqali tarixni chuqur va mantiqiy tahlil qilishga yo'naltirilgan metodik yondashuvlar tavsiya etiladi.

**Kalit so'zlar:** jahon tarixi, falsafa, axborot texnologiyalari, ta'lim muhiti, tarixiy tafakkur, integratsiya, metodika

**Аннотация:** В данной статье рассматривается значение философского подхода в преподавании всемирной истории и возможности его интеграции с современными информационно-образовательными технологиями. Анализируется роль цифровых ресурсов в формировании исторического мышления, вероубеждений и культурного сознания учащихся. Особое внимание уделено методологической организации образовательной среды, направленной на осмысленное восприятие исторического материала. В статье предложены методические подходы на основе мультимедиа и визуальных платформ для глубокого анализа исторических процессов.

**Ключевые слова:** всемирная история, философия, информационные технологии, образовательная среда, историческое мышление, интеграция, методика

Jahon tarixini o'qitish nafaqat faktlar va sanalarni yod olish, balki insoniyat tafakkurining evolyutsiyasini anglash, e'tiqod, falsafiy qarashlar va madaniy qadriyatlarning shakllanishini chuqur tahlil qilishni ham o'z ichiga oladi. Bu jarayonda **falsafiy yondashuv** muhim metodologik asos bo'lib xizmat qiladi. Ayniqsa, XXI asrda **axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining (AKT)** ta'lim sohasiga jadal kirib kelishi, tarixiy bilimlarni zamonaviy shaklda o'rgatish zaruratini tug'dirmoqda [1].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Raqamli ta'lim texnologiyalarini yanada keng joriy etish to'g'risida"gi PQ–4851-son qarori (2020-yil 6-oktabr) bu boradagi siyosiy va institutsional asosni yaratdi [2]. Endilikda, o'qituvchilar uchun

tarixiy materialni **falsafiy asosda tushuntirish** va **raqamli ta'lim muhiti** orqali o'quvchilarga yetkazish zarurati kundan-kunga ortib bormoqda.

**1. Falsafiy yondashuvning tarixiy ta'limdagi ahamiyati**

Falsafa – bu insonning borliq, tafakkur, qadriyatlar haqidagi umumiy dunyoqarashini shakllantiruvchi fan bo'lib, tarixni anglashda zaruriy tayanch hisoblanadi. Tarixiy voqealar shunchaki faktlar ketma-ketligi emas, balki insoniyat ma'naviy taraqqiyotining ifodasidir. Shu bois, tarixni falsafiy tahlil qilish orqali o'quvchilarda **kontekstual tafakkur**, **sabab-oqibat tahlili**, **insoniyat taraqqiyotiga nisbatan mas'uliyatli munosabat** shakllanadi [3].

Masalan, Urushlar tarixini faqat siyosiy yoki harbiy nuqtayi nazardan emas, balki ularning inson axloqiga, e'tiqodiga va jamiyat axborot oqimidagi talqinlariga ta'siri orqali ham tahlil qilish mumkin.

**2. Zamonaviy axborot muhitining imkoniyatlari**

Axborot texnologiyalari yordamida ta'lim jarayonini vizuallashtirish, interaktivlashtirish va individuallashtirish mumkin. Bu o'z navbatida falsafiy asosda o'rgatilayotgan tarixiy mavzularni chuqurroq anglashga yordam beradi.

Quyidagilar bunga misol bo'la oladi:

- **3D tarixiy rekonstruksiyalar** orqali qadimiy shaharlar hayotini vizual tarzda o'rganish;
- **Virtual haqiqat (VR)** texnologiyasi yordamida tarixiy sahnalarga "sho'ng'ish";
- **Simulyatsion o'yinlar** orqali voqealar oqibatlarini tahlil qilish (masalan, davlatlararo muzokaralar modeli);
- **Multimediya prezentatsiyalar** orqali murakkab falsafiy tushunchalarni soddalashtirish [4].

Bunday vositalar o'quvchilarda faqat tarixiy bilim emas, balki **ijtimoiy ong, axloqiy baholash va e'tiqodiy qarashlar**ni ham shakllantiradi.

**3. Falsafa va axborot texnologiyalarining integratsiyasi: didaktik model**

Quyidagi model jahon tarixini o'qitishda falsafiy yondashuv va axborot texnologiyalarining birgalikdagi ishlatilishini aks ettiradi:

| Bosqich | Faoliyat turi | Texnologik vosita | Falsafiy kompetensiya |
|---|---|---|---|
| 1 | Tarixiy voqeani vizual tahlil qilish | Interaktiv xarita, video, VR | Voqealarning sabab-oqibatini anglash |
| 2 | Muqoyasaviy tahlil | Infografika, slayd | Turli tarixiy qarashlarni solishtirish |
| 3 | Munozara va bahs | Onlayn forum, | Mustaqil qaror chiqarish, |

| Bosqich | Faoliyat turi | Texnologik vosita | Falsafiy kompetensiya |
|---|---|---|---|
| | | padlet | e'tiqodiy fikrlash |
| 4 | Yakuniy baholash | Test, loyiha | Tanqidiy va mantiqiy tafakkur |

Bu model asosida tarixiy-falsafiy bilimni interaktiv, tanqidiy va zamonaviy tarzda o'rgatish mumkin.

**4. Pedagogik tavsiyalar**

1. **Tarixiy-falsafiy kontekst yaratish** – har bir dars mavzusida insoniyat qadriyatlari, axloqiy qarashlar va e'tiqodiy holatlar aks ettirilsin.
2. **Texnologik vositalardan maqsadli foydalanish** – har bir AKT vositasi konkret ta'limiy maqsadga xizmat qilishi kerak.
3. **O'quvchini faol sub'ektga aylantirish** – o'quvchi passiv tinglovchi emas, balki tarixiy jarayonni tahlil qiluvchi falsafiy sub'ekt bo'lishi kerak.
4. **Baholash mezonlarini kengaytirish** – nafaqat faktlarni bilish, balki tahlil, muhokama, qaror qabul qilish kabi jihatlar ham hisobga olinishi lozim.

Jahon tarixini o'qitishda falsafiy yondashuv va axborot texnologiyalarining integratsiyasi ta'limda **mazmun**, **shakl** va **uslub** yangilanishiga olib keladi. Bu esa tarix fanini zamonaviy global qarashlar asosida o'rgatish, o'quvchining tafakkurini rivojlantirish va uni jamiyatda faol pozitsiyaga ega shaxs sifatida tarbiyalashda muhim omil hisoblanadi. Kelgusida ushbu yondashuv asosida milliy ta'lim platformalari, falsafiy-axboriy o'quv dasturlari ishlab chiqilishi dolzarb masala bo'lib qoladi.

## REFERENCES

1. UNESCO. *Philosophy: A School of Freedom – Teaching Philosophy and Learning to Philosophize*. Paris, 2007.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ–4851-son qarori, 2020-yil 6-oktabr.
3. Fayzullayev, A. (2021). *Tarix falsafasi va tarixshunoslik asoslari*. Toshkent: Ilm Ziyo.
4. Anderson, R. (2019). *Using Digital Technologies to Teach Historical Thinking*. Routledge.
5. Jorayeva, G. (2022). "Jahon tarixini o'qitishda AKT va falsafiy tafakkur uyg'unligi", *Pedagogika va Innovatsiyalar* jurnali, №1, 45–52-bet.

# АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭПИСТЕМИОЛОГИЯ ВА РАТСИОНАЛЛИК МУАММОСИ.

**Холмўминов Ғофур Бобоназарович**
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика университети
"Факултетлараро ижтимоий фанлар" кафедраси ўқитувчиси

## АННОТАЦИЯ

XXI аср алгоритмлаштириш, ахборотлаштириш ва тезкор ривожланиш асридир. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини ахборотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ахборот майдони жамият ҳаётига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ахборот инмонлар ўртасидаги алоқалар, сиёсий жараёнлар, жамиятни бошқариш, илмий тадқиқотларни, таълим-тарбия ишларини ташкил қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларида устивор ғояга айланади.

Шу сабабдан ёшларнинг ахборот ва интернетдан тўғири ва оқилана фойдаланишнинг фалсафий методологик таҳлили бугунги кунда ўта долзарб ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** ахборот, эпистемиология, технология, ратсионаллик, демократия, техника, структуралашган ахборот, ахборот уруши, онги, интернет, авторитет.

## АННОТАЦИЯ

XXI век алгоритмов, информации и стремительного развития. В настоящее время невозможно представить развитие производства без информации. Информационное пространство оказывает значительное влияние на общество. Поэтому информация становится приоритетом в отношениях между конфессиями, политическими процессами, общественным управлением, организацией научных исследований, образования, адвокатуры.

По этой причине философско-методологический анализ правильного и рационального использования молодежью информации и Интернета сегодня очень актуален.

**Ключевые слова:** информация, эпистемология, технология, рациональность, демократия, технология, структурированная информация, информационная война, сознание, интернет, власть.

**ABSTRACT**

The 21st century is a century of algorithms, information and rapid development. At present, it is impossible to imagine the development of production without information. The information space has a significant impact on society. Therefore, information becomes a priority in the relations between faiths, political processes, community management, the organization of scientific research, education, advocacy.

For this reason, the philosophical and methodological analysis of the correct and rational use of information and the Internet by young people is very relevant today.

**Keywords:** information, epistemology, technology, rationality, democracy, technology, structured information, information war, creation, internet, power.

Бугун мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ғоясининг асосий йўналишларидан бирини инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш ташкил этмоқда. Бундан кўриниб турибдики, бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислоҳолар ва модернизатсия йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга – тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.

Маълумки, XX асрда пайдо ахборот ҳақидаги қарашларнинг ривожланиши компютерлаштириш, ахборотлаштириш, ахборотлашган жамият, инноватсион технологиялар каби консепсияларнинг шаклланишига олиб келди. Аввалambор, ахборотлаштириш соҳаси ҳамда автоматлаштириш усулларининг ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари компютерлашувига, шунингдек ахборотлаштириш жараёнларининг шиддат билан ривожланишига олиб келмоқда.

Проф.Н.Шермухамедова таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда инсониятнинг ахборот-компютер технологиялари жамиятига ўтиши ҳамда Интернет ғоясининг амалга оширилиши илмий тафаккур услубида туб бурилиш ясади. Бундан ташқари, ахборот коммуникатсиялари, ижтимоий ахборот, профессионал ахборот, тафаккур услубининг шаклланиши ҳақидаги ғоялар ҳамда ижтимоий ва илмий ахборот турларининг фарқланиши ғоялари ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Дарҳақиқат, ижтимоий ахборотнинг иқтисодий,

сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик, сотсиологик ва бошқа шакллари, яъни ижтимоий информатсиология нуқтаи – назаридан ўрганиладиган ахборот билан тўқнашамиз. Демак, ижтимоий - фалсафий жиҳатдан, ахборот – инсон ҳаётидаги турли жараёнлар сиркулясияси.

Ҳозирги пайтда ахборот ҳажми ва кириб бориши жиҳатидан инсониятнинг битмас-туганмас стратегик заҳирасига айланмоқда. Бу объектив равишда шунга олиб келдики, учинси минг йиллик остонасида жамоавий, умумжаҳон тафаккури ҳайратланарли даражада ўсмоқда. Зеро, ўтган асрда ахборот ғояси бутун ҳаёт жабҳаларига шу қадар чуқур сингиб кетдики, жамият ва инсонларда унга нисбатан фақат эҳтиёжлар кучаймоқда.

Ахборот технологияларининг ўсиши, ахборотлашган жамиятнинг вужудга келиши, инноватсион иқтисодий тизимнинг шаклланиши ижтимоий трансформатсиясига олиб келди. Ижтимоий трансформатсиялар даврида билиш жараёни, билиш имкониятлари, чегаралари каби эпистемологик муаммолар ижтимоий жараёнларнинг мезонларини белгилашда муҳим аҳамият касб эта бошлади. Жамиятда билиш жараёнига муносабат ҳам ўзгарди. Илмий билимлар ўсди, билиш жараёнида субъект роли ўзгарди, субъект-объект муносабатлари, билиш жараёнида коммуникативлик янгича талқин этила бошланди. Натижада илмий билиш жараёнида трансформатсия юзага келди. Бу трансформатсия натижасида биринчи бор нафақат турли фанлараро, балки барча шаклдаги ижодий фаолият ўртасида кўчиб ўтишлик (интегратсия), уйғунлашиш (синтез) учун реал имконият яратилди. Бу ўз навбатида замонавий эпистемологияда антропологик бурилишга олиб келди. Яъни эпистемологияда билимларнинг ҳосил бўлиш жараёнида субъектив жиҳатларга, яъни янги билимларнинг ҳосил бўлиш натижасига эмас, балки айнан уларнинг ҳосил бўлиш жараёнига эътибор кучайди. Билиш жараёнида субъектдаги когнитивлик (когнитивлик шахснинг билиш жараёнидаги қобилияти бўлиб, унга идрок, тафаккур, онг, хотира киради.), қадриятлар тизими, анъаналари, яширин билимлари ҳам эътиборга олина бошланди. Классик анъана ҳисобланган инсон ва ташқи олам ўртасида чегара қўйишдан воз кечилмоқда. Инсон билиш жараёнида фаол, ўзининг когнитив, транссендентал хусусиятлари ва объект билан яхлитликда тадқиқ этилсагина жамият ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларда мавжуд глобал муаммоларни ҳал этиши мумкин эканлиги илмий исботланди.

Илмий билимлар ривожланиши, ундаги трансформатсия замонавий эпистемологияда ҳам трансформатсия содир бўлишига олиб келди. Эпистемология илмий йўналиш сифатида янги тизимга ўта бошлади. Эпистемологияга оид билимларда сифатий ўзгаришлар содир бўлди. Яъни замонавий эпистемология янги методологик тамойиллар асосида илмий билиш

жараёни, унинг имкониятлари, чегараларини тадқиқ эта бошлади. Билиш жараёнида субъектдаги ирратсионал ва ратсионал жиҳатларнинг бирлиги эътиборга олина бошланди Билиш объектларининг ўзгариши субъект ва объект муносабатларининг ҳам трансформатсияланишига олиб келди. Фаннинг ҳар бир ривожланиш даврида билиш объекти ўзгариб боради ва бу ўзгаришлар қуйидагилар билан характерланади: биринчидан, фан объекти янги объектлар ҳисобига кенгайиб боради. Бу янги объектларнинг баъзилари илмий технологик ривожланиш натижаси ҳисобланади. Масалан, буларга сунъий интеллект, биотехнологик ва ижтимоий структураларни мисол қилиш мумкин. Бу объектларнинг оддий кенгайиши бўлмасдан, тобора фан ўрганувчи объектларнинг инсонийлашиб боришидир. Яъни замонавий фанда тадқиқ этилаётган объектлар бевосита инсон мавжудлиги унинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўрилади. Инсон бундай билиш жараёнида объектларга оддий кириб бормасдан, балки табиий жараёнларда фаол иштирок этади, тизим ҳосил қилувчи тамойил, барча илмий тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси сифатида таърифланади. Иккинчидан, бундай объектлар тўғрисидаги тафаккур инсон мўлжаллари, қадриятлари, билиш жараёнларидаги воситалар, мақсад ва қадриятларни ифода этувчи билиш субъектининг хусусиятлари билан боғлиқдир. Масалан, классик фан чизиқли, ёпиқ тизимларни ўрганиб келди. Ваҳоланки, бундай тизимлар табиий ва ижтимоий борлиқнинг бир қисмини ташкил этади, холос. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, "замонавий илмий тафаккур оламга муаммоли конструктив муносабат доирасида шаклланди ва ривожланмоқда". Замонавий фаннинг мураккаб объектларни ўрганиши билиш жараёнига тасодифни ҳам киритилишига олиб келди. Тасодиф тафаккурнинг элементларидан бири бўлиб, у инсон фаолиятининг дастурида мавжуд эканлиги таъкидланмоқда.

Демак, замонавий эпистемологияда ўзгаришлар юз бермоқда ва бунда илмий билимлардаги трансформатсия жараёнларини асосий омил деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки илмий билимлар тизимидаги трансформатсиялар, пировардида эпистемологиядаги трансформатсияларга олиб келган. Эпистемологиядаги трансформатсиясида илмий билимлар тизимидаги трансформатсиялар асос бўлиб хизмат қилар экан.

Буни замонавий эпистемологиядаги "когнитив инқилоб" мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Когнитивликка эътиборнинг кучайишига фалсафа, фан тизимидаги ўзгаришлар, компютер инқилоби асосий омил бўлиб хизмат қилади. Яъни, фалсафадаги антропологик ёндашув, ноклассик фалсафий тафаккурнинг шаклланиши; табиий фан соҳаларидаги инқилобий ўзгаришлар;

ахборот технологияларининг илмий билишда кенг қўлланилишида кўриш мумкин.

Илмий билимлардаги трансформатсия жараёнлари – билимлардаги структуравий, сифатий ўзгаришлар бўлиб, илмий билимлар тизимининг янги мураккаб тизимга ўтиш жараёнидир. Илмий билимлардаги трансформатсия жараёни, фан вужудга келгандан буён бир неча бор кузатилган объектив жараёндир. Илмий билимлардаги трансформатсия жараёнларининг детерминантлари бўлиб фаннинг мантиқий қонуниятлари ва ижтимоий – маданий омиллар хизмат қилади.

Илмий билимлардаги трансформатсия жараёни эски тафаккур усуллари инқирозга учраган пайтда содир бўлади. Г.Хакен таърифлаганидек, фан статик кўрингани билан, динамик характерга эга. ундаги мавжуд билимлар тизими доимо ўзгариб, мураккаблашиб боради. Фан тарихи кўрсатадики, реал оламни ўрганишда тобора нозик структуравий даражаларга ўтилиши албатта янги эпистемологик принсипларни қўллашни талаб этади. Ўрганиш объектидаги ўзгаришлар билиш жараёнидаги ўзгаришларга олиб келади.

Илмий билимлардаги трансформатсия жараёнларининг моҳиятини тадқиқ этишда ривожланиш, ўзгариш тушунчаларига нисбати муҳим рол ўйнайди. Маълумки, барча очиқ тизимларда ўзгаришлар қайтмас характерга эга, яъни ўзгаришлар маълум муддат давомида тўпланиб боради, тизимнинг олдинги ҳолатининг ўзгаришига олиб келади. Агар ўзгаришлар тизимда янги сифатнинг ҳосил бўлишига олиб келса, тизимда ривожланиш эътироф этилади. Демак, ривожланиш тизимлардаги эволюсия бўлиб, бунда тизим тузилмасининг мураккаблашуви содир бўлади. Маълумки эволюсияда структуравий даражалардаги мураккаблик ортиб боради. Буни назарда тутадиган бўлсак, илмий билимлардаги трансформатсия натижасида ҳам билимлар тизимининг мураккаблашуви содир бўлади. Чунки "мураккаблик ва ночизиқлилик материя, ақл, жамият эволюсиясининг ажойиб хусусияти ҳисобланади".

Билимлардаги трансформатсия жараёнининг механизми, диалектикага кўра билимлар тизимидаги трансформатсия жараёни ривожланишга олиб борадиган шундай диалектик инкорки, унда объект, тизим ўз асосларини сақлаган ҳолда сифат жиҳатдан ўзгаради, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш содир бўлади.

Бу жараён билимлар тизимидаги ривожланиш бўлиб, бунда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларга ўтиши ва инкорни инкор қонуни амал қилади. Инкор натижасида билимлар тизимида қуйидаги уч ҳолат кузатилади: қайсидир бир сифатнинг йўқолиши содир бўлади; янги сифат ҳосил бўлади; эски тизим элементларидан баъзиларининг кейинги тизимга ўтиши содир

бўлади. Ана шундай трансформатсия натижасида фан бугунги кунда интегратив, комплекс тизимга айланмоқда. Фанда интегратив жараён кучайиб бормоқда. Бундай интегратив жараёнлар натижасида фан тизимида янги соҳалараро илмий билимлар вужудга келмоқда.

Диалектикага кўра, трансформатсия жараёнининг механизмини тушунтиришда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларга ўтиши қонуни амал қилади. Билимларнинг трансформатсиялашиб боришида янги назария ва янги методларнинг вужудга келиши муҳим аҳамият касб этади. Улар фанда аста- секин, фан асосларидаги ўзгаришларга сабаб бўлади. Фан асосларининг асосий компонентлари бўлиб: оламнинг илмий манзараси (ОИМ); илмий билишнинг идеаллари ва нормалари; фаннинг фалсафий асослари хизмат қилади .

Оламнинг илмий манзараси – турли илмий тадқиқот соҳаларидаги маълум билимларни интегратсия ва тизимлаштиришда андаза бўлиб хизмат қилиб, маълум тарихий ривожланиш даврига хос фан предметини белгилайдиган назарий билимлар синтезидир. Оламнинг илмий манзараси асосида борлиқ структураси, умумий қонуниятлари тўғрисидаги умумий тасаввурлар шаклланади. Оламнинг илмий манзараси назарий билимларни тизимлаштиришнинг олий шакли сифатида намоён бўлади. Оламнинг илмий манзараси оламни назарий ва маънавий-амалий ўрганиш натижаларини ўзаро боғлайди.

Илмий билишнинг меъёрлари ва идеаллари илмий фаолиятнинг мақсадларини ва бу мақсадларни қўлга киритиш усулларини ўзида ифодалайди. Шунинг билан бирга, илмий билиш меъёрлари ва идеаллари билиш жараёнларини бошқарувчи кўрсатмалар ҳисобланиб, маълум тарихий ривожланиш даврида фаннинг жамиятдаги ролини белгилайдиган, илмий коммуникатсия жараёнини бошқаради. Бу нормалар ва идеаллар фаннинг билиш фаолияти ва ижтимоий институт сифатида амал қилишининг мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Фанлардаги ўзгаришларда тафаккур услубидаги ўзгариш муҳим аҳамият касб этади. "Илмий тафаккур услуби мазкур даврда тадқиқотчилар амал қилувчи умумий қабул қилинган методологик меъёрлар ва фалсафий тамойилларнинг тарихан шаклланган, барқарор тизимидир". Илмий тафаккур услуби илмий билим структурасини, унинг конкрет тарихий шаклини белгиловчи методологик тамойилар ва меъёрларнинг динамик тизими сифатида фанда амал қилади. Илмий тафакур услуби билиш жараёнида тартибга солиш, танлаш ва башорат қилиш функсияларини бажаради.

Дарҳақиқат, бугунги кунда замонавий илмий билимларнинг ривожланиши, улардаги трансформатсиялар эпистемологияда ҳам ўзгаришларга олиб келди. Эпистемологияда антропологик бурилиш содир бўлди, яъни билиш жараёнида инсоннинг ратсионал ва ирратсионал хусусиятлари эътиборга олинмоқда. Биринчи бор эпистемологияда билиш жараёнининг натижасигина эмас, балки билиш жараёнининг ўзи ҳам тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотчиларнинг аксарият қисми замонавий эволюсион эпистемологиянинг асосий вазифасини, классик эпистемологик анъаналар чегарасидан ташқарида бўлган билишнинг кўплаб муаммоларига ҳар тарафлама ва максимал тўла-тўкис ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисоблайдилар. Бу ёндашув турли хил фанлардан олинган натижаларга асосланганлиги учун ҳам билиш муаммоларига алоқадорлиги мавжуд. Замонавий тадрижий эпистемологиянинг илмий асоси сифатида албатта биринчи ўринда эволюсиянинг биологик назарияси туради. Бироқ билишга оид жараёнларни тадқиқ қилишга нейробиология, этология, когнитив психология, ривожланиш психологияси, бошқа когнитив фанлар, мантиқ ва фан методологияси, эпистемологик мантиқ ва бошқа фанлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

Епистемология ўз навбатида ратсионаллик билан бевосита боғланган бўлиб, ратсионаллик натижасида эпистемология ўзгаради ва ривожланади. Эпистемология ратсионалликнинг бир кўринишидир. Ратсионалликсиз эпистемология мавжуд бўлмайди. Шу ўринда ратсионалликнинг эволюсияси эпистемологиянинг ҳам эволюсиясига сабаб бўлади. Ратсионаллик инсон фаолиятида ҳам, фалсафада ҳам чуқур илдиз отган. Ратсионаллик муаммоси соф гносеологик, яъни билишга доир мазмунга эга. Назаримизда, ратсионаллик муаммоси ҳозирги вақтда, яъни республикамиз мустақилликка эришиб, янги ижтимоий муносабатлар – бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муносабатларга асос солинаётган бир вақтда, алоҳида аҳамият касб этади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши қадриятлар, идеаллар, дунёқарашнинг ўзгаришига олиб келади. Яъни ратсионаллик муаммоси нафақат гносеологик, назарий, дунёқараш билан боғлиқ мазмунга, балки амалий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Инсоннинг билиш фаолияти ҳам, амалий фаолияти ҳам ратсионалликка асосланади.

"Билиш ривожланиши ўзида эволюсияни намоён этади, бошқа нарсаларда эса тадрижийлик давом этади". Бу икки жараёнда билиш оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиб бориши ва ўзида илмийликни намоён

қилишини кўрамиз. Шундай экан, билишнинг моҳияти ва мазмуни билан боғлиқ масалалар узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқ бўлдики, инсоният билиши Парменид, Суқрот ва Платондан икки минг йил олдин вужудга келган экан. Ҳақиқатдан ҳам, тарихий жиҳатдан олганда, эпистемологик тасаввурлар ва муаммолар гносеологик тасаввурлардан олдин пайдо бўлиб, қадимги даврлардаёқ шаклланган. Жумладан, Платоннинг "ғоялари" ва у таклиф этган "ҳақиқат" консепсияси, Зеноннинг апориялари, скептиклар қарашлари, Аристотелнинг мантиғи кабилар.

Инсон ақлий қобилиятининг намоён бўлиши ва ратсионал билишга мурожаатини биринчилардан бўлиб Платон кўриб чиқди. У "ақл" ва "идрок"ни ўзаро фарқини, "мақсадларнинг" ҳар бири оламни ғоявий жиҳатдан билишда бошдан охиригача жавобгарликни ҳис қилиш инсоннинг "руҳий" қобилиятига боғлиқлигини кўрсатади.

Ратсионаллик эволюсиясида асосан қуйидагилар муҳим ўринга эга: билишни далил ва исботларга таяниши; мақсадни тўғри қўя билиш; мантиқийлик; билиш метод ва методологиясини тўғри танлаш; адекватлик принсипи; режалилик; тўғри прогноз; билишда иложи борича стихиялиликни камайтириш; вазият доимо онг назоратида туриши; тўғри баҳолаш.

Ратсионаллик ўз-ўзича номоён бўлмайди балки, ратсионаллик илмийликни ҳам ўз ичига олишини кўрсатади. Илмий ратсионаллик умумий кўринишда ратсионаллик ақл ва ироданинг далилларга, ҳис-туйғунинг кечинмасига, ҳаяжон ва шахсий фикрга нисбатан қарор қабул қилиш вақтидаги доимий танқидий кўриб чиқиш, билимларнинг таъсирини белгилайди. Илмий ратсионалликнинг муҳим объектив асосларидан бири амалиётдир.

Шуни таъкидлаш керакки, илмий ратсионалликнинг янги турларини вужудга келиши билан аввалгилари эскирган ҳисобланмайди. Аслида бу турларнинг шундай мураккаб иерархияси тузиладики, унда ҳар бири учун бошқаларга нисбатан афзалликларга эга бўла оладиган қонуний ҳаракат доираси топилади. Пировардида ратсионалликнинг ҳар бир янги тури ўрганилаётган объектларнинг тузулиши ва мураккаблиги даражаси хақидаги муайян онтологик тасаввурлар билан боғлиқ бўлади.

Ратсионаллик туғилгандан бошлаб вужудга келмайди, уни шакллантириш керак бўлади. Ратсионалистлар объектив оламнинг ратсионал тузилганлигига ишонадилар. Ратсионал тафаккур нарсаларнинг структурасини ратсионал тузилганлигига адекват бўлиши керак. Ратсионализм очиқ тизим сифатида моддий нарсаларнинг тузилиш структурасини очиб, ривожланиш жараёнида

олдингиларига нисбатан катта алоқалар ва муносабатларни қамраб олади ва тадқиқ этади. "Ратсионал фикр объектларни ўрганиш давомида нафақат такрорлаш билан ва нафақат реконструксияси билан машғул, балки уни қайта ташкил этиш ва қуриш билан ҳам шуғилланади".

Умуман олганда, ратсионаллик нафақат билиш қуроли, балки ижтимоий амалиёт воситаси ҳамдир. Унинг тараққиёти нафақат фан ривожланиши, балки ижтимоий-маданий муҳитнинг яхлит таъсири билан боғлиқ. Ратсионаллик кундалик онгимиз орқали англаб бўлмайдиган воқелик қамламларига кириб бориб, ўзига хос ғоялар, ғоявий тузилмалар дунёсини яратади. Инсон фаолияти жараёнида, бу ғоявий тузилмалар дунёсини яратади. Инсон фаолияти жараёнида бу ғоявий тузилмалар дунёси объективлашади, реал борлиқдан ҳамда шахсий қарашлар, кечинмаларга эга бўлган индивиддан бегоналашади, шахснинг билиш ва амалий фаолиятида фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, ахборрот маданиятини шакллантириш масаласи жамият ривожи билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли у мамлакат миқёсида ижтимоий аҳамиятга молик масаладир. Шу сабабли ахборотлашган жамият шаклланиши шароитида ахборотлаштириш жараёнининг барча соҳага оид жиҳатларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда миллат ва давлатнинг энг муҳим ресурсларидан бири инсонларнинг ақлий салоҳияти ва билим даражаси ҳисобланади. Ижтимоий тараққиёт, аввал тасаввур этиб келинганидек, юқори турмуш даражасига эришган ёки замонавий техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйган мамлакатлар эмас, балки таълим ва тарбиянинг янада юқори даражасини таъминлашга эришган мамлакатлар тарих саҳнасининг олд қаторларига чиқаётганлигини кўрсатмокда.

| **KIRISH** | |
|---|---|
| 1. Mohammad Esmaeil, A. BEYOND TIME: A PHILOSOPHICAL PERSPECTIVE ON THE END THE SHARIA ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250215 | 4 |
| 2. Алексей Юрьевич, В. ИБН СИНА КАК НЕОПЛАТОНИК И МИСТИК ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250217 | 19 |
| 3. Комилов, Д. НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ПРОГРЕСС И БУДУЩЕЕ ЧЕЛОВЕКА ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250219 | 25 |
| 4. Молдахмет, А. А., & Токаева, Д. Б. ГЕРМАН ТАЙПАЛАРЫНЫҢ АРАСЫНДА ФЕОДАЛДЫҚ ҚАТЫНАСТАРДЫҢ ҚАЛЫПТАСУЫ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250221 | 31 |
| 5. Апашева, С. Н., & Сарсенбаев, С. Б. ТАРИХ САБАҚТАРЫНДА ЖАҢА ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДЫҢ КӨМЕГІМЕН ОҚУШЫЛАРДЫҢ ТАНЫМДЫҚ ҚАБІЛЕТТЕРІН ДАМЫТУ ЖОЛДАРЫ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250223 | 38 |
| 6. Токмурзаев, Б. С., & Елемесова, А. А. КЕҢЕС ҮКІМЕТІ ТҰСЫНДАҒЫ ОҢТҮСТІК ӨЛКЕ ҚАЗАҚТАРЫНЫҢ ӨМІРІНДЕГІ ИСЛАМ ДІНІНІҢ РОЛІ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250225 | 44 |
| 7. Ikramov, R. A. EKOMADANIYAT – INSON MAVJUDLIGINING ASOSI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250229 | 51 |
| 8. Axatov, L. K. ИЛМ – ФАЛСАФА ВА ЭЪТИҚОД МОҲИЯТИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250231 | 57 |
| **9.** Нешитов, П. Ю. КЛАССИФИКАЦИЯ РЕЛИГИЙ КАК МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ, НАУЧНАЯ И ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250233 | 63 |
| 10. Кашкинбаева, А. Т. АБАЙ ФИЛОСОФИЯСЫНДАҒЫ ДІН ЖӘНЕ ҚОҒАМДЫҚ ДАМУ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250236 | 67 |
| 11. Омонов, Б. МУМТОЗ АДАБИЁТНИ, ТАСАВВУФНИ БИЛУВЧИ ПЕДАГОГЛАР ЕТИШМАСЛИГИ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ФЕНОМЕНИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250238 | 75 |
| 12. Холмуминов, Д. М., & Комилов, Д. Р. ТАСАВВУФ И ЕГО ШКОЛЫ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250240 | 81 |
| 13. Valiyeva, N. A. FALSAFA VA ILOHIYOT- FALSAFANING MUNOZARALI SHAKLI SIFATIDA ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250243 | 96 |
| 14. Ergashev, U. B. AHMAD TOSHKO'PRIZODA QARASHLARIDA FALSAFA VA DIN UYG'UNLIGI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250245 | 103 |
| 15. Abdunazarova, S. IMOM TERMIZIY MA'NAVIY MEROSINING SHARQ SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O'RNI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250250 | 109 |
| 16. Achilova, N. N. MARKAZIY OSIYOLIK MUTAFAKKIRLARNING MA'RIFATLI JAMIYAT HAQIDAGI FALSAFIY QARASHLARI VA ULARNING KONSEPTUAL AHAMIYATI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250252 | 113 |
| 17. Azamatov, G. I. THE PHENOMENON OF AN OPEN SOCIETY AND THE TASKS OF EDUCATION IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250254 | 122 |
| 18. Abdusalimov, A. V. BOBURIYLAR HUKMRONLIGI DAVRIDA HINDISTONDA HINDIY VA SANSKRIT TILLARINING AHAMIYATI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250258 | 125 |
| 19. Barotov, S. B. BUXORO XONLIGIDA MAVJUD SOLIQ VA MAJBURIYATLARNING DINIY-HUQUQIY ASOSLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250260 | 132 |

| | |
|---|---|
| 20. Ochilov, J. A. TEXNOGEN SIVILIZATSIYA HAQIDA QUR'ONI KARIM OYATLARIDA BAYON ETILGANLIGI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250262 | 138 |
| 21. Eronov, S. Q. INKLYUZIV TA'LIM: NOGIRON BOLALARGA TENG IMKONIYATLAR YARATISH ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250266 | 142 |
| 22. Karimov, G. X. VIJDON ERKINLIGINING NAZARIY METODOLOGIK ASOSLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250270 | 147 |
| 23. Karimov, G. X. YANGI O'ZBEKISTONDA MILLATLARARO TOTUVLIKNI MUSTAHLASH ASOSLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250273 | 151 |
| 24. Abduraxmonova, Z. N. HAZRATI BASHIR ZIYORATGOHI NOMLANISHIGA OID QARASHLAR ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250277 | 157 |
| 25. Zaripova, H. T. MADANIYAT VA ETNOMADANIY MARGINALLIK FENOMENINING FALSAFIY TAHLILI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250281 | 160 |
| 26. Ikramova, I. R. ARAB-MUSULMON FAYLASUFLARINING DIN VA FALSAFA UYG'UNLIGIGA OID QARASHLARI EVOLYUTSIYASI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250285 | 168 |
| 27. Ilyosov, S. XXI ASR AXBOROT MAKONIDA MEDIA MA'DANIYATNING AHAMIYATI VA UNING JAMIYATDA TUTGAN O'RNI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250300 | 178 |
| 28. Shokirov, M. R. GLOBALLASHUV SHAROIDA QADRIYATLAR RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOSLIGI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250302 | 182 |
| 29. Нарманов, A. X. MILLATLARARO TOTUVLIK VA DINLARARO BAG'RIKENGLIKNI TA'MINLASH — DAVLATIMIZNING BARQAROR RIVOJLANISHI OMILI SIFATIDA ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250313 | 188 |
| 30. Karshiyev, S. S. 192 April 23-24, 2025 https://cspu.uz/ International Scientific and Practical Conference YANGI O'ZBEKISTONDA MILLATLARARO MUNOSABATLARNI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING O'RNI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250315 | 193 |
| 31. Sa'dullayeva, M. HADIS YODLASHDA KOGNITIV STRATEGIYALARNING AHAMIYATI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250317 | 197 |
| 32. Dulanbayeva, O. ZAMONAVIY JAMIYATDA OMMAVIY VA XOS MUTOLAANING SOTSIAL XUSUSIYATLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250319 | 201 |
| 33. Mavlyanov, U. ALI SAFIY DUNYOQARASHIDA RATSIONALIZM VA IRRATSIONALIZM ELEMENTLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250321 | 205 |
| **34.** Kobilova, O. A. UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA O'ZBEK TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH METODIKASI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250324 | 211 |
| **35.** Abduraxmanova, J. N. O'ZBEKISTONDA MILLIY–MADANIY MARKAZLARINING O'RNI VA AHAMIYATI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250327 | 216 |
| **36.** Nafasov, A. K. TA'LIM VA TARBIYA JARAYONIGA TEXNOLOGIK YONDOSHUV – TA'LIM TIZIMI RIVOJINING ASOSIY SHARTI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250331 | 222 |
| 37. Saidov, O. TILSHUNOSLIKDA ZARURIYAT VA AN'ANA ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250333 | 229 |
| 38. Kushakov, S. S. TOPIKSTARTER MARGINAL FALSAFANING TASHBBUSCHISI SIFATIDA ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250335 | 234 |
| 39. Pulatov, S. N. GANDINING ISLOMDAGI AXLOQIY TAMOYILLAR HAQIDAGI FIKRLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250337 | 240 |

| | |
|---|---|
| 40. Quvvatov, S. I. GLOBALLASHUV SHAROITIDA YOSHLAR MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDA ESTETIK TARBIYANING TUTGAN O'RNI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250339 | 248 |
| 41. Abdullayev, S. K. S. HOKINGNING REGULAR QORA TUYNUKLAR VA KVAZI DAVRIY TEBRANIShLAR NAZARIYASI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250341 | 253 |
| 42. Salomo, S. INFORMATSION MANIPULYATSIYANING IJTIMOIY-SIYOSIY XARAKTERI VA UNING JAMIYAT HAYOTIGA SALBIY TA'SIRI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250345 | 257 |
| 43. Toshtemirova, S. THE SCIENTIFIC-PEDAGOGICAL SIGNIFICANCE OF THE AVESTA IN THE MODERN EDUCATIONAL SYSTEM ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250349 | 263 |
| 44. Tangirberdiyev, S. G. FAXRUDDIN ALI AS-SAFIYNING HAYOT YO'LI VA IJODIY FAOLIYATI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250352 | 271 |
| 45. Xojiyev, T. N. "QUVIB YETUVCHI MODERNIZATSIYA" NAZARIYALARINING INQIROZI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250354 | 278 |
| 46. Murodova, F. J. TURKIY TILLAR HARBIY LEKSIKASIDA SINONIMLAR (O'zbek tili harbiy vatanparvarlik nutqi misolida ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250356 | 287 |
| 47. Tursunov, A. K. MAISHIY KORRUPSIYA KO'RSATKICHLARI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250358 | 294 |
| 48. Xaitov, B. T. HADISLARDA YOSHLAR TARBIYASI MASALASI (Imom Buxoriyning "Al-adab al-mufrad" asari misolida) ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250360 | 298 |
| 49. Tashmetov, T. TARIXIY TARAQQIYOT VA UNING G'OYAVIY-MAFKURAVIY MEZONLARINI O'RGANISH DAVR TAQOZOSI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250362 | 304 |
| 50. Ismayilov, A. Z. HUQUQIY DAVLAT VA FUQAROLIK JAMIYATINI SHAKLLANTIRISHDA HUQUQIY ONGNING O'RNI: KORRELYATSIONFUNKSIONAL TAHLIL ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250364 | 310 |
| **51.** Адилов, Б. ТАСАВВУФ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА НАЖМИДДИН КОМИЛОВНИНГ ҚИЁСИЙ МЕТОДИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250366 | 316 |
| 52. Файзиходжаева, Д. И. ИНТЕГРАЛ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА БИЛИМ ВА ЭЪТИҚОД УЙҒУНЛИГИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250368 | 324 |
| 53. Холмуминов, . д . м . НАУЧНЫЕ ДЕБАТЫ МЕЖДУ ФИЛОСОФИЕЙ И СУФИЗМОМ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250375 | 330 |
| 54. Илмуродова, Ф. Ш. ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250377 | 344 |
| 55. Мавлянов, А. А. МАНТИҚ ФАНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250379 | 350 |
| 56. Joldasova U.T BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING NUTQIY IMKONIYATLARINI OSHIRISH USULLARI | 356 |
| 57. Межевникова, О. П. ВИРТУАЛИЗАЦИЯ РЕЛИГИИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250387 | 360 |
| 58. Жузжасарова, А. А. МИР ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЫ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250389 | 365 |
| 59. Saitxodjaev, X. B. HUQUQIY IJTIMOILASHUV SHAXS HUQUQIY MADANIYATINI YUKSALTIRISHNING MUHIM OMILI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250391 | 372 |

| | |
|---|---|
| 60. Saitxodjaev, X. B. JAZONING MAQSAD VA VAZIFALARI: FALSAFIY TAHLIL ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250401 | 380 |
| 61. Sadullayev S. S. COMMONALITIES ABOUT HUMAN SPIRITUALITY IN WESTERN AND EASTERN THOUGHT https://doi.org/10.5281/zenodo.152504012 | 387 |
| 62. Саитходжаев, З. Х. ИЗУЧЕНИЕ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ ПОДРОСТКОВСПОРТСМЕНОВ В ИССЛЕДОВАНИЯХ ЗАРУБЕЖНЫХ ПСИХОЛОГОВ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250403 | 397 |
| 63. Юсупов, М. М. РЕЛИГИОЗНАЯ СИСТЕМА СКИФОВ: ПАНТЕОН, ЖРЕЧЕСТВО И ЦАРСКАЯ ВЛАСТЬ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250408 | 405 |
| 64. Эргашев, И., & Сафаров, М. М. ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ СИЁСИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ТАЪСИРИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250416 | 410 |
| **65. Karlik, M.** ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ **,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250418** | 416 |
| 66. Эшпулатов, И. С. ФАХРИДДИН РОЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МУТАФАККИР ДУНЁҚАРАШИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250420 | 420 |
| 67. Музаффаров, Ф. Д. НОСИРИДДИН ТУСИЙНИНГ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250422 | 423 |
| 68. Primov, B. A. AXBOROTLASHGAN JAMIYATDA AXLOQIY QADRIYATLAR ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250427 | 429 |
| 69. Toshtemirov, R. A. O'ZBEKISTON VA BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTI HAMKORLIGI AHAMIYATI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250431 | 432 |
| 70. Сааданбекова, Ч. И. МЕТОДИЧЕСКИЕ РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ПРИМЕНЕНИЮ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИСТОРИИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250435 | 436 |
| 71. Раҳмонов, Ж. К., & Илмуродова, Ф. Ш. МАИШИЙ СОҲАДА АЁЛЛАР ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250437 | 439 |
| 72. Nurmanov, S. OLIY TA`LIM TIZIMIDA INOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250441 | 447 |
| 73. Sunnatov, T. R. METAETIKA –GLOBALLASHUV JAROYONIDA JAMIYAT HAYOTIDA MUHIM O'RIN EGALLASHI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250443 | 453 |
| 74. Usmanov, A. X. YOSHLARNI HARBIY-VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASH ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250449 | 456 |
| 75. Туганова, Л. Д. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РАЦИОНАЛЬНОМАТЕРИАЛИСТИЧЕСКОГО ПОДХОДА В РАЗВИТИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ЭТИКИ ЮРИСТА ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250458 | 460 |
| 76. Abdullayeva, D. N. JAMIYAT TARIXIDA AYOLLARNING MAVQEIGA MUNOSABATNING TAHLILI ,https://doi.org/10.5281/zenodo.15250462 | 465 |
| 77. Пучков, Д.,Б, СПЕКУЛЯТИВНЫЙ РЕАЛИЗМ ПРОТИВ «ФИЛОСОФИИ ДОСТУПА»:УТОЧНЕНИЕАРГУМЕНТАЦИИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15524825 | 469 |
| 78. Машенцев, А.В., МУЖЕСТВО В ИСТОРИИ ФИЛОСОФИИ: ОТ ПЛАТОНА ДО НИЦШЕ https://doi.org/10.5281/zenodo.15524851 | 479 |
| 79. GERMENEVTIKA, E'TIQOD VA NUTQ – MA'NAVIY TARBIYANING ZAMONAVIY POYDEVORI SIFATIDA" Rahimboy Jumaniyozov | 481 |

| | |
|---|---|
| https://doi.org/10.5281/zenodo.15523231 | |
| 80. GLOBALLASHUV SHAROITIDA TASAVVUFNING DINIY AXLOQIY QADRIYAT SIFATIDAGI O'RNI Ahmad Muhammadiyevich Jo'rayev https://doi.org/10.5281/zenodo.15523249 | 486 |
| 81. A. S. Usmonov 16-YUZYILLIK BOSHLARIDA TURON VA ERON O'RTASIDA DINIY ZIDDIYATLARNING KUCHAYISHI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523261 | 491 |
| 82. I. D Abdullayeva MIGRATSIYA RAQOBATBARDOSHLIK VA IMKONIYATLAR https://doi.org/10.5281/zenodo.15523276 | 497 |
| 83. Madraximov A. A SUN'IY INTELLEKTNING ZAMONAVIY JAMIYATDAGI O'RNI VA BOSHQA SOHALARDA QO'LLANILISHI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523288 | 501 |
| 84. U. I. Imamova YANGILANAYOTGAN JAMIYATDA TALABA YOSHLARNING FUQAROLIK POZITSIYALARINI YAXSHILASHNING DOLZARBLIGI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523292 | 507 |
| 85. Sh. N Miraxmedova XORIJIY DAVLATLARDA MEDIA TA'LIMNI O'RGANISH VA ILMIYNAZARIY TAHLILI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523298 | 513 |
| 86. Nurmatov B. A SAYFIDDIN QUTUZ MEROSINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI VA VATANPARVARLIK QADRIYATLARI TIZIMIDA TUTGAN O'RNI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523311 | 519 |
| 87. H. M Yakubov ODAM SAVDOSI - ASR MUAMMOSI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523319 | 523 |
| 88. B. A Saidusmanov O'ZBEKISTONDA TRANSPORT SOHASINING RIVOJLANISHI (1945-1990 yillar Toshkent viloyati misolida) https://doi.org/10.5281/zenodo.15523328 | 527 |
| 89. Jo'rayev M. X SOMONIYLAR DAVRIDA IJTIMOIY-MADANIY MUHIT VA DINGA MUNOSABAT https://doi.org/10.5281/zenodo.15523339 | 531 |
| 90. H. M Yakubov UMMAVIYLAR DAVRIDA QOZILIK TIZIMINING RIVOJI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523345 | 538 |
| 91. Z. N Xaydarova O'QUVCHILARDA TA'LIM-TARBIYA JARAYONLARINI RAQAMLI VOSITALAR YORDAMIDA O'RGATISH - RAQAMLI SAVODXONLIKNI SHAKLLANTIRISH MEZONIDIR. https://doi.org/10.5281/zenodo.15523353 | 542 |
| 92. Жўраев Ҳ. А ДОВРУЛ ҲИКМА ВА МАОРИФ ТАРИХИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15523368 | 547 |
| 93. Z. Shamsidinov 13–14-YUZYILLIKLAR O'ZBEK DAVLATCHILIGI TARIXI FORS TILLI MANBALARIDA TURONDA TA'LIM TIZIMI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523376 | 551 |
| 94. Ш. О Мадаева ИДЕНТИКЛИК ТАНАЗЗУЛИ ДАВРИДА ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ВА ЭЪТИҚОДНИНГ ЎРНИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15523382 | 555 |
| 95. Kurbonov X YOSHLARDA MILLIY MADANIYATNI SHAKLLANTIRISHGA QARATILGAN DAVLAT SIYOSATIDAGI FAOLIYAT (ijtimoiy-falsafiy tahlil) https://doi.org/10.5281/zenodo.15523400 | 561 |
| 96. Ш. Б Умарова НОВЫЕ ФИЛОСОФСКИЕ ТЕНДЕНЦИИ В XXI ВЕКЕ https://doi.org/10.5281/zenodo.15523410 | 566 |
| 97. N. Axatov AMIR NASRULLOH VA BOSH QUSHBEGI MUHAMMAD HAKIMBIY MAKTUBLARIDA MANG'ITLAR SULOLASI DAVRI TA'LIM TIZIMIGA OID MA'LUMOTLAR https://doi.org/10.5281/zenodo.15523419 | 570 |
| 98. А. Э Юлдашев МИЛЛАТЛАРАРО ДЎСТЛИК ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР | 577 |

| | |
|---|---|
| ЙЎНАЛИШИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15523441 | |
| 99. Х. Н Темиров АҚШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАРНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15523497 | 585 |
| 100. H. N Temirov BILIM, KUCH VA MANFAATLAR ZIDDIYATI: KORRUPSIYANING GNOSEOLOGIK TAHLILI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523505 | 591 |
| 101. Хўжаев М. И АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ "ТАРИХДА УСУЛ" АСАРИДА МАНБАЛАР САҚЛАНАДИГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15523509 | 595 |
| 102. Xolmaxmatov A. H YOSHLAR SIYOSATI SOHASIDA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISHLAR SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523511 | 606 |
| 103. Abdunazarova S IMOM TERMIZIY MA'NAVIY MEROSINING SHARQ SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O'RNI https://doi.org/10.5281/zenodo.15523513 | 612 |
| 104. Azamatova G. I THE PHENOMENON OF AN OPEN SOCIETY AND THE TASKS OF EDUCATION IN KARL POPPER'S PHILOSOPHY https://doi.org/10.5281/zenodo.15523519 | 616 |
| 105. Madalimov T. A POLITICAL EVOLUTION OF IDEAS ABOUT DEATH IN PHILOSOPHY https://doi.org/10.5281/zenodo.15523527 | 619 |
| 106. *Yo`ldashev U.X.*, JAHON TARIXINI O'QITISHDA FALSAFIY YONDASHUV VA ZAMONAVIY AXBOROT MUHITINING INTEGRATSIYASI https://doi.org/10.5281/zenodo.15524864 | 623 |
| 107. *Холмўминов, Ғ.Б.*, АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭПИСТЕМИОЛОГИЯ ВА РАТСИОНАЛЛИК МУАММОСИ https://doi.org/10.5281/zenodo.15524875 | 626 |

# “FALSAFA VA E’TIQOD: O‘TMISH, BUGUN VA KELAJAK”

**mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya**

Muharrir: X. Tahirov
Texnik muharrir: S. Meliquziyeva
Musahhih: M. Yunusova
Sahifalovchi: A. Isxoqov

Nashr. lits № 2244. 25.08.2020 y.
Bosishga ruxsat etildi 10.04.2025 y.
Bichimi 60x84 1/16. Ofset qog‘ozi. ‘‘Times New Roman’’ garniturasi. Hisob-nashr tabog‘i. 24,125.
Adadi 100 dona. Buyurtma № 89.

«ZEBO PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: Toshkent sh., Yashnobod tumani, 22-harbiy shaharcha.
**+998 (94) 673-66-56, +998 (97) 017-01-01**